М. Қ. ПАРДАЕВ

САМАРҚАНД
ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС
ИНСТИТУТИНИНГ
90-ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙИГА
БАҒИШЛАНАДИ

ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ НАЗАРИЯСИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг 90-йиллик юбилейига бағишланади

М. Қ. ПАРДАЕВ

ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ НАЗАРИЯСИ

4-нашр

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан дарслик сифатида тавсия этилган

ТОШКЕНТ – 2022

УЎК: 339.138:311.17
КБК 65.05
М-28

М-28 **М.Қ. Пардаев. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик. 4-нашр. – Т.: «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi», 2022. 588 бет.**

ISBN 978-9943-7670–5–8

Дарслик «Иқтисодий таҳлил назарияси» фани дастури асосида тайёрланган. Унда иқтисодий таҳлилнинг назарий масалалари, шаклланиш ва ривожланиш тарихи, унинг бошқа фанлар билан алоқаси, хўжалик фаолиятига таъсир қилувчи омиллар тизими, уларнинг таснифи, тавсифи, натижа ва омиллар ўртасидаги боғлиқликларнинг турлари ва уларни ҳисоблаш йўллари таҳлилнинг турли усуллар билан аниқлаш услубиётига алоҳида аҳамият қаратилган. Ҳозирги замон талабларига мос ҳолда, барча назарий масалалар ечими аниқ мисоллар билан кўрсатиб берилган. Шунингдек, таҳлилда қўлланиладиган математик моделларнинг типлари ва усуллари ҳамда таҳлилнинг алоҳида шакллари ҳам қараб чиқилган.

Дарслик олий ўқув юртлари талабаларига ва магистрларга мўлжалланган. Ундан профессор-ўқитувчилар, илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланадиган изланувчи тадқиқотчилар, малака ошириш курслари тингловчилари ва иқтисодий таҳлил соҳаси билан қизиқувчи мутахассислар ҳам фойдаланишлари мумкин.

УЎК: 339.138:311.17
КБК 65.05

Тақризчилар:
К. Б. Уразов – и.ф.д., профессор;
А. Ж.Тўйчиев – и.ф.д., профессор;
Б. И. Исроилов – и.ф.д., профессор.

ISBN 978-9943-7670–5–8

© М. Қ. Пардаев, 2022;
© «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi», 2022.

КИРИШ

Мамлакатимизда Иқтисодий таҳлил фанининг ривожланиши асосан мустақиллик йилларига тўғри келади. Шу йилларда унинг назарий ва методологик асоси яратилди ҳамда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига асосланган шакл ва турлари вужудга келди. Энг муҳими, мамлакатимизда Ўзбекистоннинг ўзига хос иқтисодий тараққиёт йўлига, мос бўлган "Иқтисодий таҳлил" фани шакллантирилди ва мамлакатни ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган "Ҳаракатлар стратегияси"га хос ҳолда босқичма-босқич такомиллашмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда иқтисодий таҳлил фанидан турли мактаблар шаклланди. Собиқ Иттифоқ шароитида ушбу фан бўйича таҳлил мактаблари яратилган эди. Улардан бири профессор И.Т.Абдукаримов томонидан асос солинган Самарканд мактаби бўлса, ҳозирги кунда профессорлар Ё.А.Абдуллаев, А.В.Ваҳабов ва Э.А.Акрамовлар раҳбарлигидаги Тошкент молия институти мактабларини, доцент А.Х.Шоалимов ва Е. Ергешевлар томонидан яратилган Тошкент давлат иқтисодиёт университетидаги таҳлил мактабларини келтириш мумкин. Ҳозирги кунда Тошкентда профессор Б.А.Ҳасанов, доцент А.Ҳ.Шоалимовлар раҳбарлигида таҳлилга оид бир қанча асарлар яратилди ва яратилмоқда.

Иқтисодий таҳлил бўйича маҳсулотларни асосан, шу мактаб вакиллари бермоқдалар. Ҳозирги пайтда иқтисодий таҳлилнинг таркибий тузилиши бўйича барча мактаб вакиллари бир тўхтамга келишган. Иқтисодий таҳлилнинг уч гуруҳга (Иқтисодий таҳлил назарияси, Молиявий таҳлил, Бошқарув таҳлили) бўлиниши тан олинди ва шунга биноан иш кўрилмоқда. Буларга охирги пайтларда нашр қилинган китоблар, монография ва рисолаларнинг номларини ҳам мисол қилиб келтириш мумкин. Буларнинг аниқ номлари адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Мазкур мавзуни ўрганишда маъруза жараёнида "Иқтисодий таҳлил (ИТ) кўчаси" номли педагогик технология усулидан фойдаланишни тавсия қиламиз. Бунда иқтисодий таҳлил

SAMARQAND IQTISODIYOT VA SERVIS INSTITUTI AXBOROT-RESURS MARKAZI № 64101

кўчасидан 56-70 балл олиб ўтса у қониқарли ўтган бўлади. Агар 71-85 балл олиб ўтса яхши ўтган ҳисобланади. Борди-ю, 86 ва ундан юқори балл олишга муяссар бўлса, талаба ИТ кўчасидан аъло даражада ўтган ҳисобланади. Агар талаб 55 дан кам балл тўплаган бўлса, ҳали "Иқтисодий таҳлил кўчаси"дан ўтмаган бўлади. Бирорта фаннинг кўчасидан бемалол ўтиши учун ушбу фанни ("кўчани") билиши лозимлигини тақозо қилади. Шу туфайли, ҳозирги кунда ИТ кўчасидан аъло даражада ўтишни, бунинг учун эса, мукаммал ва жиддий ёндошган ҳолда ўқиш лозимдир.

Ушбу вазифалардан кўриниб турибдики, мазкур мавзу бўйича "Иқтисодий таҳлил кўчаси"дан ўтиш учун нафақат талаба, балки ўқитувчилар ҳам ўта билимдон, зийрак ва ҳозиржавоб бўлиши керак. Буларнинг асосий шарти уларнинг билимдон бўлишлигида. Бунда мазкур услубий кўрсатма маълум маънода ушбу шартни бажаришга хизмат қилади.

Юқорида таъкидланганидек, ушбу дарслик олий ўқув юртлари ва касб ҳунар коллежларида иқтисодий таҳлил фанидан дарс берувчи профессор-ўқитувчиларига, магистрлар, бакалаврлар ва КҲКлари талабаларига мўлжалланган. Ундан мазкур фанга қизиқувчи бошқа мутахассислар ва кенг китобхонлар ҳам фойдаланишлари мумкин. Муҳими, ҳар қандай фаннинг яратилиш тарихи ушбу фан назариясининг таркибий қисми ҳисобланади. Шу жиҳатдан ушбу иш нафақат назарий, балки муҳим амалий аҳамиятга ҳам эга.

Ҳозирги пайтда ҳаётимизнинг барча жабҳаларида кескин ўзгаришлар содир бўлмоқда. Шу туфайли бундай ўзгаришларга улгуриш воситаси сифатида кундалик иш фаолиятимизга ахборот технологиялари шиддат билан кириб келмоқда. Булар эса фаолиятимиз натижаларига таъсир этувчи барча омилларни аниқлаш, уларнинг таъсирини ҳисоблаш имконини ҳам туғдирмоқда. Бундай шароитлардан фойдаланган ҳолда ҳар бир корхонада ўзининг молиявий-хўжалик фаолиятини тизимли равишда таҳлил қилиш имкониятига ҳам эга бўлиб бормоқда.

Бозор муносабатларининг чуқурлашиб бориши, ҳар бир корхонада мавжуд бўлган ички имкониятларни ҳам аниқлаш ва уларни ишга солиб, ўзларининг рақобатбардошлигини таъминлаш заруратини туғдирмоқда. Бу эса ўз навбатида иқтисодий

кўрсаткичларни яхшилашни, бунинг учун омилли таҳлилдан кенг фойдаланишни ҳам тақозо қилмоқда. Зеро, эндиги мутахассис ҳар бир кўрсаткичга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг таъсирини ҳисоблаш йўлларини билиши, шу йўл билан корхонада мавжуд бўлган ички имкониятларни ишга солиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиши, буларни ишга соладиган бошқарув қарорларини қабул қила олиш қобилиятига эга бўлиши лозим. Бундай заруриятат мавзунинг ўта долзарблигидан далолат беради.

Мазкур ишнинг мақсади, унинг объектив заруратидан ва кам ишланганлигидан келиб чиқади. Чунки ҳозирги кунда иқтисодий кўрсаткичларнинг омилли таҳлили ўта зарур бўлишига қарамасдан таҳлилга оид адабиётларда кам ёритилган. Айрим дарсликлар ва ўқув қўлланмаларда ҳам омилли таҳлил ва уни амалга ошириш масаласи тўлиқ ёритилмаган. Бу эса ўз навбатида, замонавий мутахассисларнинг ушбу масалани яхши ўзлаштириш лозимлигини тақозо қилади. Айнан муаммонинг ушбу жиҳати мазкур ишни тайёрлашга туртки бўлди.

Дарсликнинг мақсади корхоналар молиявий хўжалик фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар тизимини ишлаб чиқиш, уларнинг таснифи ва тавсифи ҳақида умумий тушунча бериш, ҳар бир омилнинг таъсирини таҳлилнинг турли усулларини қўллаган ҳолда ҳисоблаб чиқиш йўлларини ёритиш ва ички имкониятлардан фойдаланган ҳолда тегишли бошқарув қарорларини қабул қилишга қаратилган илмий-назарий ва амалий тавсияларни беришдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун ишда бир қанча вазифалар белгиланган:

- иқтисодий кўрсаткичлар омилли таҳлилининг назарий масалаларини қараб чиқиш;
- корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятига таъсир қилувчи омиллар тизимини ишлаб чиқиш;
- уларни таснифлаш белгиларига аниқлик киритиш;
- барча таснифий гуруҳларни назарий жиҳатдан очиб бериш;
- ҳар бир гуруҳга кирувчи омилларни аниқ мисоллар билан ёритиш;
- омилларнинг боғлиқликларини кўрсатиш мақсадида турли формулалардан фойдаланиш йўлларини ҳам ишлаб чиқиш;

- омилли таҳлил натижасида тегишли ички имкониятларни топиш йўлларини кўрсатиб бериш кабилардан иборатди.

Мавзунинг ҳаётийлигини таъминлаш мақсадида, амалиётга яқин бўлган кўрсаткичларни таҳлил қилишнинг назарий ва амалий жиҳатларини очиб беришга алоҳида аҳамият берилган. Муҳими, мазкур ишни жамоа бўлиб фойдаланишга ҳам мўлжаллаб тайёрланди. Шу мақсадда ҳар бир бобнинг давомидан ушбу мавзу бўйича қараладиган масалалар режа тариқасида келтирилиши билан бирга такрорлаш ва ўзларини ўзлари назорат қилиш учун саволлар ҳам келтирилган. Ушбу ҳолат ўқувчиларни мунозарага, савол-жавобларга, диспут ва кенг кўламда тортишувларга олиб келиши мумкин. Бу ҳолат ушбу фандаги масалаларни тўлиқ ўзлаштириш имкониятини беради.

Дарслик олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланувчи катта илмий ходим-изланувчиларга, мустақил тадқиқотчилар, магистрлар ва талабаларига мўлжалланган. Унда малака ошириш курслари тингловчилари ва иқтисодий таҳлил соҳаси билан қизиқувчи мутахассислар ҳам фойдаланишлари мумкин.

I қисм. ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

1-боб. ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИНГ ЗАРУРЛИГИ, ПРЕДМЕТИ, ОБЪЕКТИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА КОРХОНАНИ БОШҚАРИШДАГИ РОЛИ

1.1. Иқтисодий таҳлилнинг объектив зарурлиги

Инсоннинг кундалик яшашининг мазмуни таҳлилдан иборат. Чунки ҳар куни эрта тонгда уйғониш билан нима қилиш керак ва нима қилдим, беган савол ақли расо инсонни чўлғаб олади. Бу саволга жавобни бериш учун одам ўз фаолиятини хаёлан таҳлил қилиб чиқади. Кимки ўзини чуқур таҳлил қила олса, у ўзига тегишли вазифаларни ҳам қўя олади ва башқалардан фарқ қилиб бошлайди. Шу туфайли таҳлил инсон ҳаётида муҳим ўрин эгаллар экан. Ушбу ҳолатни инобатга олиб, мамлакатимизда 2017-2021 йилларга мўлжалланган кенг қамровли ривожланиш стратегияси қабул қилинмади. Мазкур стратегияда кўзда тутилган вазифалар ҳаммага (оддий фуқаролардан тортиб, ҳудудий ва мамлакат раҳбаригача) тегишли ва мос равишда, унинг ҳамма банди ҳаммага дахлдордир. Унинг бажарилишида ҳеч ким четда томошабин бўлиб қараб туришга ҳақи йўқ. Ҳамманинг вазифаси бор. Шу жиҳатдан ҳар бир киши мазкур йўналишда қайси масала менга тегишли ва уни қандай бажаришим керак, деган саволни ўз олдига қўйиши, бунга жавоб топиш учун ўзини таҳлил қилиш, яъни ўзига бефарқ бўлмаслиги керак.

Иқтисодий жараёнлар таҳлили ҳам ҳар бир иқтисодий ҳодисани ўрганишни тақозо қилади. Шу туфайли мазкур фан бугунги кунда ҳам ўта долзарблиги билан аҳамиятлидир. Иқтисодий таҳлил фанининг предметини ўрганишнинг зарурлиги, бу бўйича турли қарашлар мавжудлиги, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш ҳамда инновацион жараёнларга мос таърифини ишлаб чиқиш, корхоналарни бошқаришдаги ўрни ва вазифаларини кўрсатиб бериш, объектига аниқлик киритиш,

уларнинг методи ва методологик жиҳатларини асослаш каби бир қанча масалаларни назарий жиҳатдан ўрганишини мазкур фаннинг объектив зарурлигини тақозо қилади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш натижасида тадбиркорликка асосланган турли мулк шаклидаги корхоналарнинг вужудга келиши, бир томондан корхоналарнинг мустақил фаолияти учун катта имконият яратиб берса, иккинчи томондан, уларнинг масъулиятини ҳам оширди. Корхоналарнинг иқтисодий эркинлиги ва масъулиятининг ошганлиги ўз фаолиятини чуқур таҳлил қилишни тақозо қилади. Бу жараён, энг аввало, иқтисодий таҳлилнинг зарурлигини кўрсатса, иккинчи томондан, уни ҳар бир хўжалик юритувчи субъектда қандай ташкил қилиш муаммосини ҳал қилишда намоён бўлади.

Аммо адабиётларда иқтисодий таҳлилни ташкил қилиш Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўлини ифода этган ҳолда етарлича ёритилмаган. Шундан келиб чиқиб, иқтисодий таҳлилни ташкил қилиш масалаларига бугунги кун талабидан, яъни иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш ҳамда инновацион жараёнлардан фойдаланиш ҳолатидан келиб чиқиб ёндошиш мақсадга мувофиқдир.

Иқтисодиётни эркинлаштириш, жамият ҳаётида эркин бозор муносабатларининг шаклланиши, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш ҳамда инновацион жараёнлардан фойдаланиш иқтисодий таҳлил билан боғлиқ янги-янги муаммоларни вужудга келтирди. Ушбу муаммоларнинг бир қисми ҳал қилинди, аммо ҳал бўлиши лозим бўлган бир қанча гуруҳ муаммолар ҳам сақланиб қолмоқда. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Мазкур фанни мамлакатимизда шаклланган иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш ҳамда инновацион жараёнлардан фойдаланишнинг ўзига хос бозор муносабатларига мос, унинг назарий ва методологик асосини ҳамда таркибий тузилишини ишлаб чиқиш муаммоси.

2. Ушбу фаннинг кимларга кераклигини, ички ва ташқи фойдаланувчилар қайси кўрсаткичларни таҳлил қилишини асослаш ва шунга мос равишда мутахассисларни тайёрлаш муаммоси.

3. Бугунги кун талабидан келиб чиқиб, ислоҳотларга, хусусан, давлат ва нодавлат секторига мос мазмунан янги иқтисодий кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш муаммоси.

4. Турли мулк шаклида фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларда иқтисодий таҳлилни ташкиллаштириш муаммоси.

5. Хизмат кўрсатиш корхоналари, хусусан, туристик фирма ва компаниялар, меҳмонхона хўжаликлари каби хизмат кўрсатиш соҳаси субъектлари фаолиятини таҳлил қилиш муаммоси.

Ҳар бир муаммонинг мазмун-моҳияти ва уни ҳал қилиш йўлларини кўриб чиқиш бугунги кунда ўта муҳим ҳисобланади. Чунки, республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш ҳамда инновацион жараёнлардан фойдаланишда ўзига хос иқтисодий дастаклар ва шунга мос фанларнинг шаклланишини ҳам тақозо қилади. Бундай фанлардан бири «Иқтисодий таҳлил» фани бўлиб, унинг таркиби ва мазмуни маълум даражада ўзгартирилиб, замонавийлаштирилиб, такомиллаштиришни тақозо қилади.

Албатта, иқтисодий таҳлил олдинги маъмурий буйруқбозликка асосланган режали иқтисодиёт шароитида ҳам мавжуд эди-ку, уни янгидан шакллантиришга зарурат борми, деган саволнинг туғулиши мумкин. Бунга жавобан шуни таъкидлаш жоизки, ушбу фан олдинги режали иқтисодиёт шароитида ҳам ҳақиқатда мавжуд ва унинг назарий ва методологик асоси яхши ривожланган эди. Аммо унинг мақсади ва моҳияти, таъкидланганидек, режали иқтисодиётга мослаштирилган бўлиб, бевосита режанинг шаклланиши ва бажарилишига хизмат қилишга қаратилган эди. Унинг мазмуни эса, маълум даражада, мафкуравийлашган ҳолда, энг аввало, давлат манфаатини ифодалаб келган. Чунки барча мулк, уни тасарруфида бўлиб, ундан фойдаланиш бевосита давлатнинг ихтиёрида эди. Одатда мулк кимга тегишли бўлса, хўжалик фаолиятининг натижалари ҳам шунга тегишли бўлади.

Эндиликда иқтисодий вазият тубдан ўзгарди. Давлатнинг мулкка ва барча иқтисодий жараёнларга эгалиги барҳам топиб, кўп мулкчиликка асосланган, бозор муносабатларини ўзида ифода этадиган, мазмун жиҳатидан янги иқтисодиёт шаклланди. Бу эса шунга мос равишда мазмун жиҳатдан янги мазмундаги «Иқтисодий таҳлил» фанининг шакллантирилишини тақозо қилди. Бугунги кунда иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш ҳамда инновацион жараёнлардан фойдаланиш ҳам ушбу

фаннинг таркиби ва мазмунига айрим ўзгартиришлар киритилишини тақозо қилади.

Эндиги «Иқтисодий таҳлил» фани, энг аввало, ҳеч қандай мафкурага тобе бўлмасдан, давлат манфаатини инкор қилмаган ҳолда турли мулк эгаларининг (иш кучи эгаси, меҳнат жамоаси, корхона ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг) манфаатларини ўзида акс эттирган ҳолда ифода этилиши мақсадга мувофиқдир. Бу ҳолат мазкур фаннинг мақсади, вазифалари, таркиби, унда қўлланиладиган кўрсаткичлар тизимини, энг муҳими, унинг мазмунини ҳам ўзгартиришни тақозо қилади.

Ушбу муаммоларни ҳал қилиш иқтисодий таҳлил фанининг кимга кераклиги у билан ким шуғулланиши, унинг объектив зарурлигини асослашни тақозо қилади. Иқтисодий таҳлилда корхона раҳбари ёки менежери, унинг фаолиятини батафсил ўрганиши лозим. Бунинг учун эса кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Шу мақсадда иқтисодий таҳлилда ўрганиладиган такомиллашган кўрсаткичлар тизими ва уларни бугунги кун талабидан келиб чиқиб, баҳолаш йўллари ишлаб чиқилиши лозим.

Иқтисодий таҳлил фанининг олдига қўйилган муҳим вазифаларни тўлиқ бажариш, унинг бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт тамойилларига мос келишини таъминлаш, Ўзбекистонда иқтисодий ўсишни жадаллаштириш мақсадида мавжуд бўлган ички имкониятларини ахтариб топиш йўлларини ишлаб чиқиш каби муҳим иқтисодий ишларни тўғри бажариш учун унинг предмети, объекти, методи, турлари, шакли, услублари каби мазкур фаннинг назарий асосларини аниқ белгилаб олишни тақозо қилади.

Иқтисодий таҳлил фанининг ҳамон тўлиқ ўз ечимини топмаган бозор муносабатларига хос назарий муаммоларидан бири унинг предметидир. Ҳар қандай мустақил фан ўзининг предметига эга. Фаннинг предмети деганда, одатда, шу фанда нима ўрганилиши тушунилади. Иқтисодий таҳлил фанининг предметига кенг маънода қарайдиган бўлсак, у иқтисодий фан сифатида таҳлил қилинаётган объект (корхона, бирлашма, компания, акциядорлик жамияти, концерн, корпорация кабилар) хўжалик фаолиятининг барча соҳаларини (иқтисодий, ижтимоий, техник, технологик ва ҳ.к) ўз ичига олади. Лекин ҳар бир иқтисодий фан ўзига хос хусусиятга, ўзи ўрганадиган предметга

эга. Бу фақат шу фанга хос бўлиб, имкони борича бошқа фанларда такрорланмаслиги лозим. Бу талаб шу фаннинг мустақил фан сифатида фаолият кўрсатиши учун асосий шартларидан биридир.

Иқтисодий таҳлил* фанининг предмети том маънода объектнинг хўжалик фаолиятидир. Аммо бухгалтерия ҳисоби, статистика, молия ва кредит, аудит, маркетинг, менежмент каби фанларнинг ҳам предмети кенг маънода хўжалик фаолиятидир. Бу фанлар ҳам хўжалик фаолиятида содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг у ёки бу жиҳатини ўргатади. Демак, ҳар бир фаннинг, шу жумладан, иқтисодий таҳлил фанининг ўзига хос ва мос жиҳатини унга тегишли предметни аниқлаб олиш лозим.

Иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида хўжалик фаолиятида содир бўлаётган барча ижтимоий-иқтисодий ҳодисаларни ўз ичига оладиган фан иқтисодиётга оид фанлардир. Аммо иқтисодий таҳлил фани бу жараёнларнинг содир бўлиш пайтини эмас, балки унинг натижаси ва келажагини ўрганади. Объектда содир бўладиган иқтисодий жараёнлар, унинг режасида кўзда тутилган маълумотга асосланса, жараённинг содир бўлишини қонуний жиҳатдан ҳужжатлаштириш билан бухгалтерия ҳисоби, статистика каби фанлар шуғулланади. Шу жараёнларнинг натижаси маълум даврларда (ой, чорак, йил) жамланиб борилади ва турли ҳисоботларда ўз аксини топади. Таҳлил эса айнан ана шу тузилган ҳисоботларга, жамланган ҳужжатларда ифода этилган бошқа маълумотларга асосланади.

1.2. Иқтисодий таҳлил предмети таърифи бўйича турли олимлар қарашлари

Иқтисодиётни эркинлаштириш, модернизация ва диверсификация қилиш ҳамда инновацион жараёнлардан фойдаланиш шароитида, ушбу жараёнларга мос иқтисодий таҳлил фанининг предметини аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Иқтисодий таҳлилнинг мазмунини тўлиқ англаш ва бугунги кун талабига жавоб беришини баҳолаш учун ушбу муаммога тарихий жиҳатдан ёндошишни тақозо қилади.

Иқтисодий таҳлил фанининг предмети ўз вақтида социалистик тузумга ва режали иқтисодиётга мос ҳола ишлаб чиқилган.

*Келгуси матнларда фаљат таҳлил ҳам деб юритилади.

Ушбу фаннинг предметига илк марта таъриф берилганда М.И.Баканов ва С.К.Татур раҳбарлигидаги олимлар: «Хўжалик фаолияти таҳлили предмети деганда, корхонанинг режани бажариш жараёнида меҳнат, моддий ва пул ресурсларидан фойдаланишни биринчи галда ҳисоб маълумотларидан ўрганиш тушунилади»[1] деб кўрсатган экан.

Ўша пайт учун ушбу таъриф талабга тўлиқ жавоб берган. Чунки, иқтисодиётни бошқариш билан боғлиқ бўлган барча эътибор режанинг бажарилишига қаратилган. Аммо бугунги кун нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, иқтисодий таҳлил предметининг ушбу таърифи анча чегараланганлиги маълум. Унда фақат режанинг бажарилиш жараёни кўрсатилган. Агар ушбу таърифга асосланадиган бўлсак, корхонада режани бажаришдан бошқа жараён бўлмайдигандек, фақат ҳисоб маълумотларига асосланадигандек бўлиб қолади. Таҳлил жараёнида нафақат режанинг бажарилиши ёки ҳисоб, балки барча иқтисодий жараёнлар ва ҳисобот, режа ҳамда бошқа кўплаб ахборот манбаларидан фойдаланиш лозим бўлади.

Бундан фарқли ўлароқ ўтган асрнинг 60-йилларида А.Ш.Маргулис таҳририда чоп этилган китобда: «Таҳлилнинг предмети корхона ва бирлашмаларнинг режани бажаришга йўналтирилган хўжалик фаолиятининг режа, ҳисоб ва ҳисоботларда ифодаланган кўрсаткичлар тизимидир»[2] деган таъриф берилади.

Мазкур таърифда муаллиф иқтисодий таҳлилга анча кенгроқ ёндошади. Энди фақат корхоналар билан чекланиб қолмасдан, уларнинг бирлашмалари ҳам таҳлил объекти бўлишини, маълумотлар манбаи эса фақат ҳисобда эмас, балки режа, ҳисоботларда ҳам ифодаланишини кўрсатилган. Аммо бу ерда ҳам хўжалик фаолиятини фақат режанинг бажарилишии бўйича ўрганишга асосий урғу берилган. Кўриниб турибдики, ушбу таъриф ҳам маълум маънода чегараланган.

Ўша пайтларда ҳам олимларнинг иқтисодий таҳлил фани предмети таърифини такомиллаштиришга қаратилган қарашлари давом этди. 60-йилларнинг охирига келиб И.И.Поклад ушбу масалага анча аниқлик киритиб қуйидагича таъриф беришга

[1] Курс анализа хозяйственный деятельности / Под ред. М.И.Баканова и С.К.Татура - М.: Госфиниздат 1959. - 19 бет.

[2] Экономический анализ работы предприятий / Под ред. А.Ш.Маргулиса. - М.: Госфиниздат, 1960 - 6 бет.

муваффақ бўлди: «Иқтисодий таҳлилнинг предмети саноат тармоғидаги корхона ва уларнинг юқори ташкилотлари (бирлашма, фирма, трест) хўжалик фаолияти бўлиб режа, ҳисоб, ҳисобот ва бошқа ахборот манбаларида ифодаланишидир»[3] деб кўрсатади.

Ушбу таърифнинг олдингилардан афзаллиги шундаки, унда иқтисодий таҳлил корхона ва бирлашмалар билангина эмас, балки ундан бошқа юқори ташкилотлар фаолиятини ҳам ўрганади, деган ғояни олға суради. Шу билан бирга иқтисодий таҳлилни ўтказишда ахборотларни фақат режа, ҳисоб ва ҳисоботлардан эмас, балки бошқа манбалардан ҳам олиш мумкинлигини кўрсатиб берган.

Аммо мазкур таърифда И.И.Поклад ҳам иқтисодий таҳлил фанининг предметини маълум даражада чегаралайди. Хусусан, иқтисодий таҳлил фақат саноат тармоғидаги корхоналарда ўтказилади деган назарияни олға суради. Бундан қолган тармоқларда иқтисодий таҳлил ўтказилмайдими, деган табиий савол туғилади. Бошқа муаллифлар таърифларида иқтисодий таҳлил предмети сифатида хўжалик фаолиятининг маълум жиҳатлари кўрсатилган. Бунда эса ушбу муҳим жиҳат инобатга олинмаган.

Шу йилларда чоп этилган яна бир асарда Н.Т.Чумаченко: «Иқтисодий таҳлил предмети корхонанинг режа асосида амалга оширилган хўжалик фаолияти тўғрисида асосли қарорлар қабул қилиш учун ахборотлар оқимларида ифодаланишини таҳлил қилишдир»[4] деб кўрсатади.

Мазкур таъриф билан Н.Т. Чумаченко ушбу муаммони ҳал қилиш йўлида бир қадам олға кетган. Унда иқтисодий таҳлил шунчаки таҳлил учун эмас, балки «асосли қарорлар қабул қилиш учун» деган тушунчани киритади. Бу ҳолат мазкур фан назариясининг анча ривожланишига, таҳлилнинг эса хўжаликни бошқаришдаги ролининг ошишига олиб келади. Албатта, бу қараш ўша режали иқтисодиёт шароити учун жуда маъқул эди. Аммо ўша пайтларда ҳали хўжалик фаолияти фақат режани бажариш билан чекланиб қолмаганлигини инобатга оладиган бўлсак, ушбу таъриф ҳам мукаммал эмаслигига амин бўламиз.

---

[3] Поклад И.И. Теоретические основы экономического анализа работы предприятий. - М.: Финансы, 1969. - 10 бет.

[4] Чумаченко Н.Т. Экономический анализ и управление производством. - Киев: КИНХ, 1996. - 101 бет.

Булардан ташқари ушбу таърифда «ахборотлар оқимида ифодаланишини тадқиқ қилишдир» дейилган сўзи ҳам иқтисодий таҳлил фанининг предметини қисман чегаралаган. Одатда хўжалик фаолиятида содир бўлаётган иқтисодий жараёнлар таҳлил қилинади. Буларни таҳлил қилиш учун эса ахборотлар манбаидан фойдаланилди. Бу таърифда таъкидланганидек, ахборотлар таҳлил қилинмоқчи. Одатда ахборотлар эмас, балки, уларга асосан хўжалик фаолияти таҳлил қилинади.

70-чи йилларда ҳам бу борада олимлар турли қарашларни илгари сурдилар. Масалан, Н.В.Дембинский иқтисодий таҳлил фанининг предметини соддалаштириб қуйидагича таъриф берган. «Иқтисодий таҳлилнинг предмети деб корхоналар ва хўжалик бирлашмалари хўжалик фаолиятининг режа, ҳисобот, ҳисоб ва бошқа ахборотларда ифодаланишига айтилади»[5] дейилган. Худди шундай таъриф В.А.Раевский таҳриридаги китобда ҳам қайд қилинган[6].

Шунга ўхшаш таъриф А.И.Меркушев китобида ҳам келтирилган. Унинг асарида «Иқтисодий таҳлилнинг предмети – бу корхона ва ташкилотларнинг бир-бирига ўзаро боғлиқ бўлган ва режани бажаришга қаратилган кўпқиррали хўжалик фаолиятидир»[7]дейилган.

Ушбу таърифларда ҳам таҳлил фани предметининг асосини хўжалик фаолияти ташкил қилиши кўрсатилган. Аммо Н.В.Дембинскийда маълумотлар қандай ахборотлар манбаида ифодаланиши кўрсатиб берилган бўлса, А.И.Меркушевда ушбу масала қолдириб кетилган. Тўғри, иқтисодий таҳлилнинг предмети хўжалик фаолияти, лекин унинг қайси жиҳатини олиш лозимлиги А.И.Меркушев таърифида кўрсатилмаган. Агар ушбу масалага кенгроқ ёндошадиган бўлсак бухгалтерия ҳисоби, бошқариш, аудит, маркетинг каби фанларнинг ҳам предмети хўжалик фаолияти, лекин, уларнинг қайси жиҳати қандай фанларда ўрганиш лозимлиги аниқ ифодаланган бўлиши лозим. Иқтисодий таҳлил хўжалик фаолиятининг ҳамма жиҳатини ўрганмайди, балки содир бўлган иқтисодий жараёнларнинг

---

[5] Дембинский Н.В. Вопросы теории экономического анализа. - М.: Финансы, 1973. - 16-17 бетлар.

[6] Анализ финансово-хозяйственной деятельности предприятий (объеденений). - М.: Финансы и статистика, 1988. - 3 бет.

[7] Меркушев А.И. Анализ хозяйственной деятельности снобженческо-сбытовых организаций. М.: Высшая школа, 1979. - 15 бет.

ахборот манбаларида ифодаланган маълумотларига таянган ҳолда, мазкур субъект хўжалик фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган бошқарув қарорларини қабул қилиш учун мавжуд ички ва ташқи имкониятларни ахтариб бопиш ва улардан фойдаланиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда фойдаланиладиган жараёнлар ўрганилади.

Айрим олимлар иқтисодий таҳлил фанининг предметини фақат битта тармоққа боғлаб қўядилар. Бу борада И.И.Покладнинг қарашларини кўриб ўтган эдик. Унинг асарида иқтисодий таҳлил предмети фақат саноат корхоналари доирасида қаралган бўлса М.Ф.Дьячков асарида эса фақат қурилиш ташкилотлари билан чегараланиб қолади.

М.Ф.Дьячков фикрича, «Хўжалик фаолияти таҳлили» курсининг предмети қурилиш ташкилотлари ва уларнинг юқори буғинларидаги хўжалик жараёнлари ва ҳодисаларидир»[8]. Бу ерда муаллиф иқтисодий таҳлил фанининг предметини унинг объекти билан алмаштириб юборган. У қаерда, қайси соҳада амалга оширилмасин бир хил предметга эга бўлиши лозим. Соҳалар эса унинг объектини ташкил қилади.

Шунга ўхшаш қарашларни иқтисодий таҳлилнинг йирик намоёндалари асарларида ҳам кузатиш мумкин. Хусусан, А.Д.Шеремет таҳририда чоп этилган иқтисодий таҳлил назариясига бағишланган адабиётда «Хўжалик фаолияти таҳлилининг бевосита предмети ишлаб чиқариш иқтисоди, унинг техник, табиий шароити ва ишлаб чиқариш жамоасининг ижтимоий тараққиёти билан боғлиқ томонларидир»[9] дейилган.

М.Н.Янкелевич ёғочсозлик корхоналарида иқтисодий таҳлил курсини ёзган. Аммо унинг ҳам бошланғич қисми шу фаннинг назариясига бағишланган. Унинг фикрича: «Иқтисодий таҳлил предмети корхонанинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида халқ хўжалик режаларини бажаришга қаратилган барча фаолият жараёнлари ва ишларини қамраб олган ишлаб чиқариш-хўжалик ва молиявий фаолиятидир»[10]. Бу таърифда иқтисодий

---

[8] Дьячков М.Ф. Анализ хозяйственой деятельности в строительстве. - М.: Финансы и статистика, 1987. - 11 бет

[9] Теория экономического анализа хозяйственной деятельности. / Под ред. А.Д.Шеремета. - М.: Прогрес, 1982. - 15 бет.

[10] Янкелевич М.Н. Анализ хозяйственной деятельности дерево обработывающих предприятий. - М.: Лесная промышленность. - 1984. - 10 бет

таҳлил иқтисодиётнинг макро- ёки микро- даражасида олиб борилиши аниқ кўрсатилмаган. Бунга ўхшаш қарашни Н.А.Хан китобида ҳам кузатиш мумкин. «Иқтисодий анализ эса учет ва ҳисобот материаллари асосида ишлаб чиқариш кучларининг аҳволини ва хўжаликни юритишдаги иқтисодий қоидаларни ўргатади» [11] дейилган. Бунда ҳам иқтисодий таҳлил фанининг предмети иқтисодиётнинг қайси бўғинида амалга оширилиши аниқ ўз ифодасини топмаган. Шунингдек, ушбу қарашларда ахборот манбалари ҳам фақат «учет ва ҳисоботлар» доирасида чегараланиб қолган. Холбуки, режа ва бошқа ахборот манбалари эътибордан четда қолиб кетган.

Айрим омилларда иқтисодий таҳлилнинг предмети иқтисодиётнинг аниқ бўғинида, яъни корхона даражасида олиб борилиши эътироф этилган ҳолда ушбу фаннинг предметига таъриф берилган. Хусусан, М.Б.Ковин ва Б.И.Майданчиклар: «Иқтисодий таҳлил предмети деб, халқ хўжалигининг хўжалик ҳисобидаги бўғинида ишлаб чиқариш шароитлари ва уларнинг юқори натижага кам (мавжуд) ресурслар билан эришишга ўзаро боғлиқ омилларининг бутун ва айрим таъсири нуқтаи назаридан қарашга айтилади»[12], деб кўрсатган.

Мазкур муаллифларнинг иқтисодий таҳлил предметига берилган таърифлари ичида битта муҳим жиҳати шуки, унинг предметида хўжалик фаолиятига таъсир қилувчи омиллар ҳам инобатга олиниши кўзда тутилган.

Шуни қайд қилиш керакки, айрим олимлар иқтисодий таҳлил фанининг предметига жуда саёз ёндошиб, уни жуда қисқа доирада чегаралаб қўйганлар. Масалан, А.Д.Шеремет, В.А.Протопоповлар мазкур масалага бир томонлама ёндошиб «Иқтисодий таҳлилнинг предмети хўжалик фаолиятининг иқтисодий томонларидир» [13] деган хулосага келадилар. «Корхона хўжалик фаолияти иқтисодий томонларини ишлаб чиқаришнинг техник, табиий шароити, ишлаб чиқариш жамоасининг ижтимоий тараққиёти ва раҳбар

---

[11] Хан Н.А. Љишлољ хўжалик корхоналарида хўжалик фаолиятининг анализи. - Т.: «Ўқитувчи», 1978. - 7 бет.

[12] Ковин М.Б., Майданчик Б.И. Внутриотраслевой анализ эффективности работы предприятий и объединений. - М.: Финансы, 1997. - 4 бет.

[13] Шеремет А.Д., Протопопов В.А. Анализ экономики промышленного производства. - М.: Высш. шк., 1984, - 20 бет.

идораларининг хўжалик сиёсатини ўзида акс эттирган иқтисодий муносабатлари»[14], деб тушунтирадилар.

Ушбу таърифда иқтисодий таҳлил предмети корхона иқтисоди фанининг предметига ўхшаб қолган. Бунда таҳлилнинг ўзига хос фаолият доираси очиб берилмаган.

Иқтисодий таҳлил предметига кўп олимлар жуда кўп доирада ёндошиб уни иқтисодиётнинг макро- ва микро- даражаси учун бир хил ҳолатда эканлигида кўради. Масалан, О.Р.Кмицикевич: «Иқтисодий таҳлилнинг предмети деганда корхона, бирлашма, ташкилот ва хўжалик тармоқлари хўжалик фаолиятида режаларнинг бажарилиш жараёнини, молиявий натижаларни режа, ҳисоб ва ҳисоботлардаги кўрсаткичлар тизимида ифодаланиши ва шу бўғинлардаги имкониятларнинг (резервларнинг) мавжудлигини аниқлаш тушунилади»[15] деб таъриф берган.

Бунда иқтисодий таҳлил тармоқ даражасигача кўтарилган. Демак, унинг предмети нафақат қўйи, балки иқтисодиётнинг юқори макро- бўғинида, ҳам амалга ошади деб кўрсатмоқчи бўлган. Бизнинг тасаввуримизда иқтисодий таҳлилнинг предмети иқтисодиётнинг қўйи бўғини билан чегараланиши лозим. Чунки макро- даражани ўрганиш билан макроиқтисодий таҳлил шуғулланади. Бу таҳлилнинг ўзига хос соҳасидир.

Бундай фикрни Н.М.Заварихин ҳам қайд қилиб қуйидагича ёзади. «Иқтисодий (аниқ-иқтисодий) таҳлил фан сифатида халқ хўжалигининг барча бўғинларида кенгайтирилган ишлаб чиқаришнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ва уларни ошириш йўлларини тадқиқ қилишдан иборатдир»[16], деб кўрсатган. Шунга яқин бўлган таъриф Б.И.Майданчик таҳририда чоп этилган адабиётларда ҳам айтилган[17] .

Шуни эътироф этиш керакки, айрим олимлар иқтисодий таҳлилнинг предметига ўта аниқлик билан ёндошадилар. Масалан, С.Б.Барнгольц ва Г.М.Тацийлар таҳририда чоп қилинган китобда

---

[14] Ўша жойда. 20 бет.

[15] Кмицикевич О.Р., Фалькович Л.А. Анализ хозяйственной деятельности в потребительской кооперации. М.: Экономика, 1977, - 5-6 бетлар.

[16] Заварихин Н.М. Экономический анализ в управлении основными звеньями народного хозяйства / Теория экономического анализа хозяйственной деятельности. // Под ред. Н.М.Заварихина, Р.С.Сайфулина. М.: Из-во, МГУ, 1981. - 28 бет.

[17] Функционально-стоимостной анализ издержек производства / Под ред. Б.И.Майданчика. –М.: Финансы и статистика, - 1985 - 6 бет.

SAMAROAND IQTISODIYOT
АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗИ
№ 64101

«Таҳлилнинг предмети аниқ корхона, унинг таркибий бўлинмалари, бирлашма, вазирлик ва идоралар хўжалик фаолиятининг режа бажарилиши, унинг самарадорлигини оширишига қаратилган режа, ҳисоб, ҳисобот ва бошқа манбаларда ифода этилган кўрсаткичлар тизимидир»[18] дейилган.

Мазкур таъриф олдинги таҳлил қилган таърифларга нисбатан анча такомиллашган ва кенг қамравли қилиб олинган. Аммо ушбу таърифда, таҳлилда амалга ошириладиган муҳим жиҳат, хўжалик фаолиятига таъсир қилувчи омиллар ўз ифодасини топмаган. Иқтисодий таҳлилнинг бошқа фанларга нисбатан ўзига хос хусусияти шундаки, унда корхона хўжалик фаолиятини ифодаловчи натижавий кўрсаткичларга таъсир этувчи омиллар аниқланади ва уларнинг таъсири ҳисобланади. Натижада ижобий ва салбий ҳолатларга баҳо бериш ва уларни яхшилаш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш мумкин.

Бу борада М.И.Баканов ва А.Д.Шереметларнинг дарслигида келтирилган таърифи анча қўлай ва таҳлилнинг барча жабҳаларини қамраб олади. Унда: «Иқтисодий таҳлил фанининг предмети деганда, корхоналардаги хўжалик жараёнлари, ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги ва фаолиятининг охирги натижасига таъсир этувчи объектив ва субъектив омиллар ва уларнинг ахборотлар тизимида ифодаланиши тушунилади» [19] дейилган. М.И.Баканов иқтисодий таҳлилга берган ушбу таърифини кейинги китобларида ҳам сақлаб қолган. Фақат унда битта корхоналар билан бирга бирлашмалар, ассоциацияларни ҳам киритган[20]. Бироқ, бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ахборотлар тизимини етказиб беришдек, муҳим вазифа эътибордан четда қолган.

Бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт шароитида ҳам иқтисодий таҳлил фанининг предметига бўлган муносабат ўзгарган эмас. У ҳамон иқтисодчи олимлар диққат эътиборида бўлиб келмоқда. Бу табиий жараён, албатта. Чунки иқтисодиётнинг қандай бўлишидан қатъий назар корхоналарда хўжалик фаолияти давом этади, улар эса таҳлил қилинади. Бироқ

---

[18] Экономический анализ хозяйственной деятельности предприятий и объеденений / Под ред. С.Б.Барнгольц и Г.М.Тация. - М.: Финансы и статистика, 1987. - 28-29 бетлар.

[19] Баканов М.И., Шеремет А.Д. Теория анализа хозяйственной деятельности. - М.: Финансы и ститистика, 1987. - 28-29 бетлар.

[20] Баканов М.И., Шеремет А.Д. Теория экономического анализа М.: Финансы и статистика, 1994. - 42 бет.

иқтисодий унсурларнинг ўзгариши билан таҳлилнинг ҳам вазифаси, айрим мақсадлари ўзгариши мумкин. Лекин предметининг мумтоз таърифининг мазмуни асосан сақланиб қолиши лозим. Шу туфайли мазкур фаннинг таърифига кенгроқ маънода ёндошишни тақозо қилади.

Иқтисодиётни эркинлаштиришни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни модернизациялаш шароитида яратилган китоблардан бири Г.В.Савицкаянинг дарслигидир. Унда «Хўжалик фаолияти таҳлили предмети деб иқтисодий ходиса ва жараёнларнинг сабаб-оқибат боғлиқлигига айтилади»[21] деган таъриф берилган. Бунда режанинг бажарилишига таянилмаганлиги, унинг турли тузумда қўлланилиши мумкинлигини таъминлайди.

Бироқ, ушбу таърифда «Иқтисодий ҳодиса ва жараёнларнинг» иқтисодиётнинг қайси бўғинида содир бўлиши, шу жараёнларни тезлаштирувчи ёки сусайтирувчи омилларнинг таъсири каби муҳим жиҳатлари ўз ифодасини топмаган. Шунингдек, ушбу ҳолатларни қайси маълумот манбалари асосида таҳлил қилиш ҳам кўрсатилмаган. Демак, иқтисодий таҳлил фанининг предмети эркин иқтисодиёт шароитига мос ҳолда ҳамон етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Булардан келиб чиқиб, таъкидламоқчимизки, иқтисодий таҳлил фани мазмун ва моҳияти жиҳатидан ҳали такомиллашиши лозим экан. Бугунги иқтисодиётга мос, уни ўзида акс эттирадиган таҳлил предмети ва уни амалга ошириш усуллари ишлаб чиқилиши лозимдир.

Ҳозирги пайтда иқтисодий таҳлилнинг ҳам турли варианти чоп қилинмоқда. Москванинг «Международные отношения» нашриёти 1999 йилда В.Е.Рыбалкин таҳрири остида «Иқтисодиёт таҳлили» (Анализ экономики) китобини чоп этди[22]. Унда биринчи марта иқтисодий таҳлил объекти сифатида миллий ва ҳудудий иқтисодиёт, макро ва микро иқтисодда бозор жараёнлари ва корхона ҳамда фирмалар фаолияти олинган.

Шуни алоҳида қайд қилиш жоизки, бозор муносабатлари ривожланган хорижий мамлакат олимларининг иқтисодий таҳлилга бағишланган асарларида уларнинг назариясига кам аҳамият

---

[21] Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. - М.: ИП «Экоперепектива, 1997, - 21 бет.

[22] Анализ экономики. Страна, рынок, фирма. Под ред. Проф. В.Е.Рыбалкина Учебник. - М.: Международное отношение, 1999.

берилган. Уларнинг асарлари асосан иқтисодий таҳлилнинг амалий жиҳатларига бағишланган.

Аммо Ўзбекистонда бошқа МДҲ мамлакатлари сингари иқтисодий таҳлил фанининг назарияси бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт каби ривожланиш ва тараққиёт босқичини бошидан кечирмоқда. Бу борада олимларимизнинг ҳам ўзига хос қарашлари мавжуд.

1.3. Иқтисодий таҳлил фани предметига ўзбекистонлик олимларнинг берган таърифлари талқини

Шуни алоҳида қайд қилиш жоизки, бозор муносабатлари ривожланган хорижий мамлакат олимларининг иқтисодий таҳлилга бағишланган асарларида уларнинг назариясига кам аҳамият берилган. Уларнинг асарлари асосан иқтисодий таҳлилнинг амалий жиҳатларига бағишланган. Аммо Ўзбекистон олимлари ҳам бошқа МДҲ мамлакатлари сингари иқтисодий таҳлил фанининг назариясига бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт шароитидан келиб чиқиб, тегишли фикрларни шакллантирди. Булардан бири мазкур фаннинг бевосита предметига ҳам тегишлидир.

Бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт шароитига, унинг модернизацияланиши ва диверсификацияланиш босқичига, иқтисодиётнинг ривожланишида инновацион омилларнинг кучайишига мос иқтисодий таҳлил фанининг предметини шакллантириш лозим.

Тадқиқотларимиз кўрсатдики, мазкур фаннинг предмети таърифини ишлаб чиқишда, у бир қанча талабларга жавоб бериши мақсадга мувофиқ экан. Булар қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, у эркин иқтисодиёт шароитида фаолият кўрсатаётган турли мулк шаклида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг хўжалик фаолиятини ўзида ифодалаши керак.

Иккинчидан, асосан корхоналар фаолияти натижалари кўрсаткичларда ифодаланиши ва уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи объектив ва субъектив омиллар таъсирини аниқлаш зарурлиги иқтисодий таҳлилда ўз ечимини топмоғи лозим.

Учинчидан эса, иқтисодий таҳлил ўз чегарасига, фаолият доирасига эга бўлиш учун бутун хўжалик фаолиятидан ўзига тегишли соҳани ажратиб кўрсатиши мақсадга мувофиқ.

Тўртинчидан, мазкур фаннинг таърифида корхоналар хўжалик фаолиятида содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ва ҳодисалар натижасининг маълумотлар манбаида ифодаланган ахборотлар тизими ҳам ўз ифодасини топмоғи лозим.

Иқтисодий таҳлил фанининг предмети юқоридаги талабларга жавоб берсагина у мазмунан мукаммал ва тўлиқ ҳисобланади. Агар иқтисодий таҳлил фани назарияси мамлакатимизда ўзимизга хос тарзда шаклланиш ва такомиллашиш босқичини бошидан кечираётганлигини инобатга оладиган бўлсак, ҳали айрим масалалар бўйича турли фикрлар айтилиши мумкин. Ушбу ҳолатни мамлакатимиз олимларининг иқтисодий таҳлил фанинг предметига берган таърифларида ҳам кўриш мумкин. Булар мазкур жадвалда келтирилган (1.1-жадвал).

1.1-жадвал

ўзбекистонлик айрим олимларнинг иқтисодий таҳлилга берган таърифлари

Т/р	Муаллифларнинг ф.и.о.и.	Иқтисодий таҳлилга берилган таърифлар	Мазкур таъриф келтирилган манба
1.	А.Вахабов, А.Иброҳимов, Б.Ҳакимов	Иқтисодий таҳлил фанининг предмети – корхона, фирма, уюшма, бирлашмаларни хўжалик жараёнларини уларга таъсир этувчи субъектив ва объектив омиллар асосида, мазкур воқеликларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими воситасида, хўжалик субъектларининг фаолиятини ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги ва улар фаолиятининг якуний молиявий натижаларини ўрганади.	Иқтисодий таҳлил назарияси. – Т.: ТМИ, 2003. – 28 б.
2.	А.Х.Шоалимов Ш.А.Тожибоева	Иқтисодий таҳлил предмети деганда, корхоналар ва бирлашмалар фаолиятини, бизнес режасини	Иқтисодий таҳлил назарияси,

1.1-жадвалнинг давоми

		бажариш ва унинг асослигини текшириш, уларнинг меҳнат, моддий ва молия ресурсларидан оқилона фойдаланиш натижасида ички хўжалик резервларини аниқлаш бўлиб, булар барчаси ўз навбатида иқтисодий кўрсаткичлар тизимида ўз аксини топиб, ҳисоб ва ҳисобот ҳамда ҳисоботдан ташқари маълумотларга асосланиши тушунилади.	- Т.: ТДИУ, 2004. – 12 б
3.	У.Х.Худайбердиев, У.Н.Машарипов, М.У.Худайбердиева	Банк фаолияти таҳлили фанинг предмети бўлиб, банклар фаолиятлари натижасида содир бўлган (бўладиган) иқтисодий кўрсаткичларнинг ҳолати ва ўзгаришини ўрганиш экан.	Банк фаолиятлари таҳлили. – Самарқанд, СамИСИ, 2006. – 7 б.
5.	Т.Ш.Шоғиёсов	Хўжалик фаолиятининг комплекс иқтисодий таҳлили фанининг предмет корхона фаолиятида ва унинг таркибий бўлинмаларида содир этиладиган иқтисодий жараёнларни бир бутунлик ва ўзаро боғлиқликда ўрганишдир.	Комплекс иқтисодий таҳлил. – Т.: “Иқтисодмолия”, 2009. – 7 б.
6.	Р.А.Исаев, Б.А.Ҳасанов, А.И.Аликулов	Хўжалик фаолияти таҳлили фанининг предмети деганда – иқтисодий ахборотлар тизими орқали акс этиб олинадиган объектив ва субъектив омиллар таъсири натижасида рўй берадиган иқтисодиёт субъектлари фаолияти натижаларини мужассам этган кўрсаткичлар тизими орқали улар ҳолатига баҳо бериш ва яхшилаш йўллари бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш тушунилади.	Пахта тозалаш корхоналари хўжалик фаолияти таҳлили. – Т.: “Фан ва технология”, 2008. – 9 б.
7.	А.В.Ваҳабов, А.Т.Иброҳимов, Н.Ф.Ишанкулов	“Молиявий ва бошқарув таҳлили” фанининг предмети деб – турли мулк шаклидаги фирма, уюшма, бирлашма ва ҳокозаларнинг молиявий - хўжалик жараёнларининг содир бўлиши, ривожланиш ва ўзгаришнинг ижтимоий-	Молиявий ва бошқарув таҳлили. Дарслик. – Т.: “Шарқ”, 2005. – 37 б.

1.1-жадвалнинг давоми

		иқтисодий самарадорлиги ҳамда молиявий барқарорлиги, тўлов қобилияти, рақобатга чидамли бўлиб фаолият кўрсатиши учун зарур техник, ташкилий, моддий, молиявий, инновацион бойликларидан оқилона фойдаланаётганлигига баҳо беришга айтилади.	
8.	М.Қ.Пардаев, Б.И.Ҳасанов, Ж.И.Исроилов, М.Э.Пулатов, Ў.Т.Эшбоев, А.Н.Холикулов	Иқтисодий таҳлил фанининг предмети деганда эркин иқтисодиёт шароитида ишлаётган хўжалик юритувчи субъект (корхона)ларнинг хўжалик фаолиятида объектив (ташқи) ва субъектив (ички) омиллар таъсирида содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ва ходисалар натижаларининг маълумотлар манбаида (режа, ҳисоб, ҳисобот ва бошқалар) ифодаланган кўрсаткичлар тизими (системаси) орқали, унинг ҳолатига баҳо бериш ва яхшилаш йўлларини кўрсатиш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш йўлларини ишлаб чиқишни ўрганиш тушунилади.	Молиявий ва бошқарув таҳлили. – Т.: “Чўлпон”, 2012. – 26 б. Мазкур таъриф М.Қ.Пардаев томонидан 2011 йилда нашр қилинган “Иқтисодий таҳлил назарияси” дарслигида келтирилган эди. (Самарқанд, “Зарафшон”, 2001. 5 – 9.б.)

Юқорида келтирилган талаблардан келиб чиққан ҳолда, иқтисодий таҳлил фани предметига берилган таърифларнинг талқинингa баҳо бериш ҳар бир ўқувчининг ҳукмига қолдирдик. Чунки, бу борада ўзимизнинг бир қанча чоп қилган адабиётларимизда[23] ҳам айтган эдик. Уни такомиллаштириб юқорида келтирилган хулосалардан келиб чиқиб, иқтисодий таҳлил фани предметига жадвалда 8-рақамда келтирилган таърифни бердик. Иқтисодий таҳлилнинг ушбу таърифини назарий жиҳатдан қуйидагича исботлаш ва асослаш мумкин.

[23] Пардаев М.К. Иқтисодий таҳлилнинг предмети, методи ва унда қўлланиладиган усуллар. Самарқанд, СамКИ,1999, - 3 бет. Пардаев М.К. Иқтисодий таҳлилнинг назарий асослари. - Самарқанд, СамКИ, 1999, - 3 бет. Пардаев М.К. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик. – Самарқанд «Зарафшон» нашр. - 2001. – 9 бет.

1.4. Иқтисодий таҳлил фани предметининг таърифи

Эркин иқтисодиёт шароитига мос иқтисодий таҳлил фанининг предмети яратилмоғи лозим. Бизнинг фикримизча, у қуйидаги талабларга жавоб бериши мақсадга мувофиқдир.

Биринчидан, у эркин иқтисодиёт шароитида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг хўжалик фаолиятини ўзида ифодалаши керак.

Иккинчидан, асосан иқтисодий таҳлилда ўз ечимини топадиган объектив ва субъектив омиллар таъсирини аниқлаш зарурлиги кўриниб туриши лозим.

Учинчидан эса, иқтисодий таҳлил ўз чегарасига, фаолият доирасига эга бўлиш учун бутун хўжалик фаолиятидан ўзига тегишли соҳани ажратиб кўрсатиши мақсадга мувофиқ. Бунга, бизнинг фикримизча, корхоналар хўжалик фаолиятида содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ва ходисалар натижасининг маълумотлар манбаида ифодаланган ахборотларни олишни киритиш мумкин.

Бу борада ўзимизнинг чоп қилган адабиётларимизда[24] ҳам айтган эдик. Уни такомиллаштириб юқорида келтирилган хулосалардан келиб чиқиб иқтисодий таҳлил фани предметига қуйидагича таъриф бериш мумкин. **Иқтисодий таҳлил фанининг предмети деганда, эркин иқтисодиёт шароитида ишлаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг (корхоналарнинг) хўжалик фаолиятида объектив (ташқи) ва субъектив (ички) омиллар таъсирида содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ва ҳодисалар натижаларининг маълумотлар манбаида (режа, ҳисоб, ҳисобот ва бошқаларда) ифодаланган кўрсаткичлар тизими (системаси) орқали, унинг ҳолатига баҳо бериш ва яхшилаш йўлларини ишлаб чиқишни ўрганиш тушунилади.**

Иқтисодий таҳлилнинг ушбу таърифини назарий жиҳатдан қуйидагича исботлаш мумкин.

Биринчидан, иқтисодий таҳлилнинг предметида объектив (ташқи) ва субъектив (ички) омиллар алоҳида ўрин тутади, чунки

---

[24] Пардаев М.К. Иьтисодий таҳлилнинг предмети, методи ва унда қўлланиладиган усуллар. Самарқанд, СамКИ,1999, - 3 бет. Пардаев М.К. Иқтисодий таҳлилнинг назарий асослари. - Самарқанд, СамКИ, 1999, - 3 бет. Пардаев М.К. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик, Самарқанд «Зарафшон» нашр - 2001.

иқтисодий жараёнлар ўз - ўзидан содир бўлмайди. Улар маълум ички ва ташқи омиллар таъсири остида рўй беради. Шу омиллар таъсирини бошқа фанлар иқтисодий таҳлил даражасида атрофлича ўргатмайди. Бу фақат шу иқтисодий таҳлил фанида ўрганилади ва унинг предметининг асосини ташкил қилади. Шунингдек, хўжалик фаолияти натижасига тўғри баҳо бермасдан, унга таъсир қилган ижобий ва салбий омилларни ўрганмасдан туриб кўзда тутилган мақсадга эришиш қийин. Шу туфайли таҳлил фани предметининг марказида объектив ва субъектив омиллар турганлиги ҳам бежиз эмас.

Иккинчидан, иқтисодий таҳлилнинг предметини ўрганишда фақат содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан чекланиб қолиш мутлақо етарли эмас экан. Таҳлилдан мақсад мавжуд натижага одилона баҳо бериш билан биргаликда йўл қўйилган камчиликларни келгусида бартараф қилиш ва шу орқали таҳлил қилинаётган объектнинг иқтисодий ва молиявий аҳволини яхшилашдан иборатдир. Бу эса содир бўлган ва бўлаётган жараёнларга тўғри баҳо бериб, бўладиган жараёнлар андозасини ҳам кўрсатиб беришни тақозо қилади. Бу хулоса таҳлилнинг предметини ўтган, бўлаётган ва бўладиган ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ўз ичига қамраб олишини кўрсатади.

Учинчидан, шуни инобатга олиш жоизки, барча ижтимоий-иқтисодий жараёнлар натижаси кўрсаткичларда ифодаланади. Кўрсаткичлар эса асосан маълумотлар манбаида (режаларда, меъёрларда, ҳисобларда, ҳисоботларда ва ҳ.к.) ўз аксини топади. Объектда иқтисодий жараёнлар якка-якка бўлиб эмас, балки бир-бирига диалектик боғлиқ равишда бирданига содир бўлади. Унинг ҳар бир жиҳати алоҳида кўрсаткичларда ифодаланади. Шу туфайли хўжалик фаолиятини ўрганишда битта кўрсаткич эмас, балки кўрсаткичлар тизимидан (системасидан) фойдаланилади. Бу эса ўз навбатида таҳлил предметини ўрганишда маълумотлар манбаида ифодаланган кўрсаткичлар системасига асосланиш заруриятини келтириб чиқаради.

Тўртинчидан, маълумки, жамиятда содир бўлаётган иқтисодий жараёнларни ўрганадиган жуда кўп иқтисодий фанлар мавжуд. Лекин уларнинг ичида таҳлил фани хўжалик фаолиятининг натижасига одилона баҳо бера олади. Ундаги ижобий ва салбий ўзгаришларга омиллар таъсирини аниқлайди. Шуларга

асосан хўжалик фаолиятини яхшилаш йўлларини ишлаб чиқади. Бу хусусиятлар фақат таҳлилга хос бўлганлиги учун ҳам унинг предметида натижага тўғри баҳо бериш ва яхшилаш йўлларини ишлаб чиқиш лозимлиги кўрсатилган.

Булардан кўриниб турибдики, иқтисодий таҳлил фани мустақил фан бўлиб, ўзига хос хусусиятларга ўзининг бетакрор предметига эга. Таҳлилда ўрганиладиган иқтисодий жараёнлар ва уларнинг муҳим жиҳатлари айнан шу тарзда бошқа фанларда ўрганилмайди ва такрорланмайди. Шу туфайли ҳар бир мустақил фан сингари таҳлил фанининг ҳам ўзига хос предмети шаклланди, таркиб топди, назарий жиҳатдан бойиб йилдан-йилга аниқликлар киритилиб такомиллашиб бормоқда.

Ҳар бир фаннинг назарий қисмида унинг предмети билан бирга объекти ҳам ўрганилади. Чунки, объект бўлмаган жойда предмет бўлмайди ва предмет объектсиз қуруқ гап бўлиб қолади. Шу туфайли мазкур фанниг объектига ҳам тегишли эътиборни қаратиш лозимдир.

1.5. Иқтисодий таҳлилнинг объекти

Бошқа фанлар сингари иқтисодий таҳлил фанининг ҳам объекти бўлиши лозим. Аммо шу фаннинг назариясига бағишланган энг сўнгги адабиётларда[25] ҳам бу масала етарлича ёритилмаган. Шу туфайли фаннинг предмети билан объектини кўп ҳолларда бир хил тушунчалар деб қаралади. Бу эса ўз навбатида назарий жиҳатдан асоссиз ва чалкаш хулосаларга олиб келиши мумкин. Албатта айрим олимлар адабиётларда (Г.В.Савицкая) иқтисодий таҳлилнинг объектига таъриф берилган. Фақат унинг предметидан хусусиятларинигина келтирган[26].

Иқтисодий таҳлил фанининг объекти унинг предмети қаерларда амалга ошишини кўрсатиши лозим. Таҳлил фанининг

[25]Баканов М.И, Шеремет А.Д. Теория экономического анализа-М: Финанси и статистика, 1998; Теория анализа хозяйственной деятнльности. Под бош. ред. В.В.Осмольовского.Мн: Выш.шк. 1989.Каракоз И.И., Самборский В.И. Теория экономического анализа Киев: Выша школа, 1989. Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. Мн: ИП “Экоперспектива”, 2000., Савицкая Г.В. Комплексный анализ хозяйственной деятельности предприятия. М.: ИНФРА-М, 2014. Шоғиёсов Т.Ш. Комплекс иқтисодий таҳлил. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ” нашриёти, 2009., Ваҳабов А.В., Ибрагимов Г.А., Якубов У.К. Иқтисодий таҳлил ва аудит. Дарслик. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ” нашриёти, 2015. ва ҳ.к.

[26] Савицкая Г.В. Комплексный анализ хозяйственной деятельности предприятия. М.: ИНФРА-М, 2014. – 17-18 бетлар.

предмети, ҳозирги бозор муносабатлари шароитда, кўп мулкчиликга асосланган барча ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг хўжалик фаолиятида содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ўз ичига олса, унинг объекти ҳам худди шу жараёнлар, деб қаралмоқда. Ушбу масала бўйича бир қанча олимлар фикрлари бир-бирига ўхшаш. Аммо уларнинг фикрларини назарий жиҳатдан таҳлил қилмасдан, ўз фикримизни ифодалаш билан чекланишни лозим, деб топдик. Ўқувчилар масаланинг моҳиятини ўзлари тушуниб етишларига ишончимиз комил.

Иқтисодий таҳлилнинг объекти деганда, унинг қайси маконда (хўжалик юритувчи субъектларда) амалга оширилиши тушунилади. Шу туфайли иқтисодий таҳлил фанининг предмети амалга ошадиган объектларига давлат, жамоат ташкилотлари, корпорациялар, трестлар, биржалар, корхоналар, фирмалар, ташкилотлар, бирлашмалар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар киради.

Мазкур объектларга уларнинг шаклланиши бўйича иқтисодий асоси нуқтаи назаридан қараладиган бўлса улар давлат, жамоа, кооператив, акциядорлик, хусусий, хорижий ва аралаш каби мулк шаклида фаолият кўрсатадиган объектларга бўлинади.

Ўзбекистон Республикаси ўзига хос ва мос иқтисодий тараққиёт йўлини танлади. Бугунги кунда 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси” асосида жадал ривожланиш босқичига ўтди. Бу йўл ҳаммага дахлдор бўлганлиги туфайли, ушбу вазифаларни бажаришга ҳамма субъектлар, мулк шаклидан қатъий назар, иштирок этишлари лозим. Ушбу ҳолат ҳам, таҳлилнинг бир хил методологик усулини ёритишни тақозо қилади.

Объектнинг (маконнинг) ва даврнинг (замоннинг) қандай бўлишидан қатъий назар, ушбу фан предметининг моҳияти ўзгармаслиги, объект эса таҳлилнинг қайси маконда ўтказилишига қараб ўзгариб туриши мумкин. Шу жиҳатдан унинг предмети объектидан мазмун ва моҳияти жиҳатидан маълум даражада бир-биридан фарқ қилади.

Шундай қилиб, иқтисодий таҳлилнинг предмети ва объекти бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт шароитига мос ҳолда ривожланиш босқичини бошдан кечирмоқда. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, иқтисодий таҳлил фанининг

ўрни ва вазифаси ҳам эркин иқтисодиёт шароитига мос тарзда назарий жиҳатдан ҳамон етарли даражада талқин қилинган эмас. Бу эса мазкур муаммони ҳам тадқиқ қилишни тақозо қилади.

1.6. Иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш ва инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида иқтисодий таҳлилнинг вазифалари

Бозор муносабатларига асосланган иқтисодиёт шароитида хўжалик фаолияти таҳлилининг роли кескин ошади, чунки бошқаришда олдинги маъмурий буйруқбозлик тизимидан воз кечилиб янги, эркин, иқтисодий механизмлар орқали бошқариш тизими шаклланади. Олдин таҳлил асосан режа кўрсаткичларини асослашга унинг бажарилишини таъминлашнинг сабаб ва оқибатларини ўрганишга қаратилган бўлса, эндиликда эса ҳар бир хўжалик субъекти, мулк шаклидан катъий назар, ўз фаолиятини юқоридан берилган кўргазмани, буйруқни бажаришга қаратмасдан, балки ўзлари мустақил равишда ўзининг иқтисодий қудратини такомиллаштириш мақсадида эркин бошқаришга қаратади. Бу эса, ўз навбатида, таҳлилнинг ролини янада оширади. Иқтисодий таҳлил орқали ҳар бир объектида мавжуд бўлган ички ва ташқи имкониятлар аниқланади, уларнинг амалиётга сафарбар қилиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилади. Шу туфайли ҳозирги ҳаёт ҳар қандай корхонани тўғри бошқариш учун таҳлил қилишни тақозо қилади.

Бу мақсадлардан таҳлилнинг вазифаси келиб чиқади. Таҳлил қилишнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги асосий вазифалари:

1) корхонанинг бизнес-режасини тузиш учун тегишли ахборотлар билан таъминлаш ва ривожланишнинг концептуал йўналишларини белгилаш;

2) бизнес-режанинг бажарилишини, корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлашини, унинг иқтисодий қудратини яхшилашини, ҳар бир хўжалик субъектининг рақобатбардошлигини ошириш учун мавжуд ички ва ташқи имкониятларни ўрганиш;

3) ҳар бир йуналишга таъсир этувчи омилларни аниқлаш, уларнинг таъсирини ҳисоблаш ва шу омилларни ишнинг самарадорлигини оширишга сафарбар қилиш;

4) хўжаликда мавжуд меҳнат, моддий ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқиш ва уларнинг ҳам натижавий кўрсаткичларга таъсирини ҳамда ҳар бир кўрсаткич ўзгаришига бошқа омиллар таъсирини баҳолаш;

5) корхонанинг иқтисодий ва молиявий потенциалига, унинг тўловга қодирлиги ва қобилиятлилигига баҳо бериш ҳамда бу натижага эришиш учун тезкор чора-тадбирларни қўллаш йўлларини ишлаб чиқиш;

6) корхонанинг тижорат сирини сақлаган ҳолда унинг молиявий аҳволини кенг жамоатчиликка кўрсата билиш ва ташқи инвесторларни корхона фаолиятини яхшилашга жалб қилиш;

7) корхонани ривожлантиришнинг ички ва ташқи имкониятларини аниқлаш ва улардан фойдаланиш бўйича бошқарувнинг энг қулай ва нафли усулларини ишлаб чиқиш кабилардан иборатдир.

Таҳлилнинг биринчи вазифаси бевосита унинг бизнес-режа билан боғлиқлигидан келиб чиқади. Таҳлил жараёнида бир томондан, бизнес-режанинг амалга ошганлигини ўрганилса, иккинчидан, хўжалик фаолиятини батафсил ўрганиб, келгуси давр учун бизнес-режани тузишда тегишли ахборотларни тўплаб беради. Олдинги режали иқтисодиёт шароитида хўжалик фаолиятининг асосий режа кўрсаткичлари юқоридан берилар эди. Шу туфайли таҳлилни юқори ташкилотлар амалга ошириб келган. Энди бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт шароитида вазият тубдан ўзгарди. Ҳар бир корхона ўз фаолияти учун ўзи масъул. Ўзи режалаштиради, ўзи ҳисоботни тузади ва ўзи назорат қилади. Бундай шароитда корхона хўжалик фаолиятини юқори ташкилот эмас, балки унинг ўз мутахассислари, менежерлари таҳлил қилади. Шу туфайли таҳлилнинг роли ва вазифаси бизнес-режани тузишда кундан-кунга ошиб бомоқда. Чунки бизнес-режанинг ҳар бир кўрсаткичи иқтисодий жиҳатдан асосланган бўлишлиги таҳлил орқали амалга оширилади. Муҳими унинг бажарилишини таъминлашга ҳам қаратилгандир. Шу туфайли жорий даврда ҳам бизнес-режанинг бажарилишини тезкор таҳлил қилиб боришни тақозо қилади.

Иқтисодий таҳлилнинг иккинчи вазифаси, бевосита корхонада бизнес-режанинг бажарилишини ўрганиш билан боғлиқ. Ҳозирги пайтда бизнес-режани тузиш, унга киритиладиган

кўрсаткичлар бўйича қатъий белгиланган андоза йўқ. Бундай бўлишига фикримизча, зарурат ҳам бўлмаса керак. Чунки жуда кўпчилик корхоналар бир соҳа билан шуғулланса ҳам уларнинг иш услуби ҳар хил, ўзларига хос бўлиши мумкин. Бу эса олдингидек ҳамма корхона фаолиятига бир хил ёндошиш имконини бермайди. Аммо умумий йўналиш бўйича кўрсаткичлар тизими бир-бирига яқин бўлиши табиий. Масалан, ҳар бир корхона юқори рентабелликка эришишга интилиши, молиявий барқарорликни таъминлаши, ўзининг иқтисодий қудратини яхшилаши учун ҳаракат қилади. Демак, бу таҳлилнинг ҳам барча корхоналар учун методологик асос бўладиган усулларининг бўлишини тақозо қилади. Шу туфайли, таҳлил жараёнида бизнес-режанинг бажарилиш даражасини чуқур ўрганиш шу орқали унинг фаолиятига объектив баҳо беришдек муҳим вазифа ҳам ушбу фан зиммасига юклатилган.

Бизнес-режани бажариш жараёнида маълум қонуниятга эга омиллар билан бирга кўзда тутилган тасодифий омиллар таъсир қилиши ҳам мумкин. Таҳлилнинг учинчи вазифаси шу омилларни аниқлаш ва ҳар бирининг таъсирини ҳисоблашдан иборатдир. Бу эса бозор муносабатларининг шаклланиш жараёнида вужудга келган кўпгина янги кўрсаткичлар ва омиллар таъсирини аниқлайдиган омилли таҳлил усулларини ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Омилли таҳлил натижа кўрсаткичига таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш йўли билан шу таҳлил қилинаётган кўрсаткични яхшилашни, ички ва ташқи имкониятларни аниқлаш ва уни келгуси давр учун сафарбар қилиш йўлларини ишлаб чиқиш имконини беради. Ҳозирги ишлаб чиқариш корхоналарини давлат томонидан молиялаштириш асосан барҳам топган бир пайтда, ички имкониятларни ахтариб топиш ва уни хўжалик фаолиятига сафарбар қилиш таҳлил орқали амалга оширилади.

2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси”да қўйилган устувор вазифалардан кўриниб турибдики, ҳозирги шароитида таҳлилнинг асосий вазифаларидан бири натижага таъсир этувчи омилларни чуқур ўрганиш орқали ички имкониятларни ахтариб топиш ва уларни хўжалик фаолиятининг самарадорлигини оширишга сафарбар қилишдан иборатдир.

Бунда ҳам нафақат ички омиллар, балки ташқи омиллардан ҳам фойдаланиш лозимлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Таҳлилнинг тўртинчи вазифаси иқтисодий жараёнларнинг диалектик боғлиқлигидан келиб чиқади. Қайси соҳа бўлмасин, иқтисодий жараён содир бўлиши учун меҳнат воситаси, меҳнат предмети ва жонли меҳнатнинг мужассамлиги лозим бўлади. Иқтисодиётнинг бу элементлари самарадорлигини оширмай туриб бошқа кўрсаткичлар миқдорининг юқори бўлишига эришиб бўлмайди. Шу туфайли таҳлил жараёнида моддий, молиявий ва меҳнат ресурслари самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда моддий-техника базасининг бошқа элементларга тўғри келишини таъминлашга катта эътибор бермоқ лозим. Масалан, юқори меҳнат унумдорлигига эга бўлган, илғор технологияга асосланган ускуна мавжуд. Лекин шу ускунани ишлатаоладиган, шунга малакаси етарли бўлган мутахассис керак бўлади. Агар корхонада юз киши бўлса (унинг штатида шунча киши банд бўлса), лекин тегишли мутахассис бўлмаса бундай ҳолатда корхонанинг моддий техника базаси ҳам, меҳнат ресурслари ҳам самарасиз бўлади. Шу туфайли улар бир-бири билан диалектик боғлиқликда. Техника ва технология такомиллашдими, демак ходимларнинг малакаси ҳам шунга мос равишда ошиб бориши лозим. Шундагина тегишли, кўзда тутилган натижага эришиш мумкин. Акс ҳолда қилинган тадбирлар, сарфланган ҳаракатлар тегишли самара бермаслиги табиий. Бу ҳолатларнинг ҳаммаси таҳлил орқали аниқланади ва аниқланган вазиятдан тегишли хулоса қилинади. Шу туфайли таҳлилнинг роли корхоналар, уларнинг мулк шаклидан қатъи назар, самарадорлигини оширишда янада ошмоқда. Корхонанинг умумий самарадорлиги бевосита унинг моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларининг самарадорлигига боғлиқ.

Таҳлил жараёнида моддий-меҳнат ва молиявий ресурсларнинг самарадорлигини алоҳида ўрганиш, уларнинг бир-бирига боғлиқлигини ва умумий натижага таъсирини ҳам кўриб чиқиш лозим. Демак, таҳлилнинг вазифаси шу кўрсаткичларни диалектик боғлиғликда ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан асосланган хулоса қилишдан иборатдир.

Таҳлилнинг бешинчи вазифаси, корхоналарнинг эркин рақобат шароитида фаолият кўрсатаётганлигидан келиб чиқади. Ҳозирги

пайтда таҳлил асосан бухгалтерия балансидаги маълумотлар билан чекланиб қолганлиги туфайли унинг иқтисодий салоҳияти (потенциали) тўлиқ ўрганилмаяпти. Иқтисодий потенциалга бухгалтерия балансида кўрсатилган асосий ва айланма капитал ҳамда номоддий активлар билан биргаликда меҳнат ресурслари ҳам киради. Таъкидланганидек, ушбу элементлар ўзаро боғлиқ равишда ишлатилиши учун молиявий потенциалнинг аҳамияти катта. Иқтисодиётнинг ҳар хил босқичида молиявий потенциал таркиби турлича бўлиши мумкин. Ҳозирги банк кредити учун тўланадиган фоизнинг корхона имкониятларига нисбатан баландлигини инобатга олинадиган бўлса корхоналар ўз фаолиятини асосан хусусий маблағлари эвазига юритгани яхши. Агарда иқтисодиёт барқарорлашиб, пулнинг қадрсизланиш даражаси камайгандан сўнг банк кредитининг фоизи камаяди ва ниҳоят ундан фойдаланиш мумкин бўлади. Ҳозирги пайтда корхона молиявий потенциалнинг таркиби, улардан қандай фойдаланилаётганлиги, қандай ўзгаришлар кўзда тутилаётганлиги, истиқболи қандай бўлиши кабиларни ўрганиш ҳаёт тақозоси. Бу эса таҳлил орқали амалга оширилади. Шу туфайли иқтисодий таҳлилнинг асосий ва энг муҳим вазифаларидан бири корхона иқтисодий ва молиявий потенциалига баҳо бериш, уларни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва таҳлил қилиш усулларини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Таҳлилнинг олтинчи вазифаси ҳам бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиётнинг шаклланиши билан вужудга келди. Таҳлил жараёнида корхонанинг молия-хўжалик фаолиятини молиявий таҳлил усулларини қўллаган ҳолда, ундаги мавжуд тижорат сирини эса бошқарув ҳисоби маълумотларини таҳлил қилиш эвазига амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Таҳлил орқали корхонанинг молиявий аҳволи, унинг истиқболи аниқ ва равшан бўлади. Барча ижобий натижалар бўлса, албатта ташқи инвесторлар хабардор бўлиши лозим. Лекин қайси кўрсаткичларни, қачон ва қандай ҳолатда ошкор қилиш муҳимлигини ҳамма ҳам ҳамиша билавермайди. Ташқи инвесторларнинг капитал қўйилмаларини жалб қилиш мақсадида фақат шу корхонага хос бўлган иш усулларини, баъзи фаолият жараёни ва унинг натижаларини ошкора қилмаслик керак. Бу ҳар бир корхонанинг тижорат сири. Шу туфайли тижорат сирини ошкора

қилмаган ҳолда корхона молия-хўжалик фаолиятини кўз-кўз қилиш ҳам таҳлилнинг асосий вазифаларидан биридир.

Таҳлилнинг еттинчи вазифаси, режали иқтисодиёт шароитида ҳам мавжуд эди. Аммо у пайтда фаолиятнинг ҳамма соҳаси, жумладан бошқарув ҳам юқоридан берилган режанинг бажаришига қаратилган эди. Кўп ҳолларда асосий режа кўрсаткичи бажарилар эди, аммо у корхона, давлатга қанчалик қимматга тушаётганлиги билан ҳеч ким қизиқмас эди. Масалан, савдо корхоналарининг асосий режа кўрсаткичи унинг товар обороти. Уни бошқариш учун ҳамма сафарбарлик амалга ошириларди. Лекин унинг қанча харажат талаб қилиши ҳеч кимни қизиқтирмас эди. Оқибатда, жуда кўп савдо корхоналари товар оборотини бажариш билан бирга фаолият натижаси зарар билан якунланар эди. Натижада юқори ташкилотлардан унинг оборот маблағларини "тўлдириш" учун жуда кўп маблағ ажратилар эди. Энди бундай ишларга барҳам берилди. Корхонани бошқариш юқори ташкилот манфаатини ҳисобга олиб эмас, балки бевосита шу субъектнинг манфаатидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириладиган бўлди. Бу эса ҳар бир корхона фаолиятини ўрганиш ва таҳлил қилишни тақозо қилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, таҳлилнинг вазифаси ушбу бандларда келтирилган вазифалар билан чекланмайди. Корхона фаолияти серқиррали. Таҳлил жараёнида унинг ҳамма томонларини ўрганиш лозим. Шундай экан, таҳлил вазифасини ҳам кўп қирралидир. Шу туфайли ушбу йўналишда уларнинг энг асосийларини келтирдик, холос.

Таҳлил жараёнида барча камчиликлар аниқланади. Бошқарув қарорларини қабул қилишда эса аниқланган камчиликларга келгусида йўл қўйилмаслик чора-тадбирларини ишлаб чиқади. Шу тариқа камчиликлар бартараф қилиниб, хўжалик фаолиятининг узлуксиз равишда такомиллашуви ва унинг самарадорлигининг ошиб бориши таъминланади.

Кўриниб турибдики, таҳлилнинг вазифаси бозор муносабатлари шаклланаётган бугунги шароитда ҳам, келажакда ҳам корхоналар хўжалик фаолиятининг узлуксиз яхшиланиб бориши учун иқтисодий дастак сифатида муҳим аҳамиятга эга экан.

1.7. Иқтисодий таҳлил фанининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги

Олам бир бутун. Ундаги ҳодиса ва жараёнлар бир-бири билан узвий боғлиқликда ва ўзгаришда. Шу туфайли оламни ўрганадиган фанлар ҳам бир-бири билан ўзаро боғлиқ ҳолда қаралади. Мамлакат миқёсида, унинг ҳар бир ҳудудида, хўжалик юритувчи субъектларда содир бўладиган иқтисодий жараёнлар ҳам бир-бири билан узвий боғлиқликда. Айнан ушбу жараёнларни ўрганадиган иқтисодиётга оид фанларнинг сони кўп (Иқтисодиёт назарияси, Макроиқтисодиёт, Микроиқтисодиёт, Менежмент, Маркетинг, Бухгалтерия ҳисоби, Аудит, Молия, Иқтисодий таҳлил кабилар). Ушбу фанларнинг ҳар бири содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган иқтисодий ҳодиса ва жараёнларнинг у ёки бу жиҳатларини ўрганади. Шу туфайли улар бир-бири билан узвий боғлиқликда.

Кузатувларимиз кўрсатдики, иқтисодий таҳлил фани, энг аввало, **иқтисодий назария** фани билан боғлиқ экан. Иқтисодий назарий жамиятда содир бўлаётга иқтисодий жараёнларининг маълум қонуниятларини, уларнинг характерланиш ва амал қилиш йўлларини ўргатади. Бу эса унинг барча иқтисодий фанлар учун, жумладан, иқтисодий таҳлил фани учун ҳам методологик асос эканлигини таъминлайди. Иқтисодий таҳлил эса, шу қонунларнинг микро иқтисодиёт (корхона, фирма, бирлашма кабилар) кўламида содир бўлиш ва амал қилиш жараёнини ўргатади. Бунда иқтисодий назария фанининг илмий-методологик жиҳатларидан фойдаланилади. Иқтисодий таҳлил ўз навбатида иқтисодиётда содир бўлаётган жараёнларни чуқур ўрганиш билан иқтисодий назария фанининг ривожланиши учун ҳам асос яратиб, тегишли ахборотларни тайёрлаб беради. Шу туфайли бу фанлар бир-бири билан узвий боғлиқликда. Уларнинг боғлиқлигини қуйидагича ифодалаш мумкин:

Иқтисодий назария	→	Иқтисодий таҳлил
Макро кўламда содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган иқтисодий жараёнларнинг назарий жиҳатини ўргатади.		Микро кўламда, яъни хўжа-лик юритувчи субъектларда содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган иқтисодий жараёнларнинг амалий жиҳатини ўргатади.

Иқтисодий таҳлил бевосита **макроиқтисодиёт** фани билан боғлиқ. Макроиқтисодиёт фани содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган иқтисодий жараёнларни мамлакат миқёсида, яъни макро даражада ўргатса, унинг юксалишини таъминлайдиган имкониятлар ва омилларни аниқлаш йўлларини иқтисодий таҳлил фанида ўрганилади. Микроиқтисодиётнинг ривожланиши, макроиқтисодиёт ривожланишини таъминлайди. Микро даражадаги иқтисодиётнинг ривожланишидаги аниқ омиллар иқтисодий таҳлил жараёнида ўрганилади. Бу қуйидаги чизмада ўз аксини топган:

Макроиқтисодиёт		**Иқтисодий таҳлил**
Содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган иқтисодий жараёнларни мамлакат миқёсида ўргатади	→	Содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган иқтисодий жараёнларни корхона миқёсида ўргатади.

Иқтисодий таҳлил фани бевосита **микроиқтисодиёт** фани билан ҳам узвий боғлиқ. Микроиқтисодиёт фани содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган иқтисодий жараёнларнинг назарий масалаларини хўжалик юритувчи субъектлар (корхоналар) миқёсида ўргатса, унинг ривожланишини таъминлайдиган имкониятлар ва омилларни аниқлаш йўлларининг амалий томонларини иқтисодий таҳлил фани ўргатади. Микроиқтисодиёт фанида микродаражадаги бир қанча хўжалик юритувчи субъектлар тизим шаклида бирданига ўрганилади. Иқтисодий таҳлилда эса иқтисодиётнинг алоҳида субъектида содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган жараёнларни аниқ омиллар таъсирида қандай ўзгарганлигини ўрганади. Бу қуйидаги чизмада ўз аксини топган:

Микроиқтисодиёт		**Иқтисодий таҳлил**
Содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган иқтисодий жараёнларни хўжалик юритувчи субъектлар, яъни корхоналар миқёсида масаланинг назарий томонларини ўргатади.	→	Содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган иқтисодий жараёнларни корхона миқёсида аниқ омиллар таъсирида қандай ўзгарганлигини ва ички имкониятларни аниқлаш йўлларини ўргатади.

Иқтисодий таҳлил фани **бухгалтерия ҳисоби** фани билан ҳам узвий боғлиқ. Бу фанлар мазмун ва моҳияти жихатидан аниқ амалий фанлар гуруҳига киради. Таҳлил бухгалтерия ҳисобининг навбатдаги босқичи сифатида унинг мантиқий давоми бўлиб ҳисобланади. Чунки Содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган иқтисодий жараёнларни бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олиниб, жамланиб боради ва ҳисоботларда ўз аксини топади. Айнан ушбу маълумотлар иқтисодий таҳлилда батафсил ўрганилади. Таҳлил натижасида бошқарув қарорлари қабул қилинади. Бу қарорларнинг ижроси яна иқтисодий жараёнларнинг самарали натижалар билан содир бўлишини таъминлайди. Булар ўртасидаги боғлиқлик қуйидаги чизмада ўз аксини топган:



Бухгалтерия ҳисобининг вазифаси бухгалтерия ҳисоботини тузиш, ахборотларини умумлаштириш билан тугайди. Шу ҳисоботлар ва бошқа ахборотлар асосида содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган иқтисодий жараёнларни ўрганиш билан иқтисодий таҳлил шуғулланади. Таҳлилда хўжалик фаолиятининг ҳақиқий натижаси режадаги, меъёрлардаги, ўтган даврлардаги кўрсатгичлар билан солиштирилиб, тегишли фарқлари аниқланади. Унга таъсир этувчи омиллар ҳисобланади, тегишли хулоса қилиниб, ички имкониятлар ахтариб топилади. Шу билан таҳлил ўз вазифасини бажаради. Ушбу жараённи такомиллаштиришда бошқарув қарорларини қабул қилиш учун тегишли маълумотларни иқтисодий тайёрлаб беради. Иқтисодий таҳлил маълумотларига асосланган ҳолда тегишли бошқарув қарорлари қабул қилиш масаласи билан менеджерлар шуғулланади. Булар ўртасидаги боғлиқлик қуйидаги чизмада ўз аксини топган:



Кўриниб турибдики, иқтисодий таҳлил бухгалтерия ҳисоби билан ҳам, **бошқарув (менежмент)** билан ҳам икки ёқлама алоқада. Чунки иқтисодий таҳлил бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари маълумотларидан тўлиқ фойдаланиш билан барча аниқ ахборотларни тайёрлаб беради. Бухгалтерия ҳисоботидаги асосий кўрсатгичлар қуруқ ҳисобот учун эмас, балки ушбу ахборотларни таҳлил қилиб, шу корхона аҳволини билиш ва унинг самарадорлигини ошириш, яшовчанлигини таъминлаш учун бошқарув қарорларини қабул қилишга мўлжалланган.

Ўз навбатида иқтисодий таҳлил бошқарувга тегишли ахборотларни етказиб, тайёрлаб бериш билан бирга бошқарувдан тегишли буюртмаларни ҳам олади. Иқтисодий таҳлил фақат таҳлил қилиш учун эмас, балки бошқарув учун энг зарур ахборотларни етказиб, тайёрлаб бериш учундир. Шундай қилиб, у бухгалтерия ҳисобидаги ахборотлар хом ашёсини бошқарув учун тайёр маҳсулот ҳолига келтириб беради.

Яхши бухгалтерия ҳисоботи унинг чиройлилиги билан эмас, балки таҳлилийлиги билан белгиланади. Таҳлил учун ахборотлар аниқ, тушунарли ва тўғри бўлиши керак. Нотўғри ахборотдан нотўғри хулоса чиқарилади. Нотўғри хулоса нотўғри бошқарув қарорларини қабул қилишга олиб келади. Оқибатда корхонанинг иқтисодий инқирозига асосий сабаб бўлади.

Иқтисодий таҳлил фани **статистика** фани билан ҳам бевосита боғлиқ. Статистика фанида иқтисодий кўрсаткичларни аниқлаш усуллари ўргатилса иқтисодий таҳлилда шу кўрсаткичлардан таҳлил қилиш учун фойдаланилади. Статистик ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари ҳам иқтисодий таҳлил учун ахборот

манбаи бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, иқтисодий таҳлил жараёнида бир қанча статистик усулардан ҳам фойдаланилади.

Статистика ижтимоий-иқтисодий жараёнларни асосан макро иқтисодиёт даражасида талқин қилса, иқтисодий таҳлил уларни микро иқтисодиёт даражасида ўрганади. Статистика йирик бир тўпламлар, гуруҳлар, мураккаб иқтисодий-ижтимоий жараёнларни ўрганса, иқтисодий таҳлил асосан якка яхлит олинган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ўрганиш билан чекланади.

Демак, статистика ва иқтисодий таҳлил фанлари бир-бири билан узвий алоқада бўлиши билан бирга, уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга ҳам эга экан. Булар ўртасидаги боғлиқлик қуйидагича ифодаланади.

Статистика	→	**Иқтисодий таҳлил**
Макро ва мезо даражадаги иқтисодий жараёнлар ва ҳодисаларни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш усулларини кўрсатиб беради		Микро даражадаги хўжалик юритувчи субъектларда содир бўладиган иқтисодий жараёнлар ва ҳодисаларни ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш усулларини кўрсатади

Иқтисодий таҳлил фани **молия ва кредит**_фани билан ҳам мустаҳкам алоқада. Корхоналарда содир булаётган иқтисодий жараёнларни молиявий маблағ билан таъминлаш, агар ўз маблағлари етарли бўлмаса қанча кредит олиш ва унга қанча фоиз тулаш каби пул муносабатлари билан молия ва кредит фани шуғулланади. Уларнинг максадга мувофиқ ишлаётганлиги, самарадорлигининг ошиши каби муҳим жиҳатлари билан иқтисодий таҳлил фани шуғулланади. Бу ерда икки фаннинг ҳам ўрганиш объекти (молиявий маблағлар) бир хил. Аммо биринчисида ушбу категориянинг мавжудлиги ва таъминоти ўрганилса, иккинчисида унинг ишлатилиши ўрганилади.

Шунингдек, мутахассис иқтисодий таҳлил қилиши учун молиявий унсурларни, кредит муносабатларини яхши билиши лозим. Ўз навбатида корхонани молиялаштириш, олинган кредит ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш учун ҳам таҳлил натижаларидан кенг фойдаланишни тақозо қилади.

Шундан ҳам кўриниб турибдики, моли ва кредит иқтисодий таҳлил билан икки ёқлама узвий алоқада. Шу жиҳатдан ҳам улар бир-бири билан узвий боғлиқликда. Бу қўйидаги чизмада ўз аксини топган.



Иқтисодий таҳлил фани **корхона иқтисодиёти** фани билан ҳам узвий боғлиқдир. Корхона иқтисодиётида ўрганилган барча мавзулар иқтисодий таҳлилда ҳам ўрганилади. Аммо корхона иқтисодиётида содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган иқтисодий жараёнларнинг мазмуни, уларнинг аҳамияти ва назарий масалалари ўрганилса, иқтисодий таҳлил фанида уларнинг ҳолатига ва натижадорлигига (самарадорлигига) баҳо берилади. Корхона иқтисодиёти фанида ҳам бошқарув қарорлари қабул қилинади. Бу учун у иқтисодий таҳлил натижаларидан ва усулларидан фойдаланади. Бундан ташқари корхона иқтисодиёти фанида функционал қиймат таҳлил, мантиқий эвристик таҳлил, фикрлар ҳужуми каби таҳлилнинг шакллари ва усулларидан ҳам фойдаланилади.

Бозор муносабатларига асосланган иқтисодиёт ўта мураккаб иқтисодий жараён. Бу шароитдаги корхонанинг аҳволини яхши ўрганиш ва одилона бошқариш учун иқтисодий таҳлил усулларини ҳам узлуксиз такомиллаштириб бериш лозим. Бу эса унинг ноанъанавий усулларини ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Иқтисодий таҳлил корхона иқтисодиёти учун ахборот тайёрлаб берар экан, унда шу фаннинг асосий талаб ва тамойилларини билишни ҳам тақозо қилади. Корхона иқтисодиёти иқтисодий таҳлилнинг фақат натижаларидан эмас, балки усулларидан ҳам кенг фойланади. Демак, ушбу фанлар ҳам бир-бири билан икки томонлама узвий боғлиқ. Буларнинг боғлиқлиги қўйидагича ифодаланилади:



Иқтисодий таҳлил фани **маркетинг** фани билан ҳам боғлиқ. Маркетинг истеъмолчилар (бозор) талабидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш ва сотишни йўлга қўядиган товар ҳаракати билан боғлиқ фан. У бозорни, ундаги истеъмолчилар талабини ўрганиш учун иқтисодий таҳлил усулларидан кенг фойдаланади. Ҳатто баъзи адабиётларда маркетинг фаолиятининг иқтисодий таҳлилини “Маркентинг фаолияти таҳлили” ҳам деб талқин қилади. Ҳақиқатда эса у маркетинг таҳлили эмас, балки маркетингда қўлланиладиган иқтисодий таҳлилнинг бир қисми ёки усули бўлиб ҳисобланади. Бугунги кунда “Маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлил” фани ҳам пайдо бўлди.

Корхона фаолияти кўп қиррали, кенг қамровли. Унинг фаолияти мазмуни жиҳатидан ишлаб чиқариш фаолияти, молиявий фаолият, иш фаолияти, бозор фаолияти каби фаолиятларга бўлинади. Уларнинг ҳамма қирралари иқтисодий таҳлилда таҳлил қилинади, ўрганилади. Демак, корхонанинг маркетинг фаолияти ҳам иқтисодий таҳлилнинг объектига кирар экан.

Маркетинг фаолиятини иқтисодий таҳлил қилинар экан, демак, таҳлилчи маркетинг сирларини ҳам билиши, маркетинг билан шуғулланувчилар эса ўз навбатида, иқтисодий таҳлил усулларидан хабардор бўлиши лозим. Демак, иқтисодий таҳлил фани маркетинг фани билан ҳам узвий боғлиқ экан. Булар ўртасидаги боғлиқлик қуйидагича ифодаланади:



Иқтисодий таҳлил фани **Аудит** фани билан ҳам узвий боғлиқ. Аудиторлик текшируви ва аудит фани бозор муносабатларига асосланган иқтисодиёт шароитига ўтишимиз муносабати билан кириб келди. Шу туфайли аудит бизга янги фан сифатида ўзимизга хос ҳолда шаклланмоқда. Чунки дунё тажрибаси учун аудит фани янги фан эмас. У Италия, Буюк Британия каби мамлакатларда XIV-XVI асрларда қўлланилиб бошланган.

Ҳозирги пайтда аудит фани Ўзбекистонда шаклланиш босқичини ўтиб аста-секинлик билан такомиллашиб бормоқда. Бу борада ҳали турли фикрлар мавжуд. Бир гуруҳ олимлар аудитни олдинги тафтиш билан тенглаштирса, иккинчи гуруҳ олимлар аудит бу хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш орқали унга ташхис қўйиш деб баҳоламоқда. Учинчи гуруҳ олимлар, уни нодавлат холисона ташкилот бўлиб, корхоналарнинг молиявий ҳисоботида ифодаланган кўрсаткичларнинг реаллигига баҳо беради, деб қарайдилар.

Бундай турли фикрларга асос бор. Чунки жуда кўп ташкилотлардаги тафтиш бўлимлари аудитор фирмаларига айлантирилиб, ҳамон тафтиш билан шуғулланмоқда. Баъзи бир гуруҳ аудиторлар хўжалик фаолиятини батафсил таҳлил қилиб, унинг молиявий-хўжалик фаолиятига атрофлича баҳо бериб, ички имкониятларини ахтариб топиб, самарадорликни ошириш йўлларини кўрсатиб бермоқдалар. Учинчи гуруҳ аудиторлар эса хақиқатда молиявий ҳисоботнинг реаллигини исботлаш билангина чегараланиб қолмоқда. Яна баъзи аудиторлар борки, улар солиқ ва башқа тўловларнинг тўғри ҳисобланганлигини текшириб шу бўйича маслаҳат бериш билан чекланиб қолмоқдалар. Кўриниб турибдики, аудиторлик амалиёти ҳам ва мос равишда, унинг назарияси ҳам ҳали тўлиқ шаклланган эмас.

Аммо шуни эътироф этиш керакки, аудитор ўз хулосасини тўғри ва асосли қилиб бериши учун ҳар қандай ҳолда ҳам хўжалик фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиши лозим бўлади. Таҳлилчи ҳам ўз навбатида аудит талабларини, тамойилларини билиши керар. Ҳозирги кунда мамлакатимиз иқтисодиётида ички аудит ва ташқи аудиторлик ишлари жорий қилинди. Чунки аудитор хулосаси учун бевосита ана шу таҳлил маълумотлари етарли бўлиши мумкин. Шундай қилиб, аудит ва таҳлил фанлари бир-

бири билан узвий боғлиқликда. Уларнинг боғлиқлиги қуйидаги чизмада ўз аксини топган.



Иқтисодий таҳлил иқтисодиётга оид бошқа бир қанча фанлар билан ҳам боғлиқ. Лекин биз унинг асосийларигагина тўхталдик, халос. Шуни эътироф этиш керакки, иқтисодий таҳлил жуда кўп ҳолларда фанлар ўртасида кўприк воситасини бажаради. Масалан, бухгалтерия ҳисоби билан бошқарув ўртасида, статистика, тезкор ҳисоблар билан бошқарув ўртасида, аудиторлик хулосаси билан давлат ташкилотлари (солиқ, молия ва ҳ.к.) ўртасида кўприк вазифасини бажаради. Бу жараёнларнинг ҳаммасида таҳлил энг муҳим ҳал қилувчи бўғин ҳисобланади. Шу жиҳатдан иқтисодий таҳлил бошқа иқтисодий фанлар ўртасида муҳим ва солмоқли ўринга эга.

Иқтисодий таҳлил **иқтисодиётга оид бўлмаган бир қанча** назарий ва фундаментал фанлар билан ҳам узвий боғлиқдир. Булар ўртасида энг юқори ўринда **фалсафа** фани туради. Фалсафадаги қонунлар ва категориялар бевосита иқтисодий таҳлил фани учун методологик асос бўлиб хизмат қилади. Буни иқтисодий таҳлилнинг бутун мазмунига сингдирилганлигида кўриш мумкин.

Бундан ташқари фалсафада қарама-қаршиликлар ва кураш қонуни бор. Агар уни иқтисодиётга тадбиқ этадиган бўлсак, корхоналар ўртасидаги рақобатни қиёс қилиш мумкин. Рақобат корхона маҳсулотининг миқдори ва сифатини оширади, уни нархини туширади. Бу аҳоли фаравонлигининг ошиши учун энг асосий омил бўлиб ҳисобланади. Иқтисодий таҳлилда корхо-

нанинг рақобатбардошлиги, иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлиги баҳоланади ва ўрганилади, банкротга тушиб қолмаслик чора-тадбирлари ишлаб чиқилади.

Мустақиллик йилларида ривожланишга назар соладиган бўлсак, ўзимизга хос тарзда фалсафага янги қонуният кириб келди. Бу муроса фалсафасидир. Чунки, зиддият бизнинг менталитетимиз шароитида ҳамиша ҳам самара беравермайди. Кўп ҳолларда ўзимизнинг шарқона, миллий қадриятларимизга таянадиган бўлсак, муроса фалсафаси муваффақият калити сифатида намоёна бўлади. Бу ерда бир-бири билан кураш кимнингдир устидан ғалаба қилиб, уни йўқ қилиш ҳақида эмас, балки бир-бирига ҳамкорлик қилиб, ёрдам бериш устида кетади. Шу туфайли турли бирлашмалар, уюшмалар шаклидаги кластерлар, синергетик самара каби тушунча ва жараёнлардан фойдаланмоқдамиз.

Кўпмулкчилик шароитида хусусий мулкка асосланган эркин фаолият кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлар том маънода давлат мулкига асосланган хўжаликлар ва ўзаро бир-бири билан ҳам рақобатдадир. Аммо жуда кўп иқтисодий жиҳатдан ночор корхоналарни давлат муросага келиб уларни санация йўли билан моддий, молиявий ва ташкилий жиҳатдан қўллаб қувватлаб турди. Бу айнан мустақиллик йилларида хусусий мулкчиликни ривожлантириш шароитида туғилган иқтисодиётдаги муроса фалсафасига тўғри келади.

Корхонанинг ночорлиги эса айнан шу иқтисодий таҳлил билан аниқланади. Демак, иқтисодий таҳлил фалсафа фани билан ҳам бевосита, ҳам билвосита алоқада экан. Иқтисодий таҳлилни иқтисодий фанлар фалсафаси дейиш мумки, чунки иқтисодий таҳлилнинг ҳар бир ҳаракати, унда қилинадиган хулосалар фалсафий тафаккурга, мантиқий усулларга асосланади.

Шундай қилиб, иқтисодий таҳлил фани **мантиқ** фани билан ҳам узаро алоқада. Иқтисодий таҳлилнинг махсус йўналиши мантиқий таҳлил ҳам мавжуд. Чунки таҳлил қилинаётган кўрсаткичларга таъсир қилувчи барса омиллар ҳам ҳисобга олинавермайди. Натижада унга мантиқий нуқтаи назардан ёндошишга тўғри келади. Бундан ташқари натижа ўзгаришига таъсир қилувчи омилларнинг кетма-кетлиги, таҳлилнинг босқичлари ҳаммаҳаммаси маълум мантиқий йўналишга асосланади.

Шу туфайли мантиқ иқтисодий таҳлилда айниқса, хулоса чиқаришда назарий асос бўлиб хизмат қилади. Иқтисодий таҳлилда мантиқ усулларидан фойдаланиш учун фақат битта мантиқ фани эмас, балки **психология** фани принципларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Иқтисодий таҳлил фани **ҳуқуқ** фани билан ҳам бевосита боғлиқ. Таҳлил жараёнида содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган ҳодиса ва жараёнларнинг қонунийлигига ҳам эътибор қаратилади. Иқтисодий таҳлилнинг энг муҳим вазифаларидан бири содир бўлаётган иқтисодий жараёнларнинг ва уларнинг тегишли ҳужжатларда ифодаланишининг ҳуқуқийлигига баҳо беришдан ҳам иборатдир. Шу туфайли иқтисодий таҳлил пайтида албатта меъёрий талаблардан фойдаланилади. Ҳуқуқ ҳам ўз навбатида таҳлилнинг кўп усулларига таянади.

Иқтисодий жараёнларнинг ҳуқуқийлигини таъминлаш учун ҳам уни ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилинади. Жиноятнинг очилишига эса асосий усуллардан бири мантиқий таҳлил усулларидир. Хуллас, таҳлил билан ҳуқуқ ҳам маълум даражада бир-бири билан узвий боғлиқ экан.

Иқтисодий таҳлил **математика** фани билан ҳам боғлиқ. Ҳозирги пайтда бир томондан, иқтисодий жараёнлар ўта мураккаблашиб бормоқда, иккинчи томондан, эса ўта мураккаб жараёнларни ҳам ўрганиш, уларни маълум тартибга солиш учун техник имкониятлар ҳам, айниқса, компьютер технологияси вужудга келмоқда. Бу икки объектив шароит ҳам иқтисодий таҳлилда математик усуллардан кенг фойдаланишни тақозо қилади. Чунки математика ҳам, иқтисодий таҳлил ҳам содир бўлаётган жараёнларнинг миқдорини ўрганишга қаратилганлиги билан бир-бирига жуда яқин фанлардир.

Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган кўрсаткичлар асосан тез ўзгариб турувчи миқдорлардир. Уларнинг ўзгариши, юқорида таъкидланганидек, ўз-ўзидан содир бўлмайди. Уларга бир қанча объектив ва субъектив омиллар таъсир қилади. Айнан шу омиллар таъсирини аниқлашда математик усуллардан кенг фойдаланилади.

Ўз навбатида математика ҳам турли йўналишлар бўйича ривожланмоқда. Энг аввало, абстракт далилларга асосланган мумтоз назарий математика бўлса, ҳозирги пайтда амалиётда кенг қўлланилиб келинаётган амалий математика ҳам тез

ривожланмоқда. Шу амалий математика бошқа соҳалар билан бирга иқтисодиёт соҳасини ўрганишга ҳам изчиллик билан кириб келмоқда. Бу асосан унинг иқтисодий таҳлилда қўлланилишида намоёна бўлмоқда.

Иқтисодий таҳлил фани иқтисодиётга оид бўлмаган фанлардан бири **технология** фани билан ҳам боғлиқ. Иқтисодий таҳлил жараёнида кўрсаткичларни таҳлил қилишда унинг камлиги ёки кўплиги баҳо берилганда, бир йўналиш унинг қандай технологиядан фойдаланилаётганлигига боғлиқлигига ҳам эътибор қаратилади. Айниқса, ишлаб чиқариш соҳасини таҳлил қилиш учун, энг аввало, унинг қандай технологияга асосланганлигини билиш лозим. Шу туфайли таҳлилчи, технология фанини ва технологик жараёнларнинг сир-синоатларини билишни тақозо қилади.

Ўз навбатида технологик жараён ҳам ўзлуксиз такомиллашиб боришни, самарадорлигининг ошишини талаб қилади. Бу эса уни чуқур таҳлил қилишни тақозо қилади. Шу туфайли бу икки фан ҳам маълум даражада бир-бири билан ўзвий боғлиқ экан. Масалан, ҳозирги пайтда кўп мамлакатларда технологик жараённи таҳлил қилиш ва уни такомиллаштириш учун функционал-қиймат таҳлилидан кенг кўламда фойдаланмоқдалар.

Иқтисодий таҳлил математика фанининг бир йўналиши бўлган **дастурлаш** фани билан ҳам ўзвий боғлиқдир. Чунки, ҳозирги пайтда иқтисодий юксалиш учун бир хил андоза қилиб бўлмайди. Иқтисодий жараёнлар қанчалик кўп ва мураккаб бўлса, уни ифодаловчи кўрсаткичлар ҳам шунча кўп ва мураккабдир. Шундай шароитда ҳар бир корхона раҳбари, менежери кўп вариантли қарорларни ишлаб чиқара олиши ва ундан энг қулайини (оптималини) танлаб олиши лозим. Бундай натижага иқтисодий таҳлилга дастурлаш фанини қўллаб эришиш мумкин.

Дастурлаш ҳам ўз навбатида миқдорий ва мантиқий таҳлил усулларидан кенг фойдаланади. Шу жиҳатдан бу икки фан ўртасида ҳам ўзвий боғлиқлик бор.

Иқтисодий таҳлил жараёнида кўп нарсанинг ҳажмини, майдонини, сатҳини, оғирлиги, узунлиги, энлилиги каби бирликларни ўлчашга тўғри келади. Бунда албатта **геометрия** фанининг усулларидан фойдаланилади. Демак, иқтисодий таҳлил фақат

иқтисодий фанлар билан эмас, балки иқтисодиётга оид бўлмаган бир қанча бошқа фанлар билан ҳам ўзвий алоқада экан.

Иқтисодий таҳлил бошқа фанларнинг усуллари, тамойиллари ва мақсадларидан фойдаланиш билан бирга ўзининг тайёр ахборотлари, усуллари ва йўналишлари билан шу фанларнинг ривожланишига ҳам маълум даражада таъсир қилади.

Оламда, табиат, жамият ва инсон тафаккурида содир бўлаётган жараёнлар бир-бири билан ўзвий алоқа ва боғлиқликда бўлгани каби, уларни ўрганувчи турли фанлар ўртасида ҳам мустаҳкам боғлиқлик ва алоқалар мавжуд экан. Демак, ҳамма нарса дунёда бир-бири билан диолектик боғлиқликда. Бундай концепция иқтисодий таҳлилнинг назарий асосини ташкил қилади.

1.8. Иқтисодий таҳлилнинг корхоналарни бошқаришдаги ўрни

Иқтисодиётни эркинлаштириш жараёни, бозор муносабатларининг такомиллашиши, ислоҳотларнинг тобора чуқурлашиб бориши, модернизация ва диверсификация қилиниши ҳамда инновациялардан кенг фойдаланиш шароитида ҳар бир иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни чуқур таҳлил қилишни тақозо қилмоқда. Чунки, мулкдор иқтисодий жараёнда асосий субъект сифатида иштирок этади. У ўз мулкининг кўпайишидан, кўпроқ фойда олишидан манфаатдор. Бунга ўз-ўзидан эришиб қолмайди. Бунинг учун тадбиркорлик, изчиллик, зийраклик ва ақл билан иш кўриши лозим бўлади. Бу эса ўз навбатида, мулкининг ҳолатини, ишлатилиши ва сақланишишни ҳамда ундан самарали фойдаланишни таҳлил қилишни тақозо қилади. Демак, ушбу ҳолат кўрсатишича, иқтисодий таҳлил, энг аввало, мулкдор учун ўз мулкини оқилона бошқариш учун кераклиги аён бўлади.

Мулкдор ўз мулкини ишлатиш учун турли корхоналарга эга бўлиши мумкин. Бу эса бошқа кишиларни, мутахассисларни, ходимларни ёллашига тўғри келади. Улар меҳнат жамоасини ташкил қилади. Корхонанинг яхши, самарали ишлаши меҳнат жамоасининг фаровонлигини таъминлайди. Корхона қанча кўп даромад қилса, меҳнат жамоаси аъзолари, шунча кўп меҳнат ҳақи олади. Бу эса меҳнат жамоасининг ўзлари ишлаётган корхона

хўжалик фаолиятини мунтазам таҳлил қилиб боришни тақозо қилади. Демак, иқтисодий таҳлил бевосита меҳнат жамоаси учун ҳам ўз фаолиятини тўғри бошқариш учун керак бўлади.

Ҳар бир корхонанинг хўжалик фаолияти натижасидан давлат ҳам манфаатдор. Чунки ҳар бир корхона ўз мулкидан, қилган обороти ва олган фойдасидан солиқ тулайдилар. Шу туфайли давлат номидан солиқ идоралари ҳам корхона фаолиятини чуқур таҳлил қилиб боришдан манфаатдор. Демак, иқтисодий таҳлил солиқ идоралари ходимлари учун ҳам солиқ тушумини тўғри бошқариш учун керак экан.

Кўриниб турибдики, иқтисодий жараённинг, яъни корхона ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти натижасидан ким манфаатдор бўлса у мазкур субъект фаолиятини ўрганишга, таҳлил қилишга қизиқади. Шундай қилиб, иқтисодий таҳлил инвесторларга, ҳамкорларга, бирлашмаларга, уюшмаларга, суғурта, банк, молиякаби идораларига ҳам керакдир.

Одатда кимга нима керак бўлса ўша шу иш билан шуғулланади. Аммо ҳар бир корхонада махсус мутасадди шахслар борки, уларга хўжаликни бошқаришда у ёки бу соҳа топширилган бўлади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида иқтисодий таҳлил билан корхонадаги деярли ҳамма мутахассислар шуғулланади. Аммо ҳаммаси ҳам корхона тўғрисида жамланган батафсил ахборотга эга бўлмайди. Ҳамма ўзи бажараётган у ёки бу соҳа бўйича ахборотга эга. Шу жиҳатдан ҳамма ўзининг соҳасини мунтазам таҳлил қилиб борадилар.

Лекин шуни эътироф этиш керакки, хўжалик фаолияти тўғрисида бутун фаолиятни ўзида жамлаган ахборотлар бухгалтерияда молиявий ҳисоботларда тўпланади ва қайта ишланади. Шу туфайли корхонанинг комплекс иқтисодий таҳлили билан бухгалтерия ходимлари, бевосита бош бухгалтерлар, менежерлар ҳам шуғулланадилар. Чунки унда корхонанинг хўжалик фаолиятини ифодаловчи барча кўрсаткичлари мавжуд. Улар асосан молиявий ҳисоботларда ўз аксини топганлар. Иқтисодий таҳлил учун асосий маълумот манбаи бўлиб молиявий, статистик ва бошқа ҳисоботларда ифода этилган кўрсаткичлар ҳисобланади. Уларнинг комплекс таҳлили билан бош бухгалтерлар шуғулланади. Аммо алоҳида соҳалари бўйича таҳлил

кимга керак бўлса ўшалар шуғулланадилар. Таҳлил таҳлил қилиш учун эмас, балки керакли соҳани ўрганиш учун қилинади. Демак кимга нима керак бўлса у шу соҳани таҳлил қилиш билан шуғулланар экан.

Иқтисодий таҳлилни ташкил қилишда унинг натижаларини чизмаийлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Шу туфайли таҳлил натижаларини чизмаийлаштириш, хулоса қилиш ва тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш йўлларини кўрсатиб бериш ҳам ҳозирги кундаги муҳим муаммолардан биридир.

Иқтисодий таҳлил натижаларини чизмаийлаштириш таҳлилнинг муҳим босқичи бўлиб ҳисобланади. Бунда барча ҳисоб-китоблар асосида таҳлилий жадваллар тузилади. Мазкур жадваллар корхона хўжалик фаолиятини тўлиқ ифода этиши лозим. Шунингдек, жадваллар битта корхонада ҳар сафар, корхонанинг бўлинмаларида бир вақтнинг ўзида ягона келишилган шаклда тузилиши лозим. Бундай ёндашув кўрсаткичларни бир-бири билан солиштириш ва умумлаштириш имконини беради.

Жадвалларда кўрсаткичларнинг номи, унинг қайси даврга тўғри келиши, уларнинг фарқи, ўзгариш суръатлари каби ифодалар кўрсатилади. Жадваллар натижа ўзгаришига омиллар таъсирини ҳисоблаш жараёнида ҳам тузилади. Бу ҳолда жадвалнинг эгасида таъсир қилувчи омиллар билан бирга натижа кўрсаткичининг номи ифодаланади. Унинг кесимида эса қайси давр натижалари таҳлил қилинаётганлиги, шу даврда юз берган ўзгаришлар ва уларга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш учун ҳисоб-китоб қилинадиган усулларнинг алоқадорлиги кўрсатилади.

Ҳозирги пайтда ҳисоб-китоб ишлари асосан компьютерларда амалга оширилмоқда. Бунинг имконияти жуда катта. Шу туфайли таҳлилда амалга оширилган ҳисоб-китоб натижалари жадваллар билан биргаликда турли чизмалар ва диаграммаларда ҳам ифода этилмоқда. Бу эса корхона хўжалик фаолиятидаги ўзгаришларни жуда тез илғаш имконини беради. Мазкур усуллар иқтисодий таҳлилнинг у ёки бу жиҳатини аниқлашда қўлланилади. Масалан, чизмалар (графиклар) кўрсаткичларининг динамикасини ифодалашда жуда қулай. Корхона хўжалик фаолиятидаги таркибий тузилмалар, уларнинг ўзгариши диаграммаларда ифодаланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Чизма ва диаграммаларнинг қулайлиги шундаки, у корхона хўжалик фаолияти натижасини ҳар қандай киши учун ҳам тез ва тушунарли тарзда ифода этади. Масалан, корхонада бешта бўлинма бўлса уларнинг ўтган йилга нисбатан бирорта кўрсаткичнинг ўсишини устунли диаграмма қилинса энг юқори натижага эришганлиги энг баланд устун сифатида яққол кўриниб туради. Бу ҳар бир бўлинма ходимларининг ақлий-руҳий кайфиятига ҳам таъсир қилади. Энг юқори устунга эришган бўлинма ходимларида фахрланиш, мағрурлик ҳисси туғилса, энг паст устунга эга бўлган бўлинма ходимларида ўз жамоаси учун истироб ҳисси бўлиши мумкин. Униси ҳам буниси ҳам кўрсаткичларни яхшилаш учун курашиш туйғусини ўйғотиши табиий. Бу ички омиллар ўта муҳим, ортиқча маблағ талаб қилмайдиган, аммо корхона хўжалик фаолиятига ижобий таъсир қилиб, уни яхшилайдиган омиллардир.

Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши, ислоҳатларнинг чуқурлашуви корхоналар ўртасида эркин рақобат муҳитини туғдирмоқда. Бу эса ўз навбатида корхона хўжалик фаолиятини тезкор тарзда кундалик натижаларни ўрганиб боришни тақозо қилади. Бу ҳам ҳисоб-китобларга компьютерларни қўллаш натижасида анча осонлашади. Ҳар куни иш кунининг охирида хўжалик фаолиятининг бир кунлик натижаси қандай бўлганлигини аниқлаш мумкин. Бу эса ютуқ ва камчиликларни жуда тез англаш, ютуқларни кўпайтириш, камчиликларни бартараф қилишга асос бўлади. Таҳлилнинг ушбу шакли бошқарувни ҳам тезкор равишда амалга ошириш имконини беради.

Кунлик натижалар ҳар куни жамланиб борилса ҳисобот даврининг хохлаган кунида қандай натижага эришганлигини билиб олиш мумкин. Масалан, бир ойнинг ўн олтинчи куни қандай натижага эришганлигини кунлик ҳисоботни жамлаб бориш орқали аниқлаш мумкин. Шу, 16-нчи куни қандай натижага эришдик ва ўтган 16 кун мобайнида эришган умумий аҳволимиз қандай деган хулосани чиқариш учун ҳам тегишли ахборот мазкур компьютерда мавжуд бўлади. Бу эса корхона хўжалик фаолиятини тезкор бошқариш, камчиликларни ўз вақтида, ҳисобот даври тугамасдан бартараф қилиш имконини беради. Бу бшқаришда таҳлил маълумотларидан фойдаланишнинг энг самарали йўлларидан биридир.

Агар корхонанинг барча бўлинмаларида компьютерлар ўрнатилган ва улар ягона тармоқга (сетга) уланган бўлса бошқаришда янги усулни, яъни **қоғозсиз ва жонли мулоқотсиз бошқариш усулини** жорий қилиш мумкин. Корхона менежери ҳар бир бўлинмадан тегишли ахборотларни олиб, бир жойда умумлаштиради ва хулоса чиқаради. Хулоса натижасида ишлаб чиқарилган чора-тадбирлар ва тегишли топшириқларни ҳам компьютер тармоғи орқали жўнатиш мумкин. Бу мутахассис ва бўлинма раҳбарларининг турли мажлисларга, йиғилишларга кетадиган вақтини ҳам тежайди.

Одатда, иш кетмаган жойда мажлис кўпроқ бўлади. Мажлис даврида мажлисда бемалол ўтириш эвазига иш тўхтайди. Қилиш керак бўлган ишни қилиш учун эса, вақт мажлисда ўтирганлигимиз эвазига ўтган бўлади. Натижада бугунги иш эртага қолади, бажарилмаган ишлар шу тарзда тўпланиб бораверади. Шу туфайли тезкор таҳлил қилиб, тезкор қарорларни қабул қилиш, унинг ижросини вақтни ўтказиб қўймасдан назорат қилиб бориш эвазига ишларнинг самарадорлигини ошириш мумкин бўлади. Бунинг учун қоғозсиз, мажлиссиз, фақат ахборотлар алмашиш эвазига фаолият кўрсатишни бошқариш лозимдир.

Барча мажлислар ҳисобот даври тугагач таҳлил натижаси асосида тезкор тарзда ўтказилади. Маълумотлар жадвалларда, чизмаларда, турли диаграммаларда тузилиб қоғозга чиқарилади ва мутахассислар томонидан ёзма равишда хулоса ёзилади. Хулосада барча эришилган ютуқлар билан бирга йўл қўйилган камчиликлар, уларнинг сабаблари ва қандай оқибатга олиб келганлиги кўрсатилади. Айниқса, йўл қўйилган камчиликларда ким айбдорлиги очиқ-ойдин кўрсатилиши лозим. Чунки, бу тадбир келажакда мазкур шахснинг шу камчиликка йўл қўймаслигини таъминлайди. Қолган тадбирларнинг ҳаммаси мажлиссиз амалга оширилиши лозим.

Иқтисодий таҳлилнинг натижалари бўйича тузилган барча ахборотлар, ёзма хулосалар жамланиб корхона раҳбарига, мулкдорга топширилади. Раҳбар таҳлил натижасига асосан бошқарув қарорларини қабул қилади. Қарор қабул қилишда бир қанча мутахассисларни, бўлинмалар раҳбарларини таклиф қилиб чуқур ўйланган ва пухта ишланган бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

Агар корхона йирик бўлса бошқарув қарорларини қабул қилишда «Фикрлар ҳужуми» усулидан ҳам фойдаланиши мумкин[27]. Бунинг учун мазкур корхонада ижодий гуруҳ ташкил қилинган бўлиши лозим. Мазкур ижодий гуруҳнинг вазифаси корхона хўжалик фаолиятини яхшилашга қаратилган бошқарув қарорларини қабул қилишга йўналтирилган бўлади.

Иқтисодий таҳлил натижалари бошқарув қарорлари билан бирга аудиторларнинг хулоса чиқариши учун ҳам асос бўлиб хизмат қилади. Аудиторлар олдинги тафтишчилардек тафтиш билан эмас, эндиликда таҳлил билан шуғулланишлари лозим. Шу туфайли таҳлил усулларини, уни амалга ошириш методологиясини бухгалтерлар қанча билса, аудиторлар уларга нисбатан икки карра кўп ва пухта билишлари шарт. Зеро, аудиторлик хулосасини чиқариш учун фақат таҳлил натижаларидан фойдаланиш мумкин, холос.

Хулоса қилиб айтганда, таҳлил билан бошқарув бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, бир-бирини тўлдириб боради. Таҳлил натижасисиз иқтисодий асосланган бошқарув қарорларини қабул қилиш мумкин эмас. Бошқарув қарорларининг бажарилишини назорат қилиш ҳам таҳлилсиз амалга оширилса турли чалкашликларга олиб келиши мумкин.

Ўзини ўзи назорат қилиш ва такрорлаш учун саволлар

1. Иқтисодий таҳлилнинг нима учун зарур?
2. Иқтисодий таҳлил фанининг предмети ва объекти.
3. Иқтисодий таҳлилнинг вазифалари.
4. Иқтисодий таҳлилнинг корхонани бошқаришдаги роли.
5. Иқтисодий таҳлилнинг объектив зарурлиги ва мавзунинг долзарблиги.
6. Иқтисодий таҳлил предмети таърифи бўйича турли олимлар қарашлари.
7. Иқтисодий таҳлил фани предметига ўзбекистонлик олимларнинг берган таърифлари талқини.
8. Иқтисодий таҳлил фани предметининг таърифи.
9. Иқтисодий таҳлилнинг объекти.

---

[27] Мазкур масала муаллифнинг «Функционал қиймат таҳлили» номли рисоласида (Самарқанд, СамКИ, 1999). атрофлича ёритилган.

10. Иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш шароитида иқтисодий таҳлилнинг вазифалари.

11. Инновацион иқтисодиётни шакллантиришда иқтисодий таҳлилнинг ўрни ва роли.

12. Иқтисодий таҳлил фанининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги.

13. Иқтисодий таҳлилнинг корхоналарни бошқаришдаги ўрни.

2-боб. ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИНГ МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ ВА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИГА МОСЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

2.1. Иқтисодий таҳлилнинг миллий истиқлол ғояси ва Ҳаракатлар стратегиясидан келиб чиқадиган ўзига хос хусусиятлари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида И.А.Каримов XXI аср арафаси ва унинг дастлабки йилларида мамлакатимизнинг ривожланиши стратегияси, ислоҳотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгилаш борасидаги фаолиятининг мазмун ва моҳиятини очиб бериб, бу борада қилинадиган устувор йўналишларини кўрсатиб ўтган эди. Бу билан мамлакатимиз тарихида янги давр – сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаётимизда эркинлаштиришнинг янги даври бошланган эди.

Бизга режали иқтисодиётдан ўта зарарли, ташаббус ва омилкорлик ҳиссини сўндирадиган боқимандалик иллати мерос бўлиб қолганлиги ҳаммага аён. Чунки оддий меҳнаткашдан тортиб раҳбаргача билар эдики, бизга ҳамма нарсани давлат беради, барча мулк давлатники, ҳатто иш билан ҳам ўзи таъминлайди. Корхона фойда қилса у ҳам давлатники, зарар билан ишласа яна давлат ҳисобидан қопланади. Хом ашё етишмаса давлат таъминлайди, сифатсиз товар ишлаб чиқарилса ҳам ўйланмас эдик, чунки давлат ўзи режа асосида сотиб берарди, агар сотилмай қолса нархини тушурар ёки ҳисобдан чиқарарди. Бу ҳам давлат ҳисобидан амалга оширилар ва зарари қопланар эди. Ўша пайтда одамларда, ҳатто раҳбарларда ҳам ягона ташвиш нима бўлса ҳам режани бажариш керак эди. Бу масъулият корхона ўз фаолиятини қай аҳволда якунлаши унчалик муҳим эмас эди. Шу туфайли режани ошириб бажарган корхоналарда ҳам молиявий натижаси зарар билан якунланган ҳолатлар ҳам табиий эди..

Иқтисодиётни эркинлаштириш билан бундай фаолиятга чек қўйилди. Боқимандаликнинг умри тугади. Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичига ўтилди. Иқтисодиётни эркинлаштириш

деганда бу нима қилсанг ихтиёр ўзингда, ҳатто ишламасанг ҳам бўлаверади дегани эмас. Мулк ўзингники, келажагингни ўйласанг ишлаш керак, деган руҳият одамларда шакллана бошлади ва уларнинг масъулиятини оширишга олиб келди.

Пировардида шундай бўлдики, иқтисодиётни эркинлаштириш шу соҳада фаолият кўрсатаётган кишиларнинг, энг аввало, масъулиятини, уларнинг жавобгарлигини оширишга олиб келди. Энди ҳар бир ходим ўз жамоаси олдида, мулк эгаси (инвестор), халқи ва давлати олдида масъуллиги ошди. Агар у зарар билан ишласа, ўзига ҳам ва бошқа ундан манфаатдор субъектларга (корхона, давлат, аҳоли ва ҳ.к.) бирор жиҳатдан фойдаси йўқ. Бу ўта оғир масъулият бўлганлиги учун энди ишламаса, ташаббус қилиб ҳаракат қилмаса, бошқа имконият қолмади.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов Олий мажлиснинг 14 сессиясида **«Иқтисодиётни эркинлаштириш –** хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз фаолияти учун иқтисодий ва молиявий масъулиятини ошириш демакдир»[28]деб таъкидлади. Энди ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятини тегишли маблағ, хом ашё, иш кучи, илғор технология кабилар билан ўзлари таъминлайди. Товарини (иш, хизматини) ўзлари сотади. Ўзининг барча фаолиятини тегишли тарзда моддий ва молиявий маблағлар билан ҳам ўзлари таъминлайди.

Буни амалга ошириш учун мамлакатимизда жуда кўп ишлар қилинди ва қилинмоқда. Иқтисодиётда эркинликни таъминлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий асоси билан бирга руҳий асос ҳам яратилди. Одамлар ўртасида ўз тараққиётингни-ўзинг таъминламасанг, ўзингни-ўзинг инқирозга олиб келасан, деган тушунча пайдо бўлди. Энди одамларимиз бундай вазиятга руҳан тайёр бўлиб қолди. Бироқ, иқтисодий эркинликни тўлиқ жорий қилиш учун ҳамон одамлар кайфиятида, ҳатто айрим раҳбарларимизда ҳам, узоқ йиллар боқимандалик кайфиятининг асоратлари сақланиб қолган. Ҳамма қонунларимиз ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларимиз эркин иқтисодиётни жорий қилишга қаратилган бўлишига қарамасдан уларнинг айримлари ҳаётда ўз ечимларини топишда анча тўсиқларга учради. Чунки одамларнинг иқтисодиётни эркинлаштиришга етарли даражада кўникма ҳосил қилиши қийин кечди, маъмурий механизм ўз ўрнини бўшатиб беришни

[28] Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. - Т.: “Ўзбекистон”, 1999. - 37 бет.

хоҳламади. Шу туфайли мамлакатимиз биринчи Президенти: «Эркинлик, тадбиркорлик учун иқтисодий ва ҳуқуқий шароит яратиш зарур»[29] деб таъкидлади.

Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг энг муҳим шартларидан бири, мустақилликнинг дастлабки йилларида мулкдорлар синфини шакллантириш, яъни хусусий мулкчилик етакчи ўринда турадиган кўп укладли иқтисодиётни вужудга келтиришдан иборат эди. Бу эса ўз-ўзидан амалга ошиб қолмайдиган жараён эканлигини мустақиллик йилларидага тарихимиз ҳам кўрсатди. Бунинг учун иқтисодиётни бошқаришда қўлланиладиган барча дастакларни, шу жумладан, иқтисодий таҳлилни ҳам шу эркин иқтисодиётга мослаштириш лозимлигини тақозо қилади.

Иқтисодиётдаги ўзгаришлар билан уларни бошқаришдаги дастаклар бир-бири билан узвий боғликдир. Иқтисодиётни эркинлаштириш иқтисодий фанларга, хусусан иқтисодий таҳлил фанига ҳам назарий ва услубий жиҳатдан такомиллаштиришни талаб қилса, иқтисодий таҳлил эркин иқтисодиётни бошқариш учун тегишли ахборотларни тайёрлаб бериш эвазига иқтисодиётнинг ривожланишига ижобий таъсир қилади. Бу эса ушбу тушунчаларнинг бир-бири билан диалектик боғлиқлигини тақозо қилади.

Энди иқтисодиётни эркинлаштиришда иқтисодий таҳлилнинг роли ва аҳамияти нималардан иборат, деган саволнинг туғилиши табиий. Бунга жавобни биринчи Президентимизнинг бу борадаги концептуал кўргазмаларидан излаш лозим, деб ҳисоблаймиз. Буни тўғри англаш учун ушбу масалага иккита йирик йўналишда ёндошмоқ лозим.

Биринчиси, иқтисодиётни эркинлаштириш учун қандай хўжалик юритувчи субъектларни барпо қилиш ва такомиллаштириш зарурлиги бўлса, иккинчиси, шу субъектларнинг иқтисодиётини бошқаришда қандай муҳитни вужудга келтириш ва шу муҳитга қандай дастаклардан фойдаланиш лозимлигини таъминлашдан иборатдир.

Биринчи йўналиш бўйича биринчи Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаган энг муҳим муаммо – бу мулкдорлар синфини шакллантириш масаласини тубдан ҳал этиш, бу учун хусусий мулкчилик етакчи ўринда турадиган кўп укладли

[29] Ўша жойда. - 33 бет

иқтисодиётни барпо этишдан иборатдир. Шу туфайли мустақилликнинг дастлабки йилларида, олдимизда турган муҳим вазифа иқтисодиётни такомиллаштириш учун кўплаб хусусий мулкка асосланган янги корхоналарни очиш ва бошқа мулкдаги корхоналарни хусусий мулкка айлантиришга қаратилди. Бу муаммони ҳал қилишга шаҳарларда хусусий мулкка асосланган кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш эвазига амалга ошириш мумкин бўлса, қишлоқ жойларида пайчилик муносабатларини жорий қилиб ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш орқали эришиш стратегияси ишлаб чиқилди.

Бу борада Ўзбекистонда анча ишлар қилинди. Бир қанча қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, бу жараённи амалга оширишнинг меъёрий-ҳуқуқий асоси яратилди. Навбатдаги вазифа, шу меъёрий ҳужжатларни ҳаётга тўлиқ тадбиқ қилиш учун барча чораларни кўришдан иборат бўлди.

Аммо шундай шароитда кичик ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектларни ташкил қилиш ва бошқариш учун республикамизда тегишли кадрлар етарли эмас эди. Буларни инобатга олиб биринчи Президентимиз И.А.Каримов: «Кичик бизнес учун бошқарувчи кадрлар тайёрлайдиган, уларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий маданиятини оширадиган бизнес мактаби тармоғини вужудга келтириш зарур»[3] деган вазифани қўйди.

Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг навбатдаги вазифаси ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантиришдан иборат бўлди. Чунки, биринчи Президентимиз таъкидлаганидек: «рақобат бўлмаса, бозор иқтисодиётини барпо этиб бўлмайди. **Рақобат** – бозорнинг асосий шарти, айтиш мумкинки, унинг қонунидир»[4].

Бу масалани амалга ошириш учун иқтисодий таҳлил фанининг олдида янги-янги вазифалар пайдо бўлди. Булар жумласига, биринчидан, иқтисодий таҳлилни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ўрганадиган, бунинг учун эркин рақобат муҳитини баҳолайдиган кўрсаткичлар тизимидан фойдаланадиган фанни яратишни тақозо қилди. Иккинчидан, корхоналар ўртасида эркин рақобат муҳитини, уларнинг рақобатбардошлигини баҳолайдиган усулларни ишлаб чиқишни талаб

[3]Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. - Т.: “Ўзбекистон”, 1999. - 33 бет.
[4]Ўша жойда. - 34 бет.

этди. Учинчидан, асосий эътиборни режанинг бажарилишига эмас, балки корхонанинг маълум миқдорда фойда олиб, ўз тараққиётини ўзи таъминлайдиган принципда ишлаш усулларини ишлаб чиқиш лозим бўлди.

Маълумки, Ўзбекистонда «Монополия фаолиятини чеклаш тўғрисида», «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» каби бир қанча қонунлар қабул қилинган эди. Аммо улар тўлиқ ишламади. Шу туфайли Ўзбекистон иқтисодиёти олдида турган эндиги вазифа монополияга қарши қонунни кучайтириш, уни такомиллаштириш, монополия тизимларини камайтириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш каби масалаларга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат бўлди. Буларнинг ҳаммаси мавжуд иқтисодий вазиятни чуқур таҳлил қилишни тақозо қилади. Шу жиҳатдан иқтисодий таҳлил ушбу ҳолатни ўрганадиган усулларни ишлаб чиқиши лозим бўлди.

Иқтисодиётни эркинлаштириш борасидаги навбатдаги вазифа бозор инфратузилмасини ривожлантириш, молия ва банк тизимини унга мослаштирган ҳолда такомиллаштиришдан иборатдир. Ушбу соҳанинг бозор иқтисодиёти учун катта аҳамиятга эга эканлигини биринчи Президентимиз қуйидагича таъкидлаган эди: «Кенг тармоқли бозор инфратузилмаси – фонд, улгуржи бозорлар, биржалар, кредит ва молия муассасалари, лизинг ва концалтинг компаниялари, тадбиркорларга хизмат қилиш лозим бўлган бошқа тизимлар том маънода шаклланти-рилмас экан, улар тўла куч билан ишламас экан, биз иқтисодиёт тизимини очиқ, эркин, энг муҳими, самарали қисқа қилиб айтганда, ҳақиқий бозор иқтисодиётига айлантира олмаймиз».[30]

Бу вазиятни ҳам чуқур таҳлил қилиш ҳаёт тақозоси, объектив заруратга айланди. Аммо бунга тўла жавоб топиш учун амалдаги мавжуд таҳлил усуллари етарли эмас эди. Чунки, ҳозирги пайтда иқтисодий таҳлилнинг асосий вазифаси микроиқтисодиётни ўрганишга қаратилган эди. Ушбу кенг кўламли вазифаларни ўрганиш учун макроиқтисодий таҳлил усули ҳам яратилишини тақозо қилмоқда. Шу туфайли ҳозирги иқтисодий вазиятга тўлиқ баҳо бериш учун хўжалик юритувчи субъектлар таҳлилини (микроиқтисодий таҳлилни) такомиллаштириш билан бирга

[30] Ўша жойда. - 35 бет.

макроиқтисодий таҳлилни ҳам ривожлантириш, уларнинг бир-бири билан ўзаро мувофиқлигини таъминлашни ҳам талаб қилади.

Ўзбекистон ўзига хос стратегик тараққиёт моделига ва бетакрор ривожланиш йўлига эга. Бу йўлда собитқадамлик билан ҳаракат қилиб ҳамма соҳада босқичма-босқич ривожланиб, янгиланиб бормоқда. Бу жараён Ўзбекистон учун бир томондан, ўта мураккаб ва иккинчи томондан, жуда осон кечмоқда. Мураккаблиги шундаки, айнан шу йўлни босиб ўтган тажриба йўқлиги, бизга бу йўлнинг ҳамма босқичини ўзимиз синаб кўришимизга тўғри келаётганлиги бўлмоқда. Табиийки, бу унчалик осон бўлмади ва ҳозир ҳам енгилгина ўтаётган эмас. Бу йўнинг осонлиги шундаки, биз мустақил мамлакат сифатида, ўз тақдиримизни ўзимиз ҳал қилиш ҳуқуқига эгамиз. Ўз қийинчиликларимизни ўзимиз ҳал қилишимизга тўғри келмоқда. Бу эса биздан фақатгина изланиш ва яна изланишни, жамиятни янгилаш йўлида ислоҳотларни амалга оширишда қатъиятликни талаб қилади.

Мамлакатимизнинг биринчи Президенти таъкидлаганидек, “...ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди, у доим ҳаракатда ва ўзгаришда. Шундай экан, юртимизни ҳар томонлама ривожлантиришнинг ҳар бир босқичида янги-янги муаммолар пайдо бўлади ва уларни ҳал этиш бўйича замон бизнинг олдимизга янги-янги вазифаларни қўяди”[31].

Ҳақиқатда, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг 25 йил ўтгач, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий ва маърифий ҳаётимиз, олдимизга янги-янги вазифаларни қўйди. Буларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 7 февралдаги фармони [32] билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси” ишлаб чиқилди ва у ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Мазкур ҳужжатда ҳам мамлакат ҳаётининг ҳамма томонларини қамраб оладиган бешта устувор йўналиш белгиланган. Булар қуйидагилардан иборат:

1. давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш;

---

6 Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. /// Халқ сўзи, № 88, 2003 йил 25 апрел - 1 бет.

[7] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдага фармони.// “Халқ сўзи” газетаси 2017 йил 8 февраль – 1-2 бетлар.

2. қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш;

3. иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш;

4. ижтимоий соҳани ривожлантириш;

5. хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш.

Ушбу белгиланган бешта устувор стратегик йўналишдан иқтисодий таҳлилга тегишлиси учинчиси "иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган" ва тўртинчиси "ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган" қисмларидир.

Агар биз иқтисодий таҳлилнинг долзарб муаммоларига беш йил олдин тўхталганимизда эди, бутун бошқа манзараларга дуч келишимиз, бошқа масалаларни ҳал қилишга тўғри келарди. Лекин бугунги ҳаёт, бугунги тараққиёт бизнинг олдимизга бу соҳа бўйича ҳам янги бугунги кунда ҳал бўлиши лозим бўлган долзарб муаммоларни қўймоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг кўлами кенгайиб, суръати жадаллашиб боргани сайин, бу жараёнларнинг изчиллиги ва давомийлиги сақланган ҳолда, жамиятни янада эркинлаштириш ва демократлаштириш зарурати тобора аниқроқ намоён бўлаверади. Бу эса жамият ривожланишининг ҳар бир соҳасини, уни бошқаришда қўлланиладиган дастакларини такомиллаштириб, уларни давлатимизни янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тадбирларга мослаштириб боришни тақозо қилади.

Ҳозирги кунда мамлакат иқтисодий тараққиётида, уни бойитиш ва эркинлаштириш йўлида жуда кўп янги-янги муаммолар вужудга келди. Бу муаммолар иқтисодиётга оид фанлар олдига ҳам, хусусан иқтисодий таҳлил фани олдига ҳам жуда кўп муаммоларни ҳал қилиш вазифасини қўймоқда. Бугунги бутун ишларимиз халқни рози қилиш, уларнинг муаммоларини ҳал қилиш учун "Ҳаракатлар стратегияси"да белгиланган вазифаларни бажаришга қаратилгандир. Шу нуқтаи назардан ҳозирги иқтисодий таҳлилнинг вазифаси ва унинг қамраб олиш кўлами анча кенгайди.

Хусусан, иқтисодий таҳлил олдида ҳам жуда кўп муаммоларни ҳал қилишдек ўта муҳим вазифалар пайдо бўлди. Бу миллий истиқлол ғоясининг ҳар бир фанга сингдирилиш зарурати, бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқилган миллий стандартларга ўтиши, статистикада миллий ҳисоблар тизимининг жорий қилиниши, "Ҳаракатлар стратегияси"да кўзда тутилган вазифаларнинг сўзсиз таъминланиш лозимлиги, шуларга мос равишда халқни рози қилишга қаратилган тадбирларнинг бажарилиши каби масалалар иқтисодий таҳлилнинг, йўналишини, мазмуни, таркибий тузилиши ва унда қўлланиладиган кўрсаткичларни такомиллаштириш каби муҳим вазифаларни ҳал қилишни тақозо қилади.

Булардандан келиб чиқиб, иқтисодий таҳлилнинг бугунги кундаги ўзига хос хусусиятлари ва долзарб муаммоларига қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

1. Иқтисодий таҳлил Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёт йўлига, "Ўзбек модели"га ва мамлакатни ривожлантиришнинг "Ҳаракатлар стратегияси"га мос келишини таъминлаш масаласи, унинг бошқа давлатлар таҳлилига нисбатан ўзига хослигини белгилайди.

2. Иқтисодий таҳлилнинг мазмунига миллий истиқлол ғоясини, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш орқали, халқни рози қилишдек узоқ муддатга мўлжалланган концепциясини сингдириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш масаласи.

3. Иқтисодий таҳлилнинг жаҳон тажрибасига таянган ҳолда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ва миллий ҳисоблар тизими талаблари билан мувофиқ келишини таъминлаш билан боғлиқ хусусиятларни инобатга олиш муаммоси.

4. Иқтисодий таҳлилнинг таркибий тузилишини, унинг назарияси, бошқарув таҳлили ва молиявий таҳлилга бўлиниши, уларнинг таркибига иқтисодий таҳлилнинг "Ўзбек модели" ва "Ҳаракатлар стратегияси"ни ифода этадиган масалаларнинг киритилиши билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш масалалари.

5. Ҳозирги пайтда иқтисодий таҳлилнинг асосий вазифаси хўжалик юритувчи субъектлар таҳлилини (микроиқтисодий таҳлилни) такомиллаштиришга қаратилганлиги, аммо "Ҳаракатлар стратегияси"да қўйилган вазифаларни бажариш учун учун уни

макроиқтисодий таҳлил билан ўзаро алоқада олиб борилишини таъминлаш муаммоси билан боғлиқ ўзига хос хусусиятлар мавжудлиги.

6. Иқтисодий таҳлилнинг иқтисодиётга оид бошқа фанлар билан ўзаро алоқаларини, бир-бирини такрорламасдан ўзвийликни таъминлаш ва ҳар томонлама асосланган, таъсирчан бошқарув қарорларини қабул қилишга қаратилган ўзига хосликни таъминлаш муаммоси. Ушбу кенг кўламли вазифаларни ўрганиш учун макроиқтисодий таҳлил усули ҳам яратилишини тақозо қилмоқда. Шу туфайли ҳозирги иқтисодий вазиятга тўлиқ баҳо бериш фақатгина айрим кўрсаткичлар орқали эмас, балки хўжалик фаолиятига ҳар томонлама баҳо беришда кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш ва уларга копмлекс ёндошишни таъминлаш масаласи.

Кўриниб турибдики, ҳозирги пайтда иқтисодий таҳлилнинг миллий истиқлол ғоясига, мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиётини таъминлашга қаратилган "Ҳаракатлар стратегияси"га боғлиқлиги муҳим ва долзарб масалалардан бирига айланган. Аммо бу муаммолар иқтисодий адабиётларда етарлича ёритилмаган. Шу боис ушбу масала ҳам мазкур адабиётда алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2.2. Иқтисодий таҳлилнинг Ўзбекистон иқтисодий тараққиёт йўлининг "Ўзбек модели" ва "Ҳаракатлар стратегияси"ни ўзида ифода этиш масалалари

Мамлакатимиз биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, бешта асосий йўналиш Ўзбекистон Давлат қурилиши ва иқтисодиётини ислоҳ қилиш дастурининг ўзагини ташкил қилади. Буларнинг моҳияти қуйидагича:

"биринчидан, **иқтисодий ислоҳотлар ҳеч қачон сиёсат ортида қолмаслиги керак**, у бирор мафкурага бўйсундирилиши мумкин эмас. Бунинг маъноси шуки, иқтисодиёт сиёсатдан устун туриши керак. Ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий муносабатларни мафкурадан холи қилиш зарур;

иккинчидан, **давлат бош ислоҳотчи бўлиши лозим**. Бу ислоҳотларнинг устувор йўналишини белгилаб бериши, ўзгартиришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан

ўтказиш, жаҳолатпарастлар (ретроградлар) ва консерваторлар қаршилигини бартараф этиши шарт;

учинчидан, **қонун, қонунларга риоя этиш, устувор бўлиши лозим**. Бунинг маъноси шуки, демократик йўл билан қабул қилинган Конституция ва қонунларни ҳеч истисносиз ҳамма ҳурмат қилиши ва уларга оғишмай риоя этиши лозим;

тўртинчидан, **аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсатни ўтказиш**. Бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан таъсирчан чоралар кўрилиши лозим. Бу бозор иқтисодиёти йўлидаги энг долзарб вазифа бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади;

бешинчидан, **бозор иқтисодиётига ўтиш** объектив иқтисодий қонунларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда, ўтмишдаги "инқилобий сакрашлар"сиз, яъни **эволюцион йўл** билан, пухта ўйлаб, босқичма-босқич амалга оширилиши керак" [33] . Ушбу устувор йўналишлар мамлакатимизнинг истиқболи, ривожланиш ва тараққиёт йўли учун асос қилиб олинар экан, булар унинг назарий ва амалий ҳолатини ифода этувчи фанларнинг, шу жумладан, иқтисодий таҳлил фанининг ҳам негизини ташкил қилмоғи лозим.

Ҳозирги шароитда иқтисодий таҳлилнинг объекти микроиқтисод даражасида фаолият кўрсатадиган хўжалик юритувчи субъектлар билан чегараланган. Буларнинг назарий ва амалий жиҳатдан такомиллашуви ҳам жамият тараққиётининг асосий тамойилларига мос ҳолда бўлишини тақозо қилади. Булар қуйидагиларда ўз ифодасини топган:

Биринчидан, иқтисодий ислоҳотлар ҳеч қачон сиёсат ортида қолмаслиги лозим. Буни қандай тушунмоқ керак? Корхона ўз истиқболи учун юксак технологияни хориждан сотиб олиши зарурати бор. Масалан, бундай технология исломий давлат бўлган Эронда мавжуд. Уларнинг сиёсий **қарашлари** бизга тўғри келмаслиги мумкин, лекин бу иқтисодий муносабатимиз учун, яъни илғор технологияни сотиб олишимизда ҳеч қандай тўсиқ бўлмаслиги керак. Иқтисодий муносабатлар икки томонлама манфаатдорлик таъминланса, қандай сиёсат ёки мафкурадан қатъий назар ўрнатилавериши лозим.

---

[33]Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. - Т.: «Ўзбекистон», 1994. - 28-29 бетлар.

Шунингдек, иқтисодиёт бирорта мафкурага бўйсундирилиши мумкин эмас. Ҳақиқатда, Ўзбекистонда хилма-хил мафкуралар мавжуд. Буларга сиёсий партиялар, ҳаракатлар ва шу каби бир қанча гуруҳ ва жамоаларнинг мафкуралари киради. Иқтисодиёт бу мафкураларнинг қандайлигидан қатъий назар, ўз қонунлари асосида ривожланиши лозим. Масалан, бирор корхонада турли мафкурага эга бўлган турли партия вакиллари фаолият кўрсатади. Бу эса иқтисодий ривожланишга тўсиқ бўлмаслиги керак. Шунингдек, бир-бирига алоқадар корхоналар муассислари турли партиялардан бўлиши мумкин. Бир партияда муассислигидаги корхонада ун ишлаб чиқарилади, иккинчисида нон. Улар турли мафкурага эга. Лекин корхоналарнинг бир-бирига боғлиқлигига мафкуравий қарашлар таъсир қилмаслиги керак. Нон ишлаб чиқариш учун ун керак бўлса, унинг ёнидаги бошқа партияга мансуб корхона шу корхонанинг унини харид қилади. Муҳими иқтисодий манфаатдорлик икки томонга ҳам таъминланса бас, бу ерда мафкуралар роль ўйнамайди.

Иккинчидан, бизнинг тараққиётимиз ва ривожланишимизни таъминлаш учун давлат бош ислоҳотчи бўлишлиги кўзда тутилган. Ҳақиқатда биз танлаган йўл ҳали тажрибаларда синалмаган йўл бўлганлиги учун давлатимиз ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бориши, тегишли қонунлар ва бошқа меъёрий нормаларни ишлаб чиқиши, тегишли шароитларни яратиб бериши, турли ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиши лозим. Ҳозирги пайтда ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларнинг эркин фаолиятини таъминлашга қаратилган, уларнинг эркинликларини кафолатловчи қонунларни ишлаб чиқмоқда. Корхоналар эса ушбу қонунлар асосида фаолият кўрсатиши, ўзининг ривожланиш стратегиясини давлатимиз белгилаб берган устувор йўналишларга қаратмоғи лозим. Айнан ушбу йўналиш корхоналар фаолиятини таҳлил қилиш орқали таъминланади.

Давлат, ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятига турли аралашув ва назоратларни чеклаган ҳолда, уларнинг мустақил фаолият кўрсатиши ва эркинликларини таъминловчи бир қанча қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқди ва улар муттасил такомиллашиб бормоқда. Энди улар ушбу имкониятлардан фойдаланган ҳолда ўз фаолиятларини қонун асосида

амалга оширишлари лозим. Иқтисодий таҳлил жараёнида корхонанинг ана шу имконият, имтиёз ва кафолатлардан қандай фойдаланилаётганлиги, давлат билан корхона ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг ўзаро манфаатли тамойилларга асосланганлиги каби жиҳатлар ҳам ўрганилган.

Учинчидан, ҳар бир хўжалик юритувчи субъект фаолиятида қонунларга риоя этиш устувор бўлмоғи лозим. Зеро, хўжалик юритувчи субъектлар мулкининг шаклланиши, улардан фойдаланиш ва тасарруф этиш, хўжалик фаолиятини юргизишдаги иқтисодий муносабатлар, улар натижаларини баҳолаш ва фойда орттириш каби ишларнинг ҳаммаси қонунлар ва тегишли меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинган.

Иқтисодий таҳлил жараёнида ҳар бир корхонанинг хўжалик фаолияти ўрганилганда, унинг ҳолати ва самарали фаолиятига баҳо бериш билан бирга ҳар бир содир этилган хўжалик операцияларининг қонунийлигига, кўрсаткичлар ҳажмининг меъёрий ҳужжатларга тўғри келишини таъминлашга қаратилади.

Тўртинчидан, кучли ижтимоий сиёсат Ўзбекистон тараққиётида муҳим ўрин тутади. Бу масала иқтисодий таҳлил жараёнида жуда катта эътиборга олинмоғи лозим. Ҳозирги пайтда кўпгина корхоналар давлат тасарруфидан чиқарилиб, нодавлат ва хусусий мулк мақомига эга бўлганлар. Албатта кам таъминланган аҳолини давлат ўз йўли билан ижтимоий ҳимоясини таъминлаб боради. Аммо ижтимоий ҳимоялаш деганда фақат кам таъминланган аҳоли қатламига моддий ёрдам бериш эмас, балки ҳар бир меҳнат қилаётган кишига муносиб турмуш шароитини яратиб бериш, уларнинг самарали меҳнатини моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш масалалари ҳам тушунилади. Ҳозирги шароитда кам таъминланган оилалар учун арзон уйларни қуриб, имтиёзли кредитлар асосида бериш масаласи, ҳар бир оилага зарур бўлганда тегишли кредитлар бериб шахсий якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш масаласи каби масалаларга катта аҳамият берилмоқда. Иқтисодий таҳлил жараёнида ҳар бир корхонада бу масала қандай йўлга қўйилганлиги, ўз ходимларини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан қандай таъсирчан чоралар кўраётганлиги каби масалалар ҳам изчил ўрганилмоғи, бу ишларни такомиллаштириш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоғи лозим.

Бешинчидан, бозор муносабатларига эволюцион йўл билан, пухта ўйлаб, босқичма-босқич ўтиш тамойили ҳам жамият тараққиётининг муҳим шартларидан биридир. Бу тамойилга ҳам ҳар бир корхонада амал қилинмоғи лозим. Фаолият кўрсатаётган давлат тасарруфидаги кўпгина корхоналар хусусийлаштириш оқибатида мулк шаклини ўзгартирди ва бу жараён давом этмомоқда. Натижада мулк эгалик бўлди, иқтисодиёт эркинлашди. Аммо ушбу ҳолатда мулкдор нимани хохласа шуни қилиши керак дегани эмас, балки ҳар бир ходим билан меҳнат муносабатларини ўрнатишда қонун доирасида эҳтиёткорлик билан иш тутишини, шартномаларни бирданига барбод қилмасдан, иқтисодий алоқаларни бўзмасликни, қўшимча ноқонуний ҳатти-ҳаракатларни қилмасликни талаб қилинади. Ҳамма жараёнлар қонунга амал қилган ҳолда бозор муносабатларига ўтиш босқичма-босқич амалга оширилиши лозимлиги ҳам иқтисодий таҳлилда алоҳида ўрганишни тақозо қилади.

Кўриниб турганидек, Ўзбекистон ривожланишининг беш тамойилида ўзида мўжассамлаштирган тараққиётнинг "Ўзбек модели" ҳар бир хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида ўз аксини топиши иқтисодий таҳлилда ўрганиладиган муҳим жараёнлардан бири эканлигининг гувоҳи бўлдик. Шу билан бирга мамлакат тараққиётининг янги босқичида, яъни 2017-2021 йилларга мўлжалланган мамлакатни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишига асосланган "Ҳаракатлар стратегияси"да ҳам ҳар бир хўжалик юритувчи субъектлар олдига янги-янги вазифаларни қўйди. Иқтисодий таҳлил жараёнида давлат ва ҳудудий дастурларда белгиланган вазифаларнинг бажарилиши ҳам мукаммал ўрганилиши, ҳар бир банднинг бажарилишини таъминланишини назорат қилишда фойдаланилади.

Мустақиллик йилларида мамлакатда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятини қуришга, эркин бозор муносабатларига ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиётни ривожлантиришга, халқ осойишта ва фаровон ҳаёт кечириши учун шарт-шароитлар яратишга, аҳолининг давлатдан рози бўлиб яшашлигини таъминлашга, халқаро майдонда Ўзбекистоннинг муносиб ўрин эгаллашига қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Босиб ўтилган йўл ва орттирилган тажрибани холисона баҳолаш мустақиллик йилларида эришилган ютуқларни таҳлил қилишдан ҳамда замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, олдимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва мамлакат тараққиётини жадаллаштиришнинг муҳим устуворликларини ҳамда аниқ марраларини белгилашдан, муҳим вазифаларни ҳал қилишдан иборат мураккаб даврга тўғри келди.

Мазкур вазифаларни амалга ошириш йўлида аҳолининг кенг қатламлари, жамоатчилик ва ишбилармон доиралар вакиллари, давлат органларининг раҳбарлари ва мутахассислари билан амалий суҳбат ҳамда муҳокамалар олиб борилди, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатлари, миллий ва халқаро ташкилотларнинг ахборот-таҳлилий материаллари, маърузалари, тавсиялари ва шарҳлари ўрганилди, ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлил қилинди. Натижада мамлакатни ривожлантириш йўлини такомиллаштириш, уни давр талабидан келиб чиққан ҳолда янгилашдек, муҳим хулосага келинди.

Бунга халқ билан бевосита мулоқот ҳам яна бир муҳим омил бўлди. Аҳолидан келиб тушган таклифларни жамлаш, чуқур ўрганиш ҳамда умумлаштириш асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Мазкур фармон бўйича мамлакатни ривожлантиришнинг қуйидаги бешта йўналиши белгилаб берилди.

Биринчидан, давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламентнинг ҳамда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш, давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, “Электрон ҳукумат” тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш, жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш [34] вазифаси қўйилди. Ушбу вазифалар жамиятнинг такомиллашувида муҳим

[34] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги фармони.// “Халқ сўзи” газетаси 2017 йил 8 февраль – 1-2 бетлар.

омил бўлиб ҳисобланади ва буларнинг иқтисодиётимизга таъсири таҳлил жараёнида ўрганилади.

Иккинчидан, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш, суд жараёнида тортишув тамойилини тўлақонли жорий этиш, юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш [35] масалалари ҳам устувор вазифа сифатида белгиланди. Қонун устувор бўлган жойда адолат бўлади, адолатли мамлакатда турли коррупция, қуфёна иқтисодиёт элементлари бўлмайди. Булар ҳам иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши учун муҳим омиллардандир. Ушбу масалалар ҳам омилли таҳлилда батафсил ўрганилади.

Учинчидан, иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш [36] вазифаси ҳам белгиланган. Иқтисодиётни ривожлантиришнинг ушбу йўли бутунлай янги бўлиб, уни ривожлантириш омиллари ҳам ўзгарди, микро ва макро иқтисодий ўсишнинг ўзаро боғлиқлиги таъминланадиган шароит яратилди. Ушбу омиллар ҳам иқтисодий таҳлилда ўрганиладиган муҳим масалалардан биридир.

---

[35] Ўша жойда.

[36] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги фармони.// “Халқ сўзи” газетаси 2017 йил 8 февраль – 1-2 бетлар

Тўртинчидан, ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимояси ва соғлиғини сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арзон уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш[37] масаласи ҳам устувор вазифалар сифатида белгиланди. Одатда мамлакатнинг ривожланишида, аҳолининг фаровонлигини оширишда, яшаш сифати ва даражасининг оширилишини таъминлашда ижтимоий-иқтисодий соҳани бирданига тараққий эттириш муҳим аҳамиятга эга. Шу туфайли уларнинг мутаносиб ривожланиши ҳам иқтисодий таҳлилнинг муҳим мавзуси сифатида ўрин олиши лозим.

Бешинчидан, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритишга йўналтирилган давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамла”[38] ҳам жамият тараққиётининг устувор вазифаларидан биридир. Ушбу вазифаларни амалга оширмасдан туриб, юқоридаги вазифаларни бажаришнинг имконияти ҳам йўқ. Тинчлик бўлмаган жойда иқтисодиётнинг ривожланиши, ижтимоий аҳволнинг яхшиланиши хусусида гапирмаса ҳам бўлади. Шу туфайли мамлакатни ривожлантиришнинг ҳамма томонини қамраб оладиган тизимли ёндашув асосида комлекс таҳлил усулларини ишлаб чиқишни тақозо қилади. Бу эса, иқтисодий таҳлил шаклларига тизимли таҳлил ва макроиқтисодий таҳлил каби бўлимларни киритишни тақозо қилади.

Ушбу йўналишлардаги вазифаларнинг муҳимлигига яна бир далил, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2017 йил 7 февралда имзолаган фармонида қайд

---

[37] Ўша жойда.

[38] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдага фармони.// “Халқ сўзи” газетаси 2017 йил 8 февраль – 1-2 бетлар.

этилишича, “Ҳаракатлар стратегиясини ўз вақтида ва самарали амалга ошириш барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг бирламчи вазифаси ва бош устувор йўналиши ҳисобланади”[39], деб кўрсатилган. Кўриниб турибдики, “Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва самарали амалга ошириш масъулияти ҳар бир мутасадди шахслар зиммасига юклатилган. Бу эса, ҳар бир иқтисодий жараённи изчиллик билан таҳлил қилиб боишни тақозо қилади. Шу жиҳатдан иқтисодий таҳлил фанида эркин ва фаровон ҳаётни барпо этиб, халқни рози қилишдек узоқ муддатга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган концепциясини бажариш йўлларини ишлаб чиқиш ва унинг ижросини таъминлаш масаласи ҳам муҳим саналади.

2.3. Иқтисодий таҳлилнинг мазмунига озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиб, халқни рози қилишдек узоқ муддатга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси” мазмунини сингдириш

Инсоният тарихи – ғоялар тарихидир. Инсоният ҳамиша эркинликка, мустақилликка интилиб, ўзига ёт ва бегона бўлган яшаш тарзидан, турли тазйиқлардан холос бўлишга интилиб яшаган. Бу эса ҳар бир инсонни, миллатни, халқни истиқлолга эришиб яшаш, ўзи танлаган, ўзи истаган йўлдан бориш, ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқини қўлга киритишга ҳаракат қилиб яшаш ғоясини туғдирган. Кўриниб турибдики, мустақиллик ғояси ҳар бир давлатнинг мустақиллигидан олдин туғилади.

Жамиятда ҳеч қандай жараён инсон аралашмасдан содир бўлмайди. Инсон аралашгач жамиятни у ўз манфаатига мос, ғоясига хос қилиб ўзгартиришга ҳаракат қилади. Шундай экан, инсон ҳамиша мустақилликка, эркин бўлишга, адолатли тинч жамиятда яшашга интилади. Бундай интилиш натижасида унинг мустақиллик ғояси шаклланади ва курашлар натижасида амалга ошади. Айнан ана шу ғоя натижасида Ўзбекистон мустақилликка эришди. Шундай қилиб, миллий истиқлол ғояси юзага келди, намоён бўлди.

---

[39] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги фармони.

Миллий истиқлол ғоясининг мазмун-моҳияти, тамойиллари, функциялари, шакллари, тарихий ва фалсафий илдизлари, асослари ифода этилган янги фан “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фани вужудга келди. Бунда мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, ҳуқуқий каби соҳалардаги тараққиёт йўлини белгилаш учун асос бўлган тамойиллар ўз ифодасини топди. Аста-секинлик билан ушбу фаннинг мазмуни бошқа фанларга сингдирилди ва унинг мазмуни ҳамма фанларда ифодаладиган бўлди. Шу туфайли ушбу фанни алоҳида фан сифатида ўқитишга ҳожат қолмади. Демак, ҳар қандай фан, хусусан иқтисодий таҳлил фани ҳам, шу миллий истиқлол ғоясига мос, шунга хос ва бевосита боғлиқ равишда ривож топадиган бўлди. Шу туфайли миллий истиқлол ғояси билан иқтисодий таҳлил фанининг бир-бири билан боғлиқлигини нималарда намоён бўлишини кўриб чиқиш муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шу туфайли мазкур масалага алоҳида эътиборни қаратдик.

Биринчидан, бизнинг бош ғоямиз озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этиб, уларнинг истак ва хоҳишлари асосида жамиятни ривожлантириб, халқни рози қилиб яшашдан ибортдир. Бунга ҳар бир хўжалик юритувчи субъект, мулк шаклидан қатъи назар, ўзининг ҳиссасини қўшмоғи лозим. Иқтисодий таҳлилда уларнинг хўжалик фаолияти натижаларини шу талабдан келиб чиққан ҳолда ўрганишни, ушбу ғояни бажаришга қаратилган бошқарув қарорларини қабул қилишга йўналтиришни тақозо қилади.

Иккинчидан, асосий ғояларимиздан бири ҳар бир инсон бугун бахтли яшашга ҳақли, шу туфайли бутун халқнинг фаровонлигини таъминлашдан иборатдир. Шу мақсадда тадбиркорликка кенг йўл очиб берилди. Аммо ҳамма ҳам тадбиркор бўла олмайди, имконияти чекланган ва ногиронлиги бор инсонлар ҳам жамиятимиз аъзоларидар. Асосий эътибор айнан шуларнинг ҳам муносиб яшашини таъминлашга қаратилди. Бундай шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъект режани бажариш учун эмас, балки энг аввало, халқнинг бир бўлаги бўлган шу меҳнат жамоасининг фаровонлигини таъминлашга ва ундан кейин жамиятнинг кўмакка муҳтож аҳолисига эътиборни қаратишга ҳам мажбур. Уларни имкон қадар иш билан, арзон товар-моддий бойликлар билан таъминлаш каби ҳолатларга аҳамият бериш баробарида маълум миқдорда фойдага

эришиш учун ҳаракат қилиб фаолият кўрсатишини ҳам тақозо қилмоқда. Иқтисодий таҳлил шунга мос равишда, ҳам олдингидек фақат режанинг бажарилишини ўрганиш билан чекланиб қолмасдан, балки ҳар бир қилинган ишнинг аҳолига, жамиятга, меҳнат жамоасига ва бевосита ходимларга қанча наф келтираётганлигига, халқнинг розилиги йўлида нималарни амалга ошираётганлигига эътиборни қаратиши лозим бўлмоқда.

Учинчидан, асосий ғояларимиздан бири Ватан равнақи бўлиб, ҳар бир инсон, ҳар бир корхона унга ҳисса қўшишга мажбурдир. Зеро, биз яшаётган Ватан бизга аждодларимиздан мерос қолди, биз ҳам уни обод ва озод ҳолда авлодларимизга қолдиришимиз лозим. Бизга Ватан яшашимиз учун барча имкониятлар билан туҳфа этилган. Уни асраб-авайлаш, янада бойитиш, авлодларимизнинг эркин ва фаровон яшаши учун бирча имкониятларга эга бўлган шундай Ватанни қолдиришимиз инсоний бурчимиздир. Иқтисодий таҳлил жараёнида бу вазифани ҳар бир хўжалик юритувчи субъект қандай бажараётганлигига, унинг Ватан равнақига қандай ҳисса қўшаётганлигига аҳолининг яшаш даражаси ва сифатининг ошишида ўрни қандайлигига алоҳида аҳамият беришни тақозо қилади. Шу туфайли мазкур ғоя хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти иқтисодий таҳлилининг ҳар бир кўрсаткичини ўрганишда ва мос равишда, ҳар бир бобида ўз ифодасини топмоғи лозим.

Тўртинчидан, миллий истиқлолнинг муҳим ва асосий ғояларидан бири ижтимоий ҳамкорлик, яқин қўшничилик, ўзаро манфаатли иқтисодий муносабатларни ўрнатиб, тинч ва осойишта яшашни таъминлаш ғоясидир. Ўзбекистон кўпмиллатли, кўпукладли, кўппартиявийлик, кўпдинлилик ва кўпмулкчиликка асосланган инсонпарвар умумдемократик жамият барпо этиш йўлида тараққий этмоқда. Мамлакат ўзининг пировард мақсадига эришиши учун шу турли фикр, қараш, манфаатларга эга бўлган кишиларни, гуруҳларни бир-бири билан муроса қиладиган ижтимоий ҳамкорликни таъминлаб келмоқда. Натижада жамиятда тинчлик ва тотувликнинг, тинч ва барқарор тараққиётнинг мустаҳкам кафолати вужудга келади. Булар эса ўз навбатида иқтисодий ўсишни таъминлайдиган муҳим омиллардир. Шу жиҳатдан иқтисодий таҳлилнинг асосий эътибори турли мулк шаклига эга бўлган иқтисодиётнинг асосий йўналишига, мамлакатнинг барқарор тараққиётини таъминлашга қаратилмоғи

лозим. Чунки мулкнинг турли шакллари тенг ҳуқуқлигини таъминлашга эришишнинг йўл-йўриқлари ҳам айнан иқтисодий таҳлил орқали ўрганилади.

Ўзбекистон тараққиётининг бош ғояси, таъкидланганидек, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдан иборатдир. Демак, бугунги фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар, фирма ва компаниялар, хусусий тадбиркорлар, мулк шаклидан қатъий назар, мамлакат тараққиётининг шу бош ғояси, асосий стратегик концепциясининг амалга ошишига ўзларининг баҳоли қудрат ҳиссаларини қўшмоғи лозим. Иқтисодий таҳлил эса, шу таҳлил қилинаётган объектда мазкур жараён қай даражада амалга оширилаётганлигига эътиборни қаратиши мақсадга мувофиқ.

Ҳар бир ҳудуд, ундаги ҳар бир корхона Ватаннинг бир парчаси. Унинг озодлиги ва эркинлигини бош ислоҳотчи сифатида давлат таъминлайди. Аммо ўзининг ободлигини ва жамоасининг фаровонлигини ҳар бир корхона ўзи таъминлаши лозим. Буни ҳеч ким ташқаридан келиб, ўнглаб ёки қилиб бермайди. Ободлик бор жойда барака бор. Шу туфайли ободлик жамиятнинг ҳамма бўғинида, кўнгил ободлигидан тортиб юрт ободлигигача эришишни тақозо қилади.

Обод Ватанга ҳар бир хонадоннинг, корхонанинг, маҳалланинг, туман, вилоят ва бутун мамлакат ободлиги эвазига эришилади. Демак, ҳар бир хўжалик юритувчи субъект фаолияти таҳлил қилинганда унинг фақат иқтисодий кўрсаткичларни ўрганиш билан чекланиб қолмасдан, балки ижтимоий кўрсаткичларига, хусусан, унинг том маънода ободлигига ҳам эътиборни қаратиш лозим бўлади.

Обод корхона (турли мулк шаклида хўжалик юритувчи субъект) деганда, унинг атрофи, ҳовли ва биноси кўркам ва чиройли, шу билан бирга, ходимлари ўртасида ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, қут барака, иқтисодий кўрсаткичлари яхши бўлган барқарор руҳий муҳитга ва тараққиётга эга меҳнат жамоаси тушунилади. Иқтисодий таҳлил жараёнида, айнан, ана шу жиҳатларга ҳам аҳамият берилиши лозим бўлмоқда. Юртимизнинг ободлиги кўнгиллар ободлигига, кўнгиллар ободлиги юрт ободлигига кўчади. Шу туфайли бирорта соҳани ушбу масаладан четда қолдириб бўлмайди.

Ҳар бир корхонада фаолият кўрсатаётган ходимлар, жамиятнинг бир бўлаги. Бутун халқнинг фаровонлиги, ҳар бир кишининг, ҳар бир жамоанинг фаровонлигидан таркиб топади. Шундай экан, ҳар бир корхона ўзининг ходимлари, яъни меҳнат жамоасининг фаровонлигини таъминлаши лозим. Шу туфайли бу масала ҳам иқтисодий таҳлил томонидан ўрганиладиган муҳим масалалардан бирига айланмоғи лозимдир. Фаровонлик таъминланган жойда хотиржамлик, келажакка, давлатга, ўзига ишониб яшаш ҳиссиёти пайдо бўлади. Бу эса, самарали меҳнат қилиш учун руҳий асосдир. Бу асос иқтисодий ўсишнинг муҳим омилидир.

Шундай қилиб, иқтисодий таҳлил фанининг мазмунига миллий истиқлол ғоясини, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдек узоқ муддатга мўлжалланган концепцияни сингдириш масаласи мазкур фанни Ўзбекистоннинг ўзига хос ва мос тараққиёт йўлига мослаштириш муаммосини ҳал қилади. Бу дегани иқтисодий таҳлилни бошқа давлатлардаги таҳлилдан бутунлай ажратиб қўйиш дегани эмас, албатта. Ушбу фанни жаҳон тажрибасини ўзида мужассам этган ҳолда, ўзимизга хос тараққиёт йўлига мослаган ҳолда такомиллаштиришни тақозо қилади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш бир томондан корхоналарнинг мустақил фаолияти учун катта имконият яратиб берса, иккинчи томондан, уларнинг масъулиятини ҳам оширади. Корхоналарнинг иқтисодий эркинлиги ва масъулиятининг ошганлиги ўз фаолиятини чуқур таҳлил қилишни тақозо қилади. Шу туфайли ҳозирги иқтисодиёт шароитида иқтисодий таҳлилнинг асосий қисмларидан бири бўлган “Бошқарув таҳлили” қисми ўзимизга хос, ҳар бир хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига мос тарзда такомиллашиб боради.

Аммо адабиётларда иқтисодий таҳлилни ташкил қилиш ўзимизга хос ҳолда етарлича ёритилмаган. Шундан келиб чиққан ҳолда, мазкур ишда иқтисодий таҳлилни ташкил қилиш муаммоларига янгидан ёндошилган.

Иқтисодий таҳлил билан боғлиқ муаммолар жуда кўп. Уларни бир қанча гуруҳларга бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳ муаммога, мазкур фанни мамлакатимизда шаклланаётган ўзига хос бозор муносабатларига мос янгиланишлар даврини ўзида мужассам этган “Ҳаракатлар стратегияси”да

қўйилган вазифаларни бажаришга қаратилган фаннинг назарий ва методологик асосини яратиш муаммоси.

Иккинчи гуруҳ муаммога, ушбу фаннинг кимга ва нимага кераклигини, иқтисодиёт соҳасида фаолият кўрсатаётган мутахассисларнинг қайсилари айнан шу фанни ўзлаштириши, иқтисодий-ижтимоий ҳаётимизнинг қайси бўғинида уни қўллаш лозимлигини асослаш ва шунга мос тарзда уларни ўқитиш муаммоси.

Учинчи гуруҳ муаммога, амалиётда иқтисодий таҳлилни жамият, унинг ҳар бир бўғинларида қай даражада ва қай ҳолатда ташкиллаштириш муаммоси.

Ҳар бир муаммонинг мазмун-моҳияти ва уни ҳал қилиш йўлларини кўриб чиқиш бугунги кунда ўта муҳим ҳисобланади. Чунки республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзига хос иқтисодий дастаклар ва шунга мос фанларнинг шаклланишини ҳам тақозо қилади. Бундай фанлардан бири «Иқтисодий таҳлил» фани янги мазмун ва шаклда такомиллашмоғи мақсадга мувофиқ.

Албатта иқтисодий таҳлил олдинги маъмурий буйруқбозликка асосланган режали иқтисодиёт шароитида ҳам мавжуд эдику, унинг мазмунини ўзгартиришга, айрим қисмларини янгидан шакллантиришга на ҳожат деган саволнинг туғулиши мумкин. Бунга жавобан шуни таъкидлаш жоизки, ушбу фан олдинги режали иқтисодиёт шароитида ҳам ҳақиқатда мавжуд ва унинг назарий ва методологик асоси яхши ривожланган ва такомиллашган эди. Аммо унинг мақсади ва моҳияти, таъкидланганидек, режали иқтисодиётга мослаштирилган бўлиб, бевосита режанинг шаклланиши ва бажарилишига хизмат қилишга қаратилган эди. Унинг мазмуни эса, маълум даражада, мафкуравийлашган ҳолда, энг аввало, давлат манфаатини ифодалаб келарди. Чунки барча мулк, уни тасарруф этиш бевосита давлатнинг ихтиёрида эди. Эндиликда иқтисодий вазият тубдан ўзгарди. Давлатнинг мулкка ва барча иқтисодий жараёнларга эгалиги барҳам топиб, кўп мулкчиликка асосланган, бозор муносабатларини ўзида ифода этадиган, мазмун жиҳатидан янги иқтисодиёт шаклланмоқда. Бу эса шунга мос равишда мазмун жиҳатдан янги бўлган «Иқтисодий таҳлил» фанининг шаклланишини тақозо қилади.

Эндиги «Иқтисодий таҳлил» фани, энг аввало, ҳеч қандай мафкурага тобе бўлмасдан, давлат манфаатини инкор қилмаган ҳолда турли мулк эгаларининг (иш кучи эгаси, меҳнат жамоаси,

корхона ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг) манфаатларини ўзида акс эттирган ҳолда ифода этилиши мақсадга мувофиқдир. Бу ҳолат мазкур фаннинг мақсади, вазифалари, таркиби, унда қўлланиладиган кўрсаткичлар тизимини ҳам такомиллаштириб, мавжуд тузимга мос ҳолда ўзгартиришни тақозо қилади.

2.4. “Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган вазифаларни ҳал қилишда иқтисодий таҳлилнинг роли ва ўрни

Мамлакатни ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган вазифаларни ҳал қилишда иқтисодий таҳлилнинг роли ва ўрни табора ошиб бормоқда. Ушбу масалаларнинг ҳал қилиш иқтисодий таҳлил фанининг кимга кераклиги у билан ким шуғулланиши, унинг объектив зарурлигини асослашни тақозо қилади. Чунки, иқтисодиёт жадал ривожланиб бораётган шароитда ҳар бир корхона ўзининг яшавчанлигини, жадал ривожланишини таъминлашлари лозим. Шу туфайли иқтисодий таҳлил орқали корхона раҳбари ёки менежери, бевосита мулкдор унинг фаолиятини батафсил ўрганиб бориш лозимлигини тақозо қилади. “Ҳаракатлар стратегияси”да мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича вазифаларни амалга оширишда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг самарасини оширишга қаратилган давлат-хусусий шерикликнинг замонавий механизмларини жорий этиш” [40] масаласи қўйилган. Ушбу вазифаларни таъминлаш учун эса маълум кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Шу мақсад ва вазифаларга мос тарзда иқтисодий таҳлилда ўрганиладиган кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилиши, мавжуд кўрсаткичларни такомиллаштириб бориши лозим бўлади.

Шунингдек, “Ҳаракатлар стратегияси”да “давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларига оид ахборотни тақдим қилишнинг замонавий шаклларини жорий этиш”[41] масаласи ҳам устувор вазифа сифатида

[40]Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги фармони.
[41] Ўша жойда.

белгиланган. Иқтисодиётни эркинлаштириш жараёни, бозор механизмининг такомиллашиши, ислоҳотларнинг тобора чуқурлашиб бориши ҳар бир иқтисодий жараённи чуқур таҳлил қилишни тақозо қилган бўлса, “Ҳаракатлар стратегияси”да қўйилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш учун реал рақамлар асосида, ахборотларнинг очиқлигини таъминлаган ҳолда жадал ривожланаётган иқтисодиётга мос ҳолда такомиллашган бўлишлигини тақозо қтилади. Чунки мулкдор (инвестор) иқтисодий жараёнда асосий субъект сифатида иштирок этади. У ўз мулкининг кўпайишидан, кўпроқ фойда олишидан манфаатдир. Бунга ўз-ўзидан эришиб қолмайди. Бу учун тадбиркорлик, изчиллик, зийраклик ва ақл билан иш кўриши лозим. Чунки, мулкдорнинг ҳусусий мулкка бўлган ҳуқуқларини етарли даражада кафолатланган ва улар йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Буни “Ҳаракатлар стратегиясида” яна бир бор кўриш мумкин. Айнан ушбу ҳужжатда “фуқароларининг ҳусусий мулкка бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш кафолатларини мустаҳкамлаш” [42] масаласи устувор вазифа этиб белгиланган. “Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган вазифаларни бажариб боришга эришиши учун ушбу вазифалар ўз навбатида, мулкининг ҳолатини, унинг ишлатилиши ва сақланишишини таҳлил қилишни тақозо қилади. Демак, иқтисодий таҳлил энг аввало, мулкдор учун керак эканлигини, ҳозирги даврда инкор қилинмайди.

Мулкдор ўз мулкини ишлатиш учун турли корхоналарга эга бўлиши мумкин. Бу эса бошқа кишиларни, мутахассисларни, ходимларни ёллашига тўғри келади. Улар меҳнат жамоасини ташкил қилади. Корхонанинг яхши, самарали ишлаши меҳнат жамоасининг фаровонлигини таъминлайди. Корхона қанча кўп даромад қилса меҳнат жамоаси аъзолари оладиган меҳнат ҳақига қўшимча рағбатлантириш пулини шунча кўп олади. Бу эса меҳнат жамоасининг ўзлари ишлаётган корхона хўжалик фаолиятини мунтазам таҳлил қилиб боришни тақозо қилади. Демак, иқтисодий таҳлил бевосита меҳнат жамоаси учун ҳам керак экан.

Ҳар бир корхонанинг хўжалик фаолияти натижасидан давлат ҳам манфаатдор. Чунки ҳар бир корхона ўз мулкидан, қилган обороти ва олган фойдасидан солиқ тулайдилар. Шу туфайли давлат номидан солиқ идоралари ҳам корхона фаолиятини чуқур таҳли қилиб боришдан манфаатдир. Бунда солиқ идоралари солиқ

[42] Ўша жойда.

билан боғлиқ кўрсаткичларни ўрганади ва назорат қилади. Демак, иқтисодий таҳлил солиқ идоралари ходимлари учун ҳам керак экан.

“Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган вазифалардан бири “экспорт фаолиятини либераллаштириш ва соддалаштириш, экспортнинг тузилмаси ва географиясини диверсификация қилиш, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва сафарбар этиш”[43] масаласи ҳам устувор вазифа сифатида белгиланган. Ҳар бир корхона эндиликда ишлаб чиқарилган маҳсулот, кўрсатилган хизматлар таркибида экспортнинг улушини кўпайтиришга ҳаракат қилиб яшаши лозим. Бундан келиб чиқиб, иқтисодий таҳлил фанида хўжалик юритувчи субъектларнинг ташқи иқтисодий фаолияти ва экспорт қилинган маҳсулотлар (хизматлар) самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларини ҳам таҳлил қилишни тақозо қилади. Ушбу масала давлат миқёсида устувор вазифа бўлганлиги туфайли,таҳлилнинг ушбу қисми бевосита давлат идоралари учун ҳам қилинади.

Қишлоқ хўжалик корхоналари учун ҳам “таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни муттасил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторининг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш”[44] устувор вазифалар белгиланган. Бундан келиб чиқиб, ҳозирги шароитда иқтисодий таҳлил таркибига қишлоқ хўжалиги корхоналарида (фермер хўжаликларида) ишлаб чиқаришни муттасил ривожлантириш, уларнинг мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлашга қўшган ҳиссасини аниқлаш, экологик тоза маҳсулотни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ушбу секторнинг экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган тадбирлар ва шу каби бошқа жараёнларни баҳолайдиган кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишни тақозо қилади. Бу ҳам иқтисодий таҳлининг кўламини анча кенгайтириш заруратини туғдиради.

Кўриниб турибдики, иқтисодий жараённинг, яъни корхона ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти натижасидан ким манфаатдор бўлса у мазкур субъект фаолиятини ўрганишга,

[43] Ўша жойда.
[44] Ўша жойда.

таҳлил қилишга қизиқади. Шундай қилиб, иқтисодий таҳлил инвесторларга, ҳамкорларга, бирлашмаларга, уюшмаларга, суғурта, банк, молия идораларига ҳам керак экан. Улар таҳлил материалларидан фойдаланиб, ўзларига мос тарзда бошқарув қарорларини қабул қилади.

“Ҳаракатлар стратегияси”да ижтимоий соҳанинг ривожланишига катта эътибор қаратилган. Унинг тўртинчи бўлими бевосита ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган. Бунда аҳолининг бандлиги ва реал даромадларини босқичма-босқич оширишдан тортиб, “аҳолининг реал пул даромадларини ва харид қобилиятини ошириш, кам таъминланган оилаларни ва аҳолининг даромадлари бўйича фарқланиши даражасини янада қисқартириш”гача бўлган устувор масаласи қўйилган. Бу жараёнда бирорта корхона четда туришга, томошабин бўлишга ҳаққи йўқ. Шунинг учун таҳлил жараёнида айнан, шу ижтимоий соҳага қандай эътибор берилаётганлига, қанча янги иш ўринлари яратилдию, қанча битирувчи талаба ва ўқувчилар ишга жойлашганлигигача ўрганишни талаб қилади.

Одатда кимга нима керак бўлса ўша шу иш билан шуғулланади. Аммо ҳар бир корхонада махсус мутасадди шахслар борки, уларга хўжаликни бошқаришда у ёки бу соҳа топширилган бўлади. Одатда иқтисодий таҳлил билан ҳозирги пайтда асосан корхонанинг бухгалтерлари шуғулланиб келмоқда. Аммо бу мазкур субъектнинг тўлақонли ва самарали фаолият кўрсатиши учун етарли эмас. Энди иқтисодий таҳлил билан биринчи навбатда иқтисодчилар шуғулланишлари керак. Шу билан бирга менежерлар, бевосита раҳбарлар ҳам шуғулланиб бормаса, “Ҳаракатлар стратегияси”да кўзда тутилган вазифаларни, давлат миқёсидаги ва ҳудудий дастурларни ўз вақтида бажариб боришлигини таъминлаши қийин бўлади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш, модернизациялаш, диверсификация қилиш ва инновацияларни жорий қилиш шароитида иқтисодий таҳлил билан корхонадаги деярли ҳамма мутахассислар шуғулланиши мақсадга мувофиқ. Аммо ҳаммаси ҳам корхона тўғрисида жамланган батафсил ахборотга эга эмас. Ҳамма ўзи бажараётган у ёки бу соҳа бўйича ахборотга эга. Шу жиҳатдан ҳамма ўзининг соҳасини мунтазам таҳлил қилиб боришлари ҳам лозимдир.

Лекин шуни эътироф этиш керакки, хўжалик фаолияти тўғрисида бутун фаолиятни ўзида жамлаган ахборотлар бухгалтерияда тўпланади ва қайта ишланади. Шу туфайли корхонанинг комплекс иқтисодий таҳлили билан бухгалтерия ходимлари, бевосита бош бухгалтерлар шуғулланадилар. Чунки унда корхонанинг хўжалик фаолиятини ифодаловчи барча кўрсаткичлари мавжуд. Улар молиявий ҳисобот ва статистик ҳисоботларда ўз аксини топганлар. Иқтисодий таҳлил учун асосий маълумот манбаи бўлиб, ана шу ҳисоботларда ифода этилган кўрсаткичлар ҳисобланади. Уларнинг комплекс таҳлили билан бош бухгалтерлар шуғулланади. Аммо алоҳида соҳалари бўйича таҳлил кимга керак бўлса ўшалар шуғулланадилар. Таҳлил таҳлил қилиш учун эмас, балки керак соҳани ўрганиб, тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш учун қилинади. Демак, кимга нима керак бўлса у шу соҳани таҳлил қилиш билан шуғулланар экан. Аммо раҳбарга корхонанинг ҳамма жиҳати керакдир. Шу туфайли раҳбарлар ўзи бошқараётган хўжалик юритувчи субъектнинг ҳамма соҳасини ўрганиб, бохабар бўлиб бориши лозим.

2.5. Иқтисодиётни ривожлантиришнинг янги босқичида иқтисодий таҳлилни олий ўқув юртларида ўқитиш масалалари

Иқтисодиётнинг қуйи буғинида иқтисодий таҳлил фани объектив зарурлиги асосланди. Мазкур масала бўйича яна бир долзарб муаммолардан бири «Иқтисодий таҳлил» фанини олий ўқув юртларида қандай ўқитиш муаммосига бориб тақалади. Айрим иқтисодиётга оид ўқув йўналишлари таълим стандартларида «Бухгалтерия ҳисоби, аудит ва иқтисодий таҳлил» фани битта қилиб берилган. Бу фанлар, албатта бир-бири билан узвий боғлиқ фанлардир. Аммо ҳар бири мустақил фан сифатида ўз предмети, методи ва бошқа шу фанга оид назарий жиҳатларига эга. Буларни қўшиб битта фан қилиш мантиққа, назарияга ва амалиётга ҳам тўғри келмайди.

Иқтисодий таҳлилни мукаммал билиши лозим бўлган «Иқтисодиёт» йўналишига ушбу фан бор йўғи 60 соат атрофида бир семестрда ўқитилади. Иқтисодчи ҳақиқий иқтисодчи бўлиши учун бу жуда камлик қилади. Таҳлил усулларини мукаммал

ўқимаган иқтисодчи уни мукаммал билмайди. Оқибатда билими саёз иқтисодичи иқтисодий жараёнларни қандай таҳлил қилиб, унинг самарадорлигини ошириш бўйича асосланган бошқарув қарорларини қабул қилади. Чунки, саёз таҳлил натижасида мукаммал хулоса чиқариш мумкин бўлмаганидек, мукаммал бошқарув қарорларини қабул қилиш ҳам қийин. Шу гапларни бевосита "Менежмент" йўналишига ҳам айтиш мумкин.

Иқтисодий таҳлилнинг таркибий қисми бўлган «Молиявий таҳлил» фанини «Молия ва кредит» йўналишлари билан боғлиқ бўлган бакалавр ва магистрлар жуда тўлиқ ва мукаммал билишлари шарт. Чунки мазкур матахассислар молиявий ҳисоботни яхлит ҳолда ва унинг ҳар бир моддасини иқтисодий жиҳатдан тўлиқ ўқий олиши лозим. Бусиз улар корхонанинг молиявий хўжалик фаолиятига ҳар жиҳатдан тўлиқ баҳо бера олмайди. Бу ҳолат фақат молиявий таҳлил фанидан мукаммал ва атрофлича ўргатилади.

Ҳозирги пайтда молиявий таҳлил қисми иқтисодий таҳлил фанининг таркибида ўтилади. Ушбу фанда олдин иқтисодий таҳлилнинг назарияси, бошқарув таҳлили ва ниҳоят молиявий таҳлил ўқитилади. Албатта, ушбу йўналиш бўйича ўқиётган талабаларга молиявий таҳлил тўлиқ ва мукаммал ўргатилади. Аммо, ўқув стандарти ва ўқув режасида ушбу фан бўйича курс ва диплом ишларини ёзиш, амалиётга ўрганиш масалалари кўрсатилмаган. Натижада улар фақат аудиторияда олган назарий билимлари билангина чекланиб қолади.

Фикримизча, молия ва кредит соҳаси бўйича ишлайдиган мутахассисларга иқтисодий таҳлил бўйича фақат назарий билимлар билан чекланиб қолиш етарли эмас. Бўлажак молиячилар корхонанинг молиявий хўжалик фаолиятини тегишли кўрсаткичларда ифодалаш, ҳар бир кўрсаткични аниқлаш, баҳолаш ва таҳлил қилиш йўлларини яхши билиши керак. Энг муҳими, таҳлил натижасида молиявий қарорларни қабул қилиш йўлларини билиши ҳам лозимдир. Шундагина таҳлилнинг зарурлигини, иқтисодий хулосалар чиқариш, молиявий хўжалик фаолиятини бошқариш учун асосий дастак эканлиги тўғрисида тушунчага эга бўлади. Бу ҳолат талабаларнинг фақат назарий билимлар билан чекланиб қолмасдан, балки амалиётни ҳам чуқур ўрганишни тақозо қилади.

Бу муаммони ҳал қилиш учун талабалар ушбу фан бўйича курс ишини ёзиш ва ишлаб чиқариш амалиётини ўтишлари лозим. У ҳолда бўлажак молиячиларнинг касбий билими ошади. Улар бозор муносабатларига асосланган иқтисодий жараёнларга тезроқ мослашади ва ўзининг бу соҳадаги йўлини топиш учун касбий билимини янада мустаҳкамлайди.

Хуллас, иқтисодий таҳлил фанини ҳозирги шароитга мос ҳолга келтириш учун жуда кўп объектив ва субъектив муаммолар қалашиб ётибди. Уларни ҳал қилиш, энг аввало, шу соҳа олимлари, Молия, Макро- иқтисодиёт ва статистика вазирлиги каби дахлдор идоралар зиммасидадир. Бундай муаммоларни ҳал қилиш учун Молия вазирлиги қошида етакчи йирик олимлар ва тажрибали мутахассислар ҳамкорлигида услубий бирлашма ёки марказ тузишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

2.6. Иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш натижасида стратегик ривожлантириш шароитида иқтисодий таҳлилни такомиллаштириш йўналишлари

Эътироф этиш керакки, Ўзбекистон Республикасида ўзига хос эркин иқтисодиёт шаклланди. Бугунги кунда унинг ривожланиши янги босқичда давом этмоқда. Бу иқтисодий фанларнинг ҳам ўзига хос шаклланиши учун асос бўлмоқда. Иқтисодий таҳлил фанининг ҳам такомилашишида шунга мос равишда бир қанча муаммолар мавжуд. Булар қуйидагилардан иборат.

1. Иқтисодий таҳлил жаҳон андозаси даражасига талабларига мос келиш муаммоси. Бу муаммони ечиш учун ҳозирги пайтда иқтисодий таҳлилда қўлланилаётган кўрсаткичларни таркиб топаётган миллий ҳисоблар тизими кўрсаткичларига мослаштиришни талаб қилади. Бунинг учун бухгалтерия ва статистик ҳисоботларни ўзгартиришни, улардаги кўрсаткичларни шаклланаётган миллий ҳисоблар тизими кўрсаткичларига мослаштиришни тақозо қилади. Бу учун мамлакатимизда хайрли ишлар қилинмоқда. Хусусан, ҳозирги шароитда бухгалтерия ҳисобининг жаҳон андозаларига мос миллий андозаларига ишлаб чиқилди. Шунга мос равишда янги счетлар режаси яратилди ва у 2002 йил 1 январидан амалиётга жорий қилинди. Бу масалаларнинг ҳал бўлиши микро- ва макро- иқтисодий таҳлил масалаларини, уларда қўлланиладиган

кўрсаткичларни ишлаб чиқиш имконини беради. Чунки ҳозирги шароитда макроиқтисодий таҳлил методологиясини ишлаб чиқиш ҳам объектив заруратга айланди.

Иқтисодий таҳлилнинг жаҳон андозалари даражасидаги талабларга мослаштириш масаласи бугунги кунда объектив заруриятга айланди. Чунки, биринчидан, мамлакатимиз иқтисодиёти дунё иқтисодиёти билан нтеграциялашув жараёнини бошидан кечирмоқда. Иккинчидан, мамлакатимизга кўплаб инвестициялар киритилмоқда ва қўшма корхоналар барпо этилмоқда. Ушбу ҳолатлар бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлилнинг жаҳон андозаларига мос тарзда такомиллашувини талаб қилади.

2. Таҳлилни эркин рақобат шароитига мослаштириш муаммоси. Ҳозирги таҳлил ошкораликка, оммавийликка мослашган таҳлилдир. Аммо рақобат шароитида ички (тижорат сири сақлай оладиган) ва ташқи (корхонанинг фаолиятини кўз-кўз қиладиган) таҳлилнинг вужудга келишини тақозо қилади. Бу эса таҳлилда қўлланиладиган усулларга ва кўрсаткичларга ҳам тегишли ўзгартиришларни киртишни талаб қилади. Энг муҳими бозор муносабатларига асосланган иқтисодиёт шароитида таҳлилда қўлланиладиган усулларни фақат рақамларни ўрганишга қаратмасдан, балки унга эвристик (мантиқий) таҳлилни қўллашни ҳам талаб қилади. Олдин таҳлил билан фақат бухгалтерия ва бошқа иқтисодий иш билан шуғулланадиган ходимлар машғул бўлган бўлса, эндиликда эса хўжалик юритувчи субъектларда маълум таҳлил қилувчи гуруҳлар шуғулланишлари мақсадга мувофиқ бўлади. Улар муаммони «фикрлар ҳужуми», «тафаккур тортишуви» усулларини қўллаб ечишлари мумкин. Бундай кадрларнинг шаклланиши ҳам ўзига хос ечимни талаб қиладиган муаммодир. Бу эса ўз навбатида иқтисодий таҳлилнинг таркибий қисми сифатида функционал қиймат таҳлилидан фойдаланишни ва уларни мутахассисларнинг билишини тақозо қилади.

3. Корхонанинг бизнес-режасини асослаш учун унинг фаолиятидаги фойдалилик нуқтасини аниқлаш муаммолари. Режа олдингидек кўр-кўрона юқоридан тасдиқ қилиб берилмайди. Уни ҳар бир субъект ўзи тузадилар. Бунда фаолиятнинг ҳар қандай ҳажми ҳам корхона учун фойда келтирмаслигини инобатга олиб ҳар бир фаолият кўрсаткичи бўйича фойдалилик нуқтасини аниқлаш лозим. Мисол тариқасида фойда кўрсаткичини оламиз. Унинг

режасини тузиш учун «фойдалилик нуқтасини» аниқлаш лозим. Корхонанинг фойдалилик нуқтаси унинг узлуксиз фаолиятини таъминлаб туриши учун зарур бўлган барча харажатларини қоплайдиган иш ҳажмига эришишдир.

Фараз қиламиз, корхонанинг ўз фаолиятини давом эттириб туриши учун 100 минг сўм доимий харажат қилиши кўзда тутилган. Шу корхона 1 минг сўм маҳсулот ишлаб чиқиши учун 600 сўм ўзгарувчи харажат қилади. Бир маҳсулотдан қилинадиган маржинал фойда 400 сўмни (1000-600) ташкил қилади. Доимий харажатларни қоплаш учун 250 дона (100 000:400) маҳсулот ишлаб чиқиш лозим экан. Демак, барча доимий ва маҳсулот ишлаб чиқиш учун қилинадиган ўзгарувчи харажатларни қоплаш учун пул миқдорида 250,0 минг сўм (100:0,4*1,0) маҳсулот ишлаб чиқиш лозим экан. Ушбу корхона учун маҳсулот ишлаб чиқаришдаги фойдалилик нуқтаси 250,0 минг сўмни ташкил қилади. Агар бундан кам бўлса корхона зарар кўради. Фақатгина шу кўрсаткич ҳажмидан ошгандагина корхона фойда ола бошлайди. Корхонанинг бизнес-режасини тузишда ишни ана шу кўрсаткични аниқлашдан бошлаш лозим.

4. Иқтисодий ўсиш кўрсаткичини аниқлаш ва таҳлил қилиш муаммоси. Бозор иқтисодиёти шароитида олдингидек таҳлил фақат режани асослаш ва унинг бажарилишини ўрганиш ўз аҳамиятини йўқотмоқда. Шу туфайли ушбу янги кўрсаткич вужудга келди. Бу кўрсаткичларни аниқлаш ҳам микро ва макро иқтисодиётда солиштирилиши мумкин бўлган кўрсаткичларни топиш мақсадга мувофиқдир. Бунга ялпи миллий маҳсулот, ялпи ички маҳсулот кабилар киради. Аммо ҳозирча қўлланилаётган ҳисоботларда ушбу кўрсаткичлар ўз аксини топмаган. Бу эса амалдаги ҳисоботларни ҳам такомиллаштиришга ундаги кўрсаткичларни бугунги кун талабига мослаштиришга тўғри келар экан.

5. Солиқларни таҳлил қилиш муаммоси. Ҳозирги шароитда давлат билан корхоналар ўртасидаги муносабатлар солиқлар орқали амалга оширилади. Аммо солиқларни таҳлил қилиш масаласи ҳозиргача иқтисодий адабиётларда ўз ечимини топган эмас. Фикримизча, солиқнинг тўғри тўланганлигини аниқлаш учун, унга аудиторлик ҳулосаларини ёзиш учун ҳар бирини алоҳида-алоҳида таҳлил қилиш лозим бўлади. Шу туфайли уларни таҳлил қилиш усулларини ишлаб чиқиш лозим.

6. Бухгалтерия ҳисобида ҳар бир корхона учун бошқарув ва молиявий ҳисоб ташкил бўлмоқда. Бу ҳам ўз навбатида шунга мос таҳлил кўрсаткичларини ва усулларини ишлаб чиқишни тақозо қилади. Ҳозирча бу борадиги масалалар ҳам иқтисодий адабиётларда етарлича ўз ечимини топган эмас.

Жаҳон тажрибасида молиявий ва бошқарув таҳлили мавжуд. Аммо бундай таҳлил бизда ҳамон шаклланган эмас. **Молиявий таҳлил** – корхонанинг (фирманинг) ташқи таҳлили бўлиб, у хўжалик фаолиятининг асосий молиявий кўрсаткичларини ошкора қиладиган таҳлилдир. Бошқарув таҳлили фирманинг (корхонанинг) ички хўжалик таҳлили бўлиб, корхона раҳбари (мулк эгаси)нинг бошқарув қарорларини қабул қилиш, ички имкониятлардан фойдаланиш, самарадорликни ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга қаратилган «Тижорат сирини» сақлашга мўлжалланган таҳлилидир. Молиявий таҳлил бўйича анча китоблар чоп этилди. Аммо бошқарув таҳлилининг умумий намунавий методологияси ҳамон ишлаб чиқилган эмас.

7. Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар (фирмалар) хўжалик фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини режанинг бажарилишини ўрганишга қараб эмас, балки уларнинг мақсадга мувофиқлигига қараб гуруҳларга бўлишни тақозо қилади. Аммо хўжалик фаолиятини бундай кўрсаткичлар тизими ҳам ҳамон ишлаб чиқилмаган. Фикримизча, хўжалик фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар, таҳлилнинг мақсадига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлиниши мумкин: солиқ идораларига зарар бўлган кўрсаткичлар; кредит берувчи банклар учун муҳим бўлган кўрсаткичлар; ҳамкор корхоналарга шартнома тузишни рағбатлантирувчи кўрсаткичлар; акциядорлар ва инвесторлар учун зарур бўлган кўрсаткичлар ва ҳ.к. Ушбу кўрсаткичлар бўйича ўтказиладиган таҳлил корхонанинг ташқи ошкора таҳлили бўлиб унинг фаолиятини кўз-кўз қилишга, фирма рейтингини оширишга мўлжаллангандир. Булардан ташқари фирманинг (корхонанинг) рейтингини кўрсатувчи бошқа кўрсаткичлари ҳам мавжуд. Буларга фирманинг тўлов қобилияти, тўловга қодирлиги, молиявий барқарорлиги, инвестицияни жалб қила олишлиги каби кўрсаткичлар киради.

Ушбу кўрсаткичлар таҳлилининг усули ҳам ҳамон етарлича ишлаб чиқилмаган. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир

корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини комплекс баҳоловчи рейтинг кўрсаткичини ишлаб чиқиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

8. Халқаро тажрибадан маълумки, иқтисодий таҳлилда янги корхоналарни очишда, ишлаб турган корхоналарда янги маҳсулотларни ишлаб чиқишда, бирор фаолиятга ёки объектга инвестиция қўйишда **фойдалилик даражасининг таҳлили** кенг қўлланилади. Аммо бундай кўрсаткич таҳлили бизнинг амалиётимизда қўлланилмаяпти, чунки унинг усули ўзимизга хос ҳолда ҳамон ишлаб чиқилмаган. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариладиган ҳар бир маҳсулот (иш, хизмат) мулк эгаси, меҳнат жамоаси ва давлат учун фойдали бўлмоғи лозим. Бунинг учун корхонадаги ҳар бир фаолиятнинг фойдалилик нуқтасини аниқлаши керак. Бу ўз навбатида функционал қиймат таҳлилидан «фикрлар ҳужуми» ва «мантиқий-эвристик таҳлил» усулларидан кенг фойдаланишни тақозо қилади. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) жуда самарали бўлмоғи лозим. Бунга ўз-ўзида эришилмайди. Бу учун функционал қиймат таҳлилидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

9. Хўжалик фаолияти таҳлилини ислоҳ қилиш эркин иқтисодиётга мос таҳлил усулларини ишлаб чиқишдан иборатдир. Бозор иқтисодиёти шароитида жуда кўп янги иқтисодий жараёнлар ва улардан келиб чиқадиган кўрсаткичлар вужудга келди. Бунга **корхонанинг бозордаги ва ишдаги фаоллиги, уларнинг маркетинг фаолияти, менежмент, фирманинг молиявий барқарорлиги, рақобат бардошлилиги, банкротлилиги, тўловга қодирлилиги, тўлов қобилияти** кабиларни киритиш мумкин. Эътироф этиш керакки, ушбу жараён ва кўрсаткичларнинг таҳлили ҳам ҳамон иқтисодий адабиётларда етарли даражада ўз аксини топган эмас.

10. Ўзбекистонда кўпмулкчиликка асосланган аралаш иқтисодиёт шаклланмоқда. Бунда ҳар бир мулк эгаларининг манфаатларини ифода этадиган кўрсаткичлар ва уларни таҳлил қилиш усулларини ишлаб чиқиш лозим. Чунки янги ташкил бўлаётган юридик ва жисмоний шахслар ҳуқуқига эга бўлган турли мулк шаклидаги корхоналар ўзига хос хусусиятларга эга. Аммо бу субъектларга тегишли бўлган кўрсаткичлар ва уларнинг таҳлили ҳамон етарли даражада ишланмаган. Ҳозир хусусий корхоналар ҳиссаси кўпайиб кетмоқда. Аммо буларни таҳлил

қилиш масаласи ҳам ҳамон ҳал бўлмаган. Хуллас таҳлил олдида ҳали анча муаммолар мавжуд.

11. Модернизация

12.Диверсификация

13.Инновация

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон ўзига хос ва мос иқтисодий тараққиёт йўлини танлаб олди ва стратегик ривожланиш босқичига ўтди. Бу эса амалдаги иқтисодий дастакларни, жумладан, хўжалик фаолиятининг қтисодий таҳлилини ҳам ислоҳ қилиб, мунтазам такомиллаштириб боришни тақозо қилмоқда.

Ўзини ўзи назорат қилиш ва такрорлаш учун саволлар

1. Иқтисодий таҳлилнинг миллий истиқлол ғоясига мослигини таъминлаш масалалари.
2. Иқтисодий таҳлилнинг ҳаракатлар стратегиясига мослигини таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари.
3. Иқтисодий таҳлилнинг Ўзбекистон иқтисодий тараққиёт йўлининг “Ўзбек модели” ва “Ҳаракатлар стратегияси”ни ўзида ифода этиш масалалари.
4. Иқтисодий таҳлилнинг мазмунига озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиб, халқни рози қилишдек масалаларнинг устувор вазифалари.
5. Узоқ муддатга мўлжалланган (2019-2021 йиллар) “Ҳаракатлар стратегияси” мазмунини сингдириш вазифалари.
6. “Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган вазифаларни ҳал қилишда иқтисодий таҳлилнинг роли ва ўрни.
7. Иқтисодиётни ривожлантиришнинг янги босқичида иқтисодий таҳлилни олий ўқув юртларида ўқитиш масалалари.
8. Иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш натижасида стратегик ривожлантириш шароитида иқтисодий таҳлилни такомиллаштириш йўналишлари.

3-боб. ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

3.1. Иқтисодий таҳлилнинг фан сифатида шаклланиш элементлари ва ривожланиш босқичлари

Ҳар қандай фаннинг вужудга келиши учун ҳаётий зарурият туғилиши лозим. Шу туфайли фаннинг шаклланиши бирор киши ёки вазирликнинг ижод маҳсули бўлиб қолмасдан, балки объектив жараёнга таянади.

Хўжалик фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш фани кўп асрлик тарихга эга бўлган бухгалтерия учёти ва статистика каби фанлар асосида вужудга келган. Бу учун эса объектив шарт-шароитлар яратилган.

Бухгалтерия ҳисоби бўйича биринчи асар XV асрда Регузда пайдо бўлди. Бунга мисол қилиб Вендрикт Катрульининг 1458 йилда нашр қилинган “Савдо ва хусусий савдогар” китобини келтириш мумкин. Бухгалтерия ҳисобига бағишланган иккинчи асар 1494 йилда Венецияда нашр қилинган Лука Пачолининг “Счётлар ва ёзувлар ҳақида”ги китобидир. Ушбу китобларда бухгалтерия ҳисобининг савдо ва кредит операциялари ёритилган. Шундай қилиб, ҳозирги бухгалтери ҳисоби фанига ўша пайтларда асос солинган. Бу фан хўжалик юритишда асосий дастак сифатида ҳамон қўлланилиб такомиллашиб ва замонавийлашиб келинмоқда.

Барча фанлар қатори бухгалтерия ҳисоби ҳам ўз тарихи давомида такомиллашиб келмоқда ва бирқанча бошқа фанларнинг вужудга келиши учун методологик асос бўлиб хизмат қилмоқда. Чунки ишлаб чиқаришнинг концентрациялашуви, корхоналарнинг йириклашуви, хўжалик фаолиятининг кенгайиши иқтисодий жараёнларнинг мураккаблашуви ҳисоб ишларини такомиллаштириш заруратини туғдирди.

Шу боис, XVI - XVII асрларда бухгалтерия ҳисобига бағишланган китоблар Голландия, Франция, Англия каби мамлакатларда чоп этилди. Шундай қилиб, бухгалтерия ер қуррасининг бир қисмида эмас, балки барча мамлакатларда кенг ёйила бошлади.

Россияда бухгалтерия ҳисобига бағишланган асарлар XVIII асрда пайдо бўла бошлаган. Олдин чет эл адабиётлари рус тилига таржима қилинган бўлса сўнгра рус олимлари ҳам бу фанга бағишланган асарларни чоп этишга киришганлар.

Рус олимларининг бухгалтерия ҳисобига бағишланган асарлари XIX асрда пайдо бўла бошлаган. Бунга В.С.Немчиновнинг 1840 йилда нашр қилинган икки қисмдан иборат "Ҳисоб фани" асарини мисол келтириш мумкин. Бу китобда савдо корхоналари ҳисоби тизими батафсил ёритилган. Аста-секинлик билан бухгалтерия ҳисобининг принциплари бошқа тармоқлар бўйича ҳам ёзила бошлаган. 1861 йилда Клинченинг "Қишлоқ хўжалиги бухгалтерияси" 1863 йилда "Идора билими йўриқномаси" китоблари дунёга келган. Бу асарлар XIX асрда яратилган бухгалтерия ҳисоби бўйича энг йирик асарлар ҳисобланган эди. Буларнинг асарлар сафини Ф.В.Езерский ўзининг "Уч тизимли бухгалтерия" (1870й.), П.И.Рейнбот "Фабрика счётчилиги" (1875й.), А.В.Прокофьев "Иккиёқлама бухгалтерия курси" (1884 й.) китоблари билан кенгайтирган.

Шу даврдаги ишлаб чиқариш тараққиёти иқтисодий жараёнларни тўғри ва тўлиқ ҳисобга олишни талаб қилади. Аммо ишлаб чиқаришнинг такомиллашиб бориши, корхоналар ўртасида эркин рақобатнинг вужудга келиши бухгалтерия маълумотларини чуқурроқ ўрганишни ва уни тўғри тушунтириш заруратини туғдиради. Бу эса ўз навбатида таҳлил элементларининг вужудга келишини тақозо қилади, чунки, "тижорат сирини" такомиллаштириш борасидаги жуда кўп саволларга бухгалтерия ҳисоби ва статистика фани жавоб беришга қийналиб қолади.

Корхоналарни тўғри, оқилона бошқариш, унинг молиявий ҳолатини яхшилаш, рақобатбардошлик қувватини ошириш хўжалик фаолиятини чуқурроқ ўрганишни талаб қилди. Бу эса бухгалтерия баланси ва бошқа ҳисоботларда ифодаланган баъзи кўрсаткичларга изоҳ беришни талаб қилди. Булар эса ўз навбатида ҳозирги таҳлил фанининг вужудга келиш учун объектив асос бўлган.

Таҳлилнинг элементлари биринчи марта 1880 йилларда чиқа бошлаган "Счётоводство" журналида пайдо бўла бошлаган. Кейинчалик бу журналда жуда кўп мақолалар бухгалтерия балансини таҳлил қилишга бағишлаган. Шундай қилиб, таҳлилнинг баъзи элементлари мавжуд бўлган фан – "**Балансшунослик**" фани пайдо бўлган.

Бу фаннинг балансшунослик деб аталишига асос бўлган, чунки ўша пайтларда хўжалик фаолиятининг натижаси асосан бухгалтерия балансида ифода эдилган холос. Баланс маълумотларига асосан корхонанинг маблағи ёки уларнинг манбаининг маълум муддатда ўзгариши аниқланади. Лекин шу ўзгаришлар нима эвазига содир бўлаётганлиги, уларга қайси омиллар таъсир кўрсатаётганлиги корхона эгаси учун муҳим бўлиб борди. Бу эса балансдаги кўрсаткичларни батафсил таҳлил қилиш заруратини вужудга келтради. Таҳлилнинг илк кўриниши "Балансшунослик" фани шу тариқа шакллана борди.

Таҳлил фанининг вужудга келишида ва унинг шаклланишида олимлардан В.С.Немчинов, А.В.Прокофьев, Р.Я.Вейцман, И.С.Аринушкин, П.Н.Худяков кабиларнинг жуда катта ҳизматларини таъкидлаш лозим. Бу муаллифлар асарлари асосан капиталистик корхоналарнинг мураккаб фаолиятини таҳлил қилишга бағишланган. Жумладан, 1883 йилда А.В.Прокофьевнинг "Икки ёқлама бухгалтерия курси" асари чоп этилган. Аммо бунда махсус таҳлилга бағишланган бўлим йўқ бўлсада, бироқ баланс кўрсаткичлари фақат назорат қилиш учун эмас, балки таҳлил қилиш учун ҳам керак деб таъкидланган .

Революцияга қадар нашр қилинган асарларга Р.Я.Вейцманнинг "Ҳисобшунослик курси" китобини киритиш мумкин. Бу китобда баланс талқинига бағишланган махсус қисм бўлиб, унда балансдаги кўрсаткичлар таҳлил қилинган. Бу китобда муаллиф баланснинг актив ва пассив қисмларидаги моддаларига изоҳ бериб, уларнинг реал ва ҳақиқий эканлигини исботлашга уринган. Биринчи марта "Баланс-нетто" тушунчалари киритилган.

И.С.Аринушкин 1912 йилда "Акционер корхона баланси" китобини чоп этади. Бу асар фақат баланс моддаларини таҳлил қилишга бағишланади. Унда баланснинг тузилиш тартиби, моддаларни баҳолаш йўллари, хўжалик фаолиятини яхшилаш усуллари ёритилган. Шундай қилиб, XIX аср бошларида хўжалик фаолиятини, жумладан, бухгалтерия балансини таҳлил қилиш усуллари вужудга келади, аммо таҳлил фани ҳали мустақил фан сифатида шаклланмайди. Шу туфайли таҳлил фани энг аввало, бухгалтерия ҳисоби фанининг бир қисми бўлиб шаклланади.

Капиталистик ишлаб чиқаришнинг тараққиёти кризис ва рақобатни вужудга келтирди. Бундай шароитда ҳар бир корхона

фаолиятининг молиявий барқарорлиги, ундаги “тижорат сири” муҳим аҳамият касб этади. Бундай шароитда бухгалтерия баланси маълумотлари етарли бўлмасдан қолди. Бухгалтерия баланси билан биргаликда бошқа кўрсаткичларни ифодалайдиган ҳисоботлар ҳам вужудга кела бошлади ва таҳлилнинг ҳам кўлами кенгайди. Олдин фақат бухгалтерия баланси таҳлил қилинган бўлса энди унга бошқа ҳисоботлар таҳлили ҳам қўшилиб “Ҳисобот таҳлили” вужудга келди. Бунда бухгалтерия балансидаги кўрсаткичлар билан биргаликда “Фойда ва зарарлар” ҳақидаги ҳисобот маълумотларидан ҳам фойдаланилди.

Хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш фани мустақил фан сифатида шакллангунга қадар ўзига хос тарихга ва бир қанча номларга эга бўлди. Иқтисодий таҳлилнинг вужудга келиш тарихи, бу бўйича нашр қилинган адабиётлар, унинг фан сифатида шаклланиши ва номининг ҳам такомиллашиб борганлигидан далолат беради (3.1.-чизма).

Шундай қилиб таҳлил фани вужудга келгунча бир қанча эволюцион йўлни босиб ўтди. Вақт ўтиши билан балансдаги кўрсаткичлар кўпайиб, мураккаблашиб борди. Натижада баланс-даги кўрсаткичларни қўшимча равишда ўрганишга эҳтиёж туғилди. Бу эса ўз навбатида бухгалтерия ҳисоби фани таркибида **балансшуносликни** вужудга келтирди. Бунда баланснинг айрим моддаларига изоҳ ва тушунтиришлар бериладиган бўлди.



3.1.-чизма. Иқтисодий таҳлил фанининг вужудга келиши ва тарихий тараққиёт жараёнида аталган номлари

Аста-секинлик билан баланснинг айрим моддаларига изоҳ бериш ва тушунтириш уни тўлиқ изоҳлаш учун етарли бўлмасдан қолди. Натижада баланс талқинига бағишланган алоҳида бўлим вужудга келди. Бунда баланс моддаларига изоҳ тўлиқ бериладиган бўлди. Бу эса **банас талқинини**нг вужудга келишига сабаб бўлди.

Амалиёт шу даражага бориб етдики, баланснинг бир даврдаги (ойлик, чораклик, йиллик) маълумотларга изоҳ бериш тўлиқ хулоса чиқариш учун етарли бўлмасдан қолди. Энди маълумотларни ўтган даврлар ва бошқа давр кўрсатгичлари билан қиёслашни талаб қилди. Бу эса ўз навбатида **баланс таҳлили**нинг пайдо бўлишига олиб келди.

Аста-секинлик билан фақат баланс кўрсаткичларини таҳлил қилиш ҳам бошқарув ходимларини қаноатлантирмасдан қолди. Энди молиявий ҳисоботнинг барча турларини ўрганишни тақозо қилди. Бу эса ўз навбатида, **молиявий ҳисоботлар таҳлили**нинг пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Корхоналарнинг хўжалик фаолияти фақат молиявий фаолиятлардан иборат бўлмасдан, бошқа фаолият турлари билан (иқтисодий, техник, технологик ва ҳ.к.) шуғулланишини ҳам инобатга олишни тақозо қилди. Натижада корхонанинг **молиявий-хўжалик фаолиятини** ўрганиш лозим бўлди ва шу номдаги фаннинг шаклланишига сабаб бўлди.

Корхонанинг молиявий хўжалик фаолияти, иқтисодий, техник, технологик фаолиятлари ҳаммаси корхоналарнинг маълум миқдорда иқтисодий манфаатдорлигини (фойда олишини) таъминлашга хизмат қилади. Бу эса ушбу таҳлилни **иқтисодий таҳлил**, деб номланиш заруратини туғдирди ва кенг қамровли мукаммал фан вужудга келди.

XX асрнинг охирларида режали иқтисодиёт ҳукм сурган шароитида иқтисодий жараёнлар билан бирга ижтимоий жараёнларни ҳам қўшиб олиб боришни тақозо қилди. Бу эса, иқтисодиётнинг нечоғлиқ социал аҳволга таъсирини боғлаган ҳолда таҳлил қилишни тақозо қилди. Бу эса, ўз навбатида социал-иқтисодий таҳлилнинг вужудга келишига сабаб бўлди.

Ниҳоят у фан сифатида шаклланди. Эндиги вазифа бу фанга тўғри ном танлашдан иборат эди. Бу борада, таҳлил фанининг тарихидан маълумки, анча ижодий тортишувларга ҳам сабаб бўлди. Бир гуруҳ олимлар бу фаннинг номини “Иқтисодий

таҳлил” деб аташни тавсия қилиб, ушбу фанни корхонанинг бутун иқтисодиётини ўргатади деб асосладилар.

Иккинчи гуруҳ олимлар эса ушбу фаннинг номини “Социал-иқтисодий таҳлил” деб аташни тавсия қилдилар. Бу тавсияни ушбу гуруҳ олимлар корхонада ижтимоий-иқтисодий жараёнлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Шу туфайли ушбу фан мазкур масалани бир муштарақликда ўрганади деб исботладилар. Ҳақиқатда иқтисодий жараёнларни ижтимоий (социал) жараёндан ажратиб бўлмайди. Бу айниқса, мустақил Ўзбекистон учун жуда катта аҳамиятга эга, чунки биз кучли ижтимоий ҳимояга асосланган бозор иқтисодиётини шакллантиришни асосий мақсад қилиб қўйганимиз ҳаммага аён.

Бироқ, маълум палла бўлдики, жуда кўп олимлар бу фаннинг номини “Хўжалик фаолияти таҳлили” деб аташни тавсия қилдилар. Бундай таклифга биз ҳам қўшилдик. Чунки. барча иқтисодий, ижтимоий, технологик жараёнлар хўжалик фаолияти жараёнида содир бўлади. Шу туфайли “Хўжалик фаолияти таҳлили” дейилса, бу корхонанинг барча соҳасини ўз ичига қамраб олади ва уни бемалол фаннинг номини аташда қўллаш мумкин деган хулосага келган эдик.

Аммо шуни таъкидлаш жоизки мустақилликнинг бошларида ишлаб чиқилган таълим андозаларида “Хўжалик фаолияти таҳлили” фани ўрнига “Иқтисодий таҳлил” фани киритилди. Лекин мазмуни олдингидек қолган эди. Бироқ маълум вақт ўтган унинг номи “Молиявий ва бошқарув таҳлили”, деб номланди. Аста секинлик билан уларнинг турлари ҳам кўпайиб борди. Масалан, “Лойиҳа таҳлили”, “Функционал-қиймат таҳлили”, “Корхоналар иқтисодий салоҳияти таҳлили”, алоҳида “Бошқарув таҳлили”, “Молиявий таҳлил”, “Тизимли таҳлил”, “Қиёсий таҳлил”, “SWOT таҳлили”, шунингдек, ҳар бир тармоқ корхоналари таҳлилининг ўзига хос хусусиятларини ифодаловчи таҳлил турлари. Бугунги кунда яна “Молиявий ҳисоботлар таҳлили” деган ном билан фаннинг мазмуни анча қисқартирилган.

Бизнинг фикримизча, мустақил давлатнинг ўзига хос тараққиёт йўлига мос фанлари ҳам бўлиши керак. Ушбу назарияга асосланадиган бўлсак, таҳлилнинг ҳамма турлари ва йўналишларни бирлаштирган ҳолда битта яхлит “**Иқтисодий таҳлил**”

фанини яратишни тақозо қилади. Унинг таркибига барча таҳлилга оид фанларни киритиш мақсадга мувофиқ.

Таҳлил фанининг вужудга келиш тарихини кўз олдимизга яқ-қолроқ келтириш учун шу соҳага бағишланган адабиётларни хронологик жиҳатдан кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

3.2. Иқтисодий таҳлилнинг фан сифатида шаклланиши ва ривожланиши

XX аср бошларида таҳлилнинг баъзи элементлари вужудга келганлиги тўғрисида тегишли маълумотлар берилди. Бу қўйидаги ўша пайтларда чоп қилинган адабиётларда ўз аксини топди: 1880 йилларда Р.Я.Вейцман томонидан "Курс счётоводство" китоби чиқди. Бунда махсус боб "Разбор балансов"деб номланиб махсус таҳлилга бағишланган. 1912 йилда И.С.Аринушкин ўзининг "Балансы акционерных предприятий" китобини чиқарди. Бунда эса балансниг моддалари анча чуқур талқин қилинган.

Жамият тараққиёти социалистик тузумга ўргангандан кейин таҳлил фани режали иқтисодиётга асосланган кўрсаткичларни ва бухгалтерия балансидаги моддаларни батафсилроқ ўрганишга киришди. 1920 йилларда олимлардан П.Н.Худяков "Анализ баланса" ва "Популярные очерки балансоведения" (1929 й.), китобларини нашрдан чиқарди. 1925 йилда П.Герстнер "Руководство к изучению баланса", 1926 йилда Гальперин "Учебник балансоведения", шу йилда А.П.Рудановский "Построение баланса", З.П.Евзлин, "Балан-сы: как их составлять, разбирать и проверять" кабиларнинг олимларнинг китоблари чоп этилди. Бухгалтерия балансига бағишланган 1927 йилда И.Г.Никалаевнинг "Проблемы реальности баланса", Н.Р.Вейцман "Курс балансоведения", 1928 йилда, Н.А.Блатовнинг ""Балансоведения, Н.А.Кипарисовнинг "Основы балансоведения", "Построение балансов и анализ", Н.Г.Филимоновнинг "Балансоведения и баланс", (1929 й.) китоблари чоп этилди. Бу китобларда асосан балансниг моддаларини таҳлил қилиш усуллари кўрсатилди.

30 йилларга келиб таҳлилнинг кўлами кенгая борди. Таҳлил қилиш учун фақат бухгалтерия баланси моддалари эмас балки хўжалик фаолиятининг бошқа кўрсаткичлари ҳам таҳлил қилина бошланди. Натижада тематик таҳлил вужудга келди ва баъзи

мавзуларга бағишланган адабиётлар нашрдан чиқа бошлади. Бунга мисол қилиб Н.Е.Колосовнинг “Основы экономического анализа себестоимости в промпредприятий” (1931 й.), А.П.Александровскийнинг “Колкуляция и анализ работы предприятий” (1932 й.), “Расчеты по анализу предприятия” (1934 й.), Н.Р.Вейцманнинг, 1934 йилда чиққан “Счётный анализ” шу йили нашр қилинган А.Ф.Масановнинг “Баланс и анализ хозяйственной деятельности предприятий”, А.Я.Локшиннинг “Анализ отчёта”, Б.К.Макшанцевнинг “Анализ калькуляции в промышленности”, С.К.Татурнинг “Анализ отчёта промышленных предприятий”, 1935 йилда чоп этилган М.Х.Жебракнинг “Принципы организации анализа себестоимости”, Л.Д.Яхниннинг “Основы технико – экономического анализа себестоимости в социалистических промышленных предприятиях”, Г.Н.Соромотиннинг “Анализ хозяйственной деятельности и баланса предприятий”, 1938 йилда чоп этилган. А.А.Афанасьевнинг “Анализ отчёта промышленных предпрятий”, В.И.Стоцкийнинг “Анализ хозяйственной деятельности промышленных предприятий”, китобларини келтириш мумкин.

1940 йилларга келиб “Хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш” фани фан сифатида тўлиқ шаклланди. Шу фанга бағишланган йирик дарсликлар вужудга келди ва олий ўқув юртларида мустақил фан сифатида ўтила бошланди. Бу хайрли ишда профессорлардан С.К.Татур, Н.Р.Вейцман, И.А.Шоломович, М.С.Рубинов, М.И.Баканов каби олимларнинг хизматлари катта. Жумладан, 1940 йилда С.К.Татур “Анализ хозяйственной деятельности промышленных предприятий”, 1949 йилда Н.Р.Вейцман “Анализ хозяйственной деятельности промышленных предприятий”, шу йили И.А.Шоломович “Анализ хозяйственной деятельности промышленного предприятия”, М.С.Рубинов “Основы учёта и анализа хозяйственной деятелности промышленного предприятия”, 1952 йилда М.И.Баканов, И.А.Шоломович билан ҳамкорликда “Анализ хозяйственной деятельности предприятий” йирик дарсликлар чоп этилди.

1950 йиллар ҳам таҳлил фанининг ривожланишда асосий босқич бўлди. Шу йилларда саноат корхоналарида таҳлил қилиш фани янада равнақ топди. Бунга насаби зикр этилган олимлар билан биргаликда И.И.Поклод ўзининг “Экономический анализ производственно-финансовой деятельности промышленних предприятий”, С.Б.Барнгольц “Оборотные средства промышленных

предприятий” (1957 й.), И.В.Валуев “Баланс металлургического завода и его анализ” (1954 й.), Г.Г.Бро “Анализ баланса промышленного предприятия” (1957 й.), А.Ш.Маргулис “Баланс промышленного предприятия”, Ф.М.Массарыгин “Как читать баланс промышленного предрпиятия” китоблари билан катта ҳисса қўшдилар.

60-70 йилларга келиб таҳлилнинг алоҳида турлари вужудга келди. 1976 йилда С.К.Татур таҳрири остида Москва давлат унвериситети олимлари “Виды экономического анализа, их мест и роль в совершенствовании управления промышленным производством” китобини чоп этди. 1973 йилда Б.И.Майданчик “Сравнительный экономический анализ в машиностроении” китобини, 1973 йилда В.И.Стражев “Оперативное управления предприятием, проблемы учёта и анализа” китобини, 1974 йилда А.Д.Шеремет “Комплексный экономический анализ деятельности предприятия (вопросы методологии)” китобини, 1968 йилда Н.Г.Чумаченко “Внутризаводской экономический анализ” китобини чоп этдилар. 70 йилларда хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш фанининг назарияси яратилди. Бу ишга Н.В.Дембинский ўзининг “Вопросы теории экономического анализа” (1973 й.), А.Д.Шеремет “Теория экономического анализа хозяйственной деятельности” (1982 й), И.И.Каракоз “Основы теории экономического анализа” (1972 й.), 1976 йилда М.И.Баканов ва А.Д.Шереметлар А.Н.Кашаев билан ҳамкорликда “Экономический анализ: Теория, история, современное состояние, перспективы”, 1988 йилда А.И.Муравьёв ўзининг “Теория экономического анализа” китоблари билан катта ҳисса қўшдилар.

80 йилларнинг хусусияти шундаки, бу даврда иқтисодий таҳлил фанининг назариясини яратиш бўйича ҳудудий мактаблар вужудга келди. Жумладан, Москвада М.И.Баканов ва А.Д.Шеремет раҳбарлигидаги мактаб. Булар “Теория экономического анализа” китобини 1987, 1990 ва 1993, 1994, 1995, 1997 йилларда қайта нашрдан чиқардилар. Минск олимларидан В.В.Осмоловский, В.И.Стражев, Л.И.Кравченко, Л.Л.Ермолович, Ю.Н.Бусигин, Н.А.Русак ҳамкорликда 1989 йилда “Теория анализа хозяйственной деятелности” дарслигини яратди. Киевлик олимлардан И.И.Каракоз ва В.И.Самборский ҳамкорлигида 1989 йилда “Теория экономического анализа” деган дарслик пайдо бўлди. Эндиликда барча мустақил ҳамдўстлик давлатларида, “Хўжалик фаолияти

таҳлилининг назарияси", мустақил фан сифатида олий ўқув юртларида ўқитилмоқда. Бу албатта хўжалик фаолиятини бошқаришда, унинг молиявий барқарорлигини ва рақобатбардошлигини таъминлашда энг муҳим тадбирлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида, иқтисодий таҳлил ҳам янгиланиш даврини бошидан кечирмоқда. Унинг мазмуни режанинг бажарилишини таҳлил қилишдан жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган кўрсаткичларни ўрганишга қаратилмоқда. Бу борада ижтимоий маҳсулотдан ички ялпи маҳсулот ва шундан келиб чиқадиган кўрсаткичлар тизимига ўтиш кўзда тутилмоқда.

Хўжалик фаолиятини таҳлил қилишнинг ҳозирги замонга мос усулларини ўрганиш учун қўйидаги адабиётлар тавсия қилинади: Баканов М.И., Шеремет А.Д., "Теория экономического анализа" - М.: Финансы и статистика, 1995; Савицкая Г.В. Анализ зозяйственной деятельности предприятия: - Мн: ИП Экопеспектива, 1997.; Русак Н.А., Русак В.А. Основы финансового анализа. Мн: ООО " Меркаванне", 1995; Петров В.В. Ковалев В.В. Как читать баланс. М.: Финансы и статистика, 1994; Шеремет А.Д. Методика финансового анализа предприятия. М.: ИПО "МП",1996; Кровченко Л.И. Анализ финансового состояния предприятия. Мн: ПКФ "Экаунт", 1994; Ковалев В.В. Финасовый анализ: управление капиталом, выбор инвестиций, анализ отчетности. М.: Финансы и статистика , 1996 ; Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари , Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1998, 1999; Пардаев М.К. Исроилов Б.И. Молиявий таҳлил. - Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1998; Волжин И.О., Эргашбаев В.В. Молиявий таҳлил. Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1998, ва ҳ.к.

3.3. Иқтисодий таҳлил фанининг Ўзбекистонда яратилиш тарихи

Бухгалтерия ҳисоби фанининг яратилганлигига 500 йилдан ошди. Шу фан негизида "Иқтисодий таҳлил" фани ҳам вужудга келганлигига ҳам 100 йилдан ошди. Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодиётни модернизациялаш, диверсификация қилиш ва инновацияларни жорий қилиш шароитида иқтисодий таҳлил фанининг ҳам роли жуда катта, чунки бу фаннинг амалиётга тадбиқ қилиниши иқтисодий дастакларнинг бири сифатида намоён бўлмоқда.

Мустақил Республикамиз ўзининг мустақил фанларига ва ҳар бир фан ўзининг яратилиш тарихига эга бўлиши керак. Хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш фани бошқа фанлар сингари Ўзбекистонда ҳам ўз тарихига эга. Бу фан собиқ Иттифоқ таркибидаги бошқа Республикалар сингари Ўзбекистонда ҳам унинг таркибида шаклланди.

Иқтисодий таҳлилнинг Ўзбекистонда яратилиш тарихини тахминан беш босқичга бўлиш мумкин Бу қуйидаги чизмада ифодаланган (3.2.-чизма).

1 давр		XX асрнинг 60-йиллари		Иқтисодий таҳлилнинг шаклланиш даври
2 давр		Шу асрнинг 70-йиллари		Собиқ иттифоқ ичида ўз ўрнига ега бўлиш ва иқтисодий таҳлил мактабининг шаклланиш даври
3 давр		Шу асрнинг 80-йиллари		Иқтисодий таҳлил мактабининг яратилиши ва иттифоқ миқёсида матлубот кооперацияси таҳлили соҳасини эгаллаш
4 давр		Шу асрнинг 90-йилларнинг бошлари		Иқтисодий таҳлилнинг ўзбек тилида ёзилиши ва вужудга келиши даври
5 давр		Мамлакатимизнинг мустақиллик йиллари XXI аср бошларида		Иқтисодий таҳлилнинг ривожланиш йиллари. Иқтисодий таҳлил бўйича асарларнинг кўплаб вужудга келиши ва чоп етилиши. Бу бўйича турли қарашларнинг пайдо бўлиши
6 давр		XXI асрнинг 15 йилларидан кейин		Мамлакатни иқтисодиётини модернизация, дитверсификация қилиш, инновацияларни жорий қилиш ва рақамли иқтисодиётдан фойдаланиш даври

3.2.-чизма. Ўзбекистонда «Иқтисодий таҳлил» фанининг яратилиш даврлари

Расмдан кўриниб турибдики, I давр XX асрнинг 60-йилларига тўғри келади. Бу иқтисодий таҳлилнинг шаклланиш даври бўлиб

ҳисобланади. Иқтисодий таҳлилнинг II даври ўтган асрнинг 70-йилларига, айнан Собиқ Иттифоқ ичида ўз ўрнига эга бўлиш ва иқтисодий таҳлил мактабининг шаклланиш даври билан боғлиқдир. III давр 80-йилларга тўғри келади. Бунда мамлакатимизда иқтисодий таҳлил мактабининг яратилиш ва иттифоқ миқёсида матлубот кооперацияси таҳлили соҳасини эгаллаш даври бўлиб ҳисобланади. IV давр ҳам ўтган 90-йилларнинг бошлари иқтисодий таҳлилнинг ўзбек тилида ёзилиши ва вужудга келиш давридир. V давр мустақиллик йилларининг дастлабки йилларига тўғри келиб, иқтиосдий таҳлилнинг мамлакатимизда ривожланиш йилларини бошидан кечирган даврдир. Бу давр Молиявий таҳлил бўйича кўплаб асарларнинг вужудга келиши ва чоп этилиши билан боғлиқ бўлди. Таҳлил бўйича турли қарашларнинг пайдо бўлиши ҳам шу даврга тўғри келади. 6-давр XXI асрнинг 10-18 йилларда Мамлакатни модернизациялаш, диверсификациялаш ва инновацияларни жорий қилиш шароитида иқтисодий таҳлил бўйича хорижий тажрибалар билан уйғунлаштирилиши даври бўлмоқда.

Шу даврда иқтисодиётнинг ҳозирги босқичида Ўзбекистоннинг биринчи галда ўзига хос иқтисодий тараққиёт йўлига ва бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг халқаро стандартларга мос бўлган "Иқтисодий таҳлил" фани шаклланди.

Маълумки, Ўзбекистонда узоқ йиллар мобайнида олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таҳлил фани асосан марказий шаҳарлардаги (Москва, Ленинград, Киев) олимлар томонидан тайёрланган дарсликлар асосида ўқитилиб келинди. Аммо бунда ўзимизга хос хусусиятлар акс эттирилмаган эди. Бу эса 60 йилларга келиб ўзбекистонлик олимларни хам бу фан соҳасида ижод қилишга даъват этди.

Марказдан чиқадиган дарсликларга муаллиф сифатида таклиф қилинадиган бўлинди. Жумладан, 1966 йилда Москванинг "Экономика" нашриётида чоп этилган "Матлубот кооперацияси корхоналар хўжалик фаолиятининг таҳлили" [45] дарсликнинг муаллифлари таркибига львовлик О.Р.Кмицикевич, новосибирскилик Л.А.Фальковичлар билан биргаликда самарқандлик

[45] Кмицикевич.О.Р. и др. Анализ хозяйственной деятельности предприятий потребительской кооперации.-М: Эканомика,1966.

олим И.Н.Топоровский ҳам таклиф қилинган эди. Бу дарсликда Республикамизнинг баъзи хусусиятлари биринчи марта ўз ифодасини топди.

Шу фан бўйича масалалар тўпламини ёзишни самарқандлик олимлар ўз зиммаларига оладилар. 1970 йилдаги И.Т.Абдукаримов, Б.А.Залесский ва Н.Топоровскийлар томонидан Москванинг "Экономика" нашриётида "Матлубот кооперацияси корхона ва ташкилотлари хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш бўйича масалалар тўплами" ўқув қўлланмаси биринчи марта чоп этилди [46]. Бу ўзбекистонлик олимларнинг Иттифоқ олимлари ўртасидаги катта ишончга сазовор бўлганлиги ва уларнинг тан олинганлигидан далолат эди. Бу ўқув қўлланма чорак аср давомида самарқандлик олимлар томонидан бир қанча марта қайта ишланиб чоп этилиб келинди [47]. Бунда Самарқанд кооператив институти профессори И.Т.Абдукаримовнинг катта хизматларини эътироф этиш лозимдир.

Собиқ Иттифоқ олимлари ичида хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш фани бўйича ўзбекистонлик олимларнинг мавқеи узлуксиз ошиб борди. Шу фанга бағишланган қатор монографиялар, ўқув қўланмалари, рисолалар ва илмий мақолалар чоп этила бошланди. 1968 йилда И.Т.Абдукаримов томонидан "Кооператив савдода муомала харажатлари таҳлили" Москванинг "Экономика" нашриётида[48], 1971 йилда "Кооператив савдода чакана товар оборотн таҳлили" ўқув қўлланмаси Москва кооператив институти нашриётида,[49] 1973 йилда "Кооператив савдода фойда ва рентабеллик" монографияси "Экономика" нашриётида чоп этилди [50]. Муаллифнинг бу асарлари собиқ Иттифоқ олимлари томонидан юксак баҳоланадилар.

Бу асарлар ўқув қўлланма сифатида бутун Иттифоқнинг барча олий ўқув юртларида кенг фойдаланилди. Профессор И.Т.Абдукаримов китобларининг хусусияти шунда эдики, унда ҳамиша назария билан амалиёт уйғунлашган холда ёритилган. Шу

---

[46] И.Т.Абдукаримов и др. Сборник задач по анализу хозяйственной деятельности потребительской кооперации -М: Эканомика, 1968.

[47] .И.Т.Абдукаримов и др. Задачник по анализу хозяйственной деятельности предприятий и организации потребительской кооперации. -М: Эканомика, 1975.

[48] И.Т.Абдукаримов. Анализ издережек обрашения в кооперативной тарговле.-М: Эканомика,1976.

[49] И.Т.Абдукаримов. Анализ розничного товорооборота в кооперативной торговле.-М: МКИ. 1971.

[50] .И.Т.Абдукаримов Прибили и рентабильности в кооперативной торговле.-М: Эканомика,1973.

туфайли деярли барча таклиф ва тавсиялари амалиётига изчилик билан қўлланилиб келинди.

Шундай қилиб, 1970 йилларда Самарқандда проф. И.Т.Абдукаримов раҳбарлигида таҳлил мактаби таркиб топди. Бу мактаб Иттифоқ олимллари томонидан тан олинди. Натижада Самарқанд кооператив институти базасида шу фаннинг равнақига, унинг назарий ва амалий муаммоларига бағишланган бир қанча Бутун Иттифоқ илмий-амалий конференциялари ўтказилди.

70-инчи йилларниг иккинчи ярмига келиб таҳлилчилар сафи Ўзбекистон миқёсида танила бошланди ва кенгайди. Бу фан бўйича ўзбек тилида дарсликлар пайдо бўла бошлади. 1973 йилда "Ўқитувчи" нашриётида Н.А.Хан томонидан тайерланган "Қишлоқ хўжалик корхоналари хўжалик фаолиятининг анализи" олий ўқув юртлари учун дарсликлар чоп этилди[51]. 1979 йилда О.Махмудовнинг "Қишлоқ хўжалик корхоналарининг хўжалик фаолиятини анализ қилиш" ўрта махсус ўқув юртларига мўлжалланган ўқув қўлланмаси ҳам ана шу нашриётда ўзбек тилида чоп этилди[52]. Бу дарслик ва ўқув қўлланмалар республикамизда иқтисодий таҳлилнинг тараққиёти ва истиқболи учун қўйилган илк қадамлар эди.

Аммо Республикамизда қишлоқ хўжалик институтларидан ташқари барча олий ва ўрта махсус ўқув юртларида махсус фанлар, жумладан, иқтисодий таҳлил фани ҳам рус тилида ўрганилар эди. Шу туфайли қишлоқ хўжалигидан ташқари соҳалардан барча асарлар рус тилида тайёрланди ва чоп этилди. 1973 йилда проф И.Т.Абдукаримов ва доц. М.К.Пардаевлар томонидан "Кооператив савдода меҳнат кўрсаткичларини таҳлили" номли китоби Москванинг "Экономика" нашриётида чоп этилди[53]. Бу билан самарқандлик олимлар тематик таҳлилни ривожлантириш борасида яна бир қутлуғ қадам қўйди.

80-инчи йиллар ўзбекистонлик, айниқса, самарқандлик олимлар учун жуда сермаҳсул давр бўлди. И.Т.Абдукаримов, М.К.Пардаев ва А.А.Абдиевлар ҳамкорлигида "Хўжалик фаолиятининг таҳлилига» бағишланган тўрт томлик альбом

---

[51] Хан Н.А. Қишлоқ хўжалик корхоналари хўжалик фаолиятининг анализи.-Т: «Ўқитувчи»,1978.

[52] Махмудов О. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг хўжалик фаолиятини анализ қилиш.-Т: «Ўқитувчи»,1979.

[53] И.Т.Абдукаримов, М.К.Пардаев. Анализ показателей по труду в кооперативной торговле.-М: «Экономика», 1978.

яратилди. Булар Иттифоқдаги барча кооператив институтларга ўқув қўлланмаси сифатида тавсия қилинди ва улар 1983 йилда Самарқанд кооператив институтида чоп этилди. Бу альбомнинг биринчи қисми "Иқтисодий таҳлилнинг назарий асосларига" бағишланган бўлиб барча мавзуллар тегишли тизмаларда тушунарли қилиб тасвирланган[54]. Ушбу альбомнинг иккинчи томи "Кооператив савдода иқтисодий таҳлил" номи билан аталади. Бунда кооператив савдо корхоналари хўжалик фаолияти батафсил таҳлил қилинган[55]. Аммо матлубот кооперацияси кўп тармоқли соҳа. Шу туфайли албомнинг 3 томи "Матлубот кооперацияси алоҳида тармоқлари хўжалик фаолиятининг таҳлили мавзусига бағишланган[56]. Альбомнинг 4-инчи томи матлубот кооперацияси ташкилотларида барча тармоқлардан ҳисобот қабул қилингандан кейинги ўтказиладиган таҳлил усулларини ўз ичига олган. Бу "Молиявий ҳолатининг таҳлили" деб номланган ва бунда барча соҳа бўйича молиявий ҳолатининг қандай аҳволда эканлиги тўғрисида хулоса қилишга бағишланган[57]. Ушбу таҳлил усуллари ҳам аниқ чизмалар орқали ёритилган.

Шундай қилиб, Самарқанд кооператив институти собиқ Центросоюзга қарайдиган олий ўқув юртлари ичида хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш фани бўйича услубий марказга айланди. Матлубот кооперацияси тизими учун дарслик ва номунавий дастурлар шу фан бўйича проф. И.Т.Абдукаримов бошчилигидаги олимлар мактабига топширилди.

1984 йилда И.Т.Абдукаримов томонидан "Матлубот кооперацияси хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш" номли дарслик Москванинг "Экономика" нашриётида чоп этилди[58]. Бу дарслик Иттифоқдаги барча кооператив институтларга ва "Бухгалтерия учёти, назорат ва хўжалик фаолиятининг таҳлили" бўйича мутахассислик тайёрлайдиган барча олий ўқув юртларига тавсия

---

[54] И.Т.Абдукаримов, М.К.Пардаев, А.А.Абдиев. Теоретические основы экономического анализа. / Альбом наглядных пособий. Самарканд СамКИ, 1983.

[55] И.Т.Абдукаримов, М.К.Пардаев, А.А.Абдиев Экономический анализ в кооперативной торговле./ Альбом наглядных пособий. Самарканд СамКИ, 1983.

[56] И.Т.Абдукаримов, М.К.Пардаев, А.А.Абдиев Анализ хозяйственной деятельности отдельных отраслей потребительской кооперации. / Альбом наглядных пособий. Самарканд СамКИ, 1983.

[57] И.Т.Абдукаримов , М.К.Пардаев, А.А.Абдиев Анализ финансового состояние: /Альбом наглядных пособий. Самарканд, СамКИ, 1983.

[58] И.Т.Абдукаримов. Анализ хозяйственной деятельности потребительной кооперации.-М: Экономика, 1984. И.Т.Абдукаримов Анализ хозяйственной деятельности потребительной кооперации. 2-е издание-М: Экономика,1989.

қилинди. Бу дарсликни кенг жамоатчилик ва олимлар олами жуда яхши кутиб олдилар. Натижада 1989 йилда ушбу дарслик айнан ана шу нашриётда қайта ишланган ва тўлдирилган вариантида қайта нашр қилинди[59].

Самарқандлик олимлар таҳлилнинг янги шакли комплекс таҳлил усулларини ишлаб чиқишга киришди. Натижада Иттифоқ журналларида шу бўйича бир қанча илмий мақолалар чоп этилди ва ниҳоят 1983 йилда проф. И.Т.Абдукаримов тахририда М.Қ.Пардаев ва Ю.С.Саттаровлар томонидан тайёрланган "Чакана савдода меҳнат самарадорлигини комплекс баҳолаш" бўйича услубий тавсия юзага келди [15]. Бу тавсияни Ўзбекбирлашув бошқаруви томонидан амалиётга тадбиқ қилиш учун қабул қилинди. Комплекс таҳлил бўйича самарқандлик олимларнинг мақолалари Иттифоқда чиқадиган "Бухгалтерия учёти" [60], "Совет матлубот кооперацияси"[61] каби журналларда чоп этилиши уларнинг нуфузини янада оширади. Натижада 1986 йилда ўтказилган Бутун Идтифоқ илмий-амалий анжуманнинг асосий мавзуси ана шу муаммога қаратилди. Ушбу анжуманнинг илмий-амалий тавсияси сифатида 1986 йилда чоп этилган И.Т.Абдукаримов, М.Қ.Пардаев, В.И.Абдукаримов, В.Н.Абрамоваларнинг "Матлубот кооперациясида социал-иқтисодий самарадорликни аниқлаш усули" рисоласи қабул қилинди[62]. Бунда муаллифлар самарадорликни комплекс таҳлил қилиш ва баҳолаш усулларини кўтариб чиқди.

Хўжалик фаолиятини комплекс баҳолаш борасида илмий изланишлар давом этади. Энди бир тармоқда эмас, балки кўп тармоқда қандай усул билан комплекс баҳолаш мумкинлиги устида илмий тадқиқот ишлари олиб борилди ва ниҳоят 1990 йилда В.И.Абдукаримов томонидан "Ахборотларни автоматлаштирган тизими шароитида кўптармоқли матлубот коопера-

---

[59] М.Қ.Пардаев, Ю.С.Саттаров. Методические рекомендации по комплексной оценке эффективности труда в розничной торговле-Т: Узбекпотребсоюз, 1983.

[60] .М.К.Пардаев.Эффективность труда в торговле и методика ее определения // Бухгалтерский учет, 9. 1978 с 37-43. Пардаев М.Қ Сравнительная оценка эффективности торговли // Бухгалтерский учет, 10. 1982 с.39-42 ва бошқалар.

[61] И.Т.Абдукаримов. Торговля: оценка эффективности. // Советская потребительская кооперация, 1976, 5 с. 35-36.

[62] И.Т.Абдукаримов. и др. Методика определения социально-экономической эффективность в потребительской кооперации- Самарканд: СКИ, 1986.

цияси самарадорлигини комплекс бахолаш масалалари" монография Тошкентдаги "Меҳнат" нашриётида босмадан чиқди[63]. Бу самарқандлик олимларнинг Комплекс таҳлилини ривожлантиришдаги яна бир қутлуғ қадам бўлди.

90-инчи йилларага келиб ахборотларни автоматлаштириш масалаларига кенг тўхталди. Шу йиллари ҳисоб, таҳлил, статистика ва режалар ахборотларини автоматлаштириш бўйича бир қанча адабиётларни Р.А.Абдуллаев, В.И.Аббдукаримов, Н.А.Иброхимов, К.У.Уразов, М.Б.Аббосовлар томонидан ва турли нашриётлардан чоп эттирди[64]. Бу кишиларнинг илмий-тадқиқот ишлари таҳлилини автоматлаштириш учун методологик асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик сари интилиши самарқандлик олимларни ўзбек тилида дарслик ёзишга даъват этди. Бунга рахбарликни яна проф. И.Т.Абдукаримов ўз қўлига олди ва ниҳоят 1989 йилда И.Т.Абдукаримов, М.Қ.Пардаев, А.А.Абидев ва В.И.Абдукаримовлар томонидан "Матлубот кооперацияси хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш" мавзусида савдо ва матлубот кооперацияси соҳаси бўйича биринчи марта ўзбек тилида дарслик вужудга келди. У Тошкентдаги "Ўқитувчи" нашриётида чоп этилди[65]. Бу дарсликдаги кўп иқтисодий атамалар ўзбек тилида ёзилди. Аммо махсус фанларни фақат рус тилида ўқиб юрган талабалар учун ва ўз ишини рус тилида юритадиган мутахассислар учун ўзбек тилидаги атамаларни тушуниш анча қийин кечди. Шу туфайли бу қийинчиликни осонлаштириш мақсадида самарқандлик олимлар "Савдога оид иқтисодий атамаларнинг русча-ўзбекча луғатини" ишлаб чиқди ва 1990 йилда Самарқанд кооператив институтида ва 1992 йилда Тошкентнинг "Ўқитувчи" нашриётида чоп этишга мувоффақ бўлдилар[66].

Олимлар намунавий дастурлар ишлаб чиқиш борасида ҳам сезиларли ишларни амалга оширдилар. 1987 йилда И.Т.Абдукаримов ва М.Қ.Пардаевлар ҳамкорлигида "Савдо иқтисоди"

---

[63] Абдукаримов В.И. Вопросы оценки эффективности многоотраслевой хозяйственной деятельности потребительской кооперации в условиях АСАД:-Т: Мехнат, 1990.

[64] Р.А.Абдуллаев ва бошқалар. Иқтисодий ахборотларни ЭХМ да ишлашини автоматлаштириш-Т: «Ўқитувчи», 1990. Абдуллаев Р.А. ва бошқалар.

[65] Абдукаримов И.Т. ва бошқалар.Матлубот кооперацияси хўжалик фаолиятини анализ қилиш.-Т: «Ўқитувчи», 1989.

[66] Абдукаримов И. Т ва бошқалар. Савдога оид иқтисодий автоматларнинг русча-ўзбекча луғати. Доц.М.Қ.Пардаев тахририда-Т: «Ўқитувчи», 1992.

мутахассисликлари учун “Хўжалик фаолиятининг таҳлили” бўйича намунавий дастурни Центросоюзнинг ўқув-услубий бирлашмаси орқали чоп этдилар[67].

1990 йилда эса “Бухгалтерия учети, назорат ва хўжалик фаолияти таҳлили” мутахассислиги бўйича “Матлубот кооперацияси хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш” фанининг намунавий дастурини ишлаб чиқди ва Москва Молия Академияси қошида тузилган собиқ СССР олий ва ўрта махсус ўқув юртлари вазирлигининг ўқув-услубий бирлашмаси томонидан тасдиқланган ва нашрга тавсия қилинган эди[68]. Бу намунавий дастур ҳам И.Т.Абдукаримов ва М.Қ.Пардаевлар томонидан тайерланади ва нашрдан чиқарилди. Ушбу дастур, Ўзбекистон Республикаси шароитига мослаштирилиб 1992 йилда ўзбек тилида чоп этилди. Ҳозирги кунда ҳам баъзи ўзгартириш ва қўшимчалар билан шу намунавий дастурлар ўқув жараёнида қўлланилиб келинмоқда.

Таҳлилнинг умумий масалалари билан биргаликда унинг алоҳида соҳаси бўйича ишлар қилинмоқда. Жумладан, прф. Д.К.Кудбиев савдода асосий фондлардан самарали фойдаланиш таҳлили муаммолари, проф. Х.А.Шодиев эса тайёрлов савдо соҳасида интенсивлик ва самарадорликни аниқлаш ва таҳлил қилиш муаммолари бўйича анча ишлар қилдилар. Савдо корхоналарида айланма маблағлар таҳлили бўйича бир қанча услубий тавсиялар билан А.Ш.Сатторов, матлубот кооперациясининг ишлаб чиқариш корхоналарида асосий ва айланма маблағлар таҳлили бўйича У.Х.Худойбердиевлар ҳам самарали ижод қилмоқдалар. Таҳлилнинг назарияси ва усулларини такомиллаштиришда статистик олимлардан Ё.Абдуллаев[69] ҳам анча ҳисса қўшдилар.

1981 йилда Д.К.Кудбиев “Савдода асосий фанлардан самарали фойдаланиш таҳлили” китобини, 1990 йилда “Кооператив савдода асосий фондлардан фойдаланиш таҳлилининг муаммолари”, 1989

---

[67] Абдукаримов И. Т, М.Қ.Пардаев. Анализ хозяйственной деятельность. Программа для кооперативных институтов по специальности 1729. Экономика торговли.-М: ПУМК, 1987.

[68] И.Т.Абдукаримов, М.Қ.Пардаев. Анализ хозяйственной деятельности потребительской кооперации. Программа для студентов вузов по специальности 06. 08. “Бухгалтерский учет, контроль и анализ хозяйственной деятельности”. -М: УМО Минвуз СССР. 1990.

[69] Ё.Абдуллаев. Региональный аспект статистического изучения эффективности общественного производства.-Т: Фан. 1985. Ё.Абдуллаев. Сравнителеьный анализ эффективности региональной экономики.-Т: Мехнат, 1987.

йилда “Кооператив чакана савдода асосий фондлар самарадорлигини комплекс баҳолаш ва таҳлил қилиш” каби монография ва ўқув қўлланмалари чоп этишга муваффақ бўлди [70].

Сўнгги пайтларда халқ хўжалиги тараққиётида самарадорлик ва интенсивлик кўрсаткичлари муҳим аҳамият касб этди. Буни инобатга олиб 1990 йилда М.Қ.Пардаев ва З.Н.Қурбоновлар ҳамкорлигида “Ўқитувчи” нашриётидан “Кооператив савдода самарадорлик ва таҳлили” мавзусида монографияси [71], интенсивлик кўрсаткичларининг шу йил М.Қ.Пардаев ва Ш.У.Хайдаров ҳамкорлигида “Кооператив савдо корхона ва ташкилотларнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш” мавзусидаги ўқув қўлланмалар чоп этилди [72]. Бу соҳанинг ривожланишига Х.А.Шодиев ҳам ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшди[73]. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач ўзига хос ва мос бозор иқтисодиётига асосланган тараққиёт йўлини танлаб олди. Бу эса олимлардан бозор иқтисодиётига оид адабиётларни яратиш вазифасини талаб қилади. Бозор иқтисодиётига бағишланган китоблар ҳам пайдо бўла бошлади. 1991 йилда И.Т.Абдукаримов, М.Қ.Пардаев ва Ш.У.Ҳайдаровлар ҳамкорлигида “Янги хўжалик юритиш шароитида кооператив савдода даромадлар таҳлили” рисоласини чоп этди [74]. 1993 йилда З.Н.Қурбоновнинг “Бозор иқтисодиёти шароитида савдода бухгалтерия учёти ва иқтисодий таҳлил” монографияси “Ўқитувчи” нашриётида чоп этилди [75]. Шу йили “Зарафшон” нашриётида муаллифнинг “Савдода интенсивлик: моҳияти, кўрсаткичлари ва уларнинг ошириш йўллари” китоблари чоп этилди[76]. Олимлар 1994-1999 йилларда таҳлил фанининг бозор

---

[70] Кудбиев.Д.К. Анализ эффективности использования в кооперативной торговле.-М: ЗИСТ, 1981, Кудбиев.Д.К. Проблемы анализа использования основных фондов в торговле,-Т: Ўзбекистон, 1990,Кудбиев.Д.К. Методические рекомендации по комплексному анализу и оценки эффективности использования основных фондов в кооперативной торговле.-М:1989.

[71] Пардаев.М.Қ. Қурбонов.З.Н. Анализ показателей эффективности и интенсификации в кооперативной торговле.-Т: «Ўқитувчи», 1990

[72] Пардаев.М.Қ. Хайдаров Ш.К. Кооператив савдо корхона ва ташкилотларининг молиявий аҳволини таҳлил қилиш.-Т: РУМК, 1990

[73] Шодиев.Х.А. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлашни такомиллаштириш: (интенсивлаш ва самарадорлик масалалари).-Т: Меҳнат,1989. Шодиев Х.А. Интенсивлаш ва самарадорликнинг ўзаро алоқадорлиги.-Т: Ўзбекистон, 1991

[74] Абдукаримов И.Т., Пардаев М.Қ. Хайдаров Ш.У. Анализ доходов в кооперативной торговле в условиях нового хозяйственного механизма.-М: МКИ, 1991

[75] Қурбонов З.Н. Бухгалтериский учет и экономический анализ в торговле в условиях рыночной экономики.-Т: «Ўқитувчи», 1993.

[76] Пардаев М.Қ. Интенсификация в торговле: сущность, показатели и пути их повышения-Самарканд: Зарафшон, 1993.

иқтисодиёти шароитидаги муаммоларига бағишланган бир қанча тўплам ва рисолалар чоп этишга муваффақ бўлдилар[77]. Ушбу китоблар, мақолалар тўплами ва рисолалар бозор иқтисодиётининг шаклланаётган шароитида таҳлил фанини илмий ва амалий жиҳатдан такомиллашуви учун назарий асос бўлиб хизмат қилиши муқаррар.

Мамлакатимизда 80-90-йилларнинг бошларига келиб таҳлил фанининг ривожланиш соҳасига янги-янги иқтисодчи олимлар кириб кела бошлади. Бундай иқтисодчи олимлардан Р.Раджапов, А.С.Сотиволдиев, Ё.Абдуллаев, О.Махмудов, Х.Шодиев, Н.Хан, А.Шоалимов, Б.Ҳасанов А.Т.Ибрагимов, А.Усанов, А.К.Ибрагимов, Б.А.Ҳасанов, А.Ризақулов, О.Бобожонов, М.Тўлахўжаева, Н.Жўраев, О.Жуманов, М.Раҳимов, А.Абдуганиев, И.О.Волжин, В.В.Ергашбоев кабилар «Иқтисодий таҳлил»нинг турли қирраларига бағишланган асарлар ярата бошладилар.

1995-1999 йилларда Ўзбекистонда “Иқтисодий таҳлил” фанининг асосий соҳаси бўлган молиявий таҳлилга бағишланган бирқанча адабиётлар чоп этилди. Булар жумласига М.Қ. Пардаевнинг “Молиявий таҳлил методологияси” (Самарканд 1997), А. Иброҳимовнинг “Молиявий таҳлил” (Т.: Меҳнат, 1995) И.Т.Абдукаримовнинг “Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари” (Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашр уйи,1998, иккинчи нашри 1999 йилда), И.О.Волжи ва В.В.Эргашбоевларнинг “Молиявий таҳлил” (Т.: Иқтисодиёт ва хукук дунёси” нашр уйи, 1998), М.Қ.Пардаев ва Б.И.Исроиловларнинг “Молиявий таҳлил” (Т.: “Иқтисодиёт ва хукук дунёси” нашр уйи, 1999) каби китобларни киритиш мумкин.

2000 йиллардан кейин ҳам иқтисодий таҳлилга оид бир қанча дарслик ва ўқув қўлланмалар нашрдан чиқди. Булар жумласига Ё.

---

[77] Бозор муносабатлари шаклланиши шароитида матлубот кооперацияси ривожланишининг социал-иқтисодий муаммолари -С., 1993: Актуальные проблемы учета, аудита и совершенствования финансово-кредитной системы в условиях развития риночных отношений/ Материалы международной НПК-С., 1994. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиетига ўтиш муаммолари ва матлубот кооперацияси-С., 1994: Повишения эффективности производства в услових рынка-Самарқанд, 1995: Пардаев М.Қ. Хўжалик фаолияти таҳлилида қўлланиладиган усуллар,-Самарқанд: СамКИ, 1998. М.Қ.Пардаев. Иқтисодий таҳлилнинг комплекс бахолаш усуллари - Самарқанд, СамКИ, 1998: У.Х.Худойбердиев, М.Қ.Пардаев, З.Н.Қурбонов Солиқлар учети ва таҳлили-Самарқанд, СамКИ, 1995 ва х.к. Пардаев М.К. Молиявий таҳлил методологияси. Самарқанд, СамКИ, 1997; Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари. Т: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1998 ; Пардаев М.К., Исроилов Б.И. Молиявий таҳлил. Т. Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1999 ва ҳ.к.

Абдуллаев, А.Иброхимов ва М.Рахимовларнинг “Иқтисодий таҳлил: 100 савол ва жавоб” (Т.: Меҳнат, 2001.- 320 бет.), А.Ваҳабов ва А.Иброҳимовларнинг “Молиявий таҳлил” (Т.: “Шарқ” 2002. – 224 б.), М.Қ.Пардаев, И.Т.Абдукаримов ва Б.И.Исроиловларнинг “Иқтисодий таҳлил” (Т.: “Меҳнат”, 2004. – 488 б.), А.Вахабов, А.Иброҳимов, Н.Ишанкуловларнинг “Молиявий ва бошқарув таҳлили” (Т.: Шарқ, 2005.- 480 бет.), Т.Ш.Шоғиёсовнинг “Комплекс иқтисодий таҳлил” (Т.: “Иқтисод-молия”, 2009. – 218 б.), М.Қ.Пардаев, Б.А.Ҳасанов, Ж.И.Исроилов, М.Э.Пўлатов, Ў.Т.Эшбоев ва А.Н.Холикуловларнинг “Молиявий ва бошқарув таҳлили” (Т.: “Чўлпон”, 2012. – 400 б.), М.Раҳимовнинг “Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили” (Т.: “Иқтисод-молия”, 2013. – 392 б.), Н.Ф.Ишанкулов, М.Қ.Пардаев, А.Т.Иброҳимов, Қ.М.Мисиров ва У.А.Нурмановларнинг “Иқтисодий таҳлил назарияси” (Т.: “Сано-стандарт”, 2014й.), А.Ваҳабов А.Иброҳимов ва У.К.Якубовларнинг “Иқтисодий таҳлил ва аудит” (Т.: “Иқтисод-молия” 2015. – 368 б.), Б.Ҳасанов, Ф.Абдурахманова, З.Қодирова, О.Норбоевларнинг “Хўжалик фаолияти таҳлили” (рус тилида. Т.: “Сано-стандарт”, 2017. – 284 б.), М.Қ.Пардаев ва Б.И.Исроиловларнинг “Иқтисодий таҳлил” (Т.: “Солиқ академияси” 2017. – 534 б.) китобларини (дарслик ва ўқув қўлланмаларини) ҳам киритиш мумкин.

Юқорида иқтисодий мамлакатимиз олимлари томонидан яратилган таҳлилга оид дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг рўйхатини келтирдик холос. Уларнинг ҳар бири маълум йўналишга ва мавзуларга бағишланган бўлиб, ўзига хос хусусиятларга эга. Шу туфайли мазкур масалани атрофлича қараб чиқишни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

3.4. Ўзбекистон мустақиллик йилларида иқтисодий таҳлил фанининг ривожланиш тарихи

3.4.1. Иқтисодий таҳлил ва унинг назарияси бўйича қилинган ишларнинг қисқача тавсифи

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида таҳлилга оид адабиётлар ҳам бошқа фанлар сингари Давлат тилида ўзимизнинг хусусиятларимизни инобатга олган ҳолда нашр қилина бошланди. Мазкур фанга оид адабиётлар мустақиллик йилларида асосан

Самарқанд ва Тошкент олий ўқув юртлари олимлари томонидан яратилди. Тошкентда ушбу фан бўйича Тошкенг давлат иқтисодиёт университети ва Тошкент молия институти олимлари жонбозлик кўрсатмоқдалар. Самаркандда эса Самарқанд иқтисодиёт мактаби олимлари салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Самарқанд иқтисодиёт мактаби олимлари томонидан яратилаётган таҳлилга оид асарлар таҳлилнинг турли қирраларини қамраб оладилар. Мамлакатимизда иқтисодий таҳлилнинг назарияси бўйича биринчи дарслик Самарқандда яратилди. Бу ўзбек тилида М.Қ.Пардаев томонидан ёзилган **“Иқтисодий таҳлил назарияси”** бўйича дарслик бўлиб 2001 йилда нашрдан чиқди (Самарканд, “Зарафшон” нашриёти, 2001.- 272 бет.). Мазкур дарслик Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳайъатининг 2000 йил 21 апрелдаги 13-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган эди.

Сўнгра иқтисодий таҳлил назарияси бўйича бир қанча ўқув қўлланмалар нашрдан чиқарилди. Булар жумласига Тошкент молия институти олимлари А.Вахабов, А.Иброҳимов ва Б.Ҳакимовлар томонидан нашр қилинган “Иқтисодий таҳлил назарияси” бўйича ўқув қўлланмани (Т.: ТМИ, 2003. – 176 бет.) мисол келтириш мумкин. Бир йилдан кейин Тошкент иқтисодиёт университети олимлари А.Х. Шоалимов ва Ш.А.Тожибоевалар томонидан ишлаб чиқилган “Иқтисодий таҳлил назарияси” бўйича маъруза матни нашрдан чиқди (Т.: ТДИУ, 2004.- 91 бет.). Ушбу китоб 2006 йилда яна ўқув қўлланма сифатида қайта нашрдан чиқарилди. “Иқтисодий таҳлил назарияси” бўйича маъруза матнини 2004 йилда Самарқанд қишлоқ хўжалик институти олимларидан Т.Қ.Қудратов (Самарканд, СамҚХИ. 2004. – 107 бет.) ҳам нашрдан чиқарди.

Иқтисодиёт таҳлил назариясига оид масалалар айрим дарслик ва ўқув қўлланмаларда ҳам қараб чиқиладиган бўлди. Булар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин. М.Қ.Пардаев, Б.И.Исроиловлар томонидан тайёрланган “Молиявий таҳлил” альбомни (Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 1999. – 356 б.), А.Вахабов, А.Иброҳимов, Н.Ишанкуловларнинг “Молиявий ва бошқарув таҳлили” дарслигини (Т.: Шарқ, 2005. - 480 бет.), Е.Ергешевнинг “Иқтисодий ва молиявий таҳлил” дарслигини (Т.:

“Консаудитинформ-Нашр” нашриёти, 2005. – 346 б.), М.Қ.Пардаев раҳбарлигида Б.А.Ҳасанов, Ж.И.Исроилов, М.Э.Пулатов, Ў.Т.Эшбоев ва А.Н.Холикуловлар томонидан “Молиявий ва бошқарув таҳлили” ўқув қўлланмани (Т.: Чўлпон нашриёти, 2012. – 400 бет.), М.К.Пардаев, Б.И.Исроиловлар томонидан тайёрланган “Иқтисодий таҳлил” ўқув қўлланмани (1-қисм. Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 2001. – 176 бет., 2-кисм. Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 2001. – 256 бет.), М.К. Пардаев, И.Т.Абдукаримов, Б.И. Исроиловлар ҳаммуаллифлигида тайёрланган “Иқтисодий таҳлил” ўқув қўлланма (Т.: Меҳнат, 2004. – 488 б.) Н.Ф.Ишанкулов, М.Қ.Пардаев, А.Т.Иброҳимов, Қ.М.Мисиров ва У.А.Нурмановларнинг “Иқтисодий таҳлил назарияси” (Т.: “Саностандарт”, 2014. – 214 б.), кабиларни киритиш мумкин.

Хуллас, мустақиллик йилларида иқтисодий таҳлилнинг ўзимизга хос назарияси шакллантирилди. Унинг предмети, методи, усуллари, вазифалари, тарихи, қўлланиладиган кўрсаткичлар тизими, хўжалик фаолиятига таъсир қилувчи омиллар, омилларни ҳисоблаш йўллари, иқтисодий таҳлилнинг турлари, шакллари каби назарий масалаларга аниқлик киритилди. Бу борада фикрларнинг хилма-хиллиги, айрим масалалар бўйича олимларимизнинг турли қарашлари, улар ўртасидаги мунозараларнинг мавжудлиги ҳам аён бўлди.

Мамлакатимизда **иқтисодий таҳлил**нинг бевосита умуметодологик муаммоларига бағишланган асарлар ҳам мустақиллик йилларида яратилди. Шуни эътироф этиш керакки, мамлакатимиз олимлари иқтисодий таҳлилни уч қисмга бўлиб ўрганиш лозимлиги хусусида бир тўхтамга келишди. Ҳамма адабиётларда иқтисодий таҳлил назарияси, молиявий ва бошқарув таҳлили алоҳида-алоҳида қараб чиқилмоқда.

Аслида иқтисодий таҳлил яхлит фан. Шу боисдан мазкур фанни яхлит ҳолда ҳам қараб чиқилиши лозимлиги хусусида айрим фикрлар мавжуд. Булар жумласига юқорида номлари келтирилган М.К.Пардаев, Б.И. Исроиловларнинг 2 қисмдан иборат “Иқтисодий таҳлил” (Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 2001.- 1-қисм - 176 бет., 2-қисм – 256 бет), ўқув қўлланмасини, М.К.Пардаев, И.Т.Абдукаримов ва Б.И.Исроиловларнинг “Иқтисодий таҳлил” лотин алифбосидаги ўқув кулланмасини (Т.: Меҳнат, 2004.- 556 бет.), Ё.Абдуллаев,

А.Иброхимов ва М.Рахимовларнинг “Иқтисодий таҳлил: 100 савол ва жавоб” (Т.: Меҳнат, 2001.- 320 бет.), М.Қ.Пардаев, Ж.И.Исроилов, Б.И.Исроиловларнинг “Иқтисодий таҳлил” (Т.: “ЎзР Солиқ академияси” нашриёт бўлими, 2017.- 534 бет.) ўқув қўлланмаси каби асарларни киритиш мумкин.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида иқтисодий таҳлил бўйича етакчи олимлар (Э.А.Акрамов, И.Т.Абдукаримов, Ё.А.Абдуллаев, Д.Қ.Қудбиев, А.Х.Шоалимов, Е.Ергешев, Б.А.Ҳасанов, А.Иброҳимов, М.М.Тўлахўжаева, Т.Қ.Қудратов, Ж.И.Исроилов, Б.И.Исроилов, М.Раҳимов, Х.И.Ахмаджонов, У.К.Якубов, Т.Ш.Шоғиёсов кабилар) сафига ёш олимлар (М.Э.Пулатов, Ў.Т.Эсанбоев, А.Н.Холикулов, Б.Ҳакимов, Ў.Т.Эшбоев, Ш.А.Тожибоева, И.Р.Бердикулова, Қ.М.Мисиров, У.А.Нурманов, О.Норбоев, Ф.Абдурахманова, З.Қодирова кабилар) ҳам кириб келмоқда. Булар учун иқтисодий таҳлил бўйича катта тадқиқот базаси, илмий манба ва мактаб яратилди.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти олимлари томонидан М.Қ.Пардаев раҳбарлигида иқтисодий таҳлилнинг 6 жилдлик асари яратилди. Биринчиси, “Иқтисодий таҳлил назарияси”га бағишланган. Иккинчи жилдида эса “Молиявий таҳлил” масалалари қараб чиқилган. Танланган асарларнинг учинчи жилди “Бошқарув таҳлили”га бағишланган. Тўртинчи жилд бевосита “Лойиҳа таҳлили” муаммоларини ўз ичига олган. Бешинчи жилдда “Функционал қиймат таҳлили” масалалари ёритилган. Асарларнинг олтинчи томи “Хусусий корхоналар иқтисодий таҳлили”га бағишланган. Ҳозирги кунда ушбу асарлар такомиллаштирилиб 10 жилдлик асарлар устида иш олиб борилмоқда. Булар жумласига “Маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлил”, “Меҳмонхона хўжаликлари фаолиятининг иқтисодий таҳлили”, “Туристик фирмалар молиявий-хўжалик фаолияти таҳлили”, “Тизимли таҳлил” кабиларни киритиш мумкин. Иқтисодий таҳлилнинг шакллари ҳам кўпайиб ривожланиб бормоқда. Чунки жамиятда содир бўлаётган иқтисодий-ижтимоий жараёнлар ўта мураккаблашиши билан бирга кўлами ҳам кенгайиб бориши бундай ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Шу туфайли иқтисодий таҳлил фани келажакда ҳам мунтазам ривожланиб бораверади.

Буларнинг таркибидан ҳам кўриниб турибдики, мамлакатимизда 80 дан ортиқ олий даргоҳлар мавжуд бўлишига қарамасдан иқтисодий таҳлил бўйича мактаб учта олийгоҳда мавжудлигини кўриш мумкин. Булар Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент молия институтидир. Деярли барча таҳлилга оид асарлар ушбу олий ўқув юртлари олимлари томонидан нашр қилинмоқда.

3.4.2. Молиявий таҳлил ва унинг методологик асосини ёритиш бўйича қилинган ишларнинг қисқача тавсифи

Мамлакатимиз олимлари иқтисодий таҳлилни уч қисмга бўлиб ўрганмоқдалар. Биринчиси иқтисодий таҳлил назарияси бўлса, иккинчиси молиявий таҳлил ва учинчиси, бошқарув таҳлилидир.

Иқтисодий таҳлил фаннинг таркибий қисмларидан бири бўлган **«Молиявий таҳлил”** фанининг ҳам таркибий тузилиши шаклланди. Бу бўйича ҳам мамлакатимизда биринчилар қаторида Тошкент молия институти ва Самарқанд кооператив институти олимлари томонидан нашр қилинганлигини қайд этиш лозим. Булар жумласига 1995 йилда нашр қилинган А.Т.Иброҳимовнинг “Молиявий таҳлил” рисоласини (Т.: Меҳнат, 1995.- 60 бет.), М.К. Пардаевнинг, яъни мазкур иш муаллифининг “Молиявий таҳлил методологияси” услубий қўлланмаси (Самарканд, СамКИ, 1996.- 155 бет.) кабиларни киритиш мумкин. М.Қ.Пардаев ва Б.И.Исроиловлар ўзларининг қўлланмасини такомиллаштириб 1999 йилда ҳаммуаллифликда молиявий таҳлил фани бўйича биринчи бўлиб унинг альбомини яратди ва “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ днёси” нашриёт уйидан босмадан чиқарилди (“Молиявий таҳлил”. Альбом. Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ днёси” нашриёт уйи, 1999.- 368 бет.). Ўзбек ва рус тилларида И.О.Волжин ва В.В.Эргашбоевларнинг «Молиявий таҳлил” китобининг нашр қилиниши (Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 1998.- 254 бет.) ҳам мазкур фанинг ривожланишига туртки бўлди. Сўнгра ушбу фан бўйича бир қанча адабиётлар нашр қилина бошланди. Булар жумласига Х.И.Ахмаджонов, М.Ю. Рахимовларнинг «Молиявий таҳлил” ўқув қўлланмасини (Т.: ТМИ, 2004.- 160 бет.), Э.А.Акрамовнинг “Анализ финансового состояния предприятия”

(Т.: 2000.-169 бет.), кейинроқ такомиллаштирилган ҳолда ўзбек тилидаги “Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили” (Т.: Молия, 2003.- 224 бет.) китобини, А.В.Вахабов ва А.Т.Иброҳимовларнинг “Молиявий таҳлил” дарслиги (Т.: Шарқ, 2002.- 224 бет.), Х.И.Ахмаджонов, Н.Иброҳимов, У.Нурманов “Пул маблағларининг ҳисоби ва таҳлили” (Т.: “Иқтисод-молия” нашриёти, 2009.) кабиларни киритиш мумкин. Шу тариқа молиявий таҳлил фани ҳам мустақиллик йилларида ўзининг шаклланиш ва ривожланиш босқичини бошидан кечирди.

3.4.3. Бошқарув таҳлил ва унинг методологик асосини ёритиш бўйича қилинган ишларнинг қисқача тавсифи

Иқтисодий таҳлилнинг таркибий тузилиши бўлган фанлардан бири **«Бошқарув таҳлил”** фанидир. Бу йўналиш бўйича ҳам бир қанча асарлар нашр қилинди. Булар жумласига М.Қ Пардаев раҳбарлигидаги бир гуруҳ олимлар (А.Х.Шоалимов, И.Р.Пардаев, Ж.И.Исроилов) томонидан ёзилган “Бошқарув таҳлили” ўқув қўлланмасини (Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 2005.- 328 бет.), Шу ном билан шу муаллифлар томонидан тайёрланган маърузалар курсини (Самарканд. СамДУ. 2004.- 256 бет. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти томонидан 2005 йилда нашр қилинган икки қисмдан иборат маърузалар курси, 1-қисм – 157 бет ва 2-қисм – 137 бет), Тошкент молия институти олимлари А.Т.Ибрагимов ва М.Ю.Раҳимовларнинг “Бошқарув таҳлили” ўқув қўлланмасини (Т.: ТМИ, 2004.- 104 бет.), Тошкент иқтисодиёт университети олимлари А.Х.Шоалимов, Ш.А. Тожибоевалар томонидан тайёрланган «Бошқарув таҳлили” ўқув қўлланмани (Т.: ТДИУ, 2003.- 140 бет.), А.Х.Шоалимов, Ш.А. Тожибоевалар нинг “Бошқарув таҳлили” маърузалар матни (Т.: ТДИУ, 2004.- 140 бет.) кабиларни киритиш мумкин. “Бошқарув таҳлили” бўйича маъруза матнини 2006 йилда Самарқанд қишлоқ хўжалик институти олимларидан Т.Қ.Қудратов ҳам нашрдан чиқарди (СамҚХИ, 2005.- 185 бет.- 12 б.т.).

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, бошқарув таҳлили хўжалик юритувчи субъектлар ахборотларидан ички фойдаланувчилар учун мўлжалланган дир. Шу туфайли ушбу таҳлил ҳар бир корхона ва соҳанинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиш лозимлигини

тақозо қилади. Аммо ушбу масала ҳамон бошқарув таҳлилида ўз ечимини топа олган эмас.

Охирги пайтларда бошқарув таҳлилининг ўрнига айрим тармоқ аҳамиятига молик асарлар ҳам пайдо бўлмоқда. Бизнинг фикримизча, иқтисодий таҳлилнинг умумметодологик масалалари юқоридаги иккита қисмда (“Иқтисодий таҳлил назарияси” ва “Молиявий таҳлил”) ёритилиши ва бошқарув таҳлили қисмида эса шу тармоқ ёки соҳанинг ўзига хос хусусиятлари қараб чиқилиши лозим.

Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, бошқарув таҳлилида ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ёки иш бажариш жараёнлари ҳамда улар билан боғлиқ масалалар қаралиши даркор. Ўз навбатида, молиявий таҳлилда тегишли ахборотларга (молиявий ҳисоботларга) асосланган ҳолда хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолати билан боғлиқ масалаларни қараб чиқиши лозим. Бироқ, ҳозирги бошқарарув ва молиявий таҳлил фанларида кўрилаётган масалалар ушбу талабга тўлиқ жавоб бераолган эмас. Булардан ҳам кўриниб турибдики, ҳали иқтисодий таҳлилни, унинг таркибий қисмларини такомиллаштириш борасида олимларимиз ва мутахассисларимиз олдида ҳал қилиниши лозим бўлган анча муаммолар мавжуд.

3.4.4. Молиявий ва бошқарув таҳлилии ҳамда унинг методологик асосини ёритиш бўйича қилинган ишларнинг қисқача тавсифи

Ҳозирги пайтда иқтисодий таҳлилнинг методик қисми бирлаштирилиб **“Молиявий ва бошқарув таҳлили”** номи билан бир курс сифатида ўқитилмоқда. Бу борада ҳам бир қанча асарлар яратилди. Булар жумласига Тошкент молия институти олимлари А.В.Ваҳабов, А.Иброҳимов ва Н.Эшонқуловлар томонидан яратилган “Молиявий ва бошқарув таҳлили” дарслигини (Т.: “Шарқ”, 2005.- 480 бет.), З.А.Сагдуллаева, Ш.А.Рашидова, Н.Ф. Ишанкуловлар томонидан нашр қилинган «Управленческий и финансовый анализ” масалалар тўпламини (Сборник задач. Т.: ТФИ, 2004.- 73 бет.), Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг иқтисодий таҳлил мактаби томонидан яратилган Е.Ергешевнинг “Иқтисодий ва молиявий таҳлил” дарслигини (Т.: “Консаудитинформ-Нашр”

нашриёти, 2005.-346 бет.), М.Қ.Пардаев Б.А.Ҳасанов, Ж.И.Исроилов, М.Е.Пулатов, Ў.Т.Эсанбоев, А.Н.Холикуловлар томонидан “Молиявий ва бошқарув таҳлили” ўқув қўлланмаси (Т.: Чўлпон нашриёти, 2012.- 400 бет.), кабиларни киритиш мумкин.

Молиявий ва бошқарув таҳлили бўйича Самарқанд мактаби олимларининг қарашлари бир мунча такомиллаштирилган бўлиб, унда иқтисодий салоҳият, молиявий салоҳият таҳлили, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг молиявий ва иқтисодий мустаҳкамлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш йўлларини, корхоналарнинг банкротлиги ва рақобатбардошлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш йўллари каби масалаларни ўқитиш лозимлиги асосланган ва ўқув адабиётларида тавсия қилинган.

3.4.5. Лойиҳа таҳлил ва унинг методологик асосини ёритиш бўйича қилинган ишларнинг қисқача тавсифи

Бозор муносабатлари шароитида таҳлилнинг корхоналар фаолиятинни режалаштиришда, инвестициялар самарадорлигини оширишдаги роли ошиб борди. Буларни инобатга олиб ўқув режасига **лойиҳа таҳлили** фани киритилди. Бу бўйича ҳам Самарқанд мактаби олимлари етакчилик қилдилар. Жумладан, М.К.Пардаев томонидан қатор ишлар нашр қилинди “Инвестиция лойиҳасининг молиявий таҳлили” маъруза матни (Самарқанд, СамКИ, 2000. – 32 бет.), “Лойиҳа таҳлилининг мазмуни, предмети, методи ва усуллари”, (Маъруза матни. Самарқанд, СамКИ, 1999. – 18 бет.), “Пул оқимларини дисконтлаштириш ва аннуитетлар” (Маъруза матни. Самарқанд, СамКИ, 2000 - 22 бет.), “Лойиҳа хатарлилигининг таҳлили” (Маъруза матни. Самарқанд, СамКИ, 2000. – 26 бет), Пардаев М.К. Шодиева Г.М. билан ҳаммуалифликда “Лойиҳа таҳлилида оила мулки” (Маъруза матни. Самарқанд, СамКИ, 1999. - 40 бет.), яна шу муаллифларнинг “Лойиҳа таҳлилида оила даромадларини инфляция шароитида баҳолаш ва таҳлил қилиш усуллари” (Маъруза матни. Самарқанд, СамКИ, 1999. - 21 бет.), Пардаев М.К. Абдиев А.А. билан ҳаммуаллифликда “Лойиҳа таҳлилидан семинарлар ва масалалар тўплами” (Самарқанд, СамКИ, 2000 - 19 бет.) кабиларни таъкидлаш мумкин. Буларни жамлаб 2001 йилда М.Қ.Пардаевнинг

«Лойиҳа таҳлили” курси бўйича маъруза матни (Самарканд, СамКИ, 2001.- 171 бет.) чоп қилинди.

Мазкур маърузалар матни 2012 йилда “Йилнинг энг яхши маъруза матни” танловида умум мутахассисик фанлар ичида 3-ўринга сазовар бўлди ва ўқув қўлланма сифатида тан олинди. Бунинг натижаси “Маърифат” газетасида 2002 йил 5 октябрь сонида эълон қилинди.

3.4.6. Функционал қиймат таҳлили иқтисодий таҳлилнинг шакли эканлиги ва унинг ўзига хос хусусиятлари

Функционал қиймат таҳлили (ФҚТ)нинг вазифалари ва аҳамияти бозор муносабатларининг чуқурлашиши билан янада ошиб боради. Чунки ФҚТ корхоналар ва улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар (бажариладиган ишлар, кўрсатиладиган хизматлар)нинг рақобатбардошлигини таъминлаш, сифатини ошириш ва нархини арзонлаштиришнинг асосий омилларидан биридир. ФҚТни қўллашнинг ўзига хос хусусиятларидан бири – корхоналарнинг харажатларини камайтириш эвазига унинг фаолиятида юқори самарадорлик ва сифат кўрсаткичига эришишдан иборатдир. Бундай натижага эришишнинг ўзига хос хусусияти ва афзаллиги шундаки, барча муваффақиятларга иқтисодий ҳодиса, жараён ва фаолият содир бўлмасдан олдин ўрганилганлигида намоён бўлади. Бу ҳолат тизимли (системали) равишда таҳлил қилиш орқали ўрганилганлиги учун маҳсулотнинг юқори сифати, ишнинг юксак самарадорлиги таъминланади. Шу туфайли ФҚТдан иқтисодий таҳлилнинг энг самарали ва илғор шаклларидан бири сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Таҳлилнинг мазкур шакли асосан микро- иқтисодиёт даражасида қўлланилади. Бунда ҳам аниқ бўғунларни, маҳсулотни, жараённи, фаолиятни объект қилиб олади. Масалан, бирор маҳсулотни ишлаб чиқариш, ёки товар ҳаракатини бошқариш, ёки бирор мутахассис фаолиятини такомиллаштириш, ёки бирор хизмат сифатини ошириш кабилар ФҚТнинг объекти бўлиши мумкин. Демак, ФҚТнинг қўлланилиш доирасида қисқа ва аниқ мақсадлар кўзда тутилади.

Кўриниб турибдики, ФҚТ ҳозирги иқтисодий вазиятда ўта самарали таҳлил шаклларидан бири сифатида баҳоланмоқда.

Чунки унинг ҳар бир функцияни вақт ва баҳо нуқтаи назаридан баҳолашда аҳамияти катта. Бироқ, мазкур таҳлил ҳақида бир қанча адабиётларнинг яратилишига қарамасдан, унинг таърифи етарлича ҳал қилинмаган. Буларни инобатга олиб ФҚТнинг таърифини беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Шундай қилиб, **ФҚТ деганда, ишнинг, фаолиятнинг, меҳнатнинг шу жумладан, хизматнинг самарадорлиги ва сифатини ошириш мақсадида, уларни тизимли равишда, жараёнлар содир бўлмасдан олдин, мантиқий (эвристик) йўл билан, таҳлил қилиш орқали маҳсулотни (иш, хизматни) ишлаб чиқаришда, унга сарфланадиган харажатларни ва бажариладиган функцияларни камайтириш эвазига унинг фойдалилиги ва рентабеллигини кўпайтиришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш жараёни тушунилади.**

ФҚТда функцияларнинг бир-бири билан боғлиқлиги қуйидаги чизмада келтирилган (3.3-чизма).



3.3.-чизма. ФҚТда ўрганиладиган функцияларнинг ўзаро боғлиқлиги

ФҚТ бир вақтнинг ўзида товар (иш, хизмат) ишлаб чиқарувчилар билан бирга истеъмолчилар манфаатини ҳам кўзлаб иш тутиш имконини беради. Ишлаб чиқарувчиларнинг манфаати ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш эвазига ишнинг самарадорлигини оширишда намаён бўлса, истеъмолчиларнинг манфаати эса товарнинг сифатида, нархининг арзонлигида, ундан узоқ муддат фойдаланишда, унинг мустаҳкамлигида намоён бўлади. Бу билан давлатнинг ҳам манфаати муштараклашади, чунки товар арзон ва сифатли бўлса, бу жаҳон бозорида ҳам ўз харидорларини топади. Шу орқали давлат ўз нуфузига эга бўлиш билан бирга, унинг

иқтисодий қудрати ҳам мустаҳкамланади. ФҚТни қўллаш орқали ҳамма манфаатлар муштараклигини ва мувофиқлигини таъминлайдиган кўрсаткичларга, товарнинг (иш, хизмат) сифати, арзонлиги, мустаҳкамлигига эришилади.

ФҚТ иқтисодий таҳлил тизимида ўз ўрнига эга бўлиш билан бирга ўзига хос хусусиятларга ҳам эга. Унинг ўзига хос хусусиятлари бевосита табиатидан келиб чиқади. Чунки мазкур таҳлил ўзининг ноанъанавийлиги, илмий тадқиқотларга асосланиши, уни амалга оширишди бир киши эмас, балки жамоа меҳнати ва тафаккур маҳсулидан фойдаланиши билан фарқ қилади. ФҚТнинг ушбу жиҳатлари унинг ўзига хослигини белгилайди. Булар қўйидагиларда намоён бўлади:

1. ФҚТда ўрганилаётган объект ҳали ишга тушмаган, фаолият кўрсатмаётган, лойиҳалаштириш, режалаштириш босқичида бўлиши мумкин. Шу туфайли ФҚТ, аксарият ҳолда, иқтисодий жараён содир бўлмасдан олдин ўтказилади. Бу қўшимча сарф бўладиган нокерак функцияларни содир бўлмасдан олдин бартараф қилиш йўлларини ишлаб чиқиш имконини беради.

2. ФҚТ давомида ҳар бир таҳлил қилинаётган объектда бирорта ҳодиса ёки иқтисодий жараённинг тўлиқ содир бўлиши учун у қандай функциялардан иборатлиги ва ҳар бир функциянинг вақт ёки қиймати жиҳатидан қанча харажат талаб қилиниши тақрибан аниқланади. Бундай таҳлилда абстракт тафаккур, “Фикрлар ҳужуми”, эвристик таҳлил каби илғор усуллардан фойдаланиш мумкин бўлади. Бу эса битта нокерак ёки зарарли функцияни бартараф қилиш корхонага қанча самара олиб келиши ва ишлаб чиқарилаётган товари (иш, хизмати) қанчага арзонлашиши мумкинлигини кўрсатади.

3. Товар (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқаришда бажариладиган барча функциялар ФҚТ қўлланганда бешта функцияга бўлиб ўрганилади: бош, асосий, қўшимча, нокерак ва зарарли. Таҳлил қилинадиган объект фаолиятини режалаштириш ва лойиҳалаштиришда нокерак ва зарарли функцияларни бартараф қилиш йўллари ишлаб чиқилади. Бу эса харажатнинг иқтисодий жараёнларнинг содир бўлмасдан олдин бартараф қилишини, қулай ҳолда камайишини таъминлайди.

4. Товар (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқаришда ҳар бир асосий ва қўшимча функцияларнинг қандай амалга оширилиши

белгиланади. Имкони борича бу функциялар ҳам тежамли йўллар билан маҳсулот (иш, хизмат) сифатини, яроқлилик муддатини, фойдаланишга қулайлигини оширадиган даражада бажарилишини таъминлайди. Бу бевосита ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширади.

5. Энг муҳим жиҳатларидан бири, ФҚТ самарадорлиги олдиндан аниқланади, чунки таъкидланганидек, олдиндан аниқланган нокерак ва зарарли функциялар содир бўлмасдан, уларга маблағ, вақт йўқотилмасдан бартараф қилинади. Бу ҳам мазкур таҳлилнинг ўта самарали иқтисодий дастак эканлигидан далолатдир. Шу туфайли ФҚТни амалга оширишга кетган харажат ўзининг қайтимини бир қанча баробар қоплаган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

6. ФҚТнинг яна бир муҳим хусусияти, унда қўлланиладиган ахборот манбаи бўлиб ўтган, содир бўлган иқтисодий жараённи ифодаловчи ҳисоботлар эмас, балки бажарилиши лозим бўлган, кўпроқ илмий ва мантиқий йўл билан аниқланган, ҳали содир бўлмаган функциялар тизими ҳисобланади. Бу ишнинг самарали бошланишини таъминлабгина қолмасдан ходимларни ҳам тежамкорликка ва ҳар бир ишга илмий жиҳатдан ёндошишга кўникма ҳосил қилиб боради. Бу рақобат муҳити яратилган ва эркин рақобат ҳукм суриб турган пайтда ўта муҳимдир.

7. Фаолият кўрсатаётган объектларда ФҚТдан фойдаланиш кўп ҳолларда бизнес-режани тузишда қўлланилади. Унинг ҳар бир кўрсаткичини асослаш учун функцияларни таркиблаш (бош, асосий, қўшимча, нокерак ва зарарли) тамойилига асосланади. Бу эса иқтисодий кўрсаткичларнинг режа босқичида яхшиланишини, иқтисодий ўсишни самарали йўллар билан таъминлаш имконини беради.

8. ФҚТни ўтказиш учун жалб қилинган кадрлар (бухгалтерлар, менежерлар, муҳандислар, технологлар) алоҳида малакага эга бўлиши лозимлигини тақозо қилади. Уларнинг фаолиятини кооперациялаштириш имконини беради. Бу жараённинг ўзи ҳам иқтисодий самарадорликни ошириш учун муҳим дастаклардан биридир.

9. ФҚТда таҳлилнинг ҳам, таҳлил қилинаётган объектнинг ҳам мақсадини, кутилаётган натижасини, функциясини, моҳиятини, таъсирини ва алоқасини аниқлаб олишни тақозо қилади. Объектнинг мақсадида у орқали нимага эришилиши кўзда тутилса, натижада шу объект нимага эришилганлиги кўрсатилади. Унинг

функциясида шу объектнинг нима қилиши кўзда тутилса, моҳиятида шу объект нима қила олишини кўрсатади.

10. ФҚТда ўрганилаётган объектнинг яхшиланиши нималарга ижобий таъсир қилиши ва унинг нималарни ўзгартира олиши ҳамда ушб жараённинг нималар орқали амалга оширилиши кўрсатилади. Шу туфайли ФҚТни амалга ошириш жараёнида ушбу жараёнлардан тўғри ва аниқ фойдаланиш лозимдир.

11. Корхоналар фаолиятини модернизациялаш диверсификация қилиш ва уларнинг фаолиятига инновацияларни жорий қилиш масалаларини ҳал қилишда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади. Чунки, бажариладиган функциялар аниқ бўлгач, уларни қандай такомиллаштириш мумкинлиги, нокерак ва зарарли функцияларни олиб ташлашни қандай амалга ошириш мумкинлиги каби масалалар ўз ечимини топади.

Шундай қилиб, ФҚТ маълум маънода энг илғор иқтисодий дастак сифатида намоён бўлмоқда ва фан оламига, амалиёт кўламига кириб келмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз олимларидан ФҚТга бағишланган қуйидаги асарлар яратилди. Булар жумласига М.Қ.Пардаевнинг “Иқтисодий таҳлил назарияси” дарслигида (Самарқанд, “Зарафшон” нашриёти, 2001. – 272 бет) ФҚТ иқтисодий таҳлилнинг бир шакли сифатида илк бор ўзбек тилидаги адабиётга киритилган эди. М.К.Пардаев ва Ф.А.Зулуновалар томонидан тайёрланган “Функционал қиймат таҳлили” китоб (Самарқанд: СамИСИ, 2007. – 12,1 б.т. – 194 бет.) ҳам ФҚТнинг ўзимизга хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ёритилди. Ушбу фан алоҳида фан даражасига кўтарилди. Магистрлар учун М.Қ.Пардаев, Б.А.Ҳасанов, В.Ю.Махсудов, Д.А.Зулуновалар ҳаммуаллифлигида тайёрланган “Функционал қиймат таҳлили” ўқув қўлланмаси (Т.: Чўлпон, 2012. – 176 бет.) ҳам нашр қилинди. Сўнгра ушбу фан бўйича илмий тадқиқотлар давом этиб, М.Қ.Пардаев ва О.Т.Астанақуловлар томонидан “Функционал қиймат таҳлили” монографияси (Т.: “Иқтисодмолия” нашриёти, 2013. – 220 бет) тайёрланди ва нашрдан чиқарилди. Мамлакатимиз олимлари ушбу келтирилган асарлардан ташқари кўплаб илмий мақолалар ҳам нашр қилиндики, улар мазкур фаннинг ривожланишида назарий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Аммо шуни эътироф этиш керакки, ушбу фан қанчалик самарали бўлмасин, мамлакатимиз иқтисодиётида, айниқса, корхоналар амалиётида кенг қўлланилмаяпти. Холбуки, хорижий давлатларда ушбу фандан амалиётда фойдаланиш эвазига жуда катта самарадорликка эришилмоқда.

3.4.7. SWOT таҳлил ва унинг таҳлил тизимидаги ўрни

Ҳозирги шароитда ҳар қандай жараённи тадқиқ қилишда унинг кучли томонларини, имкониятлари, заиф томонлари ва таҳдидларини ўрганиш натижасида SWOT таҳлилини ишлаб чиқиш ҳаётий заруратга айланиб қолди. Чунки, ҳар бир жараённи такомиллаштиришда, унинг самарадорлигини оширишда, табиийки, шу ҳолатлар бир вақтнинг ўзида мужассам бўлади. Уларни билмасдан, таҳлил қилмасдан туриб, у ёки бу жараённи такомиллаштириш борасидаги таклифлар етарли даражада асосланмаган ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда SWOT таҳлил усулидан фойдаланиш масалалари иқтисодиётнинг барча соҳаларида қўлланилмоқда ва у кўплаб тадқиқотлар объектига айланди. Бу борада бир қанча адабиётлар ҳам нашр қилинди. Жумладан, М.Қ.Пардаев [78], А.Н.Халикулов [79], М.Э.Пўлатов, И.Р.Бедикулова, О.М.Пардаев [80] лар асарларида SWOT таҳлил усулидан фойдаланиш йўллари кўрсатиб берилган.

SWOT таҳлилнинг келиб чиқиши инглиз тилидан олинган бўлиб, таҳлил қилинаётган объектнинг кучли (Strengths – S), заиф (Weaknesses – W), имониятлари (Opportunities – O) ва таҳдидлардан иборат (Threats – T) сўзларининг бош ҳарфидан ташкил топган (SWOT). Бунинг ўзбек тилидаги таржимасининг бош ҳарфлари КЗИТ таҳлили сифатида намоён бўлади. Ушбу таҳлилни амалга оширишнинг бир қанча афзалликлари мавжуд.

Биринчидан, ушбу таҳлилда далиллар (фактлар) билан бирга мантиқий таҳлил усулларидан ҳам кенг фойдаланилади.

---

[78] Пардаев М.К. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик. Самарканд, “Зарафшон” нашриёти, 2001. – 272 бет.

[79] Пардаев М.Қ., Холикулов А.Н. Иқтисодиёт субъектларида омилли таҳлилни такомиллаштириш. Монография. – Т.: “Наврўз” нашриёти, 2014. – 202-217 бетлар.

[80] Пардаев М.Қ., Пўлатов М.Э., Бердикулова И.Р., Пардаев О.М., Маркетинг тадқиқотида статистик таҳлил. Ўқув қўлланма. Т.: “Фан ва технология” нашриёти. 2018. – 284-302 бетлар.

Иккинчидан, маҳаллий шароитнинг имкониятларини, ички ва ташқи омилларнинг таъсирини ҳисобга олишда чекланмаган сабабларни келтириш мумкин бўлади.

Учинчидан, шу тариқа ушбу таҳлилда барча мутахассислар ва мутасаддиларнинг ҳам фикрларини инобатга олиш мумкин бўлади ва уларнинг тажрибаси, илмий имкониятларидан кенг фойдаланиш мумкин бўлади.

SWOT таҳлилнинг яна бир муҳим хусусияти, корхонанинг аҳволини чуқур таҳлил қилиш жараёнида нималарга аҳамият бериш лозимлиги аён бўлади. Кучли томонларини янада кучайтириш, заиф томонларини бартараф қилиб, уларни кучлантириш, имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш ва таҳдидларнинг олдини олиш учун тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш имконияти ҳам кенг бўлади.

Булардан келиб чиқиб, SWOT таҳлил тушунчасининг таърифини ишлаб чиқиш мумкин. Бизнинг фикримизча, унга қуйидагича таъриф бериш мумкин. **SWOT таҳлил дейилганда, таҳлил қилинаётган объектнинг кучли ва заиф томонларини, имкониятлари ва таҳдидларини кенг миқёсда аниқлаб берадиган таҳлилнинг шакли тушунилади.** Ушбу таърифда мазкур таҳлилнинг ўзига хос жиҳатлари тўлиқ ифодаланган ва шу жиҳатдан уга қўйилган назарий талабларга ҳам жавоб беради, деб ўйлаймиз.

Шуни назарда тутиш керакки, SWOT таҳлилда корхонани ривожлантиришда унинг кучли (Strengths – S) ва заиф (Weaknesses – W) томонларини бевосита мазкур корхонанинг фаолиятига боғлиқ. Ушбу томонларни корхона ўз кучи билан бошқариши мумкин. Аммо унинг имониятлари (Opportunities – O) ва таҳдидлари (Threats – T) аксарият ҳолда ташқи омилларга боғлиқ. Уларни башқариш ва бартараф қилишда анча тадбирларни қўллашига тўғри келади. Шундай қилиб корхона амалга ошираётган SWOT таҳлилда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш билан бирга таҳдидларни бартараф қилиш механизмларини ҳам ишлаб чиқиши лозим. Бу жараён SWOT таҳлилдан кейинги босқич бўлиб ҳисобланади. Бунинг асосий йўналишлари қуйида келтирилган (3.4-чизма).



3.4.-чизма. SWOT таҳлил жараёнида субъектларда аниқланадиган йўналишларнинг ўзаро боғлиқлиги

Кўриниб турибдики, SWOT таҳлил бошқа таҳлиллар сингари бошқарув қарорларини қабул қилиш учун асосий ахборотлар базасини тайёрлаб берадиган энг самарали механизмлардан бири экан. Шу туфайли ҳар қандай корхонанинг стратегик режасини ишлаб чиқишдан олдин албатта SWOT таҳлилни ўтказиш зарурият эканлигини инобатга олиш лозим. Чунки корхонанинг ривожланиш имкониятлари жуда катта ва кенг бўлиши мумкин. Аммо уларни SWOT таҳлил йўли билан аниқлаб олинмаса, шу имкониятларни ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш ўта мушкул ва мураккаб.

Кўриниб турибдики, корхоналар фаолиятида SWOT таҳлилдан фойдаланиш унинг стратегик йўналишини аниқлаш ва унга тўлиқ эришиш учун тегишли кураш майдонини аниқлаб берар экан. SWOT таҳлилнинг яна бир муҳим жиҳати, таҳлил қилинаётган корхонанинг барча кучли ва заиф томонлари, имконият ва таҳдидлари тегишли жадвалга бандма-банд киритилиб, барча мутахассис ва мутасаддиларга тарқатъилади. Бунда ҳар бирининг ўрни белгиланади ва улар ушбу таҳлил орқали нимага, қачон ва қаерда аҳамият бериш кераклигини билади ва тегишли вазифасини бажариш орқали корхона фаолиятининг яхшиланишига ўз хизматларини қўшиб боради.

SWOT таҳлилнинг яна бир муҳим хусусиятларидан бири, унинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳаларида кенг кўламда қўлланилиши билан ҳам характерланади. Жумладан, у ишлаб чиқариш соҳасида қандай фойдаланса, хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам худди шундай фойдаланиш мумкин. Ҳатто оилавий ҳаётнинг ҳам ҳамма соҳасида, бизнеснинг барча турларида, стратегик режалаштиришнинг ҳамма йўналишларида ҳам ундан самарали фойдаланиш мумкинлигига амин бўлдик. Шу туфайли

ҳар бир мутахассис ушбу таҳлилдан фойдаланиш йўлларини пухта ўзлаштириб олиши лозим.

3.4.8. Таҳлил фанини алоҳида соҳаларининг методологик асосини ёритиш бўйича қилинган ишларнинг қисқача тавсифи

Мустақиллик йилларида **таҳлилнинг алоҳида соҳалари** бўйича ҳам қалам тебратишлар давом этди. Бу бўйича ҳам йирик монографиялар ва ўқув қўлланмалар нашр қилинди. Булар жумласига М.К.Пардаев, И.Т.Абдукаримов, Б.И.Исроиловларнинг "Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили" монографияларини (Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 2003.- 256 бет.), Б.И. Исроиловнинг «Мол-мулкни солиққа тортиш, солиқ ҳисоби ва уни таҳлил қилиш йўллари" ўқув қўлланмасини (Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 2005.- 40 бет.), Б.И.Исроиловнинг "Солиқлар ҳисоби ва таҳлили: муаммолар ва уларнинг ечимлари" номли монографиясини (Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 2005.-20,5 б.т.), А.В.Вахабов, А.Т.Иброҳимов, У.К.Якубовларнинг "Бошқа тармоқларда иқтисодий таҳлилнинг хусусиятлари" номли ўқув қўлланмасини (Т.: ТМИ, 2004.- 148 бет.), Н.Хасанов, С.Нажбиддиновларнинг "Корхона молиявий ҳолатини баҳолаш: муаммолар ва уларни ҳал қилиш" китобини (Т.: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" нашриёт уйи, 1999.- 224 бет.), Н.Хасанов, Л.Югайларнинг «Финансовое оздоровление предприятия: методы анализа и оценки" монографиясини (Т.: Изд. дом "Мир экономики и право". 2001. – 192 бет.), М.М.Тулаходжаеванинг "Аудит финансового состояния предприятия" монографияси (Т.: Изд. дом "Мир экономики и право". 1996. – 192 бет.), Р.А.Исаев, Б.А.Ҳасанов, А.И.Аликуловлар томонидан нашр қилинган "Пахта тозалаш корхоналари хўжалик фаолияти таҳлили" ўқув қўлланмаси (Т.: "Фан ва технология" нашриёти, 2008. – 220 бет), Т.Ш.Шоғиёсовнинг "Комплекс иқтисодий таҳлил" китобларини (Т.: "Иқтисод-молия, 2009.) кабиларни киритиш мумкин.

Самарқанд мактабининг олимлари мустақиллик йилларида корхоналар молиявий-хўжалик фаолияти таҳлилига оид китобларни ҳам нашрдан чиқаришга муваффақ бўлдилар. Булар жум-

ласига қуйидагиларни киритиш мумкин. Олимлардан И.Т.Абдукаримов, Л.Г.Абдукаримова ва В.В.Смагиналар томонидан тайёрланган «Анализ финансово-хозяйственной деятельности предприятия” номли ўқув қўлланмасини (Тамбов. ТГУ, 2005. - 604 бет.), И.Т.Абдукаримовнинг “Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари” рисоласини (Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 1998.- 96 бет.), И.Т. Абдукаримов., С.А.Исҳоқова, А.Т.Мардоноваларнинг “Молиявий менежмент” номли ўқув адабиётини (Самарканд, СамДУ, 2001. - 78 бет.), И.Т.Абдукаримов, Л.Г.Абдукаримова, В.В.Смагиналарнинг “Оценка и анализ собственных и привличённых средств предприятия” ўқув қўлланмасини (Тамбов. ТГУ., 2004.-150 бет.), И.Т. Абдукаримовнинг «Оценка и анализ финансового состояния предприятия” китобини (Томбов. 2001. – 75 бет.), И.Т.Абдукаримов, В.В.Смагиналарнинг “Долгосрочных активы, методы их анализа и оценка” ўқув қўлланмасини (Томбов, ТГУ, 2002. – 124 бет.) самарқандлик ва россиялик олимлар билан ҳамкорликда тайёрланди. Бир қанча асарлар, жумладан: М.Қ.Пардаев ва Ж.И.Исроиловлар томонидан тайёрланган “Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари” монографияси (Т.: “Фан ва технологиялар” нашриёти, 2007. 164 бет.), Ж.И.Исроиловнинг “Тадбиркорлик субъектларида товарларни ишлаб чиқариш ва сотишни таҳлил қилиш усуллари” услубий тавсиясини (Самарканд. СВТИЧТП, 2004. - 38 бет.), В.И.Исроилов ва Ж.И.Исроиловлар томонидан тайёрланган “Фойда солиғининг ҳисоби ва таҳлили” ўқув қўлланмасини (Т.: Солиқ академияси, 2012. – 160 бет), Холмўминов Ш.Р., Хакимов Х.М., Боқиева И.А., Аллаева М.А., А.Т. Маҳкамбоевларнинг “Меҳнат кўрсаткичлари таҳлили” ўқув қўлланмаси (Т.: ТДИУ, 2004. – 112 б.), М.Қ.Пардаев ва А.Н.Халикуловларнинг “Иқтисодиёт субъектлари омилли таҳлилни такомиллаштириш” монографиясини (Т.: “Наврўз” нашриёти, 2014. – 240 бет.), М.Қ.Пардаев, М.Э.Пўлатов, О.М.Пардаев, И.Р.Бердикуловалар томонидан тайёрланган “Маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлил” фанидан ўқув қўлланма (Т.: “Фан ва технологиялар” нашриёти, 2018. 448 бет.) кабилар мамлакатимиз олимлари қаламига мансуб бўлиб, иқтисодий таҳлил фанининг ривожланишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

3.5. Ўзбекистон Республикасида иқтисодий таҳлилнинг ривожланиш йўналишлари

Ўзбекистон Республики иқтисодиётидаги модернизациялаш, диверсификациялаш ва инновацияларни жорий қилиш натижасида содир бўлаётган кескин ўзгаришлар, унга мос бўлган бошқариш механизмларини ҳам такомиллаштиришни тақозо қилади. Бундай иқтисодий механизмлардан бири бўлган иқтисодий таҳлил ҳам тегишли йўналишларда модернизацияланиши ва такомиллашиб бориши керак бўлади. Ушбу заруратдан келиб чиқиб, иқтисодий таҳлил фани ҳам қуйидаги йўналишларда такомиллашиши лозим деб ҳисоблаймиз:

- ҳозир республикамизда кўп мулкчиликка асосланган бозор тизимидаги корхоналар вужудга келди. Иқтисодий таҳлил ҳам ана шу соҳага мос ҳолда ривожланиши лозим;

- Ўзбекистонда барча соҳалар, айниқса, бухгалтерия ҳисоби бўйича жаҳон андозаларига мос миллий стандартлар тизими қабул қилинди ва амал қилмоқда. Бу эса халқаро андозаларга мос иқтисодий таҳлил тизимини ҳам яратилишини тақозо қилади. Бу барча соҳалар учун бир хил методологик асосга эга бўлган **молиявий таҳлилни** такомиллаштириш лозимлигини тақозо қилади;

- мамлакатимизда шаклланган бозор муносабатларининг хусусиятларини, иқтисодиётдаги модернизациялаш, диверсификациялаш ва инновацияларни жорий қилиш жараёнларини инобатга олган ҳолда ва бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларидан келиб чиқиб, **иқтисодий таҳлилнинг назариясини** такомиллаштиш мақсадга мувофиқ;

- Ўзбекистонда макроиқтисодий таҳлил амалий жиҳатдан объектив заруратга айланди. Аммо унинг назарияси ва методологияси яратилган эмас. Шу туфайли келажакда **макроиқтисодий таҳлил**нинг назарий ва методологик асоси ишлаб чиқилиши лозим.

- олимлар саноат, қурилиш, транспорт, хизмат ва бошқа ҳалқ хўжалигининг муҳим соҳалари бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратишлари ҳам бугунги кунда кечиктириб бўлмайдиган вазифалардандир. Бундан келиб чиқиб, **бошқарув таҳлилини**нг тармоқларга мос йўналишларини такомиллаштириш мақсадга мувоқиф, деб ҳисоблаймиз;

- иқтисодётга оид барча ўқув йўналишларида бакалаврларни ва мутахассисликлар бўйича магистрларни тайёрлашда ушбу фанни ўқув режасига киритиш, ушбу мутахассисликларга хос бўлган иқтисодий таҳлилга оид ўқув адабиётларини яратиш мақсадга мувофиқ;

- ҳозирги объектив заруратдан келиб чиқиб, иқтисодиётнинг ривожланишини тизимли ўрганишни таъминлаш мақсадида **тизимли таҳлил**нинг назарий ва методологик асосларини яратиш ҳам мақсадга мувофиқ;

- корхоналарнинг стратегик йўналишларини тўғри белгилаш учун ҳар бир корхонанинг кучли ва заиф томонларини, имконият ва таҳдидларини тўғри аниқлашни ва шунга асосан уни ривожлантириш бўйича тегишли бошқарув қарорларини қабул қилишни йўлга қўйиш учун **SWOT таҳлил**нинг назарий ва амалий йўналишларини яратиш ва такомиллаштиришни тақозо қилади;

- корхонанинг ривожланишини ва самарадорлигини оширишда улар томонидан бажариладиган функцияларни асосий, ёрдамчи, қўшимча, нокерак ва зарарли турларга бўлиб, ҳар бирини қиймат жиҳатидан баҳолашни йўлга қўйиш учун **функционал қиймат таҳлилини** ривожлантиришни тақозо қилади;

- ҳозирги пайтда жуда кўплаб янги тармоқлар, тадбиркорлик субъектлари пайдо бўлмоқда. Буларнинг ҳам самарадорлиги ва рақобатбардошлигини таъминлаш учун соҳанинг ўзига хос хусусиятларини инобатга оладиган иқтисодий таҳлил усулларини яратишни тақозо қилади. Бу эса ўз навбатида **алоҳида тармоқлар фаолияти таҳлилини** яратиш заруратини туғдиради.

Ушбу тадбирларнинг амалга оширилиши мустақил давлатимизнинг мустақил фани – хўжалик фаолиятини таҳлил қилишга бағишланган “Иқтисодий таҳлил” фанининг вужудга келиши ва ривожланиши учун асос бўлади. Бу фаннинг келажакда аҳамияти кескин ошади, чунки бозор муносабатлари шароитида турли мулк шаклига эга бўлган корхоналарнинг хўжалик фаолиятини чуқур ўрганишни, таҳлил қилишни ва иқтисодий жиҳатдан асосланган бошқарув қарорларини қабул қилишни тақозо қилади.

3.6. Ўзбекистонда шаклланган иқтисодий таҳлил мактаблари

Бугунги кунда Ўзбекистонда иқтисодий таҳлилнинг бир қанча мактаблари шаклланган. Ушбу мактаблар ва уларнинг намоёндалари қуйидаги жадвалда келтирилган (3.1.-жадвал).

3.1-жадвал

Ўзбекистонда таҳлига оид илмий мактаблар намоёндалари

Иқтисодий таҳлил илмий мактабларининг номлари		**Илмий мактаб намоёндалари**		**Иқтисодий таҳлилнинг қайси йўналишида иш олиб борилиши**
Самарқанд мактаби		И.Т.Абдукаримов, М.Қ.Пардаев, М.Э.Пўлатов, Б.И.Исроилов, Ж.И.Исроилов, А.А.Абдиев, А.Н.Халикулов, Т.Қ.Кудратов		Иқтисодий таҳлил назарияси, Молиявий ва бошқарув таҳлили, Функционал қиймат таҳлили, Лойиҳа таҳлили, Хизмат кўрсатиш соҳаси фаолияти таҳлили, Туристик фирмалар фаолияти таҳлили, Меҳмонхона хўжаликлари фаолияти таҳлили, Маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлил, Солиқлар таҳлили, Хусусий корхоналар фаолияти таҳлили, Алоҳида тармоқлар фаолияти таҳлили кабилар.
Тошкент мактаби		А.Ҳ.Шоалимов, А.В.Ваҳабов А.Т.Ибраҳимов, М.Ю.Раҳимов, Б.А.Ҳасанов, Н.Ишанкулов, Е.Ергешев, Ш.Р.Холмўминов, Р.А.Исаев, У.К.Якубов, Х.И.Ахмаджонов		Иқтисодий таҳлил назарий асослари, Молиявий ва бошқарув таҳлили, Функционал қиймат таҳлили, Лойиҳа таҳлили, Иқтисодиёт субъектлар молиявий ҳолатининг таҳлили, Меҳнат кўрсаткичлари таҳлили, Пахта тозалаш корхоналари хўжалик фаолияти таҳлили, Алоҳида тармоқлар таҳлили кабилар.
Фарғона мактаби		Д.Қ.Қудбиев, И.Н.Исманов		Асосий воситалар таҳлили.

Мазкур жадвалдан кўриниб турибдики, Самарқанднинг таҳлил мактабида илк бор “Иқтисодий таҳлил назарияси” фанини ўзбек тилида нашр қилишга муваффақ бўлган. Мазкур мактаб намоёндалари “Хўжалик фаолияти таҳлили” ҳамда “Молиявий ва бошқарув таҳлили” фанларидан ҳам ўқув адабиётларини тайёрлашга муваффақ бўлдилар. Хорижий давлатларда кенг қўлланилиб, маълум даражада самарадорликка эришишга муваффақ бўлган “Функционал қиймат таҳлили” ҳам Самарқанд мактабига мансуб. Шунингдек, бозор муносабатларида иқтисдий механизмлардан бири бўлган “Лойиҳа таҳлили” ҳам илк бор самарқандлик олимлар қаламига мансуб бўлдилар. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти йўналишидан келиб чиқиб, “Хизмат кўрсатиш соҳаси фаолияти таҳлили” ҳам самарқандлик олимлар томонидан тайёрланди. “Туристик фирмалар фаолияти таҳлили” ва “Меҳмонхона хўжаликлари фаолиятининг иқтисодий таҳлили” ҳам бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда ёритилди. Бозор муносабатларида маркетинг тадқиқотлари бозор субъектлари учун муҳим аҳамиятга эга эканлигидан келиб чиқиб, “Маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлил” фани ҳам илк бор ушбу мактаб намоёнадалари томонидан тайёрланди. Ҳозирги шароитда ўзига хос тармоқларнинг ривожланиши “Алоҳида тармоқлар фаолияти таҳлили”ни яратишни тақозо қилди. Бу борада ҳам ушбу мактабда анча ишлар амалга оширилмоқда.

Тошкент таҳлил мактаби “Иқтисодий таҳлилнинг назарий асослари”ни ҳамда “Молиявий ва бошқарув таҳлили” фанларидан ўқув адабиётларини тайёрлашда ҳам катта хизмат қилди. “Функционал қиймат таҳлили” фанини самарқандлик олимлар мактаби вакиллари билан ҳамкорликда тайёрлашга муваффақ бўлди. “Лойиҳа таҳлили”дан ҳам ўқув адабиётларини тайёрлашда мазкур мактаб олимлари салмоқли ҳисса қўшиб келмоқдалар. “Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили” фанидан дарслик ҳам мазкур мактаб олимлари томонидан яратилган. Ҳозирги пайтда “Алоҳида тармоқлар таҳлили” фанидан ҳам айрим адабиётлар тайёрланмоқда.

Фарғона мактаби вакиллари асли Самарқанднинг таҳлил мактабида шаклланган. Уларнинг таҳлилга оид адабиётлари “Асосий воситалар таҳлили”га бағишланган. Ушбу мактабларда

ҳам ёш кадрлар тайёрланиб, таҳлил мактабининг янги авлоди етишиб чиқмоқда.

Ўзини-ўзи назорат қилиш ва такрорлаш учун саволлар

1. Иқтисодий таҳлилнинг вужудга келиш ва ривожланиш тарихи нима учун ўрганилади?
2. Иқтисодий таҳлилнинг фан сифатида шаклланиш элементлари.
3. Иқтисодий таҳлилнинг фан сифатида ривожланиш босқичлари.
4. Ўзбекистонда иқтисодий таҳлилнинг фан сифатида шаклланиши ва ривожланиши.

4.3. Иқтисодий таҳлил фанининг Ўзбекистонда яратилиш тарихи.

4.4. Ўзбекистон мустақиллик йилларида иқтисодий таҳлил фанининг ривожланиш тарихи.

4.4.1. Иқтисодий таҳлил ва унинг назарияси бўйича қилинган ишлар.

4.4.2. Молиявий таҳлил ва унинг методологик асосини ёритиш бўйича қилинган ишлар.

4.4.3. Бошқарув таҳлил ва унинг методологик асосини ёритиш бўйича қилинган ишлар.

4.4.4. Молиявий ва бошқарув таҳлилии ҳамда унинг методологик асосини ёритиш бўйича қилинган ишлар.

4.4.5. Лойиҳа таҳлил ва унинг методологик асосини ёритиш бўйича қилинган ишлар.

4.4.6. Функционал қиймат таҳлили иқтисодий таҳлилнинг шакли эканлиги ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

4.4.7. SWOT таҳлил ва унинг таҳлил тизимидаги ўрни.

4.4.8. Таҳлил фани алоҳида соҳаларининг методологик асосини ёритиш бўйича қилинган ишлар.

4.5. Ўзбекистон Республикасида иқтисодий таҳлилнинг ривожланиш йўналишлари.

4.6. Ўзбекистонда шаклланган иқтисодий таҳлил мактаблари.

4-боб. ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИНГ МЕТОДИ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ

4.1. Иқтисодий таҳлил методининг мазмуни бўйича турли қарашларнинг назарий талқини

Метод қадимги грек тилидан олинган бўлиб, табиат ҳамда жамиятда содир бўлаётган ҳодиса ва жараёнларни ўрганиш ва билиш усулини англатади. Табиат ва жамиятда содир бўладиган ҳодиса ва жараёнлар бир-бири билан узвий боғлиқ ва алоқадордир. Шу туфайли уларнинг қайси жиҳати ўрганилишидан қатъий назар табиат ва жамиятда содир бўлаётган жараёнлар бир-бири билан боғлиқликда, алоқада деб қараш лозим бўлади. Бундай қарашни таъминлаш учун уларни ўрганишга диалектик усул билан тизимли равишда ёндошиш лозимдир. Бу эса ўз навбатида ўрганилаётган барча ҳодиса ва жараёнларни бир-бири билан узвий боғлиқликда, алоқада ва доим ўзгаришда, деб қарашни тақозо қилади.

Худди шу назарий хулосадан келиб чиққан ҳолда иқтисодий таҳлил фани методининг моҳиятини очиш лозим. Аммо ушбу фан методининг моҳияти назарий жиҳатдан ҳамон тўғри ҳал қилинган эмас. Бунга турли олимларнинг турли даврларда турлича ёндошганлигини асос қилиб олиш мумкин.

Таҳлил фани методига таъриф бериш бўйича олимлар бир қанча гуруҳларга бўлинадилар. Баъзи олимлар иқтисодий таҳлил методини тадқиқ қилиб, ишлаб чиқариш кучларининг ишлаб чиқариш муносабатларига тўғри келиши ва усулларнинг тизими, деб қарайдилар. Масалан, Е.В. Долгополов “Иқтисодий таҳлил методи бу иқтисодиётнинг динамик ўсишини, ишлаб чиқариш муносабатларини ишлаб чиқариш кучлари билан узвий бирликда, уларнинг тенденция ва қонуниятларини, омил ва резервларини узлуксиз ва комплекс тадқиқ қилиш усуллари системаси ва тамойилидир”[81] деб кўрсатади. Бироқ, бу таърифда иқтисодий

[81] Долгополов Е.В. и др. Экономический анализ хозяйственной деятельности социалистических предприятия, Киев: Вища школа, 1938,27 бет

таҳлил методининг ўзига хос хусусиятлари очилмасдан қолган. Маълумки, ишлаб чиқариш муносабатлари ва ишлаб чиқариш кучлари асосан иқтисодий назария фанида ўрганилади. Лекин мазкур муаллиф томонидан ана шуларни иқтисодиётнинг қайси бўғини ёки даражасида ўрганилиши ҳам кўрсатилмаган. Хўжалик фаолиятининг таҳлили, таъкидланганидек, микроиқтисодиёт даражасида амалга оширилади. Шу фан методининг таърифида бу хусусият, албатта, ўз ифодасини топмоғи лозим.

Айрим адабиётларда иқтисодий таҳлил методини ўта соддалаштириб, ҳатто унинг умумий таърифи ҳам берилмаган. Жумладан, хўжалик фаолияти таҳлили фанининг шаклланишида катта ҳисса қўшган олимлар Н.Р.Вейцман, С.К.Татур, В.И.Ганштак, И.А.Ламыкин кабилар худди шундай йўл тутганлар.

Хусусан, Н.Р.Вейцман хўжалик фаолияти таҳлили методининг элементлари қаторига 1) ҳисоб маълумотларини "ўқиш"; 2) ушбу маълумотлардан корхонанинг ва ташқи боғлиқликларни очиш учун комплекс фойдаланиш; 3) ушбу боғланишларни ўрганиш; 4) таҳлилга жалб қилинган маълумотларни ўқиш; ўлчаш ва боғлиқлигини аниқлаш жараёнида рақамларини солиштириш"[82] кабиларни киритади. Булар албатта таҳлил методининг энг муҳим қирралари. Лекин унинг методини тўлиқ ифода этмайди. С.К.Татур ҳам бу фаннинг методини бир қанча методлар йиғиндисидан иборат деб ҳисоблайдилар "... таҳлилда қуйидаги методлардан, яъни иқтисодий ҳодисаларни ўлчайдиган, уларга таъсир қилувчи омилларни аниқлайдиган, шу омиллар таъсирини ҳисоблайдиган (агар шундай усуллар ишлаб чиқилган бўлса), омиллар ўртасидаги боғлиқликларни аниқлайдиган ва уларни ўлчайдиган усуллардан фойдаланилади"[83]. С.К.Татурнинг кейинги асарларида ҳам ушбу қараш сақланиб қолган. Ҳақиқатда таҳлил жараёнида ушбу усуллардан фойдаланилади. Лекин бу усуллар рўйхати унинг умумий таърифининг мазмунини очиб бера олмайди. Ушбу муаллифларнинг санаб ўтган усуллари ҳам таҳлилда қўлланиладиган барча усулларни қамраб олмайди. Шу

[82]Вейцман Н.Р. Очерки по бухгалтерскому учети и анализу.-М: Госфиниздат, 1958.с.112-113.

[83] Татур С.К. Анализ хозяйственной деятельности промышленных предприятий.-М: Изд-во экономической литературы, 1962. с 25.

туфайли бу усуллар рўйхатини такомиллаштириш мақсадида баъзи олимлар уларга аниқлик киритадилар. Хусусан, В.И.Ганштак[84] таҳлилининг усулларига қуйидагиларни киритишни лозим деб ҳисоблайди: "... солиштириш, кўрсаткичларни кетма-кет равишда жойлаштириш, гуруҳлаш, кўрсаткичларни ташқи омиллар таъсиридан тозалаш, мувозанат ва индекс усуллари". У худди шундай рўйхатни И.А,Ломикин[85] ҳам ўзининг бир қанча адабиётларида келтирадилар.

Фикримизча, хар қандай мустақил фан ўзига хос, ўз хусусиятларини ифодоловчи методининг таърифига эга бўлмоғи лозим. Бу ерда келтирилган В.И.Ганштак. И.А.Ломикин[5] фикрлари ҳам таҳлил методининг мазмунини тўлиқ ифодалай олмайди.

Баъзи муаллифлар (И.Л.Батухтин) хўжалик фаолияти таҳлили методини икки гуруҳга бўлади. Биринчиси унинг умумий диалектик методи бўлса, иккинчиси алоҳида методлардир деб кўрсатади ва бунда таҳлилда, қўлланиладиган усуллар рўйхатини келтиради: "Солиштириш методи, дедукция, индукция, бўлакларга бўлиш, умумлаштириш, ҳисоб-китоб, шахсий кузатиш, тажриба-намуна, математик, чизиқли ва мувозанат методлари"[86].

И.Л.Батухтин ушбу таърифни таҳлилнинг методини такомиллаштириш, деб талқин қилади. Бу эса биринчидан, таҳлил фани методининг таърифи эмас, иккинчидан, унда қўлланиладиган усулларнинг барчаси қамраб олинмаган. Масалан, ушбу рўйхатда келтирилган усуллардан ташқари таҳлил жараёнида занжирли алмаштириш, қайта ҳисоблаш, гуруҳлаш, индекс, фарқлаш каби яна бир канча усуллар қўлланилади[87]. Бироқ бу усуллар И.Л.Батухтининг таҳлил фанининг методи деб ҳисобланган усуллар рўйхатига кирмасдан қолган. Аммо унинг келтирилган китобида ўзи эътироф этмасада биз таъкидлаган усуллардан кенг фойдаланган.

Иқтисодий таҳлил методига бир қанча олимлар бошқачароқ ёндошадилар. Хусусан, М.И.Баканов[88] "Хўжалик жараёнларининг шаклланиши ва тараққиётини ўрганишга диалектик ёндошиш

---

[84] Ганштак В.И. Экономический анализ резервов на машиностроительном предприятии. -М. Машгиз, 1960.10 бет.

[85] Ломикин.И.А. Анализ хозяйственной деятельности колхозов и совхозов. -М. Статистика,1975.15 бет.

[86] Батухтин.И.Л. Совершенствование методов анализа труда и заработной платы. -М: Экономика,1975.21 бет.

[87] Шу жойда,102,125-131, 134,143-146, 149-150 каби бетлар.

[88] Шу жойда,102,125-131, 134,143-146, 149-150 каби бетлар.

усули иқтисодий таҳлилнинг методидир” деб таъкидлайди. Худди шундай фикрни А.Д.Шеремет[89], О.Р.Кмицикевич[90],И.И.Каракоз[91] каби олимлар ҳам қўллаб ушбу қисқа умумий таърифга аниқлик киритиш учун шу фаннинг характерли хусусиятларига тўхтайдилар. Бизнинг фикримизча, хўжалик фаолияти таҳлили фанининг ўзига хос таърифи ишлаб чиқилмоғи ва бунда унинг характерли хусусиятлари аниқ кўриниб турмоғи лозим.

Бир гуруҳ муаллифлар [92] (Е.П.Жарковская, К.Г.Романова, С.С.Романова) хўжалик фаолияти таҳлили фанини иқтисодий фан сифатида қараб унинг методининг назарий асоси диалектик материализим билан биргаликда сиёсий-иқтисод фани ҳам деб ўқтирадилар. Уларнинг таъкидлашича: “Хўжалик фаолияти таҳлили методининг илмий асоси диалектик материализм ва сиёсий иқтисоддир” [93] . Бу фикрни ойдинлаштириш, хўжалик фаолияти таҳлили фани методининг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш учун ёзадилар: “Иқтисодий таҳлил ҳодисаларнинг умумий кўрсаткичларини алоҳида қисмларга бўлиш (таҳлил) ва ҳодисаларнинг алоҳида омилларини умумлаштириш (ситез) йўли билан ўзаро боғлиқликда ўрганадиган диалектик методга асосланади”[94].

Худди шундай таърифни Д.И.Деркач[95] ҳам қўллайди. Аммо бу таърифларда ҳам таҳлилнинг ўзига хос хусусиятини ифодаловчи методнинг мазмуни очиб берилмаган. Таҳлил методида фалсафанинг анализ ва синтез категориялари қўлланилишини кўрсатган холос. Лекин ушбу фанда фалсафанинг бу категорияларидан ташқари яна индукция ва дедукция, сабаб ва оқибат каби бирқанча категорияларидан ҳам фойдаланилади. Демак, ушбу таърифни таҳлил методининг мазмунини тўлиқ ифодалайди, деб қабул қилиб бўлмайди.

---

[89] Курс анализа хозяйственной деятельности.// Под.ред.С.К.Татура и А.Д.Шерматов. -М: Экономика.1994.41 бет.

[90] Кмицикевич О.Р. и.др. Анализ хозяйственной деятельности организаций и предприятий потребительской кооперации -М: Экономика 1971. 8-10 бет.

[91] Каракоз И.И. Совершенствование экономической работы и управления производством на промышленном предприятии - Киев: Висше.шк. 1976.98-101 бет.

[92] Жарковская Е.П. и др. Анализ хозяйственной деятельности строительных организаций. (Е.П.Жарковская, К.Г.Романова, С.С.Романова -М: Стройидат, 1989.11 бет.

[93] Ўша жойда, 11 бет.

[94] Ўша жойда, 11 бет.

[95] Деркач Д.И.Анализ производственно-хозяйственной деятельности предприятий строительных организаций- М.:Финансы и статистика, 1990. 12 бет.

Жуда кўп адабиётларда муаллифлар режали иқтисодиёт талабидан келиб чиқиб барча иқтисодий ишларни режа бажарилишига қаратган ва таҳлил методининг таърифсини ишлаб чиқишда ҳам режа бажарилишини марказий масала даражасига кўтарган.

Бундай олимлардан масалан, И.И.Поклад "Иқтисодий таҳлил методи-корхона хўжалик фаолиятида ёки уларнинг юқори бўғинларида кўрсаткичлар режаси бажарилишини бир бутун ва алоҳида қисмлари бўйича солиштириш, режа бажарилиши кўрсаткичлари даражасига таъсир этувчи омилларни, ички резервлар миқдорини аниқлаш ва таҳлил натижасини умумлаштиришни комплекс, ўзаро боғлиқ равишда ўрганишга айтилади"[96] деб таъриф берадилар.

Ушбу таърифда бир қарашда жуда содда, тушунарли ва таҳлил методининг барча қирраларини қамраб олгандай бўлади. Аммо бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт шароитида бу таъриф ҳам тўғри келмайди. Таъкидлаш лозимки, ҳар қандай фан методининг таърифи давр ёки объектнинг ўзгариши билан ўзгармаслиги керак.

Ҳозирги босқичда режа бажарилиши асосий кўрсаткич сифатида қараш ўз моҳиятини йўқотди. Табийки, режа бажарилишини асос қилиб олган ҳар қандай таъриф ҳам мос равишда ўз моҳиятини йўқотади.

Режали иқтисодиёт шароитда режани асос қилиб олиш мумкинку деган саволнинг туғилиш табиий. Аммо ўша даврда ҳам таҳлил методининг таърифини ишлаб чиқишда ҳар қандай режадан, юқоридан туриб бошқаришдан ҳоли ҳолда ёндошган муаллифлар ҳам талайгина. Жумладан, Н.А.Хан иқтисодий таҳлил методини қўйидагича таърифлайди. "Иқтисодий анализ методи деганда ишлаб чиқарувчи кучлардан ва иқтисодий қонунлардан фойдаланиш йўлларини ўрганиш ёки ўрганишга ёндошишни тушунмоқ керак. Бунга хўжалик резервларини топиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўлларини белгиалаш учун ишлаб чиқарувчи кучлар ва иқтисодий қонунларнининг таркибий қисмларини бўлиб кўриш воситасида эришилади"[97].

Бу таъриф режа бажарилиши, бошқарув ҳаракатларини бажариш каби методларга таяниб аниқ услубий фан сифатида

[96] Поклад И.И. Теоретические основы экономического анализа работы предприятиий- М: Финансы: 1969. 28 бет.

[97] Хан Н.А. Қишлоқ хўжалик корхоналари хўжалик фаолиятининг анализи. -Т: «Ўқитувчи», 1978. 12 бет.

ёритилган. Бу фан методининг таърифсини ишлаб чиқишда иқтисодиётнинг бирламчи эканлигини, унинг турли бўғинлари мавжудлигини инобатга олиш лозим эди. Ушбу таъриф микроиқтисодий таҳлилга нисбатан макро иқтисодий таҳлил методини ифодалаш учун анча яқин. Шунингдек бу таърифда назарий жиҳатдан анча мавҳумликлар мавжуд. Бунда таҳлилга хос хусусият очиб берилмаган. Бу таърифни менежмент, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш каби фанларга ҳам қўллаш мумкин.

Бир гуруҳ олимлар Л.И. Кравченко, П.И.Савчиев, В.И.Самборский таҳлил фани методи таърифини ёзишда унга мустақил фан сифатида ёндошиш ва унинг характерли хусусиятларини шу фан методининг таърифида очиб беришга ҳаракат қиладилар. Лекин таҳлил таърифини назарий жиҳатдан шакллантиришда ҳар хил нуқтаи назардан қарайдилдар. Масалан, В.А.Раевский фаннинг методи "молия хўжалик фаолиятини ўрганишга ёндошиш"[98] деб уқтирса,П.И.Савичев бу фаннинг "методи унинг аниқ вазифаларидан келиб чиқади"[99], деб таъкидлайдилар. В.И. Самборский эса"бошқарув қарорларини иқтисодий асослашини"[100] мақсад қилиб қуйса, Л.И.Кравченко "иш натижасини объектив баҳолаш" [101] нуқтаи назаридан келиб чиқади.

Бу муаллифларнинг таҳлил методи таърифига турлича ёндошганлиги сабабли битта тушунчани ҳар қайси турлича талқин қилади. Жумладан, П.И.Савичев хўжалик фаолияти таҳлили методига қуйидагича таъриф беради: "Корхона иши иқтисодий таҳлили методи, унинг аниқ вазифаларидан келиб чиқадиган ва ҳалқ хўжалигининг алоҳида тармоқлари хусусиятларини ўзида ифодалайдиган материалистик диалектика усулидир"[102].

Ушбу таърифда таҳлилнинг методи унинг вазифаларига бўйсундирилади. Бироқ, ҳар қандай фаннинг методи унинг предметини ўрганишга қаратилиши лозим. Бундан ташқари "ҳалқ хўжа-

---

[98] Раевский В.А. Анализ финансово-хозяйственной деятельности предприятий (объединений) Учебник. Под ред. В.А.Раевского – М.: Финансы и статистика, 1988. 5 бет.

[99] Савичев И.И. Экономический анализ – орудие выявления внутрихозяйственных резервов- М: финансы, 1968, 17 бет.

[100] Каркоз. И.И.Самборский В.И.Теория экономического анализа-Киев: Высшая школа, 1989. 37 бет.

[101] Кравченко Л.И.Анализ хозяйственной деятельности предприятий торговли и общественного питания –М.:Выс.школа, 1989. 15 бет.

[102] Савичев П.И.Экономический анализ – орудие выявления внутрихозяйственных резервов- М: Финансы, 1968. 17 бет.

лигининг алоҳида тармоқлари хусусиятларини ўзида ифодалайдиган материалистик диалектика усулидир" дейилган. Бунда П.И. Савичевнинг хўжалик фаолияти таҳлили фанининг предметидан анча узоқлашганлигини кўрамиз. Бу фан предмети асосан халқ хўжалигининг бошланғич бўғинини (микро иқтисодиёт даражасини) ўрганади. Тармоқ таҳлили иқтисодий таҳлилнинг бир туридир, холос. Бундан ташқари тармоқ таҳлилида ҳам тармоқларнинг алоҳида хусусиятлари ўрганилмайди, балки шу тармоқнинг ички ва ташқи имкониятларидан самарали фойдаланиш йўл-йўриқлари кўриб чиқилади.

Демак, П.И.Савичевнинг тавсия қилган таърифида хўжалик фаолияти таҳлили методининг ўзига хос хусусияти мустақил фан сифатида тўлиқ ва лўнда қилиб ёритилмаган. Бунга яна бир исбот. Материалистик диалектика усулини бевосита таҳлил килиш усули деб қарайди. Бу умумий тушунча, ҳамма фанга тегишли. Аммо бу фан методи таърифсида айнан шу фанга тегишли жиҳатлар ёритилиши лозим эди.

Таҳлил методи шу фан педметини ўрганишга боғланган бўлиши лозим. Бу борада В.А.Раевский анча тўғри ёндошган. "Корхонанинг молия хўжалик фаолиятини ўрганишга ёндошиш усулини таҳлилнинг методи деб тушунилади. Молия хўжалик фаолияти таҳлили методи диалектика назариясига асосланиб корхонаниг фаолиятини миқдор ва сифат ўрганишдир"[103], деб кўрсатади.

Бироқ, ушбу таърифда ҳам хўжалик фаолияти бироз чегараланган. Хусусан, "корхонанинг молия-хўжалик фаолиятини ўрганишга ёндошиш". деб таъкидланади. Корхонанинг хўжалик фаолияти молиявий операциялардан ташқари кенг маънодаги иқтисодий, ижтимоий, техник, технологик, ташкилий каби жараёнларни ҳам ўз ичига олади. Бундан ташқари "диалектика назариясига асосланади" дейилган. Ҳақиқатда таҳлил методи диалектика назариясига асосланади ва корхонанинг фаолиятини ўрганишда кўрсаткичлар тизимидан фойдаланади. Лекин В.А.Раевский фақат "миқдор ва сифат" кўрсаткичлари билан чегараланиб қолади. Хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда булардан ташқари яна ўртача, нисбий, режа, меъёр, каби кўрсаткичлар ҳам қўлланилади.

---

[103] Анализ, финансово-хозяйственной деятельности предприятий и (объединений): Учебник (Под.ред. В.А,Раевский) -М: Финансы и статистика,1988. 5 бет.

Демак, хўжалик фаолияти таҳлили методи таърифини такомиллашишни талаб қилади, чунки амалга ошириладиган ишлар бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт талабларига мос бўлмоғи лозим. Аммо юқорида таъкидланган таърифларда хеч қандай мақсад кўзда тутилмаган. Мақсадсиз ҳаракат ҳалокатга олиб келади.

Бу борада В.И.Самборский тавсия қилган таъриф анча диққатга сазовор. Бу олимнинг таъкидлашича: "Социалистик корхоналар иши иқтисодий таҳлилнинг методи бошқарув қарорларини иқтисодий асослаш мақсадида улар фаолиятини кўрсаткичлар тизими орқали ўрганиш учун қўлланиладиган усул ва услублар мажмуидир"[104].

Ҳақиқатда бу таърифда кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш тавсия қилинади, таҳлилнинг нима мақсадда амалга оширилиши кўзда тутилади. Яна эътиборга молик томони шундаки, хўжалик фаолиятини ўрганишда бир қанча усул ва услублардан фойдаланилади. Айнан ана шу услублар мажмуаси таҳлил методининг таърифсига киритилиши, унинг мазмунини янада тўлароқ ифодалаш имконини беради.

Бироқ, ушбу таърифда фақат социалистик, яъни ижтимоий мулкка асосланган корхоналар фаолияти инобатга олинган ҳамда юқоридан туриб бошқарув усулига мослаштириш кўзда тутилган. Бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт ушбу тушунчаларни инкор қилиб, буларга янгича ёндашишни талаб қилмоқда. Хусусан, эндиликда хўжалик фаолияти таҳлилининг объекти фақат социалистик корхоналар бўлмасдан, балки кўп мулкчиликка асосланган корхоналардир. Бошқарувда эса, юқоридан туриб эмас, бевосита иқтисодий жараён содир бўлаётган объектда, яъни хўжалик юритувчи субъектларда амалга ошириш лозимлиги кўзда тутилмоқда ва шунга амал қилинмоқда.

Аммо социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари шароитида ҳам хўжалик фаолияти таҳлили фанининг методига таъриф беришда қайси тузум ёки қайси мулк шаклидан қатъий назар амал қилиниши мумкинлигини кўзда тутган холда, тўғри ёндошган муаллифлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, Л.И.Кравченко таҳлил фанининг методига қуйидагича таъриф беради: "Хўжалик фаолияти таҳлили методи – иқтисодий жараёнларни тадқиқ

[104]Каркоз.И.И. Самборский В.И. Теория экономического анализа - Киев: Вища школа, 1989.37 бет.

қилишга диалектик ёндошиш, иш натижаларини объектив баҳолаш, хўжалик юритишнинг самарадорлигини ошириш имкониятларини аниқлаш ва сафарбар қилиш, иқтисодиётни оптимал равишда бошқариш қарорларини қабул қилиш учун тегишли маълумотлар етказиб бериш мақсадида корхона, унинг бўлимлари ва бирлашмаларининг ҳамда халқ хўжалигининг бошқа бўлимларининг ижтимоий, иқтисодий ва бошқа фаолиятларини бир-бирига боғлиқ холда тизимли равишда, комплекс ўрганишдир"[105].

Ушбу таърифда корхона ва бирлашмаларнинг мулк шакли, режа бажарилиши, юқоридан назорат қилиниши каби масалалар ифода этилмасдан таҳлил фани методининг мазмуни кенгроқ ёритилган. Бироқ шуни эътироф қилиш керакки, ушбу таърифда таҳлилнинг нима мақсадда амалга оширилиши яхши ёритилишига қарамасдан, унинг кандай усуллар билан ва қачон амалга оширилиши кўрсатилмаган. Фикримизча, таҳлил фани методининг таърифида бу масалалар ўз ифодасини топмоғи лозим.

Бутун умри, илмий фаолияти ва ижодини хўжалик фаолияти таҳлили фанининг шаклланиши ва ривожланишига бағишлаган олимлардан бири С.Б.Баринголь иқтисодий таҳлил фанининг назарий жиҳатдан эришган ютуқларини илмий жиҳатдан таҳлил қилиб, хўжалик фаолияти таҳлили методи тўғрисида қуйидагича хулосага келади: "Таҳлил методи хўжаликда режаларнинг бажарилишига ва уларнинг диномикасига таъсир этувчи алоҳида омлларни режа, ҳисоб, ҳисобот ва бошқа маълумотлар манбаида ифодаланган кўрсаткичларни махсус усуллар, орқали ҳисоблаш йўли билан системали равишда комплекс ўрганиш, аниқлаш ва умумлаштириш усулидир"[106].

Ҳақиқатда, ушбу таърифда таҳлил методининг мазмуни ўз ифодасини топгандай, чунки хўжалик фаолиятининг барча қирралари инобатга олинган, унинг натижалари маълумотлар манбаида ифодаланиши кўзда тутилган ва уларни ўрганиш, аниқлаш ва умумлаштиришда қўлланиладиган усуллар ҳам таъкидланган. Аммо ушбу таърифда барча таҳлилий ишлар қайси мақсад учун амалга

---

[105] Кравченко Л.И. Анализ хозяйственной деятельности предприятий торговли и общественного питания,-Мн: Висш шк.1989. 15 бет.

[106] Баринголь С.Б. Экономической анализ хозяйственной деятельности на современном этапе развития,-М: Финансы и статистика, 1984.с.57.

оширилиши, уларнинг нимага асосланиши, қанақа кўрсаткичларда ифодаланиши кўзда тутилмаган.

Бу камчиликлар А.И.Меркушев ва А.А.Меркушевларнинг китобида келтирилган таърифда анча бартараф қилинган. Бу олимлар фикрича: "Таҳлил методи ўз предметини ҳар томонлама ўрганиш, билиш, умумлаштириш, аниқлаш учун қўлланиладиган усул ва услублар системасидан фойдаланиш, қонунлар, кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқлик ва хўжаликдаги ўзгаришларга таъсир этувчи объектив сабабларни (омилларни) аниқлаш, фойдаланилмай қолган ички имкониятларни (резервларни) очиб бериш ва мавжуд ресурслардан халқ хўжалик режаларини бажариш мақсадида оқилона фойдаланиш, иқтисодий тежамкорликка амал қилиш орқали унинг рентабеллигини ошириш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ўстиришдан иборатдир"[107].

Аммо ушбу таърифда фаннинг предмети ва вазифалари ҳам унинг методи сифатида қаралмоқда. Хусусан, объектив ва субъектив омиллар, таҳлилнинг предметига кирса, уларнинг натижа ўзгаришига таъсирини ҳисоблаш, иқтисодий тежамкорликка амал қилиш, рентабелликни ошириш, ижтимоий ишлаб чиқаришни янада ўстириш кабилар унинг вазифасига киради. Шу туфайли бу борадаги илмий кузатувлар давом этмоқда. Бу айниқса, бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт шароитда жуда муҳимдир.

4.2. Иқтисодий таҳлилнинг методи бўйича XXI асрдаги олимлар фикрлари

XXI-асрга келиб иқтисодий таҳлил фанининг методи бўйича хорижий ва мамлакатимиз олимлари ҳам ўзига хос тарзда ёндошмоқда. Чунки, социалистик тузум барҳам топиб, дунё миқёсида бозор механизмларига асосланган иқтисодиётнинг шаклланиши ушбу масалага ўзига хос тарзда ёндошишни тақозо қилди.

Иқтисодий таҳлилнинг методи бўйича турли олимларнинг қарашлари қуйидаги жадвалда келтирилган (4.1-жадвал).

[107] Меркушев А.И., Меркушев А.А., Анализ хозяйственной деятельности снабженическо сбитовых организаций. М.: Высшая школа, 1987, 12 бет.

4.1-жадвал

Иқтисодий таҳлилнинг методи бўйича хорижий ва мамлакатимиз олимларининг қарашлари

Т/р	Муаллифларнинг исми ва шарифи	Таҳлил методига берилган таърифлар	Манба
1.	А.Ф.Иваненко	Иқтисодий таҳлилнинг методидеганда, хўжалик субъектлари фаолияти жараёнларинимоделлаштириш асосида турли усул ва услублардан фойдаланиб, хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш имкониятларини аниқлаш тушунилади.	Анализ хозяйственной деятельности на железнодорожном транспорте: учебник. М.: Маршрут, 2004. – 8 б.
2.	А.А.Максютов	Иқтисодий таҳлилнинг методи деганда, бизнес-режани бажаришда содир бўладиган ҳодисаларни тадқиқ қилишга комплекс ёндошиш тушунилади.	Экономический анализ: учебное пособие. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005. – 10 б.
3.	Л.С.Васильева, М.В.Петровская	Иқтисодий таҳлилнинг асосий методлари: горизонтал, вертикал, тренд, коэффициентлар таҳлили, қиёсий, омилли таҳлиллардан иборат.	Экономический анализ хозяйственной деятельности: учебное пособие. М.: КНОРУС, 2007. – 27-33 б.
4.	В.Д.Герасимова	Иқтисодий таҳлил методи деганда хўжалик жараёнларида содир бўладиган ҳодисаларни ўзаро боғлиқликда ва ривожла-нишда деб қараб, диалектик материализм методига асосланган бўлиб, мавжуд қарама қаршиликларни енгишга қаратилган анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларини қўллаб ўрганиш тушунилади.	Анализ и диагностика производственной деятельности: учебное пособие. М.: КНОРУС, 2008. – 19 б.
5.	В.Р.Банк, С.В.Банк, А.В.Тараскина	Иқтисодий таҳлил методи – таҳлилий вазифаларни ҳал қил ишга йўналтирилган иқтисодий	Финансовый анализ: учебное пособие. М.:

4.1-жадвалнинг давоми

		ахборотларни қайта ишлашда қўлланиладиган таҳлилий услублар ва миқдорий методлар мажмуидир.	Проспект, 2009. – 25 б.
6.	В.В.Бочаров	Иқтисодий таҳлили методи турли усул ва услублар мажмуидан иборат.	Финансовый анализ: краткий курс. Санкт-Петербург: Питер, 2009. – 17-24 бетлар.
7.	В.Г.Когденко	Бухгалтеррия ҳисоботи иқтисодий таҳлили методи турли усул ва услублар мажмуидан иборат.	Экономический анализ: учебное пособие. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2009. – 25 б.
8.	В.И.Бариленко, В.В.Бердников, Е.И.Бородина	Иқтисодий таҳлил методи миқдорий ва сифатий методларнинг интеграциялашувига асосланади. Иқтисодий таҳлил нинг сифатий методи иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар ўзаро алоқадорлиги натижаси самарадорлигини оширишнинг фойдаланилмаган ва истиқболдаги имкониятларини аниқлашга қаратилгандир.	Экономический анализ: учебное пособие. М.: Эксмо, 2010. – 53 б.
9.	В.В.Бузырев, И.П.Нужина	Корхоналар хўжалик фаолияти иқтисодий таҳлили методи – корхоналар фаолияти ҳақида мавжуд ахборотларни қайта ишлашда қўлланиладиган махсус усуллар, услублар, методлар мажмуи.	Анализ и диагнос тика финансово-хозяйственной деятельности предприятия: учебник. М.: КНОР- УС, 2010. – 16 б.
10.	Н.В.Климова	Иқтисодий таҳлил методи деганда, корхоналар фаолияти натижаларини кўрсаткичлар тизими орқали аниқлаш, ўлчаш ва умумлаштириш йўли билан комплекс ўрганиш тушунилади.	Экономический анализ. – СПб.:Питер, 2010. – 16 б.

4.1-жадвалнинг давоми

11.	Н.В.Войтоловский, А.П.Калинина ва бошқалар	Иқтисодий таҳлил методи деганда, корхоналарнинг ишлаб чтқариш, молиявий ва хўжалик фаолияти самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омилларни тизимли равишда комплекс ўрганиш, ўлчаш ва умумлаштириш ҳамда фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш юзасидан бошқарув қарорларини қабул қилиш тушунилади.	Экономический анализ. – СПб.:Питер, 2010. – 16 б.
12.	В.Г.Артаменко, Н.В.Анисимова	Иқтисодий таҳлил методи – иқтисодий ҳодиса ва хўжалик жараёнларининг шаклланиши ва ривожланиши билиш ва тадқиқ қилиш усули.	Экономический анализ: учебное пособие. М.: КНОРУС, 2011. – 13 б.
13.	М.Ю.Раҳимов	Тушунчага тўлиқ таъриф берилмаган. Молиявий таҳлил методи бир қанча усуллардан ташкил топишини кўрсатган.	Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: «Иқтисодмолия», 2015. – 39-41 б.
14.	О.В.Ефимова, М.В.Мельник, Е.И.Бородина, В.В.Бердников	Иқтисодий таҳлил методи –	Анализ финансовой отчетности: учебное пособие. М.: Омега-Л, 2013. – 58 б.
15.	Г.В.Савицкая	Хўжалик фаолияти таҳлили методи деганда, корхоналар самарадорлигини ошириш мақсадида уларнинг фаолиятини тизимли, комплекс ўрганиш, баҳолаш ва умумлаштириш туушунилади.	Комплексный анализ хозяйственной деятельности предприятия: учебник. М.: ИНФРА-М, 2014. – 26 б.
16.	А.В.Ваҳабов, Ғ.А.Ибрагимов, У.К.Ёқубов	Иқтисодий таҳлил методи – хўжалик ҳаётида жараёнларнинг юзага келиши, ўзгариши ҳамда ривожланишини диалектик ёндашув усулидан фойдаланиб ўрганиш ҳисобланади.	Иқтисодий таҳлил ва аудит: дарслик. – Т.: «Иқтисодмолия», 2015. -

Мазкур жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, иқтисодий таҳлилнинг таърифи бўйича олимларимиз бир хил тўхтамга келинган эмас экан. Уларни бир бирига яқинлиги нуқтаи назаридан уч гуруҳга бўлиш мумкинлиги аён бўлмоқда.

Биринчи гуруҳ олимлар иқтисодий таҳлил методини турли усул ва услублар мажмуидан иборат, деб баҳолайди. Иккинчи гуруҳ олимлар эса, қтисодий таҳлили методиникорхоналар самарадорлигини ошириш мақсадида уларнинг фаолиятини тизимли, комплекс ўрганиш, баҳолаш ва умумлаштириш, деб тушунади. Учинчи гуруҳ олимлар иқтисодий таҳлил методи, корхонкларнинг ишлаб чиқариш, молиявий ва хўжалик фаолияти самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омилларни тизимли равишда комплекс ўрганиш, ўлчаш ва умумлаштириш ҳамда фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш юзасидан бошқарув қарорларини қабул қилиш тушунилади, деб уқтиради. Кўриниб турибдики, битта категориянинг таърифига турли олимлар турлича ёндашган.

Таҳлил методининг шундай таърифсини яратиш лозимки, у объектнинг ёки тузумнинг ўзгариши билан ўзгармайдиган бўлсин, чунки ҳар қандай фан, хусусан, хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш фани ҳам қайси тузумдан қатъи назар ўзининг назарий жиҳатдан асосланган методига эга бўлиши лозим.

Бундан келиб чиқиб, узоқ йиллар ўтказган тадқиқотларимиз натижасида хўжалик фаолияти таҳлили методининг таърифини ишлаб чиқишда унинг бирқанча талабларга жавоб бериши лозим деган хулосага келдик. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) ҳар қандай фан методининг назарий асоси бўлиши керак;

2) унда нимани ўрганиши ва унинг қаерда ифодаланиши кўриниб турмоғи лозим;

3) қаерни, қайси объектни ва қайси даврни ўз ичига олишини ифодалаши даркор;

4) нима мақсадда амалга оширилиши кўриниб туриши керак;

5) шу мақсадни амалга ошириш учун нималар қилишниши алоҳида таъкидланиши лозим.

Ана шу талабга жавоб берадиган таъриф, фикримизга, хўжалик фаолияти таҳлили методининг мазмунини тўлиқ ифода қилади. Бу назарий хулосадан келиб чиқиб, биз иқтисодий таҳлил фанининг методига қуйидагича таъриф берамиз. **“Иқтисодий таҳлилнинг методи диалектик методга асосланган бўлиб,**

унинг предметини макон ва замонда, ахборотлар манбаида ифодаланган кўрсаткичлар тизими асосида ҳар томонлама комплекс ўрганиш, мавжуд ички ва ташқи имкониятларни (резервларни) аниқлаш, объектнинг самарадорлигини ошириш, унинг иқтисодий қудратини юксалтириш, молиявий барқарорликни таъминлаш, бошқаришни такомиллаштириш мақсадида қўлланиладиган усуллар мажмуидан иборатдир". Бизнинг фикримизча, ушбу таъриф иқтисодиётни модернизациялаш, диверсификация қилиш ва инновацияларни жорий қилиш шароитида иқтисодий таҳлилга қуйиладиган барча назарий ва амалий талабларга жавоб беради.

Иқтисодий таҳлил фанининг методини қуйидагича асослаш мумкин. Биринчидан, у диалектик методга асосланганлигидир. Бу бир қанча фалсафий қонунлар ва категорияларни ўз ичига олади. Иккинчидан, унинг предметини макон ва замонда, ахборотлар манбаида ифодаланган кўрсаткичлар тизими асосида ҳар томонлама комплекс ўрганиш кўзда тутилган. Аниқ кўрсаткичла тизими, аниқ ва асосли хулосалар чиқариш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш учун асос бўлади. Учинчидан, хўжалик фаолияти таҳлили натижасида хўжалик юритувчи субъектларда мавжуд ички ва ташқи имкониятларни (резервларни) аниқлаш масаласи ҳам устуворликни ташкил қилади. Тўртинчидан, ўрганилаётган объектнинг самарадорлигини ошириш, унинг иқтисодий қудратини юксалтириш, молиявий барқарорликни таъминлаш масаласига қаратилганлиги ҳам масаланинг муҳим жиҳатини ташкил қилади. Бешинчидан, бошқаришни такомиллаштириш мақсадида битта ёки иккита эмас, балки таҳлил жараёнида қўлланиладиган барча усуллар мажмуидан иборатлиги қайд этилган.

Бизнинг фикримизча, иқтисодиётни модернизациялаш, диверсификация қилиш ва инновацияларни жорий қилиш шароитида иқтисодий таҳлилга қўйилган барча талабларга жавоб беради.

4.3. Иқтисодий таҳлил методологияси ва унинг тавсифи

Иқтисодий таҳлилнинг методи ва методологиясини фарқламоқ лозим. **Метод** деганда асосан шу фаннинг предметини ўрганиш усули тушунилади. **Методология** деганда, содда қилиб айтганда, шу фаннинг предметини ўргатиш усули билан бирга,

унда қўлланиладиган ёндашувлар, барча усуллар мажмуи тушунилади.

Иқтисодий таҳлилнинг методологик асоси, яъни уни ўргатишда қўлланиладиган ёндашувлар турли йўналишда бўлиши табиий. Шу туфайли уларни, энг аввало, тўғри таснифлаш лозим бўлади. Фикримизча, уларни ўрганишда қандай ёндашишига қараб икки гуруҳга бўлинади:

1. Ўрганилаётган объектга диалектика нуқтаи назаридан ёндашиш.

2. Ўрганилаётган объектга тизимли узлуксизликни таъминлаган ҳолда ёндашиш.

Биринчи ёндашиш бўйича таҳлил қилинса барча, иқтисодий жараёнлар бир-бири билан ўзвий боғлиқликда, ҳаракатда ва доим ўзгаришда, деб қараш лозим бўлади. Бундан келиб чиқадиган бўлса шуни таъкидлаш жоизки, иқтисодий жараёнларни ифодалайдиган кўрсаткичлар ҳам бир-бири билан ўзвий боғлиқликда ва ўзгаришда деб қаралади. Бу ёндашув, айниқса, натижавий кўрсаткичларнинг омилли таҳлилда қўланилади. Ушбу ёндашув натижа кўрсаткичига таъсир қилувчи омилларни аниқлашда кенг қўлланилади.

Иккинчи ёндашув бўйича таҳлил қилинганда ўрганилаётган объектни мураккаб иқтисодий жараёнлар мажмуасидан иборат деб баҳолаб, уларнинг барча қисмлари бир-бири билан ўзаро ўзвий боғлиқликдалигидан келиб чиқиб, уларни ўрганишда барча жиҳатларини тартибга солган ҳолда яхлит хулосага келгунча қилинадиган ҳодисаларга узлуксиз равишда системали тарзда ёндашиш лозимлигини тақозо қилади. Бунга ўрганилаётган объектни деталлаштириш, тизимлаштириш (тартиблаштириш) ва умумлаштириш орқали эришиш мумкин.

Ўрганилаётган объектни **деталлаштириш** деганда, мураккаб иқтисодий жараёнларни соддалаштириш ва улардан тўғри ва яхлит хулоса қилиш учун уларни алоҳида бўлакларга бўлиб ўрганиш тушунилади. Алоҳида бўлакларга бўлиш натижасида амалга ошириладиган жараён таҳлилдан иборатдир. Чунки у яхлит предмет ёки жараён (ҳодиса)ларни деталлаштириш орқали амалга оширади.

Тизимлаштириш (тартиблаштириш) деганда, ўрганилаётган объектни ўрганиш учун унга мантиқан кетма-кетликни

таъминлаган ҳолда тартибга солиш тушунилади. Чунки ҳар қандай иқтисодий жараёнлар ўта мураккаб бўлиб, бир-бири билан узвий боғлиқликда ва алоқада содир бўлади. Шу туфайли уларни ҳар томонлама, чуқур ўрганиш учун кетма-кет равишда тартиблаштириб, батафсил таҳлил қилиш лозим бўлади. Масалан, натижа кўрсаткичи ўзгарса жуда кўп омиллар таъсир қилган бўлади. Барча омиллар натижага ижобий ёки салбий таъсир қилиши мумкин. Буларнинг таъсири кетма-кет равишда ҳисоблаб чиқилади ва батафсил таҳлил қилинади. Айнан шу ҳолат иқтисодий-ижтимоий жараёнларни, уларнинг ўзгаришларини таҳлил қилишни тақозо қилади.

Ўрганилаётган объектни таҳлил қилганда умумлаштириш усулидан ҳам фойдаланилади. **Умумлаштириш** деганда, объект ёки жараённинг барча жиҳатларини атрофлича ўрганиб, яхлит хулосага келиш тушунилади. Бу хулосалар ўрганилаётган объектни ривожлантириш учун асос бўлади. Булар эса, таҳлилнинг бошқарув функциясидан келиб чиқади. Бошқарув учун тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқишда таҳлил маълумотларидан фойдаланилади. Яхши кўрсаткичларни қандай сақлаб қолиш йўллари, салбий таъсир қилган омилларни қандай ижобий ҳолатга айлантириш масаласи қараб чиқилади. Шулар орқали ўрганилаётган объект ҳақида тегишли ва асосли хулосага келиб, бошқарув қарорлари қабул қилинади.

Иқтисодий таҳлилнинг методологик асосларининг таснифи қўйидаги чизмада келтирилган (4.1-чизма).



4.1. - чизма. Иқтисодий таҳлил методологияси таснифи

Ушбу чизмада биринчи йўналиш бўйича келтирилган категорияларнинг қисқача мазмуни шундаки, ўрганилаётган барча иқтисодий жараёнлар бир-бири билан узвий боғлиқлигда, ҳаракатда ва ўзгаришда деб қаралади. Булар таркибига индукция ва дедукция, сабаб ва оқибат, шакл ва мазмун, миқдор ва сифат каби билиш назариясида қўлланиладиган категориялар киради.

Бундаги иккинчи йўналиш, бевосита ўрганилаётган объектга узлуксизликни таъминлаган ҳолда тизимли ёндашишдан иборатдир. Ўрганилаётган объктни мураккаб иқтисодий жараёнлар мажмуидан иборат деб баҳолаб, уларнинг барча қисмлари бир-бири билан ўзаро узвий боғлиқликдалигидан келиб чиқиб, уларни ўрганишда барча жиҳатларини тартибга солган ҳолда яхлит хулосага келгунча қилинадиган ҳодисалар иқтисодий таҳлилнинг тизимли ёндашиш методологиясини ташкил қилади. Бу деталлаштириш, тизимлаштириш ва умумлаштиришдан иборат.

Мазкур ёндашувлар таҳлил жараёнида қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: объектни ўрганиш учун ахборотлар тўплаш, ахборотларни турли ёндашувлар бўйича қайта ишлаш, ижобий ва салбий хулосаларга келиш, бошқарув қарорларини қабул қилиш учун тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва буларнинг ижросини таъминлаш бўйича назоратни амалга ошириш. Мазкур ҳолатнинг барча босқичларида ахборотлардан фойдаланилади. Шу туфайли таҳлилнинг тўғри амалга оширилишида ҳаққоний ахборотларнинг аҳамияти катта.

4.4. Иқтисодий таҳлил методологияси тавсифи

Индукция ва дедукция категориялари иқтисодий таҳлилнинг муҳим методологик асослари сифатида намоён бўлади. Ушбу категориялар иқтисодий таҳлилнинг кетма-кетлигини таъминлайди. Масалан, индукция деганда ўрганилаётган объектнинг хусусийликдан умумийликга қараб ўрганилиши тушунилади. Бунга мисол қилиб меҳнат унумдорлиги таҳлилини олиш мумкин. Унга вақт нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак уни бир соатлик меҳнат унумдорлиги, бир кунлик, ўн кунлик, бир ойлик, бир чоралик, ярим йиллик, тўққиз ойлик, бир йиллик меҳнат унумдорлиги даражасигача умумлаштириш мумкин. Ёки айнан ушбу кўрсаткични макон нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак,

олдин бир кишининг меҳнат унумдорлиги, бир бўлинманинг меҳнат унумдорлиги ва бутун меҳнат жамоасининг умумий меҳнат унумдорлиги даражасигача ўрганиш мумкин.

Дедукция методида таҳлил қилинаётган объект умумийликдан хусусийлик сари, яъни умумий кўрсаткичлардан хусусий (кичик) кўрсаткичларга қараб ўрганиш тушунилади. Бу усулга мисол қилиб бирлашмада фойда режасининг бажарилишини олиш мумкин. Ушбу кўрсаткич олдин бутун бирлашма бўйича ўрганилади, сўнгра унинг алоҳида корхоналари (фирмалари) бўйича, уларнинг алоҳида бўлинмалари бўйича кетма-кетликда ўрганилиб, умумий натижага қайси буғин ва бўлинмаларнинг ижобий ёки салбий таъсир қилганлиги тўғрисида хулоса қилинади.

Индукция ва дедукция усулларининг бир-бири ва амалиёт билан боғлиқлигини қуйидаги чизмада ифодалаш мумкин:

Индукция	**Дедукция**
Объектни хусусийликдан умумийлик сари ўрганиш	Объектни умумийликдан хусусийлик сари ўрганиш

Макон ва замон категориялари ҳам иқтисодий таҳлилнинг муҳим методологик асосларидан биридир. Зеро, барча иқтисодий жараёнлар маконда (хўжалик юритувчи субъектда) маълум бир замон доирасида (вақт мобайнида) содир бўлади. Шу туфайли замоннинг ўтиши билан макондаги натижа ўзгаради ва унинг тескариси, яъни маконнинг ўзгариши билан замон ўтгандан кейин натижа бошқача бўлиши мумкин.

Масалан, маконга корхоналарни, иш жойларини, фирма каби хўжалик юритувчи субъектларни мисол келтириш мумкин. Булар таҳлилининг объекти. Замон деганда эса уларнинг маълум бир ҳисобот даври тушунилади. Маконда содир бўлган жараёнлар маълум бир ҳисобот даври (замон) ўтгач жамланади ва умумлаштирилади. Бу ҳам шу ҳисобот даврини таҳлил қилиш учун маълумот манбаи бўлиб ҳисобланади.

Макон ва замон ўртасидаги ҳамда уларнинг амалиёт билан боғлиқлигини қуйидагича ифодалаш мумкин:

МАКОН	**ЗАМОН**
Корхоналар, фирмалар каби хўжалик юритувчи суъбектлар	Ҳисобот даври (ой, чорак, ярим йиллик ва йиллик)

Анализ ва синтез. (Таҳлил ва умулаштириш) категорияси ҳам иқтисодий таҳлилнинг методологик асосларидан бири ҳисобланади. Таҳлил деганда бир бутун яхлит предметни алоҳида бўлакларга бўлиб ўрганиш тушунилади. Умумлаштириш (синтез) эса ўрганилаётган объект тўғрисида яхлит хулосага келиш учун фойдаланилади. Унда объектнинг барча бўлаклари бўйича қилинган хулоса умумлаштирилади.

Ўрганилаётган объект ёки иқтисодий жараён ҳақида яхлит ва аниқ хулосага келиши учун у таҳлил қилинади ва барча хулосалар умумлаштирилади. Таҳлил бор жойда умумлаштириш, умумлаштириш учун эса таҳлил қилиш лозим. Шу туфайли ушбу категориялар бир-бири билан узвий боғлиқликда қаралади.

Аммо шуни эътироф этиш лозимки, таҳлилнинг тури жуда кўп. У табиатда, жамиятда ва инсон тафаккурида содир бўладиган жараёнларни ўрганади. Биз ўрганадиган таҳлил иқтисодий таҳлилнинг фақат микроиқтисод даражасига мансуб холос. Демак, кўриниб турибдики, таҳлил кенг маънода қаралар экан. Лекин бозорли иқтисодиёт шароитида иқтисодий таҳлил, таҳлиллар тизимида муҳим ўрин эгаллайди.

Таҳлил билан умумлаштириш ўртасидаги боғлиқликнинг иқтисодий таҳлилга тегишли қисмини қуйидагича ифода этиш мумкин:

Таҳлил (анализ)	Умумлаштириш (синтез)
Ҳисобот йилининг натижаси хусусийлик сари: чораклари, ойлари бўйича ўрганилади.	Ҳисобот йилининг умумий натижаси бўйича ўрганилади.
Корхона фаолияти ва унинг алоҳида бўлинмалари, бўлимларнинг ҳам қисмлари бўйича ўрганилади.	Корхонанинг умумий натижаси бўйича ўрганилади

Сабаб ва оқибат категорияси ҳам бевосита иқтисодий таҳлилнинг методологик асоси сифатида намоён бўлади. Иқтисодий таҳлилда натижа ва омиллар тушунчаси мавжуд. Иқтисодий фаолият натижасини ифода этган бирорта кўрсаткич натижа кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. Буни фалсафий жиҳатдан қарайдиган бўлсак оқибатдир. Аммо шу оқибат ўз-ўзидан содир бўлмайди. Унинг замирида бирқанча сабаблар бор. Бу сабабларни иқтисодий таҳлилда омиллар деб қаралади. Масалан, ишлаб

чиқарилган маҳсулот ҳажми (оқибат) бирқанча омилларга, яъни ходимлар сони, уларнинг малакаси, меҳнат унумдорлиги, қўлланилаётган техналогик жараёни, хом ашёнинг ўз вақтида сифатли таъминоти каби омлларга (сабабларга) боғлиқ.

Иқтисодий таҳлилда натижа ўзгаришига омиллар таъсири аниқ маълумотлар асосида аниқланади. Демак, сабабнинг оқибатга таъсири ўрганилади. Булар ўртасидаги боғлиқликни қуйидагича ифодалаш мумкин:

САБАБ	**ОҚИБАТ**
ОМИЛЛАР	**НАТИЖА**
Ходимлар сони, меҳнат унумдорлиги, асосий воситалар ва улар самарадорлиги ва ҳ.к.	Маҳсулот ҳажми

Сабаб оқибатга олиб келганидек, омиллар таъсири ҳам бирор натижага олиб келади. Ижобий сабаб яхши оқибат, ижобий омил юқори натижага олиб келганидек, салбий сабаб ёмон оқибатга, омилларнинг салбий таъсири натижанинг пасайишига олиб келади.

Шакл ва мазмун категорияси ҳам бевосита иқтисодиётга, хусусан, иқтисодий таҳлилга алоқадор. Шаклнинг ўзгариши мазмун ўзгаришига, мазмуннинг ўзгариши шакл ўзгаришига олиб келади. Иқтисодиётда ушбу боғлиқлик жуда ёрқин намоён бўлади. Масалан, аёллар сумкасининг шакли чиройлик ва чидамлик бўлиши учун, унга қимматбаҳо материаллар, турли безаклар ишлатилади. Натижада унинг мазмуни чидамлилиги, нархининг нисбатан қиматлилиги билан ўзгаради. Ёки оддий материал ўрнига сифатли материал ишлатиб унинг мазмунини бойитиш керак бўлса албатта шакли ҳам ўзгаради.

Шу жиҳатдан иқтисодий таҳлилда шакл ва мазмун бир-бири билан узвий диалектик алоқада бўлганлиги билан ҳам методологик асос сифатида қўлланилади. Масалан, бирор бирлашма таркибида корхоналар сони унинг шаклини ташкил қилса, уларнинг нима билан шуғулланиши, қандай технология ишлатилиши, қанақа кадрлар билан таъминланганлиги каби жиҳатлар унинг мазмунини ташкил қилади. Булар ўртасидаги боғлиқликни қуйидагича ифодалаш мумкин:

Шакл	Мазмун
Маҳсулот тури	Унинг сифати, таркиби ва х.к.

Миқдор ва сифат категорияси ҳам иқтисодий таҳлилда айниқса иқтисодий жараёнлар натижасини кўрсаткичларда ифодалашда кенг қўлланилади. Кўрсаткичлар мазмуни бўйича миқдор ва сифат кўрсаткичларига бўлинади. Масалан, корхонада банд бўлган ходимлар сони миқдор кўрсаткичи бўлса, уларнинг меҳнат унумдорлиги сифат кўрсаткичидир. Корхонанинг фойдаси муҳим натижавий кўрсаткич. Аммо у иқтисодий мазмуни жиҳатидан миқдор кўрсаткичи бўлса, рентабеллик даражаси унинг сифат кўрсаткичидир. Яна бошқа бир мисол. Жамоа хўжалигининг бир йилда етиштирган пахтаси 50,0 минг тоннани ташкил қилди. Бу миқдор кўрсаткич. Унинг 60 фоизи биринчи нав, 20 фоизи иккинчи, 15 фоизи учинчи ва 5 фоизи тўртинчи навга қабул қилинди. Булар пахтанинг сифат кўрсаткичлари. Ёки яна шу пахтадан соф толанинг чиқиш миқдори 35 фоизни ташкил қилади. Бу ҳам унинг сифат кўрсаткичларига мисол бўлади.

Улар ўртасидаги боғлиқлик қуйидагича ифодаланиши мумкин:

Миқдор	Сифат
Фойда	Рентабеллик
Пахта ҳажми	Толанинг чиқиш даражаси

Ушбу бобда иқтисодий таҳлилнинг айрим методологик асосларига тўхталдик. Фалсафий категориялар ҳаёт иникоси. Иқтисодий жараёнлар эса ижтимоий ҳаётнинг бир бўлагидир. Шу туфайли иқтисодий жараёнларни ўрганишга бағишланган иқтисодий таҳлил шу фалсафий категорияларга асосланади.

Ўзини-ўзи назорат қилиш ва такрорлаш учун саволлар

1. Иқтисодий таҳлилнинг методологик асосларини тадқиқ қилиш нима учун керак?
2. Иқтисодий таҳлил методининг мазмуни бўйича қанақа қарашлар мавжуд?
3. Иқтисодий таҳлил методининг таърифи.

4. Иқтисодий таҳлилнинг методи бўйича XXI асрдаги олимлар фикрлари.
5. Иқтисодий таҳлил методологияси ва уларнинг таъснифи.
6. Иқтисодий таҳлил методологияси тавсифи.
7. Индукция ва дедукция.
8. Анализ ва синтез.
9. Макон ва замон.
10. Сабаб ва оқибат.
11. Миқдор ва сифат.
12. Шакл ва мазмун.

5-боб. ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН КЎРСАТКИЧЛАР, УЛАРНИ ТАСНИФЛАШ, ТАВСИФЛАШ ВА АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ

5.1. Иқтисодий кўрсаткичлар ва уларнинг таҳлилда қўлланилиши

Тўғри ёки нотўғри қарор қабул қилиш фақат одамнинг ақлсизлиги ёки малакасигагина боғлиқ бўлмасдан, энг аввало, кўрсаткичларга ва уларда ифода этиладиган рақамларнинг ҳаққонийлигига боғлик. Кўрсаткичлардаги нореал рақамлар нотўғри хулоса чиқаришга ва мос равишда, нотўғри бошқарув қарорларини қабул қилишга, мос равишда тараққиётнинг ривожланишида жуда кўп чалкашликларга олиб келади. Шу туфайли муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Энг муҳими, мамлакатимиз иқтисодий сиёсатида **нореал рақамлар ортидан қувиш, амалга ошмайдиган хомхаёлларни ҳақиқат сифатида тақдим этишдек номаъқул иш услуби** танқидий қайта кўриб чиқилди. **Амалий натижадорлик, инсон манфаати ва яна бир бор инсон манфаати ислоҳотларнинг бош мақсади этиб белгиланди**” [108] . Кўриниб турибдики, кўрсаткичлар ва ундаги ифода этиладиган рақамлар жамият ҳаётида муҳим аҳамиятга эга экан. Бу бевосита ислоҳотларнинг бош мақсади бўлган инсон манфаати ва яна бир бор инсон манфаатини ифода этадиган амалий натижадорликда ўз ифодасини топади. Мамлакатимиз ва унинг ҳар бўғинида содир бўлаётган иқтисодий-ижтимоий жараёнлар ҳақида тўғри хулоса чиқариш ва тўғри қарорлар қабул қилиш учун кўрсаткичлар муҳим аҳамияти беқиёс. Ушбу объектив заруриятдан келиб чиқиб, иқтисодий таҳлил фанида махсус боб айнан иқтисодий кўрсаткичларга бағишланганлиги ҳам ушбу зарурият ҳосиласидир.

Кундалик ҳаётимизда узлуксиз содир бўлаётган иқтисодий-ижтимоий жараёнлар тўғрисида маълум тушунчага эга бўлиш учун уларни кўрсаткичлар тизимидан фойдаланган ҳолда унинг

[108] Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018.- 4 б.

ўтмишига, бугунги ҳолатига, келажагига баҳо бериш лозим бўлади. Жамият миқёсида ва унинг ҳар бир бўғинида содир бўлаётган иқтисодий жараёнларни бошқариш ҳам, юқороида таъкидланганидек, иқтисодий кўрсаткичлар орқали амалга оширилади.

Иқтисодий кўрсаткичлар, ўз навбатида, иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган асосий дастак ҳисобланади. Иқтисодий таҳлил кўрсаткичларсиз, кўрсаткичлар эса иқтисодий таҳлилсиз амалга ошмайди. Улар бир-бири билан диалектик алоқада бўлган иқтисодий дастаклардир.

Аммо иқтисодий кўрсаткичлар тушунчаси иқтисодий адабиётларда етарли даражада ёритилмаган. Шу билан бирга уларнинг вазифалари ва функциялари ҳам назарий жиҳатдан ўрганилмаган. Бу эса иқтисодий адабиётларда, хусусан, иқтисодий таҳлил фанида ҳам кўрсаткичлардан кўр-кўрона фойдаланишга, уларни илмий жиҳатдан асосланмаган ҳолда қўллашга олиб келади.

Шу туфайли иқтисодий кўрсаткичлар тўғрисидаги тадқиқотни кўрсаткичнинг тушунчасини аниқлашдан бошлашни лозим, деб топдик. Бу борада олимлар ўртасидаги мунозараларга тўхталиб ўтирмасдан, узоқ йиллар давомида қилинган кузатувлар ва тажрибамизга таянган ҳолда ўз фикримизни айтиш билан чекланмоқдамиз.

Иқтисодий кўрсаткич деб, жамиятда ва унинг ҳар бир бўғинида (хўжалик юритувчи субъектида) содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган ижтимоий-иқтисодий жараёнларни рақамларда ифода этувчи маълум категориянинг номи билан аталувчи тушунчага айтилади.

Иқтисодий таҳлилнинг таркиби уч қисмдан иборат эканлиги (иқтисодий таҳлил назарияси, бошқарув таҳлили, молиявий таҳлил) бача адабиёларда қайд этилган. Бироқ, таҳлилнинг ҳар бир қисмида қандай кўрсаткичлар ўрганилиши иқтисодий адабиётларда етарли даражада илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ қилинмаган. Иқтисодий таҳлилнинг таркибий тузилиши ва унда қўлланиладиган кўрсаткичлар бир-бири билан узвий боғлиқлигини инобатга олиб, таъкидлаймизки, иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган ҳар бир кўрсаткич мазкур корхонада (таҳлил қилинаётган объектда) содир бўлган, бўлаётган ёки бўладиган иқтисодий жараёнларнинг у ёки бу жиҳатини ўзида акс эттиради. Шу жиҳатдан унинг уч қисмга

бўлиниши ва унда қўлланиладиган кўрсаткичлар ҳам маълум даражада иқтисодий мазмуни бўйича шартли равишда шу бўлимларга мос тарзда қаралган. Келгусида бошқарувнинг такомиллашуви, ундаги қўлланиладиган дастакларнинг ривожланиши иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган кўрсаткичлар тизимига маълум даражада ўзгартиришлар киритиб, муттасил такомиллаштиришни тақозо қилиши мумкин.

Лекин бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт шароитида иқтисодий таҳлилнинг молиявий таҳлил қисмидаги қўлланиладиган кўрсаткичлари «очиқ» бўлиб ҳамманинг танишиши учун қўлланиладиган кўрсаткичдир. Бироқ, бошқарув таҳлилида қўлланиладиган кўрсаткичлар асосан «ёпиқ» бўлиб, шу корхона эгаси, маъмурияти ва унга дахлдор бўлган шахсларгагина мўлжалланган. Унда корхонанинг ташкилий, технологик, тижорат каби сирлари ўз ифодасини топган. Бу сирларни ошкора қилмаслик, эркин рақобат шароитида, корхонанинг муҳим тадбирларидан биридир.

Бироқ шуни ҳам таъкидлаш жоизки, иқтисодий таҳлилнинг таркибий қисми бўлган бошқарув таҳлилида қўлланиладиган барча кўрсаткичлар «ёпиқ» кўрсаткичлар эмас. Уларнинг айримларини «очиқ» кўрсаткич сифатида қараш ҳам мумкин. Масалан, корхонанинг ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) ва сотиш ҳажмини ифодаловчи кўрсаткичларни олайлик. Улар молиявий таҳлилда қўлланиладиган кўрсаткичлар таҳлилида асосан омил сифатида иштирок этади. Молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимида эса сотилган маҳсулот ҳажми иш натижаси сифатида намоён бўлади. Аммо, ушбу кўрсаткичларнинг мазмуни ва аҳамияти эркин иқтисодиёт шароитида тубдан ўзгарди. Чунки ушбу кўрсаткичлар режали иқтисодиёт шароитида асосий директив кўрсаткичлар бўлиб, барча эътибор у бўйича белгиланган режани бажаришга қаратилган эди. Энди эса, ушбу кўрсаткичлар ҳажми корхона иқтисодиёти учун бу даражадаги катта аҳамиятини йўқотди. Эндиги иқтисодиёт шароитида корхонанинг қанча маҳсулот ишлаб чиқариши эмас, балки қанча фойда олиб ишлаши муҳим бўлиб қолмоқда. Шу туфайли, режали иқтисодиёт шароитида асосий бўлган ҳажм кўрсаткичлари эндиликда иқтисодиётнинг асосий негизи эмас, балки омили даражасига тушуб қолди.

Режали иқтисодиёт шароитида ишлаб чиқарлиган маҳсулот режа асосида давлат томонидан белгиланар эди. Энди ушбу маҳсулот корхонанинг ўз ходимлари томонидан режалаштириладиган бўлди. Агар ишлаб чиқарилган маҳсулот ўз харидорини топмаса корхона учун фойда эмас, балки, ишлаб чиқарган ҳажми даражасида зарур бўлиши мумкин.

Шу туфайли, иқтисодиётда янги тизимнинг вужудга келиши уни бошқариш дастакларини ҳам янгилашни, хусусан, иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган кўрсаткичларни ҳам замонавийлаштиришни, яъни эркин иқтисодиётга мослаштиришни тақозо қилмоқда. Бу эса иқтисодий таҳлилнинг назарий ва методологик муаммоларини ҳамда уларда қўлланиладиган кўрсаткичларни янгидан қараб чиқишни, уларни бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда тадқиқ қилишни талаб қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, молиявий таҳлилда қўлланиладиган кўрсаткичлар ва уларни таҳлил қилиш усуллари иқтисодиётнинг барча соҳалари учун умумий методологик асос бўлиб хизмат қилади. Бунда иқтисодиётнинг алоҳида соҳалари, яни тармоқлар хусусиятлари деярли инобатга олинмайди, чунки мамлакатимизда жорий қилинаётган бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари иқтисодиётнинг барча соҳалари учун ягона счетлар режасини, ҳисоб-китоб тартибини ва бир хил молиявий ҳисобот шаклларининг амал қилишни тақозо қилмоқда.

Бошқарув таҳлилида эса иқтисодиётнинг алоҳида соҳалари, ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинади. Унда таҳлилнинг умумий методологик йўналиши билан биргаликда, алоҳида шу маъмурият ишлаб чиққан таҳлил усулларидан ҳам фойдаланишлари мумкин.

Иқтисодий таҳлилни қандай кетма-кетликда, яъни босқичда амалга ошириш, бунда қанлай кўрсаткичлардан фойдаланиш ҳам унинг самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Шу туфайли иқтисодий таҳлилни амалга ошириш босқичлари ҳам Ўзбекистонда шаклланаётган янги иқтисодиётга мос ҳолда кўрсатиб берилишини тақозо қилади.

Корхонанинг фаолиятини ифодаловчи иқтисодий кўрсаткичларни таҳлил қилиш бу иқтисодий ишларнинг таркибий қисми сифатида ўзининг бошланиши ва адоғига эга. Бу жараён

иқтисодий таҳлилнинг босқичларида ўз аксини топади. У қуйидагилардан иборат:

1. Таҳлилни ўтказишнинг мақсадини аниқлаш ва дастурини тузиш.

2. Ижтимоий-иқтисодий ахборотларни тўплаш.

3. Ахборотларни таҳлилнинг мақсади ва вазифасидан келиб чиққан ҳолда қайта ишлаш, тегишли ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва жадваллар тузиш.

4. Жадвал маълумотлари асосида дастлабки хулосалар чиқариш.

5. Хулосани чуқурлаштириш мақсадида лозим бўлган ҳолатларни батафсил ўрганиш учун уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва таъсирини ҳисоблаш.

6. Хўжалик фаолияти ёки ўрганилаётган кўрсаткичлар ҳақида муфассал хулосага келиш.

7. Корхона хўжалик фаолиятини ёки ўрганилаётган кўрсаткични яхшилаш йўлларини ишлаб чиқариш ва шу тадбирларни амалиётга тадбиқ этиш.

Мазкур босқичларда таҳлилнинг бошланиши ва адоғигача бўлган жараён кўрсатилди. Амалда доим фаолият кўрсатувчи корхона бўлса таҳлил ҳам ҳар бир ҳисобот тузилгандан кейин ва янги даврни бошлашдан олдин узлуксиз мунтазам равишда ўтказилиб турилади. Унда барча босқичлар айнан шу ҳолатда такрорланиши мумкин. Фақат кўрсаткичларнинг рақамлари ўзгаради. Шу туфайли иқтисодий таҳлилнинг мантиқий кетма-кетлигини таъминлаган ҳолда уни компьютерга киритиш ва таҳлил усулини дастурлаш ҳам мумкин.

Барча ишларда қандай кўрсаткичлардан фойдаланиш масаласи муҳим ҳисобланади. Кўрсаткичларда келтирилган рақамларнинг ҳаққонийлиги таҳлил натижасининг асосини ташкил қилади. Аниқ ва тўғри рақамлар тўғри хулоса чиқариш ва таъсирчан бошқарув қарорларини қабул қилиш учун муҳимдир. Нотўғри маълумотлар нотўғри хулоса чиқаришга ва бошқарув қарорларини қабул қилишда чалкишликларга олиб келади. Шу туфайли кўрсаткичлар масаласи таҳлилнинг муҳим дастакларидан бири ҳисобланади.

Одатда таҳлилни шунчаки таҳлил қилиш учун эмас, балки корхона хўжалик фаолияти тўғрисида батафсил хулосага келиб ва

унинг фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш учун қилинади. Чунки таҳлил жараёнида ўрганилган кўрсаткичлар, қилинган ҳисоб-китоблар корхона хўжалик фаолиятининг у ёки бу жиҳатинигина ифодалайди. Хўжалик фаолияти тўғрисида тўлиқ тушунчага эга бўлиш учун барча кўрсаткичлар таҳлилини жамлаб уларни умумлаштириш лозим. Улар умумлашгач корхона хўжалик фаолиятининг қайси қисмида яхши натижаларга эришилган, қайси қисмида камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқ бўлади.

Камчиликка йўл қўйилган қисмларга асосий эътиборни қаратиб шу камчиликларни келгусида бартараф қилиш йўлларини ишлаб чиқиш лозим бўлади. Бу жараён иқтисодий таҳлилнинг пировард натижаси ва асосий мақсадидир.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодий таҳлилнинг эркин иқтисодиёт шароитида ҳал қилиниши лозим бўлган назарий ва методологик муаммолари талайгина. Уларни ҳал қилиш бугунги куннинг энг муҳим ва долзарб масалаларидан биридир.

5.2. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган кўрсаткичларнинг функциялари

Иқтисодий кўрсаткичлар, ҳозирги иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида, қуйидаги функцияларни бажаради: билдириш, бошқариш, назорат қилиш, рағбатлантириш, тарбиялаш (2.1-чизма).



5.1-чизма. Иқтисодий кўрсаткичларнинг функциялари.

Иқтисодий кўрсаткичларнинг ҳар бир функциясига қисқача тўхталишни мақсадга мувофиқдир. Иқтисодий кўрсаткичларнинг **билдириш функцияси** шундан иборатки, уларнинг миқдори бирорта иқтисодий ҳодиса ёки жараёнларнинг у ёки бу жиҳатини ўзида акс эттиради. Масалан, ЯИМ ҳажмининг ўсиш ёки пасайиш суръати, меҳнат унумдорлигининг ошиши ёки камайиши, аҳоли сонининг ўсиши ёки камайиши каби кўрсаткичлар. Бирор категорияни ифодаловчи кўрсаткичлар миқдорига қараб ушбу

категория тўғрисида ижобий ёки салбий хулоса қилиш мумкин. Бу ерда кўрсаткичнинг миқдори ўзи ифода этаётган категориянинг ҳолати тўғрисида маълумот бериб ўзининг билдириш функциясини бажаради.

Иқтисодий кўрсаткичларнинг **бошқариш функцияси** ҳам иқтисодиётни яхшилаш, унинг самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Чунки, кўрсаткичлар ўрганилаётган объектда кеча аҳвол қандай бўлган, бугун қандай ҳолатда ва эртага қандай бўлишини белгилаш учун фойдаланилади. Бунинг учун объект бошқарилиши керак, яъни кўрсаткичларни келгусида яхшилаш учун нималарга аҳамият бериш кераклиги тўғрисида тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилади. Уни қандай амалга ошириш борасида бошқарув қарорлари қабул қилинади. Шу тариқа кўрсаткичлар бошқарув функциясини ҳам бажаради.

Кўрсаткичнинг бошқариш функциясини бажариш жараёнида, унинг миқдорига қараб содир бўлаётган иқтисодий жараёнлар натижасининг яхши ёки ёмонлиги тўғрисида хулосага келинади. Агар иш натижаси ёмон бўлса уни яхшилаш учун иқтисодий жараённи жадаллаштириш, унинг самарадорлигини оширишга ҳаракат қилинади. Бу учун тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилади. Агар иш натижаси яхши бўлса ушбу ҳолатни сақлаб қолиш билан бирга уни бошқа корхоналарга ҳам тадбиқ қилинади.

Иқтисодий кўрсаткичларнинг **назорат функцияси** эркин иқтисодиёт шароитида мазмунан янгиланди. Режали иқтисодиёт шароитида назоратни фақат давлат томонидан олиб борилган бўлса, эндиликда эса биринчи назоратни мулкдор амалга оширади. Хуллас, корхона фаолиятининг яхшиланишидан ким манфаатдор бўлса, у қонун билан белигилаб қўйилган бўлса, ўша киши назорат қилади. Масалан, товар заҳираси меъёр бўйича 100,0 минг сўм. Ҳақиқатда қанча бўлганлиги ҳисоботда кўрсатилади. Улар бир-бири билан солиштирилиб тегишли хулоса чиқариш учун сабаб бўлиши мумкин. Корхона ғазнасида 100,0 минг сўм борлиги тўғрисида пул заҳирасини ифода этувчи кўрсаткич. Ҳақиқатда унинг мавжудлиги учун у назоратчи томонидан санаб чиқилади. Агар кам бўлса унинг сақланишига масъул киши жавоб беради ва ҳ.к.

Иқтисодий кўрсаткичнинг **рағбатлантирувчи функцияси** кенг қўлланилади. Масалан, ҳар бир яратилган маҳсулот (бажарилган иш, кўрсатилган хизмат) учун рағбатлантириш кўзда

тутилса иш бажарувчи имкон қадар ошириб бажаришга ҳаракат қилади. Иқтисодий кўрсаткичлар орқали рағбатлантириш билан бирга жазолаши ҳам мумкин. Масалан, 100 та иш бажарса 1000 сўм қилиб белгилаб ҳар бир ошириб бажарган иши учун 20 сўм қўшимча тўлашса ҳар бир бажармаган иши учун 25 сўм кам тўлаш белгиланса, демак, келишилган ишни кам қилганлиги туфайли у жазоланади. Бундан кўриниб турибдики, иқтисодий кўрсаткичлар **тарбияловчи функцияни** ҳам бажарар экан.

Кўрсаткичларнинг тарбияловчи функцияси унинг барча функциялари билан бирга намоёна бўлади. Масалан, кўрсаткичларнинг билдириш функциясида ижобий натижага эришилган бўлса у моддий ва маънавий рағбатлантирилади, агар салбий натижа билан якунланса, албатта, жазолаш учун асос бўлади. Инсон, табиатдан, жазоланишни хуш кўрмайдиган мавжудод. Шу туфайли бу жараёнда у ўзи сезмаган ҳолда ўзини тарбиялаб боради.

Иқтисодий кўрсаткичнинг назорат функциясини олайлик. Бунда ҳам натижа салбий бўлса унга масъул киши жазоланиши мумкин. Бу ҳолатдан қочиш ходимни натижанинг ижобий бўлиши учун ҳаракат қилишига даъват этади. Демак, бу ерда ҳам кўрсаткичнинг тарбияловчи функцияси намоёна бўлмоқда. Худди шундай боғлиқликни кўрсаткичларнинг бошқа функцияларида ҳам кўриш мумкин. Демак, бундан кўриниб турибдики, ҳар бир иқтисодий кўрсаткич, шунчаки оддий рақам эмас, балки унинг замирида жуда катта иқтисодий мазмун, моҳият ва масъулият мавжуд экан.

Булардан келиб чиқиб шуни таъкидлаш жоизки, ҳар бир кўрсаткични янгидан ишлаб чиқиб тавсия қилганда уларга оддий рақам сифатида қарамасдан, қандайдир иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар инъикоси сифатида қараш лозим. Бу таҳлилчидан билим ва катта масъулиятни талаб қилади.

Шундай назарий қарашлардан келиб чиқиб, бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт шароитида, ҳар бир корхонанинг фаолиятини баҳолаш ва таҳлил қилиш учун илмий жиҳатдан асосланган, амалий жиҳатдан исботланган кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишни мазкур ишнинг асосий мақсадларидан бири сифатида қарамоқдамиз. Чунки иқтисодий таҳлилда кўрсаткичлар тизимини тўғри аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

5.3. Кўрсаткичларнинг таснифлаш белгилари

Иқтисодиётнинг кўзгуси – уни ифодаловчи кўрсаткичлардир. Бу кўрсаткичлар орқали иқтисодиётда эришилган ютуқлар, камчиликлар, унинг яхшиланаётгани ёки ёмонлашаётгани ҳақида тўлиқ маълумотларга эга бўлинади. Ушбу маълумотларни маълум тизимга солиш асосида иқтисодиёт бошқарилади. Уни яхшилаш йўллари ишлаб чиқилади. Кўриниб турибдики, кўрсаткичлар иқтисодий жараёнларни баҳолашда, уни ўрганишда, айниқса, таҳлил қилишда муҳим аҳамиятга эга экан. Ушбу кўрсаткичларни ўрганиш, улардан иқтисодиётни баҳолашда тўғри фойдаланиш учун уларни тизимлаштириш лозим бўлади. Бу эса ўз навбатида кўрсаткичларни тасниқлашни тақозо қилади. Кўрсаткичлар бир қанча белгилари бўйича таснифланади (5.2-чизма).



5.2 - чизма. Кўрсаткичларни таснифлаш белгилари

Кўриниб турибдики, иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган кўрсаткичлар турли белгилар билан таснифланиши мумкин. Бу борада турли қарашлар мавжуд. Айрим муаллифлар иккита, айримлари учта, тўртта ва бешта белгиси бўйича таснифлашни тавсия қиладилар. Ушбу ишда таҳлил учун муҳим бўлган белгиларни келтирилиб, уларнинг тавсифи берилди. Шу билан бирга ҳар бир гуруҳга кирувчи кўрсаткичлар хусусида ҳам тухталишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Кўрсаткичларни таснифлашдаги муҳим масалалардан бири, уларнинг моҳиятини қандай англашдан иборат. Бир кўрсаткич бирор объектнинг иқтисодий жиҳатини ифода этса, иккинчиси унинг айрим қисминигина ўзида мужассам этади. Масалан, меҳнат унумдорлиги корхонанинг меҳнат самарадорлигини ифодалайди, айланма маблағларнинг айланувчанлик коэффициенти, фақат шу айланма маблағларнинг самарадорлигини ифода этади. Шу туфайли кўрсаткичларни турли белгилари бўйича таснифлаш муҳим аҳамиятга эга.

Кўрсаткичларнинг таснифий белгилари таркибида уларни мазмуни бўйича таснифлаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки мазмун ҳамиша моҳиятини англашга хизмат қилади. Моҳиятни англамасдан бирор нарсага тушунишнинг ўзи мушкул.

5.4. Кўрсаткичларни мазмуни бўйича таснифлаш

Кохоналар хўжалик фаолиятида содир бўлаётган иқтисодий жараёнларни ифодаловчи кўрсаткичларни мазмуни бўйича таснифлаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, ҳар бир нарсани тўғри англаш учун уларнинг мазмунини тўлиқ тушуниб олишни тақозо қилади. Кўрсаткичлар тизими ушбу белгиси бўйича икки гуруҳга: миқдор ва сифат кўрсаткичларига бўлинади.

Миқдор кўрсаткичларига бевосита амалиётда яхлит ҳолда мавжуд бўлган умумий кўрсаткичлар (сотилган маҳсулот, чорванинг умимий сони, аҳоли сони, ходимлар сони кабилар) кирса, сифат кўрсаткичларига, аксарият ҳолда, ишнинг самарадорлигини характерловчи нисбий ўлчовлар (меҳнат унумдорлиги, рентабеллик, навлилик даражаси, маҳсулдорлик, ҳосилдорлик кабилар) орқали ифодаланадиган кўрсаткичлар киради. Ушбу кўрсаткичларга киритиладиган рақамларнинг реаллиги нафақат ушбу жараёнлар бўйича ҳолатни, балки уларнинг истиқболни белгилаш учун ҳам катта имконият яратиб беради. Буларнинг тизими ушбу қуйидаги чизмада келтирилган (5.3.-чизма).

Ушбу кўрсаткичлар тизимини таҳлилнинг қайси соҳада амалга оширилаётганлигига,мақсади ва мазмунига қараб турли йщналишга ўзгартирилиши, яъни уларнинг сонини кўпайтириш ёки камайтириш, номини эса иқтисодий вазиятга ва баҳоланаётган жараёнга қараб ўзгартириши мумкин. Масалан, навлилик

даражасини оладиган бўлсак, барча пахта хом ашёсида олий навнинг улуши пахтанинг навлилик даражасини белгилайди, худди шундай кўрсаткични ипак бўйича ҳам, ғалла бўйича ҳам аниқлаш мумкин. Агар миқдорий кўрсаткичга келадиган бўлсак, қувурнинг узунлиги, ғалланинг вазни, экин майдонининг қанча тектар эканлиги кабиларни келтириш мумкин. Ҳар бир кўрсаткични аниқлаш йўллари иқтисодий таҳлилнинг бошқа бўлимларида (бошқарув таҳлили, молиявий таҳлил, лойиҳа таҳлили каби)атрофлича қараб чиқилади.



5.3.-чизма. Кўрсаткичларнинг мазмуни бўйича таснифи.

5.5. Кўрсаткичларни фойдаланиш доираси бўйича таснифлаш

Иқтисодий жараёнларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими фойдаланиш доираси бўйича икки гуруҳга: умумий ва махсус кўрсаткичларга бўлинади.

Умумий кўрсаткичлар иқтисодиётнинг барча соҳа ва бўғинларида фойдаланилади. Масалан, меҳнат унумдорлиги ёки рентабеллик кўрсаткичлари саноатда ҳам, қишлоқ хўжалигида, қурилишда, туризм соҳаси кабиларда ҳам фойдаланиши мумкин. Аммо махсус кўрсаткичлар иқтисодиётнинг фақат битта ёки иккита соҳасига тегишли бўлиши мумкин. Масалан, савдонинг

муомала харажатлари фақат савдога тегишли, уни чорвачиликда ёки қурилишда қўллаб бўлмайди, ёки чорва молларининг маҳсулдорлиги кўрсаткичини саноатда қўллаб бўлмайди. Туристлар сонининг қанчалиги саноат корхоналари ёки қурилиш ташкилотлари учун унчалик аҳамиятли эмас.

Шу туфайли ушбу кўрсаткичлар махсус кўрсаткичлар тизимига киради. Одатда кўрсаткичларни соҳага хос тарзда тўғри қўллаш хўжаликни бошқаришда унга одилона ёндашиш имконини беради. Шу туфайли ҳар бир таҳлил билан шуғулланувчи масъул ходим кўрсаткичлар ва уларнинг таснифи ҳақида тўғри ва аниқ маълумотга эга бўлиши лозим.

Кўрсаткичларнинг ушбу белгиси бўйича тизими қуйидаги чизмада келтирилган (5.4.-чизма).



5.4.-чизма. Кўрсаткичларнинг фойдаланиш доираси бўйича таснифи.

Ушбу кўрсаткичлар турли хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини таҳлил қилиш натижасида бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнида муҳим аҳамиятга эга. Чунки ҳар бир соҳанинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Ушбу хусусиятлар кўрсаткичларни қўллаш жараёнида ўзига хос тарзда ёндошишни тақозо қилади.

5.6. Кўрсаткичларнинг ифодаланиш шакли бўйича таснифи

Кўрсаткичлар ифодаланиш шакли бўйича ҳам икки гуруҳга: мутлоқ ва нисбий кўрсаткичларга бўлинади. Мутлоқ кўрсаткичлар ҳам ўз навбатида қайси ўлчамда ифодаланишига қараб икки гуруҳга: натурал (миқдор) ва қиймат кўрсаткичларига бўлинади. Натурал кўрсаткичлар асосан табиий ҳолда мавжуд бўлган жисмоний бирликда ифода этиладиган кўрсаткичлардир. Ушбу гуруҳ кўрсаткичларига бирор бир предметнинг узунлиги, оғирлиги, майдони ёки кенглиги каби ўлчамларни ифодаловчи кўрсаткичларни мисол келтириш мумкин. Қиймат кўрсаткичлар ҳам турли ўлчамларда бўлади. Масалан, бирор таварнинг баҳоси, умумий сўммаси, бирор ҳизматнинг тарифи, ходимларга тўланадиган иш ҳақи кабиларни мисол келтириш мумкин.

Нисбий кўрсаткичлар аксарият ҳолларда турли мутлоқ кўрсаткичларнинг бир-бирига ёки бир хил мутлоқ кўрсаткичларнинг турли даврлардаги ҳажмини бир-бирига солиштириш (аксарият ҳолларда бўлиш) йўли билан аниқланади. Масалан, бир кўрсаткични иккинчи бошқа бир кўрсаткичга солиштириб (бўлиб) унинг даражани аниқлаш мумкин, бир хил кўрсаткичларнинг турли вақтлардаги ҳажмини солиштириб кўрсаткичларни индекс, фоиз каби ўлчамларда ҳисобласа бўлади. Уларнинг чизмаси қўйида келтирилган (5.5-чизма).

Ушбу кўрсаткичлар тизими ҳам таҳлил учун методологик асос сифатида келтирилди. Амалиётда таҳлилнинг мақсади, объекти ва соҳасига қараб кўрсаткичлар тизимига сон ва сифат жиҳатидан ўзгаришлар киритиши мумкин. Масалан, қишлоқ хўжалик корхоналари фаолияти таҳлил қилинаётган бўлса нисбий кўрсаткич сифатида ҳосилдорлик олиниши мумкин. Бу учун барча ялпи ҳосил миқдорини ер майдонига бўлиб шу нисбий кўрсаткич аниқланади. Худди шундай бошқа соҳаларга ҳам ёндашиш лозим. Масалан, туристлар сонининг ўсиш суръатини (нисбий

кўрсаткични) топиш учун жорий йилда ҳақиқатда туристлар сонини ўтган йилдаги туристлар сонига бўлиш мумкин.



5.5 - чизма. Кўрсаткичларнинг ифодаланиш шакли бўйича таснифлаш

Ушбу кўрсаткичларни деталлаштирган ҳолда қарайдиган бўлсак, натурал (миқдорий) кўрсаткичларгага оғирлик, узунлик, ҳажм, майдон, кенглик каби ўлчамларда ифодаланидан кўрсаткичларни киритиш мумкин. Қиймат кўрсаткичларига эса, баҳо, таъриф, иш ҳақи ва бошқа пулда ифодаланган кўрсаткичлар киради. Нисбий кўрсаткичларга эса, фоиз, коэффициент, индекс каби кўрсаткичлар киради. Ушбу кўрсаткичлар ҳам корхоналар фаолиятига тўғри баҳо беришда, унинг тараққиётини таъминлайдиган бошқарув қарорларини қабул қилишда муҳим аҳамият касб этади.

5.7. Кўрсаткичларни умумлаштириш даражаси бўйича таснифлаш

Ҳар қандай кўрсаткич иқтисодиётнинг у ёки бу жиҳатни умумлаштирган ҳолда ифодалашини инобатга олиб, уларни умумлаштириш даражаси бўйича ҳам таснифланиши лозим бўлади. Лекин иқтисодий жараёнлар турли босқичларда, турли соҳа ва буғинларда турли даражада ва кўринишда бўлади. Буларни ифодалаш учун кўрсаткичларга бир хил ёндашиб бўлмайди. Масалан,

корхонанинг асосий воситалари умумий ҳажми мавжуд. Бу корхона кўчмас мулкнинг умумий миқдорини ифодалайди. Бу кўрсаткич, кўриниб турганидек, умумлашган кўрсаткичдир. Аммо унинг бир қисми бинолар ва иншоатлардан иборат бўлса, яна бир қисми технология ва жиҳозлардан иборатдир. Фақат биноларнинг ёки технологиянинг қиймати умумлашган кўрсаткичнинг бир қисмини ифодалайди. Ўз навбатида технологиянинг ҳолати, бугунги кун талабига жавоб бўлиши, унинг унумдорлиги каби кўрсаткичлар шулар тўғрисида қўшимча хулосалар берадиган ёрдамчи кўрсаткичлардир. Шу туфайли кўрсаткичлани умумлаштириш даражаси бўйича ҳам таснифлаш муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу белгиси бўйича кўрсаткичлар уч гуруҳга: умумлашган, қисманва ёрдамчи кўрсаткичларга бўлинади. Кўрсаткичларнинг умумлаштириш даражаси бўйича таснифланиши қўйидаги чизмада келтирилган (5.6-чизма).



5.6-чизма. Кўрсаткичларнинг умумлаштириш даражаси бўйича таснифи

Умумлашган кўрсаткичларга одатда мураккаб иқтисодий жараёнлар мажмуасини яхлит ҳолда ифода этадиган кўрсаткичлар киради. Масалан, меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи. Бу умумлашган кўрсаткич шу корхонада банд бўлган барча ходимлар меҳнатининг самарадорлигини ифода этади. Шу соҳага даҳлдор **қисман кўрсаткичларга** асосий ходимлар меҳнат унумдорлиги, ёрдамчи ходимлар, бошқарув ходимлари меҳнат унумдорлиги каби кўрсаткичлар киради. Яна бир мисол, корхонада активлар рентабеллик даражаси – бу умумлашган кўрсаткич. Қисман кўрсаткичларга асосий воситалар рентабеллиги, айланма маблағлар

рентабеллиги, номоддий активлар рентабеллиги кабиларни киритиш мумкин. Кўриниб турибдики, қисман кўрсаткичлар мураккаб иқтисодий жараёнларнинг у ёки бу жиҳатини алоҳида ифода этадиган кўрсаткичлар экан.

Булардан ташқари ушбу гуруҳга **ёрдамчи кўрсаткичлар** ҳам киради. Бу курсаткичлар номига мос кўрсаткичлар бўлиб, умумлашган ва қисман кўрсаткичларни батафсил ва тўлиқ тушуниш учун, уларнинг ички мураккаб табиатини ифода этишда қўлланиладиган кўрсаткичлардир. Бу кўрсаткичлар таҳлил жараёнида асосий кўрсаткичларга таъсир этувчи омиллар сифатида ҳам қаралади. Чунки умумлашган кўрсаткичнинг шаклланишида қисман ва ёрдамчи кўрсаткичлар ҳиссаси ва таъсири катта бўлади. Масалан, умумлашган меҳнат унумдорлиги (МУ) кўрсаткичи қараладиган бўлса, бу ўз навбатида умумий ходимлар сони (Х) уларнинг таркибида бевосита ишловчиларнинг улуши (Хул) ва шу ишловчи ходимлар меҳнат унумдорлигига (Хму) боғлиқ. Бу кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқлик қўйидаги формула орқали ифодаланади:

$$МУ = Х * Хул * Хму$$

Бу ерда МУ, яъни меҳнат унумдорлиги умумлашган кўрсаткич бўлса, қолган учта кўрсаткич қисман ёки ёрдамчи кўрсаткичлардир. Агар уларнинг бир-бири билан функционал боғлиқлигини оладиган бўлсак МУ-натижа кўрсаткичи, яъни меҳнат унумдорлиги бўлса, қолган учта кўрсаткич (*Х * Хул * Хму*) омиллар сифатида иштирок етмоқда. Булар ёрдамчи кўрсаткичлар бўлиб ҳисобланади.

Мазкур ҳолатда барча гуруҳ кўрсаткичларга айрим кўрсаткичларни мисол тариқасида келтирдик. Амалиётда таҳлилнинг объекти, мақсади ва қайси даврда ўтказилишига қараб бу гуруҳларга кирувчи кўрсаткичлар ўзгариши мумкин.

5.8. Кўрсаткичларни шаклланиш усули бўйича таснифлаш

Кўрсаткичларни шакланиш усули бўйича ҳам таснифлаш муҳим аҳамиятга эга, чунки иқтисодий жараёнлар бошқарилиши учун уларга турли босқичларда турлича ёндашишни талаб қилади. Масалан, бизнес режадаги кўзда тутилган натижага эришиш учун маълум миқдорда маҳсулот ишлаб чиқаришни талаб қилади. Бу маҳсулот миқдори режада ўз ифодасини топади. Жорий давр

мобайнида ушбу кўрсаткичнинг шаклланиши ҳисоб маълумотларида ифодаланади. Бу ушбу режанинг бажарилишини назорат қилиб бориш учун ўта зарурдир. Масалан, бир ойга мўлжалланган кўрсаткич ўн кунда, ўн беш кунда, йигирма кунда ва ҳ.к. даврларда қандай бажарилаётганлигини назорат қилиш учун зарурдир.Ушбу маълумотлар тезкор бошқарув қарорларини қабул қилиш имконини беради. Жорий давр тугагандан сўнг, ҳисобот даврида эришилган натижа, яъни ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳақиқий миқдори умумлаштирилган ҳолда ҳисобланади. Олдинги кўрсаткич бизнес режада ифодаланган бўлса, бу кўрсаткич ҳажми ҳисоботда ифодаланади. Агар мазмун жиҳатидан олиб қаралса иккаласи ҳам бир хил кўрсаткични, яъни маҳсулот ҳажмини ифодалайди. Аммо бири режада, иккинчиси эса ҳақиқатда. Ҳисобот якунланиб, унга бош бухгалтер ва раҳбар имзо чекиб, корхонанинг муҳири босилса ундаги барча кўрсаткичлар қонуний кучга эга бўлади. Шу билан бухгалтериянинг иши тугайди. Улар бажарадиган навбатдаги иш ушбу кўрсаткичларни таҳлил қилишга қаратилган бўлади. Бу кўрсаткичлар турли даврлардаги маълумотлари билан қиёсланиб, таҳлилий кўрсаткичлар вужудга келади. Таҳлил натижасидан маълумки, ушбу кўрсаткичлар орқали келгуси даврларни яхшилаш учун бошқарув қарорларини қабул қилади. Шундай қилиб, бошқа кўрсаткичлар тўғрисида ҳам кўплаб мисоллар келтириш мумкин, аммо ушбу масалага методологик ёндашиш учун шу келтирилган далил етарли деб ўйлаймиз.

Булардан кўриниб турибдики, кўрсаткичлар шаклланиш усули бўйича беш гуруҳга бўлинади: меъёрий, режа, ҳисоб, ҳисобот ва таҳлилий. Буларнинг таснифи қуйидаги чизмада келтирилган (5.7-чизма).

Меъёрий кўрсаткичларга, кўп ҳолларда, мамлакат миқёсидаги, давлат манфаатларига молик кўрсаткичлар киради. Масалан, бир кишининг ўртача нон истеъмол қилиш меъёри. Бу кўрсаткич давлатнинг ўз аҳолисини нон билан таъминлаш учун маълум бир даврга қанча ғалла ёки ун заҳирасини ҳозирлаб қўйиш учун зарур бўлади. Ҳозирги пайтда меъёрий кўрсаткичлар харажатларни ҳисоблашда, бирор маҳсулотни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хомашё миқдорини белгилаш каби ҳолларда ҳам кенг қўлланилмоқда. Бу айниқса, фойдадан олинадиган солиқ миқдорини аниқлашда зарур бўлмоқда.



5.7.-чизма Кўрсаткичларнинг шаклланиш усули бўйича таснифи

Шундай қилиб, меъёрий кўрсаткичларга харажатлар ва сарфларнинг маълум бирликка нисбатан меъёрда ифодаланган миқдори, аҳолининг истеъмол меъёрлари кабилар киради. Бу илмий, иқтисодий, ижтимоий, биологик жиҳатдан асосланган бўлиши лозим.

Режа кўрсаткичларига хўжалик юритувчи субъектларнинг ривожланиш истиқболини белгиловчи бизнесрежада ифода этилган кўрсаткичлар киради. Масалан, фойда режасини олайлик. Ушбу кўрсаткич олдиндан белгиланиши ва барча фаолият шу режадаги миқдорга эришишга қаратилмоғи лозим. Чунки фойданинг миқдоридан давлат ҳам, мулкдор ҳам, меҳнат жамоаси ҳам, корхона ҳам манфаатдордир.

Фойда қанча кўп бўлса акциядорлар оладиган дивиденд сўммаси, давлатга туланадиган солиқ миқдори, ходимлар оладиган рағбатлантириш сўммаси, ташкилотнинг кенгайтиришга қоладиган маблағ миқдори шунча кўп бўлади. Демак, кўзда тутилган режадаги кўрсаткични бажаришга ҳамманинг ҳаракат

қилиши лозим экан. Чунки унда барча мафаатлар мувофиқлиги таъминланади.

Ҳисоб кўрсаткичи ҳам ўта муҳим кўрсаткичлардан биридир. Унга бухгалтерия, статистика ва тезкор ҳисоб маълумотларида ифода этилган кўрсаткичлар киради. Иқтисодий жараёнлар кетмакет доимий равишда содир бўлиб боради. Улар узлуксиз ҳисобга олиб борилиши лозим. Бу ҳисоб маълумотлари кўрсаткичларнинг ҳақиқийлиги ва қонунийлигини таъминлайди, чунки ҳар бир содир бўлган иқтисодий-ижтимоий жараён тегишли равишда ҳужжатлантирилади. Ҳужжатга тегишли масъул шахслар имзо чекиб ташкилот муҳири босилади. Масалан, бирорта корхонадан иккинчи бир корхонага маълум ҳажмда товар жўнатилди. Бу тегишли ҳужжат орқали амалга оширилади, шу орқали ҳисобга олинади ва ҳисобдан чиқарилади. Демак, ҳисобдаги кўрсаткичлар ҳар бир кўрсаткичнинг қонунийлигини ифода этади.

Ушбу кўрсаткичлар жамланиб маълум бир давр тамом бўлгач ҳисоботда ифодаланади. Бу билан **ҳисобот кўрсаткичлари** шаклланади.

Барча кўрсаткичлардан таҳлил жараёнида фойдаланилади. Шундай қилиб, **таҳлилий кўрсаткичлар** тизими, яъни хўжалик фаолиятини бошқариш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадида ҳисобланиб олинадиган кўрсаткичлар шаклланади. Таҳлилий кўрсаткичлар макро даражада, мезо даражада, микро даражада, соҳа ва тармоқлар бўйича ҳам қўлланилади. Ушбу бўғинларнинг ҳар бирида улар ўзига хос тизим ва аниқланиш йўлларига эга бўлади. Шу туфайли иқтисодий механизмлар ичида таҳлил ўзига хос йўналишга эга бўлиб, унда қўлланиладиган кўрсаткичлар ва уларни баҳолаш усуллари алоҳида эътибор ва ёндашувни талаб қилади.

5.9. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган кўрсаткичларни корхоналар хўжалик фаолиятини баҳолаш нуқтаи назаридан таснифлаш

Корхоналарни бошқаришда, унинг фаолиятига баҳо беришда ва келгуси истиқболини белгилашда турли кўрсаткичлардан фойдаланилади. Улардан бири корхона хўжалик фаолиятининг бўғинлари бўйича кўриб чиқиладиган кўрсаткичлардир. Корхоналар

хўжалик фаолиятини чуқур ўрганиш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Аммо иқтисодий адабиётларда мамлакатимиз тараққиётининг ўзига хос, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш ҳамда инновацияларни жорий этиш натижасида стратегик ривожлантириш шароитига мос кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилмаган. Шу туфайли бу борада ушбу камчиликларни бартараф қилиш учун таҳлилга оид бир қанча адабиётлар нашр қилинган. Улар таркибида корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятини тўлиқ ифодалаш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш, уларни таснифлаш масалалари асосланган. Ушбу туркум кўрсаткичлар биз томонимиздан нашр қилинган «Иқтисодий таҳлил» номли ўқув қўлланмада (Тошкент: 2017. – 534 бет.) ўз ифодасини топган.

Ушбу кўрсаткичлар йирик иккита блокдан иборат бўлиб, биринчи блок (1-3 гуруҳлар) иқтисодий жараёнларнинг содир бўлиши учун моддий ва молиявий манбалар билан таъминланишини ўз ичига олади. Иккинчи блокда (4-5 гуруҳлар) эса, бевосита иқтисодий жараёнлар ва уларнинг натижаси билан боғлиқ кўрсаткичлардан иборатдир. Бу қуйидаги чизмада келтирилган (5.8-чизма).

Расмда келтирилган кўрсаткичлар биринчи блок кўрсаткичлар бўлиб, булар иқтисодий жараёнларнинг содир бўлиши учун зарур бўлган моддий ресурслар, номоддий активлар ва меҳнат салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичларни ўз ичига олган. Бу кўрсаткичлар ўз ичига меҳнат воситалари, меҳнат предметлари ва меҳнатнинг ўзини ҳамда номоддий активларни олади. Буларнинг молиявий таъминоти, яъни манбаи билан боғлиқ кўрсаткичлар ҳам мазкур блокда алоҳида гуруҳда ифодаланган. Бу эса, корхонанинг ўз маблағлари ва четдан жалб қилинган маблағларида (мажбуриятларда) ўз аксини топади.

Иккинчи блокда бевосита шу иқтисодий жараёнларни ва унинг натижаларини баҳолашга қаратилган кўрсаткичлар туркуми ифодаланган. Иқтисодий жараённинг содир бўлиши учун, биринчи галда маълум миқдорда харажатлар талаб қилинади. Бу бежиз амалга оширилмайди. Харажатларни қилишдан мақсад, фойда олишга қаратилгандир. Шу туфайли молиявий натижалар билан боғлиқ кўрсаткичлар тизими шаклланади. Буларга даромадлар, харажатлар ва фойда кўрсаткичлари киради. Бу қуйидаги чизмада келтирилган (5.9-чизма).



5.8.-чизма. Корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичларнинг таснифи



5.9-чизма. Корхоналар молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар

Мазкур чизмадан кўриниб турибдики, корхонада иқтисодий жараёнларнинг содир бўлишидан биринчи галда даромадлар олинади. Албатта булар қилинган харажатлар эвазига эришилади. Даромадлар харажатларни қоплайди ва улардан ортиб қолган қисмини корхонанинг фойдасини ташкил қилади.

Кўрсаткичларнинг ушбу тизими иқтисодий таҳлилнинг таркибий қисми бўлган молиявий таҳлилнинг асосий мазмунини

ташкил қилади. Фақат шуни инобатга олиш лозимки, биринчи блокка киритилган кўрсаткичлар корхонанинг иқтисодий ва молиявий салоҳиятини, молиявий-хўжалик фаолиятининг моддий, молиявий ва меҳнат билан таъминланганликни ташкил қилса, иккинчи блокдаги кўрсаткичлар бевосита ушбу фаолиятнинг молиявий натижасини ифода этади.

Шуни эътироф этиш керакки, мазкур кўрсаткичлар олдинги режали иқтисодиёт шароитига нисбатан мазмун жиҳатидан тубдан фарқ қилади. Масалан, олдин корхонанинг ишлатиб турган асосий ва айланма маблағлари давлат мулки бўлиб, корхонага фақат фойдаланиш учун берилар эди. У мазмун жиҳатидан ҳеч кимга тегишли бўлмаган «бизники» эди. Энди эса ушбу категориялар «меники»га айланди. Демак, уларнинг мазмуни ўзгарди. Яна бир мисол, мулк давлатники бўлганлиги туфайли корхонанинг олган фойдаси ҳам давлатники эди. Агар фаолияти зарар билан якунланса ҳам давлат ҳисобидан қопланар эди. Энди корхона нодавлат (хусусий) мулкка асосланганлиги туфайли фойда ҳам уники, агар зарар кўриб ишласа ҳам ушбу зарарни ўзи қоплайди. Кўриниб турибдики, тузум ўзгариши билан иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган кўрсаткичлар тизимининг мазмуни ҳам тубдан ўзгарди.

Хуллас, бугунги кунда қўлланилаётган кўрсаткичлар тизими ўз-ўзидан пайдо бўлган эмас. Улар иқтисодий таҳлил назариясини такомиллаштириш бўйича узоқ йиллар давомида олиб борилган тадқиқотлар натижасида объектив заруратдан келиб чиққан ҳолда шаклланди.

5.10. Корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичларнинг алоҳида гуруҳлари бўйича таснифи ва уларни такомиллаштириш масалалари

Иқтисодий таҳлилнинг назарий ва методологик муаммолари, уни такомиллаштириш масалалари, унда қўлланиладиган кўрсаткичлар тизими мамлакатимиз ва хорижий олимларнинг доимий эътиборида бўлиб келган. Аммо жуда кўп масалалар тармоқлар доирасида тадқиқ қилиниб, унинг умумий методологик муаммолари кам ўрганилган. Шу туфайли, иқтисодий таҳлилнинг назарий ва методологик муаммоларини тадқиқ қилиб, унинг усулларини такомиллаштириш, уларнинг корхона амалиётида қўлланилиш

масалаларини ишлаб чиқиш ҳамда ушбу усулларни иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида ҳам кенг қўллашни асослаш масаласи олимлар диққат марказида бўлиб келган. Бу борада Самарқанд иқтисодиёт мактаби олимлари ҳам мунтазам шуғулланиб, бир қанча илмий асарлар ва ўқув адабиётлари нашр қилишга муваффақ бўлган. Булар иқтисодий таҳлилни фани бўйича яратилган бир қанча дарслик, ўқув қўлланмалар, монографиялар ва бошқа адабиётларда ўз аксини топган[109].

Иқтисодий таҳлилдаги марказий масалалардан бири, хўжалик фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлардир.Буларнинг айрим гуруруҳлари таркиби ва аниқланиш йўллари ислоҳотлар натижасида кескин ўзгармаган. Ушбу гуруҳ кўрсаткичлар мавжуд адабиётларда ўз ечимини топган. Аммо иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган айрим кўрсаткичлар бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт шароитида янгидан вужудга келган. Ушбу кўрсаткичлар бўйича ўз ечимини кутаётган масалалар анча. Шу туфайли умумий кўрсаткичлар тизими билан биргаликда асосий эътиборни айнан шу янгидан пайдо бўлган кўрсаткичларга ҳам қаратишни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Иқтисодий таҳлилга кейинчалик кириб келган кўрсаткичлардан бири **корхонанинг иқтисодий салоҳияти** билан боғлиқ кўрсаткичлардир. Ҳозирги шароитда иқтисодий таҳлилда кенг қўлланиладиган муҳим кўрсаткичлардан бирига айланди. Ушбу кўрсаткичларнинг ҳажми корхонанинг молиявий хўжалик фаолияти тўғрисида батафсил маълумот беради. Ушбу гуруҳ кўрсаткичларга асосий воситалар, айланма маблағлар, номоддий активлар ва меҳнат потенциали (салоҳияти) билан боғлиқ кўрсаткичлар киради. Ҳар бир гуруҳ кўрсаткичлар ҳам ўз навбатида бирқанча кўрсаткичларни ўз ичига олади. Корхонанинг иқтисодий салоҳияти иқтисодий таҳлилда янги категория бўлганлиги учун ушбу муаммога алоҳида аҳамият бериш мақсадга мувофиқдир.

---

[109] Абдукаримов И.Т., Пардаев М.К. ва бошқалар. Матлубот кооперациясининг хўжалик фаолиятини анализ қилиш. Дарслик, Т.: «Ўқитувчи», 1989. - 18,2 б.т., Пардаев М.К. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик. Самарқанд, «Зарафшон» нашр уйи, 2001, 17,5 б.т., Пардаев М.К., Исроилов Б.И. Молиявий таҳлил. - Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуққ дунёси» нашр уйи, 1999, - 23,0 б.т. Абдукаримов И.Т., Пардаев М.К. Анализ показателей по труду в кооперативной торговле. М.: Экономика, 1978, - 4,2 б.т., Кооператив савдо корхона ва ташкилотлари молиявий аҳволининг таҳлили. - Т.: РУМК, 1999. 6,25 б.т. Пардаев М.К. Молиявий таҳлил методологияси. Самарқанд, СамКИ, 1997-9,75 б.т. Пардаев М.К., Қрбонов З.Н. Анализ показателей эффективности и интенсификации в кооперативной торговле. - Т.: «Ўқитувчи», 1990. - 8,5 б.т. ва ҳ.к., Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма. – Т.: ЎзР Солиқ академияси. 2017. – 534 с., Раҳимов М. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили. Ўқув қўлланма. “Иқтисод-молия”, 2013. – 392 б., Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлилнинг ривожланиш тарихи. Самарқанд, СамИСИ. 2018. – 60 бет.

Корхонанинг иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлар мазмуни жиҳатидан учта гуруҳга бўлинади:

- иқтисодий салоҳият ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- иқтисодий салоҳият билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар;
- иқтисодий салоҳият самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.

Ушбу гуруҳ кўрсаткичларга кирадиган асосий воситалар, айланма маблағлар, номоддий активлар ва меҳнат салоҳиятини кўрсаткичлар ҳам уч гуруҳга бўлинади:

- асосий воситалар, айланма маблағлар, номоддий активлар ва меҳнат салоҳияти ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- асосий воситалар, айланма маблағлар, номоддий активлар ва меҳнат салоҳияти билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар;
- асосий воситалар, айланма маблағлар, номоддий активлар ва меҳнат салоҳияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.

Ҳозирги пайтда асосий эътибор корхонанинг меҳнат салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш, уларни баҳолаш ва таҳлил қилиш усулларига қаратилмоғи лозим. Унда корхонанинг меҳнат салоҳияти, иш кучи, ходимлар сони, меҳнат ресурслари, меҳнат самарадорлиги, меҳнат унумдорлиги каби иқтисодий категорияларнинг моҳияти, уларни ифодаловчи кўрсаткичлар, мазкур кўрсаткичларнинг таснифи, уларни баҳолаш, аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари кўрсатиб берилган. Бу борада бирқанча адабиётларимиз чоп этилган[110].

Ҳозирги пайтда **корхонанинг молиявий салоҳияти** билан боғлиқ кўрсаткичлар ҳам иқтисодий таҳлилнинг молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш бўлимидаги муҳим кўрсаткичлардан биридир. Чунки улар билан боғлиқ кўрсаткичлар корхона молиявий манбасининг таркиби, унинг ҳолати ва самарали ишлатилишини ифодалайди. Мазкур гуруҳга корхонанинг ўз маблағлари ва унга тенглаштирилган маблағлар ҳамда четдан жалб қилинган узоқ ва қисқа муддатли маблағлар (мажбуриятлар) билан

[110] Бухгалтерский учет. № 9, 1978, - 37-43-бетлар; Бухгалтерский учет. № 3, 1980, - 42-44-бетлар; Экономика и жизнь, № 5, 1983. - 66-67-бетлар; Бухгалтерский учет. № 5, 1984; Плановое хозяйство. № 10, 1985. – 111-бет; Иқтисод ва ҳисобот. № 7-8, 1994. - 28-29-бетлар; Иқтисод ва ҳисобот. № 2, 1997. - 42-44-бетлар; Экономика и статистика. № 6, 1997. - 59-62-бетлар.

боғлиқ кўрсаткичлар киради. Ушбу маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар ҳам асосан бухгалтерия балансининг пассив қисмида кўрсатилади. Уларнинг таҳлили мазкур ҳужжатга ва молиявий ҳисоботнинг бошқа турларига асосан амалга оширилади.

Иқтисодий таҳлилда корхона молиявий салоҳияти яхлит ҳолда алоҳида ўрганилмаганлигини инобатга олиб мазкур муаммога ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Корхонанинг молиявий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳам мазмуни жиҳатидан учта гуруҳга бўлинади:

- молиявий салоҳият ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- молиявий салоҳият билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар;
- молиявий салоҳият самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.

Мазкур гуруҳ кўрсаткичларга кирадиган ўз маблағлари ва унга тенглаштирилган маблағлар ҳамда четдан жалб қилинган узоқ ва қисқа муддатли маблағлар (мажбуриятлар) билан боғлиқ кўрсаткичлар ҳам уч гуруҳга бўлинади:

- ўз маблағлари ва четдан жалб қилинган маблағлар (мажбуриятлар) ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- ўз маблағлари ва четдан жалб қилинган маблағлар (мажбуриятлар) билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар;
- ўз маблағлари ва четдан жалб қилинган маблағлар (мажбуриятлар) самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар;

Бозор муносабатлари шароитида **корхонанинг тўловга қодирлик даражасини** ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш зарурати туғилди. Чунки эркин рақобат шароитида ушбу таҳлил ўта муҳим аҳамиятга эга. Ушбу кўрсаткичлар тизимини таҳлил қилиш орқали ҳамиша корхонанинг банкротлик ҳолатига тушиб қолмаслигининг олдини олишга эришиш мумкин. Ушбу гуруҳ кўрсаткичларга корхона балансининг ликвидлилиги ва кредитни тўлашга қодирлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар киради. Шу туфайли ушбу кўрсаткичларни корхонанинг молиявий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таркибига киритилиш мақсадга мувофиқ.

Корхонанинг молиявий барқарорлиги бозор муносабатлари шароитида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шу туфайли ушбу ҳолатни баҳолаш ва уни ифодаловчи кўрсаткичларни ўрганиш

корхона фаолиятининг қандай ривожланганлигини, бугунги аҳволи қандай ва келажакда қандай бўлиши мумкинлигини кўрсатиб беради. Ушбу гуруҳ кўрсаткичлар тизими жуда кенг. Улар қуйидаги беш гуруҳга бўлинади:

* корхонанинг ўз маблағлари (хусусий капитали) билан боғлиқ кўрсаткичлар;
* четдан жалб қилинган маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар;
* ҳаракатдаги маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар;
* асосий воситалар билан боғлиқ кўрсаткичлар;
* айланма маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар.

Ушбу гуруҳ кўрсаткичларнинг ҳар бири яна ўз ичига бирқанча кўрсаткичларни қамраб олади. Аммо ушбу категория ҳам иқтисодий таҳлилда етарли даражада ўрганилган эмас. Шу туфайли корхонанинг молиявий барқарорлигини таҳлил қилишнинг методологик жиҳатларига алоҳида аҳамият бериш лозим.

Корхонанинг мустаҳкамлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳам иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган кўрсаткичларнинг таркибий қисмига киради. Улар ўз мазмуни ва моҳияти жиҳатидан икки гуруҳга бўлинади:

* корхонанинг иқтисодий мустаҳкамлигини ифодаловчи кўрсаткичлар;
* корхонанинг молиявий мустаҳкамлиги ифодаловчи кўрсаткичлар.

Ушбу кўрсаткичлар таҳлили ҳар бир гуруҳи бўйича алоҳида-алоҳида амалий маълумотларни қўллаган ҳолда амалга оширилади. Ҳар бир гуруҳ кўрсаткичлар ўз навбатида бир қанча алоҳида кўрсаткичларни ўз ичига олади.

Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган кўрсаткичлардан бири **корхонанинг иқтисодий ночорлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар** бўлиб, улар корхонанинг иқтисодий жиҳатдан мустаҳкам эмаслигидан далолат беради. Улар мулкдор ва корхона учун муҳим. Буларнинг миқдори билан бевосита корхонанинг менежерлари шуғулланишлари лозим. Мазкур гуруҳ кўрсаткичлар ҳам иқтисодий таҳлилнинг таркибий қисмига айланиб бормоқда. Уларга корхонанинг иқтисодий ночорлигини ифодаловчи ва банкротлик эҳтимолини аниқлайдиган кўрсаткичлар тизими киради.

Корхонанинг иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлиги, ночорлиги ва банкротлиги кабилар ҳам иқтисодий таҳлилда янги йўналиш ҳисобланади. Бу масалалар иқтисодий адабиётларда жуда кам ёритилган. Шу туфайли ушбу масаланинг ечимига алоҳида аҳамият беришни тақозо қилади.

Иқтисодий таҳлилда қўланиладиган кўрсаткичлардан яна бири **корхонанинг фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлардир.** Ушбу кўрсаткичлар икки йирик гуруҳга бўлинади:

* корхонанинг иш фаоллигни ифодаловчи кўрсаткичлар;
* корхонанинг бозор фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар.

Ушбу кўрсаткичлар ўз навбатида ўнлаб кўрсаткичларни ўзида жамлаган. Жумладан, **корхонанинг иш фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар** ўз навбатида яна уч гуруҳга бўлинади:

- иқтисодий салоҳиятдан фойдаланиш билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- молиявий салоҳиятдан фойдаланиш билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- корхона фаолияти самарадорлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар.

Корхонанинг бозор фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ҳам унинг турли бозордаги иштироки ва ўрнини белгилаш имконини беради:

- корхонанинг ишлаб чиқариш воситалари, яъни технология бозоридаги фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- корхонанинг хом ашё бозоридаги фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- корхонанинг меҳнат бозоридаги фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- корхонанинг молия ва инвестиция бозоридаги фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- кор корхонанинг халқ истеъмоли ва ишлаб чиқариш истеъмоли бозоридаги фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, корхонанинг иш ва бозор фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларнинг таҳлили турли адабиётларда турлича қаралмоқда. Ушбу кўрсаткичлар таҳлили бўйича жуда кўп ечимини кутаётган муаммолар мавжуд. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

* корхона иш фаоллиги иқтисодий категория сифатида ҳамон ўз ечимини топган эмас;

* шундан келиб чиқиб, уни ифодаловчи илмий асосланган кўрсаткичлар тизими ҳам шаклланган эмас. Чоп қилинган кўпгина адабиётларда бир-биридан сони ва мазмуни жиҳатидан жуда узоқ бўлган кўрсаткичлар келтирилмоқда;

* иш фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар таснифи ҳам илмий жиҳатдан асосланмаган;

* иш фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилининг мантиқий кетма-кетликка асосланган бир-бирини тўлдирувчи методологик асоси ҳам ишлаб чиқилмаган.

Худди шунингдек, корхона бозор фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳам ҳамон ўз ечимини топган эмас. Мамлакатимиз ва хорижий олимлар адабиётларида корхонанинг бозор фаоллигини таҳлил қилганда фақат унинг молия бозоридаги фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар билан чекланиб қолинган.

Аммо ҳозирги шароитида ҳар бир корхона, мулк шаклидан қатъий назар, бозор тизимида фаолият кўрсатади. Унинг нафақат молиявий бозордаги, балки бошқа бозорлардаги фаоллигини ҳам таҳлил қилишни тақозо қилади. Бунинг учун унинг шу бозорлардаги фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ҳам ишлаб чиқиш лозим. Шу туфайли ушбу масалаларда ҳам ҳали жуда кўп ўз ечимини кутаётган муаммолар мавжуд.

Корхонанинг бозор фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уларнинг илмий асосланган таснифи, аниқланиш ва таҳлил қилиш йўллари ҳамон етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Шу туфайли иқтисодий таҳлилнинг жуда кўп муаммолари билан биргаликда ушбу муаммони ҳам ҳал қилиш бўйича тегишли ишларни амалга оширишни тақозо қилади.

Корхонанинг маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариши ва сотиши билан боғлиқ кўрсаткичлари ҳам таҳлилда муҳим ўрин эгаллайди. Ҳозирги эркин иқтисодиёт шароитида маҳсулотни (иш, хизматни) ишлаб чиқариш масаланинг фақатгина бир томони. Энг асосийси уларни сотишдан иборатдир. Шу туфайли иқтисодий таҳлилда маҳсулотни (иш, хизматни) сотиш жараёни ва ҳажми таҳлил қилинади. Ушбу кўрсаткичлар таҳлили иқтисодий адабиётларда яхши ёритилганлиги туфайли ушбу масалани қайсисоҳада қандай қўллаш муаммосига асосий эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ.

Хусусий мулкчилик устувор бўлган ҳозирги шароитда корхонанинг молиявий натижалари билан боғлиқ кўрсаткичлар асосий кўрсаткичларга айланган. Шу туфайли ушбу кўрсаткичлар иқтисодий таҳлилда ўрганиладиган энг зарур кўрсаткичлар сирасига киради. Булар таркиби даромадлар, харажатлар, фойда ва рентабеллик билан боғлиқ кўрсаткичлардан иборат. Ўз навбатида даромадларнинг ҳам бирқанча турлари бор. Худди шунга мос равишда харажатлар ҳам, фойда ва рентабеллик кўрсаткичлари ҳам турлича. Ушбу категорияларнинг ҳар бир турини битта ёки иккита кўрсаткич ташкил қилади.Қайси соҳани ўрганишига ва уни қайси даврга хостаҳлил қилишига қараб кўрсаткичларни қўллаш ва баҳолаш фарқ қилади. Бунинг асосида таҳлилнинг нима мақсадда амалга оширишига боғлиқ бўлади.

Даромадларни ифодаловчи кўрсаткичларга ялпи даромад, асосий фаолиятдан олинадиган даромад, молиявий фаолият даромади, тасодифий даромад каби кўрсаткичлар киради. Харажатларнинг ҳам бирқанча турлари бор. Бу харажатлар тўғрисидаги Низомда ўз аксини топган. Фойда ва рентабеллик кўрсаткичлари ҳам турлича. Масалан, активлар таҳлил қилинса активлар рентабеллиги, харажатлар самарадорлиги таҳлил қилинса – харажатлар рентабеллиги, меҳнат кўрсаткичлари таҳлил қилинса – меҳнат рентабеллиги каби кўрсаткичлар аниқланади.

Бироқ шуни таъкидлаш жоизки, узоқ йиллардан буён иқтисодий таҳлилни такомиллаштириш бўйича қилинган тадқиқотларимиз асосида ушбу масалалар бўйича ўзимизнинг таклиф ва тавсияларимизни айтганмиз.

Иқтисодий таҳлил бир қанча иқтисодий категорияларнинг ечимини, уларни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлашни, методологик жиҳатдан ўрганиш усулларини аниқлашда ҳам кенг қўлланилади. Унинг жуда кўп соҳаларда қўлланилишини кўрсатиш ҳам бугунги кунда ҳал қилиши лозим бўлган муаммолардан биридир.

Ўзини-ўзи назорат қилиш ва такрорлаш учун саволлар

1. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган кўрсаткичлар таърифи.
2. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган кўрсаткичларларни таснифлаш.

3. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган кўрсаткичларни тавсифлаш.

4. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган кўрсаткичларни аниқлаш йўллари.

5. Иқтисодий кўрсаткичлар ва уларнинг таҳлилда қўлланилиши.

6. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган кўрсаткичларнинг функциялари.

7. Кўрсаткичларнинг таснифлаш белгилари.

8. Кўрсаткичларни мазмуни бўйича таснифлаш.

9. Кўрсаткичларни фойдаланиш доираси бўйича таснифлаш.

10. Кўрсаткичларнинг ифодаланиш шакли бўйича таснифи.

11. Кўрсаткичларни умумлаштириш даражаси бўйича таснифлаш.

12. Кўрсаткичларни шаклланиш усули бўйича таснифлаш.

13. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган кўрсаткичларни корхоналар хўжалик фаолиятини баҳолаш нуқтаи назаридан таснифлаш.

14. Корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичларнинг алоҳида гуруҳлари бўйича таснифи.

15. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган кўрсаткичлар тизимини такомиллаштириш масалалари.

6-боб. ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН АХБОРОТЛАР ВА УЛАРДАН ТАҲЛИЛДА ФОЙДАЛАНИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

6.1. Иқтисодий таҳлил ва унда қўлланиладиган ахборотларнинг бир-бири билан боғлиқлик тамойиллари

Инсон дунёни ахборотлар орқали англайди ва шулар асосида бошқаради. Инсоннинг дунёни тўғри англаб, тўғри хулоса чиқариши ва одилона бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ахборотлар ҳаққоний бўлишлиги лозим. Шу туфайли нореал ахборотлардан фойдаланиб нотўғри хулоса чиқариб, ўзини ҳам бошқаларни ҳам алдаш мутлоқа тўғри келмайди. Бу иқтисодиётни ҳалокатга олиб келади, одамларни сохтакорликка ўргатиб қўяди. Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ўнглаш, уни тараққий эттириш, барча қирраларини кузатиб бориш учун ҳам ахборотлар тўғри ва ҳаққоний бўлишлиги лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан имзо чекилган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги фармони, 2017 йилнинг 22 декабрида Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида сўзлаган нутқида мамлакатимизнинг ривожланиш стратегиясини, жамиятни янгилаш борасида фаолиятимизнинг асосий йўналишлари мазмун ва моҳиятини очиб берди. Ушбу йўналишлардан бири – бу “**иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга** йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали

мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш”дан[111] иборатдир.

Буларни амалга ошириш учун биринчи навбатда, давлатнинг бошқарув ролини чегаралаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинлигини ҳамда иқтисодиётнинг барча соҳаларида хусусий мулк миқёсларини кенгайтириш, мулкдорларнинг мавқеи ва ҳуқуқларини мустаҳкамлаш масалаларига эътиборни қаратишни тақозо қилади. Бундан кўриниб турибдики, иқтисодиётни бошқаришда давлатнинг роли маълум даражада чегараланиши кўзда тутилмоқда. Аммо бу мулкдорнинг масъулиятини оширади. Бу масъулият ҳисоб-китобни қилиш заруратини туғдиради. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Иқтисодиёт – бу ҳисоб-китоб дегани. Ҳар бир ишимизда пухта ҳисоб-китоб биринчи ўринда туриши лозим. Акс ҳолда, ҳамма ишимиз эски ҳаммом, эски тос бўлиб қолаверади”[112]. Амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар реал рақамлар, тўғри ва ҳалол ахборотлар асосида бўлмоғи лозим. Агар ушбу талаб таъминланмаса, иқтисодиётни эркинлаштиришдан ҳам маъно бўлмайди.

Бу эса ўз-ўзидан хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинлигини таъминлаш билан бирга, уларнинг ўз хўжалигини бошқаришда мустақиллигини ва масъулиятини ҳам оширади. Бундай шароитда иқтисодиётнинг барча соҳаларида хусусий мулк миқиёсларини кенгайтириш, мулкдорларнинг мавқеи ва ҳуқуқларини мустаҳкамлаш вазифаси устуворликни ташкил қилади. Мазкур жараёнларни тўғри бошқариш учун аниқ ва реал рақамлардан фойдаланишни тақозо қилади.

Энг муҳими, мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “мамлакатимиз иқтисодий сиёсатида **нореал рақамлар ортидан қувиш, амалга ошмайдиган хомхаёлларни ҳақиқат сифатида тақдим этишдек номаъқул иш услуби** танқидий қайта кўриб чиқилди. **Амалий натижадорлик, инсон манфаати ва яна бир бор инсон манфаати ислоҳотларнинг бош мақсади этиб белгиланди[113].** Нореал рақамлар ортидан қувишнинг оқибати бошқарув қарорларини қабул қилишда турли

[111] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги фармони.

[112] Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлисга Мурожаатномаси. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. – 45-46-бетлар.

[113] Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлисга Мурожаатномаси. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. – 7-8 бетлар.

чалкашликларга йўл қўйиш билан бирга инсон манфаатига ҳам зиддир. Шу туфайли жойларда, Президентимиз таъкидлаганидек: “Жойларда раҳбарларнинг йўл қўйилган хато ва камчиликларни тезлик билан бартараф этиш юзасидан шахсий жавобгарлиги кучайгани мазкур тизимнинг муҳим натижаси бўлди”[114].

Реал рақамлар, одилона бошқарув, ҳақиқатни юзага келтиради. Бу эса, ўз-ўзидан мулкдор ва унинг тасарруфида ишловчилар ўртасида содир бўладиган иқтисодий муносабатларнинг ривожланишига, такомиллашишига олиб келади. Бунинг асосида таҳлил қилинганда, ахборотлардан фойдаланиш жараёнида қўлланиладиган тамойиллар муҳим аҳамият касб этади. Буларнинг мазмуни қуйидаги жадвалда келтирилган (1-жадвал).

1-жадвал

Иқтисодий таҳлил ва унда қўлланиладиган ахборотларни шакллантириш тамойиллар

Т/р	Тамойилларнинг номи	Тамойилларнинг мазмуни
1.	Илмийлик	Ахборотлар бир-бири билан узвий боғлиқликда содир бўладиган ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ўзида мужассам этган, шу жараёнлар ҳақида тўлиқ маълумотларни ўзида ифода этадиган кўрсаткичларда ташкил топган ахборотларга таянилади.
2.	Тизимлилик	Табиат ва жамиятда содир бўладиган бир-бири билан боғлиқ ўта мураккаб ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ўзида мужассам этган ахборотларни ўрганишга тизимли ёндашув орқали эришишни инобатга олиш лозим бўлади.
3.	Тўлиқлик	Ўрганилаётган объект ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш учун, унинг ҳамма томонлари батафсил ўрганишни тақозо қилади. Бу эса, субъект иқтисодиётини комплекс таҳлил қилиш орқали эришилади. Таҳлил тўлиқ бўлмаса, хулоса мукаммал бўлмайди ва мос равишда, бошқарув қарорлари ҳам етарли даражада ўрганилаётган объектнинг ҳамма томонини қамраб олмайди.
4.	Тезкорлик	Ҳозирги пайтда жараёнларни тезкор тарзда ўрганиб, тезкорлик билан бошқарув қарорларини қабул

[114] Ўша жойда. – 5 бет.

1-жадвалнинг давоми

		қилишни тақозо қилади. Бунга мос равишда ахбротларни ҳам тезкор тарзда олиш имконияти бўлмоғи лозим. Бошқарув қарорларининг бажарилишини ҳам ҳисобот йили тугагандан кейин эмас, балки жорий даврда назорат қилиб бориш ҳам иш самарадорлигини ошириш имконини беради.
	Ишончлилик	Таҳлил қилинаётган субъектлар фаолияти ҳақидаги ахборотлар ишончли бўлмаса, таҳлил натижаларининг ҳам ишочлилигини таъминлаб бўлмайди. Шу туфайли ахборотларнинг ишончлилига бошқарувнинг қарорларининг ҳам ишончлилигини таъминлайди.
5.	Доимийлик	Ижтимоий-иқтисодий жараёнлар узлуксиз содир этилиши туфайли уларни таҳлил қилиш ҳам узлуксиз давом этиб борилиши лозим. Узлуксизлик вақти-вақти билан эмас, доимий равишда амалга оширилиб борсагина тизимли маълумотларга эга бўлинади ва камчиликлар ҳам тизимли равишда баратараф қилиб бориш имконияти яратилади.
6.	Аниқлик	Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ўзида мужассам этадиган ахборотлар аниқ ва реал бўлиши лозим. Реал ахборот бўлмаса, таҳлил аниқ бўлмайди, таҳлил аниқ бўлмаса, тўғри бошқарув қарорларини қабул қилиб бўлмайди ва мос равишда ишнинг натижадорлиги ҳам ўзига яраша бўлади. Бу бутун иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётни издан чиқишига сабаб бўлади.
7.	Таъсирчанлиги	Иқтисодий таҳлил натижалари таъсирчан бўлиши учун реал ахборотлар асосида ишдаги ютуқ ва камчиликлар батафсил ўрганилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун тегишли таъсирчан қарорларни қабул қилиб, уларнинг бажарилиши таъминлашга қаратилган тадбирлар таҳлилнинг ва унда қўлланиладиган ахборотларнинг таъсирчанлигини оширади.
8.	Шаффофлик	Ахборотларнинг шаффофлиги таҳлининг шаффофлигини таъминлайди. Бундай таҳлил натижаси хўжалик ичида ким муваффақиятларга эришгани ва ким орқада қолганини кўрсатади. Бу эса ҳар бир ходимнинг тегишли хулоса чиқариши учун асос бўлади. Ушбу ҳолат ҳар бир виждонли ходимнинг ўз камчиликларини бартараф қилиш

1-жадвалнинг давоми

		устида ишлашни тақозо қилади ва бу ҳолат, маълум даражада муваффақиятларга олиб келиши мумкин.
9.	Қиёсийлик	Иқтисодий таҳлилда тўғри хулоса чиқариш учун ахборотларнинг қиёсийлиги таъминланган бўлиши лозим. Чунки, маълумотлар қиёсланмаса, корхонанинг қандай ҳолатда эканлигига, ўзгариш тенденциялари қандай бўлаётганлиги хусусида хулоса қилиб бўлмайди. Шунга мос равишда маълумотларнинг бир-бири билан қиёсланишини таъминлаш (бир хил кўрсаткичлар билан кўрсаткичлар, баҳо индекси орқали қиёсланиши кабилар) мақсадга мувофиқдир
10.	Сиёсийлик	Хўжалик фаолияти натижаларини таҳлил қилганда давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, экологик, халқаро сиёсатига ва уларнинг давлатнинг қонун ва қоидаларига қанчалик мослигини ўрганишни тақозо қилади. Акс ҳолда, бундай тараққиёт фойда эмас, зарар кўриб қолишга олиб келиши мумкин. Жумладан, фаолият кўрсатаётган корхоналар фаолияти натижасида экологик вазият бузиладиган бўлса, бу табиатга ҳам, жамиятга ҳам наф эмас, зарар келтириши мумкин ва ҳ.к.
11.	Самарадорлик	Корхоналар фаолияти давомида бир қанча йўналишларда харажат қилишларига тўғри келади. Масалан, ахборотларни тўплаш ва уларни таҳлил қилиш жараёнини олайлик. Агар ушбу тадбирларга кетадиган харажатлар улардан олинадиган даромадларга нисбатан кўп бўлмаслиги керак. Ҳар қандай ҳаракат самарали бўлишлигини таъминлаш лозим.
12.	Мослашувчанлик	Ҳозирги пайтда мамлакатимизни, унинг ҳар бир ҳудуди ва корхоналарини стратегик ривожлантириш дастурлари ишлаб чиқилмоқда. Аммо ушбу дастурларда кўзда тутилган ишлар таҳлилнинг мавзусига олдин киритилмаган бўлиши мумкин. Аммо ушбу дастурларнинг бажарилишини таъминлаш учун тегишли ахборотлар олинади ва улар тезкор тарзда таҳлил қилиниб, тегишли хулосаларга келинади. Бунда таҳлил вазиятни ўрганишга, талаб қилинган ҳолатга мослашиши зарур.

Жадвалда келтирилган ҳар бир тамойилни атрофлича кўриб чиқиш мумкин. Уларнинг муҳимлари бири ишонч томойилидир. Ахборотлар ишончли бўлмаса, таҳлил ишончли бўлмайди, таҳлил ишончли бўлсмаса, ишончли хулоса чиқариш мумкин эмас ва мос равишда, ишончли бошқарув қарорларини қабул қилиб ҳам бўлмайди. Шу туфайли барча даражадаги ҳолатлар ишонч асосида қурилмоғи лозим. Ишонч софликни, ҳаққонийликни, одилликни таъминлайди. Шу туфайли улар бир-бири билан узвий ҳолда намоён бўлади.

Бир-бирига ишонч ва бошқа юқоридаги унсурлар, иқтисодиётда "САХТҲОБ" тамойили орқали эришилади. Бунинг мазмуни нимадан иборат деган саволнинг туғулиши табиий. Бу энг аввало, софлик (С) дегани. Софлик орқали ишончга сазовар бўлинади. Бир - бирига ишонган кишилар ўртасида соф, самимий муносабат бўлади. Иккинчиси эса, ахборотларнинг ҳаққонийлиги (АҲ). Бунга ахборотлар ҳаққоний бўлган жойдагина эришиш мумкин. Ахборотлар оддий рақамлар эмас, уларнинг ҳар бири қандайдир, кимнингдир манфатини ифодалайди. Масалан, амалиётда ахборотларни қўшиб ёзиш эвазига сохталаштиради. Бу кимнинг манфаатига хизмат қилади? Бу энг аввало, шу хўжалик, корхона раҳбари манфаатига хизмат қилади, чунки у раҳбарлик қилган корхона бошқалар фикрида "юқори кўрсаткичга эришди" деган сохта хулоса чиқариш ва арзон обрўй орттириш учун қилинади. Бу эса унга вақтинчалик сохта обрўй, маънавий ва моддий рағбат келтириши мумкин. Аммо у шу корхонада ишлайдиганлар учун ҳам, халқ ва давлат учун ҳам ўта зарарлидир. Йўқ нарсани бор, бўлмаган нарсани бўлди деб кўрсатиб нотўғри сулоса, нахолис бошқаришга олиб келади. Жамиятнинг қашшоқланишига сабаб бўлади. Бу иллат асосан режали иқтисодиётдан қолган энг салбий меросларлан биридир.

Ушбу тамойилдаги учинчи бўғин – бу тўғри хулоса (ТХ). Ахборотлар ҳаққоний бўлмаган жойда тўғри хулоса чиқариш қийин. Масалан, мамлакатимиз аҳолисини таъминлаш учун 4,0 миллион тонна ғалла керак деб фараз қиламиз. Агар 3,0 миллион тонна етиштириб 4,0 миллион тонна ғалла етиштирилди деб ахборот берилса бу ҳукумат раҳбарларининг нотўғри хулоса чиқаришига олиб келади. Уларда ғалламиз бир йилга етади деган хотиржамлик кайфиятини туғдириш мумкин. Натижада эса йилнинг

уч чорагига ғалла етиб аҳолини яна бир чорак давомида ғаллага бўлган эҳтиёжини қондириш муаммоси кўндаланг бўлиб қолиши мумкин. Шу учун тўғри хулоса ҳаққоний, тўғри ахборотлар маҳсули эканлигини унутмаслик лозим.

Ушбу тамойилдаги тўртинчи буғин бу одилона бошқариш (ОБ). Тўғри хулоса бўлмаган жойда одилона бошқаришга эришиб бўлмайди. Шу туфайли ушбу тушунчалар бир-бирига занжирсимон, диалектик боғлиқликка эга. Шундай қилиб, САҲТХОБ тамойили С - софлик, АҲ - ахборотлар ҳаққонийлиги, ТХ - тўғри хулоса ва ОБ - одилона бошқарувдан иборатдир.

Ушбу тамойилни эркинлашаётган иқтисодиётнинг барча унсурларига, хусусан, иқтисодий таҳлилга ҳам қўллаш мумкин. Чунки иқтисодий таҳлилнинг аҳамияти бозор муносабатларининг шаклланиши билан янада ошмоқда. Энди хўжалик юритувчи субъектлар ўзларига мақбул, тўғри ва фойдали йўл танлаб олиши учун ўз фаолиятини, қилган ва қилажак ишларини фақат таҳлил қилмоғи лозим. Таҳлил ҳар томонлама бўлишини тақозо қилади. Энг аввало, ҳозирги пайтда қилинадиган иш олдиндан таҳлил қилиниб кўрилиши лозим. Сўнгра қилинаётган иш таҳлил қилинса ва ниҳоят қилинган иш атрофлича таҳлил қилиниб ўрганилади.

Таҳлилнинг мақсади тўғри хулоса чиқариш, одилона бошқарув қарорларини қабул қилиш учун тегишли ахборотларни тайёрлаб беришдан иборатдир. Аммо тўғри хулоса чиқариш учун ахборотлар ҳаққоний, реал бўлишини талаб қилади. Ахборотларни ким тўплайди, ким унинг ҳаққонийлигига жавоб беради. Албатта мутахассислар, бошқарув идораси (аппаратида) ўтирган ходимлар. Агар улар ҳалол-пок бўлмаса ахборотлар тўғри бўлмаслиги мумкин. Чунки ҳар бир ахборотнинг замирида, юқорида таъкидланганидек. манфаат ётади. Агар ходим ахборотларни жамлаш ва шакллантиришда ўз манфаатини устун қўйиб ишлайдиган бўлса у ҳаққоний бўлмаслиги мумкин.

Ҳақиқий бўлмаган ахборот ҳамиша чалкаш ва нотўғри хулосаларга олиб келади. Бу эса ўз навбатида оқилона бошқаришга ҳам салбий таъсир қилади. Шу туфайли таҳлил жараёнида ишонч ва САХТХОБ тамойилига доимо амал қилиш лозимлигини ҳаётий заруратдир.

Ушбу тамойил таҳлил учун ахборотларни етказиб берувчиларнинг энг аввало, софлигини талаб қилади. Улар соф

кишилар, ходимлар бўлсагина ахборот ҳаққоний бўлади. Агар ахборотлар ҳаққоний бўлмаса тўғри хулоса чиқариш қийин. Хулоса чалкаш, нотўғри бўлса одилона бошқарув қарорларини ҳам қабул қилиб бўлмайди. Шу туфайли таҳлилда тўғри ва изчилликни таъминлаш учун САҲТХОБ тамойилига доим амал қилиш лозим бўлади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда мазмун ва моҳияти жиҳатдан бутунлай янги бошқарув тизими таркиб топди. Аммо бу тизим қанчалик самарали ишламоқда, бугунги истиқлол, мустақиллик қўйган талабларга жавоб бераяптими? Бундай саволлар кетидан саволлар туғилмоқда. Мамлакатимиз Президенти бот-бот таъкидлаганидек, тўрачилик, ўз вазифасига совуққонлик билан қараш, коррупциянинг мавжудлиги, бефарқлик жамиятимиз тараққиётига тўсиқ бўладиган омилларгина бўлиб қолмасдан, жуда катта моддий ва маънавий зарар ҳам кўрсатади. Минг афсуски, бу зарарнинг моддий ва маънавий қийматини ҳисоблаб чиқиш қийин. Чунки юқоридаги иллатлар бор жойда адолат бўлмайди, адолат йўқ жойда одамлар розилигига эришиш умуман мумкин эмас.

Энг муҳими бу иллатларнинг ҳамон мавжудлигига сабаб тайинлаб қўйилган раҳбарларнинг, сайлаб қўйилган депутатлар ва халқ олдида, ҳамиша ҳисобот бермаслигидандир. Юртбошимиз таъкидлашича ҳокимлар ҳамда ҳокимликлар таркиби депутатлар олдида ўзлари мунтазам ҳисобот беришлари лозимлигини қанчалик сезишаяпти? Бу борада ҳал этиш зарур бўлган катта муаммолар мавжудлиги туфайли бугунги кунда барча раҳбарлар халқ олдида ҳисобот бермоқда.

Халқ, ходимлар раҳбарга ишонади. Аммо у ишончга сазовар бўлаяптими-йўқми бунга бир ҳисобот бериши керак. Қачонки улар ўртасида қайта алоқа бўлмас экан иқтисодиётни бошқаришда ишонч ва САҲТХОБ тамойилини қўллаш қийин бўлади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш, модернизация ва диверсификация қилиш концепцияси унда “Ишонч ва САХТХОБ” тамойилларидан фойдаланишни янада кучайтиради. Чунки бундай жараёнлар хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз фаолияти учун иқтисодий ва молиявий масъулиятини оширди. Бундан кўриниб турибдики, эркинлик ҳамиша масъулият билан узвий боғлиқ бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Қисқа ўтган давр шуни кўрсатдики, ҳамма жабҳада эркинликни жорий қилиш учун олдин масъулият ҳиссасини ўйғотиш лозим. Масъулият бўлмаса, боқимандалик кайфиятида юрган шахсларга эркинлик бериб бўлмайди. Улар ўз йўлини топиб ўзини тиклаб кетиши қийин. Шу тамойил ва талабдан иқтисодиёт ҳам ҳоли эмас. Ҳаёт кўрсатиб турибдики, қаерда раҳбар боқимандалик кайфиятидан қутила олмаган бўлса ўша ерда, ўша корхонада иқтисодий инқирозга юз тутмоқда. Агар у хусусий корхона бўлса, албатта фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлмоқда.

Масъулият инсонларда ташаббускорлик, изланувчанлик ҳиссини уйғатади. Бундай раҳбарлар бошқараётган корхоналар юқори самарадорликка эришаётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Мухтасар қилиб айтганда, эркинлик ўз-ўзидан бир кунда бериладиган жараён бўлмасдан, унга босқичма-босқич эришилади, шунга мос ҳолда масъулиятни ошириб бориш ҳам аста-секинлик билан эришадиган неъматдир. Ҳар бир инсонда масъуллик туйғуси ўйғонганлиги тўғрисида энг аввало, ўзида, кейин ўзгаларда ишонч ҳосил қилиши лозим. Ишонч бор жойда самимийлик бор. Айнан шу ҳолатда "САҲТХОБ" тамойилини қўллаш мумкин. Ушбу тамойил бугунги кун талабидан келиб чиққан иқтисодиётда ва унинг барча унсурларида қўлланилиши лозим бўлган мазмун моҳияти жиҳатидан янги тамойилдир.

Кўриниб турибдики, иқтисодий таҳлил ва унда қўлланиладиган ахборотларнинг бир-бири билан боғлиқлик тамойилларини амалга ошириш масаласи, бугунги кунда ўта долзарб экан. Шу туфайли ахборотларни жамлаш ва уларни таҳлил қилиш жараёнида юқорида қараб чиқилган барча тамойилларга таянишга тўғри келади.

6.2. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган ахборотлар тизими

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида (1981 йил) ахборотга иккита изоҳ берилган: 1) Хабар; хабарлар; маълумот, информация. 2) Вақти-вақти билан чиқиб турадиган баъзи тўпламларнинг номи. Буларнинг ичида иқтисодий таҳлилга мосроқ атама – бу маълумотдир. Ушбу манбада "Маълумот" атамасига ҳам иккита изоҳ берилган: 1) Ўқиш-ўрганиш натижасида олинган билим даражаси. 2) Хабар, ахборот. Далил бўладиган ҳужжат, рақам ва шу каби материаллар.

Ушбу атаманинг изоҳи кейинчалик бироз такомиллаштирилди. Ўзбек тилининг беш жилдлик изоҳли луғатида (2006 йил) ахборот атамасига учта изоҳ берилган. “1. Иш воқеа-ҳодисалар ҳақида тушунча берувчи хабар, маълумот. 2. Радио эшиттириши, телевидение кўрсатувида махсус информацион дастурнинг номи. 3. Вақти-вақти билан чиқиб турадиган баъзи тўпламларнинг номи”[115]. Кўриниб турибдики, бу икки ҳолда ҳам ахборотларнинг мазмуни иқтисодий таҳлил ва бошқарув нуқтаи назаридан етарли даражада очиб берилмаган.

Бизнинг фикримизча, ахборотлар табиат, жамият ва инсон тафаккурида содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган жараёнлар туғрисида доимий равишда олиниши мумкин бўлган маълумотлар мажмуасмидан иборатдир. Бироқ, содир бўлган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар бирорта манбада, ҳужжатда ўз ифодасини топмоғи лозим. Айнан ушбу ахборотлар иқтисодий таҳлилда қўлланилади. Шу туфайли иқтисодиётни бошқариш ва таҳлил қилиш учун бизга барча ахборотлар ичидан ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ўзида ифода этган қонуний кучга эга бўлган ҳужжатларда ўз аксини топган иқтисодий ахборотлар олинади.

Иқтисодий ахборотлар иқтисодиётда содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган жараёнлар тўғрисидаги маълум бир ҳуқуқий кучга эга бўлган маълумотлар мажмуидан иборатдир. Масалан, ўтган даврда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми тўғрисидаги ахборотни биз ушбу хўжалик юритувчи субъектнинг ўтган даврдаги ҳисоботидан оламиз. Ҳисобот қонуний кучга эга бўлади қачонки, унинг тўғри тузилганлигини кафолотловчи ташкилот раҳбари ва бош бухгалтернинг ёки бошқа масъул шахсларнинг имзоси ва шу имзоларни тасдиқловчи юмалоқ муҳири босилган бўлса. Ушбу кўрсаткичнинг ҳозирги ҳолати ва келгуси истиқболдаги ҳажми ҳам тегишли тарзда ҳисоб-китоб қилиниб масъул шахслар томонидан тасдиқлансагина улардан иқтисодий таҳлилда фойдаланиш мумкин.

Табиат, жамият ва инсон тафаккурида содир бўлаётган жараёнлар тўғрисида, одатда инсон бехабар бўлади. У тўлиқ маълумотга эга бўлади, қачонки шу жараёнлар тўғрисидаги тегишли ҳужжатларда ифода этилган рақамлар билан ифодаланган

[115] Ўзбек тилининг изоҳли уғати: - Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” ДИН, 2006. – 119-120 бетлар.

ахборотларга эга бўлса. Ахборотлар қанчалик тўлиқ, қанчалик ҳаққоний бўлса ундан чиқариладиган хулосалар ҳам шунчалик тўлиқ ва тўғри бўлади.

Аммо шуни таъкидлаш жоизки, ахборотлар зарур миқдорда бўлиши лозим. Унинг кам бўлиши тўлиқ ва тўғри хулоса чиқариш имконини бермайди, кўпи эса улардан тез ва соз фойдаланишда қийинчиликлар туғдириши, ортиқча вақтни олиши мумкин. Ахборотларнинг кўпи яхши, лекин улар ортиқча бўлмаслиги лозим. Шу туфайли ҳар бир жараённи таҳлил қилганда, айнан шу жараёнга тегишли ахборотларни олишни тақозо қилади.

Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган маълумотлар ва ахборотларни бир-биридан фарқламоқ лозим.

Маълумотлар деганда, содир бўлган ҳодиса ва жараёнларни ўзида ифода этган бирламчи ҳужжатлар ва бошқа воситаларда акс этиладиган рақамлар, белгилар, хабарлар тушунилади. Масалан, 15 киши бир ой ишлади деган маълумот табелда, 2 киши касаллик варақасида, шунча маҳсулот сотилди деган маълумот счет-фактурада, қанча пул ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумот тўлов-буюртмасида ифодаланади. Буларнинг ҳаммаси у ёки бу ижтимоий-иқтисодий жараёнлар тўғрисида аниқ маълумотлар беради.

Ахборотлар деганда, юқорида таъкидланганидек, шу маълумотларни жамлаш, уларни ишлатиш орқали маълум тизимга келтириш натижасида ҳосил бўлган ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ифода этадиган маълумотлар мажмуи тушунилади. Иқтисодий таҳлилда асосан ахборотлардан кенгроқ фойдаланилади. Баъзан таҳлилни чуқурлаштириш, аниқлик киритиш учун бевосита бирламчи маълумотлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Ахборотлар қаерда ифодаланишига қараб учга бўлинади: оғзаки, ҳужжатларда ва машинада.

Оғзаки ахборотлар кўпгина тезкор ҳисобда қўлланилади. У бевосита мулоқот, телефон ва бошқа воситалар орқали берилиши мумкин. Бозор муносабатлари шароитида оғзаки ахборотлар жуда кенг қўланилади. Бунда ахборот берувчи ва унинг истеъмолчиси ўртасида бир-бирига юксак ишонч бўлиши лозим.

Содир бўлган иқтисодий жараёнлар, ҳужжатларда ифода этилади. Булар энг аввало, бухгалтерия ҳисобида ўз ифодасини топади. Ҳар бир жараённинг қонунийлиги айнан шу ва шу каби ҳисобларда, ҳужжатларда ўз тасдиғини топади. Шу жиҳатдан

жуда кўп ахборотлар иқтисодий таҳлил учун ҳужжатлардан олинади. Ҳар бир ҳужжат қонуний кучга эга бўлиши керак. Бу учун юқорида таъкидланганидек, ташкилот раҳбари, бош бухгалтери каби масъул шахсларнинг имзоси ва муҳири қўйилган бўлиши керак.

Машиналарда ифода этилган ахборотлар ҳозирги пайтда жуда кенг қўлланилмоқда. Зеро компьютерлар барча ҳисоб-китоб жараёнига кириб бормоқда. Ҳозирги пайтда компьютерлардан бевосита ахборотларни ҳисоб-китоб қилиш билан бирга уларни узатишда ҳам кенг фойдаланилмоқда. Масалан, Ўзбекистон "Интернет" га уланиб бутун дунё ахборот тизимига кирди ва улардан бемалол фойдаланилмоқда. Ёки ҳозир банк тизимлари бўйича ягона компьютер тармоғи ташкил қилинди. Бу ҳам банклар ўртасидаги мулоқотни компьютер орқали амалга ошириш имконини туғдиради.

Ахборотларнинг қаерда ифодаланиши бўйича таснифи қуйидаги чизмада кўрсатилган (6.1 - чизма).



6.1-чизма. Ахборотларнинг қаерда ифодаланиши бўйича таснифи.

Ҳар бир гуруҳ ахборотлар ўз навбатида яна бир қанча турларини ўз ичига олади. Буларни алоҳида-алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Оғзаки ахборотлар бозор муносабатлари шаклланган шароитда кенг қўлланилади. Жаҳон амалиётида иқтисодий жараёнларни тез амалга ошириш, бир-бирининг ишончига сазовор бўлиши учун оғзаки шартномалардан ҳам фойдаланилмоқда. Бу эркин рақобат шароитида ҳар бир фирманинг ўзларига ҳамкорлик топиши ва бир-биридан ишонч қозониши учун қулай воситадир.

Оғзаки ахбортлар ўз навбатида қуйидаги гурухларга бўлинади:

сўровга жавоб тариқасида берилган ахборот,

бевосита мулоқотда бериладиган ахборт,

маъруза ва нутуқлар орқали бериладиган ахборотлар,

телефон орқали бериладиган ахборотлар кабилар. Буларнинг таснифи қуйидаги чизмада келтирилган (6.2 - чизма).



6.2- чизма. Оғзаки иқтисодий ахборотлар таснифи.

Сўровга жавоб тариқасида бериладиган ахборотлар кўпинча муҳбирларининг, журналистлар, илмий ходимлар ва бошқа таҳлилчиларнинг интервьюлари орқали аниқланади ва олинади. Масалан, таҳлилчи иқтисодий ислоҳотнинг жадал боришини асослаш учун туман хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ташкилоти масъулларига бирқанча саволлар билан мурожаат қилиб уларнинг жавоблари асосида ўз хулосаларини янада бойитиш ва чуқурлаштириш мумкин.

Мулоқот пайтида бериладиган ахборотлар ҳам хулоса чиқариш ва маълум қарорлар қабул қилиш учун асос бўлади. Масалан, устоз-шогирд мулоқотида шогирди учун жуда кўп

ахборот бериш мумкин. Ёки мутахассисларнинг деҳқонлар билан мулоқотини мисол келтирайлик. Деҳқонларга қачон, қанча ўғит бериш, неча марта ҳайдаши, қачон ўриши, қандай ўриши каби кўргазмалар ҳам оғзаки мулоқот орқали берилиши мумкин.

Маъруза ва нутқлар орқали ҳам жуда кўп маълумотлар берилади. Мсалан, Ўзбекистоннинг бошқа ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасида тутган ўрни, аҳолининг ва маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари каби маълумотлар тингловчиларга жуда тўғри ва аниқ хулоса чиқариш учун жуда зарур маълумотлар бўлиб ҳисобланиши мумкин. Ёки нутқнинг бирон бир соҳада самарадорликни амалга ошириш учун олиб бориладиган ишлар кўлами ва натижалари тўғрисидаги маърузаси айнан шу соҳага кирувчи битта корхона раҳбари учун ўзининг ютуқ ва камчиликларини таҳлил қилиш учун асос бўлиши мумкин.

Жуда кўп ахборотларни радио, телевидение каби оғзаки ахборотлар воситаларидан ҳам олиш мумкин. Телефонограмма ҳам бевосита оғзаки ахборот воситаси сифатида кенг қўлланилмокда.

Шундай қилиб, оғзаки ахбортлар, ҳозирги пайтда, таҳлил қилиш, маълум бир хулоса чиқариш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш учун кенг кўламда қўлланилмокда. Келажакда эса унинг ривожланиши, қўлланилиш доирасининг кенгайиши, бошқарув учун асос бўлиши шак-шубҳасиздир.

Ҳужжатларда ифодаланадиган ахборотлар ҳозирги шароитда иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган асосий ахборотлардир. Таъкидланганидек, содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган иқтисодий жараёнлар, энг аввало, ҳужжатларда ифодаланади. Бу ҳужжатлар мулкдор, давлат, иш берувчи ва соҳибкорнинг манфаатини, ҳақ-ҳуқуқини ифода этиш билан бирга, уларни ҳимоялайди ҳам. Масалан, иш берувчи соҳибкорга қанча ишлаганига қараб иш ҳаққи тўлайди. Мулкдор ўз мулкини бир кишига хатлаб ижарага берган бўлса ижарачи шу мулкни сон ва сифат жиҳатидан сақланиши учун жавобгар ва ҳ.к.

Демак, ижтимоий - иқтисодий ҳаётимизда ҳужжатларнинг унда ифода этилган ахборотларнинг аҳамияти беқиёс. Ҳужжатлар ҳам жуда кўп, улар турли-туман. Бу ҳақида бухгалтерия ҳисоби фанида тўлиқ маълумотлар берилади.

Иқтисодий таҳлилда ҳужжатларнинг жамланган қисмларидан фойдаланилади. Улар кўпинча бухгалтерия, статистик ва тезкор ҳисоб-китобларда ифодаланади. Шундай қилиб, иқтисодий жараёнларни ўзида акс этадиган ҳужжатларда ифодаланадиган бирламчи ахборотлар асосан корхона режасида, бухгалтерия, статистик ва тезкор ҳисоб ва ҳисоботларда ўз аксини топади. Бу қуйидаги чизмада ифодаланган (6.3-чизма).



6.3-чизма. Ҳужжатларда ифодаланган иқтисодий ахборотларнинг таснифи.

Ҳозирги пайтда ҳисоб-китоб ишлари аксарият ҳолларда бевосита компьютерлар ва бошқа ҳисоблаш машиналарида бажарилмоқда. Баъзи жойларда эса ушбу ишнинг аксарият қисми ҳамон қўл кучи билан анъанавий тарзда амалга оширилмоқда. Шу жиҳатдан машиналаштириш даражаси бўйича ахборотлар икки гуруҳга бўлинади: машиналаштирилган ва ярим машиналаштирилган .

Машиналаштирилган ахборотлар асосан перфокарталарда, перфотасмаларда, магнит тасмаларида, дискларда, дискетларда, бевосита компьютер файллари кабиларда акс эттирилади.

Ярим машиналаштирилган ахборотларнинг бир қисми ҳисоблаш машиналарида ва бир қисми анъанавий тарзда қўлда бажарилган тегишли ҳисоб ва ҳисоботларда ифодаланади. Ушбу ахборотларнинг ҳаммаси иқтисодиётни бошқариш ва таҳлил қилиш учун асосий ахборот берувчи маълумот бўлиб ҳисобланади. Буларнинг таснифи қуйидаги чизмада келтирилган (6.4-чизма).



6.4-чизма. Ахборотларнинг машиналаштириш даражаси бўйича таснифи.

6.3. Корхоналарнинг молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботини такомиллаштириш

Корхонанинг молиявий ҳисоботи таркибида унинг молиявий-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисидаги (2-шакл) ҳисобот муҳим аҳамиятга эга. Аммо уни ҳозирги эркин иқтисодиёт шароитида бухгалтерия ҳисобининг миллий андозаларига мос ҳолда такомиллаштиришни талаб қилади. Мазкур ҳисобот тўғри фойдаланиш ва молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар

бўйича корхонани бошқариш учун уларнинг атрофлича таҳлил қилинмоғи лозим. Шу жиҳатдан ҳар қандай ҳисобот таҳлил талабларига тўлиқ жавоб бериши даркор.

Шу талабдан келиб чиқиб молиявий ҳисоботнинг 2-шаклини қуйидагича такомиллаштиришни тавсия қиламиз:

1. Мазкур ҳисоботнинг бошида ялпи тушум ва давлатга тўланадиган солиқлар (ҚҚС, аксиз)нинг кўрсатилиши шарт эмас. Чунки ялпи тушум таҳлил қилишда корхона фаолиятини баҳолаш учун керак бўлмайди. Бундан ташқари солиқ тўғрисида ушбу ҳужжатнинг охирида алоҳида маълумотнома берилган. Уни бирлаштириш лозим.

2. Корхона тўлайдиган солиқларни икки қисмга, яъни давлат бюджети ва маҳаллий бюджетга тўланадиган турлари бўйича алоҳида кўрсатилиши мақсадга мувофиқ. Бу биринчидан, корхонанинг давлат ва маҳаллий бюджетга қанча ҳисса қўшганлигини кўрсатса, иккинчидан эса, солиқларни алоҳида турлари бўйича таҳлил қилиш имкониятини ҳам яратади. Эркин иқтисодиёт шароитида корхоналар тўлайдиган солиқлар таҳлил қилинмоғи лозим, зеро бу хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат билан муносабатини ўзида ифодалайди.

3. Давр харажатларининг умумий сўммаси ва унинг алоҳида турлари ҳисоботда ўз ифодасини топиши лозимлигидан келиб чиқиб, унга айрим кўрсаткичларни киритишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Хусусан, сотиш билан боғлиқ харажатларни, маъмурий бошқарув харажатлари, бошқа операцион харажатлар. Бу моддага соҳаларга қараб яна турли кўрсаткичларни киритиш мумкин.

4. Молиявий фаолият натижасининг ҳам умумий сўммаси алоҳида турлари бўйича кўриниб турмоғи лозим. Шу туфайли ҳисоботнинг бу моддасини ҳам узгартиришни тавсия қиламиз. Бу моддани алоҳида аниқ моддалари билан ифодалаш учун унга уюшма ва шўъба корхоналардан олинган девидендлар, бошқа олинган девидендлар, уюшма ва шўъба корхоналаридан олинган ва берилган қарзлар бўйича фоизлар, бошқа тўланган ва олинган фоизлар, валюта курси фарқи (ижобий+, салбий-), узоқ муддатли ижарага беришдан (лизинг) олинган даромадлар, молиявий фаолият бўйича бошқа даромадлар ва харажатлар кабиларни қўшиш мумкин.

5. Ҳисоботда фавқулодда фойда ёки зарар кўрсатилган. Аммо улар нималардан таркиб топганлигини ҳам таҳлил қилишга тўғри келади. Шу туфайли уни ҳам алоҳида моддалари бўйича кўрсатиш лозим. Бунда фаолияти тухтатилиши билан боғлиқ зарар, кўзда тутилмаган ҳодисалар бўйича фойда (зарар), бошқа тасодифий фойда (зарар)ларни кўрсатиш тавсия қилинади.

6. Ҳисоботда молиявий натижалар тўғрисидаги кўрсаткич соф фойда билан тугайди. Лекин молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар туркумига тақсимланмаган фойда, тўланган давидендлар, жамғарилган фойда каби кўрсаткичлар ҳам ўз ифодасини топмоғи лозим. Шу туфайли мазкур ҳисоботда шу кўрсаткичлар ҳам ёритилиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Буларни инобатга олиб, биз молиявий ҳисобот таркибига кирувчи «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»нинг янги шаклини ишлаб чиқишни тавсия қилмоқдамиз.

Бугунги кун талабидан келиб чиқиб, унинг номини «Молиявий-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳисобот» деб ўзгартириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, бюджетга тўланмалар тўғрисидаги маълумотни ҳам ушбу ҳисоботнинг давомида алоҳида «Давлат бюджетига тўлайдиган солиқлар» ва «Маҳаллий бюджетга тўлайдиган солиқлар» бўйича кўрсатиш мақсадга муфофиқ.

Давлат бюджетига тўланадиган солиқларга қуйидагиларни киритишни тавсия қиламиз: қийматга қўшилган солиқ, акциз солиғи, даромад (фойда) солиғи (буни алоҳида ҳуқуқий ва жисмоний шахслар бўйича кўрсатиш лозим), экология солиғи, қазилма бойликлардан фойдаланганлик солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик солиғи ва ҳ.к.

Маҳаллий бюджетга тўланадиган солиқлар ҳам қуйидаги тартибда алоҳида кўрсатилиши лозим. Бунга: кичик корхоналар учун ягона солиқ, мулк учун солиқ, ер солиғи, қишлоқ хўжалигида товар ишлаб чиқарувчилар учун ягона солиқ, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, меъёрдан ортиқча ишлаб чиқариш заҳираси учун тўланадиган солиқ, маҳаллий бюджетга тўланадиган бошқа солиқлар ва тўловлар.

Бундан ташқари, ҳозирги шароитда корхоналар бевосита экспорт ва импорт операциялари билан ҳам шуғулланмоқда. Бу фаолият иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида такомиллашиб

боради. Шу учун экспорт бўйича бож тўлови, импорт бўйича бож тўлови ҳам алоҳида мазкур ҳисоботда кўрсатилиши лозим.

Шунингдек, корхона давлат ва маҳаллий бюджетга ўз вақтида солиқ ва бошқа тўловларни тўламаслиги мумкин. Бу бўйича жарима шаклида иқтисодий жазо қўлланилади. Шу туфайли махсус қаторда «Бюджетга ўз вақтида тўламаганлиги учун иқтисодий жазо (жарима)» сўммаси ҳам кўрсатилиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Агар бизнинг тавсияларимиз амалга ошадиган бўлса, амалдаги молиявий ҳисоботнинг 2-шакли «Молиявий натижалар тўғрисида» ги ҳисобот анча такомиллашган бўлар эди. Энг муҳими ушбу ҳисобот Ўзбекистонда қабул қилинган бухгалтерия ҳисобининг миллий андозаларига янада мослашган ҳамда иқтисодий таҳлил талабига тўлиқ жавоб берган бўлар эди. Бу эса корхоналарни эркин иқтисодиёт шароитида самарали бошқариш имкониятини яратади.

Ўзини-ўзи текшириш ва такрорлаш учун саволлар

1. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган ахборотлар мазмуни.
2. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган ахборотлардан таҳлилда фойдаланиш тамойиллари.
3. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган ахборотларнинг бир-бири билан боғлиқлик тамойиллари.
4. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган ахборотлар тизими.
5. Корхоналарнинг молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботида ифодаланадиган кўрсаткичлар.
6. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботини такомиллаштириш.

7-боб. ОМИЛЛИ ТАҲЛИЛИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

7.1. Омилли таҳлил ва унинг асосий элементлари

Жамиятда, унинг бир бўлаги бўлган корхонада содир бўладиган иқтисодий жараёнлар ўз-ўзидан амалга ошмайди, балки улар маълум омиллар таъсирида рўй беради. Шу туфайли корхона ишини яхшилаш учун унинг натижасига қандай омиллар ижобий, қайсилари салбий таъсир қилганлигини билиш лозим. Бу ижобий омилларни кучайтириш, салбий таъсир қилган омилларни бартараф қилиш имконини беради. Шу туфайли иқтисодий таҳлил жараёнида омилли таҳлил усулларидан фойдаланиш учун унинг табиатини, мазмуни, турлари, бир-бири билан боғланиш моделларини ўрганишни тақозо қилади.

Омилли таҳлил деганда натижа кўрсаткичининг ўзгаришига таъсир қилувчи турли омилларнинг таъсирини иқтисодий таҳлилнинг анъанавий, математик ва бошқа усуллари орқали комплекс ўрганиш асосида аниқлаш йўллари тушунилади.

Иқтисодий кўрсаткичларнинг омилли таҳлилида асосан иккита элемент иштирок этади. Булар натижа кўрсаткичи ва уларнинг ўзгаришига таъсир қилувчи омиллардан иборат.

Натижа бу иқтисодий кўрсаткич бўлиб, иқтисодий жараёнлар натижасини маълум бирликда (ўлчамда) ифода этадиган миқдорий кўрсаткичлардан иборат. Масалан, ишлаб чиқариш жараёнининг натижаси унда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми билан ўлчанади. Савдо билан боғлиқ иқтисодий жараённинг натижаси эса унинг товар айланмаси билан ўлчанади. Корхоналар молиявий фаолиятининг натижаси унинг олган даромади, фойдаси ва бошқа молиявий кўрсаткичлар билан ифодаланади.

Омиллар деганда, шу натижа кўрсаткичи миқдорининг кўпайиши ёки камайишига сабаб бўладиган жараёнларни ифодаловчи иқтисодий кўрсаткичлар мажмуи тушунилади. Масалан, маҳсулот ишлаб чиқариш учун моддий, молиявий ва меҳнат ресурслари лозим. Буларнинг сифати, самарадорлиги ишлаб чиқариш

ҳажмини оширади. Жумладан, малакали ходимларнинг шаклланиши, илғор технологиядан фойдаланиш, сифатли хом ашёни ишлатиш маҳсулотнинг ҳажмини ва сифатини оширувчи асосий омиллардир. Агар малакали кадрлар бўлмаса яхши технология ҳам, сифатли хом ашё ҳам яхши самара бермаслиги мумкин. Ёки малакали кадрлар бўла туриб, юқори даражадаги илғор технология бўлмаса бундан ҳам фойда кам, ишлаб чиқариладиган маҳсулот кўзда тутган сифат ва ҳажм даражасида бўлмайди. Шунингдек малакали кадр, илғор техноло-гияга эга корхоналарда сифатли ва етарли миқдорда хом ашё бўлмаса ҳам кўзланган натижага эришиш қийин. Бундан кўриниб турибдики, натижа билан омиллар, омиллар эса ўзаро бир-бири билан узвий боғлиқ экан.

Натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик иқтисодий кўрсаткичларда ифодаланади.

Иқтисодий кўрсаткичлар деганда, иқтисодий жараёнлар, ҳодисалар ва уларнинг натижасини миқдор ва сифат жиҳатидан ифодалайдиган номи ва ўлчамларга эга бўлган бирликлар тушунилади. Масалан, ишлаб чиқариш билан боғлиқ иқтисодий жараённи ифодаловчи асосий кўрсаткич маҳсулот ҳажми, меҳнат ресурсларини ифодаловчи кўрсаткич – ходимлар сони, кўчмас мулк ҳажмини ифодаловчи кўрсаткич – асосий воситалар, бизнинг қарздорларимиздаги маблағларимиз ҳажми–дебитор, биз қарз бўлган маблағ бўлса – кредитор каби кўрсаткичлар билан ифодаланади.

Ана шу иқтисодий кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқлик натижа ва омиллар ўртасидаги боғлиқликда намоён бўлади. Ушбу жараёнларни таҳлил қилиш омилли таҳлил орқали амалга оширилади.

Натижани “У” билан, омилларни “Х” билан ифодалайдиган ва натижа ўзгаришига бир қанча омиллар таъсир қиладиган деб фараз қилсак, у ҳолда натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқликни ифодаловчи математик модель вужудга келади. Бу моделни **омилли таҳлил модели** деб юритиш мумкин. Бунинг шакли қуйидагича бўлади:

$$У = f(x_1, x_2, x_3, \ldots x_n),$$

бунда У – натижа ;

$x_1, x_2, x_3 \ldots x_n$ *лар – биринчидан то n-чигача бўлган омиллар.*

Юқорида таъкидланганидек, натижа ва омиллар ўртасидаги боғлиқлик бевосита (функционал) ва билвосита (стохастик) бўлади. Шунга қараб омилли таҳлил моделлари турлича кўринишга эга бўлади.

Натижа ва омиллар ўртасидаги боғлиқлик бевосита, яъни функционал бўса барча арифметик ифодалардан (**“+”, “-”, “:”, “x”** ва ҳ.к.) фойдаланилади. Булар қуйидаги математик формулалар билан ифодаланади. Бунга қуйидаги боғлиқликларни мисол келтириш мумкин:

$$y = \frac{x_1}{x_2};$$

$$y = x_1 + x_2 + x_3 + \dots x_n;$$

$$y = x_1 * x_2 * x_3 \dots x_n;$$

$$y = \frac{x_1}{x_2 + x_3 + x_4};$$

$$y = \frac{x_1 \cdot x_2 \cdot x_3 \dots x_n}{x_1};$$

$$y = \frac{(x_1 - x_2) * x_3}{x_4\, x_6\, x_8};$$

$$y = \frac{(x_1 - x_2) : x_3}{x_4 : (x_5 + x_3)};$$

ва ҳ.к.

Натижа ва омиллар ўртасидаги боғлиқликлар билвосита (стохастик) характерга эга бўлса, уларнинг модели қуйидаги кўринишда бўлиши мумкин:

$y = a + вх$; $y = a + вх^2 + cx$; $y = f(x)$;

$y = x_1, x_2, x_3, \dots, xn$ ва ҳ.к.

Юқорида келтирилган омилли таҳлилда қўлланиладиган тушунчаларнинг мазмунини жамлаган ҳолда қуйидаги жадвалда келтирилган (7.1-жадвал).

7.1-жадвал

Омилли таҳлилда қўлланиладиган асосий тушунчалар ва элементлар

Омилли таҳлилда қўлланиладиган асосий тушунчалар ва элементларнинг номлари	**Омилли таҳлилда қўлланиладиган асосий тушунчалар ва элементларнинг мазмуни**
Натижа	Бу иқтисодий кўрсаткич бўлиб, иқтисодий жараёнлар натижасини ифода этадиган, шу жараённинг номи билан аталадиган ва маълум миқдорга эга бўлган бирликдан иборатдир.
Омиллар	Шу натижа кўрсаткичи миқдорининг ўзгаришига (кўпайиши ёки камайишига) сабаб бўладиган иқтисодий кўрсаткичлар мажмуасидан иборатдир.
Иқтисодий кўрсаткичлар	Иқтисодий жараёнлар, ҳодисалар ва уларнинг натижасини миқдор ва сифат жиҳатидан ифодалайдиган номи ва рақамларга эга бўлган тушунча (бирлик).
Омиллитаҳлил модели	Натижа ва омилларнинг ўзаро боғлиқлигини ифодаловчи математик ифода $У = f(x_1, x_2, x_3, \dots x_n)$ *бунда У – натижа; $x_1, x_2, \dots x_n$ – натижага таъсир қилувчи омиллар*
Натижа ва омиллар ўртасидаги боғлиқлик	Бевосита – функционал Билвосита – стохастик
Бевосита – функционал боғлиқлик модели	$м = му * х$ Бунда *м* – маҳсулот ҳажми *му* – меҳнат унумдорлиги *х* – ходимлар сони
Билвосита – стохастик боғлиқлик	$У=a+a_1x$ Бунда *У* – натижа a_o, a_1 – тенгламанинг ўзгармас параметрлари *х* – омил

Ушбу жадвалда омилли таҳлилни амалга ошириш учун зарур бўладиган асосий тушунчалар ва унинг элементлари келтирилган.

Ушбу тушунчалар асосан корхонанинг молиявий хўжалик фаолиятига таъсир қилувчи омилларни ҳисоблашда қўлланилади. Шу жиҳатдан мазкур жадвал маълумотлари омилли таҳлил билан боғлиқ масалани ўрганиш учун методологик асос бўлиб ҳисобланади.

Мазкур тушунчалардан нафақат иқтисодий таҳлил фанида, балки барча иқтисодиётга оида фанлар дафойдаланиш мақсадга мувофиқ. Энг муҳими, улардан иқтисодий ишларни амалга ошириш амалиётида фойдаланиш ҳозирги замон менежерларидан илмий асосланган бошқарув қарорларини қабул қилиш имконини ҳам беради.

7.2. Корхонанинг иқтисодий кўрсаткичларига таъсир этувчи омилларнинг таснифий белгилари

Корхонанинг молиявий хўжалик фаолиятида содир бўладиган жараёнлар ўз-ўзидан амалга ошмайди. Уларга бир қанча омиллар таъсир қилади. Шу омилларни тўғри тушуниш ва ўрганишни осонлаштириш учун уларни бир қанча белгилари бўйича таснифлаш мумкин. Буларга қуйидагилар киради: омилларнинг моҳияти бўйича; таъсир қилиш вақти бўйича; таъсир қилиш даражаси бўйича; таъсир қилиш характери бўйича; ҳодиса ва жараёнларни ифода этиш бўйича; ўлчаш мумкинлиги жиҳатидан; деталлаштириш даражаси бўйича; корхона фаолиятига боғлиқлиги жиҳатидан.

Ушбу омилларни таснифлаш белгилари қуйидаги чизмада келтирилган (7.1-чизма).

Юқоридаги чизмада кўриниб турибдики, корхоналарнинг молиявий хўжалик фаолиятига таъсир қилувчи омиллар жуда кўп экан. Тадқиқотлар натижасида уларни 8 та белгиси бўйича таснифлашни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Чунки омиллар маълум тизмга келтирилмаса уларни тўғри баҳолаш ва ўрганиш мураккаб бўлади.

Шуни таъкидлаш жоизки, мазкур омилларнинг натижа ўзгаришига таъсирини аниқлашда бевосита детерминал ва стахостик моделлардан фойдаланиш мумкин. Чунки уларнинг боғлиқлиги турли бўлиши билан бирга ўта мураккаб жараён билан ҳам боғлиқдир.



7.1-чизма. Корхона молиявий хўжалик фаолиятига таъсир этувчи омилларни таснифлаш белгилари

Ҳозирги пайтда барча омиллар таъсирини ҳисоблаш учун катта имконият эшиклари очилда. Айниқса, ҳисоб-китобларда компьютер технологиялардан фойдаланиш масаласи устувор бўлиб турган пайтда бундай имконият янада кенгайди.

Буларни инобатга олиб, ушбу омиллар таснифининг ҳар бирини қисқача қараб чиқамиз.

7.3. Натижага таъсир қилувчи омилларни моҳияти жиҳатидан таснифлаш

Омиллар моҳияти жиҳатидан ҳам таснифланади. Бу ҳолда улар асосий ва ёрдамчи омилларга бўлинади. Уларнинг бир-бири билан боғлиқлиги қуйидаги чизмада келтирилган (7.2-чизма).

Асосий омилларга натижа ўзгаришига бевосита бирламчи таъсир қилувчи омиллар киради. Масалан, маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига ходимлар сони (Х) ва меҳнат унумдорлиги (МУ) билан боғлиқ омилларни оладиган бўлсак, бу ерда “Х” ҳам, “МУ” ҳам асосий омилларга киради. Булар ўртасидаги боғлиқлик қуйидагича ифодаланади:

$$M = x * му ;$$



7.2-чизма. Омилларнинг моҳияти жиҳатидан таснифланиши

Ёрдамчи омилларга шу асосий омилларни ташкил қилувчи, уларга таъсир қилувчи омиллар киради. Масалан, ходимлар сонини (Х) ўз навбатида бевосита ишлаб чиқариш билан банд бўлган ходимлар сонини (Хич) шу ходимларнинг умумий ходимлардаги улушига (Ухич) бўлиш йўли билан аниқлаш мумкин:

$$X = \frac{Хич}{Ухич},$$

бу ерда "Х" – натижа, "Хич" ва "Ухич" омиллардир. Аммо маҳсулот ҳажми нуқтаи назаридан "Х" – асосий омил, "Хич" ва "Ухич" ёрдамчи омиллардир.

Худди шундай ҳолатни меҳнат унумдорлиги (МУ) бўйича ҳам келтириш мумкин. Бу ҳолда, "МУ"нинг миқдори бевосита ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимлар меҳнат унумдорлигини (Муич) шу ходимларнинг умумий ходимлардаги улушига (Ухич) кўпайтирганига тенг:

$$МУ = Муич \cdot Ухич;$$

Бу ерда ҳам ушбу формулага формула нуқтаи назаридан қаралса "МУ" натижа, "Муич" ва "Ухич"лар ёрдамчи омилларга киради. Маҳсулот нуқтаи назаридан эса МУ асосий омил бўлса, "Муич" ва "Ухич"лар иккиламчи омиллардир.

Натижанинг асосий ва ёрдамчи омиллар билан боғлиқлигини қуйидагича ифодалаш мумкин (7.2-жадвал).

бунда *М – натижа;*

Х, МУ – асосий омиллар;

$\frac{Хич}{Ухич}$, *(Муич, Ухич) – ёрдамчи омиллар.*

7.2-жадвал

Натижа ўзгаришига таъсир қилувчи асосий ва ёрдамчи омиллар

Натижа кўрсаткичи	Асосий омиллар	Ёрдамчи омиллар
М =	*Х * МУ* =	$\frac{Хич}{Ухич} * (Муич * Ухич)$

Омилли таҳлилда натижа кўрсаткичи сифатида қайси кўрсаткич таҳлил қилинаётган бўлса, ўша кўрсаткич олинади. Масалан, сотилган маҳсулот ҳажмини таҳлил қилинган пайтда унинг ҳажми натижа кўрсаткичи бўлса, ходимлар сони ва меҳнат унумдорлиги омиллар сифатида иштирок этади. Аммо меҳнат унумдорлиги таҳлил қилинаётган пайтда у натижа кўрсаткичи сифатида намоён бўлади. Ушбу кўрсаткич сотилган маҳсулотни ходимлар сонига бўлиш йўли билан аниқланади. Бундай ҳолда меҳнат унумдорлиги натижа, сотилган маҳсулот ва ходимлар сони омиллар бўлиб ҳисобланади. Меҳнат ресурслари таҳлил қилинаётганда эса, ходимлар сони натижа кўрсаткичи сифатида майдонга чиқади. Чунки ушбу кўрсаткични аниқлаш учун сотилган маҳсулот ҳажмини мкҳнат унумдорлигига бўлинади. Ушбу ҳолатда сотилган маҳсулот ва меҳнат унумдорлиги омиллар бўлиб ҳисобланади. Буларнинг ўзаро боғлиқлиги қуйидаги чизмаларда келтирилган (7.3-чизма).



7.3-чизма. Омилларнинг моҳияти жиҳатидан таснифланиши.

7.4. Натижага таъсир қилувчи омилларни таъсир қилиш вақти бўйича таснифи

Натижа ўзгаришига омилларнинг таъсири вақти бўйича ҳам таснифланади. Чунки айрим омиллар доимий таъсир қилса, айримлари вақтинча таъси қилади. Шу туфайли мазкур белги бўйича омиллар икки гуруҳга бўлинади: доимий таъсир қилувчи омиллар ва вақтинча таъсир қилувчи омиллар (7.4-чизма).



7.4-чизма. Натижа ўзгаришига омилларнинг таъсир қилиш вақти бўйича таснифи

Доимий таъсир қилувчи омилларга шундай омиллар киради-ки, улар иқтисодий жараёнлар содир бўлиб турган пайтда албатта мавжуд бўлади ва унинг у ёки бу кўрсаткичини ўзгартириб туради. Масалан, ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулот ҳажми биринчидан, бирқанча омиллар таъсирида ўзгариб турса, иккинчидан, у бирқанча кўрсаткичларни ҳам ўзгартириб туради.

Маҳсулот ҳажмининг ошиб бориши, корхонада ходимлар сонининг, иш ҳақининг кўпайишини, фойданинг ошишини таъминлайди. Мос равишда башқа кўрсаткичлар маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига таъсир қилади. Масалан, меҳнат унумдорлигининг доимий равишда ўзгариб туриши, ходимлар сони ўзгариши ҳам маҳсулот ҳажмига, иш ҳақи фондига, иқтисодий самарадорлик каби кўрсаткичларга таъсир қилади. Бу омилларнинг таъсири доимийдир.

Аммо баъзи омиллар ҳам борки буларнинг иқтисодий жараёнларга ва уларни ифодаловчи кўрсаткичлар ҳажмига таъсир қилиши **вақтинча** бўлади. Масалан, иқлимнинг мавсумий ўзгариши қишлоқ хўжалигида маҳсулот ҳажмига, қишлоқ хўжалиги

маҳсулотининг маълум бир мавсумда етилишига, аҳоли даромадига, санация қилинган қишлоқ хўжалиги корхонасининг вақтинча оёққа туришига, қисқа муддатли кредит корхонанинг молиявий жиҳатдан жонланишига таъсир қилиши мумкин. Ушбу омилларнинг таснифи қуйидаги чизмада келтирилган (7.4-чизма).

Мазкур омиллар ҳисобланиши жиҳатидан ҳам бир қанча гуруҳларга бўлинади. Булардан бир йўналиши ҳисобланадиган омиллар бўлса, иккинчи йўналиш – ҳисобланмайдиган омиллардир. Чунки, амалиётда жуда кўп омиллар борки, уларнинг кўпини аниқлаш мумкин эмас.

7.5. Натижа ўзгаришига омилларнинг таъсир қилиш даражаси бўйича таснифи

Омиллар таъсир қилиш даражаси бўйича ҳам таснифланади. Ушбу белгиси бўйича омиллар икки гуруҳга бўлинади: умумий омиллар, ўзига хос омиллар. Буларнинг ўзаро боғлиқлиги қуйидаги чизмада келтирилган (7.5-чизма).



7.5.-чизма. Омилларнинг таъсир қилиш даражаси бўйича таснифи.

Ҳар бир гуруҳ омиллар ҳам ўз навбатида бир қанча омилларни ўз ичига олади. Ушбу гуруҳларнинг ҳар бирининг қисқача тавсифи келтириш мақсадга мувофиқ.

Умумий омилларга барча соҳа, корхона ва иқтисодий жараёнларга таъсир қиладиган омиллар киради. Масалан, ходимлар сони барча соҳа учун бир хил. Ҳамма корхона у қайси соҳага қарашидан қатъи назар, тегишли ходимлар билан таъминланиши лозим. Барча корхонада, мулк шаклидан қатъий назар, ўз мақлағлари бор. Бу ҳам корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятига

таъсир қилади. Харажатлардан оқилона фойдаланиш масаласи бўйича ҳам худди шундай гапларни айтиш мумкин. Чунки, барча хўжалик юритувчи корхоналар фаолият юритиши учун бир қанча харажатларнинг бўлиши табиий. Бу омилларнинг ҳаммаси умумий ҳамма корхоналарга, қайси соҳа эканлигидан қатъи назар тегишлидир.

Ўзига хос омиллар фақат айрим соҳаларга ёки корхоналарга тегишли омиллар бўлади. Масалан, савдо маданиятини ошириш орқали савдо оборотини кўпайтириш фақат савдо корхонасининг натижавий кўрсаткичларини яхшилаши мумкин. Бу гуруҳ омиллар фақат савдо соҳасигагина тегишли. Бошқа бир мисол. Масалан, ернинг ҳосилдорлигини оладиган бўлсак, бу фақат қишлоқ хўжалик корхоналарига тегишли ўзига хос омиллардир. Бир хил ҳосилни турли ер майдонидан олиш мумкин. Буларга назар ташлайдиган бўлсак, ҳосилдор ер майдони кам бўлган ҳолда ҳалиги ҳосилни олиш мумкин, иккинчисида шунча ҳосил олиш учун кўпроқ ер майдони керак бўлади. Бу ҳам фақат шу соҳага хос бўлган омиллардир. Масалан, яна шу қишлоқ хўжалиги соҳасини олайлик. Фермерда сутли сигирлар бўлса бир бош қарамолнинг ўртача сут бериш миқдори ошади. Худди шундай миқдордаги сутни оддий сигирнинг учтасидан соғиб олиш мумкин. Бу ҳам фақат шу соҳага тегишли ўзига хос омиллардир. Ушбу омилларнинг ўзаро таснифи қуйидаги чизмада келтирилган (7.6.-чизма).

Ушбу омилларни таҳлил қилинаётган объектга, таҳлилнинг мақсади ва вазифаларига, таҳлил қилинаётган соҳанинг ўзгаришига қараб хоҳлаганча кўпайтириш ёки камайтириш мумкин. Биз томонимиздан келтирилган таснифлар методологик асос бўлиш учун берилмоқда. Булар эса, омилли таҳлини амалга ошириш учун турли ёндашувларни амалга ошириш учун қулайдир. Чунки, юқорида кўрганимиздек, турли соҳаларда турлича омиллар бўлиши мумкин. Жумладан, қишлоқ хўжалиги субъектлари фаолиятига таъсир қиладиган ернинг шўрланганлик даражаси, савдо ёки саноат корхоналарига унчалик даражада таъсир қилмаслиги мумкин.



7.6.-чизма. Омилларни таъсир қилиш вақти бўйича таснифлаш

7.6. Натижа ўзгаришига омилларнинг таъсир қилиш характери бўйича таснифи

Натижа ўзгаришига омилларни таъсир қилиш характери бўйича ҳам таснифлаш мумкин. Омиллар ушбу белгиси бўйича ҳам икки гуруҳга бўлинади: интенсив ва экстенсив омиллар. Бу борада анча тавсиялар бор, аммо соҳалар бўйича уларнинг таснифи аниқланган эмас. Чунки қишлоқ хўжалиги билан саноат, саноат билан хизмат кўрсатиш соҳалари бир-биридан фарқ қилади. Буларни инобатга олиб, ушбу таснифни методологик асос сифатида беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Буларнинг бир-бири билан боғлиқлиги қуйидаги чизмада ифодаланган (7.7.-чизма).

Экстенсив омилларга натижа кўрсаткичига таъсир қилувчи омиллар миқдорининг ўсиши билан боғлиқ омиллар, яъни қўшимча моддий, номоддий, молиявий ва меҳнат ресурсларини жалб қилиш киради. Ушбу омилларнинг ўзгариши эвазига натижа ҳам ўзгаради. Экстенсив омиллар кўпайса натижа кўрсаткичи ҳам кўпаяда ва мос равишда унинг миқдори камайса, натижанинг миқдори ҳам камаяди. Бундай омилларга ходимлар сонининг кўпайиши, моддий-техника базасининг қўшимча жалб қилиниши, ер майдонининг кенгайиши, чорва туёғининг ошиши каби омиллар киради. Ушбу омиллар таркиби ҳам қайси соҳада қўлланилишига қараб ўзгариши мумкин.

Интенсив омилларга, иқтисодий жараёнда фойдаланилаётган ресурслар самарадолигининг ошиши, омиллар сифатининг яхшиланиши каби сифатий омиллар киради. Масалан, мавжуд моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга эришилса, табиийки, натижа кўрсаткичи кўтарилади. Уларнинг пасайиши натижа ўзгаришига салбий таъсир қилади. Бундай омиллар жумласига меҳнат унумдорлиги, ернинг ҳосилдорлиги, чорванинг маҳсулдорлиги, моддий-техника базасининг самарадорлиги каби омилларни киритиш мумкин. Интенсив омиллар эвазига иқтисодий ўсишга эришиш иқтисодиётнинг умумий самарадорлигини оширади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ҳозирги пайтда интенсив омилларни инновацион омиллар билан кучайтириш мумкин бўлмоқда. Шу туфайли ушбу ҳолатни ҳам инобатга олиш

лозимдир. Чунки мамлакат иқтисодиётининг келажаги инновацион омиллар эвазига ривожланиб боради ва унинг рақобатбардошлиги ҳам шу йўл билан таъминланади.



7.7.-чизма. Омилларни таъсир қилиш даражаси бўйича таснифланиши

Ушбу гуруҳ омилларнинг таснифи қуйидаги чизмада келтирилган (7.8-чизма).

Экстенсив ва интенсив омиллар иқтисодиётнинг барча соҳаларида қўлланилишини инобатга оладиган бўлсак, уларни ҳисоблашда ҳам методологик ёндашув барча соҳаларга деярли бир хил жорий қилинади (7.9-чизма).



7.8.-чизма. Омилларнинг таъсир қилиш характери бўйича таснифланиши



7.9.-чизма.Омилларнинг таъсир қилиш характери бўйича таснифланиши

7.7. Натижа ўзгаришига омилларнинг ҳодиса ва жараёнларни ифода этиши бўйича таснифи

Натижа кўрсаткичига таъсир этувчи омиллар ходиса ва жараёнларни ифода этиши бўйича ҳам таснифланади. Ушбу гуруҳлар ҳам юқоридаги экстенсив ва интенсив омилларга ўхшайди. Аммо буларнинг хусусияти шундаки, миқдорий омиллар ҳамиша экстенсив омилларни ифода этмаслиги мумкин. Чунки, экстенсив омиллар мазмуни жиҳатидан қаралса, миқдорий омиллар ўлчами жиҳатидан қаралади. Ушбу тушунчалар табиийки, бир-биридан шу жиҳатлари билан фарқ қилади.

Тадқиқотларимиз кўрсатдики, ушбу белгиси бўйича ҳам омиллар икки гуруҳга бўлинади: миқдорий омиллар ва сифатий омиллар. Ушбу омилларнинг бир-бири билан боғлиқлиги қуйидаги чизмада ўз аксини топган (7.10-чизма).



7.10.-чизма. Омиллар ходиса ва жараёнларни ифода этиши бўйича ҳам таснифланади

Миқдорий омилларга кўп ҳолларда экстенсив омиллар ҳам дейилади, чунки бундай омилларнинг таъсири асосан уларнинг миқдорининг ўсиши билан боғлиқ, Бу омиллар жумласига ходимлар сони, асосий воситалар, айланма маблағлар, иқтисодий салоҳият, ер майдони кабиларнинг ўзгариши киради. Ушбу омиллар миқдорининг ўсиши натижани кўпайтиради ва тескариси.

Сифатий омилларга интенсив омиллар киради, чунки миқдорий омилларнинг сифат кўрсаткичлари яхшиланиши уларнинг самарадорлигининг ошганлигидан далолат беради. Самарадорлик эвазига натижанинг ўзгариши омилларнинг сифат натижасида ўзгарганлигини билдиради. Бундай омилларга меҳнат

унумдорлиги, асосий воситалар ва айланма маблағлар самарадорлиги, молиявий ва иқтисодий салоҳият самарадорлиги, ернинг ҳосилдорлиги каби омиллар киради. Ушбу омилларнинг кўпайиши натижанинг кўпайишига миқдорий омилларни кўпайтирмасдан эришиш имконини беради.

Ушбу омиллар гуруҳи омилларни таъсир қилиш характери бўйича гуруҳига жуда боғлиқ. Натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқликларнинг ҳар бирида миқдорий ва сифатий омиллар мавжудлигини кўриш мумкин. Масалан, маҳсулот ҳажми (М) ходимлар сони (Х) ва меҳнат унумдорлиги (МУ) кўпайтмасига тенг. Ушбу боғлиқликни қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$M = X \bullet MУ ;$$

бу ерда Х – миқдорий омил;
МУ – сифатий омил.

Сотилган маҳсулот ҳажмининг асосий воситалар (Ав) ва унинг самарадорлиги (Сав) билан боғлиқ омиллари қуйидаги формулаорқали ифодалаш мумкин:

$$M = Ав \bullet Сав ;$$

бу ерда Ав – миқдорий омиллар;
Сав – сифатий омиллар.

Худди шундай боғлиқликни бошқа омиллар бўйича ҳам кўриш мумкин. Масалан, сотилган маҳсулот ҳажмининг айланма маблағлар билан боғлиқлигини қарайдиган бўлсак, ушбу кўрсаткич (М) айланма маблағларнинг ўртача қиймати (Айм) ва унинг самарадорлик кўрсаткичининг (Сайм) кўпайтмасига тенг. Буни қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$M = Айм \bullet Сайм ;$$

бу ерда Айм – миқдорий омиллар;
Сайм – сифатий омиллар.

Бу боғлиқликлар ва омилларнинг таснифи қуйидаги чизмада ифода этилган (1.11-чизма).



7.11.-чизма. Омилларнинг ҳодиса ва жараёнларни ифода этиши бўйича таснифланиши

7.8. Натижа ўзгаришига омилларнинг ўлчаш имкониятининг мавжудлиги бўйича таснифи

Ҳаётда жуда кўп омиллар борки, уларнинг хўжалик фаолиятига таъсири жуда кучли, аммо уларни рақамларда ифодалаб, таъсирини ўлчаб ёки ҳисоблаб бўлмайди. Шу жиҳатдан омиллар ўлчаш мумкинлиги бўйича ҳам таснифланади. Ушбу белгиси бўйича омиллар икки гуруҳга бўлинади: ҳисобланадиган омиллар, ҳисобланиши қийин (мумкин бўлмаган) омиллар.

Буларга бир қанча мисолларни келтириш мумкин. Масалан, қишлоқ хўжалигида маҳсулот ҳосилдорлигига иқлим ва об ҳавонинг ўзгариши катта таъсир қилади. Аммо унинг қанча таъсир қилганлигини ҳисоблаш ўта мураккаб. Ёки ходимларнинг малакаси ва интеллектуал салоҳияти меҳнат унумдорлигига катта таъсир қилади. Аммо уларнинг таъсирини ҳам аниқлаш бироз

мураккаб. Буларнинг бир-бири билан боғлиқлиги қуйидаги чизмада келтирилган (7.12-чизма).



7.12-чизма. Ўлчаш мумкинлиги бўйича омилларнинг таснифи

Ҳисобланадиган омилларга жуда кўп кўрсаткичлар ва уларни ифода этувчи ҳисоботларда акс эттириладиган ва уларнинг натижага таъсирини ўлчаш мумкин бўлган омиллар киради. Булар жумласига ходимлар сони, меҳнат унумдорлиги, асосий воситаларнинг ва айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати, уларнинг самарадорлиги ва ҳ.к. омиллар киради. Ушбу омилларнинг қайси вақтда қандай таъсир қилганлигини иқтисодий таҳлилнинг турли усулларини қўллаб аниқлаш мумкин.

Ҳисобланиши қийин (мумкин бўлмаган) омилларга шундай омиллар киради-ки, уларни ўлчаш ёки бирорта кўрсаткич билан ифодалаш қийин. Улар ҳисоб ва ҳисоботларда ҳам ифода этилмайди. Масалан, савдо ходимларининг хушмуомалалиги харидорни ўзига жалб қилиб товар айланмасини кўпайтиради, аммо ушбу омил ҳеч жойда ифода этилмайди ва мос равишда қанча миқдорга оборотни оширганлигини ҳам ҳисоблаш қийин.

Яна бир мисол. Натижага иқлим ўзгариши ҳам жуда катта таъсир қилади. Аммо уни ҳам ўлчаш қийин. Аҳолининг маданий даражаси, интеллектуал савияси маънавиятлилик даражаси уларнинг меҳнат унумдорлигига катта таъсир қилади. Лекин бу омиллар таъсирини ҳам ўлчаш қийин. Ёки энг муҳим омиллардан бири меҳнат жамоасининг аҳиллиги, уларнинг ўртасидаги ахлоқий-руҳий муҳит ҳам корхона иш натижасига жуда катта таъсир қилади. Бироқ, бу омиллар таъсирини ҳам аниқлаш қийин.

Шу туфайли иқтисодий таҳлил жараёнида омилларни аниқ ҳисоблайдиган усуллар билан бирга мантиқий таҳлил ҳам қўлланилади. Ҳар бир жараённи кузатишда маълум хулосага келиш учун инсон тафаккури катта аҳамият касб этади. Ушбу омилларнинг таснифи қуйидаги чизмада келтирилган (7.13-чизма).



7.13-чизма. Омилларни ўлчаш мумкинлиги жиҳатидан таснифланиши

Мазкур омиллар барча гуруҳга тегишли бўлиши мумкин. Чунки ҳамма гуруҳда ҳам ўлчанадиган ва ўлчаниши мумкин бўлмайдиган, ҳисоботларда кўрсатиладиган ва ҳисоботларда ўз аксини топмайдиган омиллар мавжуд.

7.9. Натижа ўзгаришига омилларнинг деталлаштириш даражаси бўйича таснифи

Натижа ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни деталлаштириш даражаси бўйича ҳам таснифлаш мумкин. Улар ушбу

белгиси бўйича ҳам икки гуруҳга бўлинади: оддий таъсир қилувчи деталлаштирилмайдиган омиллар ва мураккаб деталлаштириладиган омиллар. Уларнинг бир-бири билан боғлиқлиги қуйидаги чизмада келтирилган (7.14-чизма).



7.14-чизма. Омилларнинг деталлаштириш даражаси бўйича таснифи

Оддий деталлаштирилмайдиган омилларга шундай омиллар киради, улар бевосита таъсир қилади ва уларнинг таъсири ўлчанади. Ушбу омилларни деталлаштириш имконияти бўлмайди. Масалан, меҳнат унумдорлиги ўзгаришига таъсир қилувчи қуйидаги омилларни олайлик. Бунинг учун мазкур формуладан фойдаланамиз:

$$Му = Хс * Хиу * Ик * Ис * Исму ;$$

Бунда Хс – корхонада банд бўлган ходимлар сони;

Хиу – корхонада банд бўлган ишчиларнинг умумий ходимлардаги улуши;

Ик – ҳар бир ходимнинг ўртача иш кунлари;

Ис – ҳар бир ходимнинг ўртача иш соати;

Исму – ҳар бир ходимнинг бир соатлик меҳнат унумдорлиги.

Мазкур формулада меҳнат унумдорлигининг ўзгаришига 5 та омиллар таъсир қилади. Шулардан биттаси, яъни корхонада банд бўлган ходимлар сони деталлаштирилади. Қолган омиллар деталлаштирилмайди, яъни уларни яна бўлиш ёки майдалаштириш имкони йўқ.

Деталлаштириладиган омилларга шундай омиллар киради, улар асосий омиллар бўлиши билан бирга қўшимча омилларни ҳам келтириб чиқаради. Масалан, корхонанинг иқтисодий салоҳияти рентабеллигини (Рис) олайлик. Ушбу кўрсаткич соф фойдани корхона иқтисодий салоҳиятининг ўртача қийматига

бўлиш йўли билан аниқланади. Ушбу кўрсаткични қуйидаги формула билан аниқлаш мумкин:

$$Рис = \frac{Ф}{Ис} \bullet 100$$

бу ерда Ф – соф фойда;

Ис – иқтисодий салоҳият ўртача қиймати.

Формулада келтирилган иккала омилни ҳам (Ф, Ис) деталлаштириш мумкин. Масалан, фойда даромадлардан (Д) харажатларни (Ха) айириш билан аниқланади:

$$Ф = Д - Ха;$$

Иқтисодий салоҳият (Ис) ўз навбатида тўртта элементдан иборат: асосий воситалар (Ав), айланма маблағлар (Ам) номоддий активлар (Нф) ва меҳнат салоҳияти (Мс). Булар ўртасидаги боғлиқлик қуйидагича ифодаланади:

$$Ис = Ав + Ам + Нф + Мс ;$$

Агар биринчи формулага шу икки омилнинг деталлашган қийматини қўядиган бўлсак у қуйидаги шаклга эга бўлади:

$$Рис = \frac{Ф * 100}{Ис} = \frac{(Д - Ха) * 100}{Ав + Ам + Нф + Мс} ;$$

Ушбу формула математик моделнинг кенгайтириш усули билан шакллантирилди. Ундаги рентабеллик кўрсаткичини аниқлашда дастлабки формулада келтирилган Ф ва Ис омиллар деталлаштириладиган омиллар бўлса, шу формуладан келиб чиққан Д, Ха, Ав, Ам, Нф, Мс омиллар деталлаштирилмайдиган омилларга киради. Булар қуйидагича (7.15-чизма).

Ушбу омилларнинг гуруҳлари юқорида келтирилган чизмада яққол кўриниб турибдики, деталлаштириладиган ва деталлаштирилмайдиган омиллар формулада жойланиши бўйича бир-биридан фарқ қилади. Бунда деталлаштирилмайдиган омил сифатида Ав, Айм каби омиллар келтирилган. Агар улар бирламчи формулада иштирок этганда эди улар ҳам деталлаштириладиган омилларга кирган бўлар эди. Бу ерда бошқа омилнинг алоҳида бир детали сифатида иштирок этганлиги туфайли уларни нисбатан деталлаштирилмайдиган омилларга киритишга тўғри келди. Бундай фикрларни бошқа омиллар хусусида ҳам айтиш мумкин.



7.15-чизма.Омилларнинг деталлаштириш даражаси бўйича таснифланиши

Демак, булардан кўриниб турибдики, деталлаштириладиган омилларни бирламчи ва ундан келиб чиқадиган деталлаштирилмайдиган омилларни иккиламчи омиллар деб қабул қилиш ҳам мумкин экан.

7.10. Натижа ўзгаришига омилларнинг корхона фаолиятига боғлиқлиги бўйича таснифи

Натижа ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар корхона фаолиятига боғлиқлиги жиҳатидан ҳам таснифланади. Чунки, айрим омиллар борки, улар бевосита корхоналарнинг фаолиятига боғлиқ бўлган ички омиллар бўлса, айримлари борки, улар корхонанинг фаолиятига мутлоқ боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлади. Аммо булар ҳам корхона иш натижасига катта таъсир қилиши мумкин.

Тадқиқотларимиз кўрсатдики, корхона фаолиятига боғлиқлиги бўйича барча омиллар учта гуруҳга бўлиниши мумкин экан:

* корхона фаолиятига бевосита боғлиқ (ички) омиллар:
* корхона фаолиятига боғлиқ бўлмаган (ташқи) омиллар;
* давлат қонунлари, қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжат талабларига амал қилиш ва уларни бузиш билан боғлиқ омиллар.

Буларнинг бир-бири билан боғлиқлигини қуйидагича ифодалаш мумкин (7.16-чизма).

Корхона фаолиятига бевосита боғлиқ омилларга шу корхонага раҳбарлик қилаётган ва шу ерда ишлаётган барча ходимларнинг фаолияти, моддий-техник таъминоти, қўлланилаётган технология каби барча омиллар киради. Бу омилларнинг таъсири корхона маъмурияти фаолиятига, уларнинг билим савиясига, тажрибасига, моддий-техника базасининг ҳолатига, тадбиркорлигига ва ташаббускорлигига бевосита боғлиқ.



7.16.-чизма. Омилларнинг корхона фаолиятига боғлиқлиги жиҳатидан таснифи

Аммо жуда кўп омиллар борки корхонанинг молиявий хўжалик фаолиятига сезиларли даражада таъсир қилади, лекин улар корхонанинг фаолиятига боғлиқ бўлмайди. Масалан, қишлоқ хўжалигида, айниқса, меваларнинг ҳосилдор бўлишида иқлимнинг таъсири жуда катта. Қанча парвариш қилганинг билан айни гуллаб турган пайтда совуқ бўлса уларни совуқ уриб бирорта мева қолмаслиги мумкин.

Ёки яна бир мисол. Қишлоқ хўжалигида жуда яхши ҳосил етказиш мумкин. Аммо ҳосилни йиғиш олдидан бир жала тушиб,

дўл ёғиб ҳаммасини сувга оқизиб кетиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас. Демак, жуда муҳим омиллар, корхона фаолиятига боғлиқ бўлмасада унинг натижасига катта таъсир қилар экан. Табиий офатлардан ташқари корхона фаолиятига боғлиқ бўлмаган кўпгина иқтисодий ва экологик омиллар ҳам мавжуд. Масалан, савдо корхонасининг товар айланмаси ёки хизмат кўрсатиш корхонасининг пул тушуми бевосита аҳоли пул даромадларига боғлиқ. Қанча даромад кўп бўлса аҳолининг шунча товарларни харид қилиб олиш, хизматлардан фойдаланиш имконияти туғилади. Ёки экология билан боғлиқ омилларни оладиган бўлсак, экологиянинг ўзгариши натижасида кўзда тутилган натижага эришиб бўлмаслиги, шунингдек, кўзда тутилмаган харажатларнинг бўлиши каби ҳолатлар ҳам рўй бериши мумкин.

Бироқ ҳаётда шундай омиллар ҳам борки, улар қонунларнинг бузилиши билан боғлиқ ҳолда корхона фаолиятига жуда катта салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, корхона мутахассислари ва раҳбарларининг билиб-билмай давлатнинг қонунларини, қарорларини ва бошқа меъерий ҳужжатларда келтирилган кўрсатмаларини ўз вақтида бажармаслиги оқибатида тўланиши керак бўлган маблағларга яна қўшимча катта миқдорда жарималар, неустойкалар, фоизлар тўлаши мумкин. Бу харажатлар кўзда тутилмаган харажатлар бўлиб, корхонанинг оладиган фойдасини сунъий равишда камайтириб юборади.

Ушбу гуруҳ омилларига яна бир қанча мисоллар келтириш мумкин. Масалан, ўз вақтида солиқ тўламаганлиги туфайли катта жарима тўлашлик. Ўз вақтида чорасини кўрмасдан муддати ўтган дебиторлар ва умидсиз дебиторларнинг пайдо бўлиши каби бир қанча омиллар корхона фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Шу туфайли бу масалаларга корхона раҳбарлари, мулк эгалари алоҳида аҳамият беришлари лозим. Ушбу омилларнинг таснифи қўйидаги чизмада келтирилган (7.17-чизма).

Расмдан кўриниб турибдики, корхона фаолиятига бевосита боғлиқ (ички) омиллар ўз навбатида беш гуруҳга бўлинган, корхона фаолиятига боғлиқ бўлмаган (ташқи) омиллар эса олтита гуруҳга бўлинган, Давлат қонунлари, қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжат талабларини бузиш билан боғлиқ омиллар ҳам бешта гуруҳга бўлинган. Таҳлил жараёнида ушбу омилларнинг таъсири ҳам инобатга олиниши лозим.



7.17-чизма.Омилларни корхона фаолиятига боглиқлиги жиҳатидан таснифлаш

Иқтисодий таҳлил фанининг предметида корхонада объектив ва субъектив омиллар таъсирида содир бўлаётган иқтисодий жараёнларнинг ахборотлар манбаида ифодаланиши кўрсатилган. Демак, омиллар таъсирини ўрганиш ва аниқлаш шу фаннинг предметини ташкил қилар экан.

Кўриниб турибдики, корхонанинг молиявий хўжалик фаолиятига иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий аҳамиятга молик бирқанча омиллар таъсир қилар экан. Аммо шуни эътироф этиш керакки,ушбу омилларнинг натижа ўзгаришига таъсири фақат иқтисодий таҳлилдагина аниқланади. Унинг бошқа иқтисодий фанларга нисбатан ўзига хос хусусияти ҳам айнан шунда. Шу туфайли иқтисодий таҳлил мустақил фан сифатида шаклланди ва ривожланмоқда. Бозор тамойилларига асосланган иқтисодёт шароитида ушбу фаннинг усулларидан мулк шаклидан, ҳажмидан ва соҳасидан қатъий назар барча хўжалик юритувчи субъектлар фойдаланишлари лозим. Шу туфайли корхоналар хўжалик фаолияти натижаларига таъсир этувчи омилларни барча йўналишдаги мутахассисларнинг ўрганиши лозим.

Шундай қилиб, иқтисодий таҳлил фанининг предметида, корхонада объектив ва субъектив омиллар таъсирида содир бўлаётган иқтисодий жараёнларнинг ахборотлар манбаида ифодаланиши кўрсатилган. Булардан ҳам кўриниб турибдики, натижа кўрсаткичига омиллар таъсирини ўрганиш ва аниқлаш шу фаннинг предметини ташкил қилар экан. Буни амалга оширишда иқтисодий таҳлилнинг анъанавий усуллари билан бирга иқтисодий-математик усулларидан ҳам кенг миқёсда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, иқтисодий таҳлининг асосий устувор вазифаларидан бири ҳам иқтисодий жараёнлар ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаб, уларнинг таъсирини ҳисоблаш орқали юқори самардорликни таъминлаш эвазига аҳолининг фаровонлигини кўтаришга, уларнинг яшаш сифатини оширишга қаратилгандир.

Мавзуни такрорлаш ва ўзини-ўзи назорат қилиш учун саволлар

1. Корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятига таъсир қилувчи омиллар тўғрисида умумий тушунча.

2. Омилли таҳлил нима?
3. Натижа кўрсаткичи нимани англатади?
4. Омиллар деганда нима тушунилади?
5. Кўрсаткичлар деганда нима тушунилади?
6. Омилли таҳлил модели деганда нимани англаш мумкин?
7. Натижа ва омиллар ўртасида қанақа боғлиқлик мавжуд?
8. Бевосита – фунционал боғлиқлик деганда нима тушунилади?
9. Билвосита – стохастик боғлиқлик нима?
10. Омиллар қайси белгилари бўйича таснифланади?
11. Омилларнинг моҳияти бўйича қандай омилларга бўлинади?
12. Таъсир қилиш вақти бўйича қандай омилларга бўлинади?
13. Таъсир қилиш даражаси бўйича қандай омилларга бўлинади?
14. Таъсир қилиш характери бўйича қандай омилларга бўлинади?
15. Ҳодиса ва жараёнларни ифода этиш бўйича қандай омилларга бўлинади?
16. Ўлчаш мумкинлиги жиҳатидан қандай омилларга бўлинади?
17. Деталлаштириш даражаси бўйича қандай омилларга бўлинади?
18. Корхона фаолиятига боғлиқлиги жиҳатидан қандай омилларга бўлинади?
19. Иқтисодий кўрсаткичлар ва уларнинг ўзгаришига таъсир қилувчи бевосита ва билвосита омиллар.
20. Натижа ўзгаришига таъсир қилувчи ички ва ташқи омиллар.
21. Корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятига таъсир қилувчи объектив ва субъектив омиллар.
22. Корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятига таъсир қилувчи миқдорий ва сифатий омиллар.
23. Корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятига таъсир қилувчи экстенсив ва интенсив омиллар.
24. Корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятига таъсир қилувчи доимий ва вақтинча таъсир қилувчи омиллар.

25. Корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятига таъсир қилувчи ҳисобланадиган ва ҳисобланиши қийин омиллар.

26. Иқтисодий кўрсаткичлар ўзгаришига таъсир қилувчи оддий ва мураккаб таъсир қилувчи омиллар.

27. Иқтисодий кўрсаткичларга таъсир қилувчи асосий ва иккинчи даражали омиллар.

28. Корхона фаолиятига бевосита боғлиқ (ички) омилларга қандай омиллар киради?

29. Корхона фаолиятига боғлиқ бўлмаган (ташқи) омилларга қандай омиллар киради?

30. Давлат қонунлари, қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжат талабларига амал қилиш ва уларни бузиш билан боғлиқ омиллар.

8-боб. ОМИЛЛИ ТАҲЛИЛДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН УСУЛЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФИ

8.1. Омилли таҳлил тўғрисида умумий тушунча ва унинг мазмуни

Омилли таҳлил иқтисодий таҳлилнинг асосий негизини ташкил қилади. Ислоҳотлар даврида хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш фанининг моҳияти, айниқса, унинг таркибий қисми бўлган омилли таҳлилнинг мазмуни ҳам тубдан ўзгарди. Олдин таҳлилнинг натижаси асосан режани бажариш учун ички имкониятларни ахтариб топишга қаратилган бўлса, эндиликда ҳар бир корхонанинг ички имкониятларини молиявий-хўжалик фаолиятини яхшилаш учун сафарбар қилишга қаратиладиган бўлди. Бундан кўриниб турибдики, таҳлилнинг мақсади ҳам ўзгарди. Олдин таҳлил яхши ютуқларни ошкора этган бўлса, эндиликда яхши усулларнинг тижорат сири эканлигидан келиб чиқиб иш кўради.

Бозор муносабатларига хос бўлган рақобат ҳар бир корхонани ўз тижорат сирларини сақлашга мажбур қилади. Бундай шароитда хўжалик фаолиятини таҳлил қилишнинг умумий усули бўлиши лозим. Лекин ҳар бир корхона ушбу умумий усуллар орқали ўзининг ички имкониятларини ахтариб топади ва у ўта муҳим томонларини тижорат сири сифатида сақлашлари мумкин. Хуллас, рақобат ҳар бир корхонани, уларнинг мулк шаклидан қатъий назар, самарали ишлашини, кўпроқ ўзи ҳақида ўйлашни, рақобатда ютқазмаслик чораларини кўришни талаб қилади.

Ҳар бир корхонада самарадорликни узлуксиз ошириб бориш учун унинг ҳолатини чуқур ўрганишни, иқтисодий жиҳатдан таҳлил қилишни тақозо қилади. Шу орқали ҳар бир корхона ўзининг истиқболини, молиявий барқарорлигини таъминлашни, иқтисодий қудратининг ошиб боришини кўра билиши лозим. Бу тадбир фақат таҳлил орқали амалга ошишини эътироф этган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, бозор муносабатлари шароитида барча иқтисодий механизмлар, жумладан, иқтисодий таҳлил ҳам, унинг усуллари ҳам кескин такомиллаштирилишини талаб қилади.

Бунинг замирида иқтисодий кўрсаткичлар ўзгаришларига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўлларини такомиллаштириш масаласи туради. Бу эса, ўз навбатида омилли таҳлилни такомиллаштиришни тақозо қилади.

Омилли таҳлилда қайси йўналиш ва усулларни қўллаш натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқликдан келиб чиқади. Шунга мос равишда таҳлилнинг йўналишлари белгиланади. Ҳозирги давргача шаклланиб, ривожланиб ва такомиллашиб келган омилли таҳлил маълум даражада тизмлаштириладиган бўлса, унинг тўртта йўналишда амалга оширилаётганлигига гувоҳ бўламиз. Бу йўналишлар қуйидагилардан иборат:

- ахборотларни анъанавий тарзда оддий усуллар билан тизимлаштириш ва ўрганиш;
- детерминал омилли таҳлил усули;
- стахостик омилли таҳлил усули;
- иқтисодий-ижтимоий кўрсаткичларни оптималлаштириш усули.

Омилли таҳлилнинг мазмуни қуйидаги жадвалда келтирилган (8.1-жадвал).

8.1-жадвал

Омилли таҳлилнинг асосий йўналиш ва турлари ҳамда уларнинг мазмуни

Омилли таҳлилнинг турлари	**Омилли таҳлилнинг мазмуни**
Ахборотларни анъанавий тарзда оддий усуллар билан тизимлаштирилади ва ўрганилади	Бунда натижанинг умумий ҳажми, унинг ўзгариши, динамикаси, таркибий тузилиши каби ҳолатларига баҳо берилади.
Детерминал омилли таҳлил усули	Натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик функционал бўлганда қўлланилади.
Стахостик омилли таҳлил усули	Натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик эҳтимолли (корреляцион) бўлганда қўлланилади.
Иқтисодий-ижтимоий кўрсаткичларни оптималлаштириш усули	Иқтисодий-ижтимоий кўрсаткичларни оптималлаштириш ва прогнозлаш жараёнларида қўлланилади.

Кўриниб турибдики, омилли таҳлил орқали корхоналарнинг ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларининг ҳолатига баҳо бериш билан бирга ички имкониятларини ўрганади ва оптимал тараққиёт йўлини ҳам кўрсатиб бера олади.

Омилли таҳлил деганда, натижа (оқибат) ўзгаришига таъсир қилувчи турли омилларнинг (сабаблар) қай даражада ва қайси йўналишда таъсир қилганлигини аниқлаш ҳамда натижа кўрсаткичини яхшилашга қаратилган бошқарув қарорларини қабул қилиш учун тегишли маълумотлар тайёрлаш билан боғлиқ омиллар тушунилади. Ушбу омилларнинг натижа ўзгаришига таъсири бир қанча усуллар билан аниқланади. Шу туфайли иқтисодий таҳлилда натижа кўрсаткичи ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни аниқлашда қўлланиладиган усулларга ва уларнинг таснифига лоҳида тўхталишни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

8.2. Иқтисодий таҳлилда натижа кўрсаткичи ўзгаришига омиллар таъсирини аниқлашда қўлланиладиган усуллар таснифи

Хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда бир қанча усуллар қўлланилади. Ҳозир иқтисодий таҳлил назариясига бағишланган кўплаб адабиётларда омилли таҳлил усулларини ёритишга турлича ёндошилган. Кўплари амалиётга қўлланилиши қийинлигидан ташқари, бозор муносабатлари шароити учун яроқсиз ҳолатга келиб қолган, чунки уларнинг кўпи, таъкидлаганимиздек, режали иқтисодиётга мўлжалланган эди. Бундан ташқари адабиётларда таҳлилда қўлланиладиган усулларнинг соддаликдан мураккаблик сари ифодаланиши таъминланмаган. Буларнинг ҳаммасини инобатга олиниб ислоҳотлар даврида таҳлил усуллари маълум тартибга солинган ҳолда ёритилиши лозим, деган хулосага келинди.

Хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда жуда кўп усуллар қўлланилади. Шу фан вужудга келгандан сўнг уларни фаннинг методи билан бирга берар эди. Эндиликда эса, усулларга алоҳида тўхталиб, уларни шартли равишда икки гуруҳга бўлиб бермоқда. Бу гуруҳлар мазмуни ва моҳияти жиҳатидан бозор муносабатлари шароитига ҳам тўғри келади. Шу туфайли барча усулларни ҳозирги шароитда ҳам икки гуруҳга бўлиб ўрганиш мақсадга

мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бунга қуйидагилар киради: 1) анъанавий усуллар, 2) математик усуллар (8.1-чизма).



8.1-чизма. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган усулларнинг таснифи

Анъанавий усуллар энг қадимги усуллар бўлиб, уларнинг асосий қисми таҳлил вужудга келган кундан бошлаб қўлланилиб келинаётган усуллардир. Буларга қўйидагилар киради: таққослаш (солиштириш) усули; мувозанат усули (баланс усули); фарқли усул; қайта ҳисоблаш усули; занжирли алмаштириш усули; индекс усули; интеграл усул; нисбий кўрсаткичли усул, тенг тақсимлаш усули кабилардир. Ушбу усулларнинг барчаси натижа ўзгаришига омиллар таъсирини турли боғлиқликлар бўлган ҳолатларда аниқлашда ишлатилади. Энг муҳими уларга ёндашувлар бир-бирига жуда яқин. Шунинг учун улар шундай кетма-кетликда жойлаштирилдики, уларни ўрганишда тизим яратилган. Мазкур усулларнинг мазмуни қуйидаги жадвалда келтирилган (8.2-жадвал).

8.2-жадвал

Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган анъанавий усулларнинг номи ва мазмуни

Т/р	Усулларнинг номи	Усулларнинг мазмуни
1.	Таққослаш (солиштириш) усули	Таҳлил таққослашдан бошланади. Бунда мутлақ, нисбий, ўртача миқдорлар таққосланади. $\Delta Q = Q_1 - Q_0$
2.	Мувозанат (баланс) усули	Таҳлил жараёнида ахборотларнинг тўғрилги ва тенглигини таъминлаш ва омиллар таъсирини ҳисоблаш учун қўлланилади. *ΔФойда = Даромад – Харажат;*

8.2-жадвалнинг давоми

		Товар баланси билан боғлиқ кўрсаткичлар мазкур усулга типик мисол бўла олади: $Тбқ + Тич = Тс + Тч + Тоқ$; бундан $Тс$. ни топамиз. $Тс = Тбқ + Тич - Тч – Тоқ;$
3.	Фарқли усул	Фарқли усул орқали омиллар таъсирини аниқлашда таъсир қилувчи омилнинг фарқи, ўзидан олдинги омилларнинг ҳақиқий миқдори ва ўзидан кейинги омилларнинг режадаги миқдори олинади. Масалан: $Му_{ик} = Хс * Хиу * Ик * Ис * Исму;$ Ушбу формулага асосан натижа ўзгаришига учинчи омилнинг таъсирини аниқлаймиз: $\Delta Му_{ик} = Хс_1 * Хиу_1 * (Ик_1 – Ик_0) * Ис_0 * Исму_0$;
4.	Қайта ҳисоблаш усули	Мазкур усул натижага битта ёки иккита омил таъсир қилганда қўлланилади. Омилнинг таъсирини аниқлаш учун натижа биринчи омилнинг ўзгариши билан қайта ҳисоблаб олинади. Натижани режа билан солиштирилиб биринчи омилнинг таъсири, ҳақиқий миқдори билан солиштирилиб иккинчи омилнинг таъсири аниқланади. Формула: $Т = Ак * Кс;$ Қайта ҳисобланган натижа кўрсаткичи: $Ткх = Ак_1 * Кс_о$ Биринчи омилнинг таъсири: $\Delta Так = Ткх - Т_о;$ Иккинчи омилнинг таъсири: $\Delta Ткс = Т_1 – Ткх;$
5.	Занжирли алмаштириш усули	Натижа ўзгаришига учта ва ундан кўп омиллар таъсир қилганда қўлланилади. Омиллар таъсирини аниқлашда натижа шу омилнинг ҳақиқий миқдори билан кетма-кет равишда қайта ҳисобланиб олинади ва ундан ўзидан олдинги ҳисобланган миқдор айирилади. Функционал боғлиқлик формуласи: $Q = a * b * c;$ Ушбу боғлиқликдан иккинчи омилнинг таъсири аниқланади. $\Delta Q_b = Q_b – Q_a = (a_1 * b_1 * c_0) – (a_1 * b_0 * c_0)$;
6.	Индекс усули	Қайси омилнинг таъсири аниқланса ўша омилнинг ўзгариши билан қайта ҳисоблаб олинади ва ўзидан олдинги ҳисобланган натижага бўлади. Функционал боғлиқлик формуласи: $A = n * d * g * z$; Ушбу натижанинг индекси: $I_A = n_1 * d_1 * g_1 * z_1 / n_0 * d_0 * g_0 * z_0$

8.2-жадвалнинг давоми

		Биринчи омилнинг таъсири: $I_{An} = A_n / A_0;$ Иккинчи омилнинг таъсири: $I_{Ad} = A_d / A_n;$ Учинчи омилнинг таъсири: $I_{Ag} = A_g / A_d;$ Тўртинчи омилнинг таъсири: $I_{Az} = A_z / A_g;$ барча омиллар таъсири: $I_A = I_{An} * I_{Ad} * I_{Ag} * I_{Az.}$ Агарда суръатидан махражини айриб ташланса омиллар таъсирининг мутлақ фарқи келиб чиқади.
7.	Интеграл усул	Натижага иккита ва ундан кўп омиллар таъсир қилганда турли боғланишлар бўлганда қўлланилади. Натижага иккита омил таъсир қиладиган бўлса, қуйидаги боғлиқлик бўлади: $У = x_1 * x_2$ Бу ҳолда омиллар таъсири қуйидагича аниқланади: Натижа ўзгаришига биринчи омилнинг таъсири: $\Delta Yx_1 = x_2^o * \Delta x_1 + (0,5 * (\Delta x_1 * \Delta x_2))$ Натижа ўзгаришига иккинчи омилнинг таъсири: $\Delta Yx_2 = x_1^o * \Delta x_2 + (0,5 * (\Delta x_1 * \Delta x_2))$ Ушбу усулнинг афзаллиги омиллар кетма-кетлиги ўзгариши билан натижа кўрсаткичига таъсири ўзгармайди, яъни бир хил бўлади.
8.	Нисбий кўрсаткичли усул	Нисбий миқдордан фойдаланиш усулининг моҳияти натижага омиллар таъсирини аниқлашда уларнинг нисбий ўзгариши натижанинг нисбий ўзгаришидаги улушида ифодаланишидир. Масалан, ишлаб чиқариш корхонаси ялпи маҳсулоти ҳажми *(М)*, ишчилар сони *(И)* ва уларнинг меҳнат унумдорлиги даражасига *(МУ)* боғлиқ. Бу қуйидаги формулада ифодаланди: $М = И . МУ$ Ялпи маҳсулотнинг ишчилар сони ўзгариши эвазига ўзгарганлигини топиш учун ишчилар сонининг ўсиш суръатини (*И*) юзга кўпайтириб ялпи маҳсулотнинг ўсиш суръатига бўлинади (*М*): $$\Delta Mu = \frac{\Delta И * 100}{\Delta M}$$

8.2-жадвалнинг давоми

		Натижага меҳнат унумдорлигининг таъсирини (*Ммy*) аниқлаш учун юздан биринчи омилнинг натижага таъсири айирилади: $$\Delta Мму = 100 - \left(\frac{\Delta И * 100}{\Delta М}\right)$$
9.	Тенг тақсимлаш усули	Фараз қиламиз, натижага 4 та омил таъсир қилмоқда $$Ртй = \Phi_1 * \Phi_2 * \Phi_3 * \Phi_4 = \prod_{i=1}^{n} \Phi_i \quad (i=1,n)$$ Омиллар таъсирини аниқлаш учун тенг тақсимлайдиган коэффициент аниқланади ва барча омиллар таъсири шу коэффициентга кўпайтирилади. $$Ктт = \frac{\Delta Ртй}{(\Delta\Phi_1 + \Delta\Phi_2 + \Delta\Phi_3 + \Delta\Phi_4)}$$ Масалан, натижа ўзгаришига иккинчи омилнинг таъсирини аниқлаш учун формула: $$\Delta Ртйф_2 = \Delta\Phi_2 * \frac{\Delta Ртй}{(\Delta\Phi_1 + \Delta\Phi_2 + \Delta\Phi_3 + \Delta\Phi_4)}$$ Ёки қуйидаги қасқартирилган формула ҳам бўлиши мумкин: $$\Delta Ртйф_2 = \Delta\Phi_2 * Ктт;$$

Бундан ташқари бир қанча статистик усуллар ҳам қўлланилади.

Математик усуллар таҳлил фанининг такомиллашуви билан, унга ЭҲМ ларни қўллаш ва математик усуллардан фойдаланиш жараёнида кириб келган. Бунинг бирқанча усуллари билан биргаликда бирқанча типлари ҳам мавжуд. Математик моделларнинг типларига қуйидагилар киради: мультипликатив модель; аддитив модель; касрли модель кабилардир. Ушбу моделларнинг ҳаммаси ҳам иқтисодий ахборотларни таҳлил қилишда кенг қўлланилиб келинмоқда.

Аддитив модель натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик қўшув билан ифодаланганда қўлланилади. У ўқилиши ва ёзилиши жиҳатдан жуда содда ва ихчамдир. **Мультипликатив модель** натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик кўпайтириш билан ифодаланса қўлланиладиган моделдир. **Касрли модель** эса натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик бўлиш билан ифодаланганда қўлланилади.

Ушбу усулларнинг барчаси хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда қўлланилади. Анъанавий усуллар барча дарсликларга у ёки бу шаклда киритилган. Булар асосан микро-иқтисодий таҳлилда кенг қўлланилади. Макро-иқтисодий таҳлилда кўпинча математик усуллардан фойдаланилади.

Мавзуни такрорлаш ва ўзини-ўзи назорат қилиш учун саволлар

1. Омилли таҳлил тўғрисида умумий тушунча ва унинг таърифи.
2. Омилли таҳлилнинг турлари.
3. Ахборотларни анъанавий тарзда оддий усуллар билан тизимлаштириш.
4. Детерминал омилли таҳлил усули.
5. Стохастик омилли таҳлил усули.
6. Иқтисодий-ижтимоий кўрсаткичларни оптималлаштириш усули.
7. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган усуллар таснифи.
8. Таққослаш (солиштириш) усулининг мазмуни.
9. Мувозанат усули (баланс усули) мазмуни.
10. Фарқли усулнинг мазмуни.
11. Қайта ҳисоблаш усулининг мазмуни.
12. Занжирли алмаштириш усулининг мазмуни.
13. Индекс усулининг мазмуни.
14. Интеграл усулнинг мазмуни.
15. Нисбий кўрсаткичли усулнинг мазмуни.
16. Тенг тақсимлаш усулининг мазмуни.
17. Математик усулларнинг типлари.
18. Мультипликатив моделнинг мазмуни.
19. Аддитив моделнинг мазмуни.
20. Касрли моделнинг мазмуни.

9-боб. ТАҲЛИЛ ЖАРАЁНИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН МУВОЗАНАТ УСУЛИ, УНИНГ МОҲИЯТИ, ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АМАЛГА ОШИРИШ УСЛУБИЁТИ

9.1. Таҳлил жараёнида қўлланиладиган мувозанат усулининг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари

Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган барча усуллар (таққослаш усули бундан мустасно) натижа кўрсаткичига омиллар таъсирини ҳисоблашга қаратилган. Улар таркибида мувозанат усули ҳам мавжуд. Мазкур усулнинг ўзига хос хусусиятларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик албатта функционал бўлиши керак:
- улар ўртасидаги боғлиқлик бир вақтнинг ўзида турли ишораларга ва математик ифодаларга эга бўлиши мумкин;
- мувозанат формуласига кирган барча исталган кўрсаткичларни натижа кўрсаткичи сифатида аниқлаш ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни ҳисоблаб топиш мумкин;
- ушбу усулдан иқтисодиётнинг ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳасида фойдаланиш мумкин.

Мувозанат усулининг қўлланилиши иқтисодиётнинг ҳамма соҳаларида тузиладиган товар ва бошқа моддий бойликлар мувозанати формуласидан фойдаланилади. Бунга мисол қилиб хизмат кўрсатиш соҳасининг муҳим тармоқларидан бири бўлган савдо тармоғидаги товар мувозанатини, барча хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тузуладиган бухгалтерия балансини, оила даромадлари ва харажатлари ўртасидаги мувозанатни, давлат ва маҳаллий бюджетнинг даромад ва харажатлар қисми кабиларни мисол қилиб олиш мумкин.

Масалан, оила бюджетини қисқартирилган шаклини олайлик. У даромад ва харажатлардан иборат. Бунинг тенглиги қуйидагича ифодаланади:

Даромад (Д) = Харажат (Х)

Бу ҳолатда оиланинг даромади билан харажати бир-бирига тенг бўлса юқоридаги формуладан фойдаланилади. Агар даромади харажатлардан кўп бўлса, даромаднинг бир қисми жамғарилиб борилади ва оила жамғармасини (*Ж*) ташкил қилади. Ушбу формуланинг шакли қуйидагича кўринишга эга бўлади:

$$Д = Х + Ж$$

Агар оиланинг даромади харажатларга инсбатан кам бўлган тақдирда даромад харажатларни тўлиқ қоплай олмайди. Оила харажатларнинг бир қисмини қарзга (Қ) олиши мумкин. Мазкур ҳолатда формуланинг шакли қуйидагича кўринишга эга бўлади:

$$Д + Қ = Х$$

Бундай ҳолатни бошқа соҳаларда ҳам кўриш мумкин. Жумладан, савдо тармоғида товар мувозанати формуласи қуйидаги шаклга эга:

$$Зйб + КТ = Т + Хч + Зох,$$

бунда Зйб – товар заҳирасининг ҳисобот йили бошидаги қолдиғи;

КТ – сотиш учун сотиб олинган, яъни келиб тушган товарларнинг ҳисобот йилидаги ҳажми;

Т – товар айланмасии (ҳисобот даврида сотилган товарларнинг ҳажми);

Хч – товарларнинг турли сабаблар билан чиқиб кетиши (табиий камайиши, чириши, синиши ва бошқа йўллар билан набуд бўлиши);

Зох – товар заҳираларининг ҳисобот йили охиридаги қолдиғи.

Юқоридаги формула асосида ҳамма шунга киритилган кўрсаткичларни аниқлаш мумкин. Аниқланган кўрсаткич натижа кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. Масалан, товар айланмаси ҳажмини қуйидаги функционал боғлиқликда ифодалаш мумкин:

$$Т = Зйб + КТ - Хч - Зох.$$

Ушбу формулада чоп томонда жойлашган товар айланмаси (Т) натижа кўрсаткичи сифатида намоён бўлмоқда. Қолган ўнг томондаги барча кўрсаткичлар (*Зйб + КТ - Хч - Зох*) омиллар бўлиб ҳисобланади. Иқтисодий таҳлилнинг муҳим вазифаларидан бири, натижа кўрсаткичининг ўзгаришига юқорида келтирилган барча кўрсаткичларнинг (омилларнинг) таъсирини ҳисоблашдан иборатдир. Формуладан кўриниб турибдики, товар айланмасига 4 та омил таъсир қилади. Ушбу омилларнинг натижа кўрсаткичи

ўзгаришига таъсирини кетма-кет равишда аниқлаш мумкин бўлади. Бунда айнан мувозанат усулидан фойдаланилади.

9.2. Мувозанат усулини амалга ошириш услубиёти

Мувозанат усулини амалга ошириш услубиётининг мазмунини очиб бериш учун аниқ натижа ва омилларнинг бир-бири билан боғлиқлигини қараб чиқамиз. Бунинг учун юқорида келтирилган товар мувозанати формуласидан фойдаланиш етарлик, деб ўйлаймиз. Бунда товар айланмаси ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлашни мисол қилиш мумкин.

1. Товар айланмаси ўзгаришига товарлар заҳирасининг йил бошидаги қолдиғи ўзгаришининг (*Тзйб*) таъсирини аниқлаш учун товар заҳираларининг ҳисобот йилидаги миқдоридан ($Зйб_1$) шу кўрсаткичнинг асос йилидаги (режадаги) миқдорини ($Зйб_0$) айириб ташланади, яъни:

$$\Delta Тзйб = Зйб_1 - Зйб_0 .$$

2. Товар келиб тушишининг товар айланмаси ҳажмига таъсирини (*Ткт*) топиш учун унинг ҳисобот йилидаги миқдоридан ($КТ_1$) асос йилидаги (режадаги) миқдори ($КТ_0$) айириб ташланади, яъни:

$$\Delta Ткт = КТ_1 - КТ_0.$$

3. Товарларнинг ҳар хил чиқиб кетишининг товар айланмаси ҳажмига таъсирини ($\Delta Тхч$) топиш учун унинг ҳисобот давридаги миқдоридан ($Хч_1$) асос давридаги (режадаги) миқдори айрилиб ташланади ($Хч_0$), яъни:

$$\Delta Тхч = Хч_1 - Хч_0.$$

4. Товар заҳираси қолдиғи ҳисобот даври охиридаги ўзгаришининг товар айланмасига таъсирини (*Тзох*) топиш учун, унинг ҳисобот давридаги миқдоридан ($Зох_1$) асос давридаги (режадаги) миқдори ($Зох_0$) айирилади, яъни:

$$\Delta Тзох = Зох_1 - Зох_0.$$

Омиллар таъсири ҳисобининг тўғрилигини аниқлаш учун ҳамма омиллар таъсири қўшилганда (айрилганда) умумий фарқ барча омиллар таъсирига тенг бўлади:

$$\Delta Т = \Delta Тзйб \pm \Delta Ткт \pm \Delta Тхч \pm \Delta Тзох ;$$

Ушбу усулни аниқ маълумотлар асосида ҳам кўриб чиқамиз. Бунинг учун қуйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (9.1-жадвал).

9.1-жадвал

Товар айланмаси ҳажмининг ўзгаришига товар мувозанати кўрсаткичлари билан боғлиқ омиллар таъсирини аниқлаш ҳисоб-китоби (млн. сўм)

Кўрсаткичлар	Режада	Ҳисоботда	Фарқи (+,-)	Омиллар таъсири
1.Товар заҳираларининг йил бошидаги қолдиғи *(Зйб)*	648,0	641,8	- 6,2	- 6,2
2.Келиб тушган товарлар *(КТ)*	3069,8	3176,1	106,3	+ 106,3
3.Товарларнинг ҳар хил чиқиб кетиши ёки набуд бўлиши *(Хч)*	0,4	0,3	- 0,1	+ 0,1
4.Товар заҳираларининг йил охиридаги қолдиғи *(Зох)*	695,9	698,3	+ 3,0	- 3,0
5.Товар айланмаси *(Т)*	3021,5	3118,7	+ 97,2	х

Жадвал маълумотларидан шундай хулоса қилиш мумкинки, товар айланмасии ҳажми ҳисобот даврида режадагига нисбатан 97,2 млн. сўмга ошган. Ушбу ижобий натижа қуйидаги омиллар эвазига содир бўлган:

1. Товар келиб тушишининг 106,3 млн. сўмга ошганлиги товар айланмасини 106,3 млн. сўмга кўпайтирган:

3176,1 - 3069,8 = 106,3 млн. сўм

2. Товарларнинг ҳар хил чиқиб кетишининг 0,1 млн. сўмга камайиши товар айланмасини айнан шу суммага кўпайтирган:

0,3 – 0,4 = - 0,1 млн. сўм.

Шуни инобатга олиш лозимки, айрим омиллар тавар айланмасининг кўпайишига салбий таъсир қилган. Ушбу омилларга қуйидагилар киради:

3. Товар заҳираларининг ҳисобот даври бошида меъёрга нисбатан 6,2 млн. сўмга кам бўлиши товар айланмасини 6,2 млн. сўмга камайтирган:

641,8 - 648,0 = - 6,2 млн. сўм.

4. Товар заҳираларининг шу давр охирида меъёрдан 3,0 млн. сўмга ошиқча бўлгани товар айланмасига салбий таъсир қилган:

3118,7 - 3021,5 = - 3,0 млн. сўм

Барча омиллар таъсирининг йиғиндиси натижанинг умумий фарқига тенг:

- 6,2 + 106,3 + 0,1 - 3,0 = + 97,2 млн. сўм.

Таҳлил натижасида товар айланмасининг ошиши бўйича ички имкониятларни ҳам аниқлаш мумкин. Мисолимизда аниқланган ички имкониятлар қуйидагилардан иборат:

Агар ҳисобот йилида товар заҳираларининг бошланғич ва охирги қолдиқлари меъёр даражасида бўлганда эди товар айланмаси яна 9,2 млн. сўмга (6,2 + 3,0) кўпайган бўлар эди. У ҳолда ҳақиқий товар айланмаси 3118,7 млн. сўм эмас, балки 3127,9 млн. сўмни (3118,7 + 9,2) ташкил қилган бўлар эди. Унинг ўтган йилига ёки асос йилига (режага) нисбатан фарқи 97,2 млн. сўм эмас, балки 106,4 млн. сўмни (97,2 + 9,2) ташкил қилган бўлар эди.

Товар айланмасининг кўпайиши эвазига бошқа кўрсаткичлар ҳам яхшиланган бўлар эди.

Худди шундай услубиётни бошқа мувозанат кўрсаткичларида ҳам фойдаланиш мумкин. Бунда юқоридаги усул методологик асос бўлиб хизмат қилади.

9.3. Таҳлил жараёнида қўлланиладиган мувозанат усулини амалга ошириш услубиётининг математик ифодаси

Натижанинг тўртта омиллар билан боғлиқлиги

$$Йб + Ич = A + Тч + Йо$$

$$A = Йб + Ич - Тч - Йо$$

Натижанинг (А) режадаги миқдори (A_0)	$A_0 = Йб_0 + Ич_0 - Тч_0 - Йо_0$
Натижанинг (А) ҳақиқий миқдори (A_1)	$A_1 = Йб_1 + Ич_1 - Тч_1 - Йо_1$
Натижам икдорининг (А) режага нисбатан фарқи(ΔA)	$\Delta A = A_1 - A_0$
Натижанинг ўзгаришига биринчи омил таъсири (ΔA_n)	$\pm\Delta Айб = Йб_\chi - Йб_r$
Натижанинг ўзгаришига иккинчи омил таъсири (ΔA_d)	$\pm\Delta Аич = Ич_\chi - Ич_r$
Натижанинг ўзгаришига учинчи омил таъсири (ΔA_g)	$\pm\Delta Атч = Тч_\chi - Тч_r$

Натижанинг ўзгаришига тўртинчи омил таъсири (ΔA_z)	$\pm\Delta$Айо = Йо$_\chi$ − Йо$_r$
Барча омиллар таъсири	$\Delta A = \Delta Айб \pm \Delta Аич \pm \Delta Атч \pm \Delta Айо$
Текшириш	$\Delta A = A_1 - A_0$

Мувозанат усули ҳам омилли таҳлилда қўлланиладиган анъанавий усул сифатида жуда кўп иқтисодиётга оид фанларда қўлланилади. Аммо уларда омилларнинг натижага таъсири ҳисобланмайди. Шу жиҳатдан иқтисодий таҳлилнинг ўзига хос афзаллиги унинг хусусиятини ҳам белгилайди.

Мавзу бўйича ўзини-ўзи текшириш ва такрорлаш учун саволлар

1. Таҳлил жараёнида қўлланиладиган мувозанат усулининг моҳияти.
2. Мувозанат усулининг формуласи.
3. Сотилган товар ҳажмининг ўзгаришига товар заҳирасининг ҳисобот йили бошидаги қолдиғи қандай аниқланади?
4. Сотилган товар ҳажмининг ўзгаришига сотиб олинган, яъни келиб тушган товарларнинг таъсири қандай аниқланади?
5. Сотилган товар ҳажмининг ўзгаришига товарларнинг турли сабаблар билан чиқиб кетиши (табиий камайиши, чириши, синиши ва бошқа йўллар билан набуд бўлиши) қолдиғи қандай аниқланади?
6. Сотилган товар ҳажмининг ўзгаришига товар заҳираларининг ҳисобот йили охиридаги қолдиғи қандай аниқланади?

10-боб. ТАҲЛИЛ ЖАРАЁНИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ҚАЙТА ҲИСОБЛАШ УСУЛИ, УНИНГ МОҲИЯТИ, ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АМАЛГА ОШИРИШ УСЛУБИЁТИ

10.1. Таҳлил жараёнида қўлланиладиган қайта ҳисоблаш усулининг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари

Қайта ҳисоблаш усул ҳам иқтисодий таҳлилнинг анъанавий усуллари таркибига киради ва омилли таҳлилда кенг қўлланилади. Мазкур усул натижа кўрсаткичининг ўзгаришига битта ёки иккита омил таъсир қилган пайтларда қўлланилиши қулай. Унинг моҳияти режадаги натижани биринчи омилнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисоблаб олишдан иборатдир. Шу жиҳатдан ҳам бир қанча ўзига хос хусусиятларга эга. Булар жумласига:

- натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқликнинг функционал бўлишлиги;
- омилларнинг чегараланганлиги, яъни натижа кўрсаткичининг ўзгаришига битта ёки иккита омил таъсир қилган пайтлардагина қўлланилиши;
- омиллар кетма-кетлигига амал қилган ҳолда натижани фақат биринчи омилнинг ўзгариши билан қайта ҳисоблаб олиш зарурлиги;
- қайта ҳисобланган миқдорнинг солиштириш учун асос бўлишлиги кабиларни киритиш мумкин.

Бунда натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик бир қанча ишоралар билан ифода этганда ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан, товар айланмасии (Т) асосий воситаларнинг ўртача қиймати (Ак) ва уларнинг самарадорлиги билан (Кс) функционал боғлиқ. Бу қуйидаги формулада ифодаланади:

$$Т = Ак * Кс$$

бунда Т – натижа кўрсаткичи, яъни товар айланмасининг умумий ҳажми;

Ак – асосийвоситаларнинг ўртача қиймати;

Кс – асосий воситаларнинг самарадорлиги.

Ушбу формуладан кўриниб турибдики, натижага иккита омил таъсир қилади. Улар ўртасидаги боғлиқлик **кўпайтириш** билан ифодаланган. Ўнг томонда жойлашган ҳар бир омилнинг таъсирини ҳисоблаш учун, юқорида таъкидланганидек, натижанинг режадаги миқдорини биринчи омилнинг ўзгариши билан қайта ҳисоблаб оламиз ва тегишли тарзда таққослаш орқали омиллар таъсирини ҳисоблаш мумкин бўлади.

10.2. Қайта ҳисоблаш усулини амалга ошириш услубиёти

Юқорида таъкидланганидек, омилли таҳлил услубиётини амалга ошириш учун биринчи омилнинг ҳақиқий миқдорини ($Ак_1$) иккинчи омилнинг режадаги миқдори ($Кс_о$) билан кўпайтириш орқали қайта ҳисобланган миқдор аниқланади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия яқиламиз:

$$Ткх = Ак_1 * Кс_о$$

Омилларнинг натижа ўзгаришига, яъни товар айланмаси ўзгаришига таъсирини топиш учун қуйидаги ҳисоб-китобларни амалга ошириш лозим бўлади.

1. Товар айланмасининг асосий воситаларнинг ўзгариши эвазига ўзгарганлигини ($Так$) топиш учун товар айланмасининг қайта ҳисобланган миқдоридан ($Ткх$) унинг режадаги ҳажмини айириш кифоя ($Т_о$):

$$\Delta Так = Ткх - Т_о = (Ак_1 * Кс_о) - (Ак_о * Кс_о)$$

2. Товар айланмаси ўзгаришига асосий воситалар самарадорлигининг таъсирини ($Ткс$) аниқлаш учун товар айланмасининг ҳақиқий сўммасидан ($Т_1$) унинг қайта ҳисобланган миқдорини ($Ткх$) айириш кифоя:

$$\Delta Ткс = Т_1 - Ткх = (Ак_1 * Кс_1) - (Ак_1 * Кс_о)$$

Юқорида ҳисоблаб топилган икки омилнинг таъсири товар айланмаси фарқининг умумий сўммасига тенг бўлиши керак:

$$\Delta Т = \Delta Так \pm \Delta Ткс$$

Ушбу назарий тавсияни аниқ маълумотларни қўллаб ечиш йўлини қуйидаги жадвал орқали кўриш мумкин (10.1-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, товар айланмаси ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан 1670,0 минг сўмга ошган. Бу қуйидаги омиллар эвазига вужудга келган :

1. Асосий воситалар ўртача йиллик қийматининг 132,9 минг сўмга камайиши товар айланмаси ҳажмини 213,7 минг сўмга камайтирди:

4236,3 - 42850,0 = - 213,7 минг сум

2. Асосий воситалар самарадорлигининг ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан 7,1 сўмга ошганлиги товар айланмаси ҳажмини 1883,7 минг сўмга оширди:

44520,0 - 42636,3 = + 1883,7 минг сўм

Ушбу усуллар мавжуд бўлган ички резервларни аниқлаш имконини беради. Бизнинг мисолимизда товар айланмасини ошириш учун асосий воситаларни кўпайтириш лозимлиги аниқланди.

10.1-жадвал

Товар айланмаси ҳажмига асосий воситалар ва улар самарадорлигининг таъсирини қайта ҳисоблаш усулини қўллаб аниқлаш

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Қайта ҳисобланган	Фарқи (+,-)		
					Шу жумладан	
				Жами	Ак эвазига	Авс эвазига
Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	26664,5	26531,6	26531,6	- 132,9	х	х
Асосий воситаларнинг самарадорлиги, сўм	160,7	167,8	160,7	+ 7,1	х	х
Товар айланмаси, минг сўм	42850,0	44520,0	42636,3	+1670,0	- 213,7	+1883,7

Агарда асосий воситалар ҳисобот даврида ҳеч бўлмаганда ўтган йил ҳажмида қолганда эди товар айланмаси яна 1883,7 минг сўмга кўпайган бўлар эди. У ҳолда ҳақиқий товар айланмаси ҳажми 44520,0 минг сўм эмас, балки 46403,7 минг сўмни (44520,0 + 1883,7) ташкил қилган бўлар эди. Товар айланмаси режасининг бажарилиши 103,9 % эмас, (44520,0 х100: 42850,0), балки 108,3%ни (46403,7 х 100 : 42850,0) ташкил қилган бўлар эди.

Қайта ҳисоблаш усулини натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик **айириш** бўлганда ҳам фойдаланиш мумкин.

Сотишдан олинган соф тушумни корхонанинг ялпи фойдаси деб ҳам аташ мумкин. Бу одатда сотилган маҳсулотнинг умумий қийматидан унинг таннархини айириш йўли билан аниқланади. Бунга мисол қилиб фойда суммасининг ўзгаришига сотилган маҳсулот () ва таннарх ўзгаришининг () таъсирини ҳисоблаш мумкин. Ушбу кўрсаткичларнинг бир-бири билан боғлиқлиги қуйидаги формулада ифодаланган:

$$Фсм = (См - Тн);$$

Мазкур формулага асосан сотилган маҳсулот ҳажмининг кўпайишига иккита омилнинг, яъни сотилган маҳсулот ҳажми ва баҳо ўзгаришининг таъсирини аниқлаш мумкин.

1. Фойдага сотилган маҳсулот ҳажмининг ўзгаришини қайта ҳисоблаш йўли билан қуйидагича ҳисоблаш мумкин. Энг аввало, фойда суммаси сотилган маҳсулотнинг ҳақиқий миқдори ва таннархнинг режадаги миқдори билан қайта ҳисоблаб олинади:

$$Фсм.қҳ = (См_1 - Тн_0) ;$$

Энди қайта ҳисобланган суммадан ($Фсм.қҳ = См_1 - Тн_0$) фойданинг режадаги миқдори ($Фсм_о = См_0 - Тн_0$) айирилади, яъни:

$$\Delta Фсм.см = Фсм.қҳ – Фсм_о = (См_1 - Тн_0) - (См_0 - Тн_0)$$

2. Фойда суммасининг ўзгаришига таннарх суммаси ўзгарганлигининг таъсирини ($\Delta Фтк$) аниқлаш учун фойда суммасининг ҳақиқий миқдоридан ($Фсм_1$) унинг қайта ҳисобланган миқдори ($Фсм.қҳ$) айирилади. Бу қуйидаги формула орқали ечилади:

$$\Delta Фсм.тн = Фсм_1 - Фсм.қҳ = (См_1 - Тн_1) - (См_1 - Тн_0);$$

Шу икки омилнинг таъсири натижанинг умумий фарқига тенг бўлиши лозим:

$$\Delta Фсм = \Delta Фсм.см \pm \Delta Фсм.тн ;$$

Ушбу омиллар таъсирини аниқлаш учун қуйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (9.2-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ҳисобот йилида фойда суммаси 979,5 минг сўмга кўпайган. Мазкур ўзгаришга иккита омил таъсир қилган.

1. Сотилган маҳсулот (товар айланмаси) ҳажмининг 1670,0 минг сўмга ошганлиги фойда суммасини 1670,0 минг сўмга оширган:

$$7368,8 – 5698,8 = +1670, минг сўм.$$

10.2-жадвал

Фойда суммасининг ўзгариўига сотилган маҳсулот ҳажми ва таннарх ўзгаришининг таъсирини ҳисоблаш усули

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Қайта ҳисобланган	Фарқи (+,-)		
					Шу жумладан	
				Жами	См. эвазига	Тн. эвазига
Сотилган маҳсулот (товар айланмаси) ҳажми, минг сўм	42850,0	44520,0	44520,0	+1670,0	х	х
Таннарх, сўм	37151,2	37841,7	37151,2	+690,5	х	х
Фойда суммаси, минг сўм	5698,8	6678,3	7368,8	+979,5	+1670,0	-690,5

2. Таннарх суммасининг ҳисобот йилидаги ошиши, фойда суммасини 690,5 минг сўмга камайтирган:

6678,3 - 7368,8 = -690,5 минг сўм.

Шу икки омилнинг таъсири фойда суммасининг умумий фарқига тенглигини кўрамиз:

1670,0 – 690,5 = 979,5 минг сўм.

Ушбу ҳолатда ҳам ички имкониятлар аниқланди. Агар маҳсулотнинг таннархи 690,5 минг сўмга ошмаганда эди, сотилган маҳсулотнинг умумий ҳажми 6678,3 минг сўм эмас, балки 7368,8 минг сўмни (6678,3 + 690,5) ташкил қилган бўлар эди. У ҳолда сотилган маҳсулот ҳажмининг фарқи 979,5 минг сўм эмас, балки 1670,0 минг сўмни (979,5 + 690,5) ташкил қилган бўларди. Фойда режасининг бажарилиши ҳақиқотда 117,2 %ни (6678,3*100,0 : 5698,8) ташкил қилади, агар ушбу имконият ишга туширилганда эди, унинг даражаси 129,3 %ни (7368,8 * 100,0 : 5698,8) ташкил қилган бўларди.

Аммо шу икки кўрсаткич замирида маҳсулотнинг қиймати, миқдори, баҳо ўзгариши, таннархдаги тебранишлар мужассам этилган. Шу туфайли ялпи фойданинг вужудга келишида бевосита баҳо ўзгаришининг ҳам таъсирини инобатга олиш лозим бўлади. Ушбу омиллар таъсирини ҳисобга олиш учун сотилган маҳсулотни солиштирма (таққослама) баҳода ҳисоблаб оламиз. Бунинг учун қуйидаги формулани тавсия қиламиз:

$$См = См_1 / i_p ;$$

Энди фойданинг ўзгаришига баҳо ўзгаришининг ҳам таъсирини ҳисоблаш мумкин бўлади. Булар қуйидагича амалга оширилади.

1. Фойда суммасининг ўзгаришига сотилган маҳсулот ҳажми ўзгарганлигининг таъсирини аниқлаш учун юқорида кўрсатилган усул билан ҳисобланади, яъни қайта ҳисобланган фойда суммасидан ($См_1$-$Тн_0$) режадаги фойда суммаси ($См_0$-$Тн_0$)айирилади:

$$\Delta Фсм.см. = (См_1\text{-}Тн_0) - (См_0\text{-}Тн_0) ;$$

2. Фойда суммасига таннарх суммасининг ўзгарганлигини аниқлаш учун, сотилган маҳсулотнинг солиштирма (таққослама) баҳодаги ҳажми аниқланади $[(См_1/i_р)$ ва ундан фойданинг қайта ҳисобланган миқдори $(См_1\text{-}Тн_0)$ айирилади. Ушбу ҳисоб-китоблар қуйидагича амалга оширилади:

$$\Delta Фсм.тн = [(См_1/i_р) - Тн_1] - (См_1\text{-}Тн_0)$$

3. Фойда суммасининг ўзгаришига баҳо ўзгарганлигининг таъсирини аниқлаш учун фойданинг ҳақиқий миқдоридан ($См_1$-$Тн_1$) солиштирма баҳо орқали аниқланган фойда суммаси [($См_1/i_р$) - $Тн_1$]айирилади:

$$\Delta Фсм.б = (См_1\text{-}Тн_1) - [(См_1/i_р) - Тн_1] ;$$

Барча омиллар тасири

$$\Delta Фсм = \Delta Фсм.см \pm \Delta Фсм.тн \pm \Delta Фсм.б ;$$

Ушбу формулага амалий маълумотларни қўллаб аниқлаш учун қуйидаги жадвал маълумотларидан фойдаланишни тавсия қиламиз (9.3-жадвал).

Мазкур жадвал маълумотлари асосида юқорида келтирилган омиллар таъсирини аниқлаймиз:

1. Фойда суммасининг ўзгаришига сотилган маҳсулот ҳажмининг таъсири қуйидагича аниқланади:

$$\Delta Фсм.см = (См_1 - Тн_0) - (См_0 - Тн_0) = 1743,3 - 632,1 = +1111,2$$

2. Фойда суммасининг ўзгаришига таннарх ҳажмининг ўзгариши қуйидагича ҳисобланади:

$$\Delta Фсм.тк = [(См_1/i_р) - Тн_1] - (См_1\text{-}Тн_0) = -96,3\text{-}1743,3 = -1839,6$$

3. Фойда суммасининг ўзгаришига баҳо ўзгаришининг таъсири қуйидагича ҳисобланади:

$$\Delta Фсм.б = (См_1\text{-}Тн_1) - [(См_1/i_р) - Тн_1] = 852,8 + 96,3 = + 949,1$$

10.3-жадвал

Фойда ўзгаришига таъсир этувчи учта омилнинг таъсирини аниқлаш ҳисоб-китоби

Кўрсаткичлар	Асос йилида	Ҳисобот йилидаги маҳсулот шу давр баҳоси ва асос йилидаги таннарх билан	Ҳисобот йилидаги маҳсулот асос йилидаги баҳо ва ҳисобот йилидаги таннарх билан	Ҳисобот йилида
1. Сотилган маҳсулот (иш, хизмат) қиймати	4583,3	5694,5	4745,4 **	5694,5
2. Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)нинг тўла таннархи	3951,2	3951,2	4841,7	4841,7
3. Ялпи фойда* (2қ-1қ)	632,1	1743,3	-96,3	852,8

*Изоҳ: *Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)дан олинган ялпи фойда*

***Вилоят статистика бошқармасининг ҳисоботига асосан таҳлил қилинган йилда баҳо индекси 1,2 га тенг.*

Барча омиллар тасири натижа кўрсаткичнинг умумий фарқига тенг бўлиши лозим:

$$\Delta Ф = 1111,2 - 1839,6 + 949,1 = +220,7$$

Корхонада ялпи фойданинг аҳамияти шундаки, у барча молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар негизини ташкил қилади. Аммо хўжалик фаолиятининг пировард натижаси соф фойдага эришиш билан белгиланади. Шу туфайли иқтисодий таҳлилда соф фойдани ўрганиш ва таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Қайта ҳисоблаш усули омиллар билан натижа ўртасидаги боғлиқлик бўлиш билан ифодаланганда ҳам фойдаланилади. Бунга мисол қилиб, меҳнат унумдорлигининг (*Му*) ўзгаришига сотилган товарлар ҳамжи (*Ст*) ва ходимлар сони (*Хс*) таъсирини аниқлашни олиш мумкин. Ушбу формула қуйидагича аниқланади:

$$Му = \frac{Ст}{Хс};$$

Биринчи галда қайта ҳисобланган меҳнат унумдорлигини аниқлаб оламиз. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$Му.қҳ = \frac{Ст_1}{Хс_0};$$

Энди меҳнат унумдорлигининг ўзгаришига алоҳида омиллар таъсирини ҳисоблаш мумкин.

1. Меҳнат унумдорлигининг ўзгаришига сотилган маҳсулот ҳажмининг таъсирини ҳисоблаш *(Му.см)* учун қайта ҳисобланган меҳнат унумдорлигидан (*Му.қҳ*) унинг режадаги миқдори (*Му₀*) айирилади. Бунинг учунқуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\Delta Му.ст = \left(\frac{Ст_1}{Хс_0}\right) - \left(\frac{Ст_0}{Хс_0}\right);$$

2. Меҳнат унумдорлигининг ўзгаришига ходимлар сонининг таъсирини ҳисоблаш (*Му.хс*) учун унинг ҳақиқий миқдоридан (*Му₁*) қайта ҳисобланган меҳнат унумдорлиги (*Му.қҳ*) айирилади. Бунинг учунқуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\Delta Му.хс = \left(\frac{Ст_1}{Хс_1}\right) - \left(\frac{Ст_1}{Хс_0}\right);$$

Мазкур ҳолатда ҳам иккита омилнинг таъсири натижанинг умумий ўзгаришига тенг бўлиши керак.

$$\Delta Му.хс = \Delta Му.хс \pm \Delta Му.хс ;$$

Ушбу формулаларга амалий маълумотларни қўллаб таҳлил қилинса ички имкониятларни ахтариб топиш ва тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мумкин. Бунинг учун қуйидаги жадвал маълумотларидан фойдаланишни тавсия қиламиз (9.4-жадвал).

Мазкур жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, таҳлил қилинган даврда меҳнат унумдорлиги 92,2 минг сўмга ошган. Ушбу ўзгаришга қуйидаги омиллар таъсир қилган:

1. Меҳнат унумдорлигининг ўзгаришига сотилган маҳсулот ҳажмининг 1670,0 минг сўмга ўзгарганлиги меҳнат унумдорлиги суммасини 22,3 минг сўмга (593,6 – 571,3) кўпайтирган.

2. Меҳнат унумдорлигининг ўзгаришига ходимлар сонининг 4 кишига кўпайганлиги меҳнат унумдорлиги суммасини 69,9 минг сўмга (663,5 –593,6) кўпайтирган.

Шу икки омилнинг таъсири натижанинг умумий фарқига тенг бўлган.

22,3 + 69,9 = +92,2 минг сўм.

Мазкур ҳолатда барча омилларнинг ижобий таъсир қилганлиги кузатилди. Шу туфайли мазкур ҳолатни барқарор сақлаб туришга эришиш лозим бўлади.

10.4-жадвал

Меҳнат унумдорлигининг ўзгаришига сотилган маҳсулот ҳажми ва ходимлар сони ўзгаришининг таъсирини ҳисоблаш усули

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Қайта ҳисобланган	Фарқи (+,-)		
					Шу жумладан	
				Жами	См. эвазига	Тн. эвазига
Сотилган маҳсулот (товар айланмаси) ҳажми, минг сўм	42850,0	44520,0	44520,0	+1670,0	x	x
Ходимларнинг ўртача сони, киши	75	79	75	+4	x	x
Меҳнат унумдорлиги, минг сўм	571,3	663,5	593,6	+92,2	+22,3	+69,9

10.3. Таҳлил жараёнида қўлланиладиган қайта ҳисоблаш усулининг математик ифодаси

Натижа ўзгаришининг иккита омиллар билан боғлиқлиги

$$A = n * d$$

Натижанинг (А) режадаги миқдори	$A_0 = n_0 * d_0$
Натижанинг (А) ҳақиқий миқдори (A_1)	$A_1 = n_1 * d_1$
Натижа миқдорининг (А) режага нисбатан фарқи(ΔА)	$\Delta A = A_1 - A_0 = (n1 * d1) - (n0 * d0)$
Натижанинг қайта ҳисобланган миқдори (Ақҳ)	$Aқҳ = n_1 * d_0$
Натижа ўзгаришига биринчи омилнинг таъсири (ΔАn)	$\Delta An = Aқҳ - Ao = (n1 * d0) - (n0 * d0)$
Натижа ўзгаришига иккинчи омилнинг таъсири (ΔАd)	$\Delta Ad = A1 - Aқҳ = (n1 * d1) - (n1 * d0)$
Натижа ўзгаришига аниқланган иккита омилнинг таъсири	$\Delta A = \Delta A_n \pm \Delta A_d$
Текшириш	$\Delta A = A_1 - A_0$

Натижа ўзгаришига иккита омил таъсир қилганда ва улар ўртасидаги боғлиқлик касирли бўлгандаги ҳисоб-китоб услубиёти

$$A = n/d$$

Натижанинг (А) режадаги миқдори	$A_0 = n_0 / d_0$
Натижанинг қайта ҳисобланган миқдори (Ақҳ)	$Aқҳ = n_1 / d_0$
Натижанинг ҳақиқий миқдори (Аҳ)	$A_1 = n_1 / d_1$
Натижанинг таҳлил қилинган даврдаги фарқи (ΔА)	$\Delta A = Aҳ - Ao = (n1 / d1) - (n0 / d0)$
Натижа ўзгаришига биринчи омилнинг таъсири (ΔАn)	$\Delta An = Aқҳ - Ao = (n1 / d0) - (n0 / d0)$
Натижа ўзгаришига иккинчи омилнинг таъсири (ΔАd)	$\Delta Ad = A1 - Aқҳ = (n1 / d1) - (n1 / d0)$
Барча омиллар таъсири	$\Delta A = \Delta A_n \pm \Delta A_d$
Текшириш	$\Delta A = A_1 - A_0$

Мавзу бўйича ўзини-ўзи текшириш ва такрорлаш учун саволлар

1. Таҳлил жараёнида қўлланиладиган қайта ҳисоблаш усулининг моҳияти.
2. Қайта ҳисоблаш усулини қўллаганда омиллар билан натижа ўртасидаги боғлиқлик кўпайтириш бўлганда қандай аниқланади?
3. Қайта ҳисоблаш усулини қўллаганда омиллар билан натижа ўртасидаги боғлиқлик камайтириш, яъни олииш бўлганда қандай аниқланади?
4. Қайта ҳисоблаш усулини қўллаганда омиллар билан натижа ўртасидаги боғлиқлик бўлиш бўлганда қандай аниқланади?
5. Товар айланмасининг ўзгаришига асосий воситаларнинг ўртача қиймати ўзгаришининг таъсири улар ўртасида боғлиқлик кўпайтириш бўлганда қандай аниқланади?
6. Товар айланмасининг ўзгаришига асосий воситалар самарадорлиги ўзгаришининг таъсири улар ўртасида боғлиқлик кўпайтириш бўлганда қандай аниқланади?

7. Корхонада фойда суммасининг ўзгаришига сотилган маҳсулот ўзгаришининг таъсири улар ўртасидаги боғлиқлик минус (-) бўлганда қандай аниқланади?

8. Корхонада фойда суммасининг ўзгаришига таннарх ўзгаришин таъсири улар ўртасидаги боғлиқлик минус (-) бўлганда қандай аниқланади?

9. Қайта ҳисоблаш усули омиллар билан натижа ўртасидаги боғлиқлик бўлиш билан ифодаланганда қандай амалга оширилади?

10. Меҳнат унумдорлиги ўзгаришига сотилган маҳсулот таъсири қандай аниқланади?

11. Меҳнат унумдорлиги ўзгаришига ходимлар сони ўзгаришининг таъсири қандай аниқланади?

11-боб. ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИНГ ЗАНЖИРЛИ АЛМАШТИРИШ УСУЛИ

11.1.Таҳлил жараёнида фойдаланиладиган занжирли алмаштириш усулининг мазмуни ва унинг қўлланилиш услубиёти

Занжирли алмаштириш усулининг моҳияти шундаки, ушбу усул натижа ўзгаришига учта ва ундан кўп омиллар таъсир қилганда ва улар ўртасидаги боғлиқлик функционал бўлганда қўлланилади. Бунга мисол қилиб натижа ўзгаришига учта омил таъсир қилган шароитни қараб чиқамиз:

$$Q = a * b * c$$

Ушбу усул билан натижа ўзгаришига омиллар таъсирини аниқлаганда натижа кўрсаткичини шу омилнинг ўзгариши билан қайта ҳисоблаб олинади. Бунда ушбу кўрсаткичга қайси омилнинг таъсири ҳисобланиш керак бўлса, ўша омилнинг ҳақиқий миқдори олинади ва ундан олдинги жойлашган омилларнинг ҳақиқий миқдори ва ундан кейинги жойлашган омилларнинг режадаги миқдори олиниб натижа кўрсаткичи ҳисобланади. Масалан, натижа ўзгаришига биринчи омилнинг таъсирини (ΔQ_a) аниқламоқчи бўлсак, натижани шу омилнинг ўзгариши билан қайта ҳисоблаб оламиз, яъни:

$$Q_a = a_1 * b_0 * c_0$$

Энди ушбу миқдордан натижанинг режадаги миқдори ($Q_0 = a_0 * b_0 * c_0$) айирилади:

$$\Delta Q_a = Q_a - Q_0 = (a_1 * b_0 * c_0) - (a_0 * b_0 * c_0) ;$$

Натижа ўзгаришига иккинчи омилнинг таъсирини (ΔQ_b) аниқлаш учун натижани шу иккинчи омилнинг ўзгариши билан қайта ҳисоблаб оламиз, яъни:

$$Q_b = a_1 * b_1 * c_0$$

Бунда иккинчи омилнинг ҳақиқий миқдори (b_1) олинади, ўзидан олдинги омилнинг ҳам ҳақиқий миқдори (a_1) ва ўзидан кейинги омилнинг режадаги миқдори (c_0) олинади. Ушбу

миқдордан натижанинг биринчи омил ўзгариши билан қайта ҳисобланган миқдори $(a_1 * b_0 * c_0)$ айирилади.

$$\Delta Q_b = Q_b - Q_a = (a_1 * b_1 * c_0) - (a_1 * b_0 * c_0);$$

Натижа ўзгаришига навбатдаги учинчи омилнинг таъсирини (ΔQ_c) аниқламоқчи бўлсак, натижани шу омилнинг ўзгариши билан қайта ҳисоблаб оламиз, яъни:

$$Q_c = a_1 * b_1 * c_1$$

Энди ушбу миқдордан натижанинг иккинчи омил ўзгариши билан қайта ҳисобланган миқдори $(Q_b = a_1 * b_1 * c_0)$ айирилади:

$$\Delta Q_c = Q_c - Q_b = (a_1 * b_1 * c_1) - (a_1 * b_1 * c_0);$$

Учала омилнинг таъсири натижа ўзгаришининг умумий фарқига тенг бўлиши керак. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$\Delta Q = \Delta Q_a \pm \Delta Q_b \pm \Delta Q_c;$$

Шундай қилиб, мазкур усулнинг бир қанча ўзига хос хусусиятлари мавжуд:

- мазкур усул натижа ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар функционал боғлиқ бўлиб сони учта ва ундан кўпроқ бўлганда қўлланилади;

- омиллар билан натижа ўртасидаги боғлиқлик қандай ўлчамда эканлиги унчалик аҳамият касб этмайди, чунки барча ҳолларда мазкур усул қўлланилиши мумкин;

- омиллар кетма-кетлиги формулада қандай бўлса, худди шу тарзда ҳисобланадиган бўлиши лозим, чунки уларнинг жойининг ўзгариши билан натижага таъсир қилиш миқдори ҳам ўзгариб кетади.

Занжирли алмаштириш усули иқтисодий таҳлилда омиллар таъсирини аниқлашда кенг қўлланиладиган усуллардан биридир. Энди аниқроқ маълумотларни қўллаш мумкин. Натижа ўзгаришига учта ва ундан кўп омиллар таъсир қилса, улар ўртасидаги боғлиқлик функционал бўлса ушбу усулдан фойдаланилади. Масалан, товар айланмаси *(Т)* ўзгариши ходимларнинг рўйхатдаги сони *(Х)*, уларнинг ўртача иш кунлари *(К)* ва бир кунлик меҳнат унумдорлиги *(М)* кўрсаткичлари билан функционал боғлиқдир. Бу қуйидагича ифодаланади:

$$T = X * K * M$$

Ушбу формуладан кўриниб турибдики, натижа ўзгаришига учта омил таъсир қилмоқда. Омилли таҳлилнинг асосий вазифаси

натижанинг шу ҳар бир омил эвазига ўзгаришини топишдан иборатдир. Занжирли алмаштириш усулидан фойдаланадиган бўлсак режадаги натижани ҳар бир омил эвазига қайта ҳисоблаб олиш лозим бўлади. Бу учун қуйидаги ҳисоб-китоблар амалга оширилади:

1. Товар айланмаси ҳажмининг ходимларнинг рўйхатдаги сони ўзгариши эвазига ўзгарганлигини топиш учун шу кўрсаткич режасини ходимларининг рўйхатдаги сонининг ҳақиқий миқдори билан ҳисоблаб олинади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия қилинади:

$$Тх = Х_1 * К_о * М_о$$

Бунда "1" ва " О "индекслари кўрсатгичларнинг ҳақиқий ва режадаги миқдорини ифодалайди.

Иккинчидан эса, шу қайта ҳисобланган миқдордан натижанинг (товар айланмасининг) режадаги миқдори айириб ташланади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия қилинади:

$$\Delta Тх = Тх - То = (Х_1 * Ко * Мо) - (Хо * Хо * Мо)$$

Бунда $\Delta Тх$ – товар айланмасининг ходимларнинг рўйхатдаги сонининг ўзгариши таъсирида ўзгарган қисми.

2. Товар айланмаси ўзгаришининг иккинчи омил, яъни ходимларнинг рўйхатдаги ўртача иш кунининг таъсири эвазига ўзгаришини ($Тк$) топиш учун биринчи омилнинг, яъни ходимларнинг рўйхатдаги сонининг ҳақиқий миқдори билан ҳисобланган кўрсаткични иккинчи омилнинг ҳақиқий миқдори билан ҳисоблаб олинади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия қилинади:

$$Тк = Х_1 * К_1 * М_0$$

Шу чиққан натижадан биринчи омилнинг ҳақиқий миқдори билан ҳисобланган товар айланмаси ҳажми, яъни натижа кўрсаткичининг миқдори олиб ташланади ва натижага иккинчи омилнинг таъсири аниқланади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия қилинади:

$$\Delta Тк = Тк - Тх = (Х_1 * К_1 * М_0) - (Х_1 * К_0 * М_0)$$

3. Натижанинг учинчи омил, яъни меҳнат унумдорлиги ўзгаришининг таъсири эвазига ўзгаришини топиш учун товар айланмасининг ҳақиқий сўммасидан ($Т_1$) унинг иккинчи омилнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисобланган ($Т_к$) миқдори айрилиб

ташланади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия қилинади:

$$\Delta T_м = T_1 - Tк = (X_1 * K_1 * M_1) - (X_1 * K_1 * M_o)$$

Бу учта омилнинг таъсири товар айланмасининг умумий фарқига (*T*) тенг бўлиши керак. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия қилинади:

$$\Delta T = \Delta Tx \pm \Delta Tк \pm \Delta Tм$$

Келтирилган ҳисоб-китобларга аниқ маълумотларни қўллаган ҳолда амалга ошириладиган бўлса, натижа ўзгаришига омиллар таъсирини занжирли алмаштириш усулини қўллаб ҳисоб-китоб қилиш учун қуйидаги жадвални тузилиши мумкин (11.1-жадвал).

11.1 - жадвал

Натижа ўзгаришига омиллар таъсирини занжирли алмаштириш усули ёрдамида ҳисоблаш йўллари

Кўрсаткичлар	Белгиси	Режада	Ҳақиқатда	Занжирли алмаштириш		
				1	2	3
1. Ходимларнинг ўртача рўйхатдаги сони, киши	X	X_o	X_1	X_1	X_1	X_1
2. Ҳар бир ходимга тўғ ри келадиган иш куни, кун	К	$К_o$	$К_1$	$К_o$	$К_1$	$К_1$
3. Ходимларнинг ўртача бир кунлик меҳнат унумдорлиги, сўм	М	$М_o$	$М_1$	$М_o$	$М_o$	$М_1$
4. Товар айланмаси, минг сўм	Т	$Т_o$	$Т_1$	$Т_x$	$Т_к$	$Т_1$

Ушбу жадвалга асосан товар айланмасининг ўзгаришига омиллар таъсирини қуйидагича аниқлаш мумкин.

1. Товар айланмасининг ходимлар сонининг ўзгариши эвазига ўзгарганлигини (*Тх*) топиш учун қуйидаги амални бажариш лозим.:

$$\Delta Tx = T_x - T_o = (X_1 * Ko * M) - (Xo * Ko * Mo)$$

2. Товар айланмасининг ҳар бир ходимнинг ўртача иш кунининг ўзгариши эвазига ўзгарганлигини (*Тк*) топиш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\Delta Тк = Тк - Тх=(Х_1 * К_1 * М_0) – (Х_1 * Ко * Мо)$$

3. Товар айланмасининг ҳар ходимнинг бир кунлик меҳнат унумдорлигининг ўзгарганлиги эвазига ўзгаришини аниқлаш учун қуйидаги амални бажариш лозим:

$$\Delta Тм = Тм - Тк=(Х_1 * К_1 * М_1) –(Х_1 * К_1 * Мо)$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг бўлиши лозим:

$$\Delta Т = \Delta Тх \pm \Delta Тк \pm \Delta Тм;$$

Ушбу назарий усулнинг бевосита амалиётга қўлланилишини кўриб чиқиш учун натижа кўрсаткичи сифатида товар айланмасини (*Т*) олиш мумкин. Бу кўрсаткичга аҳолининг сони (*А*), уларнинг ўртача пул даромадлари (*Д*) ва товар айланмасининг пул даромадини қамраб олиш даражаси (*О*) таъсир қилади. Бу боғлиқликни қуйидаги формула билан тасвирлаш мумкин:

$$Т = \frac{А \cdot Д \cdot О}{100}.$$

Бу формулага занжирли алмаштириш усулини қўллаб ҳар бир кўрсаткич бўйича амалий маълумотлардан фойдаланган ҳолда натижага омиллар таъсирини аниқлаш мумкин (11.2-жадвал).

11.2-жадвал

Чакана товар айланмаси ўзгаришига омиллар таъсирини занжирли алмаштириш усулини қўллаб ечиш йўллари

Кўрсаткичлар	Режада	Ҳақиқатда	Занжирли алмаштир.		
			1	2	3
Аҳолининг ўртача йиллик сони, киши	50265	50986	50986	50986	50986
Битта аҳолига тўғри келадиган ўртача пул даромади, минг сўм	778,2	781,6	778,2	781,6	781,6
Аҳоли пул даромадининг товар айланмаси билан қамраш даражаси, %	72,5	76,4	72,5	72,5	76,4
Чакана товар айланмаси, млн.с сўм	28359,6	30446,3	28766,4	28892,1	30446,3

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ҳисобот йилида товар айланмасининг ҳажми 2086,7 млн. сўмга (30446,3 - 28859,6) ошган. Бу ўзгариш қуйидаги омиллар таъсирида содир бўлган:

1. Аҳолининг ўртача йиллик сони режага нисбатан 721 кишига ошганлиги товар айланмаси ҳажмини 406,8 млн. сўмга (28766,4 - 28359,6) кўпайтирган.

2. Аҳолининг ўртача пул даромади ҳисобот йилида 3,4 сўмга ошган. Бу омил товар айланмасини 125,7 млн. сўмга (28892,1 - 28766,4) кўпайтириш имконини берган.

3. Пул даромадининг аҳолига сотилган товар айланмасининг қамраб олиш даражаси 3,9 %га ошганлиги умумий товар айланмаси сўммасини 1554,2 млн. сўмга (30446,3 - 28892,1) кўпайтирган.

Кўриниб турибдики, товар айланмасининг ўзгаришига учала омил ҳам ижобий таъсир қилган. Натижада умумий фарқ келиб чиқади:

406,8 + 125,7 + 1554,2 = + 2086,7 млн. сўм.

Худди шундай ҳисоб-китобларни натижа кўрсаткичига иккитадан кўп омил таъсир қилган бўлиб, улар ўртасидаги боғлиқлик функционал бўлган вақтида амалга ошириш мумкин.

11.2. Натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик касрли бўлганда ва учта омил иштирок этганда занжирли алмаштириш усулларидан фойдаланиш услубиёти

Занжирли алмаштириш усулидан фақат кўрсаткичлар ўртасидаги боғланиш кўпайтма шаклидагина эмас, балки бўлинма шаклидаги боғланишларда ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан, ишлаб чиқариш корхоналарида рентабеллик кўрсаткичини олайлик. Бу қуйидагича боғлиқликка эга:

$$Р = \frac{Ф}{Ак + Ам}$$

бунда Р – рентабеллик даражаси ;

Ф – фойда суммаси ;

Ак – асосий капиталнинг ўртача йиллик қиймати ;

Ам – айланма капиталнинг ўртача йиллик қиймати.

Ушбу формуладан кўриниб турибдики, рентабеллик даражасига учта омил: фойда сўммаси, асосий капитал, айланма капиталларнинг ўзгаришлари таъсир қилади. Рентабеллик даражасига биринчи омил, яъни фойда суммасининг таъсирини (*Рф*) занжирли алмаштириш усули билан ҳисоблаш учун рентабеллик даражасини фойда суммасининг ҳақиқий даражаси билан қайта ҳисобланади ва ундан рентабеллик даражасининг режадаги миқдори айирилади:

$$\Delta Рф = \left(\frac{Ф_1}{Ак_о + Ам_о}\right) - Р_о$$

Рентабеллик даражасининг асосий капиталнинг ўртача йиллик суммасининг ўзгариши эвазига ўзгарганлигини (*Рак*) аниқлаш учун рентабеллик даражасини асосий капиталнинг ўзгариши билан қайта ҳисобланади ва ундан рентабеллик даражасининг фойда суммаси билан қайта ҳисобланган миқдори айирилади:

$$\Delta Рак = \left(\frac{Ф_1}{Ак_1 + Ам_о}\right) - \left(\frac{Ф_1}{Ак_о + Ам_о}\right);$$

Рентабеллик даражасига айланма капиталнинг ўртача йиллик суммаси ўзгаришининг таъсирини (*Рам*) аниқлаш учун рентабеллик даражасининг ҳақиқий миқдоридан унинг асосий капиталнинг ўзгариши билан қайта ҳисобланган ҳажмини айириб ташлайди :

$$\Delta Рам = Р_1 - \left(\frac{Ф_1}{Ак_1 + Ам_о}\right)$$

Бунда ҳам барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг бўлиши керак:

$$\Delta Р = \Delta Рф \pm \Delta Рак \pm \Delta Рам$$

Ушбу боғланишни аниқ маълумотларни қўллаган ҳолда занжирли алмаштириш усулини қўллаб ечилишини кўриш мумкин. Занжирли алмаштириш усулидан фойдаланишда ўзининг классик жадвали мавжуд. Бу қуйидаги кўринишга эга бўлади (11.3-жадвал).

Мазкур ҳолатда ҳам натижа ўзгаришига учта омил таъсир қилган. Ушбу классик жадвал маълумотлари асосида натижа ўзгаришига таъсир қилувчи омилларнинг таъсирини ҳисоблаш

мумкин бўлади. Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, активлар рентабеллигининг даражаси ҳисобот йилида 0,009 % га ошган (0,051 - 0,042). Бу ўзгаришга таъкидланганидек, фойда суммаси, асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати, айланма маблағларнинг ўртача қийматининг ўзгариши таъсир қилган. Бу омилларнинг таъсирини ҳисоблаш учун, юқорида келтирилган усулларга таянган ҳолда қуйидаги ҳисоб-китобларни амалга ошириш мумкин:

1. Фойда суммасининг 11,0 млн. сўмга (62,7 - 51,7) кўпайиши рентабеллик даражасини 0,009 % га (0,051 - 0,042) оширган.

11.3-жадвал

Рентабеллик даражасига фойда, асосий ва айланма капиталлар ўзгаришининг таъсирини занжирли алмаштириш усули билан аниқлаш йўллари

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Занжирли алмаштиришлар		
			1	2	3
1. Фойда, млн. сўм	51,7	62,7	62,7	62,7	62,7
2. Асосий воситанинг ўртача қиймати, млн. сўм	985,6	997,2	985,6	997,2	997,2
3. Айланма кмаблағларнинг ўртача қиймати, млн сўм	245,0	231,5	245,0	245,0	231,0
4. Рентабеллик даражаси, %	0,042	0,051	0,051	0,050	0,051

2. Асосий воситаларнинг ўртача қиймати ҳисобот даврида ўтган йилга нисбатан 11,2 млн сўмга ошган (997,2 - 985,6). Аммо бу тегишли самара бермаган. Оқибатда рентабеллик даражаси 0,001 % га (0,050 - 0,051) камайган.

3. Айланма маблағларнинг ўртача йиллик суммаси таҳлил даврида 13,5 млн. сўмга (231,5 -245,0) камайган. Бу ўз навбатида айланма маблағлар билан боғлиқ бўлган жуда кўп омиллар, хусусан харажатларнинг камайишига олиб келган. Оқибатда, рентабеллик даражаси 0,001 % га ошган (0,051 - 0,050) .

Барча омиллар таъсирида рентабеллик даражасининг умумий фақи келиб чиқади:

0,009 - 0,001 + 0,001 = + 0,009 %.

Шундай қилиб, таъкидлаш лозимки, хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда занжирли алмаштириш усули кенг қўлланилади. Энг муҳими, бу усул ҳам бошқа усуллар сингари ички имкониятларни (резервларни) аниқлашга ёрдам беради. Масалан, бизнинг охирги мисолимизда кўриниб турибдики корхонанинг рентабеллигини ошириш учун асосий воситаларнинг самарадорлигини ошириш лозим экан. Агар ушбу кўрсаткич рентабеллик даражасини 0,001 %га камайтирмаганда рентабелликнинг ҳақиқий даражаси 0,051 % эмас, балки 0,052 %га тенг (0,051 + 0,001) бўлган бўлар эди. У ҳолда рентабеллик кўрсаткичининг фарқи 0,009 % эмас, балки 0,010 %ни ташкил қилган (0,009 + 0,001) бўларди. Кўриниб турибдики, ушбу ҳолатда ички имкониятлар 0,001 %ни ташкил қилади.

11.3. Натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик касрли бўлганда ва натижага тўртта омил таъсир қилганда занжирли алмаштириш усулидан фойдаланиш

Занжирли алмаштириш усулидан натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик фақат кўпайтириш бўлган шаклидагина эмас, балки улар ўртасидаги боғлиқлик бўлиш шаклида бўлган тақдирда ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан, ишлаб чиқариш корхоналарида активлар рентабеллиги кўрсаткичини (Ра) олайлик. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун корхонанинг соф фойдасини (Фс) юзга кўпайтириб, активлар йиғиндисига (Ак) бўлинади. Активлар ўз ичига асосий воситаларни (Ав), айланма маблағлар (Айм) ва номоддий активларни (На) олади. Бу қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\text{Ра} = \frac{\text{Сф} * \quad 100}{\text{Ав} + \text{Айм} + \text{На}};$$

бунда Ра – рентабеллик даражаси ;

Фс – фойда суммаси ;

Ав – асосий капиталнинг ўртача йиллик қиймати ;

Айм – айланма капиталнинг ўртача йиллик қиймати;

На – номоддий активлар.

Ушбу формуладан кўриниб турибдики, рентабеллик даражасига тўртта омил: соф фойда сўммаси, асосий воситалар, айланма маблағлар ва номоддий активларнинг ўзгаришлари таъсир

қилади. Ушбу омилларнинг таъсирини ҳисоблаш учун, уларнинг фарқи аниқланади. Бунинг учун қуйидаги формула қўлланилади:

$$\Delta Ра = \left(\frac{Сф_{х} * \ 100}{Ав_{х} + Айм_{х} + На_{х}}\right) - \left(\frac{Сф_{р} * \ 100}{Ав_{р} + Айм_{р} + На_{р}}\right);$$

Рентабеллик даражасига биринчи омил, яъни соф фойда суммаси ўзгаришининг таъсирини ($\Delta Р_{сф}$) занжирли алмаштириш усули билан ҳисоблаш учун рентабеллик даражасини фойда суммасининг ҳақиқий даражаси билан қайта ҳисобланади ($\frac{Сф_{х} * \ 100}{Ав_{р}+Айм_{р}+На_{р}}$) ва ундан рентабеллик даражасининг режадаги миқдори ($\frac{Сф_{р} * \ 100}{Ав_{р}+Айм_{р}+На_{р}}$) айирилади:

$$\Delta Р_{сф} = \left(\frac{Сф_{х} * \ 100}{Ав_{р}+Айм_{р}+На_{р}}\right) - \left(\frac{Сф_{р} * \ 100}{Ав_{р}+Айм_{р}+На_{р}}\right);$$

Рентабеллик даражасининг асосий воситаларнинг ўртача йиллик суммасининг ўзгариши эвазига ўзгарганлигини ($\Delta Р_{ав}$) аниқлаш учун рентабеллик даражасини асосий капиталнинг ўзгариши билан қайта ҳисобланади ($\frac{Сф_{х} * \ 100}{Ав_{х}+Айм_{р}+На_{р}}$) ва ундан рентабеллик даражасининг фойда суммаси билан қайта ҳисобланган миқдори ($\frac{Сф_{х} * \ 100}{Ав_{р}+Айм_{р}+На_{р}}$) айирилади :

$$\Delta Р_{ав} = \left(\frac{Сф_{х} * \ 100}{Ав_{х} + Айм_{р} + На_{р}}\right) - \left(\frac{Сф_{х} * \ 100}{Ав_{р} + Айм_{р} + На_{р}}\right);$$

Рентабеллик даражасига айланма маблағларнинг ўртача йиллик суммаси ўзгаришининг таъсирини ($\Delta Р_{айм}$) аниқлаш учун рентабеллик даражасининг режадаги миқдорини соф фойда, асосий воситалар ва айланма маблағларнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисобланган миқдоридан унинг соф фойда ва асосий фоситаларнинг ўзгариши билан қайта ҳисобланган ҳажмини ($\frac{Сф_{Х} * \ \mathbf{100}}{Ав_{Х}+Айм_{р}+На_{р}}$) айириш лозим бўлади. Бунинг учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta Р_{айм} = \left(\frac{Сф_{х} * \ 100}{Ав_{х} + Айм_{х} + На_{р}}\right) - \left(\frac{Сф_{х} * \ 100}{Ав_{х} + Айм_{р} + На_{р}}\right);$$

Корхоналар рентабеллиги ўзгаришига таъсир этувчи омиллардан бири номоддий активларнинг ўртача йиллик қийматининг

ўзгаришидир. Ушбу омилнинг таъсирини аниқлаш учун натижани барча омилларнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисоблаб олинади ($\frac{Сф_{ҳ} * \ 100}{Ав_{ҳ}+Айм_{ҳ}+На_{на}}$) ва ундан рентабеллик даражасининг режадаги миқдорини соф фойда, асосий воситалар ва айланма маблағларнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисобланган миқдори ($\frac{Сф_{ҳ} * \ 100}{Ав_{ҳ}+Айм_{х}+На_{р}}$) айирилади:

$$\Delta Р_{на} = \left(\frac{Сф_{ҳ} * \ 100}{Ав_{ҳ} + Айм_{ҳ} + На_{на}}\right) - \left(\frac{Сф_{ҳ} * \ 100}{Ав_{ҳ} + Айм_{х} + На_{р}}\right);$$

Бунда ҳам барча омиллар таъсирининг умумий йиғиндиси натижанинг умумий фарқига тенг бўлиши керак:

$$\Delta Р = \Delta Р_{ав} \pm \Delta Р_{айм} \pm \Delta Р_{на}$$

Ушбу боғланишни аниқ маълумотларни қўллаган ҳолда занжирли алмаштириш усулини қўллаб ечилишини кўриш мумкин. Занжирли алмаштириш усулидан фойдаланишда ўзининг классик жадвали мавжуд. Бу қуйидаги кўринишга эга (11.4-жадвал)

Мазкур жадвал маълумотлари асосида натижага таъсир қилувчи омилларнинг таъсирини ҳисоблаш мумкин бўлади. Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, рентабеллик даражаси ҳисобот йилида 0,91 бандга ошган (5,11 – 4,20). Бу ўзгаришга таъкидланганидек, фойда суммаси, асосий воситалар, айланма маблағлар ва номоддий активларнинг ўртача қиймати таъсир қилган. Бу омилларнинг таъсирини ҳисоблаш учун қуйидаги ҳисоб-китобларни амалга оширамиз:

1. Фойда суммасининг 11,0 млн. сўмга (62,7 - 51,7) кўпайиши рентабеллик даражасини 0,90 % га (5,10 - 4,20) оширган.

2. Асосий воситаларнинг ўртача қиймати ҳисобот даврида ўтган йилга нисбатан 2,0 млн сўмга ошган (952,1 - 950,1). Ушбу кўрсаткич ўз навбатида рентабеллик даражасини 0,03 бандга (5,07 – 5,10) камайишига сабабчи бўлган.

3. Айланма маблағларнинг ўртача йиллик суммаси таҳлил даврида 13,5 млн. сўмга (231,5 -245,0) камайган. Бу ўз навбатида айланма маблағлар билан боғлиқ бўлган жуда кўп омиллар, хусусан, харажатларнинг камайишига олиб келган. Оқибатда, рентабеллик даражаси 0,08 бандга ошган (5,15 – 5,07).

4. Номоддий активларнинг ҳам ўртача йиллик қиймати бир мунча ошган ва унинг фарқи 9,6 млн. сўмни (45,1 – 35,5) ташкил қилади. Ушбу омилнинг таъсирида рентабеллик кўрсаткичи 0,04 бандга (5,11 – 5,15) камайган.

11.4-жадвал

Рентабеллик даражасига фойда, асосий ва айланма маблағлар ҳамда номоддий активлар ўзгаришининг таъсирини занжирли алмаштириш усули билан аниқлаш йўллари[116]

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Занжирли алмаштиришлар			
			1	2	3	4
1. Фойда, млн. сўм	51,7	62,7	62,7	62,7	62,7	62,7
2. Асосий воситаларнинг ўртача қиймати, млн. сўм	950,1	952,1	950,1	952,1	952,1	952,1
3. Айланма маблағларнинг ўртача қиймати, млн сўм	245,0	231,5	245,0	245,0	231,0	231,5
4. Номоддий активларнинг ўртача йиллик қиймати, млн. сўм	35,5	45,1	35,5	35,5	35,5	45,1
5. Рентабеллик даражаси, %	4,20	5,11	5,10	5,07	5,15	5,11

Барча омиллар таъсирида рентабеллик даражасининг умумий фақи келиб чиқади:

0,90 - 0,03 + 0,08 - 0,04 = + 0,91 банд.

Шундай қилиб, таъкидлаш лозимки, хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда занжирли алмаштириш усули кенг қўлланилади. Энг муҳими, бу усул ҳам бошқа усуллар сингари ички имкониятларни (резервларни) аниқлашга ёрдам беради. Масалан, бизнинг ушбу мисолимизда кўриниб турибдики, корхонанинг рентабеллигини ошириш учун асосий воситаларнинг ва номоддий активларнинг самарадорлигини ошириш лозим экан. Агар ушбу омиллар ҳеч бўлмаганда режада даражасида сақланганда эди

[116] Маълумотлар услубий асосни кўрсатиш мақсади бўлганлиги учун тақрибан олинди.

мазкур корхона рентабеллиги яна 0,07 бандга (0,03 + 0,04) ошган бўлар эди. У ҳолда рентабелликнинг ҳақиқий даражаси 5,11 % эмас, балки 5,18 %ни (5,11 + 0,07) ташкил қилган бўлар эди. У ҳолда рентабеллик кўрсаткичининг фарқи ҳозиргидек, 0,91 % (5,11 – 4,20) эмас, балки 0,98 %га (5,18 – 4,20) тенг бўлган бўлар эди. Кўриниб турибдики, занжирли алмаштириш усулини қўллаб таҳлил қилинаётган натижа кўрсаткичини яхшилаш бўйича ички имкониятларни ахтариб топиш мумкин экан.

Ҳозирги ҳолатда суръатида битта омил махражида учта омил бўлган вазиятни кўриб чиқдик. Аммо иқтисодий ҳаётимизда шундай ҳоллар ҳам бўлиши мумкинки, суръатида махражига нисбатан кўп омиллар жойлашган бўлиши ҳам мумкин. Қуйидаги мисолимизда натижа билан бешти омил ўртасидаги боғлиқлик кўриб чиқилиши кўзда тутилган. Уларнинг учтаси суръатида ва иккитаси махражида жойлашган бўлиш билан ифодаланганда қуйидаги формулани мисол қилиб олиш мумкин:

$$У = \frac{K_1 * K_2 * K_3}{K_4 * K_5}$$

Ушбу формуладан кўриниб турибдики, натижага таъсир қилувчи омиллар 5 та. Улардан учтасининг кўпайиши ижобий таъсир қилади (суръатида) ва иккитасининг кўпайиши натижа кўрсаткичи ўзгаришига салбий таъсир қилади. Барча ҳолатдаги сингари натижа ўзгаришига алоҳида омиллар таъсирини аниқлаш учун таҳлилни уларнинг фарқини аниқлашдан бошланади. Бунинг учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta У = \left(\frac{K_{1ҳ} * K_{2ҳ} * K_{3ҳ}}{K_{4ҳ} * K_{5ҳ}}\right) - \left(\frac{K_{1р} * K_{2р} * K_{3р}}{K_{4р} * K_{5р}}\right)$$

1. Натижа ўзгаришига биринчи омилнинг таъсирини аниқлаш учун, одатдагидек, натижа кўрсаткичнинг режадаги миқдорини биринчи омилнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисоблаб олинади $\left(\frac{К_{1ҳ}*К_{2р}*К_{3р}}{К_{4р}*К_{5р}}\right)$ ва чиққан натижадан унинг режадаги (асос йилидаги) миқдори($\frac{К_{1р}*К_{2р}*К_{3р}}{К_{4р}*К_{5р}}$) айирилади. Буни амалга ошириш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$\Delta Ук_1 = \left(\frac{К_{1ҳ} * К_{2р} * К_{3р}}{К_{4р} * К_{5р}}\right) - \left(\frac{К_{1р} * К_{2р} * К_{3р}}{К_{4р} * К_{5р}}\right)$$

2. Ўрганилаётган натижа кўрсаткичи ўзгаришига иккиинчи омилнинг таъсирини аниқлаш учун, ушбу кўрсаткичнинг режадаги миқдорини биринчи ва иккинчи омилларнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисоблаб олинади $\left(\frac{К_{1ҳ}*К_{2ҳ}*К_{3р}}{К_{4р}*К_{5р}}\right)$ ва чиққан натижадан унинг биринчи омил билан қайта ҳисобланган миқдори $(\frac{К_{1ҳ}*К_{2р}*К_{3р}}{К_{4р}*К_{5р}}$) айирилади. Бу ҳисоб-китобни қуйидаги формула орқали ифодалашни тавсия қиламиз:

$$\Delta Ук_2 = \left(\frac{К_{1ҳ} * К_{2ҳ} * К_{3р}}{К_{4р} * К_{5р}}\right) - \left(\frac{К_{1ҳ} * К_{2р} * К_{3р}}{К_{4р} * К_{5р}}\right)$$

3. Таҳлил жараёнида ўрганилаётган натижа кўрсаткичи ўзгаришига учинчи омилнинг таъсирини занжирли алмаштириш усули билан аниқлаш учун, ушбу кўрсаткичнинг режадаги миқдорини биринчи, иккинчи ва учинчи омилларнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисоблаб олинади $\left(\frac{К_{1ҳ}*К_{2ҳ}*К_{3ҳ}}{К_{4р}*К_{5р}}\right)$ ва чиққан натижадан унинг биринчи ва иккинчи омилларнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисобланган ҳажми $(\frac{К_{1ҳ}*К_{2ҳ}*К_{3р}}{К_{4р}*К_{5р}}$) айирилади. Бундай ҳисоб-китоблар, омиллар ўртасидаги боғлиқлик касрли бўлганда қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин:

$$\Delta Ук_3 = \left(\frac{К_{1ҳ} * К_{2ҳ} * К_{3ҳ}}{К_{4р} * К_{5р}}\right) - \left(\frac{К_{1ҳ} * К_{2ҳ} * К_{3р}}{К_{4р} * К_{5р}}\right)$$

4. Тадқиқот жараёнида ўрганилаётган натижа кўрсаткичи ўзгаришига тўртинчи омилнинг таъсирини аниқлаш учун, ушбу кўрсаткичнинг режадаги миқдорини биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи омилларнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисоблаб олинади $\left(\frac{К_{1ҳ}*К_{2ҳ}*К_{3ҳ}}{К_{4ҳ}*К_{5р}}\right)$ ва чиққан натижадан унинг биринчи, иккинчи ва учинчи омилларнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисобланган ҳажми $(\frac{К_{1ҳ}*К_{2ҳ}*К_{3ҳ}}{К_{4р}*К_{5р}}$) айирилади. Бу ҳисоб-китобни қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин бўлади:

$$\Delta Ук_4 = \left(\frac{К_{1ҳ} * К_{2ҳ} * К_{3ҳ}}{К_{4ҳ} * К_{5р}}\right) - \left(\frac{К_{1ҳ} * К_{2ҳ} * К_{3ҳ}}{К_{4р} * К_{5р}}\right)$$

5. Юқорида таъкидланганидек, мазкур омилли таҳлил жараёнида ўрганилаётган натижа кўрсаткичи ўзгаришига бешинчи омилнинг таъсирини аниқлаш учун, ушбу кўрсаткичнинг режадаги миқдорини биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи омилларнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисоблаб олинади $\left(\frac{К_{1ҳ}*К_{2ҳ}*К_{3ҳ}}{К_{4ҳ}*К_{5ҳ}}\right)$ ва чиққан натижадан унинг биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи омилларнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисобланган ҳажми $(\frac{К_{1ҳ}*К_{2ҳ}*К_{3ҳ}}{К_{4ҳ}*К_{5р}})$ айирилади. Ушбу ҳисоб-китобни қуйидаги формула орқали ифодалашни тавсия қиламиз:

$$\Delta Ук_5 = \left(\frac{К_{1ҳ} * К_{2ҳ} * К_{3ҳ}}{К_{4ҳ} * К_{5ҳ}}\right) - \left(\frac{К_{1ҳ} * К_{2ҳ} * К_{3ҳ}}{К_{4ҳ} * К_{5р}}\right)$$

Барча ҳолларда жами омиллар таъсири ўрганилаётган натижа ўзгаришининг умумий фарқига тенг бўлади. Буни қуйидаги формула билан ифодалаш мумкин:

$$\Delta У = \Delta Ук_1 \pm \Delta Ук_2 \pm \Delta Ук_3 \pm \Delta Ук_4 \pm \Delta Ук_5$$

Мазкур ҳолатда ҳам ушбу усулга корхонанинг аниқ маълумотларини қўллаб ечадиган бўлсак, натижа кўрсаткичига таъсир қилаётган юқорида келтирилган 5 та омил бўйича (улардаги суръатида жойлашган омилларнинг кўпайиши натижага ижобий ва махражида жойлашган омилларнинг кўпайиши эса, унга салбий таъсир қилади) ички имкониятларни аниқлаш мумкин бўлади. Бундай таҳлил натижаларига асосан корхона раҳбарлари иқтисодий жиҳатдан асосланган, ички имкониятлардан фойдаланишни кўзда тутадиган, таъсирчан бошқарув қарорларини қабул қилиш имкониятига эга бўлади.

11.4. Натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик мультипликатив боғлиқ бўлган шароитда занжирли алмаштириш усулидан фойдаланиш услубиёти

Бунга мисол тариқасида рақобатбардошлик кўрсаткичига таъсир этувчи омилларни қараб чиқамиз. Масалан, рақобатдаги **маҳсулотни сотиш ҳажмининг ўсиш суръати (***Рмўс*)ни оламиз. Ушбу кўрсаткич юқорида таъкидланганидек, қуйидаги формула билан аниқланади.

$$P_{МЎС} = \frac{P_{М.Х}}{P_{М.АЙ}},$$

бунда Рм.ҳ – рақобатдаги сотилган маҳсулотнинг хақиқий миқдори;

Рм.ай – шу маҳсулотнинг асос йилидаги миқдори.

Мазкур кўрсаткичнинг ўзгаришига бир қанча омиллар таъсир қилади. Улардан бир гуруҳи ходимлар сони ва меҳнат унумдорлиги билан боғлиқ омиллардир. Булар таркибига тадқиқотларимиз натижасида қуйидагилар кириши аниқланди:

- рақобатдаги маҳсулотни ишлаб чиқарувчилар меҳнат унумдорлиги (v);
- рақобатдаги маҳсулотни сотадиган дўконларда банд бўлган ходимларнинг ўртача сони (f);
- рақобатдаги маҳсулот ҳажмининг асос йилида дўконлар билан таъминланганлик даражаси (t).

Натижа билан юқорида келтирилган омилларнинг бир-бири билан боғлиқлиги мультипликатив характерга эга. Бу қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$Q = v * f * t ;$$

Рақобатдаги маҳсулот ҳажмини таҳлил қилиш учун уларнинг фарқини ҳисоблашдан бошлаш лозим. Бунинг учун қуйидаги формула қўлланилади:

$$\Delta Q = (v_ҳ * f_ҳ * t_ҳ) - (v_р * f_р * t_р) \ ;$$

Энди ҳар бир омилнинг натижа кўрсаткичига таъсирини занжирли алмаштириш усули билан аниқлаш йўлини кўрсатамиз. Бунинг учун қуйидаги ҳисоб-китобларни амалга оширамиз:

1. Натижа кўрсаткичи, яъни рақобатдаги маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига рақобатдаги маҳсулотни ишлаб чиқарувчилар меҳнат унумдорлиги (v) нинг таъсирини аниқлаш учун натижа кўрсаткичини шу омилнинг ўзгариши билан ҳисоблаб олинади ($v_ҳ * f_р * t_р$) ва чиққан натижадан унинг режадаги миқдори ($v_р * f_р * t_р$)а йирилади. Бу қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\Delta Q_v = (v_ҳ * f_р * t_р) - (v_р * f_р * t_р) \ ;$$

2. Рақобатдаги маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига рақобатдаги маҳсулотни сотадиган дўконларда банд бўлган ходимларнинг ўртача сони (f) ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун натижа кўрсаткичини шу омилнинг ўзгариши билан ҳисоблаб олинади ($v_ҳ * f_ҳ * t_р$) ва чиққан натижадан унинг биринчи омил миқдори билан

қайта ҳисобланган ҳажми ($v_ҳ$ * f_p * t_p)айирилади. Буни аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta Q_f = (v_ҳ * f_ҳ * t_p) - (v_ҳ * f_p * t_p) \ ;$$

3. Натижа кўрсаткичи бўлган рақобатдаги маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига рақобатдаги маҳсулот ҳажмининг асос йилида дўконлар билан таъминланганлик даражасининг (t) таъсирини ҳисоблаш учун натижа кўрсаткичининг ҳақиқий миқдоридан ($v_ҳ$ * $f_ҳ$ * $t_ҳ$) унинг биринчи ва иккинчи омилларнинг ҳақиқий миқдори билан ҳисобланган ҳажми ($v_ҳ$ * $f_ҳ$ * t_p) айирилади. Бунда қуйидаги формуланинг қўлланилиши мақсадга мувофиқ:

$$\Delta Q_t = (v_ҳ * f_ҳ * t_ҳ) - (v_ҳ * f_ҳ * t_p);$$

Барча омилларнинг таъсири натижа кўрсаткичи ўзгаришининг умумий ҳажмига тенг бўлади. Буни аниқлаш учун ҳам формуладан фойдаланиш мумкин:

$$\Delta Q = \Delta Q_v \pm \Delta Q_f \pm \Delta Q_t ;$$

Ушбу усулга амалий маълумотларни қўллаб, рақобатдаги маҳсулот ўзгаришига меҳнат унудорлиги билан боғлиқ омиллар таъсирини ҳисоблаш ва ички имкониятларни ахтариб топиш мумкин. Мазкур маълумотлар таҳлил натижаси бўйича тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш имкониятини беради. Шуни инобатга олиш лозимки, ушбу жараёнларнинг ҳаммаси рақобат бозорида содир бўлади. Шу туфайли рақобат бозорининг тавсифи ва ундаги иқтисодиёт субъектларининг рақобатбардошлигини баҳолаш масалаларини қараб чиқишни тақозо қилади.

11.5. Натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик мультипликатив бўлиб, уларнинг сони бешта бўлганда занжирли алмаштириш усулидан фойдаланиш йўллари

Натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик функционал бўлиб, улар кўпайтириш билан ифодаланганда ва натижа кўрсаткичи ўзгаришига 5 та омил таъсир қилганда, улар ўртасидаги боғлиқликни ифодаловчи формула қуйидагича шаклга эга бўлади:

$$У = w_1 * w_2 * w_3 * w_4 * w_5 = \prod_{i=1}^{n} w_i \ ; \qquad (i=1,n)$$

Натижанинг ўзгаришига формулага асосланиб қарайдиган бўлсак, 5 та омил таъсир қилади. Уларнинг таъсирини аниқлаш учун иқтисодий таҳлилнинг занжирли алмаштириш усулидан фойдаланамиз. Буни амалга ошириш учун уларнинг фарқи

аниқланади, яъни ушбу кўрсаткичнинг ҳақиқий миқдоридан ($\prod_{i=1}^{n} w_{iх}$), унинг режадаги (асос йилидаги) миқдори ($\prod_{i=1}^{n} w_{ip}$) айирилади. Бунинг формуласи қуйидагича ифодаланади:

$$\Delta У = \prod_{i=1}^{n} w_{iх} - \prod_{i=1}^{n} w_{ip} \ ;$$

Ушбу тенгламанинг кенгайтирилган, яъни омиллар келтирилган шакли қуйидагича шаклга эга бўлади:

$$\Delta У = (w_{1х} * w_{2х} * w_{3х} * w_{4х} * w_{5х}) - (w_{1р} * w_{2р} * w_{3р} * w_{4р} * w_{5р}) ;$$

Энди натижа кўрсаткичининг ўзгаришига 5 та омилнинг таъсирини кетма-кет равишда аниқлаш мумкин бўлади.

1. Натижа ўзгаришига биринчи омилнинг таъсирини аниқлаш учун, ушбу кўрсаткичнинг режадаги миқдорини биринчи омилнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисоблаб олинади $(w_{1х} * w_{2р} * w_{3р} * w_{4р} * w_{5р})$ва чиққан натижадан унинг режадаги (асос йилидаги) миқдори $(w_{1р} * w_{2р} * w_{3р} * w_{4р} * w_{5р})$ айирилади. Бу қуйидаги формулада ўз ифодасини топади:

$$\Delta Уw_1 = (w_{1х} * w_{2р} * w_{3р} * w_{4р} * w_{5р}) - (w_{1р} * w_{2р} * w_{3р} * w_{4р} * w_{5р}) ;$$

Ушбу формуланинг, яъни натижа ўзгаришига биринчи омилнинг таъсирини аниқлаш усулининг қисқартирилган варианти ифодалаш учун натижанинг биринчи омил билан қайта ҳисобланган миқдорининг мультипликатив моделидан ($\prod_{i=1}^{n} w_{w1}$), унинг режадаги (асос йилидаги) мультипликатив модели ($\prod_{i=1}^{n} w_{wр}$) айирилади. Мазкур ҳисоб-китобни қуйидагича ифодалашни тавсия қиламиз:

ва қуйидагича ифодаланади:

$$\Delta Уw_1 = \prod_{i=1}^{n} w_{w1} - \prod_{i=1}^{n} w_{ip} ;$$

2. Натижа ўзгаришига иккинчи омилнинг таъсирини аниқлаш учун, ушбу кўрсаткичнинг режадаги миқдорини биринчи ва иккинчи омилларнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисоблаб олинади $(w_{1х} * w_{2х} * w_{3р} * w_{4р} * w_{5р})$ва чиққан натижадан унинг биринчи омил билан қайта ҳисобланган миқдори $(w_{1р} * w_{2р} * w_{3р} * w_{4р} * w_{5р})$ айирилади. Бу ҳисоб-китобни қуйидаги формула орқали ифодалашни тавсия қиламиз:

$$\Delta Уw_2 = (w_{1х} * w_{2х} * w_{3р} * w_{4р} * w_{5р}) - (w_{1х} * w_{2р} * w_{3р} * w_{4р} * w_{5р});$$

Ўрганилаётган натижа кўрсаткичи ўзгаришига иккинчи омилнинг таъсирини аниқлаш усулининг қисқартирилган вариантини ифодалаш учун натижанинг иккинчи омил билан қайта ҳисобланган миқдорининг мультипликатив моделидан ($\prod_{i=1}^{n} w_{w2}$), унинг биринчи омилнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисобланган мультипликатив модели ($\prod_{i=1}^{n} w_{w2}$) айирилади. Мазкур ҳисоб-китобни қуйидагича ифодалашни тавсия қиламиз:

$$\Delta У w_2 = \prod_{i=1}^{n} w_{w2} - \prod_{i=1}^{n} w_{w1}$$

3. Ўрганилаётган натижа кўрсаткичи ўзгаришига учинчи омилнинг таъсирини занжирли алмаштириш усули билан аниқлаш учун, ушбу кўрсаткичнинг режадаги миқдорини биринчи, иккинчи ва учинчи омилларнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисоблаб олинади $(w_{1ҳ} * w_{2ҳ} * w_{3ҳ} * w_{4р} * w_{5р})$ва чиққан натижадан унинг биринчи ва иккинчи омилларнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисобланган ҳажми $(w_{1ҳ} * w_{2ҳ} * w_{3р} * w_{4р} * w_{5р})$ айирилади. Бу ҳисоб-китобни қуйидаги формула орқали ифодалашни тавсия қиламиз:

$$\Delta У w_3 = (w_{1ҳ} * w_{2ҳ} * w_{3ҳ} * w_{4р} * w_{5р}) - (w_{1ҳ} * w_{2ҳ} * w_{3р} * w_{4р} * w_{5р});$$

Мазкур ўрганилаётган натижа кўрсаткичи ўзгаришига учинчи омилнинг таъсирини аниқлаш усулининг қисқартирилган вариантда ифодалаш учун натижанинг учинчи омил билан қайта ҳисобланган миқдорининг мультипликатив моделидан ($\prod_{i=1}^{n} w_{w3}$), унинг иккиинчи омил ўзгариши билан қайта ҳисобланган мультипликатив модели ($\prod_{i=1}^{n} w_{w2}$) айирилади. Мазкур ҳисоб-китобни қуйидагича ифодалашни тавсия қиламиз:

$$\Delta У w_3 = \prod_{i=1}^{n} w_{w3} - \prod_{i=1}^{n} w_{w2}$$

4. Таҳлил қилинаётган натижа кўрсаткичи ўзгаришига тўртинчи омилнинг таъсирини аниқлаш учун, ушбу кўрсаткичнинг режадаги миқдорини биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи омилларнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисоблаб олинади $(w_{1ҳ} * w_{2ҳ} * w_{3ҳ} * w_{4ҳ} * w_{5р})$ва чиққан натижадан унинг биринчи, иккинчи ва учинчи омилларнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисобланган ҳажми $(w_{1ҳ} * w_{2ҳ} * w_{3ҳ} * w_{4р} * w_{5р})$ айирилади. Бу

ҳисоб-китобни қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин бўлади:

$$\Delta У w_4 = (w_{1ҳ} * w_{2ҳ} * w_{3ҳ} * w_{4ҳ} * w_{5р}) - (w_{1ҳ} * w_{2ҳ} * w_{3ҳ} * w_{4р} * w_{5р});$$

Ушбу таҳлил қилинаётган натижа кўрсаткичи ўзгаришига тўртинчи омилнинг таъсирини аниқлаш усулининг қисқартирилган варианти ифодалаш учун натижанинг тўртинчи омил билан қайта ҳисобланган миқдорининг мультипликатив моделидан ($\prod_{i=1}^{n} w_{w4}$), унинг учинчи омил билан қайта ҳисобланган мультипликатив модели ($\prod_{i=1}^{n} w_{w3}$) айирилади. Бу ҳисоб-китоб қуйидагича ифодаланади:

$$\Delta У w_4 = \prod_{i=1}^{n} w_{w4} - \prod_{i=1}^{n} w_{w3}$$

5. Мазкур омилли таҳлил жараёнида ўрганилаётган натижа кўрсаткичи ўзгаришига бешинчи омилнинг таъсирини аниқлаш учун, ушбу кўрсаткичнинг режадаги миқдорини биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи омилларнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисоблаб олинади $(w_{1ҳ} * w_{2ҳ} * w_{3ҳ} * w_{4ҳ} * w_{5ҳ})$ ва чиққан натижадан унинг биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи омилларнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисобланган ҳажми $(w_{1ҳ} * w_{2ҳ} * w_{3ҳ} * w_{4ҳ} * w_{5р})$ айирилади. Бу ҳисоб-китобни қуйидаги формула орқали ифодалашни тавсия қиламиз:

$$\Delta У w_5 = (w_{1ҳ} * w_{2ҳ} * w_{3ҳ} * w_{4ҳ} * w_{5ҳ}) - (w_{1ҳ} * w_{2ҳ} * w_{3ҳ} * w_{4р} * w_{5р});$$

Ушбу таҳлилда ўрганилаётган натижа кўрсаткичи ўзгаришига бешинчи омилнинг таъсирини аниқлаш усулининг қисқартирилган варианти қуйидагича ифодаланади:

$$\Delta У w_5 = \prod_{i=1}^{n} w_{w5} - \prod_{i=1}^{n} w_{w4}$$

Барча омиллар таъсири ўрганилаётган натижанинг умумий фарқига тенг бўлади. Буни қуйидаги формула билан ифодалашни тавсия қиламиз:

$$\Delta У = \Delta У w_1 \pm \Delta У w_2 \pm \Delta У w_3 \pm \Delta У w_4 \pm \Delta У w_5$$

Ушбу усулга корхонанинг аниқ маълумотларини қўллаб ечадиган бўлсак, натижа кўрсаткичига таъсир қилаётган юқорида келтирилган 5 та омил бўйича ички имкониятларни аниқлаш мумкин бўлади. Бунга асосан корхона раҳбарлари иқтисодий

жиҳатдан асосланган таъсирчан бошқарув қарорларини қабул қилиш имкониятига эга бўлади.

11.6. Натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик мультипликатив бўлганда ва натижага олтита омил таъсир қилганда занжирли алмаштириш усулидан фойдаланиш услубиёти

Маълумки, рентабеллик кўрсаткичларига меҳнат ресурслари билан боғлиқ омиллар таъсирининг ҳисоб-китоби бўйича анча тавсиялар мавжуд[117]. Аммо консерва заводлари мавсумий тарзда ишлайди. Бу омилнинг таъсири жуда катта. Лекин бу омил ҳали адабиётларда тўлиқ ўрганилмаган. Шу учун рентабеллик кўрсаткичига мазкур гуруҳ омиллар таъсирини аниқлаш учун қуйидаги формулани тавсия қиламиз:

$$Р_м = \frac{Ф_с}{М} = \frac{Ф_с}{И_{км}} \cdot \frac{И_{км}}{И_{ку}} \cdot \frac{И_{ку}}{М} \cdot \frac{М}{Х_{см}} \cdot \frac{Х_{см}}{С_м} \cdot \frac{С_м}{М};$$

бунда Рм – маҳсулот рентабеллиги;

Фс – соф фойда;

М – ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми;

Икм – Иқтисодиёт субъектларининг мавсум давомида ишлаган иш куни;

Ику – бир йил давомидаги умумий иш куни;

Хсм – иқтисодиёт субъектларининг мавсум пайтида банд бўлган ходимлар сони;

См – сотилган маҳсулот ҳажми.

Ушбу формулани ихчамлаштириб натижани катта «А» билан, омилларни кичик «а» билан белгиласак бу қуйидаги шаклга эга бўлади:

$$A = a_1 \cdot a_2 \cdot a_3 \cdot a_4 \cdot a_5 \cdot a_6 = \prod_{i=1}^{6} \cdot a_i$$

---

[117] Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. Минск: ООО «Новое знание», 2000. - 460-467 бетлар; Баканов М.И., Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. М.: Финансы и статистика, 1994. - 60-75 бетлар; Абдукаримов И.Т. ва бошқалар. Матлубот кооперациясининг хўжалик фаолиятини анализ қилиш. Т.: «Ўқитувчи», 1989. - 32-53 бетлар; Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Самарқанд: Зарафшон, 2001. - 87-126 бетлар; Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. I-қисм. Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2001. - 31-72 бетлар; Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Иқтисодий таҳлил. Т.: Меҳнат, 2004. – 454-471 бетлар. ва ҳ.к.

бунда a_1 – соф фойданинг мавсум давомида бир иш кунига тўғри келиши;

a_2 – мавсумий иш кунининг умумий иш кунидаги улуши;

a_3 – умумий иш кунининг минг сўм маҳсулотга тўғри келиши;

a_4 – мавсумий ходимларнинг меҳнат унумдорлиги;

a_5 – бир млн. сўм сотилган маҳсулотга мавсумий ходимларнинг тўғри келиши;

a_6 – сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқарилган маҳсулотдаги улуши;

П – кўпайтириш белгиси;

i – омилларнинг тартиб сони (i=1,n)

n – омилларнинг умумий сони;

a_i –i омилнинг миқдори.

Ушбу назарий тавсиянинг амалиётда қўлланилиши мумкинлигини исботлаш учун ушбу жадвални тузишни тавсия қиламиз (11.5-жадвал).

11.5-жадвал

«Турон» КМЧЖда маҳсулот рентабеллиги билан боғлиқ кўрсаткичларнинг ҳисобот йилидаги ҳисоб-китоби

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+,-)	
			Мутлоқ,ўлчов бирлигида	Нисбий, % да
Ҳажм кўрсаткичлари				
1. Соф фойда, минг сўм	1837,5	1930,6	+93,1	105,1
2. Сотилган маҳсулот ҳажми, минг сўм	23815	25712	+1897	113,5
3. Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, минг сўм	25943	26686	+743	102,9
4. Мавсум давомида иш куни, кунларда	105	112	+7	106,7
5. Бир йил давомида иш куни, кунларда	306	306	-	100,0
6. Иқтисодиёт субъектларида мавсум давомида банд бўлган ходимларнинг ўртача сони, киши	382	397	+15	103,9
7. Банд бўлган ходимларнинг йиллик ўртача сони, киши	214	241	+27	112,6

11.5-жадвалнинг давоми

Нисбий кўрсаткичлари				
8. Соф фойданинг мавсум давомида бир иш кунига тўғри келиши, минг сўм (1к:4к) ($а_1$)	17,5	17,2	-0,3	98,3
9. Мавсумий иш кунининг умумий йиллик иш кунидаги улуши, % (4к:5к) ($а_2$)	34,3	36,6	+2,3	106,7
10. Умумий иш кунининг бир миллион сўм маҳсулотга тўғри келиши (маҳсулотнинг меҳнатлилиги), кунларда (5к:3к) ($а_3$)	11,80	11,47	-0,33	97,20
11. Мавсумий ходимларнинг меҳнат унумдорлиги, минг сўм (3к:6к) ($а_4$)	67,91	67,22	-0,69	99,0
12. Мавсумий ходимларнинг сотилган маҳсулотга тўғри келиши (сотилган маҳсулотнинг меҳнатлилиги), киши (6к:2к) ($а_5$)	16,04	15,44	-0,60	96,26
13. Сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқарилган маҳсулотдаги улуши, % (2к:3к) ($а_6$)	91,80	96,42	+4,62	105,0
14. Маҳсулот рентабеллиги, % (1к:3к)	7,08	7,23	+0,15	102,1

Манба: «Турон» КМЧЖнинг ҳисобот йилидаги бухгалтерия ва статистик ҳисоб ва ҳисоботлари ҳамда муаллифнинг шахсий кузатуви натижаси асосида тузилди

Изоҳ: Мавсум давомида иш куни дам олиш кунларисиз ҳисобланган, чунки мавсумда иқтисодиёт субъектлари дам олиш кунисиз ишлайди. Ҳисобот йилида 23 июндан 12 октябргача ишлаган. Ўтган йилда эса завод 14 июлдан 14 октябргача ишлаган.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, маҳсулот рентабеллиги билан боғлиқ барча ҳажм кўрсаткичлари ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан кўпайган. Аммо нисбий кўрсаткичларнинг бир қисмида пасайиш рўй берган. Жумладан, соф фойданинг мавсум давомида бир иш кунига тўғри келиши ўтган йилда 17,5 минг сўмни ташкил қилган бўлса, ҳисобот йилида 17,2 минг сўмга ёки 0,3 минг сўмга кам бўлган. Худди шундай ҳолат умумий иш кунининг бир миллион сўм маҳсулотга тўғри

келишида (2,8 %), мавсумий ходимлар меҳнат унумдорлигининг пасайишида (1,0 %), мавсумий ходимларнинг бир миллион сўм сотилган маҳсулотга тўғри келишида (3,74 %) ҳам кузатилди. Албатта бундай ўзгаришлар Иқтисодий субъектларда рентабеллигининг ўзгаришига ҳам таъсир этмасдан қолмайди. Шу туфайли ишда ушбу омилларнинг маҳсулот рентабеллигига таъсирини ҳисоблаш йўлларини ишлаб чиқдик ва тавсия қилмоқдамиз.

Бу учун юқорида келтирилган формулаларга таҳлилнинг занжирли алмаштириш усулини қўллаб ечилса маҳсулот рентабеллигининг ўзгаришига олтита омилнинг таъсирини ҳисоблаш мумкинлигини кўрамиз.

1. Натижа кўрсаткичи ўзгаришига соф фойданинг мавсум давомида бир иш кунига тўғри келадиган миқдорининг таъсирини (ΔA_{a1}) аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta A_a = (a^x_1 \cdot a^p_2 \cdot a^p_3 \cdot a^p_4 \cdot a^p_5 \cdot a^p_6) - A^p ;$$

2. Мавсумий иш кунининг умумий йиллик иш кунидаги улушининг маҳсулот рентабеллиги ўзгаришига таъсирини (ΔA_{a2}) аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия қилинади:

$$\Delta Aa_2 = (a^x_1 \cdot a^x_2 \cdot a^p_3 \cdot a^p_4 \cdot a^p_5 \cdot a^p_6) - (a^x_1 \cdot a^p_2 \cdot a^p_3 \cdot a^p_4 \cdot a^p_5 \cdot a^p_6) ;$$

3. Натижа ўзгаришига учинчи омилнинг, яъни умумий иш кунининг бир миллион маҳсулотга тўғри келишининг таъсирини (ΔA_{a3}) аниқлаш учун ушбу формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$\Delta Aa_3 = (a^x_1 \cdot a^x_2 \cdot a^x_3 \cdot a^p_4 \cdot a^p_5 \cdot a^p_6) - (a^x_1 \cdot a^x_2 \cdot a^p_3 \cdot a^p_4 \cdot a^p_5 \cdot a^p_6) ;$$

4. Мавсумий ходимларнинг меҳнат унумдорлиги эвазига маҳсулот рентабеллигининг ўзгаришини (ΔA_{a4}) аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta Aa_4 = (a^x_1 \cdot a^x_2 \cdot a^x_3 \cdot a^x_4 \cdot a^p_5 \cdot a^p_6) - (a^x_1 \cdot a^x_2 \cdot a^x_3 \cdot a^p_4 \cdot a^p_5 \cdot a^p_6) ;$$

5. Мавсумий ходимларнинг бир миллион сўм сотилган маҳсулотга тўғри келиши, яъни сотилган маҳсулотнинг меҳнатлилиги ҳам маҳсулот рентабеллигининг ўзгаришига таъсир қилади. Ушбу кўрсаткични (ΔA_{a5}) аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta Aa_5 = (a^x_1 \cdot a^x_2 \cdot a^x_3 \cdot a^x_4 \cdot a^x_5 \cdot a^p_6) - (a^x_1 \cdot a^x_2 \cdot a^x_3 \cdot a^x_4 \cdot a^p_5 \cdot a^p_6) ;$$

6. Сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқарилган маҳсулотдаги улуши қанча ортиб борса маҳсулот рентабеллиги ҳам шунча ошиб боради ва аксинча. Ушбу кўрсаткични (ΔA_{a6}) аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta Aa_6 = A^x - (a^x_1 \cdot a^x_2 \cdot a^x_3 \cdot a^x_4 \cdot a^x_5 \cdot a^p_6);$$

Барча омиллар таъсири натижа ўзгаришининг умумий фарқига тенг бўлади:

$$\Delta A = \Delta Aa_1 \pm \Delta Aa_2 \pm \Delta Aa_3 \pm \Delta Aa_4 \pm \Delta Aa_5 \pm \Delta Aa_6 .$$

Ушбу тавсиямизнинг амалда қўлланилишини исботлаш учун қуйидаги жадвал тавсия қилинади (11.6-жадвал).

11.6-жадвал

«Турон» КМЧЖда маҳсулот рентабеллиги ўзгаришига алоҳида мавсумий кўрсаткичлар билан боғлиқ омиллар таъсирини ҳисоблаш усули

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Рентабеллик кўрсаткичи					
		a_1 омил таъсири билан	a_2 омил таъсири билан	a_3 омил таъсири билан	a_4 омил таъсири билан	a_5 омил таъсири билан	a_6 омил таъсири билан
1. Соф фойданинг мавсум давомида бир иш кунига тўғри келиши, минг сўм (a_1)	17,5	17,2	17,2	17,2	17,2	17,2	17,2
2. Мавсумий иш кунининг умумий йиллик иш кунидаги улуши, % (a_2)	34,3	34,3	36,6	36,6	36,6	36,6	36,6
3. Умумий иш кунининг бир миллион сўм маҳсулотга тўғри келиши (маҳсулотнинг меҳнатлилиги), кунларда (a_3)	11,8	11,8	11,8	11,47	11,47	11,47	11,47
4. Мавсумий ходимларнинг меҳнат унумдорлиги, минг сўм (a_4)	67,91	67,91	67,91	67,91	67,22	67,22	67,22
5. Мавсумий ходимларнинг сотилган маҳсулотга тўғри келиши (сотилган маҳсулотнинг меҳнатлилиги), киши (a_5)	16,04	16,04	16,04	16,04	16,04	15,44	15,44
6. Сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқарилган маҳсулотдаги улуши, % (a_6)	91,80	91,80	91,80	91,80	91,80	91,80	96,42
7. Маҳсулот рентабеллиги, % (А)	7,08	6,96	7,43	7,22	7,15	6,88	7,23

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, маҳсулот рентабеллиги ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан 0,15 % бандга ошган. Бу ўзгариш қуйидаги омиллар эвазига содир бўлган.

1. Соф фойданинг мавсум давомида бир иш кунига тўғри келадиган суммасининг 0,3 минг сўмга камайиши маҳсулот рентабеллигини 0,12 % бандга камайтирган:

6,96-7,08 = -0,12 % банд.

2. Мавсумий иш кунининг умумий йиллик иш кунидаги улушининг 2,3 % бандга ошганлиги маҳсулот рентабеллигини 0,47 % бандга кўпайтирган:

7,43 – 6,96 = +0,47 % банд

3. Умумий иш кунининг бир миллион сўм маҳсулотга тўғри келиши, яъни маҳсулотнинг меҳнатлилиги 0,33 кунга камайган. Бу омил таъсирида маҳсулот рентабеллиги 0,21 % бандга камайган.

7,22 – 7,43 = -0,21 % банд.

4. Маҳсулот рентабеллиги мавсумий ходимлар меҳнат унумдорлигининг 0,69 минг сўмга камайганлиги эвазига 0,07 % бандга камайган:

7,15 – 7,22 = -0,07 % банд.

5. Бир миллион сўм сотилган маҳсулотнинг мавсумий ходимлар билан таъминганлиги 0,60 кишига камайган. Ушбу омил эвазига маҳсулот рентабеллиги 0,27 % бандга кам бўлган:

6,88 – 7,15 = -0,27

6. Сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқарилган маҳсулотдаги улуши 4,62 % бандга ошган. Ушбу омил таъсирида маҳсулот рентабеллиги 0,35 % бандга кўпайган:

7,23 – 6,88 = +0,35 % банд

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий ўзгаришига тенг бўлган.

-0,12 + 0,47 – 0,21 – 0,07 – 0,27 + 0,35 = +0,15 % банд

Таҳлил натижаси кўрсатадики, тадбиркорлик субъекти бўлган «Турон» КМЧЖда маҳсулот рентабеллигининг 0,15 % бандга ошганлигига атиги иккита омил ижобий, тўртта омил салбий таъсир қилган. Ушбу омилларнинг даражаси ҳеч бўлмаганда ўтган йилги миқдорда сақланиб қолганда эди ҳисобот йилида маҳсулот рентабеллиги яна 0,67 бандга ошган бўлар эди:

0,12 + 0,21 + 0,07 + 0,27 = 0,67 банд.

У ҳолда ҳақиий рентабеллик даражаси 7,23 % эмас, балки 7,90 % ни ташкил қилган бўлар эди.

7,23 + 0,67 = 7,90 %

Агар мазкур иқтисодиёт субъектларида ҳамма имкониятдан тўлиқ фойдаланилганда эди рентабелликнинг ўтган йилги даражадан фарқи 0,15 % эмас, балки 0,92 бандни ташкил қилган бўлар эди.

0,15 + 0,67 = 0,92 %.

Келгусида мазкур иқтисодиёт субъектлари раҳбарияти (менежери, эгаси) натижа кўрсаткичига салбий таъсир қилган омилларга алоҳида аҳамият беришлари лозим.

Агар бизнинг тавсияларимиз амалиётга қўлланилса Иқтисодий субъектлар фаолиятида молиявий натижаларининг яхшиланиши учун тегишли резервларни ахтариб топиш имкони яратилади. Буларнинг ўқув жараёнига тадбиқ қилиниши эса, бўлажак мутахассисларни иқтисодий ишга тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

11.7. Натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик тўртта бўлганда занжирли алмаштириш усулининг амалиётда қўлланилиши[118]

Энди ушбу кўрсаткичларнинг, хусусан, маҳсулотларни сақловчи корхоналарда рентабеллик кўрсаткичининг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни амалий маълумотларни қўллаган ҳолда аниқлашни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Бундай омилларга бизнинг фикримизча қуйидагилар киради:

- арендага берилган совутгичнинг майдони $М^2$ (*Абм*);
- арендадан олинган фойданинг харажатлар билан таъминланганлиги (*Фхт*);
- 1 $м^2$ арендага берилган майдонинг фойдалилиги (*Аф*);
- сақланиб сотилган маҳсулотнинг майдон билан таъминланганлиги *(Ммт*).

Сақланиб сотилган маҳсулот ҳажми ушбу омиллар билан функционал боғлиқликда бўлганлиги туфайли қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$Рсм = Абм * Фхт * Аф * Ммт ;$$

Мазкур натижа кўрсаткичига алоҳида омиллар таъсирини аниқлаш учун биринчи навбатда уларнинг фарқи аниқланади.

[118] Ушбу параграф Олим Пардаев томонидан тайёрланди.

Бунинг учун натижанинг ҳақиқий миқдоридан ($Рсм_{х}$), унинг режадаги миқдори ($Рсм_{р}$) айирилади:

$$\Delta Рсм = Рсм_{х} - Рсм_{р}$$

Ушбу формулани кенгайтирилган ҳолатда ифодаланиши қуйидаги шаклга эга бўлади:

$$\Delta Рсм = (Абм_{х} * Фхт_{х} * Аф_{х} * Ммт_{х}) - (Абм_{р} * Фхт_{р} * Аф_{р} * Ммт_{р});$$

Маҳсулотларни сақловчи корхоналар рентабеллигининг ўзгаришига биринчи омилнинг таъсирини аниқлаш учун ушбу кўрсаткични шу омилнинг ўзгариши билан қайта ҳисоблаб олинади ($Рсм_{амб}$), ундан шу кўрсаткичнинг режадаги миқдори ($Рсм_{р}$) айирилади:

$$\Delta Рсм_{амб} = Рсм_{амб} - Рсм_{р};$$

Натижанинг, яъни маҳсулотларни сақловчи корхоналар рентабеллигининг биринчи омил билан қайта ҳисобланган миқдорининг ($Рсм_{абм}$) кенгайтирилган шакли қуйидагича ифодаланади:

$$Рсм_{абм} = (Абм_{х} * Фхт_{р} * Аф_{р} * Ммт_{р});$$

Энди омиллар таъсирини аниқлашнинг кенгайтирилган шаклини ифодалаш мумкин. Бунинг учун шу аниқланган миқдордан ($Абм_{х} * Фхт_{р} * Аф_{р} * Ммт_{р}$), унинг режадаги миқдори айирилади ($Абм_{р} * Фхт_{р} * Аф_{р} * Ммт_{р}$); Буни қуйидаги формула орқали ифодалаш тавсия қилинади:

$$\Delta Рсм_{абм} = (Абм_{х} * Фхт_{р} * Аф_{р} * Ммт_{р}) - (Абм_{р} * Фхт_{р} * Аф_{р} * Ммт_{р});$$

Таҳлил қилинаётган натижа кўрсаткичи бўлган маҳсулотларни сақловчи корхоналар рентабеллигининг ўзгаришига иккинчи омилнинг таъсирини аниқлаш учун ушбу кўрсаткични шу омилнинг ўзгариши билан қайта ҳисоблаб олинади ($Рсм_{фқт}$), ундан шу кўрсаткичнинг биринчи омил ўзгариши билан қайта ҳисобланган миқдори ($Рсм_{амб}$) айирилади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия қилинади:

$$\Delta Рсм_{фхт} = Рсм_{фқт} - Рсм_{амб};$$

Ушбу кўрсаткичларни аниқлаш йўллари қуйидагича, яъни натижанинг иккинчи омил билан қайта ҳисобланган миқдорини аниқлаш учун ушбу формула тавсия қилинади:

$$Рсм_{фхт} = (Абм_{х} * Фхт_{х} * Аф_{р} * Ммт_{р});$$

Биринчи омил таъсирида қайта ҳисобланган миқдори юқорида келтирилган эди. Ушбу формулалар асосида натижа кўрсаткичига шу иккинчи омилнинг таъсирини аниқлаш формуласини тавсия қиламиз:

$$\Delta Рсм_{фхт} = (Абм_{х} * Фхт_{х} * Аф_{р} * Ммт_{р}) - (Абм_{х} * Фхт_{р} * Аф_{р} * Ммт_{р});$$

Ўрганилаётган натижа кўрсаткичи, яъни маҳсулотларни сақловчи корхоналар рентабеллигининг ўзгаришига учинчи омилнинг, яъни 1 м^2 арендага берилган майдонинг фойдалилиги ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун ушбу кўрсаткични шу омилнинг ўзгариши билан қайта ҳисоблаб олинади ($Рсм_{аф}$), ундан шу кўрсаткичнинг иккинчи омил, яъни арендадан олинган фойданинг харажатлар билан таъминланганлиги ўзгариши билан қайта ҳисобланган миқдори ($Рсм_{фхт}$) айирилади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$\Delta Рсм_{аф} = Рсм_{аф} - Рсм_{фхт};$$

Натижа кўрсаткичининг шу учинчи омил, яъни 1 м^2 арендага берилган майдонинг фойдалилиги билан қайта ҳисобланган миқдорини аниқлаш учун ушбу формула тавсия қилинади:

$$\Delta Рсм_{аф} = (Абм_{х} * Фхт_{х} * Аф_{х} * Ммт_{р});$$

Энди ушбу омилнинг маҳсулотларни сақловчи корхоналар рентабеллиги кўрсаткичига таъсирини аниқлаш мумкин бўлади. Бунинг учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta Рсм_{аф} = (Абм_{х} * Фхт_{х} * Аф_{х} * Ммт_{р}) - (Абм_{х} * Фхт_{х} * Аф_{р} * Ммт_{р});$$

Тадқиқ қилинаётган натижа кўрсаткичи, яъни маҳсулотларни сақловчи корхоналар рентабеллигининг ўзгаришига тўртинчи омилнинг, яъни сақланиб сотилган маҳсулотнинг майдон билан таъминланганлиги ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун ушбу кўрсаткични шу омилнинг ўзгариши билан қайта ҳисоблаб олинади ($Рсм_{ммт}$), ундан шу кўрсаткичнинг учинчи омил, яъни яъни 1 м^2 арендага берилган майдонинг фойдалилиги ўзгариши билан қайта ҳисобланган миқдори ($Рсм_{аф}$) айирилади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$\Delta Рсм_{ммт} = Рсм_{ммт} - Рсм_{аф};$$

Маҳсулотларни сақловчи корхоналар рентабеллигининг ўзгаришига тўртинчи омилнинг, яъни сақланиб сотилган маҳсулотнинг тегишли майдон билан таъминланганлиги ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун натижа кўрсаткичини шу омил ўзгариши

билан қайта ҳисоблаб олинган миқдорининг ($Рсм_{ммт}$) кенгайтириган ҳолати қуйидаги шаклга, яъни унинг ҳақиқий миқдорига тенг бўлади:

$$Рсм_{ммт} = (Абм_{ҳ} * Фхт_{ҳ} * Аф_{ҳ} * Ммт_{ҳ});$$

Ушбу омилнинг маҳсулотларни сақловчи корхоналар рентабеллиги кўрсаткичига таъсирини аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta Рсм_{ммт} = (Абм_{ҳ} * Фхт_{ҳ} * Аф_{ҳ} * Ммт_{ҳ}) - (Абм_{ҳ} * Фхт_{ҳ} * Аф_{ҳ} * Ммт_{р});$$

Ҳамма омиллар таъсирининг йиғиндиси натижа кўрсаткичининг умумий фарқига тнг бўлиши керак. Буни аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия қилинади:

$$\Delta Рсм = \Delta Рсм_{абм} \pm \Delta Рсм_{фхт} \pm \Delta Рсм_{аф} \pm \Delta Рсм_{ммт};$$

Биз томонимиздан тавсия қилинган ушбу омиллар тизими маҳсулотларни сақловчи корхоналарда фойда ва рентабелликни кўпайтиришнинг ички имкониятларини ахтариб топиш ва уни амалиётга тадбиқ қилиш имконини беради.

Буларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирлиги таъсислигидаги «Bahmal Golden Aplle» қўшма корхонасида рентабеллик кўрсаткичларининг 2007-2011 йиллардаги ўзгаришига таъсир этувчи омилларни қараб чиқамиз (11.7-жадвал).

11.7-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирлиги таъсислигидаги «Bahmal Golden Aplle» қўшма корхонасида рентабеллик кўрсаткичлари билан боғлиқ омилларнинг 2007-2011 йиллардаги ўзгариши[119]

Т/р	Кўрсаткичлар	2007 йил	2011 йил	Фарқи (+,-)	Ўзгариш суръати, %
1.	Маҳсулотни сақловчи корхонанинг умумий тушуми, млн. сўм	8144,0	24790,0	+16646	304,4
2.	Соф фойда, млн. сўм	220,0	3400,0	+3180	1545,0
3.	Ташкилотнинг умумий харажатлари, млн. сўм	1474,0	4426,0	+2952,0	300,3

[119]Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирлиги таъсислигидаги «BahmalGoldenAplle» қўшма корхонасининг 2007-2011 йиллардаги ҳисоботлари ва олдинги жадвал маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган

11.7-жадвалнинг давоми

4.	Совутгичда маҳсулотларни сақлаш учун фойдаланадиган майдон, м^2	1340	1340	0	100,0
5.	Маҳсулотларни сақлашдан олинган даромадлар, млн сўм	1694,0	7826,0	+6132,0	462,0
6.	Рентабеллик кўрсаткичи, % (2қ*100:1қ)	2,7	13,7	+11,0	507,4
7.	Харажатларнинг рентабеллик коэффициенти (2қ:3қ)	14,925	76,819	+61,894	514,7
8.	Маҳсулотларни сақлашга мўлжалланган майдоннинг харажатлар билан таъминланганлиги, минг сўм (3қ:4қ)	1,100	3,303	+2,203	300,3
9.	Маҳсулотни сақлашдан олинган даромаднинг майдон билан таъминланганлиги, м^2 (4қ:5қ)	0,7910	0,1712	-0,6198	21,6
10.	Сақлаб сотилган маҳсулотнинг даромадлилик коэффициенти (5қ:1қ)	0,2080	0,3157	+0,1077	151,8

Мазкур тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирлиги таъсислигидаги «Bahmal Golden Aplle» қўшма корхонасида рентабеллик кўрсаткичлари билан боғлиқ омилларнинг 2007-2011 йиллардаги ўзгариши турлича. Масалан, маҳсулотларни сақловчи корхонанинг умумий тушуми шу таҳлил қилинаётган 2007-2011 йиллар давомида 304,4 %га ошган. Аммо соф фойда шу даврда 15, 4 мартадан кўпга ошган. Бу ҳолат ушбу корхонада рентабеллик кўрсаткичининг ошишига олиб келган. Совутгичда маҳсулотларни сақлаш учун фойдаланадиган майдон, м^2 шу даврда ўзгаришсиз колган. Аммо ушбу кўрсаткич билан боғлиқ омилларда турли ўзгаришлар рўй берган. Маҳсулотларни сақлашга мўлжалланган майдоннинг харажатлар билан таъминланганлиги 2,203 минг сўмга ёки 300,0 %дан зиёдроққа ошган. Маҳсулотни сақлашдан олинган даромаднинг майдон билан таъминланганлиги, -0,6198 м^{2}га 78,4 %га (100,0-21,6) камайган. Корхонанинг рентабеллик кўрсаткичига таъсир этувчи омиллардан бири сақлаб сотилган маҳсулотнинг даромадлилик коэффициенти бўлиб ҳисобланади. Ушбу омилнинг миқдори ўрганилаётган даврда -17,7069 коэффициентга ёки 84,8 %га (100-15,2) камайган. Омилларнинг бундай кескин ўзгариши, албатта натижа кўрсаткичига бир мунча таъсир қилган. Шунинг учун ушбу жадвални тузишни тавчия қиламиз (11.8-жадвал).

11.8-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирлиги таъсислигидаги «Bahmal Golden Aplle» қўшма корхонасида рентабеллик кўрсаткичлари ўзгаришига таъсир қилувчи омилларнинг 2007-2011 йиллардаги таъсирини аниқлаш ҳисоб-китоби[120]

Т/р	Кўрсаткичлар	2007 йил	2011 йил	Фарқи (+,-)	Занжирли алмаштириш			
					1	2	3	4
1.	Харажатларнинг рентабеллик коэффициенти (2қ:3қ)	14,925	76,819	+61,894	76,819	76,819	76,819	76,819
2.	Маҳсулотларни сақлашга мўлжалланган майдоннинг харажатлар билан таъминланганлиги, минг сўм (3қ:4қ)	1,100	3,303	+2,203	1,100	3,303	3,303	3,303
3.	Маҳсулотни сақлашдан олинган даромаднинг майдон билан таъминланганлиги, $м^2$ (4қ:5қ)	0,7910	0,1712	-0,6198	0,7910	0,7910	0,1712	0,1712
4.	Сақлаб сотилган маҳсулотнинг даромадлилик коэффициенти (5қ:1қ)	0,2080	0,3157	+0,1077	0,2080	0,2080	0,2080	0,3157
5.	Рентабеллик кўрсаткичи, % (2қ*100:1қ)	2,7	13,7	+11,0	13,9	41,7	9,0	13,7

Мазкур жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, маҳсулотни сақлайдиган корхоналарда рентабеллик кўрсаткичи 2011 йилда 2007 йилга нисбатан 11,0 бандга ошган. Ушбу ўзгариш мазкур жадвалда келтирилган 4 та омил билан функционал боғлиқ. Шу туфайли ушбу ўзгаришга уларнинг таъсири катта бўлган. Уларнинг ҳар бирини кўриб чиқамиз.

[120]Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирлиги таъсислигидаги «BahmalGoldenAplle» қўшма корхонасининг 2007-2011 йиллардаги ҳисоботлари ва олдинги жадваллар маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган

1. Маҳсулотни сақлайдиган корхоналарда рентабеллик кўрсаткичининг ўзгаришига харажатлар рентабеллик коэффициентининг 61,894 бандга ошганлиги, унинг ҳажмини 11,2 бандга (13,9–2,7) кўпайтирган.

2. Ўрганилаётган маҳсулотни сақлайдиган корхоналарда рентабеллик кўрсаткичининг ўзгаришига маҳсулотларни сақлашга мўлжалланган майдоннинг харажатлар билан таъминланганлигининг 2,203 минг сўмга ошганлиги, унинг ҳажмини 27,8 бандга (41,7-13,9) кўпайтирган.

3. Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирлиги таъсислигидаги «Bahmal Golden Aplle» қўшма корхонасида рентабеллик кўрсаткичлари ўзгаришига маҳсулотни сақлашдан олинган даромаднинг майдон билан таъминланганлигининг 0,6198 $м^2$га камайганлиги рентабеллик даражасига салбий таъсир қилган ва уни 32,7 бандга (9,0-41,7) камайтириб юборган.

4. Таҳлил қилинаётган маҳсулотни сақлайдиган корхоналарда рентабеллик кўрсаткичининг ўзгаришига сақлаб сотилган маҳсулотнинг даромадлилик коэффициентининг 0,1077 га кўпайганлиги, унинг ҳажмини 4,7 бандга (13,7-9,0) кўпайтирган.

Юқорида аниқланган барча омиллар таъсири натижа кўрсаткичининг умумий фарқига тенг бўлади:

$$11,2 + 27,8 – 32,7 + 4,7 = + 11,0\ \%.$$

Ушбу таҳлил натижалари рентабеллик кўрсаткичининг ички имкониятларини топиш имконини беради. Биз ўрганган корхонада у бевосита маҳсулотни сақлашдан олинган даромаднинг майдон билан таъминланганлигида намоён бўлмоқда. Агар ушбу омилни ҳеч бўлмаганда 2007 йил даражасида ушлаб турганда эди, рентабеллик кўрсаткичи яна 32,7 бандга ошган бўлар эди. У ҳолда мазкур кўрсаткичнинг даражаси 2011 йилда 13,7 % эмас, балки 46,4 %ни (32,7+13,7) ташкил қилган бўлар эди. У ҳолда рентабелликнинг ўсиш суръати 507,4 % эмас, балки 1718,5 %ни (46,4*100:2,7) ташкил қилган бўлар эди.

Мазкур таҳлилдан кўриниб турибдики, ушбу маҳсулотларни сақловчи корхонада катта ички имкониятлар мавжуд экан. Уларни ишга солиш, корхоналар ривожланишини ва самарадорлигининг ошишини тўлиқ таъминлайди.

11.8. Занжирли алмаштириш усулининг қўлланилишини формулаларда ифодалаш услубиёти

Натижа ўзгаришига тўртта омил таъсир қилганда боғлиқлик аддитив бўлгандаги ҳисоб-китоби

$$A = n * d * g * z$$

Натижанинг (А) режадаги миқдори (A_0)	$A_0 = n_0 * d_0 * g_0 * z_0$
Натижанинг ҳақиқий миқдори (A_1)	$A_1 = n_1 * d_1 * g_1 * z_1$
Натижа ҳақиқий миқдорининг режага нисбатан фарқи (ΔA)	$\Delta A = A_1 - A_0 = (n_1 * d_1 * g_1 * z_1) - (n_0 * d_0 * g_0 * z_0)$
А нинг биринчи омил ўзгариши билан қайти ҳисобланган миқдори (A_n)	$A_n = n_1 * d_0 * g_0 * z_0$
Биринчи омил таъсири (ΔA_n)	$\Delta A_n = A_n - A_0$
А нингик кинчи омил ўзгариши билан қайти ҳисобланган миқдори (A_d)	$A_n = n_1 * d_1 * g_0 * z_0$
Иккинчи омил таъсири (ΔA_d)	$\Delta A_d = A_d - A_n$
А нинг учинчи омил ўзгариши билан қайти ҳисобланган миқдори (A_g)	$A_g = n_1 * d_1 * g_1 * z_0$
Учинчи омил таъсири (ΔA_g)	$\Delta A_g = A_g - A_d$
А нинг тўртинчи омил ўзгариши билан қайти ҳисобланган миқдори (A_z)	$A_z = n_1 * d_1 * g_1 * z_1$
Тўртинчи омил таъсири (ΔA_z)	$\Delta A_z = A_z - A_g$
Барча омиллар таъсири	$\Delta A = \Delta A_n \pm \Delta A_d \pm \Delta A_g \pm \Delta A_z$
Текшириш	$\Delta A = A_1 - A_0$

Натижа ўзгаришининг учта омил таъсир қилганда ва улар ўртасидаги боғлиқлик касрли бўлганда амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар тартиби

$$A = \frac{n}{d + g}$$

Натижанинг (А)режадаги миқдори (A_0)	$A0 = \frac{n0}{d0 + g0}$
Натижанинг (А) ҳақиқий миқдори (A_1)	$A1 = \frac{n1}{d1 + g1}$
Натижа(А) ҳақиқий миқдорининг (A_1) режага нисбатан фарқи (ΔA)	$\Delta A = A_1 - A_0$
А нинг биринчи омил ўзгариши билан қайта ҳисобланган миқдори (A_n)	$An = \frac{n1}{d0 + g0}$
Биринчи омил таъсири (ΔA_n)	$\Delta A_n = A_n - A_0 = \frac{n1}{d0+g0} - \frac{n0}{d0+g0}$
А нинг иккинчи омил ўзгариши билан қайта ҳисобланган миқдори (A_d)	$Ad = \frac{n1}{d1 + g0}$
Иккинчи омил таъсири (ΔA_d)	$\Delta A_d = A_d - A_n = \frac{n1}{d1+g0} - \frac{n1}{d0+g0}$

А нинг учинчи омил ўзгариши билан қайти ҳисобланган миқдори (A_g)	$Ag = \frac{n1}{d1 + g1}$
Учинчи омил таъсири (ΔA_g)	$\Delta A_g = A_g - A_d = \frac{n1}{d1+g1} - \frac{n1}{d1+g0}$
Барча омиллар таъсири	$\Delta A = \Delta A_n \pm \Delta A_d \pm \Delta A_g$
Текшириш	$\Delta A = A_1 - A_0$

Натижа ўзгаришига тўртта касрли омиллар таъсир қилгандаги ва турли арифметик амаллар қўлланилгандаги боғлиқлик

$$A = \frac{n * э}{d + g}$$

Натижанинг (А) режадаги миқдори (A_0)	$A0 = \frac{n0 * э0}{d0 + g0}$
Натижанинг (А) ҳақиқий миқдори (A_1)	$A1 = \frac{n1 * э1}{d1 + g1}$
Натижа (А) ҳақиқий миқдорининг (A_1) режага нисбатан фарқи (ΔA)	$\Delta A_n = A_1 - A_0 = \frac{n1*э1}{d1+g1} - \frac{n0*э0}{d0+g0}$
А нинг биринчи омил ўзгариши билан қайти ҳисобланган миқдори (A_n)	$An = \frac{n1 * э0}{d0 + g0}$
Биринчи омил таъсири (ΔA_n)	$\Delta A_n = A_n - A_0 = \frac{n1*э0}{d0+g0} - \frac{n0*э0}{d0+g0}$
А нинг иккинчи омил ўзгариши билан қайта ҳисобланган миқдори ($A_э$)	$Aэ = \frac{n1 * э1}{d0 + g0}$
Иккинчи омил таъсири ($\Delta A_э$)	$\Delta A_э = A_э - A_n = \frac{n1*э1}{d0+g0} - \frac{n1*э0}{d0+g0}$
А нинг учинчи омил ўзгариши билан қайта ҳисобланган миқдори (A_d)	$Ad = \frac{n1 * э1}{d1 + g0}$
Учинчи омил таъсири (ΔA_d)	$\Delta A_d = A_d - A_э = \frac{n1*э1}{d1+g0} - \frac{n1*э1}{d0+g0}$
А нинг тўртинчи омил ўзгариши билан қайта ҳисобланган миқдори (A_g)	$Ag = \frac{n1 * э1}{d1 + g1}$
Тўртинчи омил таъсири (ΔA_g)	$\Delta A_g = A_g - A_d = \frac{n1*э1}{d1+g1} - \frac{n1*э1}{d1+g0}$
Барча омиллар таъсири	$\Delta A = \Delta A_n \pm \Delta A_э \pm \Delta A_d \pm \Delta A_g$
Текшириш	$\Delta A = A_1 - A_0$

Мавзу бўйича ўзини-ўзи текшириш ва такрорлаш учун саволлар

1. Таҳлил жараёнида занжирли алмаштириш усулини қўллашнинг аҳамияти.
2. Таҳлил жараёнида занжирли алмаштириш усули қачон қўлланилади?

3. Таҳлил жараёнида боғлиқлик касирли бўлганда занжирли алмаштириш усулларидан фойдаланиш услубиёти.

4. Таҳлил жараёнида мультипликатив боғланиш шароитида занжирли алмаштириш усулидан учта омил таъсир қилганда фойдаланиш услубиёти.

5. Таҳлил жараёнида касирли боғланиш шароитида занжирли алмаштириш усулидан фойдаланиш услубиёти.

6. Таҳлил жараёнида рақобатбардошликка таъсир қилувчи омилларни сананг.

7. Таҳлил жараёнида рентабелликка таъсир қилувчи омилларни сананг ва уларнинг мультипликатив моделини тузинг.

8. Натижа билан омиллар ўртасида мультипликатив боғланиш шароитида занжирли алмаштириш усулидан тўртта омил таъсир қилган формулани тузинг.

9. Таҳлил жараёнида шароитида занжирли алмаштириш усулидан учта омил таъсир қилганда индивидуал индексни қўллаб фойдаланиш услубиёти.

10. Таҳлил жараёнида мультипликатив боғланиш шароитида натижага олтита омил таъсир қилганда занжирли алмаштириш усулидан фойдаланиш услубиёти.

12-боб. ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ИНДЕКС УСУЛИ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

12.1. Индекс усули, ундан фойдаланишнинг аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари

Мазкур усул статистика назарияси фанида батафсил ёритилган. Таҳлил фани бухгалтерия ҳисоби ва статистика фанлари асосида вужудга келганлиги туфайли бухгалтерия ҳисобидан маълумотларни, статистикадан турли усулларни олган. Шу туфайли, таҳлил фанида хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда статистика фанининг бир қанча усулларида фойдаланади. Шулардан бири индекс усули ҳисобланади. Бу усул жуда кўп қиррали мавзу бўлиб, ушбу бобда шу усулнинг омилли таҳлилида қўлланилишини кўриб чиқамиз.

Индекс усули ўзига хос хусусиятларга эга. Булар:

- мазкур усул билан омиллар таъсири бир вақтнинг ўзида мутлақ ва нисбий кўрсаткичларда аниқланади;
- индекс усулида натижа ўзгариши омиллар билан боғлиқлиги мультипликатив бўлганда фойдаланилади;
- омиллар билан натижа ўртасидаги боғлиқлиқ бир қанча ишоралар (+, -, :, *) билан белгиланганда ва уларнинг турлари бир вақтда келганда ҳам қўлланилиши мумкин;
- коэффициентларда миқдорлар макон нуқтаи назаридан солиштирилса, индекс усулида миқдорлар замон (вақт) бўйича солиштирилади;
- омиллар таъсирини аниқлашда индекс усулининг бир қанча турларидан (индивидуал, агрегат каби) фойдаланиш мумкин.

Ушбу хусусиятлар индекс усулининг бошқа усуллардан афзалликлари мавжудлигини кўрсатади. Булардан ташқари, мазкур усул натижа ўзгаришига омиллар таъсирини бир вақтнинг ўзида, юқорида таъкидланганидек, ҳам мутлақ, ҳам нисбий миқдорда аниқлаш имконининг мавжудлиги, унинг занжирли алмаштириш усулини такрорлашини ҳам кўрсатади.

Индекс усулидан фойдаланиш учун унда жуда кўп қўлланиладиган боғланиш: маҳсулот ҳажмининг (Q) ўзгариши унинг миқдори (q) ва баҳосига (p) боғлиқ эканлигидир. Маҳсулотнинг режадаги ҳажмини ($q_o\ p_o$) ва ҳақиқатдаги ҳажмини ($q_1\ p_1$) тегишли формулада ифодалаб олинса, унинг режа бажарилиш индекси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$J\,qp = \frac{\sum q_1\ p_1}{\sum q_o\ p_o}$$

Бу формула натижанинг нисбий ўзгаришини кўрсатади. Маҳсулотнинг ҳисобот давридаги ўзгаришининг мутлақ миқдорини аниқлаш учун, унинг суръатидан махражини айириш кифоя :

$$\Delta Q = \sum q_1\ p_1 - \sum q_o\ p_o$$

Формуладан кўриниб турибдики натижага иккита омил таъсир қилади. Бу омиллар таъсирини ҳисоблаш учун биринчидан, маҳсулот ҳажмининг ҳақиқий миқдорини режадаги (асос йилидаги) нархда ифодалаш лозим, яъни $q_1\ p_o$.

Натижа ўзгаришига маҳсулот миқдорининг таъсирини (Qq) нисбий миқдорда топиш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади.

$$J\,qp = \frac{\sum q_1\ p_o}{\sum q_o\ p_o}$$

Ушбу формула ёрдамида маҳслот ҳажми фақат унинг мутлақ миқдори ўзгарганлиги эвазига неча фоиз ўзгарганлигини кўрсатади. Маҳсулот ҳажмининг баҳо эвазига ўзгарганлигини нисбий миқдорда топиш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

$$J\,qp = \frac{\sum q_1\ p_1}{\sum q_1\ p_o}$$

Мазкур формула маҳсулотнинг баҳоси ўзгариши эвазига натижа қанча миқдорга ўзгарганлигини ифодалайди.

Натижа ўзгаришига маҳсулот миқдорининг таъсирини (Qq) мутлақ миқдорда топиш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади.

$$\Delta Q\,q = \sum q_1\ p_o - \sum q_o\ p_o$$

Маҳсулот ҳажмининг баҳо эвазига ўзгарганлигини мутлақ миқдорда топиш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

$$\Delta Q = \sum q_1 p_1 - \sum q_1 p_o.$$

Ушбу ҳисоб-китобни аниқ маълумотларни қўллаб ҳам амалга ошириш мумкин (12.1-жадвал) .

12.1 - жадвал

Маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига унинг миқдори ва баҳосининг таъсирини индекс усули билан аниқлаш

Маҳсулот турлари	Миқдори, дона		Баҳоси, сўм		Маҳсулот ҳажми	
	Режада	Ҳақиқатда	Режада	Ҳақиқатда	Режада	Ҳақиқатда
А	450	500	15	16	6750	8000
Б	230	235	8	6	1840	1410
В	670	710	7	9	4690	6390
Жами					13280	15800

Жадвал маълумотлари асосида маҳсулот ҳажми бўйича режанинг бажарилиш индекси 1,190 га тенг:

$$Jqp = \frac{15800}{13280} = 1{,}190 \text{ ёки } 119{,}0\ \%.$$

Натижанинг умумий мутлоқ фарқи 2520 сўмни (15800 – 13280) ташкил қилади. Маҳсулот физик ҳажмининг агрегат индекси (маҳсулотнинг режадаги ва ҳақиқатдаги миқдори бир хил баҳода ҳисобланганда) қуйидаги миқдорни ташкил қилади:

$$Jq = \frac{\sum q_1 p_o}{\sum q_0 p_o} = \frac{(500 \times 15) + (235 \times 8) + (710 \times 7)}{13280} = \frac{14350}{13280} =$$

$$= 1{,}081 \text{ ёки } 108{,}1\ \%.$$

Шундай қилиб, ҳисобот даврида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг миқдори кўпайиши маҳсулот ҳажмини режадагига нисбатан 8,1 % ёки 1070 сўмга (14350 – 13280) оширган.

Баҳо агрегат индекси (суратида маҳсулот миқдори ва баҳоси режада) 1,101 ни ташкил қилган:

$$J_q = \frac{\sum q_1 p_1}{\sum q_1 p_o} = \frac{15800}{14350} = 1{,}101$$ ёки 110,1%.

Демак, маҳсулотнинг умумий ҳажми баҳо омили таъсирида 10,1% га ошган, мутлақ миқдори эса 1450 сўмга (15800 – 14350) кўпайган.

Натижада шу икки омилнинг таъсирини нисбий ва мутлақ миқдорда ҳам аниқлаш мумкинлигига гувоҳ бўлдик. Икки омил индексининг кўпайтмаси умумий индексга тенг бўлиши керак:

$$1{,}081 \cdot 1{,}101 = 1{,}190$$

Натижа ўзгаришининг мутлақ миқдорини топиш учун шу икки омил йиғиндиси олинади:

$$1070 + 1450 = +2520 \text{ сўм}$$

12.2. Натижа ва омиллар ўртасида боғлиқлик мультипликатив бўлганда ва улар ўртасидаги боғлиқлик кўпомилли бўлганда индекс усулидан фойдаланиш услубиёти

Иқтисодиёт бир-бири билан боғлиқ бўлган мурккаб ва ўз навбатида, яхлит организмдир. Ундаги юксалиш ёки камайиш бир қанча омиллар таъсирида юз беради. Шу туфайли натижа кўрсаткичи хусусида бирорта хулоса чиқариш учун албатта уларга таъсир этувчи омилларни инобатга олиш лозим бўлади. Бироқ, омиллар натижа билан функционал ва стахостик боғланишда бўлиши мумкин. Бунда иқтисодий таҳлил ва статистиканинг турли усулларидан фойдаланилади. Масалан, натижа ўзгаришига тўртта омил таъсир қилганда, улар ўртасидаги боғлиқлик функционал бўлган тақдирда, қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$У = w_1 * w_2 * w_3 * w_4 = \prod_{i=1}^{n} w_i (i=1,n)$$

Ушбу формулага индекс усулини қўллаб натижага таъсир этувчи омилларнинг ҳар бирининг таъсирини аниқлаш мумкин. Бунинг учун уларнинг умумий индексини аниқлаб олишдан бошлаймиз. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун натижани ташкил қилувчи омилларнинг ҳақиқий миқдорини уларнинг режадаги (асос йилидаги) миқдорига бўлинади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$Iy = \frac{(w_{1ҳ} * w_{2ҳ} * w_{3ҳ} * w_{4ҳ})}{(w_{1р} * w_{2р} * w_{3р} * w_{4р})}$$

Индекс усулининг ижобий жиҳати шундаки, бир вақтнинг ўзида нисбий ўзгариши билан бирга мутлақ ўзгаришини ҳам аниқлаш имконини беради. Бунинг учун суръатидан махражини айириш кифоя. Бу қуйидагича амалга оширилади:

$$\Delta У = (w_{1ҳ} * w_{2ҳ} * w_{3ҳ} * w_{4ҳ}) - (w_{1р} * w_{2р} * w_{3р} * w_{4р}) = \prod_{i=1}^{n} w_{iҳ} - \prod_{i=1}^{n} w_{ip}$$

Энди ҳар бир омилнинг таъсирини аниқлаш мумкин. Бу ҳолда ҳам қайси омилнинг таъсирини аниқлаш лозим бўлса, ўша омилнинг режадаги миқдорини ҳақиқий миқдори билан занжирсимон кетма-кетлик равишда алмаштириш йўли билан амалга оширилади. Ушбу усулнинг бу жиҳати иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган занжирли алмаштириш усулидаги кетма-кет алмаштириш тамойилига ўхшайди.

1.Натижа кўрсаткичига биринчи омилнинг таъсирини аниқлаш учун натижанинг миқдорини шу омилнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисоблаб олинади. Уни натижанинг режадаги (асос йилидаги) миқдорига бўлиш лозим бўлади. Буни амалга ошириш учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$Iyw1 = \frac{(w_{1ҳ} * w_{2р} * w_{3р} * w_{4р})}{(w_{1р} * w_{2р} * w_{3р} * w_{4р})}$$

Биринчи омилнинг натижа ўзгаришига таъсирининг мутлақ миқдорини аниқлаш учун унинг суръатидаги миқдоридан махражидаги миқдори айирилади. Бу қуйидагича амалга оширилади:

$$\Delta Уw_1 = (w_{1ҳ} * w_{2p} * w_{3p} * w_{4p}) - (w_{1р} * w_{2р} * w_{3р} * w_{4р})$$

$$= \prod_{i=1}^{n} w_{w1} - \prod_{i=1}^{n} w_{ip}$$

2. Натижа кўрсаткичига иккинчи омилнинг таъсирини аниқлаш учун натижанинг миқдорини шу омилнинг ҳақиқий ўзгарган миқдори билан қайта ҳисоблаб олинади. Уни натижанинг шу омилнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисоблаб олинган миқдорига бўлиш лозим бўлади. Буни амалга ошириш учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$Iyw2 = \frac{(w_{1ҳ} * w_{2ҳ} * w_{3р} * w_{4р})}{(w_{1ҳ} * w_{2р} * w_{3р} * w_{4р})}$$

Иккинчи омилнинг натижа ўзгаришига таъсирининг мутлақ миқдорини аниқлаш учун унинг суръатидаги иккита омилнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисобланган миқдоридан махражидаги битта биринчи омилнинг ўзгариши билан қайта ҳисобланган миқдори айирилади. Бу қуйидагича амалга оширилади:

$$\Delta \text{У}w_2 = (w_{1ҳ} * w_{2ҳ} * w_{3р} * w_{4р}) - (w_{1ҳ} * w_{2\text{р}} * w_{3\text{р}} * w_{4\text{р}})$$

$$= \prod_{i=1}^{n} w_{w2} - \prod_{i=1}^{n} w_{w1}$$

3. Натижа кўрсаткичи ўзгаришига учинчи омилнинг таъсирини аниқлаш учун натижанинг миқдорини биринчи, иккинчи ва учинчи омилларнинг ҳақиқий ўзгарган миқдори ва тўртинчи омилнинг режадаги (асос давридаги) миқдори билан қайта ҳисоблаб олинади. Уни натижанинг биринчи ва иккинчи омилларнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисоблаб олинган миқдорига бўлиш лозим бўлади. Буни амалга ошириш учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$Iyw3 = \frac{(w_{1ҳ} * w_{2ҳ} * w_{3ҳ} * w_{4\text{р}})}{(w_{1ҳ} * w_{2ҳ} * w_{3\text{р}} * w_{4\text{р}})}$$

Натижа ўзгаришига учинчи омил таъсирининг мутлақ миқдорини аниқлаш учун унинг суръатидаги учта омилнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисобланган миқдоридан махражидаги иккита биринчи ва иккинчи омилларнинг ўзгариши билан қайта ҳисобланган миқдори айирилади. Бу қуйидагича амалга оширилади:

$$\Delta \text{У}w_3 = (w_{1ҳ} * w_{2ҳ} * w_{3ҳ} * w_{4р}) - (w_{1ҳ} * w_{2ҳ} * w_{3\text{р}} * w_{4\text{р}})$$

$$= \prod_{i=1}^{n} w_{w3} - \prod_{i=1}^{n} w_{w2}$$

4. Натижа кўрсаткичи ўзгаришига тўртинчи омилнинг таъсирини аниқлаш учун натижанинг миқдорини биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи омилларнинг ҳақиқий ўзгарган миқдори билан қайта ҳисоблаб олинади. Уни натижанинг биринчи, иккинчи ва учинчи омилларнинг ҳақиқий миқдори ва тўртиничи омилнинг режадаги (асос йилидаги) миқдори билан қайта ҳисоблаб олинган миқдорига бўлиш лозим бўлади. Буни амалга ошириш учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$Iyw4 = \frac{(w_{1ҳ} * w_{2ҳ} * w_{3ҳ} * w_{4ҳ})}{(w_{1ҳ} * w_{2ҳ} * w_{3ҳ} * w_{4\text{р}})}$$

Натижа ўзгаришига тўртинчи омил таъсирининг мутлақ миқдорини аниқлаш учун унинг суръатидаги тўртта омилнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисобланган миқдоридан махражидаги учта биринчи, иккинчи ва учинчи омилларнинг ўзгариши билан қайта ҳисобланган миқдори айирилади. Бу қуйидагича амалга оширилади:

$$\Delta \text{У}w_4 = (w_{1ҳ} * w_{2ҳ} * w_{3ҳ} * w_{4ҳ}) - (w_{1ҳ} * w_{2ҳ} * w_{3ҳ} * w_{4\text{р}})$$

$$= \prod_{i=1}^{n} w_{w4} - \prod_{i=1}^{n} w_{w3}$$

Барча омиллар таъсирининг индекси кўпайтмаси натижа индексига тенг бўлиши керак. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$I\text{у} = Iyw1 * Iyw2 * Iyw3 * Iyw4$$

Барча омиллар таъсирининг мутлақ миқдори натижа ўзгаришининг умумий фарқига тенг бўлиши керак. Буни аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$\Delta \text{У} = \Delta \text{У}w_1 \pm \Delta \text{У}w_2 \pm \Delta \text{У}w_3 \pm \Delta \text{У}w_4$$

Таҳлил натижасида ўрганилаётган кўрсаткични яхшилаш бўйича шу юқоридаги келтирилган омиллар билан боғлиқ ички имкониятларни аниқлаш мумкин бўлади. Шу туфайли ҳозирги шароитда таҳлил усуллари иқтисодий ишларнинг таркибий қисми сифатида амалиётда кенг қўлланилиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

12.3. Натижа билан омиллар ўртасида боғлиқлик мультипликатив бўлиб, омиллар сони кўп бўлганда индивидуал индексдан фойдаланиш йўллари

Индекс усулидан фойдаланганда натижа ўзгаришига омиллар таъсирини индивидуал индекслар орқали ҳам ҳисоблаш мумкин. Масалан, пойафзал буюмлари бўйича товар айланмасии ҳажмига хизмат кўрсатилаётган аҳолининг сони (*А*), ўртача жон бошига тўғри келадиган истеъмол даражаси (*И*) ва ўртача баҳо (*Р*) таъсир қилади. Бу боғлиқлик қуйидагича ифодаланади:

$$Q = a * u * p$$

бунда Q – пойафзал буюмлари бўйича товар айланмасининг умумий ҳажми.

Ушбу омилларнинг товар айланмасига таъсирини аниқлаш учун ҳар бир омилларнинг индивидуал индекслари аниқланади. Маълумки, индивидуал индекслар кўпайтмаси натижанинг умумий ҳажмига тенг бўлади. Омиллар таъсирини аниқлаш учун натижанинг режадаги (асос йилидаги) миқдорини аниқланаётган омилнинг индивидуал индексига кўпайтириб олинади ва удан ўзидан олдинги ҳисобланган миқдор айирилади. Буни аниқ мисолларда кўрсатиш учун қйидаги жадвал маълумотларига мурожаат қиламиз (12.2-жадвал).

12.2-жадвал

Товар айланмаси ўзгаришига кўрсаткичларнинг индивидуал индексларини аниқлаш йўли билан омиллар таъсирини ҳисоблаш усули

Кўрсаткичлар	Асос йилида	Ҳисобот йилида	Индивидуал индекслар
1. Аҳолининг сони, минг киши (а)	10,4	10,9	1,048
2. Ўртача жон бошига тўғри келадиган истеъмол даражаси, жуфт (и)	2,6	2,9	1,115
3. Ўртача баҳоси, сўм (р)	36,2	37,4	1,034
4. Пойафзал маҳсулоти бўйича товар айланмаси, минг сўм (Q)	978,8	1182,2	1,208

Пойафзал сотилишининг умумий ҳажмига омиллар таъсирини индивидуал индексини қўллаб ҳисоблайдиган бўлсак у қуйидаги боғланишга эга бўлади:

$$JQ = ia \cdot iu \cdot ip$$

Натижага омиллар таъсири қуйидагича аниқланади:

1. Аҳоли сонининг асос йилига нисбатан 0,5 минг кишига (10,9 – 10,4) ошиши пойафзал маҳсулотларига бўлган талабни оширган ва шунинг эвазига пойафзал сотилишининг умумий ҳажми 47,0 минг сўмга кўпайган =:

(Qa =(Q0 . ia)– Q0 = (978,8 . 1.048) – (978.8) =1025.8 – 978,8= +47.0 минг сўм.

2. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган пойафзал буюмларига бўлган истеъмол даражасининг 0,3 жуфтга (2,9 – 2,6) ошиши пойафзал сотилиши ҳажмини кўпайтиришнинг асосий омили

бўлган. Бу омил таъсирида ўрганилаётган кўрсаткич 118,0 минг сўмга ошган:

Qи=(Q0.ia.iu)–(Q0.ia)=(1025,8.1,115)-1025,8=1148,8–1025,8=+118,0 минг сўм.

3. Пойафзалнинг ўртача баҳоси 1,2 сўмга ошган (37,4 – 36,2) .

Бу омил эвазига товар айланмасии 38,4 минг сўмга кўпайган:

$$\Delta Q_р = (Q_0 \cdot i_а \cdot i_и \cdot i_р) – (Q_0 \cdot i_а \cdot \cdot i_и) = 1143,8 \cdot 1,034 – 1148,8 = 1182,2 - 1148,8 = + 38,4 \text{ минг сўм.}$$

Ҳамма омиллар таъсирининг йиғиндиси пойафзал сотилиши умумий ҳажмининг ҳисобот йилида, асос йилига нисбатан умумий фарқини беради:

$$\Delta Q = \Delta Q_а \pm \Delta Q_и \pm \Delta Q_р = 47,0 + 118,0 + 38,4 = + 203,4 \text{ минг сўм.}$$

Омилли таҳлилда қўлланиладиган усуллардан анча қўлайи индекс усулидир, чунки бу усулни қўллаш жараёнида бир вақтнинг ўзида омилларнинг натижага ҳам мутлақ, ҳам нисбий таъсирини аниқлаш мумкин.

12.4. Индекс усулидан амалиётда фойдаланишнинг методологик асослари[121]

Иқтисодий таҳлилда муваффақият билан қўлланилиб келинаётган усуллардан бири, индекс усулидир. Ушбу усул ҳам иқтисодиётнинг турли тармоқларида қўлланилиб келинмоқда. Мазкур параграфни қурилиш ташкилотлари мисолида қараб чиқишни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Мамлакатимизнинг ва ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш изоҳ талаб қилмайдиган объектив заруриятдир. Маълумки, корхонанинг иқтисодий салоҳияти ўзининг таркибига асосий воситаларни, айланма маблағлар, номоддий активлар ва меҳнат ресурсини олади. Буларнинг ҳаммасининг манбаи пул маблағидир, яъни кимнингдир мулки. Булардан самарали фойдаланиб яшаш шароитини яратиш билан бирга мулкни ҳам муттасил кўпайтириб боришга эришиш лозим. Масаланинг бу жиҳати ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларда унинг иқтисодий салоҳиятини таҳлил қилишни тақозо қилади.

[121] Мазкур параграф доцент Ж.И.Исроилов билан ҳаммуаллифликда тайёрланди.

Таҳлилга оид жуда кўп адабиётларда[122] молиявий ҳисоботлар таҳлилининг услубиёти берилган. Аммо ушбу адабиётларда асосий эътибор активлар таҳлилига қаратилган. Корхонанинг иқтисодий салоҳияти деярли ўрганилмасдан қолмоқда. Юқорида корхонанинг иқтисодий салоҳияти таркибини қараб чиқдик. Қурилиш билан шуғулланувчи фирмаларда ҳам худди шундай таркибда бўлади. Бунга учта сабаб бор. Биринчиси, иқтисодий салоҳиятнинг аҳамиятини очиб бериш ва уни таҳлил қилиш лозимлигини асослаш. Иккинчиси, иқтисодий салоҳият таҳлилининг кетма-кетлигини кўрсатиб бериш бўлса, учинчидан, ушбу кўрсаткичнинг омилли таҳлилини амалга ошриш учун тегишли маълумотларни шакллантириш. Шу туфайли, ҳозирги шароитда асосий эътибор омилли таҳлил учун маълумотларнинг етарлилигини таъминлашга қаратилмоғи лозимдир.

Қурилиш билан шуғулланувчи "Турон" кўптормоқли хусусий корхонанинг иқтисодий салоҳияти самарадорлиги билан боғлиқ омиллар ва кўрсаткичларнинг 2000-2011 йиллардаги ўзгариши асосида омилли таҳлил усулини кўриб чиқамиз (12.3-жадвал).

Тадқиқотларимиз натижаси шуни кўрсатмоқдаки, танлаб олинган омиллар билан натижа, яъни қурилиш ташкилотининг иқтисодий салоҳияти самарадорлиги ўртасида функционал боғлиқлик мавжуд экан. Буни ушбу кўрсаткичнинг 2000 ва 2011 йиллардаги натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқликда кўриш мумкин:

---

[122] Абдукаримов И.Т. Анализ бухгалтерсий (финансовой) отчетности. Томбов, Изд. ТРОО "Бизнес-Наука-Обшество", 2011. – С.150., Абдукаримов И.Т., Абдукаримова Л.Г., Смагина В.В. Анализ финансово хозяйственной деятельности предприятия. Учебное пособие. 2-е изд. Тамбов. Издательский дом ТГУ, 2008.-667 бет., Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари. Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 1998.- 96 бет., Абдукаримов И.Т., Абдукаримова Л.Г., Смагина В.В. Оценка и анализ собственных и привличённых средств предприятия. Тамбов. ТГУ., 2004.- 150 бет.,.,Бернстайн Л. Анализ финансовой отчетности. Теория и практика. Пер. с англ. М.: Финанс и статистика, 1996.,Бочаров В.В. Финансовый анализ. Краткий курс. 2-е изд. - СПб.: Питер, - 240 с.,Вахабов А., Иброҳимов А., Ишанкулов Н. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Дарслик. Т.: Шарқ, 2005.- 480 бет.,Пардаев М.К. Молиявий таҳлил метоологияси. Самарканд, СамКИ, 1996.- 155 б.,Пардаев М.К., Исроилов Б.И. Молиявий таҳлил. Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 1999.- 356 б.,Пардаев М.Қ., Абдукаримов И.Т., Исроилов Ж.И., Исроилов Б.И. Корхоналарда молиявий ҳисоботлар таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: Солиқ Академияси, 2009. – 76 б.,Савицкая Г.В.Анализ хозяйственной деятельности предприятия. Учеб. пособие.- Минск ООО "Новое знание" 2000 – 688 бет.,Тулаходжаева М.М. Аудит финансового состояния предприятия. Т.: Изд. дом "Мир экономики и право". 1996. – 192 бет., Шеремет А.Д., Сайфулин Р.С., Негашев Е.В. Методика финансового анализа. . – М.: ИНФРА-М, 2000 – 208 бет. ва ҳ. К.,

2000 йилда: 1,9413*6,1429*0,5004*1,4103*0,1723 = 1,45 сўм.
2011 йилда: 2,2287*1,3148*3,3079*0,9436*0,2569 = 2,35 сўм.

12.3-жадвал

Қурилиш билан шуғулланувчи "Турон" кўптормоқли хусусий корхонанинг иқтисодий салоҳиятни самарадорлиги билан боғлиқ омиллар ва кўрсаткичларнинг 2000-2011 йиллардаги динамикаси[123]

Т/р	Кўрсаткичлар	2000 йил	2011 йил	Фарқи (+,-)	Ўзгариш суръати, %
1.	Қурилиш-монтаж ишларининг умумий ҳажми (сотилган маҳсулот), минг сўм	1135532,1	4223043,9	+3087511,8	371,9
2.	Қурилиш ташкилотининг иқтисодий салоҳияти, минг сўм	783125,6	1797273,3	+1059148,3	229,50
3.	Ўз маблағларининг ўртача қиймати, минг сўм	584924,4	1894819,0	+1309894,6	323,95
4.	Мажбуриятларнинг ўртача қиймати, минг сўм	95220,2	1441130,0	+1345909,8	1513,47
5.	Айланма маблағларнинг ўртача қиймати, минг сўм	190299,5	435659,0	+245359,5	228,94
6.	Асосий воситаларнинг ўртача қиймати, минг сўм	134932,5	461719,5	+326787,0	342,19
7.	Ходимларнинг ўртача йиллик сони, киши	47	156	+109	331,92
8.	Ўз маблағлари самарадорлиги (ƶ) (1к:3к)	1,9413	2,2287	+0,2874	114,4
9.	Мажбуриятларнинг ўз маблағлари билан қопланиш даражаси (ƙ) (3к:4к)	6,1429	1,3148	-4,8281	21,4
10.	Айланма маблағларнинг мажбуриятлар билан таъминланганлиги (ɳ) 4к:5к)	0,5004	3,3079	+2,8075	661,1

[123] Қурилиш билан шуғулланувчи "Турон" кўптормоқли хусусий корхонасининг 2000-2011 йиллардаги ҳисоботлари асосида муаллифнинг ишланмаси (ҳисоб-китоби).

12.3-жадвалнинг давоми

11.	Асосий воситаларнинг айланма маблағлар билан таъминланганлиги (ƛ) (5қ:6қ)	1,4103	0,9436	-0,4667	66,9
12.	Асосий воситаларнинг иқтисодий салоҳиятдаги улуши, % (ϑ) (6қ:2қ)	0,1723	0,2569	+0,0846	149,1
13.	Иқтисодий салоҳият самарадорлиги, сўм (1қ:2қ)	1,45	2,35	+0,90	162,1

Натижа ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар билан функционал боғлиқлигини аниқлаб олиш ўта мураккаб жараёндир. Бунга эришилгач натижа ўзгаришига ҳар бир омилнинг таъсирини аниқлаш мумкин бўлади. Бунинг учун, юқорида таъкидланганидек, иқтисодий таҳлилнинг индекс усулидан фойдаланамиз. Натижанинг умумий индекси 1,6207 ни ташкил қилади:

$$1{,}6207 = \frac{2{,}2287 * 1{,}3148 * 3{,}3079 * 0{,}9436 * 0{,}2569}{1{,}9413 * 6{,}1429 * 0{,}5004 * 1{,}4103 * 0{,}1723} = \frac{2{,}35}{1{,}45};$$

Уларнинг умумий фарқи 0,90 сўмга тенг: 2,35 – 1.45. Энди шу ўзгаришга ҳар бир омилнинг таъсирини юқорида келтирилган усул билан (4.1-параграфда) ҳисоблаб чиқиш мумкин бўлади.

Қурилиш ташкилотининг иқтисодий салоҳияти ўзгаришига биринчи омилнинг, яъни ўз маблағлари самарадорлигининг ошганлигини индекс усули билан аниқлаганда, унинг натижаси 1,1517 ни ташкил қилганлигини кўрамиз. Бу рақам шуни кўрсатадики, қурилиш ташкилотининг иқтисодий салоҳияти шу омил эвазига 15,2 % ошганлигидан (1,1517*100 – 100,0) далолат беради:

$$1{,}1517 = \frac{2{,}2287 * 6{,}1429 * 0{,}5004 * 1{,}4103 * 0{,}1723}{1{,}9413 * 6{,}1429 * 0{,}5004 * 1{,}4103 * 0{,}1723} = \frac{1{,}67}{1{,}45}$$

Ушбу омилнинг мутлақ миқдорини ҳисоблайдиган бўлсак, унинг миқдори 0,22 сўмни (1,67- 1.45) ташкил қилганлигини кўрамиз. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, мазкур қурилиш ташкилотида ўз маблағлари самарадорлигининг 0,2874 сўмга ошганлиги шу ташкилот иқтисодий салоҳиятини **0,22** сўмга кўпайтирган.

Таҳлил қилинаётган қурилиш ташкилотининг иқтисодий салоҳияти ўзгаришига иккинчи омилнинг, яъни мажбуриятларнинг ўз маблағлари билан қопланиш даражасининг 4,8281 сўмга камайганлиги, унинг натижа кўрсаткичини 78,4 %га (0,2156*100 – 100,0) камайтирган:

$$0{,}2156 = \frac{2{,}2287 * 1{,}3148 * 0{,}5004 * 1{,}4103 * 0{,}1723}{2{,}2287 * 6{,}1429 * 0{,}5004 * 1{,}4103 * 0{,}1723} = \frac{0{,}36}{1{,}67}$$

Ушбу омилнинг мутлақ миқдори 1,31 сўмга (0,36 – 1,67) тенг.

Ўрганилаётган қурилиш ташкилотининг иқтисодий салоҳияти ўзгаришига учинчи омилнинг, яъни айланма маблағларнинг мажбуриятлар билан таъминланганлигини индекс усули билан аниқлаганда, унинг индекси 6,5556 ни ташкил қилади. Бу рақам шуни кўрсатадики, қурилиш ташкилотининг иқтисодий салоҳияти шу омил эвазига 555,6 % ошганлигидан (6,5556*100 – 100,0) далолат беради:

$$6{,}5556 = \frac{2{,}2287 * 1{,}3148 * 3{,}3079 * 1{,}4103 * 0{,}1723}{2{,}2287 * 1{,}3148 * 0{,}5004 * 1{,}4103 * 0{,}1723} = \frac{2{,}36}{0{,}36}$$

Ушбу омилнинг мутлақ миқдорини аниқлаш учун суръатидаги рақамдан махражидаги рақам айирилади. Бунинг миқдори 2,00 сўмга (2,36 - 0,36) тенглигини кўрамиз.

Мазкур таҳлил қилинаётган қурилиш ташкилотининг иқтисодий салоҳияти ўзгаришига тўртинчи омилнинг, яъни асосий воситаларнинг айланма маблағлар билан таъминланганлиги 0,4667 %га камайганлиги эвазига, унинг индекси бир мунча пасайган ва 0,1310 ни ташкил қилади. Бу рақам шуни кўрсатадики, қурилиш ташкилотининг иқтисодий салоҳияти шу омил эвазига 86,9 % камайганлигидан (0,1310*100 – 100,0) далолат беради:

$$0{,}1610 = \frac{2{,}2287 * 1{,}3148 * 3{,}3079 * 0{,}9436 * 0{,}1723}{2{,}2287 * 1{,}3148 * 3{,}3079 * 1{,}4103 * 0{,}1723} = \frac{0{,}38}{2{,}36}$$

Ушбу омилнинг мутлақ миқдори - 1,98 сўмга (0,38 – 2,36) тенг.

Иқтисодиётнинг муҳим тармоғи бўлган қурилиш ташкилотининг иқтисодий салоҳияти ўзгаришига бешинчи омилнинг,

яъни асосий воситаларнинг иқтисодий салоҳиятдаги улушининг 0,0846 %га ошганлиги эвазига, унинг индекси бир мунча кўтарилган ва 6,1842 ни ташкил қилади. Бу рақам шуни кўрсатадики, қурилиш ташкилотининг иқтисодий салоҳияти шу омил эвазига 518,4 % ошган (6,1842*100 – 100,0) далолат беради:

$$6{,}1842 = \frac{2{,}2287 * 1{,}3148 * 3{,}3079 * 0{,}9436 * 0{,}2569}{2{,}2287 * 1{,}3148 * 3{,}3079 * 0{,}9436 * 0{,}1723} = \frac{2{,}35}{0{,}38}$$

Ушбу омилнинг сўмдаги таъсири +1,97 сўмни (2,35 – 0,38) ташкил қилади.

Натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқликнинг функционаллиги таъминланса барча омиллар индексининг кўпайтмаси умумий индексга тенг бўлиши керак. Бу бизнинг мисолимизда яна бир бор исботланди:

$$1,6209 = 1{,}1517 * 0{,}2156 * 6{,}5556 * 0{,}1610 * 6{,}1842$$

Барча омилларнинг мутлақ миқдорини аниқлайдиган бўлсак, уларнинг йиғиндиси 1,90 сўмни ташкил қилганлигини кўрамиз:

$$0{,}22 - 0{,}31 + 2{,}0 - 1{,}98 + 1{,}97 = +1{,}90 \text{ сўм.}$$

Кўриниб турибдики, барча омиллар таъсири натижа ўзгаришнинг умумий фарқига, яъни 1,90 сўмга тенг бўлди. Бу ҳисоб-китоблар нафақат натижа ўзгаришига омиллар таъсирини ҳисоблаш, балки мазкур қурилиш ташкилотида мавжуд ички имкониятларни аниқлаш имконини ҳам беради. Ҳисоб-китоблар натижаси кўрсатмоқдаки, шу таҳлил қилинган даврда иккита омил таъсири салбий бўлган. Буларга мажбуриятларнинг ўз маблағлари билан қопланиш даражаси ва асосий воситаларнинг айланма маблағлар билан таъминланганлигини киритиш мумкин. Ушбу омилларнинг камайиши эвазига қурилиш ташкилотининг иқтисодий салоҳияти яна 2,29 сўмга (0,31+1,98) ошган бўлар эди. У ҳолда натижанинг 2011 йилдаги миқдори 2,35 сўм эмас, балки 4,64 сўмни (2,35+2,29) ташкил қилган бўлар эди. У ҳолда 2011 йилда 2000 йилга нисбатан ўсиш суръати 161,1 % эмас, балки 197,4 %ни (4,64*100:2,35) ташкил қилган бўлар эди.

Кўриниб турибдики, омилли таҳлил ёрдамида нафақат омиллар таъсирини ҳисоб-китоб қилиш билан чекланади, балки корхона эгасига илмий жиҳатдан асосланган бошқарув қарорларини қабул қилиш учун тегишли ахборотларни ҳозирлаб ҳам беради.

12.5. Индекс усулининг турлари ва улардан фойдаланиш йўллари

Натижа ўзгаришига иккита омил таъсир қилгандаги боғлиқлиги

$$A = g * p$$

Натижанинг (А) режадаги миқдори	$A_0 = \sum g_0 * p_0$
Натижанинг (А) ҳақиқий миқдори (A_1)	$A_1 = \sum g_1 * p_1$
Натижа (А) ҳақиқий миқдорининг (A_1) режага нисбатан фарқи (ΔA)	$\Delta A = A_1 - A_0$
Натижанинг биринчи омил ўзгариши билан қайта ҳисобланган миқдори (A_g)	$A_g = \sum g_1 * p_0$
Биринчи омил таъсири индексда (I_g)	$I_g = \sum g_1 * p_0 / \sum g_0 * p_0$
Биринчи омил таъсири мутлақ миқдорда (ΔA_g)	$\Delta A_g = \sum g_1 * p_0 - \sum g_0 * p_0$
Натижанинг иккинчи омил ўзгариши билан қайта ҳисобланган миқдори (A_p)	$A_p = \sum g_1 * p_1$
Иккинчи омил таъсири индексда (I_p)	$I_p = \sum g_1 * p_1 / \sum g_1 * p_0$
Иккинчи омил таъсири (ΔA_p)	$\Delta A_p = \sum g_1 * p_1 - \sum g_1 * p_0$
Барча омиллар таъсири	$I_{gp} = I_g * I_p$
Текшириш	$\Delta A = A_1 \pm A_0$

Натижа ўзгаришининг тўртта омиллар билан боғлиқлиги

$$A = n * d * g * z$$

Натижанинг (А) режадаги миқдори	$A_0 = n_0 * d_0 * g_0 * z_0$
Натижанинг (А) ҳақиқий миқдори (A_1)	$A_1 = n_1 * d_1 * g_1 * z_1$
Натижа (А) ҳақиқий миқдорининг (A_1) режага нисбатан фарқи (ΔA)	$\Delta A = A_1 - A_0$
Натижанинг биринчи омил ўзгариши билан қайта ҳисобланган миқдори (A_n)	$A_n = n_1 * d_0 * g_0 * z_0$
Биринчи омил таъсири индексда (I_{An})	$I_{An} = A_n / A_0$
Биринчи омил таъсири мутлақ миқдорда (ΔA_n)	$I_{An} = A_n - A_0$
Натижанинг иккинчи омил ўзгариши билан қайта ҳисобланган миқдори (A_d)	$A_n = n_1 * d_1 * g_0 * z_0$
Иккинчи омил таъсири индексда(I_{Ad})	$I_{Ad} = A_d / A_n$
Иккинчи омил таъсири мутлақ миқдорда (ΔA_d)	$\Delta A_d = A_d - A_n$
Натижанинг учинчи омил ўзгариши билан қайта ҳисобланган миқдори (A_g)	$A_g = n_1 * d_1 * g_1 * z_0$
Учинчи омил таъсири индексда (I_{Ag})	$I_{Ag} = A_g / A_d$
Учинчи омил таъсири мутлақ миқдорда (ΔA_g)	$(\Delta A_g = A_g - A_d$
Натижанинг тўртинчи омил ўзгариши билан қайта ҳисобланган миқдори (A_z)	$A_z = n_1 * d_1 * g_1 * z_1$
Тўртинчи омил таъсири индексда (I_{Az})	$I_{Az} = A_z / A_g$
Тўртинчи омил таъсири мутлақ миқдорда (ΔA_z)	$\Delta A_z = A_z - A_g$
Барча омиллар таъсири	$Ia = I_{An} * I_{Ad} * I_{Ag} * I_{Az}$
Текшириш	$\Delta A = A_1 / A_0$

Натижа ўзгаришининг тўртта омиллар билан боғлиқлигини индивидуал индексни қўллаб ечиш

$$A = n * d * g * z$$

Натижанинг (А) режадаги миқдори	$I_{A0} = i_{n0} * i_{d0} * i_{g0} * i_{z0}$
Натижанинг (А) ҳақиқий миқдори (A_1)	$I_{A1} = i_{n1} * i_{d1} * i_{g1} * i_{z1}$
Натижа (А) ҳақиқий миқдорининг (A_1) режага нисбатан фарқи (ΔA)	$\Delta I_A = Ia_1 - Ia_0$
Натижа ўзгаришига биринчи омилнинг таъсири (ΔA_n)	$\Delta A_n = (A_0 * i_n) - A_0$
Натижа ўзгаришига иккинчи омилнинг таъсири (ΔA_d)	$\Delta A_d = (A * i_n * i_d) - (A_0 * i_n)$
Натижа ўзгаришига учинчи омилнинг таъсири (ΔA_g)	$\Delta A_g = (A_0 * i_n * i_d * i_g) - (A_0 * i_n * i_d)$
Натижа ўзгаришига тўртинчи омилнинг таъсири (ΔA_z)	$\Delta A_z = (A_0 * i_n * i_d * i_g * i_z) - (A_0 * i_n * i_d * i_g)$
Барча омиллар таъсири	$\Delta A = A_n \pm A_d \pm A_g \pm A_z$
Текшириш	$\Delta A = A_1 - A_0$

Мавзу бўйича ўзини-ўзи текшириш ва такрорлаш учун саволлар

1. Таҳлил жараёнида индекс усулидан фойдаланишнинг аҳамияти нимада?
2. Индекс усули қандай ҳолатларда қўлланилиши мумкин?
3. Таҳлил жараёнида индекс усулидан фойдаланиш услубиётини қандай тушунасиз?
4. Натижа ўзгаришига иккита омил таъсир қилганда қандай индекс усулидан фойдаланилади?
5. Натижа ўзгаришига учта омил таъсир қилганда қандай индекс усулидан фойдаланилади?
6. Натижа ўзгаришига учта омил таъсир қилганда индивидуал индекс усулидан фойдаланилаишнинг хусусиятлари нимада?
7. Индекс усулининг занжирли алмаштиришдан афзаллиги нимада?

13-боб. ТАҲЛИЛДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ФАРҚЛИ УСУЛНИНГ МОҲИЯТИ, ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ УСЛУБИЁТИ

13.1. Таҳлил жараёнида қўлланиладиган фарқли усулнинг мазмуни ва ундан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари

Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган анъанавий усуллардан бири фарқли усулдир. Мазкур усул ҳам бошқа усуллар сингари натижа кўрсаткичига омиллар таъсирини ҳисоблашда кенг қўлланилади. Чунки хўжалик фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Бу усул натижага таъсир қилувчи омиллар битта, иккита, учта ва ундан кўп бўлганда ҳамда улар ўртасидаги боғлиқлик асосан кўпайтириш билан ифодаланганда қулайдир. Бунда бир кўрсаткич натижа, деб қаралса, шунга боғлиқ бўлган қолган кўрсаткичлар таъсир қилувчи омиллар сифатида намоён бўладилар.

Фарқли усулнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Булар қуйидагилардан иборат:

- ушбу усулдан мувозанат усули бўйича омиллар таъсирини ҳисоблашда қўлланилиши қулай;
- ушбу усул билан қайси омилнинг таъсирини ҳисоблаш лозим бўлса ўша омилнинг фарқи олинади;
- ўзидан олдинги омилларнинг ҳақиқий миқдори, ўзидан кейинги омилларнинг режадаги ёки асос йилидаги миқдори олинади;
- ушбу усул асосан мультипликатив модель шаклидаги боғлиқликларда самарали қўлланилади;
- ушбу усулда кўрсаткичлар миқдорини промилда олиш мақсадга мувофиқ, чунки ушбу ҳолдагина умумий фарқ омилларнинг умумий таъсирига тенг бўлади.

Бунга мисол қилиб қуйидаги боғланишларни олиш мумкин. Масалан, натижа ўзгаришига иккита омил таъсир қилганда ва улар ўртасидаги боғлиқлик мультипликатив бўлганда:

$$A = в * с ;$$

Шунингдек, натижа ўзгаришига учта омил таъсир қилганда ва улар ўртасидаги боғлиқлик мультипликатив бўлганда:

А = в * с * д ;

Булардан ташқари, натижа ўзгаришига тўртта омил таъсир қилганда ва улар ўртасидаги боғлиқлик мультипликатив бўлганда:

А = в * с *д * е ;

Фарқли усулнинг ҳам олтин қонуни бошқа усуллар сингари занжирсимон кетма-кетлик принципига асослади. Бунда қайси омилнинг таъсирини ҳисоблаш лозим бўлса, ўша омилнинг фарқи олинади, ўзидан олдинги омилларнинг ҳақиқий миқдори ва ўзидан кейинги омилларнинг режадаги (асос йилидаги) миқдори олинади. Масалан, юқоридаги формулада келтирилга учинчи омилнинг натижага таъсирини аниқламоқчи бўлсак, қуйидаги ҳисоб-китобни амалга ошириш мумкин:

$$А = в_1 * с_1 * (д_1 - д_0) * е_0 ;$$

Ушбу назарий хулосаларга асосланган ҳолда фарқли усулдан фойдаланиш услубиёти ва унинг турли йўналишларини қараб чиқиш мумкин.

13.2. Фарқли усулдан фойдаланиш услубиёти ва унинг турли йўналишлари

Фарқлаш усулининг моҳияти шундаки, натижа кўрсаткичига омиллар таъсирини аниқлаш учун ҳисобланаётган омилнинг фарқи олиниб, қолган омилларнинг жойлашиш тартибига қараб асос ёки ҳисобот давридаги миқдори олинади. Масалан, натижа кўрсаткичи (Т) (товар айланмаси) билан унга таъсир қилувчи омиллар: ходимларнинг рўйхатдаги сони (Х) ва меҳнат унумдорлиги (МУ) ўртасидаги боғлиқлик қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$T = X * МУ$$

Ушбу формуладаги омилларнинг таъсирини фарқлаш усули билан аниқлайдиган бўлсак, биринчи омил, яъни ходимларнинг рўйхатдаги сонининг товар айланмасига таъсирини (T_x) ҳисоблаш учун шу омилнинг фарқини (X_1-X_0) иккинчи омил, яъни меҳнат унумдорлигининг асос (режа) кўрсаткичига ($МУ_0$) кўпайтирилади:

$$\Delta Tx = (X_1 - X_0) * МУ_0$$

Иккинчи омил, яъни меҳнат унумдорлигининг товар айланмаси ҳажми ўзгаришига таъсирини (*Тму*) топиш учун шу омилнинг фарқи олинади ($МУ_1$ - $МУ_0$) биринчи омил - ходимларнинг ўртача йиллик рўйхатдаги сонининг ҳисобот давридаги миқдорига (X_1) кўпайтирилади:

$$\Delta Тму = X_1 * (МУ_1 - МУ_0)$$

Шу икки омилнинг таъсири натижанинг умумий фарқига тенг бўлиши лозим:

$$\Delta Т = \Delta Тх \pm \Delta Тму$$

Ушбу боғланишни аниқ мисоллар ёрдамида кўриб чиқиш мумкин. Натижага учта ва ундан кўп омиллар таъсир қилагнда ҳам ушбу усулдан фойдаланиш мумкин. Бу усул натижасида таҳлил қилинаётган кўрсаткични яхшилаш бўйича ички имкониятлар ҳам ахтариб топилиши мумкин. Иккита омил таъсир қилган пайтда амалга ошириладиган ҳисоб-китобларни кўриб чиқамиз. Бу эса тавсия қилинаётган усулнинг назарияси амалиётга ҳам кенг қўлланилиши мумкинлигидан далолат беради. Бунинг учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз (13.1-жадвал).

13.1-жадвал

Товар айланмасии ҳажмига ходимларнинг рўйхатдаги сони ва меҳнат унумдорлиги ўзгаришининг таъсирини фарқлаш усули билан аниқлаш йўллари.

Кўрсаткичлар	Режада	Ҳақиқатда	Фарқи (+,-)		
			Жами	Шу жумладан	
				Ходимлар сони эвазига	Меҳнат унумдорлиги эвазига
1. Ходимларнинг ўртача йиллик рўйхатдаги сони, киши	8038	8057	+ 19	х	х
2. Меҳнат унумдорлиги, сўм	6282,0	6365,5	83,5	х	х
3. Товар айланмаси, минг сўм	50495	51287	+792,0	+119,3	+ 672,7

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, товар айланмаси режага нисбатан 792,0 минг сўмга кўпайган. Бунга қуйидаги омиллар таъсир қилган:

1. Ходимларнинг ўртача йиллик рўйхатдаги сонининг 19 кишига кўпайганлиги товар айланмаси ҳажмини 119,3 минг сўмга (19х6282,0) кўпайтирган.

2. Ҳисобот йилида меҳнат унумдорлигининг 83,5 сўмга кўпайиши товар айланмасини 672,7 минг сўмга (8057х 83,5=+672,7) кўпайтиришга муваффақ бўлган.

Ушбу икки омил таъсирининг йиғиндиси товар айланмасининг умумий фарқига тенг:

119,3 + 672,7 = + 792,0 минг сўм.

Фарқли усули натижага таъсир этувчи омиллар сони учта ва ундан ортиқ бўлган тақдирда ҳам, агар улар ўртасидаги боғлиқлик кўпайтириш билан ифодаланса, қўлланилиши мумкин. У ҳолда натижага биринчи омилнинг таъсирини топиш учун унинг фарқини қолган икки омилнинг режадаги миқдорига кўпайтирилади. Чиққан натижа биринчи омил таъсири бўлиб ҳисобланади.

Натижа ўзгаришига иккинчи омилнинг таъсирини топиш учун биринчи омилнинг ҳақиқий миқдори иккинчи омилнинг фарқига ва учинчи омилнинг режадаги даражасига кўпайтирилади. Чиққан натижа шу омилнинг таъсири бўлиб ҳисобланади.

Натижага учинчи омилнинг таъсири ҳам худди шу тартибда ҳисобланади. Унда биринчи ва иккинчи омилларнинг ҳақиқий миқдорига учинчи омилнинг фарқи кўпайтирилади. Чиққан натижа учинчи омил таъсири бўлиб ҳисобланади. Мисол учун қуйидаги математик боғлиқликни олайлик:

$$Т = Ш * Мш * Тм.$$

бунда Т – товар айланмаси ҳажми;

Ш – савдо шахобчаларининг ўртача сони;

Мш – ҳар бир савдо шохобчасига тўғри келадиган савдо майдони;

Тм – бир кв. м. савдо майдонига тўғри келадиган товар айланмаси ҳажми.

Натижага биринчи омилнинг таъсирини аниқлаш учун шу омилнинг фарқи аниқланади ва қолган иккита омилнинг режадаги

(асос йилидаги) миқдорига кўпайтирилади. Бизнинг мисолимиздаги товар айланмаси ўзгаришига савдо шохобчалари сони ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta Тш = (Ш_1 - Ш_0) * Мш_0 * Тм_0$$

Натижа ўзгаришига иккинчи омилнинг таъсирини аниқлаш учун шу иккинчи омилнинг фарқи аниқланади ва биринчи омилнинг ҳақиқий миқдори ва учинчи омилнинг режадаги (асос йилидаги) миқдорига кўпайтирилади.

Бизнинг мисолимиздаги чакана товар айланмасининг битта савдо шохобчасига тўғри келадиган ўртача савдо майдони ўзгариши эвазига ўзгарганлигини аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta Тмш = Ш_1 * (Мш_1 - Мш_0) * Тм_0.$$

Натижа ўзгаришига учинчи омилнинг таъсирини аниқлаш учун шу учинчи омилнинг фарқи аниқланади ва биринчи ҳамда иккинчи омилларнинг ҳақиқий миқдорига кўпайтирилади. Бу бизнинг мисолимиздаги чакана товар айланмаси ҳажмининг бир кв.м. савдо майдонига тўғри келадиган товар айланмаси эвазига ўзгаришини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$\Delta Ттм = Ш_1 * Мш_1 * (Тм_1 - Тм_0)$$

Одатдагидек барча омиллар таъсири товар айланмасининг умумий фарқига тенг бўлиши лозим:

$$\Delta Т = \Delta Тш \pm \Delta Тмш \pm \Delta Ттм$$

Юқорида келтирилган усулнинг амалиётда қўлланилишини аниқ маълумотларни қўллаб исботлаш мумкин (13.2-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, чакана товар айланмаси ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан 1579,6 минг сўмга кўпайган. Бу ўзгаришга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатган:

1. Савдо шохобчалари сонининг 2 тага кўпайганлиги товар айланмаси ҳажмини 388,2 минг сўмга (2 * 4,1 * 47,34) кўпайтирган.

2. Битта савдо шохобчасига тўғри келадиган ўртача савдо майдонининг 0,4 кв.м. га кўпайиши товар айланмасини 2461,9 минг сўмга (130*0,4* 47,34) оширган.

3. Савдо майдони самарадорлигининг, яъни бир кв.м. савдо майдонига тўғри келадиган товар айланмасининг 2,17 минг сўмга

пасайиши товар айланмасига ҳам салбий таъсир қилиб, унинг ҳажмини 1268,5 минг сўмга камайтирган: (130 * 4,5 * (- 2,17)).

13.2-жадвал

Товар айланмасининг ўзгаришига савдо шохобчалари, уларнинг савдо майдони ва самарадорлигининг таъсирини фарқлаш усули билан аниқлаш ҳисоби

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+,-)
1. Савдо шохобчаларининг сони, бирликда	128	130	+ 2
2. Битта савдо шохобчаси га тўғри келадиган ўртача савдо майдони,кв.м.	4,1	4,5	+0,4
3. Бир кв.м. савдо майдонига тўғри келадиган товар айланмаси, минг сўм	47,34	45,17	- 2,17
4. Товар айланмаси, минг сўм	24845,6	26425,2	+ 1579,6

Барча омиллар таъсирининг йиғиндиси натижанинг умумий фарқига тенг:

388,2 + 2461,9 - 1268,5 = + 1579,6 минг сўм.

Ушбу омилли таҳлил натижасига асосан мазкур корхонада мавжуд ички имкониятларни аниқлаш мумкин. Бу имконият савдо майдонидан самарали фойдаланишдир. Агар ҳисобот йилида ушбу омил ўтган йилги даражада бўлганда, товар айланмаси яна 1268,5 минг сўмга кўпайган бўлар эди. У ҳолда товар айланмасининг ҳақиқий ҳажми 26425,2 минг сўм эмас, балки 27693,7 минг сўмга тенг бўлар эди:

(26425,2 + 1268,5)

Товар айланмасининг режаси ёки ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати ҳам ошган бўлар эди. Ҳисобот даврида товар айланмасининг ўсиш суръати 6,4 фоизни ташкил қилди:

(26425,2 : 24845,6 х100) - 100)

Агарда аниқланган ички резевлардан тўлиқ фойдаланилганда эди ҳисобот йилида товар айланмасининг ўсиш суръати 111,5 фоизни ташкил қилган бўлар эди:

(27697,3 : 24845,6 х 100)

Кўриниб турибдики, омилли таҳлил натижасида таҳлил қилинаётган кўрсаткичнинг миқдорини яхшилаш учун тегишли ички имкониятларни (резервларни) аниқлаш мумкин.

Юқорида фарқли усулнинг натижа кўрсаткичи билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик мультипликатив бўлгандаги ҳолатда мутлақ фарқини аниқлаш усулини кўриб чиқдик. Бундан ташқари натижа кўрсаткичи билан омилллар ўртасидаги боғлиқлик **аралаш модель** билан ифодаланганда ҳам мутлақ фарқни аниқлаш мумкин. Бунга мисол қилиб қуйидаги аралаш моделни кўрсатиш мумкин:

$$A = f * (g - z)$$

Ушбу модель асосида натижа ўзгаришига учта омилнинг таъсирини аниқлаш мумкин. Бунда натижа ўзгаришига биринчи омилнинг таъсирини (ΔA_f) аниқлаш учун шу омилнинг фарқини қолган иккита омилнинг режадаги айирмасига кўпайтирилади:

$$\Delta A_f = (f_1 - f_0) * (g_0 - z_0) = \Delta f * (g_0 - z_0);$$

Натижа кўрсаткичининг ўзгаришига иккинчи омилнинг таъсирини (ΔA_g) аниқлаш учун шу омилнинг фарқини биринчи омилнинг ҳақиқий миқдорини иккинчи омилнинг фарқига кўпайтирилади:

$$\Delta A_g = f_1 * \Delta g ;$$

Натижа кўрсаткичининг ўзгаришига учинчи омилнинг таъсирини (ΔA_z) аниқлаш учун биринчи омилнинг ҳақиқий миқдорини учинчи омилнинг фарқига кўпайтирилади:

$$\Delta A_z = f_1 * (- \Delta z) ;$$

Барча омиллар таъсири натижа ўзгаришининг умумий фарқига тенг бўлиши керак:

$$\Delta A_f = \Delta A_f \pm \Delta A_g \pm \Delta A_z ;$$

Ушбу назарий усулга амалий маълумотларни қўллаб аниқлаш йўлини қараб чиқиш мумкин**.** Бунинг учун сотилган маҳсулотдан олинган умумий фойданинг ҳажмини олиш мумкин. Бунинг аралаш модели қуйидагича ифодаланади:

$$A = f * (g - z)$$

бунда A *– сотилган маҳсулотдан олинган фойданинг умумий ҳажми;*

f *– сотилган маҳсулотнинг умумий сони;*

g *– битта сотилган маҳсулотнинг баҳоси;*

z *– битта сотилган маҳсулотнинг таннархи.*

Ушбу омилларнинг умумий фойдага таъсирини аниқлаш учун қуйидаги жадвал маълумотларидан фойдаланишни тавсия қиламиз (13.3-жадвал).

13.3-жадвал

Фойда ўзгаришига таъсир қилувчи омилларнинг ҳисоб-китоби

Т/р	Кўрсаткичлар	Асос йили	Ҳисобот даври	Фарқи (+,-)	Ўзгариш суръати
1.	Сотилган маҳсулотнинг сони, дона	450	500	+50	111,1
2.	Сотилган маҳсулотнинг баҳоси, минг сўм	20,0	22,0	+2,0	110,0
3.	Сотилган маҳсулотнинг таннархи, минг сўм	15,0	16,5	+1,5	110,0
4.	Битта сотилган маҳсулотга тўғри келадиган фойда, минг сўм	5,0	5,5	+0,5	110,0
5.	Сотилган маҳсулотнинг умумий фойдаси, минг сўм	2250	2750	+500	122,2

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, сотилган маҳсулотнинг умумий фойдаси таҳлил қилинган даврда 500 минг сўмга ошган. Бунга учта омил таъсир қилган.

1. Сотилган маҳсулотнинг сонининг 50 донага ошганлиги умумий фойда суммасини 250,0 минг сўмга оширган.

*50 * (20-15) = +250,0 минг сўм.*

2. Сотилган маҳсулотнинг баҳосининг 2,0 минг сўмга ошганлиги умумий фойда суммасини 250,0 минг сўмга оширган.

*500 * 2,0 = +1000,0 минг сўм.*

3. Сотилган маҳсулот таннархининг 1,5 минг сўмга ошганлиги умумий фойда суммасини 250,0 минг сўмга камайтирган.

*500 * (-1,5) = - 750,0 минг сўм.*

Натижанинг умумий фарқи омиллар таъсирининг йиғиндисига тенг бўлган:

250,0 + 1000,0 – 750,0 = +500,0минг сўм.

Кўриниб турибдики, омилли таҳлилда фарқли усул ҳам турли йўналишларда ва боғлиқликларда қўлланилиши мумкин экан. Ушбу ҳисоб-китоб натижасида умумий фойдани кўпайтириш

бўйича ички имкониятлар ҳам аниқланди. Агар сотилган маҳсулотнинг таннархи ўтган давр ҳолатида қолганда эди, корхонанинг фойдаси яна 750,0 минг сўмга кўпайган бўлар эди. У ҳолда фойданинг ҳақиқий миқдори 2750,0 минг сўм эмас, балки 3500,0 минг сўмни (2750,0+750,0) ташкил қилган бўлар эди. У ҳолда фойданинг фарқи 500,0 минг сўм эмас, балки 1250,0 минг сўмни (500,0+750,0) ташкил қилган бўларди.

13.3. Фарқли усулнинг турли кўринишида омиллар таъсирини аниқлаш услубиёти

Таҳлил жараёнида қўлланиладиган фарқли усулнинг бир қанча турлари (омиллар миқдори мутлақ бўлганда)

Натижа ўзгаришининг тўртта омиллар билан боғлиқлиги

$$A = n * d * g * z$$

Натижанинг (А) режадаги миқдори	$A_0 = n_0 * d_0 * g_0 * z_0$
Натижанинг (А) ҳақиқий миқдори	$A_1 = n_1 * d_1 * g_1 * z_1$
Натижанинг (А) режага нисбатан фарқининг миқдори	$\Delta A = A_1 - A_0 = (n_0 * d_0 * g_0 * z_0) - (n_1 * d_1 * g_1 * z_1)$
А нинг ўзгаришига биринчи омил таъсири (ΔA_n)	$\Delta A_n = (n_1 - n_0) * d_0 * g_0 * z_0$
А нингўзгаришига иккинчи омил таъсири (ΔA_d)	$\Delta A_d = n_1 * (d_1 - d_0) * g_0 * z_0$
А нинг ўзгаришига учинчи омил таъсири (ΔA_g)	$A_g = n_1 * d_1 * (g_1 - g_0) * z_0$
А нинг ўзгаришига тўртинчи омил таъсири (ΔA_z)	$A_z = n_1 * d_1 * g_1 * (z_1 - z_0)$
Барча омиллар таъсири	$\Delta A = \Delta A_n \pm \Delta A_d \pm \Delta A_d \pm \Delta A_z$
Текшириш	$\Delta A = A_1 - A_0$

Омиллар миқдори нисбий бўлганда фарқли усулдан фойдаланиш

Натижанинг тўртта омиллар билан боғлиқлиги

$$A = n * d * g * z$$

Натижанинг (А) режадаги миқдори	$A_0 = n_0 * d_0 * g_0 * z_0$
Натижанинг (А) ҳақиқий миқдори	$A_1 = n_1 * d_1 * g_1 * z_1$

Натижанинг (А) режага нисбатан фарқининг миқдори	$\Delta A = A_1 - A_0 = (n_0 * d_0 * g_0 * z_0) - (n_1 * d_1 * g_1 * z_1)$
Натижа ўзгаришига таъсир қилувчи барча омилларнинг нисбий фарқи аниқланади.	
Биринчи омилнинг нисбий фарқи (Δn%)	$\Delta n\% = \frac{(n1 - n0) * 100}{n0}$
Иккинчи омилнинг нисбий фарқи (Δd%)	$\Delta d\% = \frac{(d1 - d0) * 100}{d0}$
Учинчи омилнинг нисбий фарқи (Δg%)	$\Delta g\% = \frac{(g1 - g0) * 100}{g0}$
Тўртинчи омилнинг нисбий фарқи (Δz%)	$\Delta z\% = \frac{(z1 - n0) * 100}{z0}$
Натижа ўзгаришига таъсир қилувчи барча омилларнинг нисбий фарқдаги таъсирининг миқдори аниқланади.	
А нинг ўзгаришига биринчи омил таъсири (ΔA_n)	$\Delta An\% = \frac{A0 * \Delta n\%}{100}$
А нингўзгаришига иккинчи омил таъсири (ΔA_d)	$\Delta Ad\% = \frac{(A0 + \Delta An) * \Delta d\%}{100}$
А нинг ўзгаришига учинчи омил таъсири (ΔA_g)	$\Delta Ag\% = \frac{(A0 + \Delta An + \Delta Ad) * \Delta g\%}{100}$
А нинг ўзгаришига тўртинчи омил таъсири (ΔA_z)	$\Delta Az\% = \frac{(A0 + \Delta An + \Delta Ad + \Delta Ag) * \Delta z\%}{100}$
Барча омиллар таъсири	$\Delta A = \Delta A_{n\%} \pm \Delta A_{d\%} \pm \Delta A_{d\%} \pm \Delta A_{z\%}$
Текшириш	$\Delta A = A_1 - A_0$

Режа бажарилишининг миқдори олинганда фарқли усулдан фойдаланиш

Натижанинг тўртта омиллар билан боғлиқлиги

$$A = n * d * g * z$$

Натижанинг (А) режадаги миқдори	$A_0 = n_0 * d_0 * g_0 * z_0$
Натижанинг (А) ҳақиқий миқдори	$A_1 = n_1 * d_1 * g_1 * z_1$
Натижанинг (А) режага нисбатан фарқининг миқдори	$\Delta A = A_1 - A_0 = (n_0 * d_0 * g_0 * z_0) - (n_1 * d_1 * g_1 * z_1)$
Ҳар бир омил бўйича режанинг бажарилиши аниқланади	
Биринчи омил бўйича режанинг бажарилиши (Δn%)	$\Delta n\% = \frac{(n1) * 100}{n0}$
Иккинчи омил бўйича режанинг бажарилиши (Δd%)	$\Delta d\% = \frac{(d1) * 100}{d0}$
Учинчи омил бўйича режанинг бажарилиши (Δg%)	$\Delta g\% = \frac{(g1) * 100}{g0}$
Тўртинчи омил бўйича режанинг бажарилиши (Δz%)	$\Delta z\% = \frac{(z1) * 100}{z0}$

Натижанинг ўзгаришига ҳар бир омилнинг нисбий кўрсаткичлар бўйича таъсири аниқланади	
А нинг ўзгаришига биринчи омил таъсири (ΔA_n)	$\Delta An\% = \frac{A0 * (\Delta n\% - 100)}{100}$
А нинг ўзгаришига иккинчи омил таъсири (ΔA_d)	$\Delta Ad\% = \frac{A0 * (\Delta d\% - \Delta n\%)}{100}$
А нинг ўзгаришига учинчи омил таъсири (ΔA_g)	$\Delta Ag\% = \frac{A0 * (\Delta g\% - \Delta d\%)}{100}$
А нинг ўзгаришига тўртинчи омил таъсири (ΔA_z)	$\Delta Az\% = \frac{A0 * (\Delta z\% - \Delta g\%)}{100}$
Барча омиллар таъсири	$\Delta A = \Delta A_{n\%} \pm \Delta A_{d\%} \pm \Delta A_{d\%} \pm \Delta A_{z\%}$
Текшириш	$\Delta A = A_1 - A_0$

Ўзини-ўзи текшириш ва такрорлаш учун саволлар

1. Таҳлил жараёнида қўлланиладиган фарқли усулнинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Таҳлил жараёнида фарқли усуллардан фойдаланиш услубиёти.
3. Натижага бир қанча омиллар таъсир қилганда омилларнинг таъсирини аниқлашда қандай олтин қоидаси бор?
4. Натижага тўртта омил таъсир қилганда биринчи омилнинг таъсири фарқли усул билан қандай аниқланади?
5. Натижага тўртта омил таъсир қилганда иккинчи омилнинг таъсири фарқли усул билан қандай аниқланади?
6. Натижага тўртта омил таъсир қилганда учинчи омилнинг таъсири фарқли усул билан қандай аниқланади?
7. Натижага тўртта омил таъсир қилганда тўртинчи омилнинг таъсири фарқли усул билан қандай аниқланади?
8. Таҳлил жараёнида фарқли усуллардан фойдаланганда ички имкониятларни топиш йўллари.

14-боб. ТАҲЛИЛ ЖАРАЁНИДА НИСБИЙ КЎРСАТКИЧЛИ УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ УСЛУБИЁТИ

14.1. Таҳлил жараёнида қўлланиладиган нисбий кўрсаткичли усулларнинг мазмуни ва ўзига хос хусусиятлари

Нисбий кўрсаткичли усул ҳам омилли таҳлилда кенг қўлланилади, чунки амалда мутлоқ рақамлар билан биргаликда нисбий миқдорларнинг қўлланилиши ҳам кўплаб учраб турадилар.

Нисбий миқдордан фойдаланиш усулининг моҳияти натижага омиллар таъсирини аниқлашда уларнинг нисбий ўзгариши натижанинг нисбий ўзгаришидаги улушида ифодаланишидир. Масалан, ишлаб чиқариш корхонаси ялпи маҳсулоти ҳажми (*М*), ишчилар сони (*И*) ва уларнинг меҳнат унумдорлиги даражасига (*МУ*) боғлиқ. Бу қуйидаги формулада ифодаланди:

$$М = И * МУ$$

Ушбу формуладаги кўрсаткичларни нисбий миқдорда, асосан ўсиш суръати ёки режанинг бажарилиш даражасида олиш мумкин. Шу жиҳатдан қаралса нисбий кўрсаткичли усулнинг ҳам ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- кўрсаткичлар (натижа ҳам, омиллар ҳам) фақат нисбий миқдорларда олиниши лозим;
- кўрсаткичларнинг ўлчов бирликлари билан иқтисодий мазмуни ҳам бир-бирига мувофиқ келиши керак;
- натижа ўзгаришига иккита омил таъсир қилса, биринчисининг фарқини ҳисоблаб, қолганларининг ҳаммасини иккинчи омил таъсирида деб қаралади;
- ушбу усул натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик бевосита ва билвосита бўлганда ҳам қўлланилиши мумкин;
- учта ва ундан кўп омиллар таъсир қилган пайтда олдин уларнинг мутлақ миқори аниқланиб, уларнинг йиғиндиси асосида нисбий миқдори ҳисобланади ва ҳ.к.

Ушбу усуллар ҳам аниқ маълумотлар асосида ҳисоб-китоб қилиниши мумкин. Чунки амалиётда ижтимоий-иқтисодий

вазиятни баҳолашда мутлақ миқдорлар билан бирга нисбий миқдорлардан ҳам кенг фойдаланилади.

14.2. Нисбий кўрсаткичли усулларни амалга ошириш услубиёти

Нисбий кўрсаткичлардан фойдаланиш учун юқорида келтирилган формуладан фойдаланиш мумкин:

$$М_{\%} = И_{\%} * МУ_{\%}$$

Мазкур формулада келтирилган барча кўрсаткичларнинг (натижа ва омилларнинг) ўсиш суръатлари олинади. Барча ҳисоб-китобларда ана шу нисбий кўрсаткичлар иштирок этади. Масалан, ялпи маҳсулотнинг ишчилар сонининг ўзгариши эвазига ўзгарганлигини топиш учун ишчилар сонининг ўсиш суръатини ($ΔИ_{\%}$) юзга кўпайтириб ялпи маҳсулотнинг ўсиш суръатига бўлинади ($ΔМ_{\%}$) :

$$ΔМи_{\%} = \frac{ΔИ_{\%} * 100}{ΔМ_{\%}}$$

Натижага иккинчи омилнинг – меҳнат унумдорлигининг таъсирини ($ΔМму_{\%}$) аниқлаш учун юздан шу чиққан натижа миқдори, яъни биринчи омилнинг натижага таъсири айирилади:

$$ΔМму_{\%} = 100 - \frac{ΔИ_{\%} * 100}{ΔМ_{\%}}$$

Одатдагидек икки омилнинг умумий таъсири натижа ўзгаришига тенг бўлиши керак. Бу ҳолда икки омил таъсири 100 га тенг бўлади.

Масалан, ялпи маҳсулот ҳисобот даврида 20 % га , ишчилар сони эса 4 % га ошди. Бу ҳолда ялпи маҳсулотнинг ишчилар сони эвазига ўзгарганлиги 20 % ни ташкил қилади :

$$\left(\frac{4 * 100}{20}\right)$$

Натижанинг меҳнат унумдорлиги эвазига ўзгарганлиги 80 % ни (100 - 20) ташкил қилади.

Бу усулни аниқ маълумотларни қўллаб қуйидаги жавдал мисолида ҳам кўриш мумкин (14.1-жадвал).

14.1-жадвал

Нисбий миқдорлардан фойдаланиш усулини қўллаб натижага омиллар таъсирини ҳисоблаш

Кўрсаткичлар	ўтган йилда	ҳисобот йилида	ўсиш суръати
1. Ялпи маҳсулот, минг сўм (М)	29450	30245	102,7
2. Ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сони, киши (И)	1980	2010	101,5
3. Меҳнатунумдорлиги, минг сўм (МУ)	14,9	15,0	100,7

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ялпи маҳсулот ҳажмининг ўтган йилга нисбатан 2,7 % га ошганлигини ишчиларнинг 1,5 % га кўпайганлиги ва меҳнат унумдорлигининг 0,7 % га ошганлиги эвазига вужудга келган. Буларнинг нисбий кўрсаткичдаги таъсири қуйидагича :

1. Ялпи маҳсулотнинг ўтган йилга нисбатан ўсиш суръатини 100 % га тенг деб олсак, унинг 55,6 % (1,5 . 100 : 2,7) ишчилар сонининг кўпайиши эвазига содир бўлган.

2. Ялпи маҳсулот ўсишининг 44,4 % (100-55,6) меҳнатунумдорлиги ошиши эвазига вужудга келган.

Ушбу амалларни бажариб бўлгандан сўнг натижага омиллар таъсирини мутлоқ миқдорда ҳам аниқлаш мумкин. Бизнинг мисолимизда ялпи маҳсулот ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан 795,0 минг сўмга (30245 - 29450) ошган. Шундан 442,0 минг сўми (795,0 . 55,6 : 100) ходимлар сонининг кўпайганлиги эвазига вужудга келган. Меҳнат унумдорлиги ошганлиги эвазига ялпи маҳсулот ҳажми 353,0 минг сўмга (795,0 . 44,4 : 100) кўпайган. Икки омил таъсири умумий натижани беради, яъни:

442,0 + 353,0 = + 795,0 минг сўм.

Нисбий кўрсаткичли усуллардан фойдаланиш услубиётини амалга ошириш йўлларини формулаларда ифодалаш

$$М_{\%} = И_{\%} * МУ_{\%}$$

Натижа ва омилларнинг режадаги миқдори	$М_{\%0} = И_{\%0} * МУ_{\%0}$
Натижа ва омилларнинг ҳақиқий миқдори	$М_{\%1} = И_{\%1} * МУ_{\%1}$

Натижанинг режага (асос йилига) нисбатан фарқи	$\Delta M_{\%} = M_{\%1} - M_{\%0}$
Натижа ўзгаришига биринчи омилнинг таъсири	$\Delta M_{\%\,И\%} = \Delta И_{\%} * 100 / \Delta M_{\%}$
Натижа ўзгаришига иккинчи омилнинг таъсири	$\Delta M_{\%\,И\%} = 100 - \{\Delta И_{\%} * 100 / \Delta M_{\%}\}$
Натижанинг мумумий фарқи	$\Delta M_{\%} = \Delta M_{\%\,И\%} \pm \Delta M_{\%\,И\%}$

Нисбий кўрсаткичли усулнинг яна бир кўриниши **нисбий фарқлардан фойдаланиш усули**дир. Мазкур усулдан ҳам натижа ўзгаришига омиллар таъсирини ҳисоблашда фойдаланилади. Аммо ушбу ҳолатда нисбий фарқлардан фойдаланган ҳолда натижага таъсирини мутлақ миқдорда аниқлаш имконини беради. Бунга мисол қилиб сотилган маҳсулот ҳажмига (*См*) ходимлар сони (*Х*) ва меҳнат унумдорлигининг (*Му*) ўзгаришини олиш мумкин. Бунинг ҳисоблаш формуласи қуйидаги мумтоз боғлиқликдан бошланади.

$$См = Х * МУ$$

Мазкур формула асосида сотилган маҳсулотнинг ходимлар сони ўзгариши эвазига ўзгарганлигини ($\Delta См_х$) аниқлаймиз. Бунинг учун сотилган маҳсулотнинг режадаги миқдорини ($См_0$) ходимларнинг ўсиш суръатига ($\Delta Х_{\%}$) кўпайтирамиз ва чиққан натижани 100 га бўламиз. Ушбу ҳисоб-китобни амалга ошириш учун қуйидаги формулани тавсия қиламиз:

$$\Delta См_х = \frac{См_0 * \Delta Х_{\%}}{100};$$

Сотилган маҳсулот ўзгаришига иккинчи омилнинг таъсирини ($\Delta См_{му}$) аниқлаш учун натижа кўрсаткичининг режадаги миқдорига биринчи омил натижасида ўзгарган миқдорини қўшамиз ва уни иккинчи омилнинг ўзгариш суръатига кўпайтирамиз. Чиққан натижани яна 100 га бўламиз. Бунинг учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta См_х = \frac{(См_0 + \Delta См_х) * \Delta МУ_{\%}}{100};$$

Фараз қиламиз, таҳлил қилинаётган корхонада ҳисобот даври ва асос йилидаги маълумотлар қуйидагилардан ташкил топади.

Буни аниқлаш учун қуйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (14.2-жадвал).

14.2-жадвал

Таҳлил қилинаётган корхонада меҳнат унумдорлиги ва ходимлар сони ўзгаришини сотилган маҳсулот ҳажмига таъсирини ҳисоблаш усули

Т/р	Кўрсаткичлар	Асос йили	Ҳақи-қатда	Ўсиш суръати	Фарқи (+,-)
1.	Ходимлар сони, киши	45	48	106,67	+3
2.	Меҳнат унумдорлиги, млн. сўм	102,2	115,4	112,92	+13,2
3.	Сотилган маҳсулот ҳажми, млн. сўм	4599,0	5539,2	116,1	+940,2

Мазкур жадвалдан кўриниб турибдики, сотилган маҳсулот ҳажми ҳисобот йилида асос йилига нисбатан 940,2 млн сўм кўп бўлган. Ушбу ўзгаришга омиллар таъсири қуйидагича ҳисоб-китоб қилинади.

1. Ҳисобот йилида ходимлар сонинг 6,67 %га ошганлиги сотилган маҳсулот ҳажмини 306,6 млн. сўмга {(4599,0 * 6,67) : 100} кўпайтирган.

2. Шу даврда меҳнат унумдорлигининг 12,92 % га ошганлиги, сотилган маҳсулот ҳажмини 633,6 млн. сўмга {((4599 + 306,6) * 12,92) : 100} кўпайтиришга муваффақ бўлган.

Шу икки омилнинг таъсири натижа кўрсаткичининг умумий фарқига тенглигини кўрамиз:

306,6 + 633,6 = 940,2 млн. сўм.

Мазкур ҳолатда натижа кўрсаткичига иккита омил ҳам ижобий таъсир қилган. Омилли таҳлил натижаси хулосаларни анча чуқурлаштиради. Чунки, ходимлар сонининг ошганлиги эвазига натижа кўрсаткичи 32,5 % га {(306,0 * 100) : 940,2} ошган бўлса, меҳнат унумдорлигининг ошганлиги эвазига натижа кўрсаткичининг 67,5 % {(633,6 * 100) : 940,2} кўпайган.

Мавзу бўйича ўзини-ўзи текшириш ва такрорлаш учун саволлар

1. Таҳлил жараёнида қўлланиладиган нисбий кўрсаткичли усулнинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Таҳлил жараёнида нисбий кўрсаткичли усуллардан фойдаланиш йўллари.
3. Нисбий кўрсаткичли усуллардан фойдаланган ҳолда биринчи омилнинг таъсири қандай аниқланади?
4. Нисбий кўрсаткичли усуллардан фойдаланган ҳолда иккинчи омилнинг таъсири қандай аниқланади?
5. Таҳлил жараёнида нисбий кўрсаткичли усуллар қўлланганда ички имкониятлардан фойдаланиш йўллари.
6. Нисбий фарқлардан фойдаланиш усулининг моҳияти.
7. Ушбу усулда биринчи омилнинг таъсири қандай аниқланади?
8. Ушбу усулда иккинчи омилнинг таъсири қандай аниқланади?

15-боб. ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛДА ИНТЕГРАЛ УСУЛДАН ФОЙДАЛАНИБ ОМИЛЛАР ТАЪСИРИНИ ҲИСОБЛАШ ЙЎЛЛАРИ

15.1. Иқтисодий таҳлилда интеграл усулдан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари

Иқтисодий таҳлилнинг анъанавий усулларидан бири интеграл усулдир. Ушбу усул бир томондан анъанавий усулларга, иккинчидан эса математик усулга мансуб такомиллашган усулдир. Натижа кўрсаткичига алоҳида омиллар таъсирини интеграл усул билан аниқлаш фарқлаш, занжирли алмаштириш каби усулларнинг такомиллашган шакли сифатида кўзга ташланади. Интеграл усулининг ижобий томонидан бири шундан иборатки, агарда занжирли алмаштириш ёки фарқлаш усулларида омиллар, кетма-кетлиги ўзгарса, уларнинг натижа ўзгаришига таъсири ҳар хил бўлади. Бу усулда эса у ёки бу омилнинг таъсирини ҳисоблашда кетма-кетликка риоя қилишни талаб қилмайди. Омилларнинг кетма-кетлиги ўзгаришидан қатъи назар, омиллар таъсирининг миқдори ҳамиша бир хил, энг муҳими, тўғри ва аниқ топилади.

Интеграл усули детерминал омилли таҳлилнинг бош муаммосини тушунтиришга ёрдам беради. Битта ҳисобот давр чегарасида омиллар ўзгариши динамикаси аниқ бўлган тақдирда, омиллар таъсирини фақат интеграл усули билан илмий асослаб баҳолаш мумкин.

Интеграл усул бошқа усулларга нисбатан такомиллашган усул бўлиб, ўзига хос хусусиятларга ҳам эга. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик аддитив, мультипликатив ва касрли бўлган тақдирда ҳам фойдаланилиши мумкин;

- бошқа усулларда омилларни ҳисоблаш кетма-кетлиги ўзгарса, уларнинг натижага таъсирининг миқдори турлича чиқади, аммо интеграл усулда уларнинг кетма-кетлиги ўзгаргани билан натижага таъсирининг миқдори ўзгармайди;

- ушбу усул анъанавий усуллар билан математик усуллар ўртасида кўприк вазифасини бажаради, чунки ушбу усулдан фойдаланиш учун икки жиҳатини ҳам яхши билишни тақозо қилади;

- мазкур усулдан фойдаланиш учун таҳлилчи иқтисодиётни ва математикани ҳам яхши билишлигини талаб қилади ва ҳ.к.

Интеграл усули билан боғлиқ ҳисоб-китоблар бир тарафдан математик таҳлил асосларини билишни талаб қилса, бошқа томондан занжирли алмаштириш усулига нисбатан ҳисобларни бажаришни ҳам тақозо қилади. Шу сабабли бу усулнинг қўлланилиши иқтисодиётни бошқаришда ахборот технологияларидан кен фойдаланиш шароитида яхши самара беради.

15.2. Иқтисодий таҳлилда интеграл усулдан натижага иккита омил таъсир қилганда фойдаланиш услубиёти

Натижа кўрсаткичга омиллар таъсирини ҳисоблашнинг турли шакллари мавжуд. Натижага иккита омил таъсир қиладиган ва улар ўртасидаги боғлиқлик кўпайтириш бўлса, қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$У = X_1 * X_2$$

Бу ҳолда омиллар таъсири қуйидагича аниқланади. Биринчи омилнинг фарқи олинади ва иккинчи омилнинг режадаги миқдорига кўпайтирилади ҳамда иккита омилнинг фарқини кўпайтириб ярми қўшилади. Шундай қилиб, натижа ўзгаришига биринчи омилнинг таъсирини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\Delta Ух_1 = X_2^o * \Delta X_1 + \left(\frac{1}{2} - (\Delta X_1 * \Delta X_2)\right)$$

Натижа ўзгаришига иккинчи омилнинг таъсирини аниқлаш учун иккинчи омилнинг фарқи олинади ва биринчи омилнинг режадаги миқдорига кўпайтирилади ҳамда иккита омилнинг фарқини кўпайтириб унинг ярми қўшилади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$\Delta Ух_2 = X_1^o * \Delta X_2 + \left(\frac{1}{2} (\Delta X_1 * \Delta X_2)\right)$$

Одатдагидек, шу икки омилнинг таъсири натижанинг умумий фарқига тенг бўлиши лозим. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$\Delta У = \Delta Ух_1 \pm \Delta Ух_2$$

Юқоридаги формулаларга асосан, натижа кўрсаткичларига омиллар таъсирини ҳисоблашни аниқ мисолларда кўриб чиқамиз. Масалан, маҳсулот ҳажмига ишлаб чиқариш фондлари ва улар самарадорлигининг таъсирини ҳисоблаш талаб қилинсин (15.1-жадвал).

15.1- жадвал

Ялпи маҳсулотга асосий фондлар ва улар самарадорлигининг таъсирини интеграл усулида аниқлаш

Кўрсаткичлар	Шартли белгилари	Режада	Ҳақиқатда	Фарқи (+,-)
Ялпи маҳсулот, минг сўм	М	43420	45850	+ 2430
Асосий фондларининг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	АФ	47115	47825	+ 710
Фондлар самарадорлиги (бир сўм фондга тўғри келадиган товар маҳсулоти), тийин	ФС	92,16	95,87	+ 3,71

Жадвалда келтирилган маълумотлар асосида натижанинг ўзгаришига омиллар таъсирини интеграл усулни қўллаб аниқлаш учун қуйидаги ҳисоб-китобларни амалга оширамиз.

1. Ялпи маҳсулотнинг асосий воситалар ўртача йиллик қиймати таъсири эвазига ўзгариши 668,5 минг сўмни ташкил қилди.

$$\Delta Мф = 710 * 92,16 + \frac{710 * 3,71}{2} = + 668,5 \text{ минг сўм.}$$

2. Ялпи маҳсулотнинг ўзгариши асосий воситалар самарадорлиги таъсири эвазига ўзгариши 1761,5 минг сўмни ташкил қилди:

$$\Delta Мфс = 3,71 * 47115 + \frac{710 * 3,71}{2} = + 1761,5 \text{ минг сўм.}$$

Икки омилнинг таъсири биргаликда ялпи маҳсулотнинг умумий фарқини беради. 668,5 + 1761,5 = + 2430 минг сўм.

15.3. Иқтисодий таҳлилда интеграл усулдан натижага учта омил таъсир қилганда фойдаланиш услубиёти

Натижа ўзгариши учта омилга боғлиқ бўлган шароитда интеграл усулидан ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан, "У" натижа X_1 , X_2 , X_3 омиллар ўзгаришига боғлиқ бўлса ва улар ўртасидаги боғлиқлик кўпайтириш билан ифодаланса қуйидаги формулани ҳосил қилиш мумкин:

$$У = X_1 * X_2 * X_3$$

Бу ҳолда натижа ўзгаришга биринчи омилнинг таъсири ($\Delta Ух_1$) қуйидагича аниқланади:

$$\Delta Ух_1 = \frac{1}{2}\Delta X_1 (X_2^o * X_3^1) + (X_1^2 * X_1^3) + \frac{1}{3}(\Delta X_1 * \Delta X_2 * \Delta X_3).$$

Натижа ўзгаришига иккинчи омилнинг таъсирини ($\Delta Ух_2$) топиш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\Delta Ух_2 = \frac{1}{2}\Delta X_2 (X_1^o . X_3^1) + (X_1^1 . X_3^o) + \frac{1}{3}(\Delta X_1 . \Delta X_2 . \Delta X_3).$$

Натижа ўзгаришига учинчи омилнинг таъсирини ($\Delta Ух_3$) топиш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\Delta Ух_3 = \frac{1}{3}\Delta X_3 (X_1^o . X_2^1) + (X_1^1 . X_2^o) + \frac{1}{3}(\Delta X_1 . \Delta X_2 . \Delta X_3).$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг. Бу қуйидагича аниқланади:

$$\Delta У = \Delta Ух_1 * \Delta Ух_2 * \Delta Ух_3$$

Ушбу назарий усулни аниқ маълумотлар қўллаб амалиётда фойдаланиш йўлини кўриб чиқамиз. Фараз қилайлик, товар заҳирасининг айланиш тезлиги савдо залида банд бўлган ходимлар меҳнат унумдорлиги (X_1), уларнинг умумий ходимлардаги улуши (X_2) ва товар заҳираларининг ходимлар билан таъминланганлиги (X_3)га боғлиқ. Бу қуйидаги формулада ифодаланади:

$$У = X_1 * X_2 * X_3$$

Ушбу боғлиқликни амалий маълумотлар ёрдамида қуйидаги жадвалда кўриб чиқиш мумкин (15.2-жадвал).

15.2-жадвал

Товар захиралари айланиш тезлигига таъсир этувчи омилларни интеграл усул билан аниқлаш йўллари.

Кўрсаткичлар	Шар-ли белг-лар	Режада	Ҳақиқат-да	Фарқи (+,-)
1. Савдо зали ходимларининг меҳ-нат унумдорлиги, минг сўм	X_1	120,5	122,1	+ 1,6
2. Савдо зали ходимлари нинг умумий ходимлардаги улуши, %	X_2	65,2	63,4	- 1,8
3. Товар захираларининг ходимлар билан таъминланганлиги, киши	X_3	40,5	42,1	+ 1,5
4. Товар захираларининг айланиш тезлиги,марта	У	3,18	3,26	+ 0,08

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, товар захираларининг айланиш тезлигига савдо зали ходимларининг меҳнат унумдорлиги, савдо зали ходимларининг умумий ходимлар сонидаги улуши ва ходимларнинг товар захиралари билан таъминланганлиги таъсир кўрсатади. Ушбу омилларнинг товар захираларнинг айланиш тезлигига таъсирини топиш учун юқорида келтирилган боғланишдан ва интеграл усулидан фойдаланилади.

1. Савдо зали ходимларининг меҳнат унумдорлиги ошиши товар заҳиралари айланиш тезлигини 0,05 марта оширган:

$$\Delta Yx_1 = \frac{1}{2}\cdot 1,6 \cdot (65,2 \cdot 12,1 + 63,4 \cdot 40,5) + \frac{1}{3}\cdot 1,6 \cdot (-1,8) \cdot 1,5 =$$

$$= 0,8 \cdot (2744,92 + 2567,7) - 1,44 = 0,8 \cdot 5312,62 - 1,44 = 4250,1 - 1,44$$

$$= 4248,7 \text{ ёки } 0,05 \text{ марта.}$$

2. Савдо зали ходимларининг умумий ходимлар сонидаги ҳиссасининг камайиши ўрганилаётган кўрсаткични режага нисбатан 0,09 мартага камайтирган:

$$Ух_2 = \frac{1}{2}(-1,8)\,(120,5 \cdot 42,1 + 122,1 \cdot 40,5) + \frac{1}{3} \cdot 1,6 \cdot (-1,8) \cdot 1,5$$

$$= 1,9\,(5073,05 + 4945,05) - 1,44 = -0,9 \cdot 10018,1 - 1,44 = -9016,29 - 1,44$$

$$= -0,9 \cdot 10018,1 - 1,44 = -9016,29 - 1,44 = -9017,7 \text{ ёки } -0,09.$$

3. Товар захираларининг ходимлар билан таъминланганлигининг ошиши товар захиралари айланиш тезлигини ҳам 0,12 мартага оширган:

$$\Delta Ух_2 = \frac{1}{2} \cdot 1,5\,(120,5 \cdot 63,4 + 122,1 \cdot 65,2) + \frac{1}{3} \cdot 1,6 \cdot (-1,8) \cdot 1,5 =$$

$$= 0,75\,(7639,7 + 7960,2) - 1,44 = 0,75\,(15600,62 - 1,44) = 11700,5 - 1,44 = 11699,0 \text{ ёки } 0,12 \text{ марта.}$$

Ҳамма омилларнинг йиғиндиси натижа ўзгаришининг умумий фарқига тенг бўлади:

$$\Delta У = \Delta Ух_1 . \Delta Ух_2 . \Delta Ух_3 = 0,05 - 0,09 + 0,12 = +0,08 \text{ марта.}$$

Амалда натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқликлар касрли бўлиши ҳам мумкин. Масалан, меҳнат унумдорлиги (У) товар айланмасиининг ҳажми (X_1) ва ходимлар сони (X_2) билан бевосита боғлиқдир. Бу ҳолда қуйидаги тенглама келиб чиқади:

$$У = \frac{X_1}{X_2}$$

Ушбу формулага интеграл усулини қўллаб натижага биринчи омилнинг, яъни товар айланмаси ўзгаришининг таъсирини аниқлаш лозим бўлса, қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\Delta Ух_1 = \left(\frac{\Delta X_1}{\Delta X_2}\right) * ln\left(\left/\frac{X_2^o}{X_1^o}\right.\right)$$

Натижанинг иккинчи омил эвазига ўзгаришини топиш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\Delta Ух_2 = \Delta У - \Delta Ух_1$$

Жуда кўп ҳолларда ишлаб чиқариш корхоналарида рентабеллик даражасига таъсир қилувчи омилларни ҳисоблашга тўғри келади. Бу боғлиқликни қуйидаги формула билан ифодалаш мумкин:

$$У = \frac{X_1}{X_2 + X_3},$$

бунда У – рентабеллик даражаси;

X_1 *– фойда суммаси;*

X_2 *– асосий капиталнинг ўртача қиймати;*

X_3 *– айланма капиталнинг ўртача қиймати.*

Ушбу формулага асосан рентабеллик даражасига барча омилларнинг таъсирини аниқлаш мумкин.

1. Рентабеллик даражасининг фойда суммаси эвазига ўзгаришини топиш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\Delta Ух_1 = \frac{X_1}{\Delta X_2 + \Delta X_3} ln \left(/ \frac{X_2^1 + X_3^1}{X_2^0 + X_3^o} / \right)$$

2. Рентабеллик даражасининг ўзгаришига асосий капиталниниг таъсирини ($Ух_2$) топиш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

$$\Delta Ух_2 = \frac{\Delta У - \Delta Ух_1}{\Delta X_2 + \Delta X_3} \cdot \Delta X_2$$

3. Айланма маблағлар (капитал) суммаси ўзгаришининг рентабеллик даражасига таъсирини топиш учун ($\Delta Ух_3$) қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$\Delta Ух_3 = \frac{\Delta У - \Delta Ух_1}{\Delta X_2 + \Delta X_3} \cdot \Delta X_3$$

Умумий натижанинг ўзгариши (ΔУ) шу учта омил таъсири йиғиндисига тенг бўлиши керак:

$$\Delta У = \Delta Ух_1 \pm \Delta Ух_2 \pm \Delta Ух_3$$

Шуни таъкидлаш лозимки, интеграл усули анча мураккаб бўлиб, кўпроқ меҳнат ва ортиқча харажатлар талаб қилади. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, омиллар бўйича фарқ унчалик катта бўлмаган тақдирда, яъни 10 фоизгача бўлганда интеграл усули билан аниқланган омиллар таъсирини занжирли алмаштириш усули билан аниқлангани каби деярли фарқ қилмайди. Бундай ҳолларда, ишни осонлаштириш мақсадида занжирли алмаштириш усулидан бемалол фойдаланиш мумкин.

Агар омиллар кетма-кетлиги тўғри аниқланиб қўйилган бўлса барча ҳолларда ҳам занжирли алмаштириш усулидан бемалол фойдаланавериш мумкин.

Хўжалик фаолиятини таҳлил қилишдан асосий мақсад ҳар бир ишлаб чиқарувчи, хизмат қилувчи ёки бошқа фаолият билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектларда мавжуд бўлган ички имкониятларни ахтариб топишдан иборатдир. Бу таҳлилда қўлланиладиган барча усуллар билан ҳам аниқланиши мумкин. Бироқ таҳлилчи қайси усулни қачон қўллашни яхши билиши лозим. Бу эса, ўз навбатида, таҳлилда қўлланиладиган усулларни мукаммал ўзлаштириб олишни тақозо қилади.

Келажакда таҳлилни такомиллаштириш фақат унда қўлланиладиган усулларни такомиллаштириб қолмасдан, балки фаолиятни тўғри ифодалайдиган кўрсаткичларни ҳам такомиллаштиришни талаб қилади. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий кўрсаткичлар ҳам ўзгариб боради. Миллий ҳисоб тизими бухгалтерия ҳисобининг миллий андозалари жорий қилиниши сабабли амалиётда эса уларга мос кўрсаткичлар вужудга келмоқда. Булар эса бухгалтерия ва статистик ҳисоботлардаги кўрсаткичлар тизимига ҳам тегишли ўзгаришлар киритишни тақозо қилади.

15.4. Интеграл усулнинг айрим турлари бўйича омилларни аниқлаш бўйича формулалар

Омиллар билан натижа ўртасидаги боғлиқлик иккита бўлганда

Натижа ўзгаришининг иккита омилларга боғлиқ бўлганда иккита омилнинг фарқини бирданига 0,5 га кўпайтирган ҳолда аниқлаш усули

(1-вариант)

$$A = n * d$$

Натижанинг (А) режадаги миқдори (A_0)	$A_0 = n_0 * d_0$
Натижанинг (А) ҳақиқатдаги миқдори(A_1)	$A_1 = n_1 * d_1$
Натижанинг фарқи (ΔA)	$\Delta A = A_1 - A_0$
Натижа ўзгаришига биринчи омилнинг таъсири (ΔAn)	$\Delta An = \Delta n * d0 + 0{,}5 * (\Delta d + \Delta d)$

Натижа ўзгаришига иккинчи омилнинг таъсири (ΔAd)	$\Delta Ad = \Delta d * \mathrm{n0} + 0{,}5 * (\Delta d + \Delta d)$
Барча омиллар таъсири	$\Delta A = \Delta A_n \pm \Delta A_d$
Текшириш	$\Delta A = A_1 - A_0$

Омиллар билан натижа ўртасидаги боғлиқлик иккита бўлганда

Натижа ўзгаришининг иккита омиллар билан боғлиқлиги ҳолатида иккита омилнинг фарқини ½ га кўпайтирган ҳолда аниқлаш усули

(2-вариант)

$$A = n * d$$

Натижанинг (A) режадаги миқдори(A_0)	$A_0 = n_0 * d_0$
Натижанинг (A) ҳақиқатдаги миқдори (A_1)	$A_1 = n_1 * d_1$
Натижанинг фарқи (ΔA)	$\Delta A = A_1 - A_0$
Натижа ўзгаришига биринчи омилнинг таъсири (ΔAn)	$\Delta An = \Delta n * d0_r + 1/2(\Delta n + \Delta d)$
Натижа ўзгаришига иккинчи омилнинг таъсири (ΔAd)	$\Delta Ad = \Delta d * n0_r + 1/2(\Delta n + \Delta d1)$
Барча омиллар таъсири	$\Delta A = \Delta A_n \pm \Delta A_d$
Текшириш	$\Delta A = A_1 - A_0$

Кўриниб турибдики, икки ҳолатда ҳам натижа кўрсаткичи бир хил миқдорга эга бўлади.

Натижа ўзгаришининг учта омил таъсир қилганда ва улар ўртасидаги боғлиқлик мультипликатив бўлгандаги ҳолатда омиллар таъсири қуйидагича аниқланади

$$A = n * d * g$$

Натижанинг (A) режадаги миқдори (A_0)	$A_0 = n_0 * d_0 * g_0$
Натижанинг (A) ҳақиқат-даги миқдори(A_1)	$A_1 = n_1 * d_1 * g_1$
Натижанинг фарқи (ΔA)	$\Delta A = A_1 - A_0$
Натижа ўзгаришига биринчи омилнинг таъсири (Δn%)	$\Delta An = 0{,}5 * \Delta n(d0g1 + d1g0) + \frac{1}{3}\Delta n\Delta d\Delta z$
Натижа ўзгаришига иккинчи омилнинг таъсири (Δd%)	$\Delta Ad = 0{,}5 * \Delta d(n0g1 + n1g0) + \frac{1}{3}\Delta n\Delta d\Delta z$
Натижа ўзгаришига учинчи омилнинг таъсири (Δg%)	$\Delta Ag = 0{,}5 * \Delta g(n0d1 + n1d0) + \frac{1}{3}\Delta n\Delta d\Delta z$

Барча омиллар таъсири	$\Delta A = \Delta A_n \pm \Delta A_d \pm \Delta A_g$
Текшириш	$\Delta A = A_1 - A_0$

Натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик иккита бўлиб касрли модел билан ифодаланганда қуйидаги ҳисоб-китоб амалга оширилади 6$A = \frac{n}{d}$

Натижанинг (А) режадаги миқдори	$A_0 = \frac{n0}{d0}$
Натижанинг (А) ҳақиқатдаги миқдори(A_1)	$A_0 = \frac{n1}{d1}$
Натижанинг фарқи (ΔА)	$\Delta A = A_1 - A_0$
Натижа ўзгаришига биринчи омилнинг таъсири (ΔАn)	$\Delta An = \frac{\Delta n}{\Delta d} * In \left\| \frac{d1}{d0} \right\|$
Натижа ўзгаришига иккинчи омилнинг таъсири (ΔАd)	$\Delta Ad = \Delta A - \Delta An$
Барча омиллар таъсири	$\Delta A = \Delta A_n \pm \Delta A_d$
Текшириш	$\Delta A = A_1 - A_0$

Натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик касрли бўлиб, натижага учта омил таъсир қилганда амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар

$$A = \frac{n}{d + g}$$

Натижанинг (А) режадаги миқдори	$A_0 = \frac{n0}{d0+g0}$
Натижанинг (А) ҳақиқатдаги миқдори (A_1)	$A_1 = \frac{n1}{d1+g1}$
Натижанинг фарқи (ΔА)	$\Delta A = A_1 - A_0$
Натижа ўзгаришига биринчи омилнинг таъсири (Δn%)	$\Delta An = \frac{\Delta n}{\Delta d + \Delta g} * In \left\| \frac{d1 + g1}{d0 + g0} \right\|$
Натижа ўзгаришига иккинчи омилнинг таъсири (Δd%)	$\Delta Ad = \frac{\Delta A - \Delta An}{\Delta d + \Delta g} * \Delta d$
Натижа ўзгаришига учинчи омилнинг таъсири (Δd%)	$\Delta Ad = \frac{\Delta A - \Delta An}{\Delta d + \Delta g} * \Delta g$
Барча омиллар таъсири	$\Delta A = \Delta A_n \pm \Delta A_d \pm \Delta A_g$
Текшириш	$\Delta A = A_1 - A_0$

Ўзини-ўзи назорат қилиш ва такрорлаш учун саволлар

1. Иқтисодий таҳлилда интеграл усулнинг моҳияти.
2. Интеграл усулнинг ўзига хос хусусиятлари.
3. Интеграл усулнинг афзалликлари.
4. Натижага иккита омил таъсир қилганда интеграл усулдан фойдаланиш услубиёти.
5. Натижага учта омил таъсир қилганда интеграл усулдан фойдаланиш услубиёти.
6. Иқтисодий таҳлилда интеграл усулдан натижага тўртта омил таъсир қилганда фойдаланиш услубиёти.

16-боб. ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛДА ТЕНГ ТАҚСИМЛАШ УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ[124]

16.1. Иқтисодий таҳлилда тенг тақсимлаш усулини қўллаб таҳлил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари ва ушбу коэффициентни аниқлаш услубиёти

Иқтисодий таҳлилда тенг тақсимлаш коэффициентини қўллаб таҳлил қилиш ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Бу қуйидагиларда намоён бўлади:

- биринчи галда, омилларнинг моҳиятини белгилаш учун тенг тақсимлаш коэффициенти аниқланиб олинади;
- ушбу аниқланган коэффициентлар йиғиндиси бирга тенглиги таъминланади;
- бунда натижа ва омилларнинг мутлақ миқдори эмас, балки нисбий ўзгариши олинади;
- қайси омилнинг таъсири аниқланиш керак бўлса, ўша омилнинг ўзгариш суръатига тенг тақсимланган коэффициентининг миқдори кўпайтирилади;
- натижа ўзгаришига барча омиллар таъсирини аниқлагандан сўнг ҳар бир омилнинг таъсири одатдагидек қўшилади (айирилади);
- омилларнинг умумий йиғиндиси натижа ўзгаришига тенг бўлиши таъминланиши лозим бўлади ва ҳ.к.

Кўриниб турибдики, иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган тенг тақсимлаш усули ҳам бир қанча ўзига хос хусусиятларга эга экан.

Тенг тақсимлаш учун зарур бўлган коэффициентни темир йўл транспорти корхоналарида рентабеллик кўрсаткичига таъсир қилувчи бир қанча омиллар мисолида қараб чиқамиз. Булар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- асосий воситаларнинг рентабеллик коэффициенти ($Ф_1$);
- асосий воситаларнинг активлардаги ҳиссаси ($Ф_2$);

[124]Ушбу мавзу докторант-тадқиқотчи Н.Э.Бабахалов билан ҳаммуаллифликда тайёрланди.

- айланма маблағларнинг активлар билан таъминланганлиги ($Ф_3$);

- харажатларнинг айланма маблағлар билан таъминланганлиги ($Ф_4$).

Темирйўл транспорти корхоналарида рентабеллик кўрсаткичига (Ртй) таъсир этувчи мазкур омилларнинг бири-бири билан ва натижа кўрсаткичи ўзгариши билан боғлиқлигини қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин.

$$\text{Ртй} = Ф_1 * Ф_2 * Ф_3 * Ф_4 = \prod_{i=1}^{n} Ф_i (i=1,n)$$

Ушбу формуладан кўриниб турибдики, темир йўл транспорти корхоналарида харажатлар рентабеллиги кўрсаткичининг (Ртй) ўзгаришига 4 та омил таъсир қилади. Уларнинг таъсирини аниқлаш учун, уларга тенг тақсимлаш коэффициентини қўллш мумкин. Мазкур усулнинг афзалликлари ва уни таҳлил амалиётида қўлланилиши борасида бир қанча тавсияларимиз мавжуд. Бу хусусда кўпгина илмий маърузалар ва нашр қилган адабиётларимизда асослаганмиз. Мазкур вазифани амалга ошириш учун биринчи галда тенг тақсимлаш коэффициентини (Ктт) аниқлаб оламиз. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия қилинади:

$$\text{Ктт} = \frac{\Delta \text{Ртй}}{(\Delta Ф_1 + \Delta Ф_2 + \Delta Ф_3 + \Delta Ф_4)},$$

бунда

$\Delta Ф_1$ – асосий воситаларнинг рентабеллик ўзгариш суръати;

$\Delta Ф_2$ – асосий воситаларнинг активлардаги ҳиссасининг ўзгариш суръати;

$\Delta Ф_3$ – айланма маблағларнинг активлар билан таъминланганлигинингўзгариш суръати;

$\Delta Ф_4$ – харажатларнинг айланма маблағлар билан таъминланганлигининг ўзгариш суръати;

Энди ҳар бир омилнинг темир йўл транспорти корхоналарида харажатлар рентабеллиги кўрсаткичи ўзгаришига таъсирини аниқлаш мумкин.

Натижа, яъни темир йўл транспорти корхоналарида харажатлар рентабеллиги кўрсаткичи ўзгаришига (ΔРтйф$_1$) биринчи омилнинг, яъни асосий воситаларнинг рентабеллик коэффициенти ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун шу омилнинг ўзгариш суръатини ($\boldsymbol{\Delta\Phi_1}$) тенг тақсимлаш коэффициентига (Ктт) кўпайтирамиз. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланилади.

$$\Delta\text{Ртйф}_1 = \Delta\Phi_1 * \frac{\Delta\text{Ртй}}{(\Delta\Phi_1 + \Delta\Phi_2 + \Delta\Phi_3 + \Delta\Phi_4)}$$

Таҳлил қилинаётган натижа кўрсаткичи, яъни темир йўл транспорти корхоналарида харажатлар рентабеллиги кўрсаткичи ўзгаришига иккинчи омилнинг, яъни асосий воситаларнинг активлардаги ҳиссаси ўзгаришининг (ΔРтйф$_2$) таъсирини аниқлаш учун шу омилнинг ўзгариш суръатини ($\boldsymbol{\Delta\Phi_2}$) тенг тақсимлаш коэффициентига (Ктт) кўпайтирамиз. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланилади.

$$\Delta\text{Ртйф}_2 = \Delta\Phi_2 * \frac{\Delta\text{Ртй}}{(\Delta\Phi_1 + \Delta\Phi_2 + \Delta\Phi_3 + \Delta\Phi_4)}$$

Натижа, яъни темир йўл транспорти корхоналарида харажатлар рентабеллиги кўрсаткичи ўзгаришига учинчи омилнинг, яъни айланма маблағларнинг активлар билан таъминланганлиги ўзгаришининг (ΔРтйф$_3$) таъсирини аниқлаш учун шу омилнинг ўзгариш суръатини ($\boldsymbol{\Delta\Phi_3}$) тенг тақсимлаш коэффициентига (Ктт) кўпайтирамиз. Бунинг учун қуйидаги формулада тавсия қилинади.

$$\Delta\text{Ртйф}_3 = \Delta\Phi_3 * \frac{\Delta\text{Ртй}}{(\Delta\Phi_1 + \Delta\Phi_2 + \Delta\Phi_3 + \Delta\Phi_4)}$$

Натижа кўрсаткичи, яъни темир йўл транспорти корхоналарида харажатлар рентабеллиги кўрсаткичи ўзгаришига тўртинчи омилнинг, яъни харажатларнинг айланма маблағлар билан таъминланганлигининг таъсирини (ΔРтйф$_4$) аниқлаш учун шу омилнинг ўзгариш суръатини ($\boldsymbol{\Delta\Phi_4}$) тенг тақсимлаш коэффициентига (Ктт) кўпайтирамиз. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз.

$$\Delta\text{РтйФ}_4 = \Delta\Ф_4 * \frac{\Delta\text{Ртй}}{(\Delta\Ф_1 + \Delta\Ф_2 + \Delta\Ф_3 + \Delta\Ф_4)}$$

Барча омиллар таъсири натижанинг, яъни темир йўл транспорти корхоналарида харажатлар рентабеллиги кўрсаткичи ўзгаришининг умумий фарқига (ўзгариш суръатига) тенг бўлиши керак. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$\Delta\text{Ртй} = \Delta\text{РтйФ}_1 \pm \Delta\text{РтйФ}_2 \pm \Delta\text{РтйФ}_3 \pm \Delta\text{РтйФ}_4$$

Ушбу усулга амалий маълумотларни қўллаб ечиладиган бўлса, темирйўл транспортида рентабеллик кўрсаткичини аниқлаб ва унга холисона баҳо бериб, асосли бошқарув қарорларини қабул қилиш имконияти туғилади.

16.2. Тенг тақсимлаш коэффициентидан натижа ўзгаришига учта омил таъсир қилганда фойдаланиш йўллари

Тенг тақсимлаш коэффициенти усули иқтисодиётнинг барча соҳаларида кўрсаткичларни омилли таҳлил қилишда қўлланилиши мумкин. Булардан бири маҳсулотларни сақлаш ва сотиш билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектларда мажбуриятлардан самарали фойдаланиш ва кредиторлик қарзларидан ўз вақтида қутилишни йўлга қўйиш масаласидир. Ҳозирги шароитда ушбу кўрсаткични таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Таҳлилнинг муҳим йўналишларидан бири, унинг омилли таҳлилидир. Бу борада ҳам анча фикрлар айтилмоқда.

Тадқиқотларимиз кўрсатдики, мажбуриятлар самарадорлиги ўзгаришига бир қанча омиллар таъсир қилар экан. Уларнинг натижа кўрсаткичи ўзгариши билан боғлиқ бўлган ва ҳисобланадиган қисмини айириб олдик ва уларни бир тизимга келтирдик. Омиллар таркибида дебиторлар билан боғлиқ омиллар ҳам мавжудлиги, мажбуриятларнинг дебиторлар билан ҳам чамбарчас боғлиқлигидан далолат беради. Ушбу гуруҳ омилларга қуйидагилар кириши аниқланди:

- дебиторлик қарзлари самарадорлиги (Дс);
- ўз маблағлари таркибида дебиторларнинг ҳиссаси (Ўмд);

- мажбуриятларнинг ўз маблағлари билан таъминланганлик даражаси (Мўз).

Ушбу омиллар мажбуриятлар самарадорлиги билан функционал боғлиқликда бўлганлиги учун, улар ўртасидаги боғлиқликни қуйидаги формула орқали ифодалашни тавсия қиламиз:

$$М_с = Д_с * Ў_{мд} * М_{ўз};$$

Мазкур формуладан кўриниб турибдики, мажбуриятлар самарадорлигига 3 та омиллар таъсир қилади. Уларнинг таъсирини аниқлаш учун омилли таҳлил усуллардан фойдаланишни тақозо қилади. Тадқиқотларимиз кўрсатдики, ушбу омиллар таъсирини тенг тақсимлаш коэффициенти усулини қўллаган ҳолда ҳам аниқлаш мумкин экан. Бунинг учун биринчи галда тенг тақсимлаш коэффициентини ($Км_с$) аниқлаб оламиз. Бу қуйидаги формула билан аниқланади:

$$Км_с = \left(\frac{\Delta Мс}{\Delta Д_с + \Delta Ў_{мд} + \Delta М_{ўз}}\right),$$

бунда, $\Delta Мс$ *– мажбуриятлар самарадорлигининг ўсиш суръати ёки мутлақ фарқи;*

$\Delta Д_с$ *– дебиторлик қарзлари самарадорлигининг ўсиш суръати ёки мутлақ фарқи;*

$\Delta Ў_{мд}$ *– ўз маблағлари таркибида дебиторларнинг ҳиссасининг ўсиш суръати ёки мутлақ фарқи;*

$\Delta М_{ўз}$ *– мажбуриятларнинг ўз маблағлари билан таъминланганлик даражасининг ўсиш суръати ёки мутлақ фарқи.*

Энди ҳар бир омилнинг таъсирини аниқлаш мумкин.

1. Мажбуриятлар самарадорлигининг ўзгаришига биринчи омилнинг, яъни дебиторлик қарзлари самарадорлигининг таъсирини аниқлаш учун шу омилнинг ўсиш суръати ёки мутлақ фарқини ($\Delta Д_с$) тенг тақсимлаш коэффициентига ($Км_с$) кўпайтирамиз. Бунинг учун қуйидаги кенгайтирилган формуладан фойдаланиш тавсия қилинади:

$$\Delta Уд_с = \Delta Д_с * Км_с = \Delta Д_с * \left(\frac{\Delta Мс}{\Delta Д_с \quad + \Delta Ў_{мд} \quad + \Delta М_{ўз}}\right);$$

2. Таҳлил қилинаётган мажбуриятлар самарадорлигининг ўзгаришига иккинчи омилнинг, яъни ўз маблағлари таркибида дебиторларлик қарзлари ҳиссасинингтаъсирини аниқлаш учун шу омилнинг ўсиш суръати ёки мутлақ фарқини ($\Delta М_{ўз}$) тенг тақсимлаш коэффициентига ($Км_с$) кўпайтирамиз. Буни аниқлаш учун ҳам қуйидаги кенгайтирилган формуладан фойдаланиш мумкин:

$$\Delta Уў_{мд} = \Delta Ў_{мд} * Км_с = \Delta Ў_{мд} * \left(\frac{\Delta Мс}{\Delta Д_с \quad + \Delta Ў_{мд} \quad + \Delta М_{ўз}}\right);$$

3. Таҳлил қилинаётган натижа кўрсаткичи, яъни мажбуриятлар самарадорлигининг ўзгаришига учинчи омилнинг, яъни мажбуриятларнинг ўз маблағлари билан таъминланганлик даражасининг таъсирини аниқлаш учун шу омилнинг ўсиш суръати ёки мутлақ фарқини ($\Delta Ў_{мд_с}$) тенг тақсимлаш коэффициентига ($Км_с$) кўпайтирамиз. Буни аниқлаш учун ҳам қуйидаги кенгайтирилган формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$\Delta Ум_{ўз} = \Delta М_{ўз} * Км_с = \Delta М_{ўз} * \left(\frac{\Delta Мс}{\Delta Д_с \quad + \Delta Ў_{мд} \quad + \Delta М_{ўз}}\right);$$

Натижа ўзгаришига таъсир қилувчи ҳисоб-китоб қилинган барча омиллар мажбуриятлар самарадорлигининг умумий ўзгаришига тенг бўлади. Бунда шуни инобатга олиш лозимки, омиллар таъсири қайси ўлчамда (мутақ ёки нисбий) аниқланса, ўша ўлчамда жамланади. Бунинг учун одатдаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$\Delta У = \Delta Уд_с \quad \pm \Delta Уў_{мд} \pm \Delta Ум_{ўз} \quad ;$$

Ушбу усулга амалий маълумотларни қўллаб, мажбуриятлар самарадорлигига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва ички имкониятларни ахтариб топиш мумкин бўлади. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирлиги таъсислигидаги «Bahmal Golden Aplle» қўшма корхонаси мажбуриятлар самарадорлигининг омилли таҳлилини кўриб чиқамиз. Бунинг учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз (16.1-жадвал).

16.1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирлиги таъсислигидаги «Bahmal Golden Aplle» қўшма корхонаси мажбуриятлар самарадорлиги ўзгаришига таъсир қилувчи омилларнинг 2007-2011 йиллардаги ҳисоб-китоби

Т/р	Кўрсаткичлар	2007 йил	2011 йил	Фарқи (+,-)	Ўзгариш суръати, %
1.	Йил давомида тайёрланган маҳсулот, (умумий тушум), млн. сўм	8144,0	24790,0	+16646,0	304,3
2.	Дебиторлик қарзларининг ўртача қиймати, млн. сўм	563,4	1025,7	+462,3	182,1
3.	Ўз маблағларининг ўртача қиймати, млн. сўм	4442,0	8417,0	+3995,0	189,5
4.	Мажбуриятларнинг ўртача қиймати, млн сўм	3292,0	3582,0	+290,0	108,8
5.	Дебиторлик қарзлари самарадорлиги, сўм (1қ:2қ)	14,46	24,17	+9,71	167,2
6.	Ўз маблағлари таркибида дебиторлик қарзларининг ҳиссаси, коэффициентда (2қ:3қ)	0,1268	0,1219	-0,0049	96,1
7.	Мажбуриятларнинг ўз маблағлари билан таъминланганлик даражаси, коэффициентда (3қ:4қ)	1,3493	2,3498	+1,0005	174,1
8.	Мажбуриятлар самарадорлиги, сўм (1қ:4қ)	2,47	6,92	+1,45	280,2

Мазкур жадвал маълумотлари асосида тенг тақсимлаш коэффициентини аниқлаб оламиз. Жадвал маълумоти бўйича мажбуриятлар самарадорлиги 280,2 %га ўсган. Ушбу ўсиш учта омил эвазига содир бўлган. Булардан дебиторлик қарзлари самарадорлигининг ўсиш суръати 167,2 %ни ташкил қилган бўлса, иккинчи омил ўз маблағлари таркибида дебиторлик қарзларининг ҳиссасини ифодаловчи коэффициент камайган ва таҳлил даврида унинг ўзгариш коэффициенти 96,1 %ни ташкил қилади. Учинчи омил ҳисобланган мажбуриятларнинг ўз маблағлари билан таъминланганлик даражасини ифодаловчи коэффициент ҳам ўсган ва унинг ўсиш суръати 174,1 5ни ташкил қилган. Ушбу

кўрсаткичларга асосан тенг тақсимлаш коэффициенти аниқланди ва унинг миқдори 0,6406 ни ташкил қилди:

$$\text{Км}_\text{с} = \left(\frac{280,2}{167,2 \quad + 96,1 + 174,1}\right) = 0,6406$$

Энди ҳар бир омилнинг 280,2 % ўсиш суръатига қанча ҳисса қўшганлигини аниқлаш мумкин.

Булардан биринчи омил, яъни дебиторлик қарзлари самарадорлигининг 167,2 %га ошганлиги 280,2 %нинг 107,1 %ни ташкил қилади:

*167,2 * 0,6406 = 107,1%*

Ушбу кўрсаткич умумий натижанинг 38,2%ни (107,1 * 100 : 280,2) ташкил қилади.

Иккинчи омил бўлган, ўз маблағлари таркибида дебиторлик қарзларининг ҳиссасини ифодаловчи коэффициент таҳлил даврида 5,9 %га (100 – 96,1) камайган. Натижада ушбу омилнинг таъсирида натижа кўрсаткичининг ҳиссаси 61,6 %ни ташкил қилади.

*96,1 * 0,6406= 61,6%*

Ушбу кўрсаткичнинг натижага таъсирининг ҳиссаси 22,0 %ни (61,6 * 100 : 280,2) ташкил қилади.

Учинчи омил мажбуриятларнинг ўз маблағлари билан таъминланганлик даражасининг 174,1 %га ошганлиги натижа кўрсаткичи 280,2 %га ўзгаришининг 111,5 %ни ташкил қилади:

*174,1 * 0,6406 = 111,5*

Ушбу омилнинг натижа кўрсаткичига таъсирининг ҳиссаси 39,8,0 %ни (111,5 * 100 : 280,2) ташкил қилади.

Ушбу усул билан умумий ўсишга омиллар таъсирини ҳисоблаб олдик. Ушбу усул билан ўзгариш суръати фарқига таъсирини ҳам аниқлаш мумкин. Бу ҳолда омилларнинг таъсири ижобий ва салбий бўлган ҳолатларга ҳам аниқ баҳо бериш мумкин бўлади. Бунинг учун тенг тақсимлаш коэффициентини натижа ва омилларнинг ўзгариш суръатларининг фарқи асосида ҳисоблаб олинади. Юқоридаги жадвал маълумотларидан маълумки, мажбуриятлар самарадорлиги, яъни натижа кўрсаткичининг ўзгариш суръатидаги фарқи 180,2 %ни (280,2 – 100,0) ташкил қилади. Биринчи омилнинг шсиш суръатидаги фарқ 67,2 %га

(167,2 – 100,0) тенг бўлган бўлса, иккинчи омилнинг ўзгариш суръатида камайиш рўй берган ва унинг миқдори -5,9 %ни (96,1 – 100,0) ташкил қилган. Ушбу омил натижа кўрсаткичига албатта салбий таъсир қилган. Учинчи омилнинг ўсиш суръатидаги фарқ ижобий бўлиб, у 74,1 %ни (174,1 - 100) ташкил қилади. Бунда тенг тақсимлаш коэффициенти 1,33185 ни ташкил қилади:

$$\text{Км}_\text{с} = \left(\frac{180,2}{67,2 \quad -5,9 + 74,1}\right) = 1,33185$$

Энди омиллар таҳлилини бемалол аниқлаш мумкин. Хусусан, биринчи омилнинг 67,2 %га ошганлиги 180,2 %нинг 89,5 %ни (67,2 * 1,33185 = 89,5) ташкил қилади. Ушбу омил таъсирининг улуши 49,7 %ни ташкил қилади. Демак, ушбу омилнинг таъсири эвазига натижа кўрсаткичи 49,7 %га ошганлигини кўрамиз:

*89,5 * 100 : 180,2 = 49,7 %*

Иккинчи омилнинг 5,9 %га камайганлиги натижа кўрсаткичини ҳам камайишга олиб келган. Ушбу омилнинг 180,2 % натижа ўзгаришидаги улуши 7,9 %ни ташкил қилади. Демак, ушбу омилнинг салбий таъсири 7,9 %га (-5,9 * 1,33185 = -7,9) тенг. Натижада ушбу омил эвазига мажбуриятлар самарадорлиги 4,4 %га камайган:

*-7,9 * 100 : 180,2 = -4,4%*

Мажбуриятлар самарадорлигиниг 180,2 %га ошганлигининг 98,6 %и учинчи омилнинг (74,1 %га 74,1 * 1,33185 = 98,6) ошганлиги натижасида рўй берган. Ушбу омил таъсирининг умумий ўсиш суръатидаги улуши 54,7 %ни ташкил қилади. Демак, натижа кўрсаткичининг 54,7 % ўсиши, айнан ушбу омил эвазига таъминланган:

*98,6 * 100 : 180,2 = 54,7 %.*

Барча омиллар таъсири 100 %га тенг бўлиши керак. Бунинг учун барча ижобий таъсир қилган омилларни қўшиб ва салбий таъсир қилганларини айириб чиқамиз:

49,7 – 4,4 + 54,7 = 100,0 %.

Ушбу ҳисоб-китоб мажбуриятлар самарадорлигини ошириш-нинг ички имкониятларини ахтариб топиш, ва уни амалиётга сафарбар қилиш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имконини ҳам беради. Бизнинг мисолимизда корхона раҳбарияти

асосий эътиборни ушбу омиллар тизимидаги иккинчи омилга, яъни ўз маблағлари таркибида дебиторлик қарзларининг ҳиссасига қаратиш лозим бўлади. Агарда ушбу кўрсаткич камаймаганда эди, натижа кўрсаткичи яна 5,9 %га ошган бўлар эди. У ҳолда мажбуриятлар самарадорлигининг ўсиш суръати 280,2 % эмас, балки, 286,1 %ни (280,2+5,9) ташкил қилган бўлар эди.

Худди шундай усул билан натижа ўзгаришига омиллар таъсирини мутлақ кўрсаткичлар бўйича ҳам аниқлаш мумкин. Унда ўсиш суръатлари фоизда эмас, балки мутлақ кўрсаткичларда олинади.

16.3. Иқтисодий таҳлилда натижа ўзгаришига бир қанча омиллар таъсир қилганда тенг тақсимлаш коэффициенти усулидан фойдаланиб таҳлил қилиш йўллари

Иқтисодий таҳлилда натижа кўрсаткичига кўп ҳолларда бирданига бир қанча омиллар таъсир қилади. Ушбу ҳолларда ганда тенг тақсимлаш коэффициентини қўллаш усулидан фойдаланиб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Биз юқорида натижа кўрсаткичига тўртта омил таъсир қилганда алоҳида омиллар таъсирини ҳисоблаш йўлларини қараб чиққан эдик. Мазкур ҳолатда натижа ўзгаришигаучта омилнинг таъсирини аниқлашда тенг тақсимлаш усулидан фойдаланиш усулини ҳам қараб чиқишни мақсадга мувофиқ деб топдик. Бунинг учун ушбу формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$A = n * d * \mathrm{g},$$

бунда A – натижа кўрсаткичи, яъни сотилган маҳсулот ҳажми;

n – сотиш билан банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони;

d – сотиш билан банд бўлган ходимларнинг ўртачи иш кунлари;

g – сотиш билан банд бўлган ходимларнинг бир кунлик меҳнат унумдорлиги.

Ушбу омилларнинг натижа кўрсаткичи ўзгаришига таъсирини қуйидаги жадвалда қараб чиқамиз (16.2-жадвал).

16.2-жадвал

Натижага учта омилнинг таъсирини аниқлашда тенг тақсимлаш усулидан фойдаланиш формуласи

$$A = n * d * g$$

Натижанинг (А) режадаги миқдори	$A_0 = n_0 * d_0 * g_0$
Натижа ўзгаришига биринчи омилнинг таъсири (ΔАn)	$\Delta An = \frac{\Delta n An}{\Delta n + \Delta d + \Delta g}$
Натижа ўзгаришига иккинчи омилнинг таъсири (ΔАd)	$\Delta Ad = \frac{\Delta d An}{\Delta n + \Delta d + \Delta g}$
Натижа ўзгаришига учинчи омилнинг таъсири (ΔАg)	$\Delta Ag = \frac{\Delta g An}{\Delta n + \Delta d + \Delta g}$
Барча омиллар таъсири	$\Delta A = \Delta A_n \pm \Delta A_d \pm \Delta A_g$
Текшириш	$\Delta A = A_1 - A_0$

Ушбу услубга бир қанча мисоллар келтириш мумкин. Масалан, маркетинг тадқиқотлари давомида корхонанинг бозордаги улушига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш лозим. Бунинг учун корхонанинг маълум маҳсулот бўйича бозордаги улушини аниқлаб оламиз ва унга таъсир этувчи омилларни ҳам тадқиқ қилишга тўғри келади.

Корхонанинг нон маҳсулоти бўйича бозордаги улушини аниқлаб олиш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$Кбу = \frac{Км * 100}{Ббм};$$

бунда Кбу – корхонанинг бозордаги нон маҳсулот бўйича улуши;

Км – бозорга сотиладиган корхона маҳсулотининг ҳажми;

Ббм – бозорда сотиладиган нон маҳсулотининг умумий ҳажми.

Фараз қиламиз, битта ҳудудда бир вақт билигида 40,0 тонна нон сотилади. Бунда биз тадқиқ қилаётган корхонанинг бозорда сотиладиган нон маҳсулоти 5,2 минг тоннани ташкил қилади. Мазкур корхонанинг бозорда сотиладиган нон маҳсулотидаги улуши 13,3 %ни ташкил қилади:

(5,2 * 100 : 40,0).

Ушбу кўрсаткичга бир қанча омиллар таъсир қилади. Буларни бир қанча мисолларда қараб чиқамиз. Улардан бири нон ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини мисол қилиб олиш мумкин. Унинг асосий истеъмолчилари аҳоли бўлиб ҳисобланади. Шу туфайли нон маҳсулоти билан боғлиқ кўрсаткичларга аҳолининг сони билан боғлиқ омилларни қараб чиқамиз. Уларни аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$Кбу = \frac{Км * 100}{Ббм} = \frac{Км}{Ах} * \frac{Ах}{Ад} * \frac{Ад}{Ау} * \frac{Ау}{Ббм};$$

бунда Ах – мазкур нон заводининг маҳсулотини истеъмол қиладиган ҳудуд аҳолисининг сони;

Ау – тадқиқ қилинаётган минтақа умумий аҳолисининг сони;

Ад – аҳолининг ўртача пул даромадлари.

Мазкур формулага математик моделнинг қисқартириш усулидан фойдаланиб, уларни ихчамлаштириб оламиз. Бу ҳолда натижа кўрсаткичини (Q), белгилаб оламиз ва омилларни ҳам қисқартирилган ҳолатда ифодалаймиз. Бунинг учун қуйидаги амалларни бажариш лозим:

Км/Ах – ҳудуд аҳолисининг жон бошига тўғри келадиган тадқиқ қилинаётган корхона нон маҳсулотларининг миқдори (S_1);

Ах/Ад – бир миллион сўм умумий аҳоли даромадига тўғри келадиган ушбу корхона нонини истеъмол қилувчи аҳолининг сони (S_2);

Ад/Ау – умумий аҳолининг бир миллион сўм (ёки дона) маҳсулотга тўғри келадиган аҳолининг сони (S_3);

Ау/Ббм – бозорга қўйилган барча маҳсулотларнинг бир миллион сўмига тўғри келадиган ушбу минтақа аҳолисининг сони (S_4).

Мазкур натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқликни қуйидаги формула орқали ифодалашни тавсия қиламиз:

$$Q = S_1 * S_2 * S_3 * S_4 ;$$

Мазкур формула шуни кўрсатмоқдаки, корхонанинг бозордаги нон маҳсулот бўйича улушининг ўзгаришига фақат аҳолининг сони ва уларнинг пул даромади билан боғлиқ бўлган омиллар сони тўрттага тенг. Тадқиқот жараёнида мазкур корхонанинг бозордаги мавқеига ушбу омилларнинг қандай

таъсир қилганлигини кўриб чиқиш мумкин. Бунинг учун ҳар бир кўрсаткичнинг миқдори ва ўзгариш суръатини аниқлаб олинади ва шу асосда тенг тақсимлаш коэффициенти ҳисобланади. Бунинг учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз (16.3-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхонанинг бозордаги нон маҳсулот бўйича улуши 0,16 %га камайган. Бу мазкур кохона учун яхши ҳолат эмас. Шу туфайли маркетинг тадқиқотлари давомида ушбу ҳолатнинг сабабларини чуқур ўрганишни тақозо қилади. Албатта бунга бир қанча омиллар таъсир қилган. Жумладан, бозорда сотиладиган нон маҳсулотининг умумий ҳажми 2,0 тоннага, шу бозорга сотиладиган корхона маҳсулотининг ҳажми эса 0,2 тоннага, минтақада аҳолининг умумий сони 3 минг кишига, мазкур корхона нонини истеъмол қиладиган аҳоли сони эса, 0,3 минг кишига ошган. Аҳолининг ўртача пул даромадлари ҳам 1,1 млн. сўмга кўпайган. Аммо айрим уўрсаткичларга нисбатан бошқалари тез ёки секин ўзгарганлиги туфайли, улар асосида аниқланадиган нисбий кўрсаткичларнинг миқдори турлича бўлган. Бу эса, ўз навбатида таҳлил қилинаётган натижа кўрсаткичини, яъни мазкур корхонанинг бозордаги нон маҳсулот бўйича улушини, юқорида таъкидланганидек, 0,16 %га камайтириб юборган. Шу туфайли ушбу ҳолатга тегишли тарзда чуқурроқ баҳо бериш лозтим бўлади. Бу эса бир қанча нисбий кўрсаткичларни, яъни натижа кўрсаткичига таъсир этувчи омилларни аниқлашни тақозо қилади.

Ҳисоб-китоблар натижасида ҳудуд аҳолисининг жон бошига тўғри келадиган тадқиқ қилинаётган корхона нон маҳсулотларининг миқдори аниқланди ва унинг ҳажми 2,01 минг сўмга ёки 0,33%га ошганлиги кузатилди. Иккинчи кўрсаткич бир миллион сўм умумий аҳоли даромадига тўғри келадиган ушбу корхона нонини истеъмол қилувчи аҳолининг сони 1,0 кишига ёки 0,42 %га ошган. Умумий аҳолининг бир миллион сўм (ёки дона) маҳсулотга тўғри келадиган аҳолининг сони ҳам 2,6 кишига ёки 1,08 %га ошганлигининг гувоҳи бўлдик. Бироқ шуни таъкидлаш керакки, бозорга қўйилган барча маҳсулотларнинг бир миллион сўмига тўғри келадиган ушбу минтақа аҳолисининг сони 0,112 минг кишига ёки 3,0 %га (100 – 97,0) камайган. Шу омиллар эвазига натижа кўрсаткичи шаклланган.

16.3-жадвал

Нон камбинатида нон ишлаб чиқариш ва аҳолини тегишли тарзда таъминлашнинг ҳолати бўйича ҳисоб-китоби

Т/р	Кўрсаткичлар	Режада	Ҳақиқатда	Ўзгариш суръати	Фарқи (+,-)
Мутлақ кўрсаткичлар					
1.	Бозорда сотиладиган нон маҳсулотининг умумий ҳажми, тонна	38,0	40,0	105,26	+2,0
2.	Бозорга сотиладиган корхона маҳсулотининг ҳажми, тонна	5,0	5,2	104,0	+0,2
3.	Минтақада аҳолининг умумий сони, минг киши	142,0	145,0	102,11	+3,0
4.	Мазкур корхона нонини истеъмол қиладиган аҳоли сони, минг киши	8,2	8,5	103,66	+0,3
5.	Аҳолининг ўртача пул даромадлари, млн. сўм	34,3	35,4	103,21	+1,1
6.	Корхонанинг бозордаги нон маҳсулот бўйича улуши, %	13,16	13,00	98,78	-0,16
Нисбий кўрсаткичлар					
7.	Ҳудуд аҳолисининг жон бошига тўғри келадиган тадқиқ қилинаётган корхона нон маҳсулотларининг миқдори, минг сўм	609.75	611,76	100,33	+2,01
8.	Бир миллион сўм умумий аҳоли даромадига тўғри келадиган ушбу корхона нонини истеъмол қилувчи аҳолининг сони, киши	239,1	240,1	100,42	+1,0
9.	Умумий аҳолининг бир миллион сўм (ёки дона) маҳсулотга тўғри келадиган аҳолининг сони, киши	241,5	244,1	101,08	+2,6
10.	Бозорга қўйилган барча маҳсулотларнинг бир миллион сўмига тўғри келадиган ушбу минтақа аҳолисининг сони, минг киши	3,737	3,625	97,00	-0,112
11.	Корхонанинг бозордаги нон маҳсулот бўйича улуши, %	13,16	13,00	98,78	-0,16

Ушбу кўрсаткичларнинг (омилларнинг) таъсирини аниқлаш учун энг аввало, тенг тақсимлаш коэффициентини аниқлаб оламиз. Бу кўрсаткич 1,0427 га тенглигини кўрамиз:

$$Ктт = \frac{-1,22}{0,33+0,42+1,08-3,0} = 1,0427 \ ;$$

Энди юқоридаги жадвал ва аниқланган тенг тақсимлаш коэффициентидан фойдаланиб натижа кўрсаткичига таъсир этувчи омилларнинг таъсир миқдорини аниқлаб оламиз. Бунинг учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз (16.4-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхонанинг нон маҳсулоти бўйича бозордаги улушини, таҳлил қилинган даврда 1,22 %га камайган. Тадқиқотларимиз кўрсатдики, ушбу камайишга тўртта омил таъсир қилган. Буларнинг ҳар бирининг таъсирини аниқлаш лозим бўлади. Ушбу ҳисоб-китоб услубиёти қуйидагилардан иборат.

1. Ҳудуд аҳолисининг жон бошига тўғри келадиган нон маҳсулотларининг миқдори, тадқиқ қилинаётган корхонада 2,01 минг сўмга ёки 0,344 %га ошган. Ушбу омил натижасида корхонанинг нон маҳсулоти бўйича бозордаги улуши 0,344 %га кўпайган.

2. Бир миллион сўм умумий аҳоли даромадига тўғри келадиган ушбу корхона нонини истеъмол қилувчи аҳолининг сони 3,0 минг кишига ёки 0,42 %га ошган. Мазкур омил натижасида корхонанинг нон маҳсулоти бўйича бозордаги улуши 0,438 %га кўпайган.

3. Умумий аҳолининг бир миллион сўм (ёки дона) маҳсулотга тўғри келадиган аҳолининг сони тадқиқ қилинаётган корхонада 2,01 минг сўмга ёки 0,344 %га ошган. Ушбу омил натижасида корхонанинг нон маҳсулоти бўйича бозордаги улуши 1,126 %га кўпайган.

4. Бозорга қўйилган барча маҳсулотларнинг бир миллион сўмига тўғри келадиган ушбу минтақа аҳолисининг сони тадқиқ қилинаётган корхонада 112 минг кишига ёки 3,0 %га камайган. Ушбу омил натижасида корхонанинг нон маҳсулоти бўйича бозордаги улуши 3,128 %га камайган.

16.4-жадвал

Натижа ўзгаришига алоҳида омилларнинг таъсирини аниқлаш ҳисоб-китоби

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўзгариш суръати, %	Тенг тақсимлаш коэффициенти	Ҳар бир омилнинг натижа кўрсаткичига таъсири, %
1.	Ҳудуд аҳолисининг жон бошига тўғри келадиган тадқиқ қилинаётган корхона нон маҳсулотларининг миқдори, минг сўм	0,33	1,0427	+0,344
2.	Бир миллион сўм умумий аҳоли даромадига тўғри келадиган ушбу корхона нонини истеъмол қилувчи аҳолининг сони, киши	0,42	1,0427	+0,438
3.	Умумий аҳолининг бир миллион сўм (ёки дона) маҳсулотга тўғри келадиган аҳолининг сони	1,08	1,0427	+1,126
4.	Бозорга қўйилган барча маҳсулотларнинг бир миллион сўмига тўғри келадиган ушбу минтақа аҳолисининг сони	-3,0	1,0427	-3,128
5.	Корхонанинг нон маҳсулоти бўйича бозордаги улушини	- 1,22	х	-1,22

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг бўлса, ушбу натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқликнинг функционаллигидан ва амалга оширилган ҳисоб-китобларнинг тўғрилигидан далолат беради. Буни қуйидаги ҳисоб-китобда кўриш мумкин:

0,33 + 0,438 + 1,126 – 3,128 = - 1,22 %.

Кўриниб турибдики, омилли таҳлил ушбу жараёнда тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур бўлган ахборотларни жамлаб беради. Энг муҳими, таҳлил натижасида ички имкониятлар топилади. Мазкур ҳисоб-китобдан кўриниб турибдики, корхонанинг нон маҳсулоти бўйича бозордаги улушининг камайишига асосан бозорга қўйилган барча маҳсулотларнинг бир миллион сўмига тўғри келадиган ушбу минтақа аҳолисининг сони

3,0 минг кишига камайганлиги бўлган. Бунинг натижасида таҳлил қилинаётган кўрсаткич 3,128 %га камайган.

Агар ушбу ҳолат рўй бермасдан мазкур омилнинг миқдори ўтган давр миқдорида қолганда эди, тадқиқ қилинаётган корхонанинг нон маҳсулоти бўйича бозордаги улуши 1,22 %га камаймаган, балки 1,908 %ни (3,128 – 1,22) ташкил қилган бўлар эди.

16.4. Тенг тақсимлаш коэффициенти усулидан турфирмалар амалиётида фойдаланиш йўллари

Юқорида келтирилган усулнинг амалиётда қўлланилишини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун «Шахруҳ» туристик фирмасининг 2011 йилги маълумотларидан фойдаланамиз. Мазкур фирмада 2011 йилда 2010 йилга нисбатан қуйидаги натижаларга эришилган (16.5-жадвал):

16.5-жадвал

Биттатуристга тўғри келадиган туристик тушум ва унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларнинг ўзгариш суръатлари[125]

Натижа кўрсаткичи ва омилларнинг номлари	Ўсиш суръати, %
Умумий туристик тушумнинг меҳмонхонада яшаган битта меҳмонга тўғри келадиган ҳажми (W_1)	3,7
Меҳмонхоналарнинг ўртача бандлик даражаси (W_2)	4,6
Ҳар бир меҳмонхонага тўғри келадиган жойлар сони (W_3)	7,2
Бир мингта туристлар сонининг меҳмонхоналар билан таъминланганлиги (W_4).	3,6
Битта туристга тўғри келадиган туристик тушум (У)	9,4

Мазкур маълумотлар асосида тенг тақсимлаш коэффициентини аниқлаб оламиз:

$$\text{Ктт} = \frac{9,4}{3,7+4,6+7,2+3,6} = 0,4921 \text{ га тенглигини кўрамиз.}$$

Юқорида тавсия қилинган усул бўйича ҳисоб-китобни амалга оширадиган бўлсак, ушбу 9,4 % натижа кўрсаткичи ўсиш

[125] Тадқиқот натижасида муаллифлар ишланмаси.

суръатининг 1,8 %и биринчи омилнинг, яъни умумий туристик тушумнинг меҳмонхонада яшаган битта меҳмонга тўғри келадиган ҳажми таъсирида амалга оширилибди:

$$3,7 * 0,4921 = 1,8208\ \%$$

Натижа кўрсаткичининг 2,3 %и иккинчи омил, яъни меҳмонхоналарнинг ўртача бандлик даражаси таъсирида ўзгарганлигини кўрамиз:

$$4,6 * 0,4921 = 2,2637$$

Таҳлил қилинаётган кўрсаткичнинг 3,5 %и учинчи омил, яъни ҳар бир меҳмонхонага тўғри келадиган жойлар сони ўзгариши таъсирида рўй берганлигига гувоҳмиз:

$$7,2 * 0,4921 = 3,5432$$

Натижа кўрсаткичининг тўртинчи омил, яъни бир мингта туристлар сонининг меҳмонхоналар билан таъминланганлиги эвазига ўзгариш суръати 1,8 %ни ташкил қилади:

$$3,6 * 0,4921 = 1,7716$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий ўсиш суръатига тенглигини кўрамиз:

$$1,8208 + 2,2637 + 3,5432 + 1,7716 = 9,3993\ \%$$

Юқорида таъкидланганидек, таҳлилнинг навбатдаги босқичида натижа кўрсаткичи ўзгаришини 100 % деб қабул қилинади ва унинг неча фоизи у ёки бу омилнинг таъсири эвазига ўзгарганлигини аниқлаш лозим бўлади. Буни аниқлаш усули юқорида келтирилган.

Тадқиқотларимиз кўрсатдики, биринчи омил, яъни умумий туристик тушумнинг меҳмонхонада яшаган битта меҳмонга тўғри келадиган ҳажми эвазига натижа кўрсаткичи 19,4 %га ошган:

$$\frac{1,8208 * 100}{9,4} = 19,4\ \%$$

Ҳисобот даврида иккинчи омил, яъни меҳмонхоналарнинг ўртача бандлик даражаси эвазига натижа кўрсаткичи 24,1 %га ошган:

$$\frac{2,2637 * 100}{9,4} = 24,1\ \%$$

Таҳлил қилинаётган натижа кўрсаткичи учинчи омил, яъни ҳар бир меҳмонхонага тўғри келадиган жойлар сони эвазига 37,7 %га ўсган:

$$\frac{3,5432 * 100}{9,4} = 37,7\ \%$$

Ниҳоят тўртинчи омил, яъни бир мингта туристлар сонининг меҳмонхоналар билан таъминланганлиги эвазига натижа кўрсаткичи шу ҳисобот йилида 18,8 %га ошган:

$$\frac{1,7716 * 100}{9,4} = 18,8\ \%$$

Натижа ўзгаришига таъсир кўрсатган барча омиллар таъсири 100 %ни ташкил қилади:

$$19,4 + 24,1 + 37,7 + 18,8 = 100\ \%$$

Биз тавсия қилган мазкур усул амалиётда қўлланилса, туризм соҳасида самарадорликни оширишнинг реал имкониятлари аниқланади ва илмий жиҳатдан асосланган бошқарув қарорларини қабул қилиш мумкин бўлади.

Ўзини-ўзи назорат қилиш ва такрорлаш учун саволлар

1. Иқтисодий таҳлилда тенг тақсимлаш усулинининг ўзига хос хусусиятлари.
2. Тенг тақсимлаш коэффициентни аниқлаш услубиёти.
3. Иқтисодий таҳлилда натижага учта омил таъсир қилганда тенг тақсимлаш коэффициенти усулидан фойдаланиб таҳлил қилиш йўллари.
4. Иқтисодий таҳлилда натижага тўртта омил таъсир қилганда тенг тақсимлаш коэффициенти усулидан фойдаланиб таҳлил қилиш йўллари.
5. Корхонанинг бозордаги нон маҳсулот бўйича улуши қандай аниқланади?
6. Натижа кўрсаткичига қандай омиллар таъсир этади?
7. Бозорда сотиладиган нон маҳсулотининг умумий ҳажми қаердан аниқланади?
8. Аҳолининг ўртача пул даромадлари қандай ҳисобланади?
9. Минтақада аҳолининг умумий сони қаерда ифодаланади?
10. Мазкур корхона нонини истеъмол қиладиган аҳоли сонини қаердан олиш мумкин?
11. Айрим кўрсаткичларга нисбатан бошқалари тез ёки секин ўзгарганлиги туфайли, улар асосида аниқланадиган нисбий кўрсаткичларнинг миқдори қандай бўлади?

12. Ҳудуд аҳолисининг жон бошига тўғри келадиган тадқиқ қилинаётган корхона нон маҳсулотларининг миқдори қандай аниқланади?

13. Бир миллион сўм умумий аҳоли даромадига тўғри келадиган ушбу корхона нонини истеъмол қилувчи аҳолининг сони қандай ҳисобланади?

14. Умумий аҳолининг бир миллион сўм (ёки дона) маҳсулотга тўғри келадиган аҳолининг сони қандай ҳисобланади?

15. Бозорга қўйилган барча маҳсулотларнинг бир миллион сўмига тўғри келадиган ушбу минтақа аҳолисининг сони қандай аниқланади?

17-боб. ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАРНИНГ ТИПЛАРИ

17.1. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган математик моделлар типларининг ўзига хос хусусиятлари

Ҳозирги пайтда иқтисодий жараёнлар тез суръатлар билан ривожланиши оқибатида жуда кескин ўзгаришлар содир бўлмоқда ва уларнинг бир-бири билан боғлиқлиги кундан-кунга мураккаблашиб бормоқда. Бундай шароитда уларни бошқариш учун барчасини ўрганиш, жамлаш ва хулосаларни тезкорлик билан чиқаришга тўғри келмоқда. Бу эса иқтисодичилар олдига иккита вазифани қўяди. Биринчиси ахборотларни тизимлаштиришда математик усуллардан фойдаланишни тақозо қилса, иккинчидан, уларни ҳисоблаш ва тезлик билан бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ахборот технологияларидан фойдаланиш заруратини туғдирмоқда.

Шуни эътироф этиш керакки, иқтисодий математик усулларнинг бир қанча турлари мавжуд. Буларга қуйидагилар киради (17.1-жадвал).

17.1-жадвал

Иқтисодий таҳлилда қўлланилиши мумкин бўлган математик усулларнинг турлари

Математик усулларнинг гуруҳлари	Уларнинг мазмуни ва турлари
Элементар математиканинг методлари	Ушбу усулдан иқтисодий жараёнларни анъанавий тарзда ҳисоблашда фойдаланилади. Масалан, талаб ва таклифнинг ҳажмини, истеъмолнинг ҳажмини, қилинган харажатларни, олинган фойдани ҳисоблаш кабиларда.
Математик таҳлилнинг мумтоз усуллари	Ушбу усуллар сирасига дифференциаллаш, интеграллаш, вариация каби ҳолатларда фойдаланилади. Булар ҳам омилли таҳлилда қўлланилиши билан характерлидир.

17.1-жадвалнинг давоми

Математик статистиканинг усуллари	Иқтисодий жараёнларни ифодаловчи кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқлик стахостик ва тасодифий бўлган пайтларда қўлланилади.
Иқтисод, математика ва статистиканинг синтезлашган усуллари	Бунга эконометриянинг иқтисодий моделларини киритиш мумкин. Ушбу моделлар иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни характерини белиловчи илмий абстракция шаклида намоён бўлади. Масалан, иқтсодиёт ўсишни математик ифодалаш орқали статистик усуллар билан таҳлил қилиш жараёнини олиш мумкин.
Математик дастурлаш усуллари	Мазкур усул иқтисодиётнинг макро ва микро даражасида оптимоллаштириш, прогнозлаш, узоқ муддатга мўлжалланган дастурларни илмий жиҳатдан аослаш каби жараёнларида қўлланилади.
Жараёнларни (операцияларни) тадқиқ қилиш усуллари	Тадқиқ қилинган жараёнларни миқдорий ифодалаш орқали бир қанча вариантлардан энг самаралисини танлаб олишда қўлланилади. Буларга ўйин назарияси, оммавий хизмат назарияси кабиларни киритиш мумкин.

Ушбу усулларнинг ҳаммаси иқтисодий таҳлил жараёнида қўлланиладиган математик моделлар орқали амалга оширилади. Математик моделлар тенгламаларда, тенгсизликларда, функция каби математик аппаратларда ифодаланади. Улардан иқтисодий таҳлилда жуда кўп қўлланиладиганларидан математик моделларнинг типлари бўлиб ҳисобланади.

Математик моделларнинг кўп учрайдиганлари типларига қўйидагиларни киритиш мумкин: аддитив модель, мультипликатив модель, касирли модель ва аралаш модель.

- аддитив модель натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик қўшув билан ифодаланганда қўлланилади;
- мультипликатив модель натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик кўпайтирув билан ифодаланганда қўлланилади;
- касрли модель натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик бўлиш билан ифодаланганда қўлланилади;

- аралаш модель бир вақтнинг ўзида юқоридаги ҳамма моделнинг қаришмасидан пайдо бўлган математик моделлардан иборат бўлиши мумкин.

Ушбу моделларнинг ҳаммаси ҳам иқтисодий ахборотларни таҳлил қилишда кенг қўлланилиб келинмоқда. Чунки, иқтисодий математик усуллар таҳлил фанини такомиллаштириши билан бирга, унга ахборот технологияларидан фойдаланиш заруратини ҳам туғдирди. Чунки, иқтисодий жараёнлар ва улар ўртасидаги боғлиқликлар мураккаблашиб бормоқда. Буларнинг мазмуни қуйидаги жадвалда ўз ифодасини топган (17.2-жадвал).

17.2-жадвал

Туризм бозорида қўлланиладиган математик моделларнинг типлари ва уларнинг мазмуни

Математик моделларнинг типлари	**Математик моделларнинг мазмуни**
Аддитив модель	Натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик қўшув билан ифодаланганда қўлланилади. У ўқилиши ва ёзилиши жиҳатдан жуда содда ва ихчамдир. $Ki = K1 + K2 + K3 + Ҳ + Kп = \sum_{k=1}^{n} Ki$;
Мультиплика-тив модель	Натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик кўпай-тириш билан ифодаланса қўлланиладиган моделдир. $К_1 * К_2 * К_3 * \ldots * К_п = \prod_{i=1}^{n} Ki$;
Касрли модель	Натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик бўлиш билан ифодаланганда қўлланилади. $У = \frac{E}{M}; У = \frac{M * E * Ж}{M}; У = \frac{E}{M * Э * A * C};$
Аралаш модель	Натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик аралаш билан ифодаланганда қўлланилади. $У = \frac{f+g+h}{j}; \quad У = \frac{f+g-h}{t-y}; \quad У = \frac{(f*g*h)-w}{e*r:p};$

Мазкур жадвалда келтирилган математик моделларнинг типлари иқтисодий жараёнларни таҳлил қилиш амалиётида кенг қўлланилади. Буни қуйидаги параграфда ҳам кўриш мумкин.

17.2. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган математик моделлар типларининг турли шакллари

Иқтисодий-математик моделларнинг, юқорида таъкидланганидек, бир қанча типлари мавжуд ва улардан иқтисодий таҳлил жараёнида жуда кенг қўлланилади. Уларнинг кўп учрайдиганлари юқорида қайд этилганидек: аддитив, мультипликатив, касирли ва аралаш моделлардан иборат.

Аддитив модель натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик қўшув билан ифодаланганда қўлланилади. Масалан, "*У*" натижа бирқанча омиллар ($X_1, X_2, \ldots, X_n$) йиғиндисидан иборат деб фараз қиламиз. У ҳолда аддититив моделнинг кўриниши қуйидагича бўлади:

$$У = X_1 + X_2 + X_3 + \ldots + X_n = \sum_{i=1}^{n} Xi$$

бунда $\sum$ *– йиғинди белгиси;*

i – омилларнинг тартибсони (i = 1,n);

n – омилларнинг умумий сони;

Xi – i - омилнинг номи.

Ушбу модель амалиётда жуда кўп қўлланилади. Масалан, йирик акциядорлик жамиятига қарашли корхоналар ишлаб чиқарган товар маҳсулотларининг ҳажми. Унинг йиллик ҳажмини аниқлаш учун 12 ой давомида ишлаб чиқилган маҳсулотларни қўшиб чиқамиз. Бунининг математик ифодаси қуйидагича:

$$У = X_1 + X_2 + X_3 + \ldots + X_{12} = \sum_{i=1}^{12} Xi\ ; \qquad (i=1,12)$$

Яна бир мисол, корхонада банд бўлган ишчи ва хизматчиларининг умумий рўйхатдаги сони. Фараз қиламиз, мазкур

корхонанинг 10 та флиали мавжуд. Уларнинг ҳар бири ҳар хил ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқарган. Барча ишлаб чиқарган маҳсулотни аниқлаш учун аддитив моделдан фойдаланганда қуйидаги формулага эга бўлинади:

$$У = \sum_{i=1}^{10} Xi = X_1 + X_2 + X_3 + \ldots + X_{10}; \qquad (i=1,10)$$

Худди шунга ўхшаш бир қанча мисолларни келтириш мумкин. Чунки амалиётда жуда кўп қўшиш билан боғлиқ ҳолатлар учраб туради.

Мультипликатив модель ҳам иқтисодий жараёнларни таҳлил қилишда кенг қўлланилади. Бу моделдан натижа билан омилнинг ўртасидаги боғлиқлик кўпайтириш билан ифодаланганда фойдаланилади. Масалан, "У" натижа бирқанча омиллар (X_1, X_2, X_3 . . . , X_n) кўпайтмасидан иборат деб фараз қиламиз. У ҳолда мультипликатив модельнинг кўриниши қуйидагича бўлади:

$$У = X_1 * X_2 * X_3 * \ldots * X_n = \prod_{i=1}^{n} Xi ; \quad (i=1,n)$$

бунда $\prod$ *– кўпайтириш белгиси;*
$(i = 1,n)$ *i – омилларнинг тартиб сони;*
n – омилларнинг умумий сони;
Xi – i - омилнинг номи.

Ушбу модель ҳам таҳлилда кенг қўлланилади, чунки жуда кўп натижа амалиётда омилнинг кўпайтмасидан иборат бўлади. Масалан, товар айланмасининг ҳажмига таъсир қилувчи моддий техника базаси билан боғлиқ омилларни олайлик. Унга савдо шохобчаларнинг сони (Ш), ҳар бир савдо шохобчасига тўғри келадиган савдо майдони (Мш), ҳар бир кв.м. савдо майдонига тўғри келадиган товар айланмасии (Тм) таъсир қилади. Натижа билан ушбу омиллар ўртасидаги боғлиқликни қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$Т = Ш * Мш * Тм$$

Агар ҳар бир омилни мос равишда кетма-кет X_1 , X_2 , X_3 деб белгиласак, бу ҳолда мультипликатив модельнинг кўриниши қуйидагича бўлади:

$$У = \prod_{i=1}^{3} Xi = X_1 * X_2 * X_3 \qquad (i=1,3)$$

Агар натижа ўзгаришига тўртта омил таъсир қилса, у ҳолда мультипликатив моделнинг кўриниши сал кенгроқ бўлади. Ва қуйидагича ифодаланади:

$$4У = \prod_{i=1} Xi = X_1 * X_2 * X_3 * X_4; \qquad (i=1,3)$$

Худди шу тарзда математик моделларнинг мультипликатив типларини келтириш мумкин. Барчасида ёндашув бир хил, аммо омилларнинг сонига қараб ушбу модель кенгайиши ёки қисқариши мумкин. Худди шундай таҳлил жараёнида бошқача боғланишлар ва шунга мос равишда бошқа моделлар ҳам учрайди. Улардан бири касрли модель.

Касрли модель ҳам таҳлилда кенг қўлланиладиган моделлардан бири. Мазкур модель асосан натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик бўлиш билан ифодаланганда қўлланилади. Бунга жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Масалан, меҳнат унумдорлиги товар айланмаси ҳажмининг ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сонига нисбати билан аниқланади. Рентабеллик даражаси фойда сўммасининг товар айланмасига нисбати билан аниқланади. Активлар рентабеллиги фойда суммасининг асосий воситалар, айланма маблағлар ва номоддий активлар йиғиндисининг нисбати билан аниқланади. Фондларнинг самарадорлиги товар айланмасининг фондларнинг ўртача йиллик қийматига нисбати билан аниқланади ва ҳ. к. Бундай ҳолларда касрли модель бир қанча кўринишга эга бўлади:

$$У = \frac{X1}{X2}$$

$$y = \frac{\sum_{i=1}^{n} Xi}{\sum_{i=1}^{n} Xi};$$

Касрли моделда бир вақтнинг ўзида **аралаш модель** шаклида ҳам кўринишга эга бўлиши мумкин. Чунки ушбу моделда турлари ишоралардан фойдаланилади. Баъзан суръатда аддитив модель бўлса, махражида мультипликатив модель ёки суръатида аддитив, махражида аралаш моделлар ҳам бўлиши мумкин. Суръатида мультипликатив модель бўлиши ва махражида битта омил ҳам иштирок этиши мумкин. Амалиётда суръатида ҳам махражида ҳам бир хил моделлар иштирок этишлари ҳам мумкин.

Бунга мисол қилиб қуйидагиларни келтириш мумкин.

$$У = \frac{f+g+(h*z)}{j}; \qquad У = \frac{f+g-h}{t-y} * s + k; \qquad У = \frac{(f*g*h)-w}{e*r : p - m};$$

Иқтисодий таҳлил жараёнида қўлланиладиган математик моделларнинг типлари иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларида фойдаланиши мумкин.

Мавзу бўйича ўзини-ўзи текшириш ва такрорлаш учун саволлар

1. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган математик моделлар типларининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
2. Иқтисодий жараёнларни ўрганишда математик усулларнинг қайси турлари қўлланилади?
3. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган математик моделлар типларининг қандай турлари мавжуд?
4. Аддитив моделнинг мазмуни.
5. Мультипликатив моделнинг мазмуни.
6. Касрли моделнинг мазмуни.
7. Аралаш моделнинг мазмуни.

8. Элементар математиканинг методлари қачон қўлланилади?

9. Математик таҳлилнинг мумтоз усуллари қачон қўлланилади?

10. Математик статистиканинг усуллари қачон қўлланилади?

11. Иқтисод, математика ва статистиканинг синтезлашган усуллари қачон қўлланилади?

12. Математик дастурлаш усуллари қачон қўлланилади?

13. Жараёнларни (операцияларни) тадқиқ қилиш усуллари қачон қўлланилади?

18-боб. ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ЖАРАЁНИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАРНИНГ УСУЛЛАРИ

18.1. Иқтисодий таҳлил жараёнида қўлланиладиган математик моделлар усулларининг мазмуни ва ўзига хос хусусиятлари

Иқтисодий таҳлил жараёнида математик моделларнинг бир қанча усулларидан фойдаланилади. Бунда асосан куйидаги усуллари кўпроқ қўлланилади: узайтириш, кенгайтириш, қисқартириш.

- узайтириш усули натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик қўшув билан ифодаланганда қўлланилади;
- кенгайтириш усули натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик кўпайтирув билан ифодаланганда қўлланилади;
- қисқартириш усули натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик аралаш, айниқса, бўлув билан ифодаланганда қўлланилади.

Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган математик усулларни бевосита иқтисодий жараёнларни тадқиқ қилишда қўлланилганлиги учун уларни турли жараёнларни тадқиқ қилишда фойдаланиш мумкин. Уларнинг батафсил таснифи алоҳида йўналишлар бўйича қараб чиқилади.

Мазкур математик моделлар иқтисодий ва статистик таҳлилга бағишланган адабиётларда етарли даражада ўз аксини топмаган. Иқтисодий таҳлилнинг анъанавий усуллари ҳам барча таҳлилга оид дарсликларга у ёки бу шаклда киритилганлигига қарамасдан, булар ҳам иқтисодий таҳлилда ҳамиша қўлланилмай қолмоқда. Натижада кўпгина ички имкониятлар очилмасдан қолиб кетмоқда.

Одатда математик усуллар микро- ва микро- иқтисодиётда, уларда содир бўлаётган иқтисодий жараёнларни ўрганишда кенг қўллаш мумкин. Бу ҳолат бевосита иқтисодий таҳлилга ҳам тегишлидир.

Математик усуллардан асосан макро- иқтисодий таҳлилда фойдаланиб келинмоқда. Аммо, таъкидланганидек, иқтисодий таҳлилда ушбу усуллардан ҳозиргача фойдаланилмасдан келинаётганлиги ҳозирги техник имкониятлар шароитида кечирилмайдиган ҳол, деб баҳолашга арзийди. Шу сабабли математик усуллар ушбу жараёнга биринчи марта қўлланилиши тавсия қилинмоқда. Табиийки, бунда айрим камчиликлар бўлиши мумкин. Ўйлаймизки, ушбу усуллар вақт ўтиши билан ушбу соҳада ҳам аста-секинлик билан такомиллашиб боради.

Иқтисодий таҳлилда математик моделларнинг типлари билан бирга бир қанча усуллари ҳам қўлланилади. Ушбу усуллар математик моделлар типларининг тескариси сифатида намоён бўлади. Чунки, математик моделнинг типларида омилларни жамлаш лозим бўлса, усулларида уларни узайтиришга тўғри келади. Мос равишда мультипликатив моделда омилларни кўпайтириш лозим бўлса, математик усулларда уларни кенгайтиришга тўғри келмоқда ва ҳ.к. Буларнинг мазмуни қуйидаги жадвалда келтирилган (18.1-жадвал).

18.1-жадвал

Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиганматематик моделларнинг усуллари ва уларнинг мазмуни

Математик моделлар усулларининг номлари	**Математик моделлар усулларининг мазмуни**
Узайтириш усули	Натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик қўшув билан ифодаланганда қўлланилади. Бу аддитив моделнинг тескариси. $\sum_{i=1}^{n} Xi = X_1 + X_2 + X_3 + \ldots + X_n$ ш
Кенгайтириш усули	Натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик кўпайтириш билан ифодаланса қўлланиладиган моделдир. Бу мультипликатив моделнинг тескариси. $\sum_{i=1}^{n} Xi = X_1 * X_2 * X_3 * \ldots * X_n$
Қисқартириш усули	Натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик бўлиш билан ифодаланганда қўлланилади. Бу касирли моделнинг тескарисига ўхшаш.

	$У = a*s*d*f = x_i$ $Р = \frac{a*s*d*f}{Т*у} = u$ ёки $\frac{a*s*d*f*g}{o+p+m+n} = b$ Ушбу формуладаги миқдорларни қисқартириб бирида “u” иккинчисида “b” рақамларига қисқартириб олинди. Бундай ҳолда формулани турли шаклда ифодалаш мумкин бўлади.

Ушбу математик моделларнинг типлари ва усулларига амалий маълумотларни қўллаб маркетинг тадқиқотлари бўйича тегишли хулосаларни чиқариш ва таъсирчан бошқарув қарорларини қабул қилиш мумкин.

Иқтисодий таҳлил жараёнида қўлланиладиган математик моделлар усулларининг бир қанча ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Булар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- омиллар билан натижа ўртасидаги боғлиқлик турли бўлганда ҳам фойдаланиш мумкин;
- ушбу усулларни қўллаш натижасида омилларнинг сони ва мазмуни ўзгаришига эришилади;
- катта ва кенг боғланишларни қисқартириб ифодалашга эришиш мумкин ва ҳ.к.

18.2. Математик моделлар усулларини амалга ошириш услубиёти

Иқтисодий таҳлил жараёнида қўлланиладиган математик моделлардан фойдаланиш бир қанча усуллардан фойдаланишни тақозо қилади. Буларнинг бир қанча турлари мавжуд. Иқтисодий таҳлил жараёнида, математик моделларнинг қуйидаги усулларидан кўпроқ фойдаланилади: узайтириш, кенгайтириш, қисқартириш.

Узайтириш усули натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик қўшув билан ифодаланганда, яъни аддитив моделдан фойдаланилганда қўлланилади.

$$У = x_1 + x_2 + x_3 + \ldots + x_n = \sum_{i=1}^{n} x_i$$

бунда ∑ – йиғинди белгиси;

i – омилларнинг тартиб сони;

(i = 1,n) ; n – омилларнинг умумий сони;

X_i – i - омилнинг номи.

Юқоридаги омилларни бир хил кўрсаткичларга бўлиб, уларнинг мазмунинг ўзгартириш мумкин ва шу йўл билан ҳам узайтирилади. Мисол тариқасида, юқоридаги формулани олиш мумкин:

$$У = \sum_{i}^{n} x_i /z = x_1/z + x_2/z + x_3/z + \ldots + x_n/z ;$$

Кенгайтириш усули натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик кўпайтирув, яъни мультипликатив модель билан ифодаланганда қўлланилади.

$$У = x_1 \cdot x_2 \cdot x_3 = \prod_{i=1}^{3} \overline{xi} \qquad (i=1,3)$$

Бунинг яна бошқа кўринишлари ҳам мавжуд. Масалан, меҳнат унумдорлиги бир қанча омиллар ўзгаришига боғлиқ. Буни қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин:

$$Му = \frac{См}{Хс} = \frac{См}{Ав} * \frac{Ав}{Хса} * \frac{Хса}{Айм} * \frac{Айм}{Хс} ;$$

бунда Му – меҳнат унумдорлиги;

См – сотилган маҳсулот ҳажми;

Хс – ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сони;

Ав – асосий воситаларнинг ўртача қиймати;

Хса – ишлаб чиқаришда банд бўлган асосий ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сони;

Айм – айланма маблағларнинг ўртача қиймати.

Формуладан кўриниб турибдики, меҳнат унумдорлигига бошланиш ҳолатида иккита омил таъсир қилган эди. Уларни кенгайтириб тўртта омил таъсир қилиши аниқланди.

Кенгайтиришнинг яна бошқа шакллари ҳам мавжуд. Бунда ҳар бир омилни яна иккиламчи омиллар билан кенгайтириш мумкин. Бунинг учун яна ўша меҳнат унумдорлигини олишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Ушбу формулада бирламчи омилларни кенгайтириб оламиз. Улардан бири сотилган маҳсулот ҳажмидир (См). Ушбу кўрсаткичга бир қанча омиллар таъсир қилади:

$$См = Ав * Ава * Авас ;$$

бунда Ава – асосий воситалар актив қисмининг ўртача қиймати;
Авас – асосий воситалар актив қисмининг самарадорлиги.

Мос равишда ходимлар сони ҳам бир қанча омиллар эвазига шаклланиши мумкин.

$$Хс = Хсо + Хсум + Хсу + Хсм ;$$

бунда Хсо – олий маълумотли ходимлар сони;
Хсум – ўрта-махсус маълумотли ходимлар сони;
Хсу – ўрта маълумотли ходимлар сони;
Хсм – мактаб маълумотидаги ходимлар сони.

Энди шу иккита кўрсаткични шакллантирувчи омилларни формулага қўйилса меҳнат унумдорлигининг кенгайтирилган шакли келиб чиқади:

$$Му = \frac{Ав * Ава * Авас}{Хсо + Хсум + Хсу + Хсм} ;$$

Мазкур формуладан кўриниб турибдики, меҳнат унумдорлигига таъсир қилувчи иккита омил, уларни кенгайтириш натижасида еттитага етди. Худди шундай ҳолатлар амалиётда жуда кўп учрайди. Булардан тўғри фойдаланиш учун математик моделларнинг типлари билан бирга усулларини ҳам яхши ўзлаштиришни тақозо қилади.

Қисқартириш усули натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик аралаш, айниқса, бўлув билан ифодаланганда қўлланилади.

$$У = \frac{X1}{X2} = R;$$

$$У = \frac{\sum_{i=1}^{n} Xi}{\sum_{i=1}^{n} Xi} = Z;$$

18.3. Стахостик боғлиқликлар тўғрисида тушунча

Омилли таҳлилда функционал боғлиқликлар билан бирга стахостик (эҳтимолли) боғлиқликлар ҳам ўрганилади. Булардан асосан омилли таҳлилда фойдаланилади. Натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик асосан икки гуруҳга бўлинади: функционал боғлиқлик ва стахостик боғлиқлик.

Натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик функционал бўлганда детерминал омилли таҳлилдан фойдаланилади. Улар ўртасидаги боғлиқлик стахостик (эҳтимолли) бўлганда эса, стахостик омилли таҳлил усулларидан фойдаланилади.

Функционал боғлиқлик деганда натижа билан омиллар ўртасида бевосита боғлиқлик бўлиши тушунилади. Масалан, сотилган маҳсулотнинг ҳажми (СМ) бевосита ходимлар сони (Х) ва меҳнат унумдорлигига (Му) боғлиқ. Бу қуйидаги формулалар билан аниқланади:

$$CM = X * My;$$

Стахостик боғлиқлик деганда эса натижа билан омиллар ўртасида билвосита боғлиқлик бўлиши тушунилади. Ушбу боғлиқликни функционал боғлиқлик формулалари билан аниқлаб бўлмайди. Булар корреляция ва регрессия усуллари билан аниқланади. Бунга сотилган маҳсулот ҳажмининг ўзгариши аҳолининг даромадлари ўсишига боғлиқлигини мисол келтириш мумкин. Буларнинг боғлиқлиги қуйидаги формула билан ифодаланади:

$$У = f(x_1, x_2);$$

Стахостик усулларга иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган регрессия, корреляция каби усулларни киритиш мумкин.

Корреляция ва регрессия усуллари иқтисодий таҳлил жараёнида икки ва ундан ортиқ кўрсаткичларнинг ўзгариши бир-бири билан қанчалик боғланганлигини ҳисоблашда қўлланилади. Бунда корреляция коэффициенти 0 дан 1 гача ўлчамни ифода этади. Агар корреляция коэффициенти 0 га тенг бўлса, у ҳолда ўрганиладиган кўрсаткичларда ҳеч қандай боғлиқлик йўқлигини кўрсатади. Агар корреляция коэффициенти 1 га тенг бўлса, у ҳолда ўрганиладиган кўрсаткичларда боғлиқлик тўлиқ бўлади, яъни функционал бўлади.

Стахостик боғланишда асосан фаразларга ва эҳтимолларга асосланади. Масалан, ғалланинг ҳосилдорлига ўз вақтида ёққан ёмғирнинг даражасига боғлиқ. Бу фараз. Аниқ ҳисоблаш қийин. Аммо корреляция йўли билан ёмғирнинг миқдори ҳосилдорликка қанчалик таъсир қилганлигини улар ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш орқали эришилади холос.

Қуйидаги жадвал маълумотлари асосида корреляцион-регрессион усулдан фойдаланиб, ишчиларнинг асосий воситалар билан қуролланиш ва бир ишчига тўғри келувчи меҳнат унумдорлиги ўртасидаги боғланишни кўришимиз мумкин (18.2-жадвал).

18.2-жадвал

Асосий восита билан қуролланганлик ва меҳнат унумдорлиги ўртасидаги боғлиқлик

Тартиб рақами	Асосий восита билан қуролланиш (минг сўм) (Х)	Бир ишчига тўғри келувчи меҳнат унумдорлиги, (минг сўм) (У)	Ўртача қатордан фарқ $\Delta X=X-\bar{X}$	Ўртача У қатордан фарқи $\Delta У=У-\bar{У}$	Фарқларнинг кўпайтмаси $\Delta X \times \Delta У$	Х қаторнинг квадрат фарқи ΔX^2	У қаторнинг квадрат фарқи $\Delta У^2$
А	1	2	3	4	5	6	7
1	0,10	2,5	0,45	1,35	0,6075	0,2025	1,8225
2	0,20	2,8	0,35	1,05	0,3655	0,1225	1,1025
3	0,30	2,9	0,25	0,95	0,2375	0,0625	0,9025
4	0,40	3,7	0,15	0,15	0,225	0,0225	0,0225

18.2-жадвалнинг давоми

5	0,50	3,9	0,05	-0,05	-0,0025	0,0025	0,0025
6	0,60	4,3	-0,05	-0,45	0,0225	0,0025	0,2025
7	0,70	3,8	-0,15	0,05	-0,0075	0,0225	0,0025
8	0,80	4,5	-0,25	0,65	0,1625	0,0625	0,4225
9	0,90	4,9	-0,35	-1,05	0,3675	0,1225	1,1025
10	1,00	5,2	-0,45	-1,35	0,6075	0,2025	1,8225
Сумма	5,50	38,5	0,00	0,00	2,3850	0,8250	7,4050
Ўртача миқдори	-0,55	3,85	-	-	-	-	-

Ушбу жадвалда маълумотлари асосида ишчиларнинг асосий воситалар билан қуролланиш ва бир ишчига тўғри келадиган меҳнат унумдорлиги даражаси ўртасидаги корреляция коэффициентини қуйидаги формула орқали ифода этамиз:

$$Rxy = \frac{\sum(\Delta X \cdot \Delta Y}{\Sigma \Delta X^2 \cdot \Sigma \Delta Y^2} = \frac{2,385}{0,8250 \cdot 7,405} = 0.97$$

Демак, ушбу миқдорнинг ҳолати асосий воситалар билан қуролланиш ва меҳнат унумдорлиги ўртасидаги боғлиқликни тўла (функционал) деган хулоса чиқаришга асос бўлади.

Омиллар тизимини детерминаллашган моделларда акс эттириш объектив заруратга айланмоқда. Чунки, ҳозирги шароитда ҳисоб-китоб ишларига компьютер технологияларининг қўлланилиши барча иқтисодий ишлар сингари таҳлил жараёнини ҳам такомиллаштиришни тақозо қилмоқда. Омиллар тизимини моддалаштиришда иқтисодий кўрсаткичларнинг ўзгаришига таъсир қилувчи барча омилларни модель тизимига киритиш лозимдир. Масалан, авансланштирилган асосий воситаларнинг рентабеллик даражаси бир қанча омилларнинг ўзгаришига, хусусан, баҳо миқдорига, баҳо ўзгаришига, асосий воситалар ва айланма маблағларнинг ўзгаришига, соф фойданинг ўзгаришига, маҳсулот ассортименти ва таркибининг ўзгаришига ҳамда бошқа кўп омилларга боғлиқ. Улар бевосита, яъни функционал ёки билвосита, яъни стахостик боғланишда бўлиши мумкин. Буларни аниқлаш учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз (18.3- жадвал).

18.3-жадвал

Натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқликнинг ҳисоб-китоби

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Шартли белги	Асос йили (0)	Ҳисо-бот йили (1)	Ўзга-риши (+,-)
А	Б	В	1	2	3
1. Соф фойда	Минг сўм	$Ф^e = X_1$	714	902	+13880
2. Асосий воситаларнинг йиллик ўртача қиймати	Минг сўм	$F^e = X_2$	4430	5844	+1414
3. Айланма маблағларнинг йиллик ўртача қиймати	Минг сўм	$E = X_3$	2120	2396	+276
4. Соф тушум	Минг сўм	Np	6432	7240	+908
5. Бир сўмлик сотилган маҳсулот ҳисобига олинган соф фойда	Минг сўм	$\frac{X_1}{N_p} = X_4$	1.217	1.229	+0.012
6. Асосий воситаларнинг сиғими	Минг сўм	$\frac{X_2}{N_p} = X_5$	0,6987	0,7962	+0,1075
7. Айланма маблағларнинг сиғими	Минг сўм	$\frac{X_3}{N_p} = X_6$	0,3296	0,3264	-0,00
8. Айланма маблағларнинг айланиш коэффициенти	марта	$\frac{N_p}{X_3} = X_7$	3,034	3,063	+0,029
9. Умумий воситалар таркибида айланма маблағларнинг улуши	Коэф.	$\frac{X_3}{X_2 + X_3} = X_8$	0,3237	0,2908	-0,0329
10.Рентабеллик даражаси	Коэф.	$R_к = \frac{X_1}{X_2 + X_3}$	1.1090	1.1095	+0.0005

Авансланштирилган асосий воситаларнинг рентабеллик даражаси соф фойдани асосий воситалар ва айланма маблағларнинг йиллик ўрта қийматига нисбати тариқасида аниқланиб, уни қуйидаги формула орқали ифода этишимиз мумкин:

$$R = \frac{Ф^e}{F + E}$$

бунда $Ф^e$ *– соф фойда;*

F *– асосий воситалар;*

E *– айланма маблағлар.*

Буни қуйидаги мисолда кўрамиз. Бунда омилларни мос равишда «Х» билан белгилаб оламиз. Унда формла қуйидаги шаклга эга бўлади:

$$R = \frac{X_1}{X_2 + X_3};$$

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, натижа кўрсаткичи бир қанча омиллар билан ўзаро боғлиқликда. Масалан, рентабеллик кўрсаткичини олайлик:

$$R_0 = \frac{X1_0}{X2_0 + X3_0} = \frac{714}{4430 + 2120} = 1{,}1090$$

$$R_1 = \frac{X1_1}{X2_1 + X3_1} = \frac{902}{5844 + 2396} = 1{,}1095$$

$$\Delta R = 1{,}1095 - 1{,}1090 = +0{,}0005$$

Занжирли алмаштириш усули билан ушбу фарққа таъсир қилган учала омилнинг миқдорини аниқлаш мумкин. Ушбу формулани кенгайтириш ҳам мумкин:

$$R_0 = \frac{X_1 / N_P}{X_2 / N_P + X_3 / N_P} = \frac{1{,}217}{0{,}6987 + 0{,}3296} = 1{,}1090$$

$$R_1 = \frac{1{,}229}{0{,}7962 + 0{,}3264} = 1{,}1095$$

Бу боғлиқлик ҳам натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқликнинг функционаллигини кўрсатади. Кўриниб турибдики, бошқарув таҳлилида ҳам молиявий таҳлил сингари иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган деярли барча усуллардан фойдаланиш мумкин экан.

Ўзини-ўзи назорат қилиш ва такрорлаш учун саволлар

1. Иқтисодий таҳлил жараёнида қўлланиладиган математик моделлар усулларининг мазмунини очиб беринг.
2. Математик модел усулларининг ўзига хос хусусиятлари нимада.
3. Узайтириш усулининг мазмуни ва моҳияти.
4. Кенгайтириш усулининг мазмуни ва моҳияти.
5. Қисқартириш усулининг мазмуни ва моҳияти.
6. Функционал боғлиқликларнинг мазмуни ва моҳияти.
7. Стахостик боғлиқликларнинг мазмуни ва моҳияти.
8. Корреляция коэффициентининг даражаси нимани ифодалайди?

19-боб. ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИНГ БОШҚА ФАНЛАР ЎРТАСИДА ТУТГАН ЎРНИ ВА УЛАР БИЛАН АЛОҚАДОРЛИГИ

19.1. Иқтисодий таҳлилнинг бошқа фанлар билан алоқаси

Иқтисодий таҳлил мустақил фан. Лекин, у бошқа иқтисодий фанлар замирида вужудга келди ва уларнинг қўпларига нисбатан янги, ёш фан. Бухгалтерия ҳисоби фаннинг вужудга келганига беш асрдан ошган бўлса, иқтисодий таҳлил фанининг вужудга келганига энди юз йилдан ошди. Ушбу фан Ўзбекистонда XX асрнинг 60 йилларида пайдо бўла бошлади.

Аммо мустақилликни қўлга киритганидан кейин иқтисодий таҳлил фани мазмуни ва таркиби жиҳатидан тубдан ўзгарди. Олдин, режали иқтисодиёт шароитида барча фанлар сингари иқтисодий таҳлил фани ҳам режанинг бажарилишини назорат қилиш, унга таъсир этувчи омилларни аниқлаш, юқоридан кўр-кўрона туширилган, режани асослашга қаратилаган эди.

Энди иқтисодий таҳлил ҳақиқатда хўжалик юритувчи субъектларга, мулк ва иш эгаларига ҳизмат қиладиган бўлди. Олдин корхона хўжалик фаолияти юқори ташкилот ва давлат нуқтаи назаридан таҳлил қилинган бўлса, энди бевосита шу корхона, унинг меҳнат жамоаси ва мулк эгаси нуқтаи назардан таҳлил қилинадиган бўлди. Бироқ барча ҳолда ҳам давлатнинг манфаати ҳисобга олинади. Чунки корхона билан давлат ўртасидаги алоқа олдин маъмурий буйруқ бозликга асосланган бўлса, энди эркин ўзаро манфаатли иқтисодий муносабатларга асосланади.

Олдингидек корхоналарга маҳсулот етиштириш учун режа топширигини бермайди, балки давлат шартнома асосида буюртма беради ва унга келишилган нархда пул тўлайди. Корхона эса ўзининг қилган фойдасини давлатга тўлаб беради.

Иқтисодий жараёлар ва муносабатлардаги бундай ўзгаришлар ҳар бир фан ва иқтисодий механизмлар мазмунини сифат жиҳатидан янгилашни, тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо қилмокда. Бироқ

шундай мураккаб даврда жуда кўп фанлар ўз заруриятини йўқотади ва барҳам топади. Масалан, халқ хўжалигини ривожлантириш асослари, корхона иқтисоди (режага асосланган иқтисод ва х.к. Аммо бозор муносабатлари шароитида иқтисодий таҳлил фанининг аҳамияти янада ошади. У корхона раҳбари учун хўжаликни бошқаришда асосий дастак сифатида намоёна бўлмоқда.

Шу жиҳатдан иқтисодий таҳлил фани бошқа фанлар билан ўзвий алоқада бўлиши билан бирга улар ўртасида ўзига хос ўринга ҳам эга. Шу эътироф этиш керакки, ушбу фан фақат иқтисодий фанлар билан эмас, балки иқтисодиётга оид бўлмаган фанлар билан ҳам ўзвий боғлиқдир. Буларнинг таснифи қўйидаги чизмада келтирилган (19.1-чизма).



19.1 - чизма. Иқтисодий таҳлил фанининг бошқа фанлар билан алоқадорлигининг таснифи.

19.2. Иқтисодий таҳлилнинг бошқаришда тутган ўрни

Иқтисодий таҳлил бошқаришининг асосий функциясидан бири сифатида тан олинган. У бошқариш учун тегишли ахборотларни тайёр ҳолга келтириб, етказиб беради.

Жамиятда, хусусан, корхоналарда ҳам содир бўлаётган иқтисодий жараёнлар дастлаб бухгалтерия, статистика ва тезкор ҳисоб ва ҳисоботларда қайт қилинади, умумлаштирилади. Бу ахборотлар бошқариш учун жуда зарур маълумотлардир. Аммо улар ҳали хом ашё. Уни яхшилаб ишлаб, бир тизимга келтириб бошқарув қарорларини қабул қилиш учун тайёрлаш керак. Бундай вазифани иқтисодий таҳлил бажаради. У хом ашёдан бошқариш учун тайёр маҳсулот ишлаб чикади. Шу туфайли у юқорида қайд қилинган ҳисоб ва ҳисобот тизимлари ва бошқарув ўртасида воситачи ролини бажаради.

Иқтисодий таҳлил тегишли ахборотларни шу ҳисоб маълумотларидан олади. Уларни қайта ишлаб бошқарувга топширади ва ўз навбатида бошқарувидан янги топшириқлар олади. Учала ҳисоб ҳам корхонанинг режаси билан бевосита боғлиқ. Бу учун ҳисоб маълумотлари яна иқтисодий таҳлилда қайта ишланиб корхона фаолиятини режалаштириш учун тегишли ахборотлар йиғиб, тайёрлаб беради. Режа маълумотларини эса ҳақиқий ҳисобот маълумотлари билан солиштириб яна бошқарувга тегишли ахборотларни етказиб беради.

Бозор иқтисодиёти шароитида яна бир янги фан аудит фани вужудга келди. Бу нодавлат холис ташкилотнинг назарий ва амалий ҳаракатини ўргатадиган фандир. Аудит орқали бухгалтерия ҳисоботининг таркибий қисми бўлган молиявий ҳисоботдаги кўрсаткичларнинг ҳақиқийлиги, қонунийлиги тасдиқланди.

Аудит билан иқтисодий таҳлил бошқарув тизимида бир-бири билан узвий алоқада. Аудит хулосасини чиқариш учун иқтисодий таҳлил усулларидан фойдаланса, иқтисодий таҳлил жараёнида аудит маълумотларидан ҳам фойдаланилади.

Ушбу фанлар ўртасидаги боғлиқлик ва бошқарув тизимида иқтисодий таҳлилнинг ўрнини қуйидаги чизмада кўриш мумкин (19.2-чизма).



19.2 - чизма. Таҳлил фанининг иқтисодий фанлар ўртасида тутган ўрни

19.3. Иқтисодий таҳлилнинг иқтисодиётга оид фанлар билан боғлиқлиги

Юқоридаги чизмадан кўриниб турибдики иқтисодий таҳлил фани бевосита иқтисодий назария фани билан боғлиқ. Иқтисодий назарий жамиятда содир бўлаётган иқтисодий жараёнларининг маълум қонуниятларини, уларнинг характерланиш ва амал қилиш йўлларини ўргатади. Бу эса унинг барча иқтисодий фанлар учун, жумладан, иқтисодий таҳлил фани учун ҳам методологик асос эканлигини таъминлайди. Иқтисодий таҳлил эса шу қонунларнинг микро иқтисодиёт (корхона, фирма, бирлашма кабилар) кўламида содир бўлиш ва амал қилиш жараёнини ўргатади. Бунда иқтисодий назария фанининг илмий-методологик жиҳатларидан фойдаланилади. Иқтисодий таҳлил ўз навбатида иқтисодиётда содир бўлаётган жараёнларни чуқур ўрганиш билан иқтисодий назария фанининг ривожланиши учун ҳам асос яратиб беради. Шу туфайли бу фанлар бир-бири билан узвий боғлиқликда. Уларнинг боғлиқлигини қуйидагича ифодалаш мумкин:

Иқтисодий назария		**Иқтисодий таҳлил**
Макро кўламда содир бўлган, бўладиган бўлаётган, иқтисодий жараёнларнинг назарий жиҳатини ўрганади.	→	Микро кўламда содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган иқтисодий жараёнларнинг амалий жиҳатини ўргатади.

Иқтисодий таҳлил фани бухгалтерия ҳисоби билан ҳам узвий боғлиқ. Бу фанлар мазмун ва моҳияти жиҳатидан аниқ амалий фанлар гуруҳига киради. Таҳлил бухгалтерия ҳисобининг навбатдаги босқичи сифатида унинг мантиқий давоми бўлиб ҳисобланади.



Бухгалтерия ҳисобининг вазифаси бухгалтерия ҳисоботини тузиш, ахборотларини умумлаштириш билан тугайди. Шу ҳисоботлар ва бошқа ахборотлар асосида содир бўлган ва бўладиган иқтисодий жараёнлар ўрганиш билан иқтисодий таҳлил шуғулланади. Таҳлилда хўжалик фаолиятининг ҳақиқий натижаси режадаги, меъёрлардаги, ўтган даврлардаги кўрсатгичлар билан солиштирилиб, тегишли фарқлари аниқланади. Унга таъсир этувчи омиллар ҳисобланади, тегишли хулоса қилиниб, ички имкониятлар ахтариб топилади. Шу билан таҳлил ўз вазифасини бажаради.

Таҳлил маълумотларига асосан тегишли бошқарув қарорлари қабул қилинади. Булар ўртасидаги боғлиқлик қуйидаги чизмада ўз аксини топган:

Кўриниб турибдики, иқтисодий таҳлил бухгалтерия ҳисоби билан ҳам, бошқарув билан ҳам икки ёқлама алоқада. Чунки иқтисодий таҳлил бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари маълумотларидан тўлиқ фойдаланиш билан барча тегишли ахборотларни тайёрлаб бериш лозимлиги тўғрисида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиради. Бухгалтерия ҳисоботидаги асосий кўрсатгичлар қуруқ ҳисобот учун эмас, балки таҳлил қилиб шу корхона аҳволини билиш ва уни бошқаришга мўлжалланган.

Ўз навбатида иқтисодий таҳлил бошқарувга тегишли ахборотларни етказиб, тайёрлаб бериш билан бирга бошқарувдан тегишли буюртмаларни ҳам олади. Иқтисодий таҳлил фақат таҳлил қилиш учун эмас, балки бошқарув учун энг зарур ахборотларни етказиб, тайёрлаб бериш учундир. Шундай қилиб, у

бухгалтерия ҳисобидаги ахборотлар хом ашёсини бошқарув учун тайёр ҳолига келтириб беради.

Яхши бухгалтерия ҳисоботи унинг чиройлилиги билан эмас, балки таҳлилийлиги билан белгиланади. Таҳлил учун ахборотлар аниқ, тушунарли ва тўғри бўлиши керак. Нотўғри ахборотдан нотўғри хулоса чиқарилади. Нотўғри хулоса нотўғри бошқаришга олиб келади. Оқибатда корхонанинг иқтисодий инқирозига асоаий сабаб бўлади.

Иқтисодий таҳлил фани статистика фани билан ҳам бевосита боғлиқ. Статистикада иқтисодий кўрсаткичларни аниқлаш усуллари ўргатилса иқтисодий таҳлилда шу кўрсаткичлардан таҳлил қилиш учун фойдаланилади. Статистик ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари ҳам иқтисодий таҳлил учун ахборот манбаи бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, иқтисодий таҳлил жараёнида бирқанча статистик усулардан фойдаланилади.

Статистика ижтимоий-иқтисодий жараёнларни асосан макро иқтисодиёт даражасида талқин қилса, иқтисодий таҳлил уларни микро иқтисодиёт даражасида ўрганади. Статистика йирик бир тўпламлар, гуруҳларни ўрганса, иқтисодий таҳлил асосан якка яхлит олинган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ўрганиш билан чекланади.

Демак, статистика ва иқтисодий таҳлил фанлари бир-бири билан узвий алоқада бўлиши билан бирга, уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга. Булар ўртасидаги боғлиқлик қуйидагича ифодаланади.

Статистика	→	**Иқтисодий таҳлил**
Кўрсаткичларни аниқлаш усулларини кўрсатиб беради		**Кўрсаткичларни таҳлил қилиш усулларини кўрсатади**

Иқтисодий таҳлил фани молия ва кредит фани билан ҳам мустаҳкам алоқада. Корхоналарда содир бўлаётган иқтисодий жараёнларни молиявий маблағ билан таъминлаш, агар ўз маблағлари етарли бўлмаса қанча кредит олиш ва унга қанча фоиз тулаш каби пул муносабатлари билан молия ва кредит фани шуғулланади. Уларнинг мақсадга мувофиқ ишлаётганлиги, самарадорлигининг ошиши каби муҳим жиҳатлари билан иқтисодий таҳлил

фани шуғулланади. Бу ерда икки фаннинг ҳам ўрганиш объекти (молиявий маблағлар) бир хил. Аммо биринчисида ушбу категориянинг мавжудлиги ва таъминоти ўрганилса, иккинчисида унинг ишлатилиши ўрганилади. Шу жиҳатдан ҳам улар бир-бири билан узвий боғлиқликда .

Шунигдек, мутахассис иқтисодий таҳлил қилиши учун молиявий унсурларни, кредит муносабатларини яхши билиши лозим. Ўз навбатида корхонани молиялаштириш кредитдан самарали фойдаланиш учун таҳлил натижаларидан ҳам кенг фойдаланиши лозим. Шундан ҳам кўриниб турибдики, моли ва кредит иқтисодий таҳлил билан икки ёқлама узвий алоқада. Бу қўйидаги чизмада ўз аксини топган.



Иқтисодий таҳлил менежмент фани билан ҳам узвий боғ-ликдир. Бу ҳақда унинг бухгалтерия ҳисоби билан боғлиқлигини кўрганда қисман тушунча берилган эди. Менежментда бошқарув қарорлари қабул қилинади. Бу учун у иқтисодий таҳлил натижа-ларидан ва усулларидан фойдаланади. Бундан ташқари менеж-ментда функционал қиймат таҳлили, мантиқий эвристик таҳлил, фикрлар ҳужуми каби таҳлилнинг шакллари ва усулларидан ҳам фойдаланилади.

Бозор иқтисодиёти ўта мураккаб иқтисодий жараён. Бу ша-роитдаги корхонанинг аҳволини яхши ўрганиш ва одилона бош-қариш учун иқтисодий таҳлил усулларини ҳам узлуксиз такомил-лаштириб бериш лозим. Бу эса унинг ноанъанавий усулларини ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Иқтисодий таҳлил менежмент учун ахборот тайёрлаб берар экан у шу фаннинг асосий талаб ва тамойилларини билиши лозим. Менежмент ҳам иқтисодий таҳлилнинг фақат натижаларидан эмас, балки усулларидан ҳам кенг фойланади. Демак, ушбу фанлар ҳам бир-бири билан икки томонлама узвий боғлиқ. Буларнинг боғлиқлиги қўйидагича ифодаланилади:



Иқтисодий таҳлил менежмент учун ахборот тайёрлаб берар экан у шу фаннинг асосий талаб ва тамойилларини билиши лозим. Менежмент ҳам иқтисодий таҳлилнинг фақат натижаларидан эмас, балки усулларидан ҳам кенг фойланади. Демак, ушбу фанлар ҳам бир-бири билан икки томонлама узвий боғлиқ. Буларнинг боғлиқлиги қўйидагича ифодаланилади:



Иқтисодий таҳлил фани маркетинг фани билан ҳам боғлиқ . Маркетинг истеъмолчилар (бозор) талабидан келиб чиқиб ишлаб чиқариш ва сотишни йўлга қўядиган товар ҳаракати билан боғлиқ фан. У бозорни, истеъмолчилар талабини ўрганиш учун иқтисодий таҳлил усулларидан кенг фойдаланади. Ҳатто баъзи адабиётларда маркетинг фаолиятининг иқтисодий таҳлилини “Маркентинг таҳлили” ҳам деб талқин қилади. Ҳақиқатда эса у маркетинг таҳлили эмас, балки маркетингда қўлланиладиган иқтисодий таҳлилнинг бир қисми ёки усули бўлиб ҳисобланади.

Корхона фаолияти кўп қиррали, кенг қамровли. Унинг фаолияти мазмуни жиҳатидан ишлаб чиқариш фаолияти, молиявий фаолият, иш фаолияти, бозор фаолияти каби фаолиятларга бўлинади. Уларнинг ҳамма қирралари иқтисодий таҳлилда таҳлил қилинади, ўрганилади. Демак, корхонанинг маркетинг фаолияти ҳам иқтисодий таҳлилнинг объектига киради.

Маркетинг фаолияти иқтисодий таҳлил қилинар экан, демак, таҳлилчи маркетинг сирларини билиши, маркетинг эса ўз навбатида иқтисодий таҳлил усулларидан хабардор бўлиши лозим.

Демак, иқтисодий таҳлил ва маркетинг бир-бири билан узвий боғлиқ экан. Булар ўртасидаги боғлиқлик қуйидагича ифодаланади:



Иқтисодий таҳлил фани Аудит фани билан ҳам узвий боғлиқдир. Аудит фани ва фаолияти бизга бозор иқтисодиётига ўтишимиз муносабати билан кириб келди. Шу туфайли аудит бизга янги фан сифатида ўзимизга хос ҳолда шаклланмоқда. Чунки дунё тажрибаси учун аудит фани янги фан эмас. У Италия, Буюк Британия каби мамлакатларда XIV- XVI асрларда қўлланилиб бошланган.

Ҳозирги пайтда аудит фани Ўзбекистонда шаклланиш босқичини ўтмоқда. Бу борада ҳали турли фикрлар мавжуд. Бир гуруҳ олимлар аудитни олдинги тафтиш билан тенглаштирса, иккинчи гуруҳ олимлар аудит бу хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш орқали унга ташхис қўйиш деб баҳоламоқда. Учинчи гуруҳ олимлар уни нодавлат холисона ташкилот бўлиб молиявий ҳисоботда ифодаланган кўрсаткичларнинг реаллигига баҳо беради деб айтадилар.

Бундай турли фикрларга асос бор. Чунки жуда кўп ташкилотлардаги тафтиш бўлимлари аудитор фирмаларига айлантирилиб ҳамон тафтиш билан шуғулланмоқда. Баъзи бир гуруҳ аудиторлар хўжалик фаолиятини батафсил таҳлил қилиб , унинг молиявий-хўжалик фаолиятига атрофлича баҳо бериб, ички имкониятларини ахтариб топиб, самарадорликни ошириш йўлларини кўрсатиб бермоқдалар. Учинчи гуруҳ аудиторлар эса ҳақиқатда молиявий ҳисоботнинг реаллигини исботлаш билангина чегараланиб қолмоқда. Яна баъзи аудиторлар борки, улар солиқ ва башқа тўловларнинг тўғри ҳисобланганлигини текшириб шу бўйича маслаҳат бериш билан чекланиб қолмоқдалар. Кўриниб турибдики, аудиторлик амалиёти ҳам , унинг назарияси ҳам ҳали тўлиқ шаклланган эмас.

Аммо шуни эътироф этиш керакки, аудитор ўз хулосасини тўғри ва асосли қилиб бериши учун ҳар қандай ҳолда ҳам хўжалик фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиши лозим. Таҳлилчи ҳам ўз

навбатида аудит талабларини, тамойилларини билиши керак. Чунки аудитор хулосаси учун бевосита ана шу таҳлил маълумотлари етарли бўлиши мумкин. Шундай қилиб, аудит ва таҳлил бир-бири билан узвий боғлиқликда. Уларнинг боғлиқлиги қуйидаги чизмада ўз аксини топган.



Иқтисодий таҳлил иқтисодиётга оид фанлар билан ҳам боғлиқ. Лекин биз унга энг яқин ва асосийларигагина тўхталдик холос.

Шуни эътироф этиш керакки, иқтисодий таҳлил жуда кўп ҳолларда фанлар ўртасида кўприк воситасини бажаради. Масалан, бухгалтерия ҳисоби билан бошқарув ўртасида, статистика, тезкор ҳисоблар билан бошқарув ўртасида, аудиторлик хулосаси билан давлат ташкилотлари (солиқ, молия ва ҳ.к.) ўртасида кўприк вазифасини бажаради. Бу жараёнларнинг ҳаммасида таҳлил энг муҳим ҳал қилувчи буғин ҳисобланади. Шу жиҳатдан иқтисодий таҳлил бошқа иқтисодий фанлар ўртасида муҳим ва солмоқли ўринга эга.

Иқтисодий таҳлил иқтисодиётга оид бўлмаган бир қанча фанлар билан ҳам боғликдир.

19.4. Иқтисодий таҳлилнинг иқтисодиётга оид бўлмаган фанлар билан боғлиқлиги

Иқтисодий таҳлил иқтисодиётга оид бўлмаган бирқанча назарий ва фундаментал фанлар билан ҳам узвий боғлиқ.

Булар ўртасида энг юқори ўринда фалсафа фани туради. Фалсафадаги қонунлар ва категориялар бевосита иқтисодий

таҳлил фани учун методологик асос бўлиб хизмат қилади. Бу борада ушбу китобнинг 3-бобида батафсил тўхталганмиз.

Бундан ташқари фалсафада қарама-қаршиликлар ва кураш қонуни бор. Агар уни иқтисодиётга тадбиқ этадиган бўлсак корхоналар ўртасидаги рақобатни қиёс қилиш мумкин. Рақобат корхона маҳсулотининг миқдори ва сифатини оширади, уни нархини туширади. Бу аҳоли фаравонлигининг ошиши учун энг асосий омил бўлиб ҳисобланади. Иқтисодий таҳлилда корхонанинг рақобатбардошлиги, иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлиги баҳоланади ва ўрганилади. Банкротга тушиб қолмаслик чора-тадбирлари ишлаб чиқилади.

Мустақиллик йилларида юртбошимизнинг асарларига назар соладиган бўлсак фалсафага янги қонуният кириб келди. Бу муроса фалсафасидир. Чунки зиддият ҳамиша ҳам самара беравермайди. Кўп ҳолларда ўзимизнинг шарқона, миллий қадриятларимизга таянадиган бўлсак муроса ҳам муваффақият калити. Бу ерда кураш бир-бирини йўқ қилиш учун эмас, балки бир-бирига ҳамкорлик қилиш, ёрдам бериш устида кетади.

Кўпмулкчилик шароитида хусусий мулкка асосланган эркин фаолият кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлар том маънода давлат мулкига асосланган хўжаликлар билан рақобатдадир. Аммо жуда кўп иқтисодий жиҳатдан ночор корхоналарни давлат муросага келиб уларни санация йўли билан моддий, молиявий ва ташкилий жиҳатдан қўллаб қувватлаб турибди. Бу айнан мустақиллик шароитида туғилган иқтисодиётдаги муроса фалсафасига тўғри келади.

Корхонанинг ночорлиги эса айнан шу иқтисодий таҳлил билан аниқланади. Демак, иқтисодий таҳлил фалсафа фани билан ҳам бевосита, ҳам билвосита алоқада экан. Иқтисодий таҳлилни иқтисодий фанлар фалсафаси дейиш мумкин, чунки иқтисодий таҳлилнинг ҳар бир ҳаракати, унда қилинадиган хулосалар фалсафий тафаккурига , мантиқий усулларга асосланади.

Шундай қилиб, иқтисодий таҳлил фани мантиқ фани билан ҳам узаро алоқада. Иқтисодий таҳлилнинг махсус йўналиши мантиқий таҳлил ҳам мавжуд. Чунки таҳлил қилинаётган кўрсаткичларга таъсир қилувчи барса омиллар ҳам ҳисобга олинавермайди. Натижада унга мантиқий нуқтаи назардан ёндошишга тўғри келади. Бундан ташқари натижа ўзгаришига таъсир қилувчи

омилларнинг кетма-кетлиги, таҳлилнинг босқичлари ҳамма-ҳаммаси маълум мантиқий йўналишга асосланади.

Шу туфайли мантиқ иқтисодий таҳлилда айниқса, хулоса чиқаришда назарий асос бўлиб хизмат қилади. Иқтисодий таҳлилда мантиқ усулларидан фойдаланиш учун фақат битта мантиқ фани эмас, балки психологик системали таҳлил, жараёнларни тадқиқ қилиш каби фанлар усулларидан ҳам фойдаланишни тақозо қилади.

Мантиқий таҳлилда бирқанча усуллар қўлланилади. Булар жумласига "Фикрлар хужуми", идеаллаштириш, тасаввур қилиш, ўхшатиш усулларини, йигирма тўртлик, йигирма бешлик, йигирма олтилик қоидаларини, янги вариантларини ахтариш каби усулларини киритиш мумкин. Бу усуллар ҳақида ушбу китобининг "Функционал қиймат таҳлили методологияси" бобида ёритилган.

Иқтисодий таҳлил фани ҳуқуқ фани билан бевосита боғлиқ. Таҳлил жараёнида ҳуқуқга риоя қилиш ҳам ўрганилади. Иқтисодий таҳлилнинг энг муҳим вазифаларидан бири содир бўлаётган иқтисодий жараёнларнинг ва уларнинг тегишли ҳужжатларда ифодаланишининг ҳуқуқийлигига баҳо беришдан иборатдир. Шу туфайли иқтисодий таҳлил пайтида албатта ҳуқуқий меъёрлардан фойдаланилади. Ҳуқуқ ҳам ўз навбатида таҳлилнинг кўп усулларига таянади.

Иқтисодий жараёнларнинг ҳуқуқийлигини таъминлаш учун ҳам уни ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилинади. Жиноятнинг очилишига эса асосий усуллардан бири мантиқий таҳлил усулларидир. Хуллас, таҳлил билан ҳуқуқ ҳам маълум даражада бир-бири билан узвий боғлиқ экан.

Иқтисодий таҳлил математика фани билан ҳам боғлиқ. Ҳозирги пайтда бир томондан, иқтисодий жараёнлар ўта мураккаблашиб бормоқда, иккинчи томондан эса, ўта мураккаб жараёнларни ҳам ўрганиш, уларни маълум тартибга солиш учун техник имкониятлар ҳам, айниқса, компьютер технологияси вужудга келмоқда. Бу икки объектив шароит ҳам иқтисодий таҳлилда математик усуллардан кенг фойдаланишни тақозо қилади. Чунки математика ҳам, иқтисодий таҳлил ҳам содир бўлаётган жараёнларнинг миқдорини ўрганишга қаратилгандир.

Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган кўрсаткичлар асосан тез ўзгариб турувчи миқдорлардир. Уларнинг ўзгариши, юқорида

таъкидланганидек, ўз - ўзидан содир бўлмайди. Уларга бирқанча объектив ва субъектив омиллар таъсир қилади. Айнан шу омиллар таъсирини аниқлашда математик усуллардан кенг фойдаланилади.

Ўз навбатида математика ҳам турли йўналишлар бўйича ривожланмоқда. Энг аввало, абстракит далилларга асосланган мумтоз назарий математика бўлса, ҳозирги пайтда амалиётда кенг қўлланилиб келинаётган амалий математика ҳам тез ривожланмоқда. Шу амалий математика бошқа соҳалар билан бирга иқтисодиёт соҳасини ўрганишга ҳам изчиллик билан кириб келмоқда. Бу асосан унинг иқтисодий таҳлилда қўлланилишида намоёна бўлмоқда.

Иқтисодий таҳлил фани иқтисодиётга оид бўлмаган фанлардан бири технология фани билан ҳам боғлиқ. Иқтисодий кўрсаткичларни таҳлил қилишда унинг камлиги ёки кўплиги қандай технологиядан фойдаланилаётганлигига боғлиқ. Айниқса, ишлаб чиқариш соҳасини таҳлил қилиш учун энг аввало, унинг қандай технологияга асосланганлигини билиш лозим. Шу туфайли таҳлилчи, технология фанини ва технологик жараёнларнинг сир-синоатларини билишни тақозо қилади.

Ўз навбатида технологик жараён ҳам узлуксиз такомиллашиб боришни, самарадорлигининг ошишини талаб қилади. Бу эса уни чуқур таҳлил қилишни тақозо қилади. Шу туфайли бу икки фан ҳам маълум даражада бир-бири билан ўзвий боғлиқ экан. Масалан, ҳозирги пайтда кўп мамлакатларда технологик жараённи таҳлил қилиш ва уни такомиллаштириш учун функционал - қиймат таҳлилидан кенг кўламда фойдаланмоқдалар.

Иқтисодий таҳлил математика фанининг бир бўлаги бўлган дастурлаш фани билан ҳам ўзвий боғлиқдир. Чунки ҳозирги пайтда иқтисодий юксалиш учун бир хил андоза қилиб бўлмайди. Иқтисодий жараёнлар қанчалик кўп ва мураккаб бўлса уни ифодаловчи кўрсаткичлар ҳам шунча кўп ва мураккабдир. Шундай шароитда ҳар бир корхона раҳбари, менежери кўп вариантли қарорларни ишлаб чиқара олиши ва ундан энг қулайини (оптималини) танлаб олиши лозим. Бундай натижага иқтисодий таҳлилга дастурлаш фанини қўллаб эришиш мумкин.

Дастурлаш ҳам ўз навбатида миқдорий ва мантиқий таҳлил усулларидан кенг фойдаланади. Шу жиҳатдан бу икки фан ўртасида ҳам ўзвий боғлиқлик бор.

Иқтисодий таҳлил жараёнида кўп нарсанинг ҳажмини, майдонини, садҳини, оғирлиги, узунлиги, энлилиги каби бирликларни ўлчашга тўғри келади. Бунда албатта геометрия фанининг усулларидан фойдаланилади. Демак, иқтисодий таҳлил фақат иқтисодий фанлар билан эмас, балки иқтисодиётга оид бўлмаган бир қанча бошқа фанлар билан ҳам ўзвий алоқада экан.

Иқтисодий таҳлил бошқа фанларнинг усуллари, тамойиллари ва мақсадларидан фойдаланиш билан бирга ўзининг тайёр ахборотлари, усуллари ва йўналишлари билан шу фанларнинг ривожланишига ҳам маълум даражада таъсир қилади.

Оламда табиат, жамият ва инсон тафаккурида содир бўлаётган жараёнлар бир-бири билан ўзвий алоқа ва боғлиқликда бўлгани каби уларни ўрганувчи турли фанлар ўртасида ҳам мустаҳкам боғлиқлик ва алоқалар мавжуд экан. Демак, ҳамма нарса дунёда бир-бири билан диолектик боғлиқликда. Бундай концепция иқтисодий таҳлилнинг назарий асосини ташкил қилади.

Ўзини-ўзи текшириш ва такрорлаш учун саволлар

1. Иқтисодий таҳлилнинг бошқа фанлар ўртасида тутган ўрни.
2. Иқтисодий таҳлил фанининг бошқа фанлар билан алоқаси.
3. Иқтисодий таҳлилининг бошқаришда тутган ўрни.
4. Иқтисодий таҳлилнинг иқтисодиётга оид фанлар билан боғлиқлиги.
5. Иқтисодий таҳлил фанининг иқтисодиёт назарияси билан боғлиқлиги.
6. Иқтисодий таҳлил фанининг менежмент билан боғлиқлиги.
7. Иқтисодий таҳлил фанининг маркетинг билан боғлиқлиги.
8. Иқтисодий таҳлил фанининг хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти фани билан боғлиқлиги.
9. Иқтисодий таҳлил фанининг молия ва кредит фани билан боғлиқлиги.
10. Иқтисодий таҳлил фанининг режалаштириш фани билан боғлиқлиги.
11. Иқтисодий таҳлил фанининг корхона иқтисодиёти фани билан боғлиқлиги.

12. Иқтисодий таҳлил фанининг тармоқлар иқтисодиёти фани билан боғлиқлиги.

13. Иқтисодий таҳлилнинг иқтисодиётга оид бўлмаган фанлар билан боғлиқлиги.

14. Иқтисодий таҳлил фанининг фалсафа фани билан боғлиқлиги.

15. Иқтисодий таҳлил фанининг математика фани билан боғлиқлиги.

16. Иқтисодий таҳлил фанининг экология фани билан билан боғлиқлиги.

20-боб. ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

20.1. Иқтисодий таҳлилни ташкиллаштириш босқичлари

Иқтисодиётни стратегик ривожлантириш жараёни, ташкилий механизмларнинг такомиллашиши, ислоҳотларнинг тобора чуқурлашиб бориши ҳар бир иқтисодий жараённи чуқур таҳлил қилишни тақозо қилмоқда. Чунки мулкдор иқтисодий жараёнда асосий субъект сифатида иштирок этади. У ўз мулкининг кўпайишидан, кўпроқ фойда олишидан манфаатдир. Бунга ўз-ўзидан эришиб қолмайди. Бу учун тадбиркорлик, изчиллик, зийраклик ва ақл билан иш кўриш лозим.

Ҳозирги шароитда иқтисодиёт субъектлари асосан турли мулк шаклида фаолият кўрсатаётган корхоналарда иборат. Бу эса ўз навбатида, мулкининг ҳолатини, ишлатилиши ва сақланишишни таҳлил қилишни тақозо қилади. Таҳлил асосан корхонанинг ходимлари томонидан амалга оширилади. Шу нуқтаи назардан, иқтисодий таҳлил кимга керак бўлса, ўшалар томонидан амалга оширилади. Бу биринчи галда, ўз мулкини тиккан мулкдор учун керак.

Мулкдор ўз мулкини ишлатиш учун турли корхоналарга эга бўлиши мумкин. Бу эса бошқа кишиларни, мутахассисларни, ходимларни ёллашига тўғри келади. Улар меҳнат жамоасини ташкил қилади. Корхонанинг яхши, самарали ишлаши меҳнат жамоасининг фаровонлигини таъминлайди. Уларни барқарор иш билан таъминлайди. Корхона қанча кўп даромад қилса меҳнат жамоаси аъзолари шунча кўп меҳнат ҳақи олади. Бу эса меҳнат жамоасининг ўзлари ишлаётган корхона хўжалик фаолиятини мунтазам таҳлил қилиб боришни тақозо қилади. Демак, иқтисодий таҳлил бевосита меҳнат жамоаси учун ҳам керак экан.

Жамият тараққиётининг барча босқичларида ҳар бир корхонанинг, яъни хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти натижасидан давлат ҳам манфаатдор. Чунки ҳар бир корхона ўз мулкидан, қилган обороти ва олган фойдасидан солиқ тулайдилар.

Шу туфайли давлат номидан солиқ идоралари ҳам корхона фаолиятини чуқур таҳли қилиб боришдан манфаатдир. Демак, иқтисодий таҳлил солиқ идоралари ходимлари учун ҳам керак экан.

Кўриниб турибдики, иқтисодий жараённинг, яъни корхона ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти натижасидан ким манфаатдор бўлса у мазкур субъект фаолиятини ўрганишга, таҳлил қилишга қизиқади. Шундай қилиб, иқтисодий таҳлил инвесторларга, ҳамкорларга, бирлашмаларга, уюшмаларга, суғурта, банк, молия идораларига ҳам керак экан.

Иқтисодий таҳлил қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

1. Таҳлил ишларини амалга ошириш режаси тузилади, бунда қайси масалалар қандай ва ким томонидан ўрганилиши, қайси масалаларга алоҳида аҳамият бериш лозимлиги аниқ кўрсатилади.

2. Таҳлил қилиш учун тегишли маълумотлар тўпланади. Бунда ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари билан бирга, турли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, режа ва бошқа кўрсаткичлар ҳозирланади.

3. Корхонанинг умумий ҳолати баҳоланади. Бунда кўрсаткичлар режасининг қандай бажарилганлиги, шу кўрсаткичларнинг ўзгариш тенденцияси қандай бўлганлиги каби масалалар ўрганилади.

4. Корхонада таҳлил қилинган кўрсаткичлар ўзгаришига (режага нисбатан ва динамикасининг ўзгариши) таъсир қилувчи омиллар аниқланади ва ушбу омилларнинг таъсири ҳисобланади. Омиллар ижобий ва салбий бўлиши мумкин. Шу туфайли уларга иқтисодий таҳлилнинг усуллари ёки математик методлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

5. Омилли таҳлил натижасида тегишли имкониятлар ахтариб топилади ва булар асосида тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

6. Белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун тегишли бошқарув қарорлари қабул қилинади.

20.2. Иқтисодий таҳлил билан ким шуғулланади

Одатда кимга нима керак бўлса ўша шу иш билан шуғулланади. Аммо ҳар бир корхонада махсус мутасадди шахслар борки, уларга хўжаликни бошқаришда у ёки бу соҳа топширилган бўлади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида иқтисодий таҳлил билан корхонадаги деярли ҳамма мутахассислар шуғулланади. Аммо ҳаммаси ҳам корхона тўғрисида жамланган батафсил ахборотга эга эмас. Ҳамма ўзи бажараётган у ёки бу соҳа бўйича ахборотга эга. Шу жиҳатдан ҳамма ўзининг соҳасини мунтазам таҳлил қилиб борадилар.

Лекин шуни эътироф этиш керакки, хўжалик фаолияти тўғрисида бутун фаолиятни ўзида жамлаган ахборотлар бухгалтерияда тўпланади ва қайта ишланади. Шу туфайли корхонанинг комплекс иқтисодий таҳлили билан бухгалтерия ходимлари, бевосита бош бухгалтерлар шуғулланадилар. Чунки унда корхонанинг хўжалик фаолиятини ифодаловчи барча кўрсаткичлари мавжуд. Улар молиявий ҳисоботларда ўз аксини топганлар. Иқтисодий таҳлил учун асосий маълумот манбаи бўлиб молиявий ҳисоботда ифода этилган кўрсаткичлар ҳисобланади. Уларнинг комплекс таҳлили билан бош бухгалтерлар шуғулланади. Аммо алоҳида соҳалари бўйича таҳлил кимга керак бўлса ўшалар шуғулланадилар. Таҳлил таҳлил қилиш учун эмас, балки керак соҳани ўрганиш учун қилинади. Жумладан, иқтисодчилар иқтисодий жараёнларнинг қандай кечаётганлиги, иқтисодий кўрсаткичлардаги аҳволнинг ўзгариши каби масалалар билан иқтисодчилар шуғулланса, молия бўлими ходимлари пул муомаласи билан боғлиқ масалаларни улар олиб борилади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, кимга нима керак бўлса у шу соҳани таҳлил қилиш билан шуғулланар экан. Кадрлар бўлими, ходимлар фаолияти билан боғлиқ кўрсаткичларни таҳлил қилиш билан шуғулланади. Шу сингари бошқа соҳа мутасаддилари ҳам ўзларининг қисмларини таҳлил қилади.

20.3. Иқтисодий таҳлилда ўрганиладиган кўрсаткичлар

Корхоналар хўжалик фаолиятини чуқур ўрганиш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

* корхоналарнинг ташкилий-техник ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар
* ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ кўрсаткичлар
* молиявий натижалар билан боғлиқ кўрсаткичлар

* корхонанинг иқтисодий салоҳияти (потенциали) билан боғлиқ кўрсаткичлар

* корхонанинг молиявий салоҳияти (потенциали) билан боғлиқ кўрсаткичлар

* корхонанинг тўловга қодирлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар

* корхонанинг молиявий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар

* корхонанинг мустақиллигини ифодаловчи кўрсаткичлар

* корхонанинг иқтисодий ночорлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар

* корхонанинг фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар

Корхонанинг ташкилий-техник ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларга унинг ташкилий ҳолатини, техник таъминот даражасини ва ишлаб чиқариш жараёнининг технологик ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар киради. Буларнинг тасвири қуйидаги чизмада ўз аксини топган (20.1-чизма).

Корхонанинг маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариши ва сотиши билан боғлиқ кўрсаткичлари ҳам таҳлилда муҳим ўрин эгаллайди. Буларга маҳсулотни (иш,хизматни) ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ кўрсаткичлар тизими киради. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ кўрсаткичларга ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат) ҳажми (натурал миқдори ва қийматида), товар маҳсулоти кабилар киради.



20.1 - чизма. Корхонанинг ташкилий-техник ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар

Ҳозирги эркин иқтисодиёт шароитида маҳсулотни (иш, хизматни) ишлаб чиқариш масаланинг бир томони. Энг асосийси

уларни сотишдир. Шу туфайли иқтисодий таҳлилда маҳсулотни (иш, хизматни) сотиш ҳажми муҳим аҳамиятга эга. Шу туфайли кўпгина ҳисоботларда фақат сотилган маҳсулот ҳажми кўрсатилади, холос. Ушбу кўрсаткичлар тизими қуйидаги чизмада ифода этилган (20.2-чизма).



20.2-чизма. Маҳсулотни (иш, хизматни) ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ кўрсаткичлар

Молиявий натижалар билан боғлиқ кўрсаткичлар иқтисодий таҳлилда ўрганиладиган асосий кўрсаткичлардир. Булар таркибига даромадлар, харажатлар, фойда ва рентабеллик билан боғлиқ кўрсаткичлар киради. Ўз навбатида даромадларнинг ҳам бирқанча турлари бор. Худди шундай харажатлар ҳам, фойда ва рентабеллик кўрсаткичлари ҳам турлича. Қайси кўрсаткични қўллаш таҳлилнинг қайси соҳани ўрганишига ва нима мақсадда амалга оширишига боғлиқ. Ушбу кўрсаткичлар боғлиқлиги қуйидаги чизмада ифода этилган (20.3-чизма).



20.3-чизма. Молиявий натижалар билан боғлиқ кўрсаткичлар тизими

Даромадларни ифодаловчи кўрсаткичларга ялпи даромад, асосий фаолиятдан олинадиган даромад, молиявий фаолият даромади, тасодифий даромад каби кўрсаткичлар киради. Харажатларнинг ҳам бирқанча турлари бор. Бу харажатлар тўғрисидаги Низомда ўз аксини топган. Фойда ва рентабеллик кўрсаткичлари

ҳам турлича. Масалан активлар таҳлил қилинса активлар рентабеллиги, харажатлар самарадорлиги таҳлил қилинса харажатлар рентабеллиги, меҳнат кўрсаткичлари таҳлил қилинса меҳнат рентабеллиги каби кўрсаткичлар аниқланади.

Корхонанинг иқтисодий салоҳияти (потенциали) билан боғлиқ кўрсаткичлар ҳам иқтисодий таҳлилда кенг қўлланиладиган муҳим кўрсаткичлардир. Ушбу кўрсаткичларнинг ҳажми корхонанинг молиявий хўжалик фаолияти тўғрисида батафсил маълумот беради. Ушбу гуруҳ кўрсаткичларга асосий воситалар, айланма маблағлар, номоддий фаоллар (активлар) ва меҳнат потенциали (салоҳияти) билан боғлиқ кўрсаткичлар киради. Ҳар бир гуруҳ кўрсаткичлар ҳам ўз навбатида бирқанча кўрсаткичларни ўз ичига олади. Уларнинг қисқача чизмаси қуйидагича ифода этилган (20.4-чизма).



20.4 -чизма. Корхонанинг иқтисодий салоҳияти билан боғлиқ кўрсаткичлар

Корхонанинг молиявий салоҳияти (потенциали) билан боғлиқ кўрсаткичлар ҳам иқтисодий таҳлилнинг молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш бўлимидаги муҳим кўрсаткичлардан биридир. Чунки улар билан боғлиқ кўрсаткичлар корхона молиявий манбасининг таркиби, унинг ҳолати ва самарали ишлатилишини ифодалайди. Мазкур гуруҳга корхонанинг ўз маблағлари ва унга тенглаштирилган маблағлар ҳамда четдан жалб қилинган узоқ ва қисқа муддатли маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар киради. Ушбу маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар ҳам асосан бухгалтерия балансининг пассив қисмида кўрсатилади. Уларнинг таҳлили мазкур ҳужжатга ва молиявий ҳисоботнинг

бошқа турларига асосан амалга оширилади. Мазкур кўрсаткичлар тизими қуйидаги чизмада ифодаланган (20.5-чизма).



20.5-Чизма. Корхонанинг молиявий салоҳияти (потенциали) билан боғлиқ кўрсаткичлар тизими

Корхонанинг тўловга қодирлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар эркин рақобат шароитида ўта муҳим аҳамиятга эга. Ушбу кўрсаткичлар тизимини таҳлил қилиш орқали ҳамиша корхонанинг банкротлик ҳолатига тушиб қолмаслигининг олдини олишга эришиш мумкин. Ушбу гуруҳ кўрсаткичларга корхона балансининг ликвидлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар, кредитни тўлашга қодирлик билан боғлиқ кўрсаткичлар киради. Уларнинг қисқартирилган чизмаси қуйидагича ифодаланган (20.6-чизма).



20.6-чизма. Корхонанинг тўловга қодирлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар

Корхонанинг молиявий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни ўрганиш корхона фаолиятининг қандай ривожланганлигини бугунги аҳволи қандай ва келажакда қандай бўлиши мумкинлигини ифодалайди. Ушбу гуруҳ кўрсаткичлар тизими қуйидаги беш гуруҳга бўлинади:

* корхонанинг ўз маблағлари (хусусий капитал) билан боғлиқ кўрсаткичлар;

* четдан жалб қилинган маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар;

* ҳаракатдаги маблағлар билан боҳлиқ кўрсаткичлар;

* асосий воситалар билан боғлиқ кўрсаткичлар;

* айланма маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар.

Уларнинг тузилиши қуйидаги чизмада ўз аксини топган (20.7-чизма).

Ушбу гуруҳ кўрсаткичларнинг ҳар бири яна ўз ичига бирқанча кўрсаткичларни қамраб олади. Булар ҳақида бизнинг «Корхоналар молиявий салоҳияти (потенциали) таҳлили» (Самарқанд, СамКИ, 1999.) мавзусидаги маъруза матнида батафсил ёритилган. Худди шунингдек, мазкур масала «Молиявий таҳлил» китобида (Тошкент, «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашр уйи, 1999) ҳам кўриб чиқилган.



20.7-чизма. Корхонанинг молиявий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими

Корхонанинг мустаҳкамлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳам иқтисодий таҳлилнинг таркибий қисмидир. Улар ўз мазмуни ва моҳияти жиҳатидан икки гуруҳга бўлинади:

* корхонанинг иқтисодий мустаҳкамлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар;

* корхонанинг молиявий мустаҳкамлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар.

Ушбу кўрсаткичларнинг боғлиқлиги қуйидаги чизмада ўз аксини топган (20.8-чизма).



20.8-чизма. Корхонанинг мустаҳкамлигини ифодаловчи кўрсаткичлар

Ушбу кўрсаткичлар таҳлили ҳам муаллифнинг «Корхонанинг иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш усуллари» мавзусидаги маъруза матнида (Самарқанд, СамКИ, 1999) атрофлича ёритилган. Бунда корхонанинг иқтисодий мустаҳкамлиги ва молиявий мустаҳкамлигини алоҳида-алоҳида амалий маълумотларни қўллаган ҳолда кўрсатиб берилган.

Корхонанинг иқтисодий ночорлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар ҳам мулкдор ва корхона менежери учун муҳим кўрсаткичлардир. Шу туфайли мазкур гуруҳ кўрсаткичлар ҳам иқтисодий таҳлилнинг таркибий қисмига айланиб бормоқда. Уларга корхонанинг иқтисодий ночорлигини ифодаловчи ва банкротлик эҳтимолини аниқлайдиган кўрсаткичлар тизими киради. Уларнинг боғлиқлиги қуйидаги чизмада келтирилган (20.9-чизма).



20.9-чизма. Корхонанинг иқтисодий ночорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар

Ушбу гуруҳ кўрсаткичлар таҳлили муаллиф томонидан «Молиявий таҳлил» номли китобида (Тошкент «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашр уйи, 1999 - 242-244 бетлар) қисман ёритилган.

Иқтисодий таҳлилда қўланиладиган кўрсаткичлардан яна бири **корхонанинг фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлардир.** Корхона фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар икки йирик гуруҳга бўлинади: корхонанинг иш фаоллигни ифодаловчи кўрсаткичлар ва корхонанинг бозор фаоллигини ифодаловчи

кўрсаткичлар. Ушбу кўрсаткичлар ўз навбатида ўнлаб кўрсаткичларни ўзида жамлаган. Уларнинг қисқартирилган чизмаси қуйидагича ифодаланган (20.10 - чизма).



20.10-чизма. Корхона фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар

Корхона иш фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар ўз навбатида яна уч гуруҳга бўлинади:

* иқтисодий салоҳиятдан фойдаланиш билан боғлиқ кўрсаткичлар;
* молиявий салоҳиятдан фойдаланиш билан боғлиқ кўрсаткичлар;
* корхона фаолияти самарадорлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар.

Корхонанинг бозор фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ҳам унинг турли бозордаги иштироки ва ўрнини белгилаш имконини беради:

* корхонанинг ишлаб чиқариш воситалари, яъни технология бозоридаги фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар;
* корхонанинг хом-ашё бозоридаги фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар;
* корхонанинг меҳнат бозоридаги фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар;
* корхонанинг молия ва инвестиция бозоридаги фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар;
* корхонанинг халқ истеъмоли ва ишлаб чиқариш истеъмоли бозоридаги фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар.

Мазкур кўрсаткичларни баҳолаш ва таҳлил қилиш усуллари ҳам муаллифнинг «Молиявий таҳлил» китобининг 244-186 бетларида ёритилган.

20.4. Иқтисодий таҳлилни амалга ошириш босқичлари

Корхонанинг фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш бу иқтисодий ишларнинг таркибий қисми сифатида ўзининг бошланиши ва адоғига эга. Бу жараён бирқанча босқичлардан иборат:

1. Таҳлилни ўтказишнинг мақсадини аниқлаш ва дастурини тузиш;
2. Ижтимоий-иқтисодий ахборотларни тўплаш
3. Ахборотларни таҳлил мақсади ва вазифасидан келиб чиққан ҳолда қайта ишлаш, тегишли ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва жадваллар тузиш;
4. Жадвал маълумотлари асосида дастлабки хулосалар чиқариш;
5. Хулосани чуқурлаштириш мақсадида лозим бўлган ҳолатларни чуқурроқ ўрганиш учун уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг таъсирини ҳисоблаш;
6. Хўжалик фаолияти ёки ўрганилаётган кўрсаткичлар ҳақида муфассал хулосага келиш;
7. Корхона хўжалик фаолиятини ёки ўрганилаётган кўрсаткични яхшилаш йўлларини ишлаб чиқариш ва шу тадбирларни амалиётга тадбиқ этиш.

Мазкур босқичда таҳлилнинг бошланиши ва адоғигача бўлган жараён кўрсатилди. Амалда доим фаолият кўрсатувчи корхона бўлса таҳлил ҳам ҳар бир ҳисобот тузилгандан кейин ва янги даврни бошлашдан олдин узлуксиз мунтазам равишда ўтказилиб турилади. Унда барча босқичлар айнан шу ҳолатда такрорланиши мумкин. Фақат кўрсаткичларнинг рақамлари ўзгаради. Шу туфайли иқтисодий таҳлилнинг мантиқий кетма-кетлигини таъминлаган ҳолда уни компьютерга киритиш ва таҳлил усулини дастурлаш ҳам мумкин.

Албатта шуни эътироф этиш керакки, таҳлил ишларини дастурлашда ва уни автоматлаштиришда Ўзбекистонда айрим тажрибалар ҳам бор. Бу бўйича И.О.Волжин ва В.В.Эргашбаевларнинг «Молиявий таҳлил» (Тошкент, «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашр уйи, 1998 йил) китобини мисол келтириш мумкин.

20.5. Таҳлил натижаларини расмийлаштириш

Одатда таҳлилни шунчаки таҳлил қилиш учун эмас, балки корхона хўжалик фаолияти тўғрисида батафсил хулосага келиб ва бошқаришни такомиллаштириш учун қилинади. Чунки таҳлил жараёнида ўрганилган кўрсаткичлар, қилинган ҳисоб-китоблар корхона хўжалик фаолиятининг у ёки бу жиҳатинигина ифодалайди. Хўжалик фаолияти тўғрисида тўлиқ тушунчага эга бўлиш учун барча кўрсаткичлар таҳлилини жамлаб уларни умумлаштириш лозим. Улар умумлашгач корхона хўжалик фаолиятининг қайси қисмида яхши натижаларга эришилган, қайси қисмида камчиликларга йўл қўйилгани аниқ бўлади.

Камчиликка йўл қўйилган қисмларга асосий эътиборни қаратиб шу камчиликларни келгусида бартараф қилиш йўлларини ишлаб чиқиш лозим бўлади. Бу жараён иқтисодий таҳлилнинг пировард натижаси ва асосий мақсадидир.

Иқтисодий таҳлил натижаларини чизмаийлаштириш таҳлилнинг муҳим босқичи бўлиб ҳисобланади. Бунда барча ҳисоб-китоблар асосида таҳлилий жадваллар тузилади. Мазкур жадваллар корхона хўжалик фаолиятини тўлиқ ифода этиши лозим. Шунингдек, жадваллар битта корхонада ҳар сафар, корхонанинг бўлинмаларида бир вақтнинг ўзида ягона келишилган шаклда тузилиши лозим. Бундай ёндашув кўрсаткичларни бир-бири билан солиштириш ва умумлаштириш имконини беради.

Жадваллар одатда, эгаси ва кесимига эга. Унинг эгасида асосан кўрсаткичларнинг номи, кесимида эса қайси даврда амалга оширилаётганлиги, уларнинг фарқи, ўзгариш суръатлари каби ифодалар кўрсатилади.

Жадваллар натижа ўзгаришига таъсирини ҳисоблаш жараёнида ҳам тузилади. Бу ҳолда жадвалнинг эгасида таъсир қилувчи омиллар билан бирга натижа кўрсаткичининг номи ифодаланади. Унинг кесимида эса қайси давр натижалари таҳлил қилинаётганлиги, шу даврда юз берган ўзгаришлар ва уларга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш учун ҳисоб-китоб қилинадиган усулларнинг алоқадорлиги кўрсатилади.

Ҳозирги пайтда ҳисоб-китоб ишлари асосан компьютерларда амалга оширилмоқда. Бунинг имконияти жуда катта. Шу туфайли таҳлилда амалга оширилган ҳисоб-китоб натижалари жадваллар

билан биргаликда турли чизмалар ва диаграммаларда ҳам ифода этилмоқда. Бу эса корхона хўжалик фаолиятидаги ўзгаришларни жуда тез илғаш имконини беради. Мазкур усуллар иқтисодий таҳлилнинг у ёки бу жиҳатини аниқлашда қўлланилади. Масалан, чизмалар (графиклар) кўрсаткичларининг динамикасини ифодалашда жуда қўлай. Корхона хўжалик фаолиятидаги таркибий тузилмалар, уларнинг ўзгариши диаграммаларда ифодаланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Чизма ва диаграммаларнинг қулайлиги шундаки, у корхона хўжалик фаолияти натижасини ҳар қандай киши учун ҳам тез ва тушунарли тарзда ифода этади. Масалан, корхонада бешта бўлинма бўлса уларнинг утган йилга нисбатан бирорта кўрсаткичнинг ўсишини устунли диаграмма қилинса энг юқори натижага эришганлиги энг баланд устун сифатида ёққол кўриниб туради. Бу ҳар бир бўлинма ходимларининг ақлий-руҳий кайфиятига ҳам таъсир қилади. Энг юқори устунга эришган бўлинма ходимларида фахрланиш, мағрурлик ҳисси туғилса энг паст устунга эга бўлган бўлинма ходимларида ўз жамоаси учун истироб ҳисси бўлиши мумкин. Униси ҳам буниси ҳам кўрсаткичларни яхшилаш учун курашиш туйғусини ўйғотиши табиий. Бу ички омиллар ўта муҳим, ортиқча маблағ талаб қилмайдиган, аммо корхона хўжалик фаолиятига ижобий таъсир қилиб, уни яхшилайдиган омиллардир.

Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши, ислоҳатларнинг чуқурлашуви корхоналар ўртасида эркин рақобат муҳитини туғдирмоқда. Бу эса ўз навбатида корхона хўжалик фаолиятини тезкор тарзда кундалик натижаларни ўрганиб боришни тақозо қилади. Бу ҳам ҳисоб-китобларга компьютерларни қўллаш натижасида анча осонлашади. Ҳар куни иш кунининг охирисида хўжалик фаолиятининг бир кунлик натижаси қандай бўлганлигини аниқлаш мумкин. Бу эса ютуқ ва камчиликларни жуда тез англаш, ютуқларни кўпайтириш, камчиликларни бартараф қилишга асос бўлади. Таҳлилнинг ушбу шакли бошқарувни ҳам тезкор равишда амалга ошириш имконини беради.

Кунлик натижалар ҳар куни жамланиб борилса ҳисобот даврининг хохлаган кунида қандай натижага эришганлигини билиб олиш мумкин. Масалан, бир ойнинг ўн олтинчи куни қандай натижага эришганлигини кунлик ҳисоботни жамлаб бориш орқали

аниқлаш мумкин. Шу, 16-чи куни қандай натижага эришдик ва ўтган 16 кун мобайнида эришган умумий аҳволимиз қандай деган хулосани чиқариш учун ҳам тегишли ахборот мазкур компьютерда мавжуд бўлади. Бу эса корхона хўжалик фаолиятини тезкор бошқариш, камчиликларни ўз вақтида, ҳисобот даври тугамасдан бартараф қилиш имконини беради.

Агар корхонанинг барча бўлинмаларида компьютерлар ўрнатилган ва улар ягона сетга уланган бўлса бошқаришда янги усулни, яъни қоғозсиз ва жонли мулоқотсиз бошқариш усулини жорий қилиш мумкин. Корхона менежери ҳар бир бўлинмадан тегишли ахборотларни олиб бир жойда умумлаштиради ва хулоса чиқаради. Хулоса натижасида ишлаб чиқарилган чора-тадбирлар ва тегишли топшириқларни ҳам компьютер орқали сет билан жунатиш мумкин. Бу мутахассис ва бўлинма раҳбарларининг турли мажлисларга, йиғилишларга кетадиган вақтини ҳам тежайди.

Ҳисобот даври тугагач таҳлил натижаси тезкор тарзда жадвалларда, чизмаларда, турли диаграммаларда тузилиб қоғозга чиқарилади ва мутахассислар томонидан ёзма равишда хулоса ёзилади. Хулосада барча эришилган ютуқлар билан бирга йўл қўйилган камчиликлар, уларнинг сабаблари ва қандай оқибатга олиб келганлиги кўрсатилади. Айниқса, йўл қўйилган камчиликларда ким айбдорлиги очиқ-ойдин кўрсатилиши лозим. Чунки бу тадбир келажакда мазкур шахснинг шу камчиликка йўл қўймаслигини таъминлайди.

Иқтисодий таҳлилнинг натижалари бўйича тузилган барча ахборотлар, ёзма хулосалар жамланиб корхона раҳбарига, мулкдорга топширилади. Раҳбар таҳлил натижасига асосан бошқарув қарорларини қабул қилади. Қарор қабул қилишда бирқанча мутахассисларни, бўлинмалар раҳбарларини таклиф қилиб чуқур ўйланган ва пухта ишланган бошқарув қарорлари қабул қилинади.

Агар корхона йирик бўлса бошқарув қарорларини қабул қилишда «Фикрлар ҳужуми» усулидан ҳам фойдаланиши мумкин. Бу учун мазкур корхонада ижодий гуруҳ ташкил қилинган бўлиши лозим. Мазкур ижодий гуруҳнинг вазифаси корхона хўжалик фаолиятини яхшилашга қаратилган бўлади. Мазкур масала «Функионал қиймат таҳлили» бўлимида атрофлича ёритилган.

Иқтисодий таҳлил натижалари бошқарув билан бирга аудиторларнинг хулоса чиқариши учун ҳам асос бўлиб хизмат қилади. Аудиторлар олдинги тафтишчилардек тафтиш билан эмас, эндиликда таҳлил билан шуғулланишлари лозим. Шу туфайли таҳлил усулларини, уни амалга ошириш методологиясини бухгалтерлар қанча билса, аудиторлар уларга нисбатан икки карра кўп ва пухта бўлишлари шарт. Зеро, аудиторлик хулосасини чиқариш учун фақат таҳлил натижаларидан фойдаланиш мумкин холос.

Такрорлаш ва ўзини-ўзи назорат қилиш учун саволлар

1. Иқтисодий таҳлилни ташкиллаштириш деганда нима тушунилади?
2. Иқтисодий таҳлил кимга керак бўлса ўша шуғулланади6 демак бу фан кимларга керак?
3. Иқтисодий таҳлил билан ким шуғулланади?
4. Иқтисодий таҳлилни ташкил қилишда қанақа муаммолар мавжуд?
5. Иқтисодий таҳлилда ўрганиладиган кўрсаткичлар нималардан иборат?
6. Иқтисодий таҳлилни амалга ошириш босқичлари қандай?
7. Таҳлил натижалари қандай чизмаийлаштирилади?
8. Иқтисодий таҳлил натижалари бўйича бошқарув қарорлари қандай қабул қилинади?
9. Иқтисодий таҳлилда ўрганиладиган кўрсаткичларни яхшилаш бўйича ички имкониятлар қандай аниқланади?

21-боб. ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИНГ ТУРЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ, УЛАРНИНГ ТАСНИФИ ВА ТАВСИФИ

21.1. Иқтисодий таҳлил турлари ва шакллари тўғрисида тушунча

Иқтисодий таҳлил мазмун ва моҳияти жиҳатидан турли шаклларга хилларга эга. Аммо кўпгина иқтисодий адабиётларда улар фарқланмасдан ишлатилади. Аммо улар мазмун жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади.

Иқтисодий таҳлилнинг тури деганда маълум белгилари, хоссалари, вазифаси ва шу кабилар билан умумий бўлган гуруҳлар ёки бир бутунликни ташкил этган яхлит хиллари тушунилади.

Иқтисодий таҳлилнинг шакли деганда унинг ўзига хос бўлган ташқи кўриниши, сиртқи қиёфаси, билан бирга ўзига хос мазмуни, яъни уни амалга ошириш йўллари, усуллари тушунилади.

Иқтисодий таҳлилнинг тури ва шакли мазмун жиҳатидан бир-бирига жуда яқин, чунки уларнинг иккаласи ҳам таҳлил қилувчининг ўз олдиган қўйган мақсадини амалга оширишга хизмат қилади. Аммо улар бир-биридан маълум белгилари, шакли ва мазмуни бўйича фарқи бор. Таҳлилнинг тури неча хил бўлишидан қатъий назар уларда бир-бирига жуда яқин ва ўхшаш усуллардан фойдаланилади. Таҳлилнинг шаклида эса ҳар бирида ўзига хос усуллар мажмуаси қўлланилиши мумкин.

Иқтисодий таҳлилнинг тури унинг белгилари бўйича гуруҳланади. Бу таҳлилга қайси нуқтаи назардан қарашга боғлиқ. Масалан, иқтисодий таҳлил мазмун жиҳатидан қаралса у глабал, локал ва тематик таҳлилга бўлинади. Буларнинг ҳаммасида бир хил усуллардан фойдаланиш мумкин. Аммо иқтисодий таҳлилнинг шаклини кўрадиган бўлсак, уни макон ва замон нуқтаи назаридан қараб, унда қўлланиладиган ўзига хос усулларнинг мажмуасидан келиб чиқилади. Масалан, комплекс таҳлилда қўлланиладиган комплекс баҳолаш усуллари функционал қиймат таҳлилида (ФҚТ) қўлланилмайди. ФҚТ да қўлланиладиган усуллар омилли таҳлилда қўлланилмаслиги мумкин ва ҳ.к..

21.2. Иқтисодий таҳлил турларининг таснифлаш белгилари

Иқтисодий таҳлил турли белгилари бўйича таснифланади. Бу масала турли дарслик ва адабиётларда турлича ёритилган. Кўп адабиётларда 2-3 та, баъзиларида 6-7 та, баъзиларида 8 та белгилари бўйича таснифланади. Таъкидланганидек, кўпгина адабиётларда иқтисодий таҳлилнинг тури билан шакли фарқланмаган ҳолда берилган.

Тадқиқотлар натижасида иқтисодий таҳлилнинг турларини таснифлашда қуйидаги белгилардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деган хулосага келинди. Буларга: мазмуни бўйича таснифлаш; макон нуқтаи назаридан қараш бўйича; таҳлил қилувчилар субекти бўйича; тармоқ тамойили бўйича; замон нуқтаи назаридан таснифлаш бўйича; ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ўрганиш бўйича; кенгайтирилган тарор ишлаб чиқариш босқичлари бўйича; компьютерлаштириш даражаси бўйича таснифлаш каби белгилари киради. Бу қуйидаги чизмада келтирилган (21.1-чизма).



21.1-чизма. Иқтисодий таҳлил турларини таснифлашда қўлланиладиган белгилар

Иқтисодий адабиётларда ушбу мавзу бўйича турли таклифлар мавжуд. Уларни ўрганиб ва умумлаштириб ҳамда бу соҳа бўйича узоқ йилик тажрибадан келиб чиқиб ушбу ҳолатга тўхталдик. Бу бизнинг фикримизча, иқтисодий таҳлилнинг турларига бўлган назарий ва амалий жиҳатдан қўйиладиган талабни маълум даражада қондиради деб ўйлаймиз.

21.3. Иқтисодий таҳлилни иқтисодий мазмуни бўйича таснифлаш

Иқтисодий таҳлил мазмуни бўйича уч гуруҳга бўлинади: глобал, локал ва темматик.

Глобал таҳлил деганда хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини атрофлича тўлиқ яхлит ҳолда ўрганиш тушунилади.

Локал таҳлил деганда хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг алоҳида бир таркибий қисмини ўрганиш тушунилади. Мисол тариқасида акциядорлик жамияти хўжалик фаолиятини олиш мумкин. Унинг таркибига бош корхона ва олтита шўба корхоналари киради деб фараз қиламиз. Ҳаммасининг ҳолатини яхлит ҳолда бир ҳисобот даври мобайнида эришилган натижалари бўйича таҳлил қилиш глобал таҳлилга мисол бўлиши мумкин. Унинг алоҳида бўлинмаларини таҳлил қилиш локал таҳлилга мисол бўлса, шу бўлинма ичида алоҳида бир мавзуни ўрганишга бағишланган таҳлил тематик таҳлилга мисол бўлиши мумкин.

Демак, тематик таҳлил деганда хўжалик юритувчи субъект фаолиятини алоҳида мавзуси бўйича таҳлил қилиш тушунилади. Бунга акциядорлик жамиятининг бозор фаоллигини, иш фаоллигини, молиявий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили кабиларни мисол келтириш мумкин.

Булар ўртасидаги боғлиқлик қуйидаги чизмада келтирилган (21.2 - чизма).

Иқтисодий таҳлилнинг тўрлари ва шаклларини таснифлашда унинг алоҳида хиллари шартли равишда олинган. Бунда таснифлаш белгилари ва уларга киритувчи иқтисодий таҳлил турлари муаллифлар нуқтаи назаридан таҳлилнинг назарий ва амалий жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда ёндошилган.

21.4. Иқтисодий таҳлилни замон нуқтаи назаридан таснифлаш

Вақт – бетакрор бойлик. Агар у йўқотилса қайта тикланмайди. Шу туфайли вақтни йўқотмаслик лозим. Вақтнинг ўтиши билан ишлаб чиқариш жараёни давом этади. Маълум бир даврда натижа ҳисоб-китоб қилинади, чамаланади, тегишли камчиликлар ва ютуқлар аниқланади. Шу туфайли ҳар бир вақтда содир бўлган жараённи узлуксиз равишда таҳлил қилиб туриш лозим. Шу жиҳатдан иқтисодий таҳлил учга бўлинади: тезкор таҳлил, жорий таҳлил, истиқбол таҳлили.

Тезкор таҳлил деганда ҳисобот даври давомида, у тугамасдан ўтказиладиган таҳлил тушунилади. Масалан, ҳисобот даври бир чорак дейдиган бўлсак, унинг томом бўлишини кутиш учун уч ой керак. Аммо шу муддатда қандай натижага эришиш мумкинлигини аниқлаш учун шу давр ичида тезкор тарзда ҳар куни, ҳар ҳафтада, ҳар ўн кунликда, ҳар ойда таҳлил қилиб бориш лозим. Бу айнан шу ҳисобот даврида (чорак ичида) амалга оширилади. Шу туфайли ушбу таҳлил тезкор таҳлил ҳисобланади.

Жорий таҳлил деганда ҳисобот даври тугаши билан бухгалтерия, статистик ва тезкор ҳисобот маълумотлари ва бошқа ахборот манбаларига асосан ўтказиладиган таҳлил тушунилади. Масалан, ҳисобот даври чорак бўлса, у тугаши билан бухгалтерия, статистик ва тезкор ҳисоботлар тузилади. Ҳамда улар тегишли ташкилотларга (солиқ идорасига, молия, статистик бўлинмаларга) топширилади. Асл нусхаси шу хўжалик юритувчи субъектда қолади. Ана шу ҳисобот маълумотларига асосан ушбу хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти жорий таҳлил қилинади.

Жорий таҳлилнинг қўлайлиги шундаки, у маълум бир давр ўтгач барча натижалар жамланган, хўжалик фаолияти натижалари тўғрисидаги маълумотлар қонунийлашган бўлади. Аммо шу билан биргаликда аниқланган камчиликлар ўтган даврга тегишли бўлади. Уни бартараф қилиш учун вақт ўтган бўлади. Лекин шу камчиликларга эндиликда йўл қўймаслик учун тегишли чора тадбирлар қўлланилади.

Истиқбол таҳлили деганда хўжалик юритувчи субъектнинг келгуси фаолиятини олдиндан ўрганиш, бўладиган жараёнларни олдиндан белгилаш мақсадида амалга ошириладиган иқтисодий

жараёнлар содир бўлмасдан олдин ўтказиладиган таҳлил тушунилади. Масалан, хўжалик юритувчи субъект бизнес-режани тузиш учун ўз фаолиятини нима билан якунланиши тўғрисида аниқ тушунча ва кўрсаткичларга эга бўлиши керак. Бу эса истиқбол таҳлили орқали амалга оширилади. Ҳозирги пайтда уни лойиха таҳлили ҳам деб атамоқдалар.



21.2-чизма. Иқтисодий таҳлилнинг мазмунини қамраб олиш бўйича таснифи

Уларнинг таснифи ва тавсифи қуйидаги чизмада келтирилган (21.3- чизма).



21.3-чизма. Иқтисодий таҳлилининг замон нуқтаи назаридан таснифланиши

Олдинги режали иқтисодиёт шароитида ҳам, ҳозирги бозорли иқтисодиёт шароитида жорий таҳлилга жуда катта аҳамият берилиб келинмоқда. Бу бежиз эмас албатта, чунки таҳлил учун ахборотлар тизими шаклланиши лозим. Бу эса ҳисобот даври тугагандан кейин амалга оширилади.

Жаҳон тажрибасида ҳам жорий таҳлилга катта аҳамият берилади, чунки бор нарсани ўрганиш бу келгуси фаолият учун асос бўлади. Шу туфайли корхонанинг молиявий ҳисоботини ўрганиш учун ҳам бирқанча усулларни ўзига жамлаган “Молиявий таҳлил” шаклланган. Бундай таҳлил бизда ҳам шаклланмоқда.

Ушбу ҳолатлардан келиб чиқиб жорий таҳлил бевосита ҳисобот даврига мослашади. Бунинг шакли қуйидаги чизмада келтирилган (21.4-чизма).

Иқтисодий таҳлилнинг объекти бу хўжалик юритувчи субъектлардир. Буларни фалсафий жиҳатдан қарайдиган бўлсак макон деб қараш мумкин. Макон нуқтаи назаридан иқтисодий таҳлил иккига бўлинади: ички ва ташқи.



21.4-чизма. Жорий таҳлил таснифи.

21.5. Иқтисодий таҳлилни макон нуқтаи назаридан таснифлаш

Ички иқтисодий таҳлил деганда шу хўжалик юритувчи субъект ходимлари тмонидан ўтказиладиган таҳлил тушунилади. Масалан, акциядорлик жамияти хўжалик фаолияти таҳлилини оладиган бўлсак, уни фақат шунга даҳлдор кишилар томонидан ўтказиладиган таҳлилдир.

Ташқи иқтисодий таҳлил деганда шу хўжалик юритувчи субъект фаолиятини бошқа ташқи субъектлар томонидан ўтказиладиган таҳлил тушунилади. Масалан, акциядорилк жамияти хўжалик фаолиятини ассоциация, солиқ идоралари, банк ходимлари, статистик ва молия органлари томонидан таҳлил қилиниши мумикн. Бу таҳлил ташқи таҳлилга мисол бўлади ва улар молиявий ҳисоботларга асосан таҳлил қиладилар.

Ушбу таҳлилнинг таснифи ва тавсифи ушбу чизмада келтирилган (21.5-чизма).

21.6. Иқтисодий таҳлилни таҳлил қилувчи субъектлари бўйича таснифлаш

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини жуда кўп мутахассислар, мулкдорлар, давлат идоралари ходимлари таҳлил қиладилар. Бу кимнингдир кўргазмаси ёки буйруғи билан амалга ошмайди, балки объектив зарурият натижасидир. Шу туфайли кимнинг таҳлил қилишига қараб иқтисодий таҳлил бирқанча турларга бўлинади. Буларга ижтимоий-иқтисодий таҳлил, аудиторлик таҳлили, молиявий-иқтисодий таҳлил, техник иқтисодий таҳлил, иқтисодий-статистик таҳлил, иқтисодий экологик таҳлил, маркетинг таҳлили кабилар киради.



21.5-чизма . Иқтисодий таҳлилнинг макон нуқтаи назаридан таснифи

Ушбу гуруҳ таҳлил турлари ва ҳар бирини кимларнинг ўтказиши мумкинлиги кўрсатилган чизма қуйида келтирилган (21.6-чизма).



1. Ижтимоий - иқтисодий таҳлил	- Статистик идоралар, - бошқарув идоралар, - социологик тадқиқотлар - лабараторияси - менежерлар - иқтисодчилар - бухгалтерлар
2. Аудиторлик таҳлили	- аудиторлар - иқтисодий ташхис қўйувчилар - аудитор фирмалари
3. Молиявий иқтисодий таҳлил	- корхонанинг молия хизмати ходимлари - бухгалтерия ходимлари (бош бухгалтерлар)
4. Техник - иқтисодий таҳлил	- техник хизмати ходимлари - технологлар - илмий бўлим ходимлари
5. Иқтисодий - статистик таҳлил	- статистик идоралар ходимлари - меҳнат биржалари ходимлари - кадрлар бўлими ходимлари
6. Иқтисодий - экологик таҳлил	- атрофни мувофаза қилувчи ташкилот ходимлари - экология хизмати ходимлари - менежерлар
7. Маркетинг таҳлили	- корхонанинг маркетинг хизмати ходимлари - бош бухгалтерлар

21.6-чизма. Иқтисодий таҳлилнинг таҳлил қилувчилар субъекти бўйича таснифлаш

Ушбу чизмадан кўриниб турибдики, турли иқтисодий таҳлилни турли касб эгалари, мутахассислар амалга оширар экан. Масалан, ижтимоий-иқтисодий таҳлил билан статистик идоралари, бошқарув идоралари ходимлари, социологик тадқиқотлар лабораториялари, менежерлар, иқтисодчилар, бухгалтерлар шуғулланандилар. Аудиторлик таҳлили билан эса аудиторлар, корхона фаолиятига иқтисодий жиҳатдан ташхис қўювчи ходимлар, аудитор фирмалари кабилар шуғулланадилар. Худди шу тарзда бошқа таҳлил турлари ҳам келтирилган.

Ҳозирги шароитда таҳлил турларидан бири маркетинг таҳлилидир. Ҳар бир корхона ушбу таҳлилни амалга ошириши лозим. Чунки бозорни ўрганмасдан туриб ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ёки иш бошқариш жараёнини амалга ошириб бўлмайди. Энди товарлар (ишлар, хизматлар) омбор учун эмас, балки бозор учун ишлаб чиқарилади. Бу эса корхона маркетинг хизмати ходимлари, яъни маркетологларнинг маркетинг таҳлилини амалга оширишини тақозо қилади. Маркетинг ва бошқа таҳлил турлари билан корхонанинг (фирманинг) бош бухгалтери ҳам шуғулланади. Хуллас қайси тур таҳлил билан кимлар шуғулланиши қисман юқоридаги чизмада келтирилган.

21.7. Иқтисодий таҳлилни тармоқ тамойили бўйича таснифлаш

Бозор муносабатлари шароитида ҳам маълум даражада тармоқлар сақланиб қолади. Шу туфайли иқтисодий таҳлил ҳам шу тамойил бўйича таснифланади.

Иқтисодий таҳлил тармоқ тамойили бўйича икки гуруҳга бўлинади: алоҳида тармоқлар таҳлили ва тармоқлар аро умумий таҳлил.

Алоҳида тармоқлар таҳлили фақат айрим тармоқларгагина тегишли. Улар шу тармоқнинг хусусиятларини ўзида акс эттиради ва бошқа тармоқларга уларни бевосита қўллаш қийин бўлади. Масалан, саноат корхоналари иқтисодий таҳлилини олайлик. Ушбу таҳлилни қишлоқ хўжалиги ёки савдо корхоналари хўжалик фаолиятини таҳлил қилишга қўллаш қийин ва аксинча.

Тармоқлараро умумий таҳлилни деярли барча тармоқларга у ёки бу хусусиятини инобатга олган ҳолда озгина ўзгартиришлар

билан қўллавериш мумкин. Масалан, корхонанинг молиявий таҳлилини олайлик. Бу бевосита молиявий ҳисобот маълумотларига асосан ўтказилади. Молиявий ҳисобот эса Ўзбекистонда деярли барча тармоқ ва соҳа корхоналари учун бир хил қилиб белгиланади. Худди шундай гапларни "Молиявий ҳисоботни иқтисодий ўқиш ва таҳлил қилиш" бўйича ҳам айтиш мумкин.



21.7-чизма. Иқтисодий таҳлилни тармоқ тамойили бўйича таснифи

Ушбу гуруҳга кирувчи таҳлил турига “Иқтисодий таҳлил назарияси” ҳам киради. Ушбу фанда барча тур таҳлилнинг методологик ва назарий асоси ёритилган. Макроиқтисодий таҳлилда барча тармоқлар мажмуаси натижалари таҳлил қилинади.

Келтирилган таҳлил таснифи ушбу чизмада ифодаланган (21.7-чизма).

21.8. Иқтисодий таҳлилни кенгайтирилган ишлаб чиқариш босқичлари бўйича таснифлаш

Кенгайтирилган ишлаб чиқариш жамият тараққиётининг асосини ташкил қилади. У тўртта босқичдан иборат. Биринчиси моддий ва номоддий неъматлар ишлаб чиқариш бўлса, иккинчиси унинг тақсимотидир. Учинчи босқич, муомала босқичи ва ниҳоят охирги босқич истеъмолдир. Ҳамма босқичларда ўзига хослик бир. Шу туфайли ушбу соҳа бўйича ҳам таҳлил турлари мавжуд. Улар ишлаб чиқариш соҳаси таҳлили, тақсимот соҳаси таҳлили, муомила соҳаси таҳлили ва истеъмол соҳаси таҳлилидир.

Буларнинг таснифи қуйидаги чизмада келтирилган (21.8-чизма).



21.8 - Ч и з м а. Иқтисодий таҳлилни кенгайтирилган ишлаб чиқариш босқичлари бўйича таснифи.

Шуни этироф этиш керакки, ушбу гуруҳга кирувчи таҳлил турлари алоҳида фан ёки таҳлил тури сифатида ўқитилмайди. Амалиётда ҳам бу таҳлиллар алоҳида мавжуд эмас. Аммо ҳар бир

босқич таҳлили турли тармоқлар таҳлилида ўз ифодасини топади. Масалан, ишлаб чиқариш соҳасининг таҳлили саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш каби ишлаб чиқаришга оид соҳалар таҳлилида ўз аксини топган. Муомала соҳасининг таҳлили ҳам савдо корхоналари (улгуржи, чакана) хўжалик фаолиятининг таҳлилида ўз ифодасини топади. Худди шундай гапларни бошқа соҳалар учун ҳам айтиш мумкин.

21.9. Иқтисодий таҳлилни компьютерлаштириш даражаси бўйича таснифлаш

Ҳозирги пайтда, айниқса, келажакда, таҳлилни компьютерларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Шу туфайли иқтисодий таҳлил шу белгиси бўйича ҳам таснифланади ва улар уч гуруҳга бўлинади: одатдагидек, компьютерлаштирилмаган таҳлил, қисман компьютерлаштирилган таҳлил ва тўлиқ компьютерлаштирилган таҳлил.

Одатдагидек, компьютерлаштирилмаган таҳлилга ҳозирги анъанавий таҳлилни мисол қилиш мумкин. Бу таҳлил бухгалтерия, статистик, тезкор ҳисоб ва ҳисоботлар маълумотларига асосан, анъанавий ҳисоблаш машиналари орқали амалга оширилади.

Қисман компьютерлаштирилган таҳлилга ярим компьютерлаштирилган ёки айрим қисмлари компьютерларда қолган қисмлари одатдагидек ҳисоб-китобларда амалга ошириладиган таҳлил киради. Масалан, хўжалик фаолиятининг айрим қисмлари ҳисоби компьютерларда амалга ошириладиган бўлса шу соҳа таҳлили ҳам компьютерлар ёрдамида амалга оширилади. Ҳозирги пайтларда кўпгина фирмаларнинг иш ҳақини ҳисоблаш компьютерлаштирилган. Шу соҳа таҳлили ҳам компьютерларда амалга оширилади. Қолган қисми эса одатдагидек анъанавий тарзда амалга оширилади.

Ушбу гуруҳ таҳлили қуйидаги чизмада ўз аксини топган (21.9-чизма).



21.9-чизма. Иқтисодий таҳлилнинг компьютерлаштириш даражаси бўйича таснифи.

21.10. Иқтисодий таҳлилни ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ўрганиш бўйича таснифлаш

Ижтимоий-иқтисодий жараёнлар жамиятнинг барча жабҳаларида содир бўлади. Уларни ўрганиш учун иқтисодиётни турли даражалари бўйича таснифлаш лозим. Булар шу жиҳатдан иккига: макроиқтисодий ва микроиқтисодий даражага бўлинади.

Макроиқтисодиёт даражасида содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларни *макроиқтисодий таҳлил ўргатади*. Бу мамлакат миқёсида миллий-иқтисодиёт ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларда ифодаланади. Масалан, ялпи миллий маҳсулот, аҳолининг даромадлари, миллий даромад каби кўрсаткичлар шу макроиқтисодиёт даражасидаги кўрсаткичларга киради.

Микроиқтисодий таҳлил эса бевосита хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ўрганишга бағишланган. Бу таҳлилда корхона, бирлашмалар фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар ўрганилади. Масалан, ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат) ҳажми, фойда, рентабеллик даражаси, меҳнат унумдорлиги, корхоналар иш ва бозор фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва ҳ.к.

Иқтисодий таҳлилнинг ушбу гуруҳи бўйича таснифи қуйидаги чизмада келтирилган (21.10-чизма).



21.10-Чизма. Иқтисодий таҳлилнинг ижтимоий - иқтисодий жараёнларни ўрганиш бўйича таснифлаш

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳозиргача макроиқтисодий таҳлил билан бирқанча таҳлилга оид бўлмаган фанлар (иқтисодий назария, статистика кабилар) шуғулланади. Аммо ушбу фанлардан макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ҳолати ўрганилади, холос. Аммо ҳозирги пайтда Ўзбекистон учун макроиқтисодий таҳлил объектив заруриятга айланди. Ҳозир УзР Вазирлар Маҳкамасида, барча ҳокимликларда “Ахборот ва таҳлли” гуруҳлари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг вазифаси бевосита макроиқтисодий таҳлил билан шуғулланишдан иборатдир. Аммо ҳамон макроиқтисодий таҳлил методологияси ишлаб чиқилмаган.

Макроиқтисодий таҳлилда макро даражадаги кўрсаткичларнинг ҳолати билан бирга уларнинг ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар ҳам ўрганилади. Бу фақат макроиқтисодий таҳлилнинг вазифаси, мақсади ва объектига киради. Шу туфайли макроиқтисодий таҳлилнинг методологик ва назарий асоси яратилиши лозим.

21.11. Иқтисодий таҳлилни ўрганилаётган объектни қамраб олиш даражаси бўйича таснифлаш

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти одатда батафсил таҳлил қилинади. Аммо баъзи ҳолларда уни батафсил ўрганишга ҳожат бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда хўжалик фаолиятининг бир қисмини танлаб таҳлил қилиш мумкин. Масалан, аудиторлар учун хўжалик фаолиятини батафсил таҳлил қилиб ўтиришига ҳожат йўқ. Улар фақат айрим кўрсаткичлари бўйича аудиторлик таҳлилини ўтказса етарди. Ёки маркетинг таҳлилини олиш мумкин. Бунда ҳам хўжалик фаолиятини ифодаловчи барча кўрсаткичларни таҳлил қилишга хожат йўқ. Фақат бозор фаоллиги билан боғлиқ кўрсаткичлар танлаб олинган ҳолда таҳлил қилинса етарли.

Шу туфайли иқтисодий таҳлил ўрганилаётган объектни қамраб олиш даражаси бўйича қилинадиган бўлса уларни икки гуруҳга батафсил таҳлил ва танлаб ўтказилган таҳлилга бўлиш мумкин.

Ушбу гуруҳ таҳлилнинг турлари таснифи ва тавсифи қуйидаги чизмада келтирилган (21.11-чизма).



21.11-чизма. Иқтисодий таҳлилнинг ўрганилаётган объектини қамраб олиш даражаси бўйича таснифи

Батафсил таҳлилда хўжалик юритувчи субъект фаолиятини ифодаловчи барча кўрсаткичлар ҳисобот даврида тўлиқ ўрганилади. *Танлаб ўтказиладиган таҳлилда* иқтисодий жараёнларнинг бир қисми ўрганилади ва у орқали бутун хўжалик фаолиятига

тахминий баҳо бериш мумкин. Шунингдек, иқтисодий таҳлилнинг ушбу тури айрим ҳолларда тематик таҳлилга ҳам ўхшаб кетади.

Шуни эътироф этиш керакки, иқтисодий таҳлил дарслигини яратишда унинг методологиясини келтирилган ушбу турларига мослаштирган ҳолда ёзиш мақсадга мувофиқдир. Чунки иқтисодий таҳлил битта фан. Унинг турлари ушбу фанга қайси нуқтаи назардан ёндошишга қараб ўзгаради. Масалан, иқтисодий таҳлил усулини яратишда батафсил таҳлил қилиш учун мўлжалланган бўлади. Аммо шу методологиядан танлаб қилинадиган таҳлилда ҳам фойдаланиш мумкин.

Яна бир мисол. Иқтисодий таҳлилни замон нуқтаи назаридан таснифлаганда унинг учга бўлинишини (тезкор, жорий. истиқбол таҳлили) кўрдик. Бу ҳолда иқтисодий таҳлил жорий таҳлил тарзида ёритилади. Аммо унинг методологиясидан тезкор ва истиқбол таҳлилларида ҳам фойдаланиш мумкин.

Аммо шуни эътироф этиш керакки, барча бир тур таҳлиллар ҳам бир хил методологияга асосланиши қийин. Масалан, Макроиқтисодий таҳлил билан микроиқтисодий таҳлил методологияси бир-биридан фарқ қилади ёки тармоқлар таҳлили билан тармоқлараро таҳлил ўртасида ҳам маълум даражада фарқ бир. Лекин уларнинг методологик асоси иқтисодий таҳлил назариясида ўз ифодасини топмоғи лозим.

Хулоса қилиб айтганда, “Иқтисодий таҳлил назарияси”да ёритиладиган назарий ва методологик асослар барча таҳлил турларининг талабларига жавоб бериши лозим.

21.12. Иқтисодий таҳлилнинг шакллари

Юқорида таъкидланганидек, иқтисодий таҳлил турлари унинг шаклларидан фарқ қилади. Иқтисодий таҳлилнинг шакллари эса бир-биридан маълум даражада ўзига хос бўлган усуллари, кетма-кетлиги, мақсади ва вазифалари билан ҳам фарқ қилади. Масалан, комплекс таҳлилда хўжалик фаолияти макон ва замон нуқтаи назаридан батафсил таҳлил қилинади. Унда асосий усуллар тариқасида комплекс баҳолаш усуллари қўлланилади. Ушбу таҳлил маълум даражада омилли таҳлилдан фарқ қилади.

Омилли таҳлилда хўжалик фаолиятига таъсир қилувчи омилларнинг таъсирини аниқлаш усуллари ўрганилади. Бу жуда

кўп таҳлил шаклларида қўлланилиши мумкин. Аммо бошқа таҳлилда омилли таҳлил усуллари асосий бўлмасдан, балки хулосани чуқурлаштириш учун фойдаланилади.

Шу икки таҳлил шаклидан фарқи ўлароқ функционал-қиймат таҳлили (ФҚТ) ҳам мавжуд. ФҚТ да икки таҳлилда ҳам қўлланилмайдиган, қўлланилса ҳам кам қўлланиладиган усуллардан фойдаланилади. Бошқа таҳлиллар асосан маълум кўрсаткичлар, аниқ рақамларга асосланса, ФҚТ да кўп ҳолларда мантиқий эвристик таҳлил усулларидан фойдаланилади.

Худди шундай ҳолатни бошқа таҳлил шакллари бўйича ҳам келтириш мумкин. Демак, иқтисодий таҳлилнинг турларида маълум даражада методологик муштараклик бўлса, шаклларида ўзига хослик устувордир.

Иқтисодий таҳлилнинг шакллари ва ҳар бирининг қисқача мазмуни ушбу чизмада келтирилган (21.12-чизма).

Иқтисодий таҳлил

Ш А К Л Л А Р И	М А З М У Н Л А Р И
1. Комплекс таҳлил	Хўжалик юритувчи субъект фаолиятини макон ва замин нуқтаи назаридан барча тузулмалари билан бирга батафсил таҳлил қилишдир.
2. Солиштириш таҳлили	Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини яхлит ҳолда, алоҳида тузулмалари ёки мавзуларини баҳо ва вақт жиҳатидан солиштириладиган ҳолатга келтирилиб амалга ошириладиган таҳлилдир.
3. Омилли таҳлил	Хўжалик фаолияти натижасига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг таъсирини ҳисоблаш усуллари мажмуасини ўзида акс эттирган таҳлилдир.
4. Функционал - қиймат таҳлили	Ҳар бир бажариладиган функцияни (асосий, ёрдамчи ва нокерак) қиймат жиҳатидан баҳолаб маҳсулотнинг (иш,хизмат) сифатини оширган ҳолда нокерак функцияларни бартараф қилиш эвазига ички имкониятларни (резервларни) топиш ва ишга солишгақаратилган таҳлилдир.

5. Марженал таҳлил	Барча харажатларни доимий ва ўзгарувчи харажатларга бўлиб ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг (бажариладиган ишнинг кўрсатиладиган хизматнинг) бизнесда кўзда тутилган фойдага эришиш учун зарур бўлган миқдорини аниқлаш ва самарадорлигини оширишга қаратилган таҳлилдир.
6. Стахостик таҳлил	Хўжалик фаолиятида натижа ва омиллар ўртасидаги боғлиқлик функционал боғлиқ бўлмаган шароитда уларнинг боғлиқлигини ўрганишга қаратилган таҳлилдир.
7. Лойиҳа таҳлили	Хўжалик юритувчи субъектлар истиқболини, бизнес режасини, инвестиция лойиҳаларини асослаш учун ҳали содир бўлмаган, яъни бўлиши кутилаётган иқтисодий жараёнларни ўргатадиган таҳлилдир.
8. Молиявий таҳлил	Хўжалик юритувчи субъект молиявий натижалари ва молиявий холатини ўрганишга бағишланган таҳлилдир.
9. Бошқарув таҳлили	Корхона раҳбарияти, эгаси ва мутахассислари томонидан ички имкониятларни ишга солиш ва самарадорликни ошириш мақсадида қилинадиган таҳлилдир.
10. Хўжалик фаолияти таҳлили	Корхоналар хўжалик фаолиятини ўрганишга қаратилган иқтисодиётнинг микроиқтисод даражасини ўрганишга қаратилган таҳлилдир.
11. Аудиторлик таҳлили	Хўжалик юритувчи субъектлар молия - хўжалик фаолиятини аудит қилганда тўғри хулоса чиқариш учун аудиторлар томонидан ўтказиладиган таҳлилдир.

21.12-чизма. Иқтисодий таҳлилнинг шакллари ва уларнинг мазмуни

Иқтисодий таҳлилнинг шакллари ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, уларнинг ҳар бири маълум даражада мустақил усулларга ва тушунчаларга эга. Шу жиҳатдан унинг турлари маълум бир белгилари бўйича таснифланса, шакли эса ўзига хослиги билан ажралиб туради. Иқтисодий таҳлилнинг турларида, асосан, таҳлилда қўлланиладиган барча усуллардан фойдаланилса, усулларида эса ўзига хос турларидангина фойдаланилади. Юқоридаги жадвалда иқтисодий таҳлилнинг 11 та шакли келтирилган.

Масаланинг қўйилиши, маълум бир мақсадга эришиш учун бу таҳлил шаклларидан айрим субъектлар алоҳида фойдаланишлари ҳам мумкин.

Ушбу таҳлил шаклларининг ўзига хослиги тўғрисида маълум бир тушунча бериш учун уларнинг айримларига тўхталишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Такрорлаш ва ўзини-ўзи назорат қилиш учун саволлар

1. Иқтисодий таҳлилнинг турлари ва шакллари, уларнинг таснифи ва тавсифи
2. Иқтисодий таҳлил турлари ва шакллари тўғрисида тушунча Иқтисодий таҳлил турларининг таснифлаш белгилари
3. Иқтисодий таҳлилни иқтисодий мазмуни бўйича таснифлаш
4. Иқтисодий таҳлилни замон нуқтаи назаридан таснифлаш
5. Иқтисодий таҳлилни макон нуқтаи назаридан таснифлаш
6. Иқтисодий таҳлилни таҳлил қилувчи субъектлари бўйича таснифлаш.
7. Иқтисодий таҳлилни тармоқ тамойили бўйича таснифлаш.
8. Иқтисодий таҳлилни кенгайтирилган ишлаб чиқариш босқичлари бўйича таснифлаш.
9. Иқтисодий таҳлилни компьютерлаштириш даражаси бўйича таснифлаш.
10. Иқтисодий таҳлилни ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ўрганиш бўйича таснифлаш.
11. Иқтисодий таҳлилни ўрганилаётган объектни қамраб олиш даражаси бўйича таснифлаш.

II қисм. ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ШАКЛЛАРИ

22-боб. КОМПЛЕКС ТАҲЛИЛ МЕТОДОЛОГИЯСИ, МАЗМУНИ ВА УНДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН УСУЛЛАР

22.1. Комплекс таҳлилнинг моҳияти

Хўжалик фаолиятини комплекс таҳлил қилиш ҳозирги пайтда объектив заруриятдир. Аммо унинг назарий асоси ҳамон етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Бозор муносабатларига асосланган хўжалик юритувчи субъектларда эса ушбу масала ҳамон ўрганилмаган соҳалигича қолмоқда. Шу туфайли комплекс баҳолаш усулини кўриб чиқишдан олдин комплекс таҳлилнинг айрим назарий жиҳатларига эътиборни қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз.

“Комплекс” сўзи лотинча сўзидан келиб чиқиб, алоқа, мувофиқлик, мажмуа, барчаси, жами деган маънони англатади. “Анализ” сўзи эса грекча сўздан олинган бўлиб, ажратиш, парчалаш, бўлиниш каби маънони англатади. Ўзбек тилида анализ сўзининг таржимаси сифатида таҳлил сўзи ишлатилади. “Комплекс” “таҳлил” ибораларини келтирилган изоҳларни инобатга олган ҳолда хўжалик фаолиятига тадбиқ қиладиган бўлсак, ушбу тушинчага қуйидагича таъриф бериш мумкин.

Комплекс таҳлили деганда, субъектлар хўжалик фаолиятини бўлакларга бўлиб бир-бирига боғлиқ ҳолда яхлит хулоса чиқариш учун макон ва замон нуқтаи назаридан батафсил ўрганиш тушунилади. Корхона ва ташкилотлар хўжалик фаолияти мураккаб бир-бирига бевосита боғлиқ ижтимоий иқтисодий жараёнлар мажмуасидан иборатдир. Бу жараёнларни макон ва замон нуқтаи назаридан батафсил ўрганмасдан туриб уни бошқариш учун қулай, самарали тадбирлар ишлаб чиқиб, оптимал қарорларни қабул қилиб бўлмайди. Шу туфайли хўжалик фаолиятини яхшилаш учун уни комплекс ҳолда атрофлича ўрганиш лозимлигини тақозо қилади. Бу объектив зарурият хўжалик фаолиятини комплекс таҳлил қилиш имкониятини туғдиради.

Бу масалани ўрганишда батафсил таҳлил билан комплекс таҳлилнинг фарқлаш лозим. **Батафсил таҳлил** деганда, хўжалик

фаолиятини (маконни) ёки бирор бир иқтисодий кўрсаткични бир-бирига боғлиқ ҳолда бир давр (замон) мобайнида ҳар томонлама ўрганиш тушунилади.

Комплекс таҳлилда эса ушбу батафсил таҳлилга тизимли ёндашув туфайлигина эришилади, яъни хўжалик фаолиятини яхлит ҳолда бир қанча давр (замон) мобайнида ўрганишдир. Мисол учун корхона хўжалик фаолиятини йилнинг бир чораги бўйича батафсил ўрганилса бу яхлит, яъни батафсил таҳлил бўлиб ҳисобланади. Комплекс таҳлил бўлиш учун шу йилнинг ҳамма чоракларини ва шу ҳисобот йилида эришилган барча натижаларни батафсил тизимли ўрганиш зарурдир. Агар таҳлил беш йиллик муддатга ўтказилаётган бўлса, хўжалик фаолиятини бир йилда атрофлича ўрганиш бу батафсил таҳлилдир. Шу тарзда беш йил мобайнида таҳлил қилиб борсак, шундагина комплекс таҳлилга эришган бўламиз.

Демак, хўжалик фаолиятининг комплекс таҳлили хўжалик фаолиятини батафсил ўрганишга системали ёндошишдан иборатдир.

Агар буни корхона мисолида ёритадиган бўлсак корхонанинг хўжалик фаолиятини бир ҳисобот даври мобайнида тўлиқ ўрганиш батафсил таҳлил бўлади. Уни алоҳида бўлинмалари билан бир қанча даврлар бўйича батафсил ўрганиш комплекс таҳлил бўлади.

Батафсил таҳлил	**Комплекс таҳлил**
Бир ҳисобот даврида битта объект фаолиятини атрофлича ўрганиш	Битта объект (макон) фаолиятини бирқанча ҳи-собот даврида (замонда), барча бўлинмалари билан батафсил ўрганиш
Бевосита ёндошишни талаб қилади	Тизимли ёндошишни талаб қилади.

Комплекс таҳлил хўжалик фаолиятининг барча кўрсаткичларини қамраб олган ҳолда батафсил ўтказилиши мумкин. Шунингдек, бу таҳлил алоҳида кўрсаткичлар, соҳалар бўйича ҳам амалга оширилади. Масалан, иқтисодчилар олдига фақат хўжалик фаолиятининг молиявий натижалирини ўрганиш мақсад қилиб қўйилса, айнан шу молиявий ҳолатни ифодаловчи кўрсаткичлар бўйича ҳам комплекс таҳлил қилиш мумкин.

Маълумки, бозор муносабатлари шароитида кўпгина корхоналар кўп соҳалидир. Уларнинг хусисияти шундаки, масалан,

битта акциядорлик жамиятида бир қанча мустақил хўжалик ҳисобидаги, лекин бир қанча тармоққа мансуб бўлган тармоқлар мавжуд бўлиши мумкин. Бунга мисол қилиб йирик акциядорлик жамиятларига мансуб корхоналарни келтириш мумкин. Ушбу соҳани комплекс таҳлил қилишда ўрганилаётган объект яхлит ҳолда, сўнгра эса унинг алоҳида соҳалари бўйича таҳлил қилинади ёки аввал алоҳида соҳалар бўйича батафсил ўрганилиб, сўнгра бутун акциядорлик жамияти бўйича яхлит ҳолда батафсил таҳлил қилинади. Қайси кетма-кетликда таҳлил қилиш иқтисодчилар олдига қўйилган мақсадидан келиб чиқади.

Қай ҳолда таҳлил қилинган тақдирда ҳам у методологик жиҳатдан хато бўлмайди. Чунки таҳлилда индукция (умумийликдан хусусийликка) ва дедукция (хусусийликдан умумийликка) методлари мавжуд.

Комплекс таҳлилни йирик акциядорлик жамиятлари корхоналари молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичларини таҳлил қилиш мисолида кўрадиган бўлсак, энг аввало, унинг ҳар бир тармоғи бўйича сўнгра яхлит ҳолда ҳисобланиш ва уларни таҳлил қилиш усулларини кўрсатиб беради.

Комплекс таҳлилда қўлланиладиган йирик акциядорилк жамиятлари корхоналари молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ушбу чизмада тасвирланган. Бунда молиявий натижалар билан боғлиқ кўрсаткичлар олинди (22.1 - чизма).



22.I - чизма. Матлубот акциядорлик жамиятлари корхоналарида молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими.

Тегишли кўрсаткичлар ҳар бир соҳа бўйича аниқ бўлгандан кейин бевосита таҳлилга киришиш мумкин. Ҳозирги пайтда жуда кўплаб турли йўналишларда кластерлар ташкил қилинмоқда. Ушбу субъектларда молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичларни комплекс таҳлил қилиш қуйидаги кетма-кетликда олиб борилиши мумкин (22.2 - чизма).



22.2-чизма. Агрокластер фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ўрганиишда киритиладиган соҳалар

Комплекс таҳлилда қўлланиладиган кўрсаткичлани батафсил ўрганиш учун унинг кетма-кетлигини белгилаб олишни тақозо қилади. Агрокластер тизими корхоналарида молиявий натижаларни комплекс таҳлил қилишнинг босқичларини қуйидаги кетма-кетликда амалга ошириш тавсия қилинмоқда (22.3-чизма).



22.3 - чизма. Агрокластер тизими корхоналарида молиявий натижаларни комплекс таҳлил қилишнинг босқичлари

Таҳлил бошқаришнинг бир функцияси сифатида таҳлил қилинган субъектлар фаолиятини бошқариш учун тегишли маълумотлар тайёрлаб беради. Бу эса бошқариш билан таҳлилнинг чамбар-час боғлиқлигидан далолатдир. Ҳозирги шароитда ҳар бир корхона ўз фаолиятини мустақил ҳолда бошқаришга мажбур бўлмоқда. Бу эса, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини алоҳида бошқаришни тоқозо қилади. Ушбу зарурат, таҳлилни кенг миқёсда такомиллашган тарзда кенг миқёсда қўллаш заруриятини туғдиради. Шу туфайли ҳар бир иқтисодчи, ҳар бир бухгалтер, ҳар бир молия ходими, менежер, маркетолог корхонанинг хўжалик фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичларни комплекс таҳлил қилиш усулларини билишлиги, бугунги кунда объектив заруратдир.

Мазкур параграфда комплекс таҳлилни агрокластерга кирувчи кўптармоқли субъектлар мисолида қараш лозимлиги ҳақида тавсия қилдик. Одатда комплекс таҳлил кўп тармоқли субъектлар билан бирга битта тармоқда ҳам, унинг ҳар бир корхонасида ҳам, корхоналарнинг алоҳида соҳалари бўйича ҳам қўлланилиши мумкин. Буларни аниқлаш учун бир қанча усуллардан фойдаланиш мумкин. Ҳозирги пайтда комплекс баҳолашнинг бир қанча турлари мавжуд. Буларга:

- комплекс баҳолашнинг жамлаш усули;
- Ўринларни қўшишусули;
- нисбий кўрсаткичли усул;
- муҳимлигини инобатга олиш усули;
- масофа усули киради.

Бугунги кун талабига жавоб берадиган кадрларни тайёрлаш учун, уларни ҳар томонлама билимга эга бўлишлигини таъминлашни тақозо қилади. Ушбу заруриятдан келиб чиқиб, бугунги талабаларнинг мазкур усулларни ўзлаштириши ҳам муҳимдир. Шу туфайли ушбу усулларнинг ҳар бирини алоҳида қараб чиқишни лозим, деб топдик.

22.2. Комплекс баҳолашнинг жамлаш усули

Иқтисодий таҳлил назариясида ушбу босқичларнинг деярли ҳаммаси ўрганилади. Аммо кўрсаткичлар тизимига асосан комплекс кўрсаткични аниқлаш усуллари бошқа бобларда ёки таҳлилнинг бошқа турларида ёритилмайди. Шу туфайли ушбу

ишда комплекс баҳолаш усулларига алоҳида тўхталишни мақсадга мувофиқ деб топдик. Бу усул комплекс баҳолашнинг энг содда усулларидан биридир. Бу асосан кўрсаткичлар бир хил мазмун ва ўлчамга эга бўлган тақдирда қўлланилади. Масалан, комплекс баҳолаш учун олинган барча кўрсаткичлар бўйича режанинг бажарилиши ёки ўтган йилга нибатан ўсиш суръати олинган бўлса, у ҳолда барча кўрсаткичлар фоизда ифодаланиши, уларни ўлчами жиҳатидан ҳам бир хил ҳолатга келтирилади. Бундай пайтда бир қанча кўрсаткичларни жамлаш имкони туғилади. Бу кўрсаткични қуйидаги формула орқали аниқлаш мумкин:

$$K_{ki} = \sum_{i=1}^{n} a_{ij} \qquad (1)$$

бунда Ккі – j корхонанинг комплекс кўрсаткичи;

і – кўрсаткичнинг тартиб сони (і = 1,n);

n – кўрсаткичнинг умумий сони;

аіj – і - кўрсаткичнинг j-объектдаги режа бажариш миқдори, %.

Ушбу формуланинг амалда қўлланилиши учун аниқ маълумотлардан фойдаланамиз. Масалан, “Турон” ҳиссадорлик жамиятида 2018 йил натижаси бўйича қуйидаги кўрсаткичлар қўлга киритилди деб фараз қиламиз. Сотилган товарлар ҳажмининг режасининг бажарилиши - 103 %, фойда режасининг бажарилиши - 104 %, меҳнат унумдорлиги режасининг бажарилиши - 102 %, харажатларини тежаш режасининг бажарилиши - 104 %, инвестиция самарадорлиги режасининг бажарилиши - 97 %, даромад режасининг бажалиши - 104 %. Бу кўрсаткичлар бир хил ўлчамга эга бўлганлиги учун уларни жамлаш мумкин ва шу корхона бўйича қуйидаги натижага эга бўлиш мумкин:

$$K_{ki} = 103 + 104 + 102 + 104 + 97 + 104 = 614.$$

Бу умумий жамланган кўрсаткичдир. Бу кўрсаткични бир қанча корхоналар кўрсаткичлари билан солиштириш мумкин. Битта корхонада шу таҳлил йилида аҳвол қандай бўлганлигини билиш учун кўрсаткичнинг ўртача миқдорини топиш мақсадга мувофиқдир. Бу учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$Ккj = \frac{1}{П} \sum_{i=1}^{n} a\ ij \qquad (2)$$

У ҳолда қуйидаги миқдорга эга бўламиз: 614: 6 = 102,3 %. Демак 2018 йилда биз таҳлил қилаётган корхонада асосий кўрсаткичлар бўйича ўртача режанинг бажарилиши 102,3 фоизни ташкил қилибди. Бу корхона натижасини солиштириш учун яна 4 та корхона бўйича ҳам худди шундай ҳисоб-китоб амалга оширилди ва натижа қуйидаги жадвалга жойлаштирилди (22.1-жадвал).

22.1-жадвал

Корхоналарнинг комплекс кўрсаткичи бўйича йиллик натижаларини солиштириш.

Кўрсаткичлар (I)	К о р х о н а л а р (j)				
	1	2	3	4	5
1. Сотилган товарлар ҳажми режасининг бажарилиши	103	105	104	107	106
2. Фойда режасининг бажарилиши	104	105	106	107	103
3. Меҳнат унумдорлиги режасининг бажарилиши	102	104	103	106	105
4. Харажатларини тежаш режасининг бажарилиши	104	102	107	95	105
5. Инвестиция самарадорлигини ошириш режасининг бажарилиши	97	99	102	98	103
6. Даромад режасининг бажарилиши	104	101	102	93	108
Жамланган кўрсаткич	614	616	624	606	630
Режа бажарилишининг ўртача миқдори, %	102,3	102,7	104,0	101,0	105,0
Ўртача кўрсаткич бўйича корхоналарнинг эгаллаган ўринлари	4	3	2	5	1

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, биз таҳлил қилган корхона шу бешта корхона ўртасида 4-ўринни эгаллабди. Энг юқори ўринни 5 корхона эгаллаган. Шу олтита кўрсаткич бўйича режа бажарилишининг ўртача миқдори 105,0 % ни ташкил қилади.

Комплекс кўрсаткичнинг жамлаш усулини бир корхонада кўрсаткичлар динамикасини таҳлил қилганда ҳам қўллаш мумкин. Ушбу ҳолатда корхоналар ўрнига маълум даврларни олиш мумкин. Бу эса маълум бир даврда корхонанинг хўжалик фаолиятида қандай ўзгаришлар тенденцияси содир бўлганлигини кўрсатади.

Ушбу усул содда ва қўлланилиши жиҳатидан қулай усулдир, аммо амалиётда ҳамиша кўрсаткичлар бир хил мазмунга ва ўлчамга эга бўлавермайди. Бундай ҳолда жамлаш усулини қўллаб бўлмайди. Лекин комплекс кўрсаткични аниқлаш лозим. Бундай ҳолда комплекс кўрсаткичнинг бошқа усули - ўринларни қўшиш усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

22. 3. Комплекс кўрсаткични аниқлашда ўринларини қўшиш усули

Бу усул асосан кўрсаткичларнинг ўлчами ҳар хил бўлганда қўлланилади. Бу усул орқали ҳар хил ўлчамга эга бўлган кўрсаткичларни бир хил ўлчамга келтириб олиш мумкин. Масалан, товар оборотининг бажарилиши фоизда ифодаланса, меҳнат унумдорлигининг даражаси сўмда ифодаланиши мумкин. Агар рентабеллик кўрсаткичини оладиган бўлсак, унинг даражаси ҳам фоизда ифодаланади. Бироқ, уни товар оборотининг бажарилишини ифодалайдиган фоиз кўрсаткичи билан солиштириб бўлмайди. Бундай ҳолларда ҳар хил ўлчамдаги кўрсаткичлар миқдорини ўринларни қўшиш йўли билан бир хил ўлчамга келтириб олинади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ўринларни қўшиш усулининг ҳам жуда кўп йўналишлари мавжуд. Масалан, кўрсаткичларнинг моҳиятига қараб табақаланган ўринларни қўшиш, ўн баллик, беш баллик, юз баллик кўрсаткичлардан келиб чиқиш ва ҳ.к.

Амалиётда ўринларни қўшишда субъектив ёндашишлар бўлиши мумкин. Бунга йўл қўймаслик учун балл беришда иш натижасининг реал ҳолатидан келиб чиқиш лозим. Биз бунга эришиш учун ҳар бир кўрсаткич бўйича корхоналар ўринларини аниқладик. Комплекс кўрсатични топиш учун эса ана шу ўринлар жамлаб чиқилди. Бу ҳолда қайси корхона энг кичик натижага эришган бўлса ўша корхона юқори ўрин эгаллаган бўлади.

Айрим адабиётларда комплекс кўрсаткичнинг эгаллаган ўринларни қўшиш усули ҳам алоҳида усул сифатида кўрсатилган.

Аммо бу усулларнинг методологик асоси бир хил бўлганлиги учун уларни бирлаштирган ҳолда ифодалашни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Ўринларни қўшиш усулини қўллаб комплекс кўрсаткични аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тасия қиламиз:

$$Ккj = \sum_{i=1}^{n} Бij, \qquad (3)$$

бунда Бij – i- кўрсаткичнинг, j – объектдаги бали, яъни ҳар бир объектнинг ҳар бир кўрсаткич бўйича эгаллаган ўринлари.

Ушбу усул орқали комплекс кўрсаткични аниқлаш учун қуйидаги жадвал тузилади (22.2-жадвал).

22.2 - жадвал

Корхоналарнинг комплекс кўрсаткичини ўринларни қўшиш усулини қўллаб аниқлаш

Кўрсаткичлар (1)	**Корхона (1)**					**Корхонанинг ҳар бир кўрсаткичи бўйича эгалланган ўринлар**				
	1	**2**	**3**	**4**	**5**	**1**	**2**	**3**	**4**	**5**
1. Товар обороти режасининг бажарилиши,%	103	105	104	107	106	5	3	4	1	2
2. Рентабеллик даражаси, товар оборотига нисбатан % ҳисобида, %	3,1	3,3	2,7	2,5	3,0	2	1	4	5	3
3. Мехнат унумдорлиги, минг сум	98,4	101,4	222,6	103.2	105,7	5	4	1	3	2
4. Муомала харажатлари даражаси, товар оборотига нисбатан% ҳисобида, %	7,3	7,2	8,1	6,9	7,7	3	2	5	1	4
5. Фондларнинг самарадорлиги, сумда	1,13	1,42	1,30	1,25	1,37	5	1	3	4	2
6. Даромадлар даражаси, товар оборотига нисбатан % ҳисобида, %	10,4	10,5	10,9	9,4	10,7	4	3	1	5	2
Жами:	x	x	x	x	x	24	14	18	19	15
Корхоналарнинг комплекс кўрсаткичи бўйича эгаллаган ўрни		x	x	x	x	5	1	3	4	2

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, таҳлил қилинаётган 5 та корхона ичида 14 балл олган иккинчи корхона биринчи ўринни олишга муяссар бўлган. Охирги 5-чи ўринни 24 балл тўплаган биринчи корхона эгаллаган. Қолган корхоналар шу тариқа ўз ўринларини эгаллаганлар. Комплекс кўрсаткич фақат корхоналарнинг ўринларини аниқлаб қолмасдан шу корхоналарда мавжуд бўлган ички резервларни аниқлаш имкониятини ҳам беради. Масалан, шу 5 та корхоналар ичида иккинчи корхона энг юқори ўринга сазовор бўлган.

Аммо таҳлил натижаси шуни кўрсатмоқдаки ана шу корхонада ҳам ҳали фойдаланилмаган резервлар мавжуд экан. Хусусан, ушбу корхона меҳнат унумдорлигининг даражаси бўйича 4-ўринни эгаллаган. Демак, ҳали бу корхонада меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича ички имкониятлари мавжуд. Таҳлилнинг навбатдаги босқичида айнан шу корхона бўйича меҳнат унумдорлигининг даражасини, унга таъсир этувчи омилларни янада чуқур ва батафсил ўрганиш лозим. Таҳлил натижасида шу кўрсаткични яхшилаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиши керак.

Комплекс кўрсаткичлардан фойдаланиб қилинадиган таҳлил илғор тажрибани аниқлаш ва уни жорий қилиш учун ҳам тегишли хулоса чиқариш имконини беради. Масалан, ушбу икки корхонада рентабеллик ва даромадлилик даражаси юқори. Бу кўрсаткичларга қандай эришилганлигини бошқа корхоналар фаолиятига жорий қилиш мумкин, чунки биз таҳлил қилаётган корхоналар битта тизимга - акциядорлик жамияти тизимига киради. Агарда бошқа тизимга кирадиган корхоналар фаолиятига қўлламоқчи бўлса бу тажрибадан фойдаланиш учун шу корхонанинг махсус рухсатини олиш лозим, чунки бозорли иқтисодиёт шароитида рақобат ва тижорат сири деган тушунчалар мавжуд.

Ўринларни қўшиш усули, кўриб ўтганимиздек, маълум қулайликларга эга. Бунда ҳар бир кўрсаткич бўйича корхоналарнинг эгаллаган ўринларини аниқлаш кифоя. Бу ҳеч қанақа қўшимча ҳисоб-китобларни талаб қилмайди. Аммо бу усулнинг баъзи камчиликлари ҳам мавжуд. Хусусан, кўрсаткичларнинг ўринлар ўртасидаги миқдори ҳар хил бўлиши мумкин.

Масалан, меҳнат унумдорлиги бўйича биринчи ўрин билан 2-чи ўрин ўртасидаги фарқ атига 0,5 минг сўм бўлиши мумкин. Ана шу кўрсаткич бўйича 2 ва 3 чи ўринлар ўртасидаги фарқ 5,0 - 6,0

минг сўм бўлиши мумкин. Бу усул билан баҳолашда ана шу фарқларни ҳисобга олиш қийин. Шу туфайли комплекс кўрсаткичнинг бошқа усулларидан ҳам фойдаланилади.

22.4. Комплекс баҳолашнинг нисбий кўрсаткичли усули

Бу усул комплекс баҳолашда асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Бу усул кўрсаткичларнинг миқдори ҳар хил ўлчаш билан ифодаланганда бир хил нисбий кўрсаткичга келтириб олиш учун қўлланилади. Бунда ҳар хил кўрсаткичнинг мутлоқ миқдори унинг эталон қийматига нисбатан ҳисобланади. Ҳар бир кўрсаткичнинг эталон миқдори, одатда, квалиметрия йўли билан аниқланади. Бунда бир қанча мутахасислар иштирок этади. Ҳар бир кўрсаткичнинг ушбу шароитига мос эталон миқдори аниқланади.

Ҳозирги даврда товар нархининг кескин ўзгариб турганлиги, иқтисодиётда бу бўйича барқарорликнинг ўрнатилмаганлиги ҳар бир кўрсаткич бўйича эталон миқдорини аниқлаш имконини бермайди. Шу туфайли биз эталон миқдор сифатида таҳлил қилинаётган объектлардаги ҳар бир кўрсаткич бўйича уларнинг ўртача миқдорини олишни тавсия қиламиз.

Буни қуйидагича аниқлаш мумкин. Масалан, таҳлил қилинаётган обьектлар бешта. Кўрсаткичнинг ўртача миқдорини топиш учун ана шу 5 та корхонанинг кўрсаткичларидан фойдаланилади. Хусусан, товар оборотининг режа бажарилиши бўйича эталон кўрсаткичи қуйидагича аниқланади, яъни барча корхоналар бўйича товар оборотининг режаси ва ҳақиқийси жамланади ва шу бешта корхона бўйича товар обороти бажарилиши аниқланади. Бу кўрсаткич шу корхоналар бўйича товар обороти бажарилишининг эталон миқдори сифатида қабул қилинади. Буни аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$T_{эті} = \frac{\sum_{i=1}^{n} T_{1j}}{\sum_{i=1}^{n} T_{oj}} \qquad (4)$$

бунда Тэті – товар обороти бажарилишининг эталон миқдори,

T_{1j} ва T_{oj} – товар оборoти ҳажмининг j – корхонадаги ҳақиқий ва режадаги миқдори.

Шу тариқа бошқа кўрсаткичларнинг ҳам эталон миқдорини топиш мумкин. Жумладан, меҳнат унумдорлиги даражасининг эталон миқдорини ($Му_{этj}$) топиш учун барча корхоналар товар оборoти

$$(\sum_{i-1}^{n} T_{1j})$$

шу корхоналардаги барча ходимлар сонига $(\sum_{i=1}^{n} X_{jj})$ бўлинади. Бу учун қуйидаги формулани тавсия қиламиз:

$$Му_{этj} = \frac{\sum_{i=1}^{n} T_{1j}}{\sum_{i=1}^{n} Xij} \qquad (5)$$

Ҳар бир кўрсаткич бўйича эталон миқдори аниқ бўлгач уларнинг нисбий кўрсатгичларини аниқлаш мумкин. Бу учун икки хил формула тавсия қилинади, чунки баъзи кўрсаткичларнинг кўпайиши хўжалик фаолиятининг яхшиланганлигидан далолат берса, баъзиларининг кўпайиши унинг ёмонлашганлигидан далолат беради.

Кўрсаткичлар миқдорининг кўпайиши хўжалик фаолияти ижобий баҳоласа қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$Aij = \frac{a\ ij}{Gэт\ i} \qquad (6)$$

бунда Aij – кўрсаткичнинг j – объектдаги нисбий миқдори:
a ij – i- кўрсаткичнинг, j – объектдаги мутлоқ миқдори:
a эт.i – i- кўрсаткичнинг эталон миқдори.

Бундай кўрсаткичларга товар оборотининг бажарилиши, рентабеллик даражасининг ошиши, меҳнат унумдорлигининг кўпайиши каби кўрсаткичлар киради.

Аммо шундай кўрсаткичлар ҳам борки бундай кўрсаткичларнинг кўпайиши хўжалик фаолиятини салбий баҳолайди.

Масалан, муомала харажатларининг даражаси қанча кўп бўлса ташкилотнинг молиявий хўжалик аҳволи шунча ёмонлашади. Худди шундай гапларни меҳнат хақи фондининг даражаси бўйича ҳам айтиш мумкин. Бундай ҳолларда нисбий кўрсаткичларни аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз.

$$Aij = \frac{a\ эти}{a\ i\ j} \qquad (7)$$

Барча кўрсаткичлар бўйича биз тавсия қилган тамойилга асосланиб нисбий миқдорлар аниқланса улар бир хил ўлчамга эга бўлади. Бундай миқдорларни жамлаш мумкин. Бу ҳолда комплекс кўрсаткич кўрсаткичлар системасининг нисбий миқдорлари йиғиндисидан иборат бўлади ва уни топиш учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз.

$$K_{кj} = 1 / n \sum_{i=1}^{n} Aij \qquad (8)$$

Бу усулнинг амалда қўлланилишини аниқ маълумотлардан фойдаланган ҳолда кўриш мумкин (22.3-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, комплекс курсаткичнинг микдори буйича биринчи ўринни иккинчи корхона (1,04), иккинчи ўринни бешинчи корхона (1,02), охирги бешинчи ўринни эса тўртинчи корхона (0,97) эгаллаган. Агар таҳлил қилаётган объектимиз кўп бўладиган бўлса уларнинг ўринлари ҳам шу тариқа тақсимланади. Бу усулнинг қулайлиги шундаки, хўжалик фаолиятининг натижаси эталон даражасида бўлса дархол аниқланади. Яъни унинг миқдори 1 га тенг бўлади. Агар комплекс кўрсаткичнинг миқдори бирдан катта бўлса жуда яхши ва 1 дан кичик бўлса ёмон деган хулосага келиш мумкин. Умуман натижаси 1 дан кичик бўлган корхоналарнинг фаолиятини яхшилаш лозимлиги ва уни янада мукаммалроқ таҳлил қилиб тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқишни таъминлаш зарурлиги аниқланади. Таҳлил жараёнида натижага таъсир қилувчи омилларни ўрганиш ва уларнинг таъсирини ҳисоблаш мақсадга мувофиқдир.

22.3 - жадвал

Нисбий кўрсаткичли усулдан фойдаланган ҳолда корхоналар хўжалик фаолиятини комплекс баҳолаш

Кўрсаткичлар	Корхоналар					Кўрсаткичнинг ўртача хажми	Нисбий кўрсаткичлар ҳажми				
	1	*2*	*3*	*4*	*5*		*1*	*2*	*3*	*4*	*5*
1. Товар обороти режасининг бажарилиши, %	103	105	104	107	106	105	0,98	1,00	0,99	1,02	1,01
2. Рентабеллик даражаси, товар оборотига нисбатан %	3,1	3,3	2,7	2,5	3,0	2,9	1,07	1,14	0,93	0,86	1,03
3. Мехнат унумдорлиги, минг сўм	98,4	101,4	222,6	103,2	105,7	104,5	0,94	0,97	1,08	0,99	1,01
4. Муомала харажатлари даражаси товар оборотига нисбатан, %	7,3	7,2	8,1	6,9	7,7	7,5	1,03	1,04	0,93	1,09	0,97
5.Фондларнинг самарадорлиги, сўмда	1,13	1,42	1,30	1,25	1,37	1,30	0,87	1,09	1,00	0,96	1,05
6. Даромадлар даражаси, товар оборотига нисбатан %	10,4	10,5	10,9	9,4	10,7	10,5	0,99	1,00	1,04	0,99	1,02
Жами	x	x	x	x	x	x	5,88	6,24	5,97	5,82	6,09
Ўртача микдори	x	x	x	x	x	x	0,98	1,04	0,99	0,97	1,02
Корхоналарнинг эгаллаган ўрни	x	x	x	x	x	x	4	1	3	5	2

Бироқ, шуни эътироф этиш керакки, ушбу усулнинг ҳам баъзи камчиликлари бор. Жумладан, хўжалик фаолиятини комплекс баҳолашда кўрсаткичларнинг моҳиятлилик даражаси инобатга олинмайди. Ҳақиқатда эса хўжалик фаолиятини баҳолаш учун рентабеллик даражаси билан фондларнинг самарадорлигини бир хил даражадаги кўрсатикичлар деб бўлмайди. Албатта рентабелликнинг моҳияти иккинчи кўрсаткичга нисбатан юқори. Шу туфайли комплекс кўрсаткичларни аниқлаганда кўрсаткичлар тизимига кирадиган кўрсаткичларнинг моҳиятлилигини инобатга олиш мақсадга мувофиқдир.

22.5. Комплекс баҳолашнинг кўрсаткичлар муҳимлигини инобатга олиш усули

Таъкидлаганимиздек, хўжалик фаолиятини батафсил ҳар томонлама баҳолаш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Аммо ҳар бир кўрсаткич ўзининг моҳияти ва мазмунига эга.

Бироқ кўриб чиқилган усулларда кўрсаткичларнинг моҳиятлилигини инобатга олмайдилар. Шу туфайли комплекс кўрсаткични топиш усули такомиллаштиришни талаб қилади. Бунинг зарурлиги шундаки, баъзи корхоналар унча муҳим бўлмаган кўрсаткичлар бўйича юқори даражага эришса ана шу муҳим бўлмаган кўрсаткичлар бўйича биринчи ўринларни эгаллашлари мумкин. Бу эса, иқтисодий жараёнларнинг натижасини одилона баҳолаш имконини бермайди. Кўрсаткичларнинг моҳиятлилигини белгилаш учун уларнинг моҳиятлилик коэффициентини ишлаб чиқиш лозим. Бу миқдор эксперт йўл билан аниқланади. Бунда кўрсаткичлар тизими киритилган сўроқ варақаси олимлар ва мутахассисларга тарқатъилади. Улар ҳар бир кўрсаткичга “0” дан “1” гача бўлган чегарада моҳиятлилигини белгилаб берадилар. Экспертлар ҳар бир кўрсаткич бўйича қўйилган рақамларини қўшиб чиқиб балл берганлар сонига бўлинади. Чиққан натижа шу кўрсаткич бўйича унинг моҳиятлилигини ифодалайди.

Шундай қилиб, ҳар бир кўрсаткич бўйича қуйидаги моҳиятлилик коэффициентига эга бўлинди. Товар обороти ва рентабеллик даражаси хўжалик фаолиятини баҳолаш учун жуда аҳамиятли эканлиги аниқланди. Уларнинг моҳиятлилик коэффициенти бирга тенг бўлди. Меҳнат унумдорлиги ва даромадлар

даражасининг моҳиятлилик коэффициенти 0,8 га, муомала ҳаражатлари даражаси 0,7 га ва ниҳоят фондларнинг самарадорлиги 0,6 га тенг бўлди.

Комплекс кўрсаткични моҳиятлилик даражаси билан аниқлаш учун ҳар бир кўрсаткичнинг нисбий миқдорини аниқланган моҳиятлилик коэффициентига кўпайтириб олинади ва чиққан натижа жамланиб, унинг ўртачаси топилади. Бу учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$K_{kj} = 1/n \sum_{i=1}^{n} Aij\ Kmi, \qquad (9)$$

бунда Kmi – і кўрсаткичнинг моҳиятлилик коэффициенти.

Бундай тавсиянинг амалда қўлланилишини аниқ маълумотлардан фойдаланган ҳолда қуйидагича тасвирлаш мумкин (22.4 - жадвал).

22.4-жадвал

Кўрсаткичлар муҳимлигини инобатга олиб комплекс кўрсаткични аниқлаш усули

Кўрсаткичлар	Корхоналарнинг 22.3-жадвалдаги нисбий кўрсаткичлар ҳажми					Моҳиятлилик коэффициенти	Моҳиятлилик коэффициенти инобатга олингандан кейин нисбий кўрсаткичлар ҳажми				
	1	2	3	4	5		1	2	3	4	5
1	0,98	1,00	0,99	1,03	1,01	1,0	0,98	1,00	0,99	1,02	1,01
2	1,07	1,14	0,93	0,86	1,03	1,0	1,07	1,14	0,93	0,86	1,03
3	0,94	0,97	1,08	0,99	1,01	0,8	0,75	0,78	0,86	0,79	0,81
4	1,03	1,04	0,93	1,09	0,97	0,7	0,72	0,73	0,65	0,76	0,68
5	0,87	1,09	1,00	0,96	1,05	0,6	0,52	0,65	0,60	0,58	0,63
6	0,99	1,00	1,04	0,90	1,02	0,8	0,79	0,80	0,80	0,72	0,82
Жами	5,88	6,24	5,97	5,82	6,09	x	4,83	5,10	4,86	4,73	4,98
Ўртача хажми	0,98	1,04	0,99	0,97	1,02	x	0,80	0,85	0,81	0,79	0,83
Корхонанинг ўрни	4	1	3	5	2	x	4	1	3	5	2

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ҳар бир кўрсаткич бўйида уларнинг миқдори моҳиятлилигини инобатга олганда тегишли даражага ўзгарган. Жумладан, биринчи корхонада комплекс кўрсаткичнинг ўртача даражаси 0,98 ни ташкил килар эди. Шу кўрсаткич моҳиятлилик коэффициенти билан 0,88 ни ташкил қилади. Бундай ҳолатни бошқа корхоналар кўрсаткичлари бўйича ҳам аниқлаш мумкин. Масалан, иккинчи корхонанинг комплекс кўрсаткичи уларнинг моҳиятлилиги инобатга олинмаган пайтда 1,04 ни ташкил килган эди.

Моҳиятлилигини инобатга олганда эса бу миқдор 0,85 эканлиги аниқланди:

$$\frac{1}{6}\ [(1,00x1)+(1,14x1)+(0,97x0,3)+(1,04x0,7)+(1,09x0,6)+$$
$$+(1,0x0,8)] = 0,85$$

Бизнинг мисолимизда корхоналар ўрни ўзгармасдан қолди. Аммо кўрсаткичларнинг моҳиятлилиги инобатга олиб ҳисобланганда жуда кўп ҳолларда корхоналарнинг ўрни ўзгариб кетиши табиий. Биз ушбу мисолда методологик асос учун кўрсаткичлар сонини ҳам, корхоналар сонини ҳам чекланган тарзда олдик. Амалиётда буларнинг сони кўплиги ҳаммага маълум. У ҳолда моҳиятлиликни инобатга олиш тўб ўзгаришларга олиб келиши мумкин.

22.6. Комплекс баҳолашнинг масофа усули

Иқтисодий таҳлилда бу усул етмишинчи йиллардан буён қўлланилиб келинмоқда. Буни биринчи марта иқтисодий таҳлилга олиб кирган олим И.Т.Абдукаримовдир. Бу усулнинг моҳияти ҳар бир кўрсаткич бўйича корхоналар эришган натижасига қараб “0” дан “1”гача бўлган масофа ўртасига жойлаштирилади. Бунда энг катта ҳажмга эга бўлган корхонани “1” нуқтага ва энг кичик ҳажмга эга бўлган корхонани “0” нуқтага жойлаштирилади. Қолган корхоналар эса ана шу нуқталар ўртасидаги масофада жойлаштирилади. Бу учун ҳар бир кўрсаткич бўйича уларнинг нисбий миқдорини аниқлашни талаб қилади. Бунда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\mathrm{Aij} = \frac{\mathrm{aij} - \mathrm{minaij}}{\mathrm{macaij} - \mathrm{minaij}} \qquad (10)$$

бунда Аij – і-кўрсаткичнинг j – корхонадаги "0"билан "1" ўртасидаги нисбий миқдори;

і – кўрсаткичлартартибсони (і=I,n);

j – корхоналар тартиб сони (j=1,m);

n – кўрсаткичларнинг умумий сони;

m – корхоналарнинг умумий сони;

аij – і-кўрсаткичнинг j- корхонадаги мутлоқ миқдори;

min аij – j- кўрсаткичнинг j – корхонадаги энг кичик миқдори;

mac аij – і-кўрсаткичнинг j – корхонадаги энг катта миқдори;

Ушбу формула шундай пайтда қўлланиладики, қачонки кўрсаткичлар ҳажмининг кўпайиши корхона фаолиятини ижобий баҳолаган пайтда. Бунга меҳнат унумдорлиги, рентабеллик даражаси, фондларнинг самарадорлиги каби кўрсаткичларни киритиш мумкин.

Ушбу формуланинг амалда қўлланилишини 3-жадвал маълумотларига асосан кўриб чиқиш мумкин. Мисол қилиб рентабеллик даражасини олайлик. Бу ерда энг катта миқдорга иккинчи корхона эришган. Бу 3,3 % ни ташкил қилади. Бу корхона "1" нуқтасига жойлаштирилади. Энг кичик миқдор 2,5 % тўртинчи корхонада. Бу эса "0" нуқтага жойлаштирилади ва қуйидаги тўғри чизиқ ҳосил бўлади.

0_____1 - кўрсаткичлар
4 2 - корхоналар

Қолган кўрсаткичлар ана шу масофа оралигида жойлаштирилади. Бу учун 1 рақамли корхонани олайлик. Буни "0" билан "1" ўртасидаги масофага жойлаштириш учун келтирилган формуладан фойдаланамиз ва қуйидаги натижага эга бўламиз:

$$\frac{3,1 - 2,5}{3,3 - 2,5} = 0,75,$$

Учинчи корхона бўйича бу миқдори 0,25 га тенг булди:

$$\frac{2,7 - 2,5}{3,3 - 2,5}$$ ва ҳоказо.

Бу миқдорларнинг тўғри чизиққа жойлаштирадиган бўлсак қуйидаги шаклга эга бўламиз:

0 . . . 0,25 . . 0,63 . . 0,75 . 1 кўрсаткичлар

---

4 3 5 1 2 корхоналар

Таъкидлаганимиздек, амалиётда шундай кўрсаткичлар ҳам учрайдики, улар ҳажмининг кўпайиши хўжалик фаолиятининг ёмонлашганлигидан далолат беради. Бунга муомала ҳаражатларининг даражаси, товар оборотининг фондлилик даражаси каби кўрсаткичларни мисол қилиш мумкин. Бундай ҳолда юқоридаги формула қўлланилса хўжалик фаолиятининг натижаси тўғрисида қарама-қарши хулоса келиб чиқади. Шу туфайли комплекс кўрсаткичларнинг ўлчамини эмас, балки уларнинг йўналишларини ҳам бир хил ҳолатга келтириб олишимиз лозим. Буни амалга ошириш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$A_{ij} = \frac{mac\,a_{ij} - a_{ij}}{mac\,a_{ij} - min\,a_{ij}} \qquad (22)$$

Ушбу формула орқали 3- жадвал маълумотларига асосан муомала ҳаражатлари даражаси бўйича корхоналарнинг қайси масофада жойлашганлигини аниқлаймиз. Бу ҳолда энг ката кўрсаткич “0” нуқтага жойлаштирилади. Бизнинг мисолимизда бунга 3 корхона тўғри келади. Энг кичик миқдорга эга бўлган тўртинчи корхонани “1” нуқтага жойлаштирамиз. Қолган корхоналарни анна шу ораликда тавсия қилинган формулага асосан жойлаштириб чиқилади. Масалан, биринчи корхонанинг масофаси 0,67 га тенг

$$\frac{8,1-7,3}{8,1-6,9}$$

иккинчи корхона 0,75 нуктада жойлашади

$$\frac{8,1-7,2}{8,1-6,9}$$ ва ҳ.к.

Бу ҳолда тўғри чизик қуйидаги кўринишга эга бўлади:

0 . . . 0,33 . . . 0,67 . 0,75 . 1 - кўрсаткичлар

---

3 5 1 2 4 - корхоналар

Шу тариқа барча кўрсаткичларнинг нисбий миқдорлари аниқланади. Натижада барча кўрсаткичлар ўлчами ва йўналиши бўйича бир хил ҳолатга келтирилади. Энди комплекс кўрсаткични аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$Ккj = \frac{1}{6} \sum_{i=1}^{n} Aij \cdot Мкі \qquad (12)$$

бунда Мкі – і-кўрсаткичларнинг моҳиятлилик коэффициенти.

Комплекс кўрсаткичнинг ушбу усулини амалий маълумотларни қўллаб ечиш учун 22.3-жадвалда келтирилган маълумотлардан фойдаланилади. Ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун қуйидаги жадвал тузилади (22.5-жадвал).

22.5-жадвал

Масофа усулини қўллаб корхоналар хўжалик фаолиятининг комплекс кўрсаткичини аниқлаш усули

і Кўрсаткичлар тартиб рақами	Корхоналар (і)					Кўрсаткичларнинг моҳиятлилик коэффициенти (к.мі)	аіj х Кмі				
	1	2	3	4	5		1	2	3	4	5
1.	0	0,5	0,25	1,0	0,75	1,0	0	0,5	0,25	1,0	0,75
2.	0,75	1,0	0,25	0	0,63	1,0	0,75	1,0	0,25	0	0,63
3.	0	0,21	1,0	0,34	0,51	0,8	0	0,17	0,8	0,27	0,41
4.	0,67	0,75	0	1,0	0,33	0,7	0,47	0,53	0	0,7	0,23
5.	0	1,0	0,59	0,41	0,83	0,6	0	0,6	0,35	0,25	0,50
6.	0,67	0,73	1,0	0	0,87	0,8	0,47	0,58	0,8	0	0,70
Жами	2,09	4,19	3,04	2,75	3,92	х	1,69	3,38	2,45	2,22	3,22
Ўртача ҳажми	0,35	0,70	0,52	0,46	0,65	х	0,28	0.56	0,41	0,37	0,54
Корхоналарнинг ўрни	5	1	3	4	2	х	5	1	3	4	2

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, комплекс баҳолашнинг ушбу масофа усулида ҳам кўрсаткичларнинг

мутлоқ миқдори асос бўлади. Бунга асосан нисбий кўрсаткичлар аниқланади ва улар жамланиб комплекс кўрсаткич топилади. Умуман олганди барча усулларда бир хил тамойилга асосланган. Барчасида кўрсаткичлар ўлчами ва йўналиши жиҳатидан бир хил ҳолатга келтирилиб олиниши лозим.

Комплекс кўрсаткичларни аниқлашнинг энг содда ва енгил йўлларини кўриб чиқдик. Уларнинг барчасида бир хил натижага эришилиши исботланди. Жумладан, деярли барча усулларда ҳам биринчи ўринни иккинчи корхона, иккинчи ўринни - 5 корхона ва ниҳоят охирги ўринни - 1 корхона эгаллаб турибди.

Бу усуллар фақат корхоналарнинг эгаллаган ўринларини аниқлаб қолиш учун эмас, балки хўжалик фаолиятида мавжуд бўлган имкониятларни қидириб топиш учун ҳам катта ёрдам беради. Мисол учун биринчи ўринни эгаллаган 2-нчи корхонани олайлик. Комплекс кўрсаткичнинг шу корхонадаги ўртача миқдори 0,56 га тенг. Аммо уртача кўрсаткич бўйича нисбий микдор шу ўртачадан паст, яъни товар обороти режасининг бажарилиши 0,5 га тенг. Бу кўрсаткич бўйича миқдор 0,06 га кам. (0,56 - 0,50). Меҳнат унумдорлигининг даражаси бўйича 0,39 га кам (0,56 - 0,17). Муомала ҳаражатлари бўйича ҳам 0,03 га камлиги (0,56 - 0,53) кўзга ташланади. Бу ҳолатлар шуни кўрсатадики, келажакда ушбу корхонада асосий эътиборни товар оборотининг бажарилишига, меҳнат унумдорлигининг оширилишига, муомала ҳаражатларини тежаб тергаб сарфланишига қаратмоқ лозим.

Бу усуллар бозор иқтисодиётига ўтилаётган бир пайтда янада такомиллаштиришни талаб қилади, уларнинг муҳимлиги ва зарурлиги ошади. Фирмалар, акциядорлик жамиятлари, корпарация ва концернлар молиявий баркарор ҳолатда ишлаши учун ўз тасарруфидаги барча “авлод корхоналарининг” фаолиятини изчиллик билан ўрганиб туришлари зарурдир. Уларнинг ҳақиқий аҳволини билиш учун ушбу усуллардан кенг фойдаланиш лозим бўлади.

Комплекс кўрсаткични аниқлашда методологик асос бўлиш учун фақат чекланган кўрсаткич ва чекланган корхоналар мисолида амалга оширдик. Агарда кўрсаткичлар сони кўпайса ёки корхоналар сони ошса ҳам бу усулларни бемалол қўллаш мумкин.

Кўрсаткичлар сонини ҳам, корхоналар сонини ҳам чекланмаган миқдорда кўпайтириш ва шу усулларни амалга ошириш ва биз тавсия қилган моделга киритиш мумкин. Бу усулларни

қўллаш ҳисоб-китоб ишларига компьютерни жорий қилса янада қулайлик туғдиради. Жуда кўп ва зарур бўлган маълумотлар машинанинг хотирасида узоқ сақланиши жорий даврда ишонарли хулосалар чиқариш учун яхши асос бўлади.

Такрорлаш ва ўзини-ўзи назорат қилиш учун саволлар

1. Комплекс таҳлилнинг моҳияти.
2. Батафсил таҳлил нима?
3. Комплекс баҳолашнинг жамлаш усули.
4. Комплекс кўрсаткични аниқлашда ўринларни қўшиш усули.
5. Комплекс баҳолашнинг нисбий кўрсаткичли усули.
6. Комплекс баҳолашнинг кўрсаткичлар муҳимлигини инобатга олиш усули.
7. Комплекс баҳолашнинг масофа усули.

23-боб. ФУНКЦИОНАЛ ҚИЙМАТ ТАҲЛИЛИ МЕТОДОЛОГИЯСИ ВА УНДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН УСУЛЛАР

23.1. Функционал қиймат таҳлилининг зарурлиги ва вазифалари

Бозорли иқтисодиёт шароитида хўжалик субъектлари кўзда тутилмаган ҳодиса ва жараёнларга кўплаб дуч келиши муқаррар. Бу шароитда ҳар бир корхона, фирма ўз фаолиятини чуқур таҳлил қилиб ноанъанавий қарорлар қабул қилишни, кўзда тутилмаган чора-тадбирларни қўллашни талаб қилади. Бунга фақат функционал-қиймат таҳлилини (ФҚТ) қўллаш йўли билан эришиши мумкин.

ФҚТ жаҳон амалиётида, айниқса, тараққий этган мамлакатларда кенг қўлланилиб келинмоқда. Унинг самарадорлиги беқиёс эканлигини жаҳон амалиёти такрор ва такрор исботлаб келмоқда, чунки маҳсулотнинг (иш, хизматнинг) сифатини унга сарф қилинадиган харажатларни камайтириш эвазига эришилиб келинмоқда. Бу эса ўз навбатида корхонанинг ички ва ташқи бозордаги рақобатда ютиб чиқишини, унинг молиявий барқарорлигининг мустаҳкамлилигини таъминламоқда.

ФҚТ иқтисодиётнинг барча соҳаларида (саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, хизмат, савдо кабилар) қўлланилиши мумкин. Унинг аҳамияти беқиёсдир, чунки жамиятда манфаатлар муштараклигини таъминлайди. У энг аввало, меҳнаткаш манфаатига мос, уларни ортиқча самарасиз ишлашдан, нокерак функцияларни амалга оширишдан ҳоли қилади ва шу йўл билан барча қилинадиган меҳнатнинг фойдалилигини таъминлайди. Шу орқали улар бир хил меҳнатга бир вақт бирлигида кўп меҳнат ҳақи олишга эришади.

ФҚТ мулк эгаси, инвесторлар манфаати учун ҳам хизмат қиладилар. У энг аввало, маҳсулот сифатини яхшилаш эвазига мулк эгасининг истеъмол бозоридаги нуфузини оширади. Иккинчидан эса корхонада ортиқча саф-харажатларни камайтириш

эвазига унинг иқтисодий самарадорлигининг ошишига, фойданинг кўпайишига замин яратади. Корхонанинг фаолиятида молиявий барқарорлик таъминланиб, унинг рақобатга бардошлилиги ошади.

ФҚТ давлат манфаатини ҳам ўзида акс эттиради. Корхона фаолияти самарадорлигини ошириш, у ишлаб чиқарган маҳсулотнинг ички ва ташқи бозордаги нуфузи ошганлиги биринчидан, давлатни ташқи мамлакатларга танитади ва иккинчидан, унинг бюджетига ҳар хил солиқли ва солиқсиз тўловлар орқали тушумларни кўпайтиради. Демак, ФҚТ бутун манфаатлар муштараклигини ва мувофиқлигини таъминлайди. Бу эса бозорли иқтисодиёт шароитида иқтисодий фаолиятнинг асосий тамойилларидан биридир.

Ушбу бобда ФҚТнинг вужудга келиш тарихи қисқа қилиб ёритилган. Бунда ФҚТ методологиясини яратишда ҳисса қўшган олимлар ва унинг амалиётда қўлланилиш тарихи кўрсатиб берилган. Унда ФҚТнинг моҳияти, мазмуни ва ўзига хос хусусиятлари ҳам қисқа сатрларда ёритилган. Бу борада ҳар хил қарашлар мавжудлигини инобатга олиб муаллиф тадқиқотлар натижасида шаклланган ўз фикр ва мулоҳазалари билан ўртоқлашган. ФҚТнинг вазифаси, айниқса, Ўзбекистон иқтисодиёти учун беқиёсдир. Буни инобатга олиб ушбу бобда айнан шу масалага алоҳида параграф ажратилган.

ФҚТ иқтисодий таҳлилнинг алоҳида шаклидир. Шу туфайли уни амалга ошириш ҳам ўзига хос босқичлардан иборат. Шу туфайли махсус пораграф ФҚТ ни ўтказиш босқичларига бағишланган.

ФҚТда ноананавий усуллар қўлланилади. Шулардан энг муҳимлари эвристик таҳлил ва “фикрлар ҳужуми” усулларига алоҳида тухталган. ФҚТ хўжалик дастакларининг энг самарали турларидан биридир. Шу туфайли унинг самарадорлигига ҳам алоҳида ўрин берилган. Энг муҳими, ушбу бобда назарий масалалар фақат амалий маълумотлар билан эмас, балки чизмалар йўли билан ҳам кўрсатиб берилган.

ФҚТ масаласи бу жуда кенг ва ҳали Ўзбекистон олимлари томонидан етарли даражада ўрганилмаган соҳа. Ушбу бобда муаллифнинг ўзбек тилидаги биринчи иши бўлганлиги туфайли унда баъзи камчиликлар, мунозарали жиҳатлар бўлиши табиий.

Шу туфайли муаллиф ФҚТнинг назарий ва амалий масалалари бўйича ҳурматли ўқувчиларнинг барча таклиф ва тавсияларини, танқид ва эътирозларини бажонидил қабул қилади. Булар дастлаб ишнинг такомиллашувига туртки бўлса, энг муҳими, унинг амалиётга қўлланилиши ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг кўтарилишига, Ўзбекистон маҳсулотининг жаҳон бозоридаги нуфузини ошишига асос бўлади.

23.2. ФҚТ нинг вужудга келиш тарихи

ФҚТнинг вужудга келиш тарихи XX асрнинг 40-йилларига тўғри келади. Бу таҳлилнинг пайдо бўлиши объектив заруратдан келиб чиққан. Иқтисодиётда шундай вазият вужудга келадики, энди мақсадсиз харажатларни бартараф қилиб корхона фаолиятининг самарадорлигини ошириш эвазига кўпроқ фойда олиш зарурати туғилди. Бу эса ФҚТнинг методологиясини биринчи марта Собиқ иттифоқ даврида 40-йилларда рус конструктори пермлик Ю.М.Соболев томонидан ишлаб чиқила бошланди. Шу даврда АҚШда ҳам бир гуруҳ олимлар ФҚТ методологиясини яратиш бўйича муҳандис Л.Майлсон раҳбарлигида иш олиб бордилар. Сўнгра таҳлилнинг бу тури Ғарбий Европа ва тараққий этган йирик капиталистик мамлакатларга (Англия, Германия, Япония ва ҳ.к.) тарқалди.

Шуни такидлаш лозимки, ФҚТ Собиқ иттифоқ даврида биринчи марта яратилишига қарамасдан унинг амалиётда қўлланилиши орқада қолди. Шу туфайли АҚШда таҳлилнинг бу тури амалиётга биринчи марта жорий қилиниши билан характерланади. Бу эса ФҚТнинг Ватани АҚШ деган тушунчани вужудга келтирди.

Собиқ Иттифоқ даврида ФҚТдан амалиётда фойдаланиш 70-йилларнинг ўрталарига тўғри келади. 1974 йилдан бошлаб у электротехника саноатида қўлланила бошлади. 80-йилларда эса машинасозлик саноатида қўлланилди.

ФҚТнинг такомиллашиши шу асрнинг 80-йилларга тўғри келади. Бу даврда шу соҳа бўйича жуда кўплаб адабиётлар яратилди. Бунда олимлардан Б.И.Майдончик, М.Г.Карпунин, Н.К.Моисеева, В.П.Салтикова, Р.Влчек, А.Д.Шеремет, А.П.Селезнев кабилар катта ҳисса қўшдилар. Бу олимлар ФҚТ бўйича

монография, дарслик, ўқув ва амалий қўлланмалар яратдилар. Хуллос, ФҚТнинг назарий ва амалий асоси яратилди.

1985 йилда Рега шаҳрида ФҚТдан фойдаланиш бўйича иккинчи Бутуниттифоқ симпозиуми, 1986 йилда Чехословакияда ФҚТни қўллашга бағишланган тўққизинчи Халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Собиқ иттифоқ даврида Вазирлар Маҳкамаси қошида "ФҚТни жорий қилиш Қумитаси" тузилди. Бунга йирик олимлар ва амалиётга мутахассислар раҳбарлик қилдилар.

Бу тадбирлар ФҚТнинг иқтисодиётнинг барча соҳаларида кенг қўламда қўлланиш имконини берди. Шундай қилиб, 90-чи йилларга келиб ФҚТ ўзининг назарий асосига, амалий тажрибасига эга бўлди ва иқтисодий таҳлилнинг бир шакли сифатида мустаҳкамланди.

23.3. ФҚТ моҳияти, мазмуни ва хусусиятлари

ФҚТни қўллашдан мақсад корхонанинг харажатларини камайтириш эвазига унинг фаолиятида юқори самарадорлик ва сифат кўрсаткичига эришишдан иборатдир. Бунга иқтисодий ҳодиса, жараён ва фаолиятни содир бўлмасдан олдин системали равишда таҳлил қилиш орқали эришилади. Натижада маҳсулотнинг юқори сифати, ишнинг юксак самарадорлиги таъминланади. Шу туфайли ФҚТ иқтисодий таҳлилнинг энг самарали ва илғор шаклларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Таҳлилнинг бу шакли асосан микро-иқтисодиёт даражасида қўлланилади. Бунда ҳам аниқ буғинларни, маҳсулотни, жараённи, фаолиятни объект қилиб олади. Масалан, бирор маҳсулотни ишлаб чиқариш, ёки товар ҳаракатини бошқариш, ёки бирор мутахассис фаолиятини такомиллаштириш кабилар. Демак, ФҚТнинг қўлланилиш доираси қисқа ва аниқ мақсадларни кўзда тутар экан.

Шундай қилиб, ФҚТ деб ишнинг, фаолиятнинг, меҳнатнинг самарадорлиги ва сифатини ошириш мақсадида, уларни системали равишда, содир бўлмасдан олдин, мантиқий (эвристик) йўл билан, таҳлил қилиш орқали маҳсулотни ишлаб чиқаришда унга сарфланадиган харажатларни ва бажариладиган функцияларни камайтириш эвазига унинг фойдалилиги ва рентабеллигини

кўпайтиришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш жараёнига айтилади.

ФҚТ бир вақтнинг ўзида товар (иш, хизмат) ишлаб чиқарувчилар билан бирга истеъмолчилар манфаатини ҳам кўзлаб иш тутадилар. Ишлаб чиқарувчиларнинг манфаати ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш эвазига ишнинг самарадорлигини оширишда номаён бўлса, истеъмолчиларники эса товарнинг сифатида, нархининг арзонлигида. Ундан узоқ муддат фойдаланишда, унинг мустаҳкамлигида намоёна булади. Бу билан давлатнинг ҳам манфаати муштараклашади, чунки товар арзон ва сифатли бўлса бу жаҳон бозорида ҳам ўз харидорларини топади. Шу орқали давлат ўз нуфузига эга бўлиш билан бирга, унинг иқтисодий қудрати ҳам мустаҳкамланади. ФҚТни қўллаш орқали ҳамма манфаатлар муштараклигини ва мувофиқлигини таъминлайдиган кўрсаткичларга, товарнинг (иш, хизмат) сифати, арзонлиги, мустаҳкамлигига эришилади.

ФҚТ ўзига хос хусусиятларга эга. Булар қўйидагилардан иборат:

1. Таҳлил қилинаётган объект ҳали ишга тушмаган, фаолият кўрсатмаётган, лойиҳалаштириш, режалаштириш босқичида бўлиши мумкин. Шу туфайли ФҚТ иқтисодий жараён содир бўлмасдан олдин ўтказилади.

2. Ҳар бир таҳлил қилинаётган объектда бирорта ходиса ёки иқтисодий жараённинг тўлиқ содир бўлиши учун у қандай функциялардан иборатлиги аниқланади. Бундай таҳлилда абстракт тафаккур, эвристик таҳлиллардан фойдаланиш мумкин.

3. ФҚТ да барча функциялар учга бўлиб ўрганилади: асосий, қўшимча, нокерак. Таҳлил қилинадиган объект фаолиятини лойиҳалаштиришда нокерак функцияларни бартараф қилиш йўллари ишлаб чиқилади. Бу эса харажатнинг ўз-ўзидан камайишини таъминлайди.

4. Ҳар бир асосий ва қўшимча функцияларнинг қандай амалга ошиши белгиланади. Имкони борича бу функциялар ҳам тежамли йўллар билан маҳсулот (иш, хизмат) сифатини оширадиган даражада бажарилишини таъминлайди.

5. ФҚТ самарадорлиги олдиндан аниқланади, чунки таъкидланганидек, олдиндан аниқланган нокерак функциялар содир бўлмасдан, уларга маблағ, вақт йўқотилмасдан бартараф

қилинади. Бу ҳам унинг ўта самарали иқтисодий дастак эканлигидан далолатдир.

6. Ушбу таҳлилда ахборот манбаи бўлиб ўтган, содир бўлган иқтисодий жараённи ифодаловчи ҳисоботлар эмас, балки бажарилиши лозим бўлган, кўпроқ илмий ва мантиқий йўл билан аниқланган, ҳали содир бўлмаган функциялар тизими ҳисобланади.

7. Фаолият кўрсатаётган объектларда ФҚТ бизнес-режани тузишда қўлланилади. Унинг ҳар бир кўрсаткичини асослаш учун функцияларни таркиблаш (асосий, қўшимча, нокерак) тамойилига асосланади. Бу эса иқтисодий кўрсаткичларнинг ҳам яхшиланишини, иқтисодий ўсишни самарали йўллар билан таъминлаш имконини беради.

ФҚТ да таҳлилнинг ҳам, таҳлил қилинаётган объектнинг ҳам мақсадини, кутилаётган натижасини, функциясини, моҳиятини, таъсирини ва алоқасини аниқлаб олишни тақозо қилади. Объектнинг мақсадида у орқали нимага эришилиши кўзда тутилса, натижада шу объект нимага эришилганлиги кўрсатилади. Унинг функциясида шу объектнинг нима қилиши кўзда тутилса. моҳиятида шу объект нима қила олишини кўрсатади. Объектнинг таъсири деганда объектнинг нимани ўзгартира олиши тушунилса унинг алоқасида ФҚТ бошқа кўрсаткичларга таъсир қилиш нималар орқали амалга ошиши кўрсатилади. Шу туфайли ФҚТ ни амалга ошириш жараёнида ушбу иборалардан тўғри ва аниқ фойдаланиш лозимдир.

23.4. ФҚТнинг бозор муносабатлари шароитидаги вазифалари

ФҚТ эркин, бозор муносабатлари шаклланаётган ва шаклланган шароитида иқтисодиётнинг ҳамма соҳасида қўлланилиши мумкин. Ундан лойиҳалаштиришда, бирор объектини такомиллаштиришда, техника ва технологик жараёнларни таҳлил қилишда, иқтисодиётнинг ҳамма буғинларида, бошқаришда, хизмат соҳаси кабиларда фойдаланиш мумкин. Ушбу иш бевосита иқтисодий жараёнларни таҳлил қилишга бағишланганлиги туфайли биз ФҚТ нинг фақат шу соҳада қўлланилишига тўхталамиз, холос.

ФҚТ нинг аҳамияти Ўзбекистонда бозор муносабатлари шаклланаётган шароитда янада ошди, чунки бу иқтисодиёт ҳар бир хужалик юритувчи субъектнинг ўз фаолиятини мукаммал таҳлил қилиб боришини, иши, маҳсулоти ва хизмати сифатини ўзлуксиз ошириб боришини талаб қилмоқда. Бу тадбирлар шу субъектнинг эркин рақобот шароитида унинг рақоботбардошлигини таъминлайдиган асосий омиллардир. Зеро иқтисодий эркинлик ўз навбатида иқтисодий масъулликни ҳам келтириб чиқаради.

Ҳар қандай маҳсулот (товар), бажарилган иш, кўрсатилган хизмат истеъмолчига мулжалланган бўлади. Истеъмолчи учун эса уларнинг энг аввало, сифати, сўнгра нархининг арзонлиги керак. Айнан ана шу кўрсаткичларга ФҚТ ни қўллаш орқали эришилади. Демак, ушбу таҳлилнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги аҳамияти ва вазифаси янада ошади. **ФҚТ нинг асосий вазифалари:**

1. ФҚТ қўлланилиши мумкин бўлган хўжалик субъектининг иқтисодий фаолиятини, товар, иш, хизмат каби жараёнларини аниқлаш.

2. Таҳлил қилинадиган объектда бажариладиган функцияларни (асосий, ёрдамчи, нокерак) ва уларнинг ҳар бирига кетадиган харажатларнинг миқдорини (пул, вақт бирлигида) аниқлаш.

3. Нокерак функцияларни бартараф қилиш йўли билан товар, иш, хизмат сифатини яхшилаган ҳолда, уларга кетадиган харажатларни камайтириш эвазига, корхонанинг (хўжалик юритувчи субъектнинг) умумий молиявий аҳволини яхшилашни таъминлаш.

4. Шу йўл билан хўжалик юритувчи субъектнинг умумиқтисодий самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

5. Самарадорликни ошириш эвазига ушбу субъектнинг молиявий барқарорлигини, унинг рақобатга бардошлигини таъминлаш, ишдаги ва бозордаги фаоллигини кўтариш кабилардан иборатдир.

Ушбу вазифаларни бажариш корхоналарда бир ёки икки кишининг иши эмас. Иқтисодий таҳлилни бир киши амалга ошириши мумкин. Аммо ФҚТ ни ундай қилиб бўлмайди. Буни бажариш учун ҳар бир хўжалик субъектида ФҚТ ўтказиладиган гуруҳ бўлишини тақозо қилади. Бу гуруҳга иқтисодчилар, менеджерлар, маркетологлар, бухгалтерлар, молиячилар, ички

аудит ходимлари, илмий ходимлари (маслаҳатчилар) кириши лозим. Бунда “фикрлар ҳужуми”, “етти марта ўлча”, эвристик, мантиқий, синектика каби кўплаб усуллардан фойдаланиш лозим.

23.5. ФҚТни амалга ошириш босқичлари

ФҚТ иқтисодий таҳлилнинг бошқа шакллари сингари маълум кетма-кетликда амалга оширилади. Аммо бу ўзига хос хусусиятларга эга. Бу қўйидаги босқичларда ўз аксини топади: тайёрланиш босқичи, ахборотларни тўплаш босқичи, таҳлил қилиш босқичи, ижодий босқич, тадқиқот босқичи, хулоса ва таклифларни жорий қилиш босқичи.

ФҚТ га тайёрланиш босқичида энг аввало, таҳлил қилинадиган кўрсаткич, жараён, ҳодиса фаолият каби таҳлил объекти аниқланади. Масалан, битта фирмада фақат бир хил маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни, ёки унга жорий қилинадиган янги технология, ёки шу фирмани бошқарувчи фаолият кабилар таҳлил учун объект сифатида танлаб олиниши мумкин. Баъзи ҳолларда фирманинг бутун фаолияти ҳам ФҚТ нинг объекти бўлиши мумкин. Бу таҳлил олдига қўйилган мақсаддан келиб чиқади.

ФҚТ ни ўтказиш учун бирқанча мутахассислардан иборат ишчи гуруҳи тузилади. Ишчи гуруҳи қайси объектни қай тарзда, қанча вақтда таҳлил қилиш режасини, унинг кутилаётган самарадорлигини аниқлаб олидилар ва шундан келиб чиққан ҳолда тегишли ахборотларни тўплашга киришадилар.

Ахборотларни тўплаш босқичида ишчи гуруҳи танланган объектни таҳлил қилиш учун тегишли маълумотларни (иқтисодий кўрсаткичларни, конструкторлик ечимларни. технологик жараён ҳужжатларини, патентларни, илмий-техник тавсиялар кабиларни) тўплайдилар, уларни бир тизимга келтиради ва ўрганади. Ўрганиш жараёнида объектда бажариладиган функцияларни аниқлаб чиқади ва шу функцияларнинг асосий, ёрдамчи ёки нокерак эканлигини аниқлаш билан бирга ҳар бир функциянинг бажарилиши учун кетадиган харажатлар миқдорини ҳам (сарф қилинадиган вақтда, пулда) аниқлайди.

ФҚТ нинг шу босқичида бажариладиган функцияларнинг таркибий тузилиши ва нокерак функцияларни бартараф қилишнинг самарадорлик кўрсаткичлари ҳам аниқланади. Ахборотларнинг таркиби, улардан фойдаланиш тартиби, уни кимларнинг амалга ошириши ҳам айнан шу босқичда кўрсатиб берилади. Тегишли ахборотлар йиғилиб, улар бир тартибга келтирилгандан кейин ФҚТ ни бошлаш мумкин.

Таҳлил қилиш босқичида тўпланган ва бир тизимга келган ахборот манбаларига асосан бажариладиган ҳар бир функциянинг муҳимлиги, уни қолдириш ёки бартараф қилишлиги аниқланади. Шу босқичда бажариладиган функцияларнинг бевосита корхонанинг ўзида (ичида) ва унинг ташқарисида қайсилари амалга оширилиши ҳам ўрганилади. Ўрганилаётган объектдан ташқарида бажариладиган нокерак функциялар аниқланиб қилинадиган бўлса ҳам уларни бартараф қилиш йўлларини кўриш лозим. Нокерак функциялар хоҳ у ичкарида, хоҳ у ташқарида бўлмасин маҳсулотнинг миқдори ва сифатига ҳеч қандай ижобий таъсир қилмасдан унга сарфланадиган харажатларни кўпайтиради, таннархини оширади, нархини қимматлаштиради.

ФҚТ нинг ушбу босқичида ҳар бир бажариладиган функция ҳам мукаммал системали равишда таҳлил қилиб борилади. Бу асосий функция бўлсин. Аммо уни ҳам такомиллаштириб шу функцияни кам харажат билан амалга ошириш йўлларини ахтариб топиш лозим. Бунда таҳлилнинг барча усулларидан (анъанавий ва иқтисодий математик) фойдаланилади.

ФҚТ орқали тежалган харажатлар энг аввало, махсулот сифатининг ёмонлашиши эвазига амалга ошмаслиги лозим. Сўнгра бу орқали тежалган харажат ФҚТ ни ўтказиш учун кетган харажатдан кам бўлмаслиги лозим. Бунда шуни кўзда тутиш керакки. ФҚТ ни жорий қилиш пайтида харажат кўпроқ бўлиши мумкин. Аммо ундан кейинги фойдаланиш давомида келадиган фойда бу харажатларни жуда қисқа муддатда қоплайдиган бўлиши керак. ФҚТ нинг самарадорлиги фақат шу маҳсулот ишлаб чиқаришга кетган харажатлар миқдори билангина ўлчаниб қолмайди, энг муҳими унинг сифати ва рақобатбардошлигига ижобий таъсир қилади. Шу туфайли ФҚТ нинг самарадорлигини ҳам бирқанча кўрсаткичларни инобатга олган ҳолда аниқлашни

тақозо қилади. Буларнинг ҳаммасини ФҚТ нинг ижодий босқичида аниқлаш мумкин.

Ижодий босқич ФҚТ нинг ўзига хос хусусиятлардан биридир. Ушбу босқичда ҳар бир зарур функцияларни бартараф қилиш бўйича ғоялар, тавсиялар тўпланади. Энг муҳими ушбу босқичда бирор маҳсулотни яратишдаги функцияларни такомиллаштириш билан бирга шу яратилаётган нарсанинг ўзини ҳам такомиллаштиради. Масалан, кичик электрон ҳисоблаш машинасини олайлик (КЭҲМ). Буни яратиш учун, таъкидланганидек, функциялар уч гуруҳга бўлинади. Ижодий гуруҳ нокерак функцияларни бартараф қилиб унга кетадиган харажатларни камайтиради, асосий функцияларни такомиллаштириб унинг сифатини оширади.

Энди эса иккинчи босқичда шу КЭҲМ нинг ўзини такомиллаштириш масаласи қўйилади. У биринчидан, ихчам, қулай, енгил, энг муҳими барча зарур операцияларни бажараоладиган бўлиши керак. Бу учун унга қўшимча функцияларни бажаришни киритиш зарур бўлса шундай қилинади. Бу ижодий гуруҳ томонидан асосланади. Асосланиши учун ғоялар муҳокама қилинади. Бу ҳақда баённома тузилади. Ушбу баённомада бирқанча ғоя ва тавсиялардан энг яхшиси танлаб олинади ёки бирқанча ғоядан битта такомиллашган тавсия варианти ишлаб чиқилади.

Буни амалга ошириш учун ҳар бир вариантда ифодаланган ғояларни ҳам ижобий ва салбий гуруҳларга бўлиб чиқади. Сўнгра ижобий ғояларни ҳам яна энг юқори самарали, самараси пастроқ гуруҳларга бўлинади. Охир оқибатда ғояларнинг энг самаралиси танлаб олинади ва ўрганилаётган объектга жорий қилишга айнан шу варианти тавсия қилинади.

Агарда ижодий гуруҳ биринчи сафар таҳлил қилинаётган объектни такомиллаштириш бўйича янги ғояларни топмаса, бу ҳақда фаолиятни қайтадан бошлайди. Агар бу сафар ҳам бирорта янги ғояни тавсия қилиш бўйича бирорта қарорга келинмаса ҳозиргача ўша мавжуд харакатдаги вариант сақланиб қолади ва ижодий гуруҳ бу объектни қайтадан функцияларни янада майдалаштириб чуқур ўрганишга киришади. Айнан худди шундай кетма-кетлик ва усуллар билан технологик жараёнлар ҳам ўрганилади ва такомиллаштирилади.

Таъкидланганидек, ФҚТ ҳаётнинг барча жабҳаларига қўлланилади ва самарали фойдаланилади. Масалан, Ўзбекистонда етиштирилга қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг (айниқса, мева-сабзовотларнинг) 35-30 фоизи нобуд бўлиб бормоқда. Бу жараёнга ФҚТ ни қўлласа, ўйлаймизки, ушбу маҳсулотларнинг нобудгарчилиги минимал даражагача қисқаради. Шу эвазига ФҚТ ни қўллашга кетган харажатлар юзлаб марта қопланиб кетади. Ҳозирги пайтда АҚШ, Япония, Англия каби йирик тараққий этган мамлакатларда таҳлилнинг ушбу шакли бежиз қўлланилаётган эмас. Буни Ўзбекистонда ҳам жорий қилиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

ФҚТ да тадқиқот босқичи_ҳам муҳим босқичлардан биридир. Унда танлаб олинган энг самарали вариантларни қўллаш, улани амалиётга жорий қилиш йўл-йўриқлари ишланади. Айнан шу босқичда жорий қилинадиган тавсиянинг техник-иқтисодий самарадорлигига, унинг таҳлил қилинаётган объект сифати ва нархига қандай таъсир қилиши ўрганилади. Буларни амалга оширишда асосан эксперт усулидан фойдаланилади. Экспертлардан якка ва жамоа ҳолида фойдаданиши мумкин. Якка ҳолда бўлганда тегишли вазифани ҳар бир экспертга алоҳида топширади ва уларнинг ёзма фикри кейин умумлаштирилади. Экспертлардан жамоа шаклида фойдаланилса унда қўйилган масалалар шу ернинг ўзида муҳокама қилинади ва бир қўлай ечимга келинади.

Якка ҳолдаги экспертизанинг қўлайлиги шундаки, ҳар бир эксперт ўзича мустақил хулосага келади ва уни бирор ташқи фикр таъсирисиз қоғозга тушуради. Аммо баҳо беришда ўзининг камчилигини илғамайди, жамоа усулида эса фикрлар ўртага ташланса ҳар бир киши ўз вариантининг камчиликларини англаб олиши мумкин. Бу яхши. Аммо кўп ҳолларда бирор бир яхши тавсия ўртага ташланса ҳаммаси шунга қўшилиб қўя-қолиши мумкин. Бу эса ҳар бир экспертнинг ҳар бир вариант бўйича кенг фикрлаш имкониятини чегаралайди.

Экспертлар объектнинг вариантларини экспертиза қилганда математик усуллардан фойдаланмасдан оддий эксперт қилиши мумкин. Ҳозирги пайтда кўп ҳолларда математик усуллардан кенг фойдаланилмоқда. Бу эса масалани ечиш учун жуда кўп қирралардан фойдаланиш ва ишни осонлаштириш имконини беради.

Бу ишда кенг аввало, экспертларнинг тафаккуридан ва электрон ҳисоблаш машинкаларидан фойдаланилади.

Хулоса ва таклифларни жорий қилиш босқичи ФҚТ нинг энг охирги ҳал қилувчи босқичидир. ФҚТ нинг барча босқичлари орқали энг қўлай ва самарали вариант танланади. Эндиги энг муҳим вазифа шу танланган вариантни жорий қилишдир. Бу ишни амалга ошириш бир киши, ёки бирорта бўлимнинг иши бўлмасдан бутун жамоа ишидир. Бунда ФҚТ гуруҳи билан бирга барча мутахассислар, ишчи ва хизматчилар иштирок этадилар. Энг муҳими, ФҚТ ни амалга ошириш учун яна қандай қўшимча моддий, меҳнат ва молиявий ресурслар кераклиги аниқланади.

Агар таҳлил қилинаётган объект технологик жараён бўлса яна қандай қўшимча жиҳозларни қайси йўналишда тако-миллаштириш масаласи, бу учун қандай мутахассислар кераклиги (мавжудларини қайта ўқитиш ёки янги мутахассисни жалб қилиш), буларни амалга ошириш учун қанча пул маблағи зарурлиги каби масалалар кўрилади. Шу билан биргаликда ФҚТ ни жорий қилиш қанча самара бериши ҳам шу босқичда кўриб чиқилади. ФҚТ ни жорий қилишга кетган барча харажатлар улардан келадиган фойда эвазига бирнеча марта қопланиши лозим. Шу туфайли ФҚТ нинг самарадорлиги ҳам айнан ана шу босқичда асосланиши шарт. Бу учун ФҚТ ни амалга оширишга кетган харажатларнинг қопланиш даражаси, ундан келган фойда суммасининг (Ф) шу тадбирга кетган харажатга ($Х_{ар}$) нисбати билан аниқланади.

$$ФҚТ_{кк} = \frac{Ф}{Х_{ар}}$$

Масалан, ФҚТ ни жорий қилиш учун 100 минг сўмлик моддий, меҳнат ва молиявий ресусларни талаб қилади. Экспертларнинг ҳисоб китоби бўйича ФҚТ ни жорий қилиш бир йилда 300 минг сўмлик фойда келтирди. Бу ҳолда ФҚТ га кетган харажатларнинг қопланиш муддати 4 ой бўлади бир йилда харажатлар уч мартадан кўп фойда келтиради (300,0:100). Бу фақат пулдаги ифодаси. Бундан ташқари ФҚТ нинг маҳсулот, иш, хизмат, фаолият сифатини ошириш эвазига Унинг рақобатга

бардошлик даражасини ҳам кўчайтиради. Бу эса охир оқибатда корхонанинг молиявий барқарорлигини, рақобатбардошлигини таъминлайди.

ФҚТ ни қўллаш, жорий қилиш кетма-кетлигини аниқлаб олиш унинг муҳим жиҳатларидан биридир. Агар йирик концерн ёки фирма бўладиган бўлса унга тегишли барча корхоналар фаолияти иқтисодий таҳлил қилинади. Агар таҳлил қилинаётган объектда унинг қайси бўлимида харажатлар кўп бўлса, яъни бир сўм товар маҳсулотига тўғри келадиган таннархнинг даражаси юқори бўлса ФҚТ ни айнан шу корхонага қўллашдан бошлайди. Бордию шу корхонада 6 та фаолият бўлса улардан ҳам энг харажатдор фаолият танлаб олинади ва ФҚТ ни қўллашни шу фаолиятга тадбиқ қилишдан бошлайди. Шундай қилиб, корхонанинг ёки таҳлил қилинаётган объектнинг такомиллашуви учун ФҚТ нинг аҳамияти беқиёс эканлиги кўриниб турибди.

Келажакда ушбу таҳлилни барча босқичлари билан амалиётга жорий қилиш Ўзбекистонда нафақат макро, балки микро иқтисодиётнинг тез суръатлар билан ривожланиши учун энг муҳим дастаклардан бири бўлади. Бу албатта бир гуруҳ олимлар тавсияси ёки бир-икки фирмага унинг усулларини жорий қилиш билан чегараланиб қолмаслик керак. Бу давлат аҳамиятига молик масала. Буни чет мамлакатлар тажрибаси ҳам исботлаб турибди.

ФҚТ методологиясини жуда кўп йўналишлар бўйича ишлаб чиқиш лозим. Хусусан, бошқарув, ишлаб чиқариш (ҳамма қирралари билан), хизмат каби йўналишлар кўзда тутилмоқда. Бу келажакда маҳсулот, иш, хизмат сифатини ошириш, улар бўйича “Сифатнинг мутлоқ даражасига” эришиш учун асосий омил бўлиб хизмат қилади.

23.6. ФҚТ да қўлланиладиган эвристик усуллар

Эвристика грекча сўздан олинган бўлиб, топаман маъносини билдиради. Бу тушунча фанга тадбиқ қилинадиган бўлса бирор жараён, ходиса, фаолият, объектнинг айни моҳиятини аниқлаш учун назарий тадқиқотда қўлланиладиган мантиқий усуллар мажмуасидан иборат бўлади.

Мантиқий таҳлил ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида, хусусан, иқтисодиётни бошқаришда, уни таҳлил қилишда ҳам қўлланилади. Барча янгиликлар, улкан тадқиқотларнинг яратилиши энг аввало, мантиқий таҳлилга асосланади.

Мантиқий таҳлилнинг қўлланилиш тарихи жуда узоқ. У инсоният тафаккур қилган вақтдан бошланган десак хато бўлмайди. Аммо унинг фанга, оламни ўрганишда бир мустақил усул сифатида кириб келиши ва шаклланиши XX асрнинг ўрталарига тўғри келади. Бу борада жаҳонда жуда кўп усуллар ишлаб чиқилган ва тўпланган. Уларнинг баъзиларини кўриб ўтамиз.

Ўхшатиш усули. Бу усулда мавжуд усулларни ўрганиб шунга ўхшаш усулини ўз фаолиятида жорий қилишга айтилади. Ҳозирги пайтда корхона мутахассиси, менежерлари ўта зукко бўлишини талаб қилади, чунки бирор бир фирма жуда катта муваффақиятларга эришиши мумкин. Аммо унинг усули тижорат сири сифатида оммалаштирилмайди. Бу ҳолда шу фирма мутахассислари билан суҳбатлашиш, маслаҳатлашиш жараёнида асосий усулларини илғаб олиши мумкин. Бундан айниқса, чет эл сафарларида бўлганда, йирик фирмалар фаолияти билан танишганда муваффақиятга эришишнинг асосий, энг эътиборли томонларини ёдда сақлаб қолиш ва уни ўз фирмасида айнан шунга ўҳшаш усулини қўллаш мумкин. Бу усулни жаҳон амалиётида ўхшатиш усули деб атайдилар. Ёки бир объектда (фирмада) юқори кўрсаткичга ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш усули билан эришмоқда. Айнан шу усулни ёки шунга ухшаш усулни сиз ҳам қўллашингиз мумкин. Бу ўхшаш усуллардир.

Тасаввур усули. Бу усулда киши бирор нарсани яратаётган бўлса унинг ўрнига ўзини қўйиб кўради. Янгидан яратиладиган предмет бажарадиган барча функция ва жараёнларни бажариши мумкинлигини бутун тасаввуридан ўтказади. Агар бошқарув фаолиятига тавсия ишлаб чиқаётган бўлса ўзини бошқарувчи ўрнида кўради, агар тавсия қилинаётган фаолият бажарувчига мўлжалланган бўлса у ўзини бажарувчи сифатида тасаввур қилади. Барча бажариладиган жараёнларни, функцияларни айнан шу усул билан аниқлайдилар.

Тасаввур қилиш усулининг самарадорлиги кўп ҳолларда инсон тафаккури унинг яратувчанлик савияси ва малакасига

боғлиқ. Шу туфайли яратилаётган предметни, қанча аниқ тасаввур қилса шунча унинг яратилиши осон кечади.

Идеаллаштириш усусли. Бу усулда яратилаётган предметни, ҳодисани, фаолиятни, технология кабиларнинг барча мақсадларга жавоб бериши, арзонлиги, мустаҳкамлиги, сифатлилиги жиҳатидан тасаввуримиздаги энг қулай варианти танланади. Идеал вариантни аниқлаб олиш учун ҳам шу ўрганилаётган объект устида ҳар бир мутахассис жуда кўп илмий тафаккур қилади. Идеаллигини исботлаш учун бу вариантдаги барча салбий жиҳатлар олиб ташланади.

Ҳар бир предметни яратишда ёки бирор жараённи бошқаришда унинг идеал варианти аниқланади. Шу вариант амалиётда қўлланилади. Қўлланилиш жараёнида ҳам у такомиллашиб боради. Оқибатда предметнинг (фаолиятнинг) идеал варианти вужудга келади. Демак, бу усул ҳам иқтисодий жараёнларни такомиллаштиришнинг муҳим омилларидан биридир.

“Йигирма турт”лик қоида. Бунда янги объектни (технологияни, маҳсулотни, фаолиятни, бошқариш кабиларни) яратишга сафарбар қилинган мутахассислар ҳамма ташвишлардан озод қилинади. 24 соат давомида шу битта яратилаётган объект ҳақида ўйлайди, фикрлайди, тафаккур қилади. Янги туғилган ғояларни ёзиб боради. Шу йўл билан яратилаётган объектнинг мукаммаллашуви таъминланади.

“Йигирма беш”лик қоида. Бунда янги яратилаётган объектни яхшилаш учун камида 25 та ғоя ишлаб чиқилиши шарт. Бу ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Шу туфайли бу вазифани ўз зиммасига олган мутахассислар ўзлари таҳлил қилаётган объектини жуда яхши билиши, шу борадаги чоп этилган ва этилаётган илмий-услубий адабиётлардан хабардор бўлиши лозим. 25 та ғоя битта объектни такомиллаштириш учун ўз-ўзидан туғилмайди. Келажакда бу усуллардан Ўзбекистон иқтисодиётида ҳам кенг фойдаланилади. Бу эса ҳозирги тайёрланаётган мутахассисларнинг ўта билимдон бўлишларини тақозо қилади.

Илғаб қолиш усули. Тадқиқотчига жуда кўп янги ғоялар уни ишлашга қаттиқ киришган, ўйлаган пайтда эмас, балки, бир эркин тасодифий ҳолатларда, айниқса дам олиб ўтирганда, йўлда кетаётганда, бирор киши билан суҳбатлашганда, бирорта ўйинни ўйнаётганда, ухлаётганда келиши мумкин. Айни шу пайтда янги

ғояни илғаб қолиши лозим. Имкони борича шу пайт қоғозга ёки диктофонга ёзи қўйилса жуда яхши. Буларнинг имкони бўлмаса унинг ёнида шериги бўлса унга эслатасан деб айтиб қўйиши, ёки ўзи уни қаттиқ эслаб қолишига ҳаракат қилиши лозим. Зеро, жуда кўп янги ғоялар тасодифий туғиладию, аммо у ўз яшаш тарихига эга бўлмасдан, амалиётга қўлланилмасдан мутахассисларнинг, тадқиқотчиларнинг лоқайдлиги туфайли кўп ҳолларда йўқолиб кетади.

Ўзимизда одамлар илғаб қолиш учун бир қанча усуллардан фойдаланганлар. Масалан, румолчасини тугиб қўйган, бормоғига ип боғлаб олган, чунтагига бирор предметни солиб қўйган ва ҳ.к. Бу ҳолатлар кишига келган тасодифий ғояларни яна қайта ёдга тушириш имконини берган.

Истеъмолчилар талабидан келиб чиқиш усули. Бу усул ҳозирги Ўзбекистоннинг ўтиш шароитида жуда қўл келади, чунки у макро иқтисодиётни барқарорлаштиришга кўмаклашиши мумкин. Масалан, бирор товарни чет мамлакатларга чиқармоқчи бўлсак энг аввало, унга шу товар қайси хусусиятга эга бўлиши, бунга товар олувчининг талаби нима ва қандай эканлиги инобатга олиниши лозим. Ҳамма қилинадиган иш, бажариладиган ҳизмат ва яратиладиган товарлар бевосита истеъмолчи талабидан келиб чиқади. Бу усул Ўзбекистонни жаҳонга танитиш учун асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Бундан микро иқтисодиётда ҳам фойдаланиш мумкин. Бунда товар (иш, хизмат) ишлаб чиқарувчи (таклиф қилувчи) хўжалик субъектини истеъмолчи (харидор) талабларини тўлиқ ўрганади ва шундан келиб чиқади. Барча бажариладиган функцияларни, зарур бўлса қўшимчаларни ҳам киритган ҳолда ўз товарининг истеъмолчига маъқул бўлиши учун харакат қилинади. Бу эса товар (иш, хизмат) ишлаб чиқарувчининг (таклиф қилувчининг) бозордаги нуфузини оширади, хўжалик фаолиятинин яхшилашни, молиявий жиҳатдан барқарорлашишни таъминлайди.

Истеъмолчи талабига қанча мос товар (иш, хизмат) ишлаб чиқарилса шунча талаб кўпаяди, бозорда рейтинг ошиб боради. Бу бозор иқтисодиёти шароитида бозорни эгаллаш учун муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

“Сифатнинг мутлоқ даражаси”га эришиш усули. Бу илмий-мантиқий таҳлил натижасида эришиладиган кўрсаткич,

Савдо хизмати сифатини аниқлаш учун асримизнинг 70-йиллари охирларида Самарқанд кооператив институти олимлари (шахсан ушбу мақола муаллифининг бевосита рахбарлигида) томонидан тавсия қилинган эди. Бунда товар, маҳсулот, иш хизмати кабилар сифатининг мутлоқ даражаси қандай бўлишлиги ва унга эришиш учун нималар қилиш, қандай тадбирларни бажариш лозимлиги ишлаб чиқилади. Бундай андозани ишлаб чиқишга жаҳон талабидан келиб чиқмоқ лозим. Бунга эришиш макро ва микро иқтисодиётида жуда катта самара беради. Сифат масаласи иқтисодиётнинг қайси шаклидан қаттий назар ҳамиша долзарб, ҳеч эскирмайдиган муаммо, мавзудир. Шу туфайли бу масалага Ўзбекистон, вилоят, туман, корхона иқтисодиётини бошқараётганлар ҳозирги шароитда жуда катта этибор беришлари шарт.

Ушбу кичик мақолада эвристик таҳлилнинг жаҳон тажрибасида қўлланилаётган ва биз томондан ишлаб чиқилган айрим усулларга тўхталдик, холос. Бу жуда кенг қамровли муаммо, мавзу. Ушбу усуллардан фойдаланиш Ўзбекистон иқтисодиёти тараққиётининг айниқса, ҳозирги босқичида жуда муҳимдир, чунки биз ҳар куни, ҳар дақиқалар орқали жаҳон иқтисодиётига, жаҳон бозорига жадаллик билан кириб бормоқдамиз. Биз бу майдонда ўз ўрнимизни топишимиз лозим. Аммо у ўз-ўзидан амалга ошмайди. Бошқаришнинг шунга ўхшаш илғор усуллардан фойдаланишни тақозо қилади.

23.7. ФҚТ да қўлланиладиган “Фикрлар ҳужуми” усули

“Фикрлар ҳужуми” бирор бир муҳим масалани, муаммони ҳал қилиш учун ташкил қилинган бир қанча мутахассислар ва олимлардан иборат ижодий гуруҳнинг ғоялари мажмуасидир.

“Фикрлар ҳужуми” (ФҲ) нинг яратилиш тарихи унча узоқ эмас. Бу функционал-қиймат таҳлили (ФҚТ) нинг вужудга келиши билан бирга асримизнинг 40-йилларида пайдо бўлган. Унинг назарияси олдин Собиқ Иттифоқ даврида яратилган, аммо амалиётга қўлланилиши АҚШ да амалга оширилган. Кейинчалик ФҲ ва ФҚТ дан кенг миқёсда фойдаланиш Ғарбий Европа мамлакатлари ва Япония каби саноати ривожланган мамлакатларга ёйилган. Собиқ Иттифоқ даврида ФҲ ва ФҚТ дан 70-80 йилларда Машинасозлик ва электр асбоблари қурилиш саноати

каби тармоқларда фойдаланила бошлаган. Ҳозир жаҳондаги саноати, умуман иқтисодиёти тараққий этган барча мамлакатларда ФҲ дан кенг фойдаланилмоқда.

ФҲ ижодий гуруҳи йирик фирмалар, корпорация, концерн, тармоқ вазирликлари, худудий маъмурият (ҳокимликлар) қошида ташкил қилинади. Уларнинг олдига аниқ вазифа қўйилади. Масалан, фирманинг молиявий барқарорлигини таъминлаш. Бу борада гуруҳ аъзоларининг ҳар бири ўз ғояларини ишлаб чиқади. Бу ғоялар натижасида фирманинг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг бирқанча варианти пайдо бўлади. Сўнгра ҳар бир вариант муҳокама қилиниб улардан энг самарали жиҳатлари танлаб олинади ва битта вариант тузилади.

ФҲ ни амалга оширишда жуда катта ишонч ва эркинлик берилади. Ҳар бир киши ўз вариантини айтганда ҳеч ким эътироз бермаслиги керак, чунки унинг варианти яроқсиз бўлса ҳам ичида маълум ижобий тарафлари бор бўлиши мумкин. Шу туфайли ҳар бир киши ўз фикрини эркин ифода қилиши учун яхши муҳит яратилади. Бу билан биринчи учрашув якунланади.

Ҳаммаси ўртага қўйилган вариантларни муҳокама қилиш учун ўйлаб кўриш учун маълум вақтга (2,3 кун, ҳафта) тарқалишади. Ижодий гуруҳнинг иккинчи учрашувида ҳақиқий фикрлар ҳужуми бошланади. Ҳар бир вариант ва уларнинг йўл-йўриқлари муҳокама қилинади. Олдин ғоялар ичидан салбий таъсир қилувчи жиҳатлари чиқариб ташланиб фақат ижобий таъсир қилувчи ғоялар қолдирилади. ФҲ нинг навбатдаги босқичида ижобий ғояларни ҳам бирқанча гуруҳларга бўлиш мумкин: энг юқори самаралиси, самаралиси ва самараси камроғи, лекин барча ҳолларда ҳам объектнинг сифати яхши бўлиши шарт. Энди корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун нима қилиш лозимлиги тўғрисида тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

ФҲ гуруҳи томонидан ушбу тавсия қилинган вариантни амалга ошириш механизми ишлаб чиқилади. Бунда ушбу иш билан кимлар қайси вақтда, қачон, қаерда шуғулланиш лозимлиги, буларнинг назоратини ким амалга оширишини ва натижаси бўйича кимларни рағбатлантириш ҳамда кимларга жазо чораларини қўллаш масалалари ҳам аниқ белгилаб қўйилади.

ФҲ гуруҳига киритилган мутахассислар ва олимларнинг доимий равишда, имкони борича бир вақтда учрашиб

туришларини ташкил қилиш лозим. Масалан, ҳафтанинг ёки ойнинг маълум куни ва соатида. Бу эса гуруҳ аъзоларининг самарали ишлаши учун асосий эргономик омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистонда, хусусан, Самарқанд вилоятида ҳам ушбу ФҲ дан кенг фойдаланиш мумкин. Айниқса, ҳозирги ўтиш даврида бу ўта муҳимдир. Ҳозирча босиб ўтиладиган йўлимиз олдин синалмаган йўл. Бунда жуда кўп тусиқлар, англашилмовчиликлар, хатолар бўлиши табиий. Аммо бу хато ва камчиликларни ҳар бир туман, шаҳар, вилоят ҳокимликларида эркин фикрлайдиган ФҲ ни амалга оширувчи ижодий гуруҳ ташкил қилинса фойдадан ҳоли бўлмайди. Буларнинг таркибига олимлар, мутахассислар, ҳокимият ходимлари, тажрибали кишиларни киритиш мумкин. Буларга тўланадиган харажат улар ишининг самарадорлиги билан бирнеча юз мартага қопланиб кетади. Масалан, ҳозир эътироф этилмоқдаки етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 25-30 фоизи истеъмолчига етгунча нобуд бўлмоқда. Агар ФҲ дан фойдаланиб, уни 10 фоизга қисқартирилса вилоятимиз, республикамиз қанча фойда қилиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

ФҲ нинг жаҳон тажрибасида синалган бирқанча усуллари мавжуд. Буларга якка ҳолдаги ФҲ, оммавий ФҲ, ёзма ФҲ, ғояларни баҳолаш ФҲ ва бошқалар киради.

ФҲ нинг якка ҳолдаги усулида ҳам эвристик таҳлил усули сингари бир муаммони ҳал қилиш юзасидан фақат бир киши ёки бир хил мутахассислар гурухидан таркиб топган бир қанча кишилар иштирок этади. Масалан, фирма ишининг самарадорлигини ошириш учун фақат бухгалтерлардан иборат ижодий гуруҳ ташкил қилиниши мумкин. Ушбу гуруҳнинг бевосита вазифасидан келиб чиққан ҳолда улар олдига бирқанча муаммоларни ҳал қилиш вазифаси қўлланилади. “Бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш ва унинг кўрсаткичлари таҳлилини яхшилаш”, “Иқтисодий таҳлилни такомиллаштириш”, “Бухгалтерия ҳисобидаги камчиликларни аниқлаш” ва ҳ.к. Менеджер ва маркетологлар бўлса “Корхонанинг ишдаги ва бозордаги фаоллигини ошириш”, “Корхонанинг рақобатбардошигини таъминлаш”, каби муаммоларни қўйиш мумкин.

Булардан ташқари битта мутахассис олдига ҳам битта вазифани қўйиш мумкин, Хозирги пайтда кўп ҳолларда корхона (ташкилот) раҳбари бош қотиради. Аммо унинг малакаси кенг қамровли фаолиятнинг барча соҳаси учун етарли бўлмаслиги мумкин. Шу туфайли муаммоларни ҳал қилишда жамоатчилик фикридан ҳам кенг фойдаланиш мумкин.

Амалиётда шундай муаммолар борки уларни бир хил мутахассислар ҳал қила олмайди. Масалан, "Вилоят иқтисодиётини барқарорлаштириш муаммоси". Бунга бирқанча соҳа мутахассислари, олимлар кабилардан таркиб топган нуфузли катта гуруҳ ташкил қилиш мумкин. Бундай ҳолда ФҲ нинг оммавий усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

ФҲ нинг ёзма усули мутахассисларни бир жойга тўплаш имкони бўлмаган пайтда қўллаш мумкин. Бу усул жаҳон амалиётида кам қўлланилсада унинг ижобий томонлари мавжуд. Хусусан, мутахассис ўз фикрини атрофлича эркин ҳолатда ифодалайди. Бу усул икки йўналишда амалга оширилиши мумкин. Биринчиси, мутахассис олдига аниқ савол қўйилади ва ёзма равишда жавоб ёзиб юбориш талаб қилинади. Иккинчи усул эса анкета усули бўлиб бирқанча қисқа саволлар қўйилади ва унга қисқа жавоб бериш талаб қилинади. Аммо бу усулнинг камчилиги ҳам мавжуд, чунки мутахассис фақат ўз фикри билан чегараланиб қолади, муҳокамага иштирок этмайди, бошқа вариантини эшитиб ўз тавсиясини бойитиш имконига эга бўлмайди. Лекин кам харажат талаб қилади.

ФҲ нинг ғояларини баҳолаш усули жаҳон тажрибасида кенг қўлланилади. Бунда махсус ташкил қилинган, масалан ҳокимият қошидаги ФҲ гўруҳи эксперт ролида иштирок этади. Бунда бир масала юзасидан анжуман (илмий-амалий конференция) ташкил қилинади. Бу уч қисмдан иборат бўлади. Биринчи қисмида бир соат ҳамма иштирокчилардан хоҳлаган киши ўз ғоясини 5 дақиқада қисқа баён қилади. Ғоялар, таклифлар тугугач 45 дақиқа танаффус эълон қилинади. Бу анжуманнинг иккинчи қисмини ташкил қилади. Бунда мутахассислар бир бири билан ўз ғояларини ва бошқаларнинг энг яхши ғояларини ўртоқлашиш учун имконият яратилади.

Ғояларни баҳолашнинг учунчи босқичи яна чизмаий ҳолатда залда ўтказилади. Бунда анжуман бир соат давом этади ва энг язши ғоялар муҳокамасига янги ғояларнинг ўртага ташланишига

имконият яратилади. Буларнинг ҳаммасини махсус ФҲ гуруҳи (экспертлар) ҳисобга олиб боради. Конференция натижаси бўйича экспертлар гуруҳи энг яхши ғояларни танлаб олади ва шу ғояни амалиётга тадбиқ этиш йўлларини ишлаб чиқади. Албатта, бу ерда яхши ғоя муаллифини рағбатлантиришни ёддан чиқармаслик керак. Яхши ғоя сотиб олиниб шу фирма ёки компаниянинг интеллектуал мулкига айланиши мумкин.

ФҲ нинг мунозара усулини ҳам қўллаш мумкин. Бунда бирорта муаммо юзасидан матбуотда ёки кичик рисола (варақа) тарзида ғоя баён этилади ва у кенг ўқувчилар, мутахассислар, олимлар ҳукмига ҳавола қилинадики, қайсики ҳар бир киши, мутахассис шу муаммо юзасидан ўз фикрини билдирсин. Фикрлар, тавсиялар экспертлар (махсус ФҲ гуруҳи) томонидан ўрганиб чиқилади ва тегишли хулосаларга келиши мумкин. Агар муаммо жуда мураккаб бўлса экспертлар тегишли хулоса чиқариш имкони бўлмаса барча ғоялар ва тавсиялар махсус тўпламда чоп этилади ва яна уша мутахассисларга, олимларга тарқатъилади. Ҳаммаси маълум фикрга келгач яна тўпланиб илмий-амалий конференция ўтказиши мумкин.

Хуллас, бу усулларнинг ҳаммасида Ўзбекистон, хусусан, вилоятимиз иқтисодиётини бошқаришда, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкин. Фақат бунга маълум даражада этибор зарур деб ҳисоблаймиз.

23.8. ФҚТ самарадорлиги

ФҚТ самарадорлигини аниқлашда ҳам самарадорликнинг умумий методологиясидан келиб чиққан ҳолда натижанинг харажатларга нисбати билан ўлчанишини инобатга олиш лозим. Бу ҳолда ФҚТ самарадорлигини аниқлаш концепциясини қўйидаги математик моделда ифодалаш мумкин:

$$К_{исj} = \frac{\sum_{i=1}^{n} Hij}{\sum_{i=1}^{n} Xij} \rightarrow mac$$

бунда $К_{исj}$ – ФҚТнинг j – объектдаги иқтисодий самарадорлик коэффициенти;

i – натижа ёки харажатларнинг тартиб сони (i=1,n);

j – ФҚТ ўтказилаётган j – объектнинг тартиб сони (j=1,m);

n – натижа ёки харажатнинг умумий сони;

m – ФҚТ ўтказилаётган объектнинг умумий сони;

Hij – i- натижанинг j – объектдаги номи;

Xij – i- харажатнинг j – объектдаги номи;

∑ – жамлаш белгиси.

Одатда ФҚТ дан фойдаланиш фақат унинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш билан чекланади. У юксак ижтимоий самара (*Ксс*) ва юқори сифат даражасига (Кс) эришиш учун ҳам асосий иқтисодий дастаклардан биридир. Буларнинг боғлиқлигини назарий жиҳатдан қўйидаги математик модель билан ифодалаш мумкин:

$$К_{кс} = К_{исj} \cdot К_{ссj} \cdot К_{сj} \dashrightarrow тас.$$

бунда $К_{кс}$ – ФҚТ ни қўллашда эришиладиган самарадорликнинг комплекс кўрсаткичи

Ушбу ишда ФҚТ нинг фақат иқтисодий самарадорлиги ҳақида гап юритилади. ФҚТ ни жорий қилганда унинг самарадорлиги ҳар хил бўлиши мумкин. Фараз қиламиз, ҳар бир сўм харажат бир сўм натижа беради. Буни бирқанча вариантларда кўриб чиқамиз.

I - вариант. Харажатлар (*X*) ва натижа (*H*) бир бирига мос равишда ўсган (I-чизма). Харажатлар 10 дан 50 гача бир хил ўсиб бориши билан натижа ҳам шунга мос равишда ўсиб боради.

II - вариант. “H”нинг ўсиш суръати “*X*” ўсиш суръатига нисбатан юқори бўлса $Н_{ўс} > Х_{ўс}$ ёки $Х_{ўс} > Н_{ўс}$ у холда кўзланган натижага харажатларни тежаш эвазига эришиш мумкин. Ушбу вариантда I-вариантга нисбати тежамкорлик (*T*) 30 дан 50 гача масофага, яъни вс чизиқнинг cd га кўпайтмасига тўғри келадиган майдонга тенг: *T=вс . cd*

III- вариант. “*X*”нинг ўсиш суръати ($Х_{ўс}$) “*H*”нинг ўсиш суръатига нисбатан катта бўлганда $Х_{ўс} > Н_{ўс}$ ёки $Н_{ўс} > Х_{ўс}$ маълум белгиланган харажат тегишли натижани бермайди. Бу ҳолда I - вариантга нисбаттан қилинган харажатнинг самарасизлиги (сс) рўй беради. Бунинг ҳажми ав нинг вс га кўпайтмасига тенг:

$$CC = ав * вс$$

IV - вариант. ФҚТ ни жорий қилиш натижасида бир хил натижани (*Н*) "*Х*"нинг ўсиш суръатини ўзлуксиз камайтирган ҳолда ҳам эришиш мумкин: $X_{ўс} \dashrightarrow min = H \dashrightarrow 40$. У ҳолда ушбу жараённинг фойдалилик майдони авс бурчакдан (*авсі*) узлуксиз равишда ас чизиқ сари кенгайиб боради. Фойдалилик майдонини геометрик йўл билан тўғри бурчакли учбурчакнинг юзаси аниқлаш формуласини қўллаб ечиш мумкин:

V - вариант. Бунда ФҚТ натижасида "*Х*"нинг ўзлуксиз камайиб боришига (*Х-min*) ва "*Н*"нинг ошиб боришига (*Н-mac*) эришиш мумкин:

$X_{ўс} \dashrightarrow min = H_{ўс} \dashrightarrow mac$. Бу ҳолда фаолиятнинг бошланиши анча зарарли бўлади, чунки 50 сўм харажат 50 сўм натижа бериши керак эди. Аммо бу ерда 50 сўм харажат фақат 30 сўм натижа берди холос. Бироқ ФҚТ ни жорий қилиш эвазига харажатларни энг кам миқдорга (10) натижани энг кўп миқдорига (50) олиб келинди. Бу вариантда харажат қанча камайиб бориши билан натижа ҳам шунча ошиб борди. Фойдалилик майдони бу ҳолда иккита тўғри бурчакли учбурчак йиғиндисига тенг бўлади ёки уни тўртбурчакнинг юзасини аниқлаш йўли билан ҳам топиш мумкин:

$$Ф = фd \,.\, дв.$$

VI - вариант. ФҚТ натижасида харажатларни ўзгартмасдан натижанинг вертикал кўпайишига эришилди деб фараз қиламиз. У ҳолда фаолият зарар билан бошланади. Аммо маълум даврдан сўнг у кескин фойда олишга эришилади. Бу ҳолда унинг фойдалилик майдони (*Ф*) "*ав*"нинг "*вс*" чизиғи кўпайтмасига тенг бўлади:

$$Ф = ав \,.\, вс.$$

Ушбу чизмаларда ФҚТ ни қўллаш натижасида содир бўлиши мумкин бўлган айрим вариантларни кўрдик, холос. Бўлар таҳлилнинг ушбу шаклини методологик жиҳатдан ўзлаштириш учун келтирилган мисоллардир. Амалиётда эса қанча иқтисодий жараён бўлса ўшанча вариант бўлиши табиий. Шу туфайли ФҚТ ни амалиётга қўллашда чегара йўқ.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Функционал қиймат таҳлили (ФҚТ)нинг ўзига хос хусусиятлари нима?
2. ФҚТнинг зарурлиги ва вазифалари нималардан иборат?
3. ФҚТнинг вужудга келиш тарихи.
4. ФҚТ моҳияти ва мазмуни хусусида нималар дейиш мумкин?
5. ФҚТнинг бозор муносабатлари шароитидаги вазифалари нималардан иборат?
6. ФҚТни амалга ошириш босқичлари.
7. ФҚТнинг принциплври.
8. ФҚТда қўлланиладиган эвристик усуллар.
9. ФҚТ да қўлланиладиган “Фикрлар ҳужуми” усули.
10. ФҚТ самарадорлиги.

Калит сўзлар:

таҳлил, функционал қиймат таҳлили, асосий функция, ёрдамчи функция, нокерак функция, зарарли функция, эвристик усул, фикрлар ҳужуми, самарадорлик, ёзма усул, ғояларини баҳолаш усули, якка ҳолдаги усул, мунозара усули.

24-боб. ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ МЕТОДОЛОГИЯСИ

24.1. Қиёсий таҳлилнинг моҳияти, вазифалари ва ўзига хос талаблари

Қиёсий таҳлил кўрсаткичларни шунчаки солиштириш учун эмас, балки уларни солиштириб тўғри хулоса чиқариш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш учун қилинади. Бу эса ўз навбатида **нимани, қачон ва қандай** солиштириш йўлларини ҳам билишни тақозо қилади. Масалан, деҳқончилик натижасини чорвачилик билан, ёки ёғ ишлаб чиқарувчи завод фаолиятининг натижасини шина ишлаб чиқарувчи завод фаолияти билан солиштириб бўлмайди. Агар вақт жиҳатидан қарайдиган бўлсак 2000 йилнинг март ойини 1999 йилнинг январь ойи ёки ноябрь ойи билан ҳам солиштириб бўлмайди. Март ойини март билан, апрель ойини апрель ойи билан солиштирилади. Агар қиймати бўйича оладиган бўлсак ўтган йилги бир хил маҳсулот ҳажмини бу йилги маҳсулот ҳажми билан ҳам солиштириш қийин. Нарх тез ўзгариб, инфляция жараёни давом этиб турганда бундай солиштиришлар ҳам тўғри хулоса чиқариш учун асос бўлолмайди. Буларни солиштириш учун қиёсий баҳода ҳисоблаб олиш лозим.

Ушбу мисоллардан кўриниб турибдики, қиёсий таҳлилда энг аввало, **нимани нима билан солиштириш** лозимлигини аниқлаб олиш керак экан. Масалан, маҳсулотни маҳсулот билан, меҳнат самарадорлигини меҳнат самарадорлиги билан, вақтни вақт билан, ҳажмни ҳажм билан солиштириш мумкин. Қиёсий нарсалар бир-бирига ўхшаш, бир-бирини такрорлайдиган бир хил мазмунга ва ўлчамга эга бўлиш лозим.

Иккита бир хил корхона. Иккаласи ҳам сут ишлаб чиқаради. Уларнинг кўрсаткичларини бир-бирига солиштириш мумкин. Лекин кўрсаткичлар ҳам бир хил мазмунга эга бўлишлари шарт. Масалан, бир корхонанинг меҳнат унумдорлиги даражасини иккинчи корхонанинг асосий воситалари самарадорлиги билан

солиштириб бўлмайди. Биринчи корхонанинг меҳнат унумдорлигини иккинчи корхонанинг ҳам фақат шу кўрсаткичигагина солиштириш мумкин.

Бир хил кўрсаткичларни ҳам **қачон солиштиришни** билиш лозим. Масалан, биринчи корхонанинг бир йиллик ўртача меҳнат унумдорлигини бошқа шунга ўхшаш корхона меҳнат унумдорлигининг бир чораклиги, ярим йиллик ва ҳатто тўққиз ойлик миқдорига ҳам солиштириб бўлмайди. Бир йиллик кўрсаткични шу кўрсаткичнинг бошқа бир йиллиги билан, бир чораклик бўлса бошқа айнан шу кўрсаткичнинг шу чоракдаги миқдори билан солиштириш мумкин.

Қиёсий кўрсаткичнинг вақти айнан шу вақтга ҳажми шундай ҳажмга ва мавсумийлиги ҳам шу мавсумга тўғри келиши керак. Мавсумийлиги деганда ой, чорак, ярим йилликларнинг бир-бирига мослиги тушунилади. Масалан, ҳисобот йилидаги иккинчи чорак натижаларини ўтган йилнинг биринчи ёки тўртинчи чораги натижаларига солиштириб бўлмайди. Фақат ўтган йилнинг ҳам биринчи чораги натижаларига солиштириш мумкин.

Кўриниб турибдики, қиёсий таҳлилда нимани ва уни қачон солиштиришни билиш ҳам унинг муҳим талабларидан бири экан.

Қиёсий таҳлилнинг яна бир талабларидан бири кўрсаткичларни **қандай солиштириш** мумкинлигини ҳам таъминлашдан иборатдир. Баъзан бир хил кўрсаткични бир-бирига мос даврларда ҳам солиштириб бўлмайди. Масалан, пойафзал заводининг жорий йилдаги ишлаб чиқариш ҳажмини ифодаловчи кўрсаткичнинг қийматини шу кўрсаткичнинг ўтган давридаги табиий бирлиги (жуфт) билан солиштириш мумкин эмас. Фақат бир хил кўрсаткичнинг ўлчами ҳам бир хил бўлиши, улар бир-бирига тўғри келиши лозим. Унинг табиий бирлиги билан табиий бирлигининг қиймати билан қийматини солиштириш мумкин.

Амалиётда бир хил кўрсаткич бир хил ўлчамда ҳам бўлиши мумкин. Аммо уни ҳам кўр-кўрона солиштириб бўлмайди. Масалан, консерва ишлаб чиқарувчи завод ўтган йилда шунча шиша идишда бу йил эса бунча шиша идишда маҳсулот ишлаб чиқарди деган солиштиришни қилиб хулоса чиқариш қийин. Шиша идишларнинг сиғими ҳар хил бўлиши мумкин. Шу туфайли бундай ҳолларда шартли шиша идишлар ўлчами ишлатилади.

Маҳсулотнинг қийматини маълум бир даврларда солиштиришда, таъкидланганидек, қиёсий баҳода ифодалаш мақсадга мувофиқдир. Шу туфайли кўп кўрсаткичларни солиштиришда тўғри хулоса чиқариш учун кўп ҳолларда уларнинг шартли ўлчовлари ҳам қўлланилади. Демак, қиёсий таҳлилда қандай солиштириш йўлларини ҳам билиш муҳим аҳамияга эга экан.

Қиёсий таҳлилда ниманинг нима билан солиштирилишини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Ҳаётда қанча нарсалар, ҳодиса ва жараёнлар кўп бўлса қиёсий таҳлилда ҳам қиёслайдиган нарсалар шунча кўп бўлади. Иқтисодий жараёнлар устида иш олиб борадиган қиёсий таҳлилнинг ҳам қиёсий объекти иқтисодиётнинг қирралари сингари жуда кўпдир.

Корхонанинг фаолияти натижаси ёки унинг маълум қисмини ифодаловчи кўрсаткичларнинг ҳақиқат миқдори қуйидагилар билан солиштирилади:

* ўтган даврда кўрсаткичлари миқдори билан;
* режа (лойиҳа) кўрсаткичи билан;
* бошқа корхоналарнинг худди шундай кўрсаткичлари билан;
* тармоқ бўйича эришилган ўртача кўрсаткич билан;
* кўрсаткичларнинг эталон миқдори билан;
* стандарт талаблари билан;
* шартномадаги талаблар билан.

Кўриниб турибдики, қиёсий кўрсаткичнинг кўлами, сони ҳам жуда кўп экан. Ишни осонлаштириш мақсадида кўпгина тез ўзгармайдиган кўрсаткичлар миқдори (меъёрлар, стандартлар кабилар) компьютер хотирасига киритилиб ўқилса, ушбу жараён дастурланса, компьютер ўзи таҳлил қилиб фарқини чиқариб бериши мумкин.

24.2. Қиёсий таҳлилда қўлланиладиган ахборотлар ва уларга қўйиладиган талаблар

Қиёсий таҳлилда ҳам иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган ахборот манбаларидан фойдаланилади. Лекин мазкур таҳлилда битта корхона ахборотлари билан чекланиб қолмайди, балки солиштиришга қанча корхона мўлжалланган бўлса ҳаммасининг ахборот маълумотларидан фойдаланилади.

Ушбу таҳлилда ҳам асосий ахборотлар молиявий ҳисобот маълумотларидан олинади. Шунингдек, бизнес режа, меъёр, ўртача кўрсаткичлар, стандарт кўрсаткичлари каби бир қанча маълумотлардан ҳам фойдаланилади. Бу ҳақда муаллифнинг «Иқтисодий таҳлил назарияси» дарслигидаги шу масалага бағишланган бобида батафсил ёритилган.

Энг муҳими қиёсий таҳлилда ахборотлар маълум талабларга жавоб бериши лозим. Чунки бир корхонада битта кўрсаткич қайси йўналишда, мазмунда ва ўлчамда бўлса иккинчи корхонадан олинадиган кўрсаткич ҳам худди шу талабларга жавоб бериши лозим. Масалан, «Турон» номли корхонанинг «меҳнат унумдорлиги» кўрсаткичини шунга ўхшаш «Макон» корхонасининг шундай кўрсаткичига солиштириш у ҳолда мазкур кўрсаткич иккала корхонада ҳам сотилган маҳсулотнинг ўртача ходимлар сонига нисбати билан ҳисобланган бўлиши лозим. Агар бирида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми олиниб иккинчисида сотилган маҳсулот ҳажмига нисбатан аниқланса ҳам ушбу кўрсаткичларнинг мазмуни бир-бирига тўғри келмайди ва бундай ҳолда солиштириш мумкин эмас.

Таъкидланганидек, ахборотлар ўлчами бўйича ҳам бир-бирига тўғри келиши керак. Масалан, «Турон» корхонасида сотилган маҳсулотни қийматида ва «Макон» корхонасида табиий бирлигида (дона, жуфт, килограм ва ҳ.к.) олиб ҳам бўлмайди. Кўрсаткичларнинг ўлчамлари ҳам бир-бирига тўғри келиши лозим. Шунингдек, ҳар бир кўрсаткичнинг йўналиши ҳам тўғри келиши керак. Масалан, бир кўрсаткич ҳажмининг кўпайиши корхона фаолиятининг яхшиланаётганлигидан далолат берса (рентабеллик, меҳнат унумдорлиги, активлар самарадорлиги кабилар), иккинчи бир кўрсаткичнинг кўпайиши унинг ёмонлашганлигидан далолат беради (харажатлар даражаси, маҳсулотнинг фойдалилиги, айланма маблағлар айланиш тезлигининг кўпайиши кабилар). Бундай кўрсаткичларни ҳам солиштириб бўлмайди. Мисол учун харажатлар ва рентабеллик даражаси икки корхонада ҳам бир хил яъни 105 % ўсди деган кўрсаткич аниқланди. Аммо бу шу икки корхонада аҳвол бир хил деган хулосани бермайди. Худди шундай харажатлар ўсиш суръати ошса ҳам ҳали аҳвол ёмонлашди деган хулоса қилиш учун эрта. Чунки харажатлар 6,0 % ошган бўлиши мумкин, аммо унинг

фойдаси 8 % ошган бўлса қилинган харажатлар тегишли самара берганлигидан далолат беради.

Шундай экан, қиёсий кўрсаткичларга жуда билимдонлик билан ёндошиш лозим. Акс ҳолда бу ҳолатдан тўғри хулоса чиқариш ўрнига нотўғри хулосага келиб қолиш ҳам мумкин. Нотўғри хулоса масалани тўғри ҳал қилиш, одилона қарор қабул қилиш учун асос ҳам бўлолмайди, унинг имконини ҳам бермайди. Шу туфайли бу ерда ҳам САҲТХОБ тамойилидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. (С - софлик, АҲ - ахборотлар ҳаққонийлиги, ТХ - тўғри хулоса ва ОБ - одилона бошқарув).

Қиёсий таҳлилда ахборотларга қўйиладиган асосий талаблар шу таҳлилнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиқмоғи лозим. Уни ўтказишдан асосий мақсад корхоналар рейтингини аниқлаш, ички имкониятларини ахтариб топиш кабилардан иборат. Шу туфайли ахборотларга қўйиладиган талаблар ҳам шу мақсадларни амалга оширишга қаратилган бўлмоғи лозим.

Шундай қилиб, қиёсий таҳлилда ахборотларга қўйиладиган талаблар қуйидагилар бўлиши мумкин:

* ахборотларнинг тўлиқ қамраб олиниши;
* уларни бир-бири билан солиштирилиш имконининг бўлиши;
* аниқлиги ва ҳаққонийлиги;
* қулайлиги;
* ишончлилиги;
* мослашувчанлиги;
* тушунарлилиги кабилар.

Ахборотларнинг корхоналар хўжалик фаолиятини **тўлиқ қамраб олиши** таҳлилчи учун тўғри хулоса чиқаришда муҳим аҳамият касб этади. Масалан, корхона хўжалик фаолиятини ҳар томонлама тўлиқ ифода этиш ва унинг ҳамма соҳасини қамраб олиш учун 90 та кўрсаткич қўлланилиши кўзда тутилган. Аммо солиштириш учун 60 та кўрсаткичдан фойдаланиш мумкин. Бу ҳолда ахборотларни тўлиқ қамраб олиш даражаси 66,7 % ни ташкил қилади:

$$Ақд = (Ат : Аж) \cdot 100 = (60 : 90) \cdot 100 = 66,7\ \%$$

бунда Ақд – ахборотларни қамраб олиш даражаси;

Ат – ахборотлар (кўрсаткичлар) сони;

Аж – жами ахборотлар (кўрсаткичлар) сони.

Ушбу мисолимизда 90 та кўрсаткичдан 66,7 % кўрсаткич солиштирилаётганлиги ва улар натижасида чиқариладиган хулоса маълум даражада ҳақиқатга яқинроқлиги билан ифодаланади. Ҳозирги шароитда ҳисоб-китоб ишларида компьютерлардан фойдаланилмоқда. Бу эса қиёсий таҳлилда хўжалик фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлардан тўлиқ фойдаланиш имкониятини яратмоқда.

Қиёсий таҳлилда қўлланилаётган барча **кўрсаткичлар бир-бири билан солиштирилиши мумкин** бўлмоғи лозим. Бунда ҳар бир кўрсаткич, таъкидланганидек, мазмуни, йўналиши ва ўлчами жиҳатидан бир-бирига тўғри келиши лозим. Аммо ҳар бир корхонада мутлоқ (ахборотларда ифода этилган) ва нисбий (ҳисоблаб топилган) кўрсаткичлар бор. Солиштириш учун асосан ҳисоблаб топилган нисбий кўрсаткичлардан фойдаланилади. Кўп кўрсаткичлар мазмуни, йўналиши ва улчами ҳам тўғри келиши мумкин. Лекин уларни бевосита солиштириб бўлмайди. Масалан, икки корхонада ҳам фойданинг умумий ҳажмини солиштиришга тўғри келмоқда. Уларнинг бирида мазкур кўрсаткич ҳажми икки баробар кўп бўлиши мумкин. Аммо бу ҳали тўғри хулоса чиқариш учун асос бўлолмайди. Чунки ушбу корхонада рентабеллик кўрсаткичи иккинчи корхонага нисбатан кам бўлиши ҳам мумкин. Шу туфайли кўрсаткичлар тизимини солиштирилиши нуқтаи назаридан икки гуруҳга бўлиш мақсадга мувофиқ:

* қиёсий кўрсаткичлар;
* солиштирилиши мумкин бўлмаган кўрсаткичлар.

Қиёсий таҳлилда қиёсий кўрсаткичлар ҳиссаси қанча юқори бўлса шунча яхши. Унинг даражаси (Скд) қиёсий кўрсаткичларни (Кі) барча кўрсаткичларга ($К_б$) бўлиш йўли билан аниқланади:

$$Скд = (Кі : К_б) \cdot 100$$

Масалан, биз таҳлил қилаётган 90 та умумий кўрсаткичнинг 72 таси қиёсий кўрсаткич бўлса, унинг даражаси 77,8 % га тенг бўлади, яъни

$$[(72 : 90) \cdot 100 = 77,8\ \%]$$

Қиёсий таҳлилда ҳар бир кўрсаткич **аниқ ва ҳаққоний** бўлишни талаб қилади. Умуман таҳлил қилинадиган кўрсат-кичларнинг барчаси шу талабга жавоб бериши лозим. Акс ҳолда,

қилинадиган хулоса, тўғри бўлмайди. Шу туфайли кўрсаткичларнинг аниқлик ва ҳаққонийлик коэффициенти (*Кҳ*)ни аниқлашга тўғри келади. Бу коэффициент аниқ кўрсаткичларни (*Кан*) барча кўрсаткичларга (*Кб*) бўлиш йўли билан аниқланади:

$$К_{ҳ} = К_{ан} : К_{б}$$

Ушбу коэффициент бирга тенг бўлиши лозим: *Кҳ = 1* Агар *Кҳ < 1* бўлса ва у қанча «нол»га интилиб борса ундан чиқариладиган хулоса шунча ноаниқ бўлади.

Қиёсий таҳлилда ҳар бир ишлатиладиган **кўрсаткич қулай** бўлиши лозим. Бу кўрсаткичнинг аниқланишида, ахборотларнинг мавжудлигида ўз ифодасини топади. Иқтисодий адабиётларда шундай кўрсаткичлар ҳам борки уларни амалий жиҳатдан аниқлаш қийин, назарий жиҳатдан фақат тасаввур қилиши мумкин. Масалан, бази адабиётларда «Истеъмолнинг сифатлилик даражаси», «Кадрларнинг интеллектуал савияси» каби кўрсаткичлар ишлатилади. Ушбу кўрсаткичларни аниқлаш, уларни қандайдир бир рақам билан ифодалаш учун махсус тадқиқот ўтказиш керак. Шу туфайли қиёсий таҳлилда мавжуд ахборотларда ифода этилган мутлоқ ва улар асосида аниқланадиган нисбий кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ва етарли.

Ҳаётда ишлатиладиган барча кўрсаткичлар, айниқса, иқтисодий ва қиёсий таҳлилда қўлланиладиган кўрсаткичлар, энг аввало, **ишончли бўлиши** лозим. Ишончли кўрсаткичгина ишончли хулоса чиқариш учун асос бўлади. Ишончли хулоса ишончли тадбир ишлаб чиқишни таъминлайди. Бу эса корхона молиявий-хўжалик фаолияти самарадорлигини оширишнинг энг асосий ва ишончли омилларидан биридир.

Қиёсий таҳлилда қўлланиладиган кўрсаткичлар **мослашувчан бўлиши** лозим, яъни улар доимий бўлиши билан бирга амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг боришини ҳам ўзида ифода этмоғи лозим. Масалан, режали иқтисодиёт шароитида асосий эътибор корхоналарда маҳсулотнинг ишлаб чиқариш ҳажмига катта эътибор берилар эди. Рентабеллик кўрсаткичи ҳам фойданинг шу кўрсаткич ҳажмига нисбати билан аниқланар эди. Эндиликда асосий эътибор сотилган маҳсулотга қаратилмоқда. Бу шароитда ҳам рентабеллик кўрсаткичи сақланиб қолди. Лекин у

фойдани ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига эмас, балки сотилган маҳсулот ҳажмига нисбатан ҳисобланадиган бўлди. Бу мазкур рентабеллик кўрсаткичининг мослашувчанлигидан далолат беради.

Қиёсий таҳлилда ҳам бошқа таҳлил шакллари сингари кўрсаткичлар мутахассисларга, мулкдорларга, инвесторларга тушунарли бўлиши лозим. Мавҳум кўрсаткичлардан аниқ хулоса чиқариш қийин. Хулоса аниқ бўлмагач уни аниқ йўналишда бошқариш ҳам мулкли эмас.

Хулоса қилиб айтганда, қиёсий таҳлилнинг ўзига хос хусусиятга эгалиги, ундаги ахборотларнинг ҳам, уларга қўйиладиган талабларнинг ҳам ўзига хослигини таъминлашни тақозо қилар экан.

24.3. Қиёсий таҳлилда қўлланиладиган кўрсаткичлар тизими

Қиёсий таҳлилда иккита ва ундан кўп бўлган бир-бирига ўхшаш хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти солиштирилади. Солиштирилишдан мақсад:

* қайси корхона фаолиятида ижобий натижага эришилганлиги ва қаёсисининг фаолияти салбий натижа билан якунлаганлигини аниқлаш;
* ижобий, самарали ишларни бошқа турдош корхоналар фаолиятига жорий қилиш;
* салбий таъсир қилувчи омилларни бартараф қилиш;
* ички имкониятларни (резервларни) ахтариб топиш кабилардан иборат.

Корхоналар фаолияти солиштирилганда асосан кўрсаткичларга таянади. Солиштириш жараёнида:

* битта таҳлил қилинаётган кўрсаткич;
* умумлашган кўрсаткич;
* кўрсаткичлар тизими;
* комплекс кўрсаткич миқдорлари солиштирилади.

Корхоналар фаолияти натижаларини солиштирганда **битта кўрсаткичдан** фойдаланиш жуда қўлай. Унинг миқдорига қараб қайси яхши ёки ёмон деган хулосага жуда осонгина келиш мумкин. Масалан, меҳнат унумдорлиги даражасини олайлик.

Ушбу кўрсаткич бўйича 10 та корхона солиштирилаётган бўлса ушбу кўрсаткич миқдорининг юқорилигига қараб бўлса у олдинги ўриндан пастга қараб жойлаштирилади ва қайси энг кичик миқдорга эга бўлса, ушбу корхона ўнинчи ўринда эканлиги аниқланади.

Аммо хўжалик фаолияти фақат битта кўрсаткич билан чекланиб қолмайди. Уларни солиштиришда хўжалик фаолиятининг у ёки бу жиҳатини тўлиқ ифода этадиган кўрсаткичлардан фойдаланмоқ лозим. Бу учун одатда **умумлашган кўрсаткичлардан** фойдаланилади.

Ҳозирги пайтда корхоналар хўжалик фаолиятининг асосий негизини унинг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш ташкил қилади. Унинг умумлашган кўрсаткичи сифатида иқтисодий салоҳият рентабеллигини (*Иср*) олиш мумкин. Ушбу кўрсаткич корхонанинг соф фойдасини (*Ф*) иқтисодий салоҳият йиғиндисига бўлиш йўли билан аниқланади:

$$Иср = \frac{Ф}{Ав + Нф + Ам + Мс};$$

бунда Ав – асосий воситаларнинг ўртача қиймати;

Нф – номоддий фаолларнинг ўртача қиймати;

Ам – айланма маблағларнинг ўртача қиймати;

Мс – меҳнат салоҳиятининг ўртача қиймати;

Мазкур кўрсаткич корхонанинг иқтисодий салоҳияти қандай фойда бераётганлигини ёки рентабеллик даражасини қандайлигини кўрсатади. Унинг миқдори корхона фаолиятининг асосий қисмини умумлаштирган ҳолда ифодалайди. Шу туфайли мазкур кўрсаткични солиштириш орқали қайси корхона яхши натижага эришмоқда ва қайсиси орқада қолмоқда деган хулосани қилиш мумкин. Бунда ҳам ўнта корхона хўжалик фаолияти натижалари солиштирилаётган бўлса уларнинг ўрнини ҳам биринчидан ўнинчигача аниқлаб корхоналарни тегишли ўринларга жойлаштириш мумкин.

Аммо умумлашган кўрсаткичлар ҳам корхона хўжалик фаолиятининг у ёки бу жиҳатини ифодалайди. Уни батафсил ифодалаш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади.

Ҳозирги пайтда корхона хўжалик фаолиятини ифодаловчи **кўрсаткичлар тизими** асосан молиявий коэффициентларда

ифодаланмоқда. Хўжалик фаолиятини ифодалаш учун мазкур коэффициентларнинг сони бошқа иқтисодий кўрсаткичлар билан бирга қўшиб ҳисобланса юздан ортиқни ташкил қилади.

Кўрсаткичлар тизимидан фойдаланишнинг афзалликлари:

* корхона хўжалик фаолиятининг ҳамма жабҳасини бир вақтнинг ўзида қамраб олади;

* таҳлилчига бир корхона фаолияти юзасидан атрофлича хулоса чиқариш имконини беради.

Аммо шуни эътироф этиш керакки, қиёсий таҳлилда кўрсаткичлар тизимидан фойдаланишнинг маълум камчиликлари ҳам йўқ эмас.

* кўрсаткичларнинг кўплиги солиштирилаётган қайси корхона яхши ёки ёмон эканлиги тўғрисида хулоса чиқаришни қийинлаштиради, чунки у бир гуруҳ кўрсаткичлар бўйича бир корхона яхши натижага эришган бўлса, иккинчи бир гуруҳ кўрсаткичлар бўйича бошқа корхона яхши натижага эришган бўлиши мумкин. Бу ҳолда яхши корхонани аниқлаш имкони бўлмайди;

* кўрсаткичлар тизимини қўшиб яхлит ҳолатга келтириш имконини ҳам бермайди, чунки улар турли йўналишларга эга. Бир кўрсаткичнинг кўпайиши корхона фаолиятини баҳолашда ижобий бўлса, иккинчи бир кўрсаткичнинг кўпайиши корхона фаолиятининг ёмонлашганлигидан далолат бериши мумкин;

* кўрсаткичларни қўшимча ҳисоб-китобларсиз қўшиб ҳам бўлмайди, чунки улар турли ўлчамларга эга бўлиши мумкин. Масалан, меҳнат унумдорлиги сўм билан ўлчанса, маҳсулотнинг ўзгариш суръати фоизда ва ҳ.к.

Шу туфайли ушбу камчиликларни бартараф қилиш учун иқтисодий таҳлилда **комплекс кўрсаткичларнинг миқдорини солиштириш** йўллари ишлаб чиқилган. Бу ҳақда муаллифнинг «Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган комплекс баҳолаш усуллари» номли маъруза матнида (Самарқанд, СамКИ, 1999) батафсил ёритилган. Шунингдек, «Иқтисодий таҳлил назарияси»га бағишланган дарсликнинг «Комплекс таҳлил методологияси» бобида ҳам ушбу масалага тўлиқ жавоб бор.

24.4. Қиёсий таҳлилда ички имкониятларни (резервларни) ахтариб топиш йўллари

Ҳақиқатни билиш йўли солиштиришдир. Ҳамма нарса солиштирилгандагина ўз баҳосига эга бўлади. Катта ва кичик, узун ва калта, яхши ва ёмон, оғир ва енгил, дўст ва душман, дона ва ахмоқ, мураккаб ва содда ва ҳ.к. Ушбу тушунчалар руйхатини исталганча давом эттириш мумкин. Энг муҳими бу тушунчалар ҳаммаси бир-бирига нисбатан олинган нисбий тушунчалардир. Айнан, ана шу нисбий тушунчалар кузатувчининг (таҳлилчининг) хулосасини ойдинлаштиришга ёрдам беради.

Солиштириш орқали ички имкониятлар қандай топилади деган савол ушбу ишнинг бош масаласидир. Деярли ҳамма кўрсаткичлар бўйича уларнинг меъёрини белгиловчи миқдор бўлиши керак. Чунки режали иқтисодиёт шароитида кўрсаткичларнинг ҳақиқий миқдори режага солиширилар эди. Энди эса режа ҳам олдингидек қонуний аҳамиятга эга эмас. Шунингдек, режанинг ўзи ҳам маълум меъёрга асосланиши лозим.

Аммо ҳозирги пайтда кўп кўрсаткичларнинг меъёри ишлаб чиқилмаган. Шу туфайли ҳозирги ҳақиқий эришган натижа ўтган давр кўрсаткичларига ва бошқа корхона кўрсаткичларига солиштирилади. Ўтган давр кўрсаткичларига ҳам кўр-кўрона солиштириб бўлмайди. Чунки ўтган йилги баҳо билан бу йилги баҳо ўртасида кескин фарқ бўлиши мумкин. Шу туфайли тўғри хулоса чиқариш учун солиштирилаётган кўрсаткичнинг натурал миқдорини ёки қиёсий баҳода ифодаланган қийматини олиш мақсадга мувофиқдир.

Солиштириш натижасида ички имкониятларни ахтариб топиш учун бирқанча мисолларни келтирамиз. Масалан, корхона ишга тушди ва фаолият кўрсатмоқда. Унинг ишлаб чиқариш қуввати меъёр бўйича бир йилда 10,0 милион жуфт пойафзал ишлаб чиқаришдан иборатдир. Аммо у жорий йилда 7,5 милион жуфт ишлаб чиқди. Унинг ишлаб чиқариш қуввати 75 % фойдаланилди. Агар ушбу рақамга шунчаки оддий кўз билан қаралса ҳам тўлиқ қувват билан ишлаш учун мазкур корхонанинг яна 25 % имконияти бор.

Таҳлилнинг вазифаси ана шу 25 % имконият нима учун фойдаланилмаганлигининг сабабларини аниқлаб, уларни бартараф

қилиш йўлларини ишлаб чиқишдан иборатдир. Тўлиқ қувват билан ишламаганлигига қандай сабаблар (омиллар) таъсир қилган бўлиши мумкин. Бундай омилларга қуйидагиларни киритса бўлади:

- хом-ашёнинг ўз вақтида етказилиб берилмаганлиги;
- корхонанинг эҳтиёт қисмлари етишмаслиги туфайли узоқ вақт таъмирлаш учун тўхтаб турганлиги;
- мутахассисларнинг талаб даражасида малакага эга эмаслиги;
- газ, электр қуввати, сув каби комунал хизматининг узулишлари;
- технологиянинг талаб даражада эмаслиги ва ҳ.к., ва ҳ.к.

Таҳлилчи ушбу камчиликларни аниқлаб уни бартараф қилиш йўлларини ишлаб чиқади. Ана шу жараёнда мавжуд ички имкониятлар ахтариб топилади ва ишга солинади.

Қиёсий таҳлил орқали ички имкониятларни ахтариб топишнинг яна бир йўли омилли таҳлилнинг анъанавий усулларидан фойдаланишдир. Масалан, иккита корхонада иқтисодий салоҳият рентабеллиги солиштирилмоқда. Биринчи корхонани шартли равишда «Турон», иккинчи корхонани «Макон» деб атаймиз. Турон корхонасида Макон корхонасига нисбатан таҳлил қилиб солиштирилаётган кўрсаткич, яни корхона иқтисодий салоҳиятининг рентабеллиги 16 % кўп. Бу нима эвазига эришилган ёки Макон корхонасида нималар сабаб бўлганки, унда таҳлил қилинаётган кўрсаткичнинг ҳажми 16 % га кам. Бу учун корхона иқтисодий салоҳияти рентабеллигини ифодаловчи кўрсаткичларга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва ҳисоблаб топиш мақсадга мувофиқдир.

Бизнинг тадқиқотлар кўрсатдики, корхона иқтисодий салоҳияти рентабеллигига (*Иср*) таъсир этувчи омилларга уларнинг математик ифодасидан келиб чиқадиган бўлса қуйидагилар киради:

- асосий воситалар рентабеллиги (*Авр*);
- меҳнатнинг қуролланганлик даражаси (*Мҳд*);
- номоддий фаолларнинг меҳнат салоҳияти билан таъминланганлиги (*Нфмс*);

• номоддий фаолларнинг айланма маблағлардаги таркибий тузилиши (Амнф);

• айланма маблағларнинг корхона иқтисодий салоҳиятидаги ҳиссаси (Исам);

Натижа ва келтирилган омиллар ўртасидаги боғлиқлик қуйидаги форма билан ифодаланади:

$$Иср = Авр \,.\, Мҳд \,.\, Нфмс \,.\, Амнф \,.\, Исам;$$

Ушбу формуладан кўриниб турибдики корхона иқтисодий салоҳияти рентабеллигига бешта омиллар таъсир қилар экан. Уларнинг таъсирини иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган фарқли, занжирли алмаштириш, индекс каби усуллар билан аниқлаш мумкин. Бу ҳақда «Иқтисодий таҳлил назарияси» дарслигининг «Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган усуллар» номли бобида батафсил ёритилган.

Қиёсий таҳлилда омилли таҳлил усулларидан фойдаланиб ички имкониятларни ахтариб топиш йўлларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу ишни амалга ошириш учун корхонанинг ҳисоботларига асосан қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз (24.1-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, таҳлил қилинаётган иккита корхона бўйича ҳажм кўрсаткичлари Макон корхонасида анча яхшидек, чунки таҳлил қилинаётган олтита кўрсаткичдан тўрттасининг ҳажми мазкур корхонада юқори. Турон корхонасида эса атига иккита кўрсаткич бўйича ҳажми баланд. Аммо хажм кўрсаткичлари билан корхоналар фаолиятини солиштириб бирорта аниқ хулосага келиш қийин. Шу туфайли ҳақиқий аҳволни билиш ва кўрсаткичларни солиштириш учун нисбий кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Нисбий кўрсаткичлар ҳажми билан хулоса қилинадиган бўлса иқтисодий салоҳият рентабеллиги Турон корхонасида Макон корхонасига нисбатан 0,38 банд фоизга кўп. Шунингдек, олтита нисбий кўрсаткичнинг тўрттасида Туронда Маконга нисбатан (мазкур корхонада фақат иккита кўрсаткичда юқори) яхши натижага эришилган.

24.1 - жадвал

Қиёсий таҳлилда қўлланиладиган корхонанинг иқтисодий салоҳияти рентабеллиги билан боғлиқ кўрсаткичлар ҳисоб-китоби

№	Кўрсаткичлар	Корхоналар		Қайсида юқори	
		Турон	Макон	Турон	Макон
1	2	3	4	5	6
Ҳажм кўрсаткичлари					
1.	Соф фойда, минг сўм	2998,3	2361,5	+636,8	-
2.	Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати,минг сўм	83541,3	74851,9	+8689,4	-
3.	Айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	46785,7	52141,5	-	+5355,8
4.	Номоддий фаолларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	2441,2	1537,4	-	+196,2
5.	Меҳнат салоҳиятининг ўртача йиллик қиймати,минг сўм	37141,5	41031,6	-	+3890,1
6.	Иқтисодий салоҳиятнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм (2қ+3қ+4қ+5қ)	168809,7	169562,1	-	+752,4
Нисбий кўрсаткичлар					
7.	Асосий воситалар рентабеллиги, % (1қ:2қ.100)	3,589	3,155	+0,434	-
8.	Меҳнатнинг қўролланганлик даражаси коэффициенти (2қ:5қ)	2,249	1,824	+0,425	-
9.	Номоддий фаолларнинг меҳнат салоҳияти билан таъминланганлик коэффициенти (5қ:4қ)	27,693	26,689	+1,004	-
10	Номоддий фаолларнинг айланма маблағлардаги таркибий тузилиш коэффициенти (4қ:3қ)	0,0286	0,0295	-	+0,0009
11	Айланма маблағларнинг корхона иқтисодий салоҳиятидаги таркибий коэффициенти (3қ:6қ)	0,277	0,308	-	0,031
12	Иқтисодий салоҳият рентабеллиги, % (1қ:6қ.100)	1,77	1,39	+0,38	-

Нисбий кўрсаткичларни солиштириш натижасида умумий хулосага келиш мумкин, яъни мазкур ҳолатда Турон корхонасида аҳвол бирмунча яхши. Чунки умумлашган натижа кўрсаткичи ҳам ва яна учта нисбий кўрсаткич бўйича ҳам солиштирилаётган Макон корхонасига нисбатан кўрсаткичлар миқдори юқори. Бироқ қиёсий таҳлилнинг вазифаси ушбу хулоса билан тугамайди. Энг муҳими, унинг вазифаси шу икки корхонада аҳволни яхшилаш учун қандай ички имкониятлар борлигини аниқлашдан иборатдир.

Макон корхонасида иқтисодий салоҳият рентабеллиги Турон корхонасига нисбатан 0,38 % кам. Бу ниманинг эвазига содир бўлганлигини аниқлаш лозим. Бу учун иқтисодий таҳлилнинг занжирли алмаштириш усулларидан фойдаланиш йўлларини тавсия қиламиз.

Макон корхонасида иқтисодий салоҳият рентабеллигининг 0,38 % га кам бўлиши бирқанча омиллар таъсирида рўй берган.

1. Асосий воситалар рентабеллигининг Макон корхонасида Туронга нисбатан 0,434 % камлиги таҳлил қилинаётган кўрсаткичнинг миқдорини 0,21 % га камайтирган.

[(3,155 . 2,249 . 27.693 . 0,0286 . 0,277) - -1,77 = 1,56 - 177 = -0,21 %]

Демак, Макон корхонасида иқтисодий салоҳият рентабеллигини оширишнинг, биринчи имконияти (резерви) асосий воситалар рентабеллигини ошириш чорасини кўришдан иборат экан.

2. Макон корхонасида Турон корхонасига нисбатан меҳнатнинг қуронланганлик даражаси ҳам 0,425 коэффициентга кам. Бу ҳам таҳлил қилинаётган натижа кўрсаткичини 0,30 % га камайтириб юборишга сабаб бўлган.

[3,155 . 1,824 . 27,693 . 0,0286 . 0,277) - 1,56 =
= 1,26 - 1,56 = -0,30 %]

Макон корхонасида иқтисодий салоҳиятни оширишнинг иккинчи ички имконияти корхонада меҳнатнинг қуролланганлик даражасини оширишдан иборат экан.

3. Номоддий фаолларнинг меҳнат салоҳияти билан таъминланганлик даражаси ҳам Макон корхонасида Турон корхонасига

нисбатан 1,004 коэффициентга кам бўлган. Бу ҳам иқтисодий салоҳият рентабеллигини 0,04 % га камайиб кетишига сабаб бўлган.

[(3,155 . 1,824 . 26.689 . 0,0286 . 0,277) -1,26 =
= 1,22 - 1,26 = -0,04 %]

Макон корхонасининг иқтисодий салоҳият рентабеллигини оширишдаги навбатдаги ички имконияти номоддий фаолларнинг меҳнат салоҳияти билан таъминланиш даражасини оширишдан иборат экан.

4. Макон корхонаси номоддий фаолларнинг айланма маблағлардаги таркибий тузилишини бирмунча яхшилаган. Натижада Турон корхонасига нисбатан иқтисодий салоҳият рентабеллигининг 0,04 % га ошишига эришилган

[(3,155 . 1,824 . 26,689 . 0,0295 . 0,277) - 1,22 = 1,26 -
- 1,22 = +0,04 %]

Мазкур омил Макон корхонаси учун ижобий натижа берган.

5. Айланма маблағларнинг корхона иқтисодий салоҳиятидаги коэффициенти ҳам Макон корхонасида Турон корхонасига нисбатан 0,031 коэффициентига ошган. Бу омил натижасида макон корхонасида иқтисодий салоҳият рентабеллиги 0,24 % га ошган.

1,39 - 1,26 = -0,24 %

Макон корхонаси Турон корхонасига нисбатан учта омил бўйича паст натижага эришган, иккита омил бўйича юқори кўрсаткични қўлга киритган. Натижада иқтисодий салоҳият рентабеллигини Макон корхонасида Туронга нисбатан 0,38 % кам бўлишига олиб келинган. Бу кўрсаткич барча омиллар таъсирининг йиғиндисига тенг бўлиши керак.

-0,21 - 0,30 - 0,04 + 0,04 + 0,24 = -0,38 %

Агар Макон корхонасида ҳам учта бошлангич омилларининг даражаси ҳеч бўлмаганда Турон корхонаси даражасида бўлганда эди Макон корхонасида иқтисодий салоҳият рентабеллиги яна 0,55 % га (0,21 + 0,30 +0,04) ошган бўлар эди. У ҳолда унинг ҳақиқий даражаси 1,39 % эмас, балки 1,94 % ни (1,39 + 0,55) ташкил қилган бўлар эди. У ҳолда Турон корхонасига нисбатан рентабеллик даражаси 0,17 % га (1,94 - 1,77)кўп бўлган бўлар эди.

Демак, Макон корхонаси раҳбарияти, менежер ва мулк эгалари аниқланган ички имкониятларни ишга солиш чора-тадбирларини кўриши лозим экан деган хулоса қилиш мумкин.

Қиёсий таҳлилнинг қулайлиги шундаки, таҳлил қилинаётган корхоналар қандай натижага эришишдан қатъи назар ундаги ички имкониятларни ахтариб топиш имконини беради. Бизнинг мисолимизда Турон корхонаси солиштирилаётган Макон корхонасига нисбатан 0,38 % юқори рентабелликка эришган. Аммо Макон корхонасига нисбатан номоддий фаолларнинг айланма маблағлардаги таркибий тузилиш коэффициенти 0,0009 га ва айланма маблағларнинг корхона иқтисодий салоҳиятидаги таркибий коэффициенти 0,031 га кам. Агар Турон корхонасида ушбу кўрсаткичларни ҳеч бўлмаганда Макон корхонаси даражасида ушлаб турганда эди, Турон корхонасининг иқтисодий салоҳияти рентабеллиги яна, мос равишда, шу икки омил натижасида 0,04 % ва 0,24 % га ошган бўлар эди. У ҳолда Турон корхонасининг иқтисодий салоҳияти рентабеллиги 1,77 % эмас, балки 1,94 % ни (1,77 + 0,04+0,24) ташкил қилган бўлар эди.

Кўриниб турибдики, агар икки корхонада ҳам ички омиллар ишга солинганда эди, уларнинг иккаласида ҳам рентабеллик даражаси 1,94 % ни ташкил қилган бўлар эди. Турон корхонасида ички имкониятларни ишга солиб иқтисодий салоҳият рентабеллигини яъни 0,17 % га (1,94 - 1,77), Макон корхонасида эса 0,55 % га (1,94 - 1,39) ошириш мумкин эди. Мазкур корхоналарда ички имкониятлар билан қўшиб ҳисобланганда, таҳлил қилинган даврда, иқтисодий салоҳият рентабеллиги - унинг максимал миқдори 1,94 % ни ташкил қилиши аниқ бўлди.

Турон билан Макон корхонаси бир-бири билан тажриба алмашишлари лозим. Турон корхонаси номоддий фаолларининг айланма маблағлардаги таркибий тузилиши коэффициентини ва айланма маблағларнинг корхона иқтисодий салоҳиятидаги таркибий коэффициентларини ошириш йўлларини Макон корхонасидан ўрганиб олишлари лозим. Макон корхонаси ҳам ўз навбатида Турон корхонасининг асосий воситалар рентабеллигини кўпайтириш йўлларини меҳнатнинг қуролланганлик даражасини ошириш усулларини, номоддий фаолларнинг меҳнат салоҳияти билан таъминланишини яхшилаш механезмларини ўрганиб ўз фаолиятида жорий қилиши мақсадга мувофиқ.

Демак, қиёсий таҳлилнинг имконияти иқтисодий таҳлилнинг бошқа шаклларига нисбатан ўзига хос ва кенг эканлигига амин бўлдик.

24.5. Қиёсий таҳлилни ташкиллаштириш

Қиёсий таҳлил иқтисодий таҳлилнинг бошқа шаклларига нисбатан ўзига хос хусусиятга эга. Шу туфайли уни ташкиллаштириш ҳам маълум даражада фарқ қилади. Чунки иқтисодий таҳлил битта корхонада ўтказилса, қиёсий таҳлил бир неча корхоналарда корхоналараро тарзда ўтказилади.

Иқтисодий таҳлилда бир корхона тўғрисида маълумотлар тўпланиш керак бўлса, мазкур таҳлилда бир қанча қиёсий корхоналар тўғрисидаги маълумотлар тўпланади. Иқтисодий таҳлилда таҳлил қилувчи манфаати битта таҳлил қилинаётган объектга қаратилган бўлса, ñîëèòèðóþùèé таҳлилда объект қанча бўлса ундан манфаатдор шахсларнинг сони ҳам, шунга мос равишда, кўпаяди. Хуллас, қиёсий таҳлилни амалга ошириш, уни ташкиллаштириш ҳам ўзига хос хусусиятга эга экан.

Режали иқтисодиёт шароитида қиёсий таҳлилни асосан йирик бирлашмалар, вазирликлар каби юқори ташкилотлар ўтказар эди. Бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт шароитида асосий эътибор корхонага қаратилмоқда. Шу туфайли қиёсий таҳлил ҳам корхоналарда ўтказилади. Қиёсий таҳлилнинг асосий қисмини корхоналар ташкил қилади.

Демак, бозор муносабатлари шароитида ҳам қиёсий таҳлил асосан учта бўғунга ўтказилади:

* макро даражада (вазирликлар, концерн, корпарация, йирик бирлашмалараро);

* ўрта бўғунда (бирлашмалар, корхоналараро, уюшмаларда унга кирган хўжалик юритувчи субъектлараро ва ҳ.к.);

* микро даражада (корхоналарда ички бўлинмалари бўйича, корхоналараро).

Ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва иш бажариш жараёнида уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича жуда кўп ички имкониятлар борки, улар кўп капитал (маблағ) талаб қилмасдан юқори натижа бериши мумкин. Бундай тадбиркорлардан бири қиёсий таҳлилни жорий қилишдир.

Юқорида гувоҳ бўлганимиздек, таҳлил қилинган икки корхона (Турон ва Макон) агар ички имкониятларини ишга солса уларда ҳам ҳали фойдаланилмаган қанча имконият мавжудлигини аниқ мисолларда кўриб чиқдик. Бу биргина рентабеллик кўрсаткичи ва унга боғлиқ омиллар мисолида кўрилди. Лекин корхона фаолиятида бундай унлаб кўрсаткичлар, юзлаб омиллар борки уларни ўрганиш албатта ички имкониятларни топиш йўлларини кўрсатиб беради. Бироқ бунга эришиш учун қиёсий таҳлилни тўғри ташкил қилишни тақозо қилади.

Энг аввало, қиёсий таҳлилни ким ўтказиш керак деган саволга жавоб топиш лозим. Фикримизча, бу таҳлил ҳам иқтисодий таҳлил сингари бир гуруҳ мутахассислар томонидан, яъни бухгалтерлар, иқтисодчи ва менежерлар томонидан ўтказилиши мақсадга мувофиқ. Чунки бухгалтерда ҳамма ахборот маълумотлари мавжуд, иқтисодчи корхона иқтисодиёти ва истиқболининг яхши билимдони, менежер эса бошқарув қарорларини қабул қилиш ва амалга ошириш учун масъул шахс.

Мазкур гуруҳ энг аввало, қиёсий таҳлил объектини аниқлайди ва унда қайси кўрсаткичларни қандай ва қачон солиштиришини белгилаб олади. Масалан, Турон корхонаси мутахассислари ўз фаолияти самарадорлигини ошириш учун юқори натижага эришган қайси турдош корхонага солиштиришини олдиндан белгилаб олиши, имкони борича шу тўғрисида тегишли шартнома билан расмийлаштириб қўйиши мақсадга мувофиқдир. Чунки кўп қиёсий бир хил конхоналар битта уюшмага ёки битта вазирликка қарамаслиги мумкин. Бунга мисол қилиб ип игирув фабрикаларини олиш ҳам мумкин. Булар жумласига

хусусий, жамоа, қўшма, акциядорлик жамиятлари каби мулкларда эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларни киритиш мумкин.

Қиёсий таҳлилда қиёсий кўрсаткичларни олдиндан келишиб, уларни бир хил мазмун, ўлчам ва йўналишга келтириб олиш лозим.

Ҳозирги пайтда ҳам бир корхонанинг умумий рейтинги аниқланмоқда. Қиёсий таҳлилда айнан шу кўрсаткичларни асос қилиб олиш ҳам мумкин. Бу корхоналар хўжалик фаолиятига системали, комплекс ва методологик жиҳатдан бир хил ёндошишни таъминлайди.

Қиёсий таҳлилни бошлашдан олдин унинг аниқ режаси тузиб олинади. Унда:

* корхоналарнинг қайси кўрсаткичлари солиштирилиши;
* қиёсий таҳлилда кимлар иштирок этиши;
* кўрсаткичлар бўйича қайси даврлар олиниши;
* солиштирилганда қандай усуллар қўлланилиши;
* ички имкониятларни (резервларни) қайси кўрсаткичлар бўйича аниқлаши;
* натижа кўрсаткичларига таъсир этувчи қайси омилларни олиши;
* аниқланган ички имкониятларни ишга солишда кимлар масъул бўлиши каби ҳолатлар ўз ифодасини топади.

Мазкур режа қиёсий корхоналарнинг ҳаммасида бўлиши лозим. Келишилган вақтга ҳамма мутасадди кишилар ўз корхонаси бўйича тегишли материалларни тайёрлайди ва тегишли тартибда қайта ишлаш учун келишилган гуруҳга топширади.

Қиёсий корхоналар раҳбарлари таҳлил натижалари бўйича махсус семинар ёки давра суҳбати қилиб бир-бирининг ютуқ ва камчиликларини, амалга ошириш лозим бўлган тажрибаларни келишиб олса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу бир-бирини жамлаш ёки рағбатлантириш учун эмас, балки хўжалик фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида қилинади.

Қиёсий таҳлил корхоналарни, агар улар алоҳида бўлиб бир тизимга кирмаган бўлса, уларни бир-бири билан яқин ҳамкорга айлантиришга, кейинроқ эса бир уюшмага бирлашишга сабаб бўлиши ҳам мумкин. Агар корхоналар бир уюшма таркибида бўлса унда уларнинг манфаатлари бир-бирига мос

келади. Унда қиёсий таҳлилни жорий қилиш ҳаётий заруратга айланади.

Қиёсий таҳлил натижасида корхонанинг самарадорлигини ошириш учун тегишли тадбир ишлаб чиқилади. Тадбирлар моҳияти жиҳатидан уч гуруҳга бўлиниши мумкин.

1. Корхонанинг ўзи амалга ошириши мумкин бўлган тадбирлар. Бунда унинг ички имкониятлари ахтариб топилади ва ишга туширилади.

2. Корхонанинг ҳамкорлари амалга оширадиган тадбирлар. Буларга турдош корхоналар, бошқа иқтисодий муносабат қилувчи корхоналар, банк, молия, статистика, солиқ идоралари кабиларга боғлиқ тадбирлар киради.

3. Давлатимиз томонидан амалга ошириладиган тадбирлар. Буларга молия, солиқ, бюджет каби иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий таъминот билан боғлиқ тадбирлар киради. Чунки Ўзбекистонда давлат бош ислоҳотчи ролини ўйнамоқда. Бу эса давлатнинг тегишли шароит яратиб беришини тақозо қилади.

Шундай қилиб қиёсий таҳлил натижаси фақат корхоналар даражасида эмас, балки бутун давлат миқёсидаги муаммоларнинг аниқланиши ва ечимининг топилишига сабаб бўлади.

Қиёсий таҳлилнинг натижаси бўйича ушбу тадбирга мутасадди гуруҳнинг ҳисоботи (маълумотномаси) ёзилади. Бу уч қисмдан иборат бўлади.

1. Жадвал қисми. Унда корхоналарнинг қиёсий кўрсаткичлари ва улардаги фарқлар аниқланади. Ҳар бир кўрсаткичга таъсир этувчи омилларнинг (агар уларни аниқлаш мумкин бўлса) ҳисоб-китоби келтирилади.

2. Хулоса қисми. Унда қайси корхона қайси кўрсаткичлар бўйича юқори ва қайси корхона паст натижаларга эришгани ҳамда уларнинг сабаблари кўрсатиб берилади. Қаерларда мавжуд ички имкониятлар ишга солинмай қолганлиги кўрсатилади.

3. Тадбир қисми. Унда солиштирилган корхоналар хўжалик фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уларнинг молиявий аҳволини яхшилаш учун кимлар нималар қилиш лозимлиги аниқ кўрсатилади.

Бозор муносабатлари шаклланаётган шароитда ишлаётган жуда кўп корхона раҳбарлари ўз фаолияти натижаларини

кўп ҳолларда сир сақлайдилар ва албатта, ҳамма кўрсаткичлар сир сақланиш керак деб тушунадилар. Ҳақиқатда эса қайси кўрсаткичлар сир сақланиши керак, қайсилари кенг оммага етказилиши кераклигини билиш лозим. Чунки корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти қанча яхши, унинг рейтинги қанча баланд бўлса эркин иқтисодиёт шароитида бундай корхоналар билан турли йўналишда ҳамкорлик қилишга, ҳатто инвестицияни жалб қилишга ҳам хайриҳоҳлар кўпайиб қолади. Ривожланган мамлакатларда корхона рейтингини ошириш, инвестицияни ўзига жалб қилиш мақсадида реклама учун жуда кўп харажат қилади. Демак, корхонанинг ҳамма кўрсаткичи унинг тижорат сири эмас, балки уларнинг кўп қисми очиқ эълон қилиниши лозим бўлган кўрсаткичлардир. Уларни яшириш эмас, балки кўз-кўз қилишга тўғри келади.

Фикримизча, молиявий таҳлилда қўлланиладиган аксарият кўрсаткичларни оммалаштириш мумкин. Чунки молиявий ҳисобот турли ташкилотларга топширилади, тафтиш қилинади, аудиторлар текшируви ўтказилади. Бироқ, бошқарув таҳлилидаги ва омилли таҳлилдаги айрим кўрсаткичлар ва жиҳатлар сир сақланса мақсадга мувофиқ. Кўпинча сир сақланадиган нарсалар улардаги «Нау-Хау», технология жараёнлари, бошқарувдаги ўзи хос амалий усуллари кабилар бўлиши мумкин. Лекин кўрсаткичлар аксарият ҳолда, оммаллаштирилиши лозим.

Мавзуни такрорлаш учун саволлар:

1. Қиёсий таҳлилнинг моҳияти ва вазифалари нималардан иборат?
2. Қиёсий таҳлилнинг ўзига хос талабларига нималар киради?
3. Қиёсий таҳлилда қўлланиладиган ахборотлар тизим нималардан иборат?
4. Қиёсий таҳлилга қўйиладиган талабларни санаб беринг.
5. Қиёсий таҳлилда қўлланиладиган кўрсаткичлар тизимини изоҳланг.
6. Қиёсий таҳлилда қўлланиладиган кўрсаткичларнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
7. Қиёсий таҳлилда ички имкониятларни ахтариб топиш йўллари қандай топилади?

8. Қиёсий таҳлилни ташкиллаштириш йўллари нималардан иборат?

Калит сўзлар:

таҳлил, қиёсий таҳлил, кўрсаткичлар, таҳлил усуллари, қиёсий таҳлил принциплари, қиёсий таҳлилнинг ўзига хос хусусиятлари, имкониятлар, бошқарув қарорлари, ўринларни аниқлаш усуллари.

25-боб. SWOT ТАҲЛИЛНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕТОДОЛОГИЯСИ[126]

25.1. SWOT таҳлил тушунчаси.

Ҳозирги шароитда ҳар қандай жараённи тадқиқ қилишда унинг кучли томонларини, имкониятлари, заиф томонлари ва таҳдидларини ўрганиш натижасида SWOT таҳлилини ишлаб чиқиш ҳаётий заруратга айланиб қолди. Чунки, ҳар бир жараённи такомиллаштиришда, унинг самарадорлигини оширишда, табиийки, шу ҳолатлар бир вақтнинг ўзида мужассам бўлади. Уларни билмасдан, таҳлил қилмасдан туриб, у ёки бу жараённи такомиллаштириш борасидаги таклифлар етарли даражада асосланмаган ҳисобланади.

SWOT таҳлилнинг келиб чиқиши инглиз тилидан олинган бўлиб, таҳлил қилинаётган объектнинг кучли (Strengths – S), заиф (Weaknesses – W), имониятлари (Opportunities – O) ва таҳдидлардан иборат (Threats – T) сўзларининг бош ҳарфидан ташкил топган (SWOT). Бунинг ўзбек тилидаги таржимасининг бош ҳарфлари КЗИТ таҳлили сифатида намоён бўлади. Ушбу таҳлилни амалга оширишнинг бир қанча афзалликлари мавжуд.

Биринчидан, ушбу таҳлилда далиллар (фактлар) билан бирга мантиқий таҳлил усулларидан ҳам кенг фойдаланилади.

Иккинчидан, маҳаллий шароитнинг имкониятларини, ички ва ташқи омилларнинг таъсирини ҳисобга олишда чекланмаган сабабларни келтириш мумкин бўлади.

Учинчидан, шу тариқа ушбу таҳлилда барча мутахассислар ва мутасаддиларнинг ҳам фикрларини инобатга олиш мумкин бўлади ва уларнинг тажрибаси, илмий имкониятларидан кенг фойдаланиш мумкин бўлади.

SWOT таҳлилнинг яна бир муҳим хусусияти, корхонанинг аҳволини чуқур таҳлил қилиш жараёнида нималарга аҳамият бериш лозимлиги аён бўлади. Кучли томонларини янада

[126] Мазкур боб ва унинг алоҳида параграфлари мутахассис Обид Пардаев билан ҳаммуаллифликда тайёрланди.

кучайтириш, заиф томонларини бартараф қилиб, уларни кучлантириш, имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш ва таҳдидларнинг олдини олиш учун тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш имконияти ҳам кенг бўлади.

Булардан келиб чиқиб, SWOT таҳлил тушунчасининг таърифини ишлаб чиқиш мумкин. Бизнинг фикримизча, унга қуйидагича таъриф бериш мумкин. **SWOT таҳлил дейилганда, таҳлил қилинаётган объектнинг кучли ва заиф томонларини, имкониятлари ва таҳдидларини кенг миқёсда аниқлаб берадиган таҳлилнинг шакли тушунилади.** Ушбу таърифда мазкур таҳлилнинг ўзига хос жиҳатлари тўлиқ ифодаланган ва шу жиҳатдан уга қўйилган назарий талабларга ҳам жавоб беради, деб ўйлаймиз.

Шуни назарда тутиш керакки, SWOT таҳлилда корхонани ривожлантиришда унинг кучли (Strengths – S) ва заиф (Weaknesses – W) томонларини бевосита мазкур корхонанинг фаолиятига боғлиқ. Ушбу томонларни корхона ўз кучи билан бошқариши мумкин. Аммо унинг имониятлари (Opportunities – O) ва таҳдидлари (Threats – T) аксарият ҳолда ташқи омилларга боғлиқ. Уларни башқариш ва бартараф қилишда анча тадбирларни қўллашига тўғри келади. Шундай қилиб, корхона амалга ошираётган SWOT таҳлилда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш билан бирга таҳдидларни бартараф қилиш механизмларини ҳам ишлаб чиқиши лозим. Бу жараён SWOT таҳлилдан кейинги босқич бўлиб ҳисобланади.

Кўриниб турибдики, SWOT таҳлил бошқа таҳлиллар сингари бошқарув қарорларини қабул қилиш учун асосий ахборотлар базасини тайёрлаб берадиган энг самарали механизмлардан бири экан. Шу туфайли ҳар қандай корхонанинг стратегик режасини ишлаб чиқишдан олдин албатта SWOT таҳлилни ўтказиш зарурият эканлигини инобатга олиш лозим. Чунки корхонанинг ривожланиш имкониятлари жуда катта ва кенг бўлиши мумкин. Аммо уларни SWOT таҳлил йўли билан аниқлаб олинмаса, шу имкониятларни ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш ўта мушкул ва мураккаб.

Кўриниб турибдики, корхоналар фаолиятида SWOT таҳлилдан фойдаланиш унинг стратегик йўналишини аниқлаш ва унга тўлиқ эришиш учун тегишли кураш майдонини аниқлаб

берар экан. SWOT таҳлилнинг яна бир муҳим жиҳати, таҳлил қилинаётган корхонанинг барча кучли ва заиф томонлари, имконият ва таҳдидлари тегишли жадвалга бандма-банд киритилиб, барча мутахассис ва мутасаддиларга тарқатъилади. Бунда ҳар бирининг ўрни белгиланади ва улар ушбу таҳлил орқали нимага, қачон ва қаеда аҳамият бериш кераклигини билади ва тегишли вазифасини бажариш орқали корхона фаолиятининг яхшиланишига ўз хизматларини қўшиб боради.

SWOT таҳлилнинг яна бир муҳим хусусиятларидан бири, унинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳаларида кенг кўламда қўлланилиши билан ҳам характерланади. Жумладан, у ишлаб чиқариш соҳасида қандай фойдаланса, хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам худди шундай фойдаланш мумкин. Ҳатто оилавий ҳаётнинг ҳам ҳамма соҳасида, бизнеснинг барча турларида, стратегик режалаштиришнинг ҳамма йўналишларида ҳам ундан самарали фойдаланиш мумкинлигига амин бўлдик. Шу туфайли ҳар бир мутахассис ушбу таҳлилдан фойдаланиш йўлларини пухта ўзлаштириб олиши лозим.

25.2. Иқтисодий-ижтимоий жараёнларга баҳоберишда SWOT таҳлилдан фойдаланиш

Жамиятда турли иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар тизимли равишда ва диалектик тарзда содир бўлиб бораверади. Ушбу жараёнларга баҳо беришда SWOT таҳлил усуллари ва имкониятларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Содир бўлиб турадиган, бугунги кун талабидан келиб чиқадиган турли иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар тизимида юқори технологик хизматлар муҳим аҳамиятга эга. Чунки иқтисодиётни модернизациялаш жараёни пировардида юқори технологик хизматларни амалиётга жорий қилишга олиб келади. Шу туфайли, юқори технологик хизматларни ривожлантиришнинг ҳам SWOT таҳлилини ишлаб чиқишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Бунга яна бир сабаб, юқори технологик хизматларнинг айрим элементлари меҳмонхона хўжалигида ҳам қўлланилади.

Буларни инобатга олиб, биз Самарқанд вилоятида юқори технология асосида хизмат кўрсатиш билан шуғулланаётган корхоналарнинг фаолиятини ўрганиш, уларнинг шаҳар ва қишлоқ жойлардаги ҳолатини тадқиқ қилиш ва бундай субъектларга раҳбарлик қилаётган мутахассислар орасида бир неча бор социологик сўровлар ўтказиш асосида юқори технологик хизматларни (ЮТХ) ривожлантиришнинг SWOT таҳлилини ишлаб чиқишга муяссар бўлдик. Бунинг мазмунини очиб бериш учун унинг таърифига диққатни қаратиш лозим, деган хулосага келдик.

Тадқиқотлар натижасида ЮТХга қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. **“Юқори технологик хизмат дейилганда, инсоннинг, хужалик юритувчи субъектлар, давлат ва жамиятнинг маълум бир эхтиёжларини кондиришга йўналтирилган кишиларнинг анъанавий хизматлардан ортиқ даражали усуллар, воситалар, операциялармажмуини ўз ичига олган инсонлар иштироки минималлаштирилган хизмат жараёнлари билан боғлиқ наф келтирадиган, тезликда амалга оширадиган онгли фаолият тушунилади”.** Ушбу таърифнинг афзаллиги шундаки, унда келтирилган тўртта сўз бирикмасидан (юқори, технология, хизмат, минималлаштирилган инсон иштироки) иборат бўлган гапнинг мазмуни тўлиқ қамраб олинган. Бундан ташқари юқори технологиялар асосан техника ёрдамида амалга оширилади. Шу туфайли унда инсонларнинг иштироки бир мунча кам бўлади. Шу туфайли ушбу таъриф ўрганилаётган атаманинг мазмунини тўлиқ қамраб олади, деган умиддамиз. Бунинг назарий жиҳатларини О.Пардаевнинг олдинги нашрларида ҳам асосланган[127].

Мазкур ишда SWOT таҳлилнинг мазмунини очиб бериш учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз (25.1-жадвал).

[127]Пардаев О. Юқори технологик хизматларнинг моҳияти ва таърифи.// Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил, аудит ва иқтисодиётнинг долгарб муаммолари. РИАК материаллари.2011 йил 15-16 июнь. (2-қисм). Самарқанд, 2011. – 68-72.

25.1-жадвал

Юқори технологик хизматларни (ЮТХ) ривожлантиришнинг SWOT таҳлили[128]

Кучли томонлари	Заиф томонлари
• ЮТХни ривожлантиришнинг объектив зарурат эканлиги; • ЮТХни амалга ошириш учун техника ва технологияларни харид қилиш (хориждан бўлсада) имкониятининг мавжудлиги; • ЮТХни амалга оширадиган миллий кадрларнинг шаклланаётганлиги; • ЮТХга потенциал истеъмолчиларнинг йилдан-йилга ошиб бораётганлиги; • ЮТХни кўрсатишга қаратилган тадбиркорларнинг шаклланганлиги ва мазкур тадбиркорликнинг ривожланаётганлиги; • мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда асосий эътиборни юқори технологик хизматларни ривожлантиришга ҳам қаратилаётганлиги; • ЮТХни ривожлантириш масаласининг давлат дастурига киритилганлиги кабилар.	• ЮТХни амалга оширадиган кадрларнинг тўлиқ етишмаслиги; • ЮТХни амалга оширадиган кичик мутахассисларни тайёрлашнинг оммавий тарзда йўлга қўйилмаганлиги; • ЮТХни амалга оширадиган техника ва технологияларнинг ўзимизда кам миқдорда ишлаб чиқилаётганлиги туфайли уларнинг асосий қисмини хориждан қиммат нархга келтиришга мажбур бўлаётганлигимиз; • ЮТХдан фойдаланишга одамлар ўртасида оммавий тарзда кўникма ҳосил бўлмаганлиги; • ЮТХга ҳамма жойда (қишлоқларда, туман марказлари ва шаҳарларда) бир хил талабнинг шаклланмаганлиги; • лицензия олиб фаолият кўрсатишга мўлжалланган тадбиркорликда ҳали анча бюрократик тўсиқларнинг мавжудлиги.

[128]Вилоятда фаолият кўрсатаётган хизмат кўрсатиш корхоналарининг ҳолатини тадқиқ қилиш ва бир неча бор улар фаолиятини кузатиш ҳамда корхоналар раҳбарлари орасида социологик сўровлар ўтказиш асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

25.1-жадвалнинг давоми

Имкониятлар	**Таҳдидлар**
• аҳоли турмуш даражасининг ошиб бориши, ушбу хизматга бўлган эҳтиёжни ўстириш мумкинлиги; • ЮТХ бўйича кадрлар тайёрлаш зарур бўлган тақдирда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида касб-ҳунар коллежларининг барпо этилганлиги; • тадбиркорликни рўйхатга олишнинг ихчамлаштирилганлиги ва унинг “битта дарча” тамойили асосида шаклланаётганлиги; • ЮТХни кўрсатишда хусусий секторнинг ривожланиши учун катта имкониятларнинг мавжудлиги; • жорий йилдан бошлаб оилавий бизнеснинг ривожланиши учун тегишли меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва ушбу соҳаниг ривожланиши учун кенг йўлнинг очиб берилиши;	• қишлоқ жойларда ЮТХни кўрсатиш учун уни ҳаракатга келтирувчи электр энергиясининг барқарор эмаслиги; • қишлоқ жойларда ЮТХга бўлган эҳтиёжнинг ўсишига мос ҳолда уни ривожлантиришга шароитнинг етарли эмаслиги; • юқори технологик хизматларнинг узлуксизлигини таъминлаш учун газ босимининг ҳамма жойда етарли эмаслиги билан боғлиқ шароитнинг йўқлиги; • ҳамон тадбиркорликни ривожлантиришда, унинг таркибий қисми бўлган ЮТХни ҳам тараққий эттиришда бюрократик тўсиқларнинг барҳам топмаганлиги; • хорижий мамлакатлардан ЮТХни кўрсатувчи технологияларни олиб келишда конвертация масаласининг ҳамон мураккаблигича қолаётганлиги; • жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози иккинчи оқимининг юзага келиши кабилар.

25.3. Кўрилаётган масаланинг кучли томонлари

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ЮТХни кўрсатишнинг бир қанча **кучли томонлари** ҳам мавжуд экан. Бундай кучли томонларнинг мавжудлиги, уни ривожлантиришнинг истиқболи борлигидан, келажакда ушбу жараённинг барқарор тараққиётни таъминлаш мумкинлигидан далолат беради. Булар жумласига, ЮТХни ривожлантиришнинг объектив зарурат эканлигини киритиш мумкин. Бу объективлик соҳани ривожлантириш имкониятларини қидиришга, шунга мос тадбиркорликни ривожлантиришга ундайди.

Бундай тадбирлардан бири, ҳозирги пайтда иқтисодиётни модернизациялаш жараёни билан бевосита боғлиқдир. Яна бир жиҳат, ЮТХни амалга ошириш учун техника ва технологияларни харид қилиш (хориждан бўлсада) имкониятининг мавжудлигидир. Объектив зарурият уни ривожлантиришга даъват этиши тайин. Аммо бундай техника ёки технология бўлмаса, ҳар қандай истак орзулигича қолиб кетаверади. Бироқ, турли мамлакатлар иқтисодиётида интеграциялашув жараёнига ўтаётган ҳозирги шароитда исталган техника ва технологияни хорижий мамлакатлардан бўлсада харид қилиш имконияти мавжуд. Бу эса, ўз навбатида, ЮТХни кўрсатишга мўлжалланган техника ва технологиялар таъминотини йўлга қўйиш имкониятини беради.

Ҳозирги шароитда ЮТХни амалга оширадиган кадрларнинг кам бўлсада мавжудлиги ҳам соҳани ривожлантириш учун катта умид бағишлайди. Чунки буларда турли ўқув курсларини ташкил қилиб, устоз-шогирд тамойилига асосланган ҳолда фаолият кўрсатиб, хоҳловчиларни ўргатиш имкониятлари мавжуд. Шуни таъкидлаш жоизки, истиқболли фаолиятни ўрганишга ҳамиша иштиёқ мавжуд ва у сўнмайди. Чунки бунинг замирида иш билан бандлик муаммолари, иқтисодиётни ривожлантириш орқали мамлакатимиз аҳолисининг фаровонлигини ва унинг рақобатбардошлигини ошириш масалалари ётибди.

Мазкур соҳанинг кучли томонлари қаторига ЮТХ потенциал истеъмолчиларнинг йилдан-йилга ошиб бораётганлигини ҳам мисол келтириш мумкин. Чунки аҳолининг интеллектуал савияси ўсиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида ҳаёт сифатини яхшилаш заруратини туғдирмоқда. Бу зарурият, таббийки, ЮТХдан

фойдаланишни тақозо қилади. Ушбу жараён ўз-ўзидан ЮТХга потенциал истеъмолчиларнинг йилдан-йилга ошиб боришини тақозо қилади.

ЮТХни кўрсатишга қаратилган тадбиркорларнинг шаклланганлиги ва мазкур тадбиркорликнинг ривожланаётганлигини ҳам ушбу соҳанинг кучли томонларига киритиш лозим. Чунки тадбиркорлар ҳозирги шароитда кўр-кўрона фаолият кўрсатмайдилар. Бозор нимани талаб қилса, асосий эътиборни шунга қаратмоқдалар. Табиийки, бугунги кунда ва келгуси истиқболда ҳам мамлакатимизда ЮТХга бўлган эҳтиёж ошиб бораверади. Бу эса, ўз навбатида шунга мос тадбиркорликнинг ривожланишига олиб келади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда асосий эътиборни юқори технологик хизматларни ривожлантиришга қаратилаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунки И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Бугунги кунда биз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда фақат савдо-сотиқ, майда ҳунармандчилик билан чекланиб қолмасдан, биринчи навбатда, замонавий технология ва асбоб ускуналар асосида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган, ички ва ташқи бозордаги ўзгаришларга тез мослашадиган хусусий тадбирокрлик соҳасини тараққий эттиришга алоҳида аҳамият берилмоқда”[129]. Замонавий технология ва асбоб ускуналар асосида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган соҳанинг ривожланиши табиий равишда ЮТХнинг ҳам ривожланишини тақозо қилади.

ЮТХни ривожлантириш масаласининг давлат дастурига киритилганлигини ҳам алоҳида ушбу соҳанинг кучли томонларига киритиш мумкин. Чунки, мамлакатимиз Биринчи Президенти И.А.Каримов 2012 йил 19 январдаги маърузасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига “Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш бўйича 2012-2016 йилларга мўлжалланган дастур лойиҳасини тасдиқлаш учун киритиши, бунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида бу соҳанинг

[129]Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнини изчил давом эттириш йўлидир.// Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.- “Халқ сўзи” газетаси, 2011 йил 8 декабрь. – Б. 2.

улуши 54-56 фоизга етказилишини назарда тутиш даркор”[130], деган топшириқни берган эди. Бу бевосита биз ўрганаётган соҳага ҳам даҳлдордир.

Юқоридаги назарий хулосаларга таянган ҳолда **меҳмонхона хўжаликлари**ни ривожлантиришнинг кучли томонларига эътиборни қаратамиз. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- меҳмонхона хўжаликларининг хусусий мулкка асосланганлиги:
- туризмнинг ривожланиш стратегиясининг мавжудлиги;
- соҳа учун махсус кадрларнинг тайёрланаётганлиги;
- соҳада малакали ва тажрибали кадрларнинг шаклланганлиги;
- соҳада рақобат муҳитининг яратилганлиги ва соф рақобатнинг шаклланганлиги;
- меҳмонхоналар тармоғининг замон талабларига жавоб берадиган даражада ташкил қилинганлиги;
- меҳмонхоналарнинг рекламани йўлга қўйганлиги;
- меҳмонхоналарда юқори даражадаги хизмат сифатини кўрсатиб келинаётганлиги;
- меҳмонхона нархининг унчалик баланд эмаслиги ва ҳ.к.

Ушбу кучли томонларини сақлаб туриш ва янада кучайтириш учун курашмоқ керак. Шундагина мазкур хўжалик юритувчи субъектлар ўзларининг рақобатбардошлигини таъминлай олади. Бундай ҳолат ҳар бир меҳмонхона хўжалигини ўз соҳасида етакчи корхонага айланишини таъминлайди.

25.4. Кўрилаётган масаланинг имкониятлари

ЮТХни кўрсатишни ривожлантиришнинг бир қанча **имкониятлари** ҳам мавжуд. Улардан бири ва энг асосийси, аҳоли турмуш даражасининг ошиб бораётганлигидир. Чунки, мазкур жараён ушбу хизматга бўлган талабни оширади. Аҳолининг турмуш даражаси қанчалик ошиб борса, хизматларга бўлган

[130]Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади // Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.- “Халқ сўзи” газетаси, 2012 йил 20 январь. – Б. 3.

эҳтиёж шунчалик ошиб боради. Улар таркибида ЮТХга бўлган эҳтиёжнинг ўсиш даражаси умумий хизматга нисбатан жадалроқ бўлиши мумкин. Чунки, эндиги хизмат турлари асосан ЮТХдан иборат бўлмоқда.

ЮТХни кўрсатишни ривожлантиришнинг имкониятларидан бири, ЮТХ бўйича кадрлар тайёрлаш зарур бўлган тақдирда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида касб-ҳунар коллежлари (КҲК)нинг барпо этилганлиги билан баҳолаш мумкин. КҲКлари асосан касбга ўқитади. Жойлардаги КҲКга юқори технологик хизматларни амалга оширадиган кадрларни тайёрлашга босқичма-босқич заруратдан келиб чиққан ҳолда, ўтиш лозимлигини тақозо қилмоқда. Бунинг учун энг аввало, шундай педагогларни тайёрлашни йўлга қўйиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Эҳтимол, бунда хорижий давлатлар тажриба-сини ўрганиш, зарур бўлса, ўша давлатларда малакасини ошириш лозимдир. Шу туфайли ушбу ҳолатни давлатнинг назоратида бўлгани маъқул.

Мамлакатимизда жуда катта ташкилий ишларни амалга ошириш натижасида тадбиркорликни рўйхатга олишнинг “битта дарча” тамойили асосида рухсат бериш ва рўйхатга олиш жараёнларининг ихчамлаштирилганлиги ва унинг кенг миқиёсда жадаллик билан шаклланаётганлигини ушбу жараённинг ривожланишида катта имконият, деб баҳолаш мумкин. Ҳозирги шароитда хусусий тадбиркорлик билан шуғулланадиган одамлар бир жойга бир марта боради, бир зумда ҳеч қанақа бюрократик тўсиқларсиз масаласи ҳал бўлади. Аммо ишлаб чиқариш ва лицензия олиш билан боғлиқ тадбиркорликни очиш ва уни йўлга қўйишда ҳамон такомиллашиши лозим бўлган жиҳатлар талайгина.

ЮТХни кўрсатишда хусусий секторнинг ривожланиши учун катта имкониятларнинг мавжудлигини ижобий баҳолаш мумкин. Бу имконият муттасил ривожланиб келмоқда ва келажакда ҳам шундай бўлиб қолади. Чунки ушбу соҳага эътибор ва унга қўйиладиган инвестициялар ҳам ривожланиб бормоқда. Жумладан, 2000 йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 200 млрд. сўм кредит ажратилган бўлса, 2011 йилда бу рақам 4 триллион сўмдан ошиб кетди. Қишлоқ мулкдорлари 2000 йилда 150 млрд. сўм миқдорида кредит олган бўлса, 2011 йилда уларга берилган кредитнинг

миқдори 1 трлн. сўмдан ошиб кетди[131]. Кўриниб турибдики, хусусий секторга катта миқдорда кредитлар берилмоқда. Аммо уни нимага йўналтириш муҳим аҳамиятга эга. Агар давр талабидан келиб чиқадиган бўлсак, уларнинг асосий қисмини ЮТХни ривожлантиришга йўналтириш мақсадга мувофиқдир.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, 1991 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулотида хусусий секторнинг улуши атиги 1 %ни ташкил қилган бўлса, 2011 йилга келиб бу кўрсаткич 54 %ни ташкил қилди[132]. Бу бормоқ билан санарли давлатлар тарихида эришилган натижадир. Ҳозирги кунда ушбу кўрсаткичнинг миқдори 55,0 %ни ташкил қилади.

ЮТХни ривожлантиришнинг имкониятлари қаторига жорий йилдан бошлаб оилавий бизнеснинг ривожланиши учун тегишли меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва ушбу соҳаниг ривожланиши учун кенг йўлнинг очиб берилишини ҳам киритиш мумкин. Чунки мамлакатимизда оила институтини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асоси яратилди. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, "...мамлакатимизда оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича янгидан қабул қилинадиган қонун, қоида ва нормаларда бугунги ва эртанги кунимизнинг талаблари акс этиши, ...бу маслага жамиятимизнинг эътиборини янада кучайтириш кўзда тутилаётганини таъкидлаш керак"[133]. Ҳозирги пайтда оилалар даромадларининг ярмидан кўпи тадбиркорлик эвазига олинмоқда. Бунда туризм ва меҳмонхона хўжаликларининг ҳам ҳиссаси бор.

Юқоридагиларнинг ҳаммаси **меҳмонхона хўжаликларида** ҳам ривожланишнинг заиф томонлари борлидан далолат беради ва уни ҳам таҳлил жараёнида инобатга олиш лозим бўлади. Мазкур соҳанинг заиф томонларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- хизматнинг таннархи анча баландлигига қарамасдан, унинг нархини ошириш имкониятининг чекланганлиги;
- ҳамиша ҳам молиявий ресурсларнинг етарли эмаслиги;

---

[131]Абдурахманов М. Ижтимоий масъулият қандай меъзон билан ўлчанади. // XX1 ASR. 2012 йил 9 февраль. – Б. 3.

[132]Ўша жойда. – Б. 3.

[133]Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнини изчил давом эттириш йўлидир.// Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.- "Халқ сўзи" газетаси, 2011 йил 8 декабрь. – Б. 2.

• хизмат кўрсатиш соҳасида ҳамма ҳолатда ҳам юқори даражанинг таъминланмаганлиги;

• меҳмонхона хизматларини сотадиганлар истеъмолчиларнинг бошқа жойлардан келишини кутиши;

• туризм соҳасидаги узулишлар бўйича тасоддифларнинг мавжудлиги;

• туризмнинг мавсумийлиги;

• меҳмонхона хўжаликларининг барчасида ҳам ривожланиш стратегиясининг етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги;

• меҳмонхона ходимларининг вазиятни тезкор тарзда таҳлил қилиш кўникмаси ва малакага эга эмаслиги;

• меҳмонхона хўжаликларининг халқаро миқёсда нуфузга эга эмаслиги;

• меҳмонхона хизматини кўрсатувчи ходимларнинг хорижий тилларни етарли даражада билмаслиги;

• меҳмонхона хўжаликларида айрим хизматларнинг мавжуд эмаслиги, борларининг ҳам сифати талаб даражада эмаслиги;

• ходимларнинг малакаси ҳамон етарли даражада эмаслиги кабилар.

Меҳмонхона хўжалигининг булардан бошқа ҳам заиф томонлари бўлиши мумкин. Келажакда ўзининг рақобатбардошлиги ва яшавчанлигини таъминлашни мақсад қилган корхоналар ушбу заиф томонларни кучли томонга айлантиришга ҳаракат қилиб боришлари лозим. Шундагина ҳар бир меҳмонхона хўжалиги хизмат бозорида ўзининг ўрнини топиб бориши мумкин бўлади.

25.5. Кўрилаётган масаланинг заиф томонлари

Тадқиқотларимиз кўрсатдики, ЮТХни ривожлантиришда ҳали унинг **заиф томонлари** ҳам анчагина. Бундай масалалардан бири сифатида, уни амалга оширадиган кадрларнинг мамлакатимизда тўлиқ етишмаслигида, деб баҳолаш мумкин. Чунки юқори технологик хизматларни амалга оширадиган асбоб-ускуналар ва жиҳозларнинг кўпчилигини хориждан олиб келишимизга тўғри келмоқда. Бироқ, уни ишлатиш ва тегишли тарзда таъмирлаш масаласи учун малакали кадрлар шаклланган бўлиши керак. Аммо бундай кадрларни олдиндан касб-ҳунар

коллежларида тайёрлашни йўлга қўйишга улгурмаган бўламиз. Чунки дунёда фан ва техника шу даражада тез ривожланмоқдаки, уларнинг барча янгиликларини кузатиб, унга тайёр бўлиб бориш масаласи анча мураккаб бўлмоқда. Шу туфайли ҳозирги шароитда дунёдаги барча янгиланиш ва ўзгаришларни, янгилик ва ихтироларни кузатиб боришга ва шунга мос кадрларни шакллантириб боришга изчиллик билан киришиш лозимлигини тақозо қилади.

Шу ҳолат билан боғлиқ яна бир жиҳат, ЮТХни амалга оширадиган кичик мутахассисларни тегишли ўқув муассасаларида тайёрлашнинг оммавий тарзда йўлга қўйилмаганлигидир. Ҳозирги шароитда барча соҳаларда катта-кичик кадрларни тайёрлашнинг йўлга қўйилганлиги, уларнинг такомиллашиб бораётганлиги қувонарли ҳол. Аммо юқори технологик хизматларни кўрсатишга мўлжалланган кадрлар, тан олиб айтиш керак, ҳали етарли эмас. Одамларимизнинг кўпи шундай хизматларни амалга оширмоқда, лекин ҳаммаси ўзи ўрганиш эвазига касбни эгалламоқда. Ҳақиқий ўқиб, маълум даражада ҳужжатга эга бўлиб, фаолият кўрсатган мутахассис ўзининг профессионал ишида кам янглишади.

ЮТХни ривожлантиришнинг заиф томонларидан бири, уларни амалга оширадиган техника ва технологияларнинг ўзимизда кам миқдорда ишлаб чиқилаётганлиги туфайли уларнинг асосий қисмини, юқорида таъкидлаганимиздек, хориждан келтиришга мажбур бўлаётганлигимиздир. Жуда кўп тадбиркорларимиз ҳар қандай техника ва технологияларни хориждан олиб келишга тайёр. Аммо улар билан ўтказилган сўровларимиздан аён бўлдики, ҳамон конвертация масаласида, хорижий шерикларга пул ўтказишни амалга оширишда бир қанча қийинчиликлар мавжудлигини қайд этдилар. Бу ҳолат ҳам умуман тадбир-корликни, унинг таркибий қисми бўлган ЮТХни кўрсатиш билан боғлиқ ишларни жадал ривожлантиришга бир мунча салбий таъсирини кўрсатади.

Ҳозирги шароитда хизматлар бозори мамлакатимизда жадал ривожланмоқда. Унинг таркибий қисми бўлган ЮТХ билан боғлиқ бозор ҳам тараққиёт босқичига кирди. Аммо улардан фойдаланишга одамлар ўртасида оммавий тарзда кўникма ҳосил бўлмаганлиги ҳам масаланинг заиф томонларидан биридир. Жуда кўп ҳудудларда ушбу хизматлар турини амалга ошириш ва

ривожлантириш борасида ҳам, юқорида таъкидланганидек, электр энергияси ва газ таъминоти билан боғлиқ муаммолар мавжуд. Шу туфайли мамлакатимизнинг барча ҳудудларида коммунал сиёсатни ўнглаш борасида анча ишларни амалга ошириш лозим экан.

ЮТХни ривожлантиришдаги заиф томонлардан бири, унга ҳамма жойда (қишлоқларда, туман марказлари ва шаҳарларда) бир хил талабнинг шаклланмаганлигидир. Ҳозирги пайтда хизматларнинг асосий истеъмолчилари аҳоли ўртасида ҳам, ишлаб чиқарувчи субъектларда ҳам шаҳар билан қишлоқни таққослаганда, шаҳар бўлиб қолмоқда. Аммо аҳолининг яшаш сифатини таъминлаш учун ушбу хизматларни имкон қадар қишлоқда ҳам, шаҳарда ҳам бир хилда ривожлантиришга эришиш лозимдир. Бунинг учун жуда катта ташкилий тадбирларни амалга оширишни, унинг ривожланишини таъминлаш борасида бир қанча кучларни бирлаштиришни, ЮТХни ривожлантириш кластерини ташкил қилишни йўлга қўйиш лозим.

Лицензия олиб фаолият кўрсатишга мўлжалланган тадбиркорликда ҳали анча бюрократик тўсиқларнинг мавжудлигини ҳам масаланинг заиф томонларидан бирига киритиш мумкин. Чунки, бундай фаолият билан шуғулланишни мақсад қилиб қўйган тадбиркорнинг жуда кўпчилиги вилоят ва республика ташкилотлари эшикларини қоқишига тўғри келмоқда. Ачинарлиси, вилоятдан бир ташкилот текширувидан ўтилса, унинг республикадаги ташкилотидан ҳам ўтилишига тўғри келади. Ҳаммасининг ўзига яраша бож тўловлари бор. Бундан ташқари, вилоят ташкилоти синчиковлик билан текшириб, барча жавобгарликни бўйнига олиб, рухсат беради. Аммо унинг республика ташкилоти айнан яна шундай ҳолатни такрорлайди. Бундай ҳолатлар ишнинг ривожланишига анча тўсиқлиқ қилади. Шу туфайли лицензия бериладиган фаолият турлари ва уларнинг ихчамлигини таъминлаш борасида ҳам тегишли ташкилоий ишларни амалга ошириш лозимдир.

Мазкур кўргазмаларга асосланган ҳолда меҳмонхона хўжаликларини ривожлантириш стратегиясидаги мавжуд имкониятларни ҳам қараб чиқишни мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Ҳозирги пайтда бундай имкониятларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

• меҳмонларни кутиб олиш бўйича қўшимча имкониятларнинг ҳамиша мавжудлиги;

• рақобатчиларнинг рақобат майдонида айнан мазкур меҳмонхонага қарши ишламаётганлиги, яъни мамлакатимизда ғирров ва нопок рақобатнинг йўқлиги;

• меҳмонхона хўжаликлари хизматларига эҳтиёжнинг ошиб бораётганлиги;

• аҳолининг туризмга қизиқишлари ортиб бораётганлиги;

• меҳмонхона хўжаликлари хизматларини кўпайтириш бўйича чекловларнинг йўқлиги;

• меҳмонхона хўжаликлари хизматларини кўпайтиришнинг имкониятлари ошиб бораётганлиги;

• мамлакатимизда рақобат ва тадбиркорлик муҳитининг яратилганлиги;

• меҳмонхона хўжаликлари хизматларини ривожлантиришга бериладиган имтиёзларнинг маълум вақт мобайнида сақланиб туришлиги;

• меҳмонхона хўжаликлари хизматларини ривожлантириш бўйича халқаро тажрибаларнинг мавжудлиги ва уларни ўрганиш имкониятининг борлиги кабилар.

Ушбу имкониятлар меҳмонхона хўжаликлари хизматларини ривожлантириш учун катта манба бўлиб ҳисобланади. Шу туфайли мазкур соҳани ривожлантиришнинг стратегик режасини ишлаб чиқишда улардан фойдаланиш йўллари аниқ белгиланшлари лозим.

25.6. Кўрилаётган масала бўйича таҳдидлар

Мамлакатимизда юқори технологик хизматларни жадаллик билан ривожлантиришда **таҳдидлар** ҳам йўқ эмас. Улардан бири, қишлоқ жойларда ЮТХни кўрсатиш учун уни харакатга келтирувчи электр энергиясининг барқарор эмаслигидир. Тадқиқотларимиз кўрсатдики, қишлоқ жойлардаги тадбиркорлар ҳам ўз фаолиятини шаҳарларда амалга оширишга интилишмоқда, чунки, уни ривожлантириш учун қишлоқларда тегишли шароит етарлик эмас экан. Бу ерда бир қанча тадбиркорлар билан бўлган суҳбатнинг қисқача мазмунини келтиришни мақсадга мувофиқ,

деб топдик. Улар қишлоқда яшайди. Аммо шаҳарда ишлаб чиқариш корхонасини қурган. Бироқ, асосий хом ашёни қишлоқдан олиб келади, у ерда ишлайдиган ходимларнинг ҳам асосий қисми қишлоқдан келиб ишламоқда. Бунинг сабабини суриштирдик. У кишининг айтишича, ушбу корхонасини шаҳардан қурганлигининг асосий сабабларидан бири, электр энергиясидаги таъминотнинг қишлоқда барқарор эмаслиги, деб баҳолади. Чунки мавсум пайтида узлуксиз технология билан ишлайдиган корхонага узлуксиз электр энергиясининг таъминот даркор. Шу туфайли ушбу масалага ҳам алоҳида жиддий аҳамият беришни талаб қилади. Энди мамлакатимизда қайта тикланадиган энергия манбаларини (қуёш батареяси, шамол энергияси, кичик гидроэнергия манбалари кабилар) кўпайтиришга катта аҳамият бериш лозим.

Яна бир таҳдидлар қаторига киритиладиган масалалар сирасига қишлоқ жойларда ЮТХга бўлган эҳтиёжнинг ўсишига ва уни ривожлантиришга шароитнинг етарли эмаслиги билан боғлиқ жараёнларни ҳам киритиш мумкин. Бунга юқоридаги бандда келтирилган далиллар етарли, деб ўйлаймиз. Аста-секинлик билан қишлоқларимизда ҳам ЮТХларга талаб ошиб бораверади. Аммо уларга тегишли шароит яратилиб берилмаса, муҳтарам Президентимизнинг аҳолини яшаш сифатини яхшилашга қаратилган сиёсатини амалга оширишда жойларда сусткашликка йўл қўйилган бўлади. Бу албатта кечириб бўлмайдиган ҳолат. Зеро давлатимиз шунчалик шароит ва имкониятлар яратиб қўйгандан кейин, ҳар бир киши аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилаш борасидаги ўзининг тегишли вазифасини аъло даражада бажариши лозим.

Мамлакатимизнинг жуда кўп ҳудудларида юқори технологик хизматларни ташкил қилиш ва ривожлантириш учун газ босимининг узлуксизлигини таъминлаш лозим бўлади. Аммо ҳамма жойда ҳам бу муаммони тўлиқ ҳал бўлган, деб бўлмайди. Кўпгина хусусий тадбиркорлар газ босимининг етарли эмаслиги туфайли қишлоқ жойларда шу билан боғлиқ корхоналарни қуришдан бироз бош тортмоқда. Хуллас, коммунал сиёсат билан боғлиқ шароитнинг етарли эмаслиги тадбиркорликни, хусусан, ЮТХни ривожлантиршга ҳам маълум даражада тўсиқ бўлмоқда.

Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, ҳамон тадбиркорликни ривожлантиришда, унинг таркибий қисми бўлган ЮТХни ҳам

тараққий эттиришда бюрократик тўсиқларнинг барҳам топмаганлиги ушбу соҳага оид таҳдидларга киритиш мумкин. Юқорида таъкидланганидек, тадбиркорларнинг лицензия олиш билан боғлиқ турли мураккабликлари ва қоғозбозликлар ҳамон сақланиб қолмоқда. Келажакда улар билан боғлиқ муаммоларни ечиш учун лицензия олиш масаласини ҳам ихчамлаштириш лозим, деб ўйлаймиз.

ЮТХни ривожлантиришдаги таҳдидлардан яна бири сифатида, хорижий мамлакатлардан ЮТХни кўрсатувчи технологияларни олиб келишда конвертация масаласининг ҳамон мураккаблигича қолаётганлигида кўриш мумкин. Самарқанд вилоятида жойлашган тадбиркорлар билан ўтказилган тадқиқотлар натижасида, уларнинг анча маблағлари хорижий техникаларни сотиб олиш учун тижорат банкларида турганлиги ва уларнинг шу мақсад учун кредит чизмаийлаштириб қўйганлиги, аммо улар конвертация масаласини бир мунча вақт давомида кутаётганлиги, банкларда туриб қолган маблағлар корхоналар оборотига иштирок этмаётганлиги, аммо кредитлар учун тадбиркорларнинг фоизни тўлаётганлиги каби ҳоллар аниқланди. Булардан ҳам кўриниб турибдики, ҳали бу борада ҳам ўз ечимини кутаётган муаммолар талайгина.

Ҳозирги шароитда жоҳон молиявий-иқтисодий инқирози иккинчи оқимининг давом этаётганлигини ҳам барча соҳалар сингари ЮТХни ривожлантиришдаги таҳдидлар қаторига киритиш мумкин. Мамлакатимиз Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Бугунги замоннинг талаблари, тараққиёт суръатларини янада тезлаштириш вазифалари, ҳали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини енгиш зарурати интеграциялашув жараёнларини янада кенгайтириш каби ўткир масалаларни кун тартибига қўяётганини биз яхши англаймиз. Яъни, давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий ва интеграцион алоқалар, товар алмашиш йўлидаги чегара ва божхона тўловларини олиб ташлаш ҳозирги кунда нақадар долзарб аҳамиятга эга эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас”[134]. Аммо бу масалада “доим сезгир бўлишимиз даркор” лигини алоҳида қайд этганлиги, ҳар бир тадбирни чуқур таҳлиллар

[134]Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнини изчил давом эттириш йўлидир.// Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.- “Халқ сўзи” газетаси, 2011 йил 8 декабрь. – Б. 2.

асосида, пухта ўйланган ҳолда амалга оширишимиз лозимлигидан далолат бериб турибди.

Юқори технологик хизматларни ривожлантиришнинг SWOT таҳлили кўзланган маррага беками-кўст етишда, ушбу соҳани ривожлантиришда, унинг ижобий томонларини оммалаштиришда, имкониятлардан тўғри фойдаланишда, заиф томонларини кучайтиришда, таҳдидларни бартараф қилишда, энг муҳими, ўрганилаётган жараёнларни такомиллаштириш, ривожлантииш ва самарадорлигини ошириш борасида таъсирчан бошқарув қарорларини қабул қилишда муҳим аҳамиятга эга. Шу туфайли ҳозирги шароитда ҳар бир тадқиқот натижаси бўйича SWOT таҳлилни амалга ошириш ва унинг натижаси асосида тегишли тадбирларни қўллаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Юқорида кўрилган масалалар барча соҳа учун методологик асос бўлиб хизмат қилади. Шу жиҳатдан қарайдиган бўлсак, **меҳмонхона хўжаликлари** хизматларини такомиллаштириш ва ривожлантириш борасида ҳам айрим таҳдидлар йўқ эмас. Бундай таҳдидларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- меҳмонларнинг хизмат сифатига бўлган талабини қондира олмаслик;
- меҳмонхоналарда туристлар учун ҳамма хизматлар етарли эмаслиги, масалан, валюта алмаштириш шохобчасининг йўқлиги;
- меҳмонхона хўжаликлари хизматлари бозорида жадаллик билан янги рақобатчиларнинг кўпайиб бораётганлиги;
- рақобатнинг кескинлашуви;
- солиқларнинг мунтазам тўлаш лозимлиги, аммо меҳмонларнинг мавсумийлиги;
- коммунал хизматлар нархининг ошиб бораётганлиги;
- меҳмонхона хўжаликлари хизматларини чеклаш бўйича айрим меъёрий ҳужжат ва тартибларнинг тўсатдан жорий қилиниши;
- хорижий реклама нархларининг кимматлилиги;
- туристларнинг мамлакатга келишининг тўхтаб қолиш хавфининг мавжудлиги кабилар.

Меҳмонхона хўжаликлари хизматларини ривожлантиришда вудудга келадиган таҳдидларга жуда ҳушёрлик билан қараш лозим бўлади. Чунки уларнинг аксарияти меҳмонхона фаолиятига

боғлиқ бўлмасдан ташқи омилларга боғлиқ бўлади. Меҳмонхона хўжаликларини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда ушбу таҳдидларнинг пайдо бўлишини ва уларнинг олдини олиш йўлларини ҳам кўзда тутиш лозим бўлади.

25.7. SWOT таҳлилни ўтказиш бўғинлари ва стратегик мақсадлари

SWOT таҳлилни иқтисодиётнинг ҳамма соҳаларига тадбиқ қилиш мумкин. Чунки иқтисодий ишларнинг бир қисми сифатида барча жараёнларни ўрганишда фойдаланилади. Шу жиҳатдан SWOT таҳлил иқтисодий ишларнинг универсал турига киради.

SWOT таҳлилни вертикал ва горизонтал тарзда амалга ошириш мумкин. Масалан, компаниянинг фаолиятини таҳлил қилиш лозим бўлса, уни горизонтал тазда қуйидагича амалга ошириш мумкин:

- компаниянинг беш йиллик фаолияти натижаларини шу даврда ўзгариш тенденцияси бўйича;
- ушбу даврнинг ҳар бир йиллик фаолияти натижалари бўйича;
- йилнинг ҳар бир чораги бўйича;
- чоракнинг ҳар бир ойи бўйича;
- ҳар бир декада бўйича ва кунлик фаолиятни ҳам таҳлил қилиш мумкин.

SWOT таҳлилни горизантал тарзда ҳам амалга ошириш мумкин. Бунда ушбу таҳлил қуйидаги йўналишга эга бўлади:

- бутун компания миқёсида;
- унинг алоҳида бўғин ва бўлинмаларида;
- компаниянинг бизнес ҳамкорлари бўйича

SWOT таҳлилни замон нуқтаи назаридан ҳам амалга ошириш мумкин. Бу тадбирлар ҳам бир қанча йўналишларда бажарилади:

- жорий SWOT таҳлил;
- қисқа муддатли таҳлил;
- узоқ муддатли таҳлил.

Ушбу таҳлилдан компаниянинг, мазкур ҳолатда меҳмонхона хўжаликларининг стратегик режасини тузишда кўпроқ фойдаланилади. Чунки ушбу таҳлил билан ҳозирги ҳолатнинг барча

йўналиши белгилаб олингандан кейин, эртанги кунда нималарга аҳамият бериш лозимлиги ўз-ўзидан аён бўлади.

SWOT таҳлилни жорий даврда ўтказишнинг ўзида, унинг қандай вазиятда эканлигигига тўлиқ баҳо бериш мумкин. Масалан, унинг кучли томонлари намалардан иборат, заиф томонларига нималарни киритиш мумкин. Келажакда қандай имкониятлардан фойдаланиш лозим ва қандай таҳдидлар кутилмоқда, деган масала ойдин бўлганда ҳар қандай стратегик режани тузиш мумкин бўлади.

Ҳозирги пайтда SWOT таҳлилдан фойдаланиш жуда кўп имкониятлар эшигини очиб бериши тайин. Чунки аниқ далиллар, аниқ хулоса чиқариш учун асос бўлса, аниқ хулосалар аниқ бошқарув қарорларини чиқариш имконини беради. Аниқ қарор бор жойда аниқ ижрочилар белгиланади ва ҳар бир жараённи аниқ сўрайдиган мутасаддилари бўлади. Шу жиҳатдан мазкур таҳлил ўта самарали таҳлиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Бунга мисол қилиб қуйидаги тадбирларни амалга ошириш жараёнини кўрсатиш мумкин (25.2-жадвал).

25.2-жадвал

SWOT таҳлил натижалари асосида меҳмонхона хўжалигининг самарадорлигини кўтариш бўйича стратегик мақсадларини амалга ошириш йўллари

Омиллар	**Келажакда амалга ошириладиган тадбирлар**	**Мутасаддилар**
Кучли томонлари	Кучли томонларининг ҳар бир бандини қандай қилиб янада кучлантириш керак ва сақлаб туришга эришиш мумкинлиги мутасаддилар ўртасида уларнинг бажараётган вазифасига қараб тақсимланади	Меҳмонхона хўжалиги раҳбарлари, менежерлар ва бошқа мутахассислар

25.2-жадвалнинг давоми

Заиф томони	1.Заиф томонларини қандай бартараф қилиш керак? 2.Уларни қандай қилиб кучли томонга айлантириш мумкин? 3.Ҳар бир заиф масалани ечиш орқали айнан шу соҳа бўйича мазкур рақобатчилар ўртасида қандай қилиб етакчига айланиш лозим? 4.Заиф томонларини бартараф қилиш мумкин бўлмаган тақдирда уни қандай қилиб шу ҳолатдан кучаймаслик чорасини кўриш?	Меҳмонхона хўжалиги раҳбарлари, менежерлар, мутахассислар ва барча мазкур меҳмонхонага даҳлдор кишилар. Мазкур масаланинг ечимидан бирорта ходим четда қолиб кетмаслиги керак.
Имкониятлари	1.Қандай имкониятларга эгалиги ва улардан қай тарзда фойдаланиш мумкинлиги. 2.Аниқ имкониятлардан кимлар қандай аниқ фойдаланади ва ким уларни ишга солади? 3.Ички имкониятларга ким масъул? 4.Ташқи имкониятларга ким масъул ва улардан қандай фойдаланиш мумкин?	Меҳмонхона хўжалиги раҳбарлари, менежерлар, мутахассислар ва барча мазкур меҳмонхонага даҳлдор кишилар. Бирорта ходим четда қолиб кетмаслиги керак. Ҳар бир мутасаддига вазифалар аниқ тақсимлаб берилади.
Таҳдидлар	1.Ташқи таҳдидлар қандай таҳдидлар? 2.Ички таҳдидлар қандай таҳдидлар? 3.Ушбу таҳдидларни камайтиришда кўриладиган	Меҳмонхона хўжалиги раҳбарлари, менежерлар, мутахассислар ва барча мазкур меҳмонхонага даҳлдор кишилар. Бирорта

25.2-жадвалнинг давоми

	зарарни минимал даражага келтиришга кимлар масъул? 4.Таҳдидларни қандай қилиб имкониятларга алмаштириш мумкинлиги кабилар.	ходим четда қолиб кетмаслиги керак. Ҳар бир мутасаддига вазифалар аниқ тақсимлаб берилади.

Мазкур жадвал маълумотлари меҳмонхона хўжалигининг стратегик режасини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб ҳисобланади. Бунда кучли ва заиф томонларига ҳамда имкониятлари ва таҳдидларга қачон, қандай ва ким томонидан эътибор қилиниши ва бажариши аниқ белгиланади.

Бунда ҳар бир бўлим бўйича омиллирни ички ва ташқи муҳитга боғлиқлигини аниқлашни тақозо қилади (25.3-жадвал).

25.3-жадвал

SWOT таҳлил қирраларини аниқ белгилаш йўллари

Омиллар	**Кимларга ва қандай боғлиқлиги**	**Қайси ҳолатларни қамраб олишлиги[135]**
Кучли томонлари	Ички муҳит	- - ...
	Ташқи муҳит	- - ...
Заиф томони	Ички муҳит	- - ...
	Ташқи муҳит	- - ...

[135] Юқорида келтирилган ҳар бир бандни қайси гуруҳга (ички ёки ташқи) киритилиши аниқ белгиланади. Бу аниқлик кимларни масъул қилишликни, уларнинг қачон амалга ошириш лозимлигини аниқ белгилаш имконини беради ва уларнинг ҳар бирини назорат қилиш учун асос бўлади.

25.3-жадвалнинг давоми

Имкониятлари	Ички муҳит	- - …
	Ташқи муҳит	- - …
Таҳдидлар	Ички муҳит	- - …
	Ташқи муҳит	- - …

Ички муҳит билан боғлиқ омиллар учун мутасаддилар асосан мутахассислар ва менежерлар бўлиб ҳисобланади. Ташқи муҳит учун эса мутасаддиликни асосан раҳбарлар ўзларининг зиммасига олишлари мақсадга мувофиқ.

Ушбу қисқагина изоҳлардан ҳам кўриниб турибдики, меҳ-монхона хўжаликлари ўзининг келгуси стратегик режасини ишлаб чиқишда SWOT таҳлилдан фойдаланиши катта самара бериши мумкин экан. Шу туфайли мазкур масалани соҳанинг ҳар бир мутахассиси ўзлаштириб олиши мақсадга мувофиқдир.

Такрорлаш ва мустақил ўрганиш учун саволлар

1. SWOT таҳлил тушунчасининг мазмуни.
2. SWOT таҳлилнинг таърифини ёддан айтиб бериш ва асослаш.
3. Иқтисодий-ижтимоий жараёнларга баҳо беришда SWOT таҳлилдан фойдаланиш.
4. Кўрилаётган масаланинг кучли томонлари нималардан иборат?
5. Кўрилаётган масаланинг заиф томонлари нималардан иборат?
6. Кўрилаётган масаланинг имкониятлари нималардан иборат?
7. Кўрилаётган масаланинг таҳдидлари нималардан иборат?

Калитли сўзлар

SWOT таҳлил, юқори технология, юқори технологик хизматлар, модернизация, меҳмонхона хўжалиги, ривожланишнинг кучли томонлари, ривожланишнинг заиф томонлари, ривожланиш имкониятлари, ривожланишнинг таҳдидлари, ички омил, ташқи омил, иқтисодий жараёнлар, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар.

26-боб. МАРКЕТИНГ ТАҲЛИЛИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

26.1. Маркетинг таҳлили мақсади ва вазифалари

Бозор муносабатларининг иқтисодиётимизга кириб келиши, иқтисодиётнинг эркинлашуви бозорнинг ҳам эркинлигини тўлиқ таъминлаб келмоқда. Мазкур жараён изчиллик билан давом эттирилмоқда. Чунки давлатимизнинг иқтисодий сиёсати айнан шунга қаратилган. Бундай шароитда товарни ишлаб чиқариш эмас, балки уни сотиш муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Бу эса ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг бозорни ўрганишини ва мос равишда маркетинг таҳлилини амалга оширишни тақозо қилади. Аммо шуни эътироф этиш керакки, ҳозирги пайтда таҳлилга оид адабиётларда ушбу масала етарли тарзда ёритмасдан қолиб кетмоқда. Бу эса маълум даражада, корхоналарнинг иқтисодий аҳволнинг яхшиланишига салбий таъсирини ўтказиб келмоқда, чунки маркетинг фаолияти билан боғлиқ кўпгина масалалар назардан четда қолиб кетмоқда.

Маркетинг кенг қамровли жараён. Унда бозорнинг ҳолати, унинг тўйинганлик даражаси, рақобат муҳити, истеъмолчилар ва уларнинг таркибий тузулиши, баҳо ва унинг ўзгариши каби маркетинг қарорларини қабул қилишга қаратилган масалалар ўрганилади. Шунингдек, маркетинг орқали янги бозорларни кашф қилиш, янги харидорларни топиш, товарнинг сотилиши ва фойда олишини таъминлайдиган бошқа жараёнлар ҳам эътиборга олинади. Қисқа қилиб айтганда талаб ва таклифнинг бир-бирига мувофиқлигини таъминлашда маркетинг кўприк вазифасини бажаради (26.1-чизма).



26.1-чизма. Товар ва хизматларга бўлган талаб ва таклифнинг ўзаро муносабатларида маркетингнинг ўрни

Маркетинг таҳлилида шуни назарда тутиш керакки, барча маркетинг жараёнлари билан боғлиқ бўлган масаллар унинг таҳлилида ўрганилади. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, маркетинг таҳлилининг мазмунини, мақсади, вазифалари ва амалга ошириш йўлларини шакллантириш мумкин.

Маркетинг таҳлили деганда, самарали маркетинг қарорларини қабул қилиш учун товарлар (хизматлар) бозорининг ҳолатини, товар (хизмат)ларни ва истиқболда қанча ишлаб чиқариш, қаерларда ва қанчадан сотиш масалаларини белгилаш мақсадида статистик, иқтисодий ва бошқа усулларни қўллаган ҳолда ўрганиш тушунилади.

Маркетинг таҳлили маркетинг фаолиятини самарали тарзда амалга ошириш учун қўлланилади. Шу жиҳатдан мамлакатимизда маркетинг таҳлили маркетинг фаолияти вужудга келганидан кейин пайдо бўлди. Шу жиҳатдан унинг мақсади ҳам бевосита мазкур таҳлилнинг заруратидан келиб чиқмоқда.

Маркетинг таҳлилининг мақсади бевосита корхоналарнинг тезкор маркетинг қарорларини қабул қилиш, унинг стратегиясини шакллантириш, самарали маркетинг фаолиятини юргизишга қаратилган инновацон сиёсатни шакллантиришдан иборатдир. Бунинг учун у жуда кўп таҳлилий ва статистик усуллардан фойдаланилади ва бир қанча ахборотларни шакллантириш имкониятини ҳам яратади. Маркетинг таҳлилининг иқтисодий таҳлилдан фарқи, иқтисодий таҳлил асосан амлдаги ҳисобот маълумотларига таяниб иш кўрса, маркетинг таҳлилида ушбу маълумотлар билан бирга турли тадқиқот натижаларидан, сўровнома каби ахборотлардан ҳам фойдаланилади. Иккала ҳолатда ҳам мантиқий таҳлил ва фалсафий ёндашувларни кенг миқёсда қўллаши лозим бўлади.

Бошқа фанлар сингари маркетинг фанининг ҳам объекти, субъекти ва предмети бўлади. Уларнинг изоҳи қуйидаги жадвалда келтирилган (26.1-жадвал).

Таҳлилчиларнинг асосий вазифаси маркетинг соҳаси самарадорлигини оширишга бағишланган бошқарув қарорларини қабул қилишга қаратилган ахборотларни тўплаш ва уларни замонавий усуллар ва технологияларни қўллаган ҳолда тайёрлаб беришдан иборатдир. Корхонанинг муваффақияти, маркетинг ишларининг қандай ташкил қилинганлигига боғлиқ. Маркетинг

ишлари маркетинг фаолиятини бевосита таҳлил қилиш даражаси ва савиясига боғлиқ. Акс ҳолда илмий ва иқтисодий жиҳатдан асосланган бошқарув қарорларини қабул қилиш мумкин эмас.

26.1-жадвал

Маркетинг таҳлилининг объекти, субъекти ва предметининг мазмуни

Т/р	Тушунчаларнинг номи	Тушунчаларнинг мазмуни
1.	Маркетинг таҳлилининг объекти	Маркетинг фаолияти мавжуд хўжалик юритувчи субъектлар (юридик ва жисмоний шахслар, иқтисодиёт тармоқлари).
2.	Маркетинг таҳлилининг субъекти	Маркетологлар, маркетинг фаолиятини таҳлил қилувчилар, мқтисодчилар, менежерлар, раҳбарлар, инвесторлар.
3.	Маркетинг таҳлилининг предмети	Маълум макон ва замонда содир бўладиган маркетинг фаолияти билан боғлиқ бозорларда содир бўладиган ҳодиса ва жараёнлар мажмуидан иборат.

Шуни алоҳида қайд қилиш жоизки, ҳозирги XXI асрда халқаро миқиёсда 250 та мутахассислик мавжуд экан. АҚШ экспертлари шу мутахассисликларнинг рейтингини ишлаб чиқишган. Унда таҳлилчилар дунёда юқори 4 та энг зарур мутахассислар қаторидан жой олган [136]. Бундан ҳам кўриниб турибдики, қайси жараён ёки иш муҳим бўлса, ўша касб эгаси ҳам шунга мос равишда муҳим мутахассис бўлиб ҳисобланади. Шундай экан касблар ичида таҳлилчилар ноёб ҳисобланар экан, демок таҳлил ҳам иқтисодиётимизнинг юксалиши учун муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки унинг мақсади ва вазифаларига назар ташланса ҳам ушбу тушунчага гувоҳ бўлади.

[136] Бизнес-анализ деятельности организации: учебник. / Л.Н.Усенко, Ю.Г.Чернышева, Л.В.Гончарова и.др. : Под ред. Проф. Л.Н.Усенко. – М.: Альфа-М.: ИНФРА-М, 2013. – 349 стр.

Маркетинг таҳлилининг мақсад ва вазифалари қуйидаги жадвалда келтирилган (26.2-жадвал).

26.2-жадвал

Маркетинг таҳлилининг мақсади ва вазифаларининг мазмуни

Т/р	Тушунчалар-нинг номи	Тушунчаларнинг мазмуни
1.	Маркетинг таҳлилининг мақсади	Корхона товари (хизмати)нинг бозордаги ҳолати, унинг истиқболи, сегменти, талаб ва таклифнинг қонуниятлари, рақобатбардошлиги, иқтисодий ва молиявий салоҳияти, истеъмолчиларнинг фикр-лари ва табиати, бозордаги тижорат риски, хатарларни ўрганиш ва барчасини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишдан иборатдир.
2.	Маркетинг таҳлилининг вазифалари	- бозор сегментини ўрганиш ва унга баҳо бериш; - бозордаги ҳолатни ва унинг истиқболини ўрганиш; - янги товарларнин ишлаб чиқариш учун тегишли шарт-шароитларга баҳо бериш; - талабнинг ўсиш тенденциясига баҳо бериш; - бозорнинг мазкур товарга тўйинганлигига баҳо бериш; - қўйилган ва келажакда қўйилиши мўлжалла-наётган инвестицияларга баҳо бериш; - бозордаги рақобат муҳитини ўрганиш; - янги бозорларни топиш заруратини асослаш; - маркетинг фаолиятининг самарадорлигига баҳо бериш; - корхонанинг баҳо сиёсатини белгилаш учун тегишли ахборотларни шакллантириш; - рекламнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигига баҳо бериш; - бозордаги тижорат рискига баҳо бериш каби ҳолатларни ўрганишдан иборатдир.

Маркетинг таҳлилининг мақсади ва вазифаларини ҳал қилиш учун иқтисодий-математик, статистик, таҳлилий ва бошқа усуллардан фойдаланиш лозим бўлади. Жумладан, биргина

корхонанинг товари бўйича баҳо сиёсатини белгилаш учун қанча маълумотлар тўпланиш лозимлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Шу туфайли маркетинг фаолиятини таҳлил қилмасдан туриб, корхонанинг бозордаги мавқеъини мустаҳкамлаш қийин кечади.

26.2. Маркетинг таҳлилининг ҳаётийлик халқаси, тамойиллари ва уларни амалга ошириш йўллари

Маркетинг таҳлили ўзининг ҳаётий циклига эга. Бу цикл қуйидагиларни ўз ичига олади: маркетинг фаолияти таҳлил қилинади, бу асосда бошқарув қарорлари қабул қилинади, бошқарув қарорларини амалга ошириш учун режалаштирилади, режанинг бажарилиши тезкор тарзда мониторинг қилиб борилади ва натижа яна таҳлил қилинади. Бунинг ўзаро халқаси қуйидаги чизмада келтирилган (26.2-чизма).



26.2-чизма. Маркетинг таҳлилининг ҳаётийлик халқаси

Юқорида келтирилган маркетинг таҳлилининг ҳаётийлик ҳалқасидан кўриниб турибдики, корхонанинг фаолиятида маркетинг таҳлили бошқарувнинг бир функцияси сифатида доимий равишда маркетинг фаолиятини назорат қилиб, уни тартибга солиб туради.

Корхонанинг маркетинг таҳлили ҳам бошқа таҳлил турлари сингари бир қанча тамойиларга таянилади. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин (26.3-жадвал).

26.3-жадвал

Маркетинг таҳлили амал қилиши лозим бўлган тамойиллар

Т/р	Таҳлилий тамойиллар номлари	Таҳлилий тамойилларнинг мазмуни
1.	Таҳлилнинг илмийлиги	Таҳлилда қўлланиладиган ахборотлар ва унинг натижасида шакллантирилган маълумотлар илмий жиҳатдан асосланган бошқарув қарорларини қабул қилиш имкониятини бериши лозим. Бунда таҳлил билиш назариясига, фалсафий категориялар каби илмий ёндашувларга асосланади.
2.	Иқтисодий асослан-ганлиги	Ҳар қандай иқтисодий жараён иқтисодиёт таркибида содир бўлади ва у иқтисодиётнинг бир қисми сифатида иқтисодий жиҳатдан асосланган бўлиши лозим. Унинг самарадорлиги ва ҳаётий-лиги иқтисодий асос топмаса, иқтисодий жараён-нинг келажаги бўлмайди. Шу туфайли ҳар бир иқтисодий жараён иқтисодий жиҳатдан асосланган бўлишини таъминлаш учун ушбу таҳлил натижалари ҳам шунга қаратилган бўлиши лозим.
3.	Юқори самара-дорлиги	Маркетинг таҳлили маълум вақт ва харажатларни талаб қилади. Ушбу харажатлар бир неча бор самара берадиган бўлиши керак. Таҳлил шунчаки таҳлил қилиш учун эмас, балки ўрганилаётган жараённинг юқори самара беришга қаратилган бўлиши лозим.
4.	Тезкорлиги	Маркетинг таҳлили ҳам таҳлилнинг бошқа шакллари сингари тезкор тарзда ахборотларни тайёрлаш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш имкониятини яратиши мақсадга мувофиқ.
5.	Манфаатлар муштарак-лигини таъмин-лашга қаратил-ганлиги	Ҳар қандай иқтисодий фаолият орқасида манфаатдор субъектлар турибди. Булар таркибига давлатдан тортиб мулкдоргача, оддий ходимдан тортиб меҳнат жамоасигача киритиш мумкин. Ҳар қандай фаолиятдан жамият ҳам манфаатдор. Маркетинг фаолияти ҳам буларнинг бирортаси-нинг манфаатларига зид бўлмаслиги керак. Масалан, корхона юқори фойда олишни ўйлаб товар баҳосини

26.3-жадвалнинг давоми

		кўтарса, корхона мулкдори, меҳнат жамоасига тўғри келиши мумкин, аммо бундан жамият, аҳоли ютқазади. Кенйинчалик ушбу товарни қимматлиги учун харид қилмай қўяди. Пировардида корхона ҳам маълум муддатдан кейин инқироз томон юз тутади. Шу туфайли барча манфаатлар мувофиқлиги таъминланиши лозим.
6.	Давлатнинг иқтисодий сиёсатига мослиги	Корхоналар давлатнинг иқтисодий сиёсатини микро даражада амалга ошириб боради. Шу туфайли унинг фаолияти бевосита давлатнинг иқтисодий сиёсати билан ҳамоҳанг бўлиши лозим. Масалан, ҳозирги кунда иқтисодиётни модернизация, диверсификациялаш ва инновацияларни жорий қилиш жараёнлари кетмоқда. Буни ҳар бир корхонада амалга ошириш мақсадга мувофиқ.
7.	Тизимлилиги	Таҳлил узлуксиз равишда амалга оширилиб борилиши, ўзининг ҳаётий ҳалқасини узмаслиги лозим. Чунки узлуксиз фаолият кўрсатишни таъминлашни мақсад қилиб ишлаётган субъект фаолияти ҳам тизимли равишда таҳлил қилиб борилишини тақозо қилади.
8.	Кенг қамровлилиги	Маркетинг таҳлили ҳам бошқа таҳлил шакллари сингари бирорта соҳа билан чегараланиб қолмаслиги керак. Чунки барча жараёнлар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлганлиги туфайли уларни ҳам кенг қамровда қарашни, бошқа вазиятларнинг ўрганилаётган ҳодисага таъсирини қараб чиқишни тақозо қилади. Бу эса маркетинг таҳлилининг ҳам кенг қамровлилигини таъминлайди.
9.	Аниқлиги	Таҳлил жараёни аниқ маълумотларга таянади ва унинг натижалари ҳам аниқ бўлади. Ноаниқ маълумотлар тўғри ва илмий асосланган хулосаларни чиқариш имконини бермайди ва нотўғри бошқарув қарорларини қабул қилишга асос бўлади. Бундай ҳолат мос равишда корхонани инқирозга олиб келади.
10.	Эркинлиги ва очиқлиги	Маркетинг таҳлилини корхонанинг ҳар қандай ходими, агар у зарур деб топилса амалга ошириши мумкин ва унинг натижалари ҳамма учун очиқ бўлиши, тегишли хулоса чиқариб олиши учун ҳамманинг танишиб чиқиш имкониятининг яратилиши лозим.

26.3-жадвалнинг давоми

11.	Таъсирчанлиги	Таҳлил натижаларига бефарқлик муносабатда бўлинса, ундан ҳеч қандай наф бўлмайди. Унинг натижасида аниқланган камчиликларга тезкор тарзда аҳамият беришни тақозо қилади. Бу эса камчиликларни бартараф қилиш имконини беради ва таҳлилнинг таъсирчанлигини оширади.
12.	Масъулиятлилиги	Таҳлил натижаларининг маълумоти шунчаки маълумот эмас, у корхонанинг бугунги ҳолатига баҳо бериш билан бирга истиқболда нималарга аҳамият бериши бўйича ҳам тегишли бошқарув қарорларини қабул қилишга хизмат қилади. Шу туфайли мазкур жараёнга ўта масъулият билан ёндошишни тақозо қилади. Акс ҳолда ноўрин хулосаларга олиб келиши мумкин.

Юқорида келтирилган маркетинг таҳлили мақсади, вазифалари ва тамойилларидан кўриниб турибдики, маркетинг таҳлили ҳам юқори даражада таъсирчанликка эга бўлган иқтисодий дастаклардан бири экан. Бунинг яна бир хусусияти шундаки, ҳар бир корхонанинг эркинлигини таъминлаш билан бирга ўзидаги масъулиятни ҳам оширади. Чунки, корхоналар ўз фаолиятларини ўзлари таҳлил қилиб, ўзлари тегишли қарорларни қабул қилиб бормаса, ташқаридан ҳеч ким бу ишни қилиб бермайди. Ким ўзининг яшовчанлигини таъминламоқчи бўлса, ўзлари ушбу ишни амалга оширишга тўғри келади.

Энди маркетинг таҳлилининг юқоридаги мақсад, вазифа ва принципларга таянган ҳолда амалга оширилиш кетма-кетлигини қараб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бу борада анча адабиётларда ёзилган. Аммо мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг ўзига хослиги, корхоналаримизнинг ҳам ўтиш давридаги хусусиятларидан келиб чиқиб, ушбу масалага бироз ўзгача ёндошишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Маркетинг таҳлилининг кетма-кетлиги қуйидаги босқичларда амалга оширилиши бугунги кун талабига жавоб беради, деб ўйлаймиз:

- маркетинг таҳлилининг мақсад ва вазифаларини аниқ белгилаб олиш;

- маркетинг таҳлилини ўтказишда мавзулар ва йўналишларга аниқлик киритилиб олинади;

- маркетинг таҳлилини кимлар ўтказиши, яъни уларнинг субъектлари аниқланади;

- таҳлилнинг мақсадидан келиб чиқиб, тегишли маълумотлар тўпланади;

- тўпланган маълумотлар тегишли тарзда қайта ишланиб, таҳлилий ҳисоб-китоблар амалга оширилади;

- таҳлил натижалари умумлаштирилади;

- таҳлил натижалари бўйича тегишли бошқарув қарорлари қабул қилинади;

- бошқарув қарорларини амалга ошириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилади;

- мазкур чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мониторинг қилиб борилади ва шу тариқа маркетинг таҳлилининг ҳаётийлик ҳалқаси таъминланади. Таҳлил эса, бошқарувнинг бир муҳим функцияси ва иқтисодиётнинг таъсирчан дастаги сифатида ўзининг вазифасини тизимли равишда бажариб бораверади.

26.3. Корхонанинг баҳо сиёсати ва рақобатбардошликни мустаҳкамлашнинг айрим йўналишларини таҳлил қилиш йўллари

26.3.1. Корхоналарида баҳо сиёсатининг мазмуни

Бозор муносабатлари шароитида тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши билан бирга эркин рақобатнинг вужудга келиши ва бозорни тартибга солиб берувчи унсур сифатида амал қилиши муқаррар. Аммо иқтисодий адабиётларда бу масала етарли даражада ёритилган эмас. Айниқса, корхоналарнинг баҳо сиёсати ва улар товарининг рақобатбардошлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш масаласи умуман қараб чиқилмаган. Шу туфайли ушбу масалага алоҳида аҳамият берилмоқда. Бунинг яна бир жиҳати шундаки, бозор тизимида унинг унсурлари тўлиқ ишлашга тушгач корхоналар ўзининг рақобатбардошлигини таъминламаса унинг синиши, инқирозга учраши табиий.

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект, шу жумладан, қурилиш билан шуғуллунувчилар ҳам ўзларининг рақобатбардошлигини аниқлаши учун уни баҳолаш, таҳлил қилиш йўлларини билиши

лозим бўлади. Рақобатбардошликни аниқлашдан олдин корхоналар ҳам ўзига хос бўлган товар бозоридаги баҳо сиёсатига алоҳида аҳамият бериш мақсадга мувофиқдир.

Эътироф этиш керакки, корхоналарларнинг баҳо сиёсати тўғрисидаги тушунчаси ҳамон етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Шу туфайли, бу борада ўз фикримизни кенгроқ баён этишни лозим деб топдик.

Ҳар қандай масалага ойдинлик киритиш учун унинг таърифини ишлаб чиқиш лозим бўлади. Бу борада бизнинг фиримиз қуйидагича. **Корхоналарнинг баҳо сиёсати деганда, қисқа ва узоқ муддатли барча мақсад ва манфаатларини ўзида ифода этадиган, бозор табиатига мос келадиган, унинг яшовчанлиги ва рақобатбардошлигини таъминлайдиган, харажатларини қоплаб маълум даражада фойда олишга эриштирадиган имкон қадар бозорни эгаллайдиган баҳо миқдорини белгилаши тушунилади**[137].

Кўриниб турибдики, баҳо сиёсати корхоналарни тадбиркор қиладиган, унинг бозорни эгаллашида асосий дастак бўладиган, яшовчанлигини таъминлайдиган, рақобатбардошлигини оширадиган муҳим жараён экан.

Корхонанинг баҳо сиёсати бошқа соҳалар сингари ўзининг бир қанча хусусиятлари билан бозор муносабатлари қонуниятларини тартибга солади ва унинг қонуниятларига бўйсунади. Бу қуйидагиларда намоён бўлади.

Биринчидан, баҳо корхоналарнинг режада кўзда тутилган фойдасини таъминлашга хизмат қилади. Агар у режада кўзда тутилган миқдорда бўлса режадаги фойдани таъминлайди. Агар ошиб кетса, мос равишда бир хил иш ҳажми билан кўп фойда олиши мумкин ва аксинча, камайиб кетса режадаги маҳсулотни ишлаб чиқариб сотган билан кўзда тутилган миқдордан кам фойда олишга эришилади.

Иккинчидан, корхоналар бир хил товарлар билан бир хил сифатдаги маҳсулоти билан баҳоси нисбатан паст даражада бозорга иштирок этса, мос равишда унга талаб кўпаяди, натижада фақат баҳо аста-секинлик билан ошиб боради ва пировардида унинг рақобатбардошлиги ошади.

---

[137] Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И. Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари. Монография. - Т.: “Фан ва технология”, нашриёти, 2007. – 113 б.

Учинчидан, баҳонинг ўзгариши бевосита талаб ва таклифнинг мувозанатига ҳам боғлиқ бўлади. Агар товарнинг баҳоси ҳаддан ташқари зиёд бўлса, унга қанча талаб ва эҳтиёж бўлишидан қатъи назар ўз вақтида сотилмаслиги мумкин. Бу ҳолат мазкур товарнинг сунъий ортиқчалигини вужудга келтиради. Бу ҳолат эса баҳонинг ошиб кетганлиги натижасида тадбиркорга ҳам, жамиятга ҳам анча зарари тегади.

Тўртинчидан, реал иқтисодиётда баҳо аҳоли фаровонлигининг, унинг реал даромадининг ошиши учун имкон яратади. Агар маҳсулотнинг нархи аҳоли даромади билан мувофиқ келса, аҳоли қанча кўп даромад қилса товар шунча кўп сотилади ва аксинча. Шу туфайли аҳоли даромади даражаси билан баҳонинг миқдори бир-бирига тўғри келиши лозим. Кўп ҳолларда аҳоли даромадининг асосий қисми бўлган иш ҳақи, масалан, 20 фоиз оширилади. Баҳонинг ошиши ҳам шунга мос бўлса уларнинг бир-бирига мувофиқ келганлигидан далолатдир. Агар даромад 20 фоиз ошиб баҳо 30 фоиз ошса, аҳолининг номинал даромади ошади, аммо реал даромади камаяди ва аксинча. Бу жараён корхоналарлар фаолиятида ҳам сезиларли ҳолатга эга бўлади. Ҳозирги шароитда маҳсулотларнинг нархи ҳамиша ҳам аҳолининг даромадларга мос келавермаслиги мумкин. Бу айниқса, ҳудудлар кесимида анча кўзга ташланади.

Бешинчидан, корхонанинг давлат бюджетига тўланадиган солиқлари ва бошқа мажбурий тўловларининг асосида ҳам баҳо ётади. Шу туфайли баҳонинг ошиши бевосита солиқнинг кўпайишига олиб келади ва аксинча. Аммо ҳамма давлат ҳам, жумладан, Ўзбекистон баҳонинг ошиши эвазига солиқнинг кўпайишига манфаатдор эмас. Чунки кучли ижтимоий сиёсат олиб бораётган мамлакатнинг бойиш йўли солиқни кўпайтириш эмас, балки иқтисодий ўсишни таъминлаш эвазига амалга оширилмоқда.

Олтинчидан, баҳо корхона учун бевосита олинган кредитларни ва харид қилинган товарлари учун тўланиши лозим бўлган қарзларни қоплаш имконини ҳам беради. Булар пулда ифодаланганлиги туфайли корхоналар учун маҳсулотнинг умумий қиймати билан биргаликда унинг баҳосининг даражаси ҳам муҳим бўлиб ҳисобланади. Чунки у ўзининг маҳсулотини қандай баҳога сотиши, унинг иқтисодий аҳволининг даражаси ва рақобатбардошлигининг ҳолатини ҳам белгилайди.

Шу ҳолатлардан ҳам кўриниб турибдики, корхоналарнинг баҳо сиёсати фақат унинг манфаатинигина ифодалаб қолмасдан аҳолининг ҳам, давлатнинг ҳам, бозорнинг ҳам манфаатларини ўзида мужассам этади. Шунинг учун тадбиркорнинг баҳо сиёсати бозор муносабатлари шароитида катта эътиборга лойиқ соҳадир.

26.3.2. Корхоналарнинг баҳо сиёсатини тартибга солиш орқали рақобатбардошлигини таъминлаш ва баҳолаш йўллари

Корхоналарнинг баҳо сиёсати жуда кўп муваффақиятлар ва мағлубиятлар омили. Агар ундан тўғи фойдаланса, корхона жуда катта самарадорликка эришиши мумкин. Агар ундан тўғри фойдаланмаса, корхонани инқирозга олиб келиши тайин. Шу туфайли баҳо сиёсатини тартибга солиш орқали ҳам рақобатбардошликни таъминлаш ва баҳолаш мумкин.

Корхоналар бозор тизимида ўзининг рақобатбардошлигини таъминлаши учун, бошқа соҳалар сингари, қуйидагиларни амалга оширишдан манфаатдор. Булар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- корхоналар иш ҳажмини муттасил кўпайтириб боришдан, яъни маҳсулот ишлаб чиқаришни, иш бажариш ва хизмат кўрсатишни кўпайтириб боришини таъминлайдиган муҳитнинг яратилишидан;
- корхоналарга ўз фаолиятини амалга ошириш ва кредитни ажратиб бериш тартибини осонлаштиришдан;
- корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар (иш, хизматлар) сифатини оширишдан.

Ушбу тадбирларнинг ҳаммаси корхоналар фаолиятининг рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилади. Булар ўртасидаги боғлиқликни қуйидагича ифодалаш мумкин (26.4-чизма).

Корхоналарнинг рақобатбардошлигини таъминлавчи асосий омиллар таркибида баҳо муҳим ўрин тутади. Аммо шуни эътироф этиш керакки, сотиладиган маҳсулот (иш, хизмат)нинг ҳажми, жойлашган жойи ва унинг сифати корхоналарга бевосита боғлиқ. Аммо баҳо ҳамиша унинг хоҳиш-иродасига тўғри келавермайди ва мос равишда унинг ҳаракатларига ҳам бевосита боғлиқ эмас. Буни

корхоналарда ҳам бозорнинг қонунлари тартибга солади. Фақат бунинг учун рақобат муҳити яратилган бўлиши керак.



26.4-чизма. Корхоналарнинг рақобатбардошлигини таъминловчи омилларнинг бир-бири билан боғлиқлиги

Шунинг учун корхоналар ўзининг баҳо сиёсатини шакллантиришда, унинг ўзгаришини кузатиб боришда бир қанча омилларга аҳамият бериши лозим бўлади. Буларга қуйидагилар киради:

1. Корхоналар қуриб битирган ва сотувга қўйган объектлари баҳосининг миқдори, тадбиркорлар харажатини қоплайдиган ва маълум даражада унга фойда келтирадиган бўлиши лозим.

2. Корхоналар баҳосининг миқдори харидорларнинг иқтисодий аҳволига мос, уларнинг қизиқишини уйғотадиган бўлиши керак, яъни рақобатчиларининг маҳсулоти билан бир хил сифатга эга бўлган ҳолда, унинг баҳоси озгина бўлсада нисбатан камроқ белгиланган маъқул.

3. Сотувга қўйилган объектлар баҳоси давлатнинг нархлаштириш сиёсатига зид бўлмаслиги, яъни Корхоналар фойдаси маҳсулотларни (иш, хизматларни) ишлаб чиқаришни кўпайтириш ўрнига, фақат баҳони ошириш эвазига амалга ошмаслиги лозим. Шу туфайли қурилган объектлар таннархига қўшиладиган максимал фойда миқдори билан ҳисобланганда объект баҳосининг миқдори меъёрдан ошиб кетмаслиги лозим.

4. Корхоналар ишлаб чиқарган товарига бозор тўйинган бўлиб, унинг баҳоси пасайиш тенденциясига эга бўлганда баҳонинг пасайиши таннархдан пастга тушиб кетадиган бўлса мазкур фаолиятни тўхтатиб, бошқа фаолият билан шуғулланиши, уни

зудлик билан ўзгартириши лозим. Масалан, тадбиркор уй-жой қуриб сотаётган бўлса, энди тижорат объектларини қуришга ёки бошқа йўналишни танлашга ўтиши мумкин. Ёки кийим-кечак билан шуғулланган бўлса, энди бошқа бозор талабига мос маҳсулотларни ишлаб чиқишига тўғри келади.

5. Корхона товарига харидор қанча кўп бўлса шунга мос равишда унинг баҳосини оптимал тарзда, зарар кўрмайдиган ҳолатда пасайтириб бориш амалиётини қўллаш лозим. Бу харидорни баҳо сиёсати билан рағбатлантириш эвазига ўзига жалб қилади ва уларнинг сонини муттасил ошириб боради. Бу усул ҳам жаҳон амалиётида синалган усул бўлиб, сотувчининг жозибадорлигини оширади. Аммо бизда ҳали бундай усуллар кенг кўламда қўлланилмаяпти. Бу усул билан харидорни жалб қилишга ўтиш ҳам ҳаётий заруратга айланиб боради.

Корхоналар фаолиятида ҳам баҳо сиёсати иқтисодий сиёсат тизимида ўта нозик масалалардан биридир. Шу туфайли бозорни ўрганишда, талаб ва таклиф мувозанатини тузишда бу масалага алоҳида аҳамият бериш лозим. Шунингдек, тадбиркор ва унинг маркетологлари рақобатчи тадбиркорлар товарининг баҳосини, уларда қўлланилаётган баҳо сиёсатини яхши ўрганиб боришлари лозим. Бу ҳолат мазкур тадбиркорнинг рақобатбардошлигини таъминловчи асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Корхоналар баҳо сиёсатини белгилашда фақат рақобатчилари томонидан ишлаб чиқиладиган товарининг баҳоси билангина қизиқиб қолиши, уларнинг баҳо сиёсатини ўрганиши етарли эмас. У шу ҳудуддаги ва бошқа ҳудудлардаги бозорлардаги ҳолатни ҳам ўрганиш лозим. Агар бир квадрат метр майдон бир бозорда бир хил баҳода сотилса, иккинчисида ундан юқори ёки кам бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда мазкур тадбиркорнинг баҳоси асосланган бўлиши лозим. Чунки унинг баҳоси рақобатчилар баҳосидан паст бўлса, харидорда бунинг маҳсулоти сифти паст деган шубҳа ўйғониши мумкин. Агар баҳоси юқори бўлса, шунчаки қимматга сотаяпти, деган хулосага ҳам келиши мумкин. Агар корхоналар бир бозорда катта муваффақиятга эришиши мумкин бўлса, харажатларини қоплайдиган бўлиб, кўпроқ фойда олишни таъминлайдиган бўлса, ўша бозорни ҳам эгаллашга ҳаракат қилиш лозим.

Корхоналарлар ҳам қанча кўп бозорни эгаллаш имконияти бўлса, у шунча ўзининг яшовчанлигини ва рақобатбардошлигини

таъминлаб боради. Бу учун корхоналарда тегишли маблағ, иш кучи ва моддий-техника базаси бўлишини тақозо қилади.

26.3.3. Товарлар сифати ва баҳосининг истеъмолчиларга қулайлигини аниқлаш ва баҳолаш йўллари

Ўзбекистонда бозор муносабатларининг шаклланиши босқичма-босқич амалга оширилди. Иқтисодиётни бошқаришда маъмурий буйруқбозлик тизими аста-секинлик билан эркин иқтисодиётга ўз ўрнини бўшатиб берди. Бу йўналишнинг стратегик концепцияси ва қонуний асослари ишлаб чиқилди. Аммо бу борадаги айрим масалалар амалиётда кўзда тутилганидек тез ва соз амалга ошаётгани йўқ. Эскилик билан янгилик, эски услуб билан янги услуб ўртасида кескин кураш жараёни давом этмоқда ва сақланиб қолмоқда. Иқтисодиётни бошқаришда, кўп ҳолларда, маъмурий-буйруқбозликнинг элементлари ҳамон сезилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, бозор муносабатларининг чуқурлашувига, унинг эркинлигини таъминлашга тўсқинлик қилмоқда. Ҳамон айрим фаолиятлар учун лицензиялар олиш жуда кўп идоралар эшикларини тақиллатишни талаб қилмоқда.

Бозор муносабатлари, албатта, иқтисодиётнинг эркин, бозор тамойиллари асосида бошқарилишига асосланган. Бу эса, ҳар бир кишини меҳнат қилишга, қилинган меҳнатидан катта рағбат олишга ва бу йўл билан ўзининг ҳаётини сон ва сифат жиҳатидан яхшилашга қаратилган мақсад ва интилишларга асосланган. Бозор муносабатларининг пировард мақсади ким кўп меҳнат қилса, у шунча манфаатдор бўлиш мумкинлигига қаратилган. Лекин меҳнат ҳам, ундан манфаатдорлик ҳам эркинликка асосланган. Кўриниб турибдики, бозор муносабаталари, хусусан, корхона фаолиятида ҳам том маънодаги эркинликни талаб қилар экан.

Бироқ, бозор муносабатларига асосланган иқтисодиёт шу даражада мураккаб иқтисодиётки, унинг табиатидан келиб чиқадиган жуда кўп муаммо ва зиддиятлар мавжуд. Бу зиддиятлар субъекти сифатида тадбиркор, яъни мулк эгаси, ёлланма меҳнат соҳиби, давлат ва унинг турли институтларини олиш мумкин. Уларнинг ҳар бири учун ўзига хос манфаатлари бор. Бозор муносабатлари ана шу манфаатларнинг мувофиқлигини таъминлаши

лозим. Айнан шу муаммони ҳал қилишда ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг, шу жумладан, корхонанинг ҳам баҳо сиёсатини тўғри амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги шароитда манфаатлар мувофиқлиги таъминланмас экан, барқарор иқтисодий ўсишга эришиб бўлмайди. Бунга фақат эркин иқтисодиёт шароитида қонун устуворлигини таъминлаш орқалигина эришиш мумкин, холос. Агар иқтисодиётни бошқаришда маъмурий-буйруқбозликнинг салмоғи кўп бўлса, табиийки, бундай шароитда давлатнинг манфаати устун қўйилади. Агар қонундан четлашларга йўл қўйилиб, унинг устуворлиги таъминланмаса, кўп ҳолларда мулк эгасининг манфаати устун қўйилади. Умуман назорат сусайтирилган, тартиб бўлмаган жойда ёлланма меҳнат соҳиби ўз манфаати учун ишлай бошлайди. Барча ҳолларда иқтисодий тараққиётга кўзланган даражада эришиб бўлмайди. Шу туфайли бу манфаатларнинг бир-бирига мувофиқ келишини таъминлаш лозим.

Мустақиллик йилларида босиб ўтилган йўл, бозор муносабатларини такомиллаштиришдаги тажрибалар кўрсатдики, соф бозор муносабатига асосланган иқтисодиётда ҳам ёки қаттиқ режага асосланган маъмурий буйруқбозликка таянган иқтисодиётда ҳам манфаатларнинг бир-бирига мувофиқ келишини таъминлашга эришиш ўта мураккаб. Шу жиҳатдан соф бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт бўлмаганидек, соф маъмурий буйруқбозликка асосланган иқтисодиёт ҳам бўлмайди. Ҳамиша иқтисодиётни бошқаришда уларнинг аралаш эканлигини кўрамиз. Айниқса, бу ҳолат, совет тизимидан бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётга ўтаётган мамлакатларда, хусусан, Ўзбекистонда ҳам бўлиши табиий. Шу туфайли иқтисодиётни эркинлаштириш масаласига мамлакатимизда жамият тараққиётининг устувор вазифаси сифатида кун тартибидан тушмасдан келинаётганлигига сабаб ҳам шунда.

Тажрибалар кўрсатдики, аралаш иқтисодиёт шароитида асосий эътибор инфляцияни пасайтириш, иқтисодий ўсишни таъминлаш ва шулар орқали иқтисодий барқарорликка эришишга қаратилган бўлади. Бу жараёнларда, албатта, давлатнинг роли беқиёс. Аммо давлат иқтисодиётининг қуйи бўғинида, айниқса кўп мулкчиликка асосланган фирмаларга, шахсий тадбиркорларга эркинликни босқичма-босқич мунтазам равишда бериб бориши, уларга

бозор кўникмаларини сингдиришга шароит яратиб туриши лозим. Шундагина кўзда тутилган иқтисодий барқарорликка, мунтазам иқтисодий ўсишга эришилиб борилади. Бу борада эришилган муваффақиятларимизни жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам иқтисодиётнинг барқарор ўсишида кўришимиз мумкин.

Ҳозирги мураккаб вазиятда иқтисодий таҳлилнинг, асосий вазифаларидан бири, корхона фаолиятини турли усулларни қўллаб уларни банкротликдан, барвақт синишдан сақлаб қолишни таъминлаш ва рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш учун тегишли йўл-йўриқ кўрсатишдан иборатдир. Бу эса, корхоналарнинг иш натижаларини истеъмолчиларга (харидорларга) қулайлигини аниқлаш ва баҳолаш йўлларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этишдан иборатдир. Бу эса бир қанча йўналишларда амалга оширилади. Буларга техник йўналиш, иқтисодий, эргономик, эстетик, меъёрий йўналишларни киритиш мумкин. Корхоналардаҳар бир йўналиш бўйича тегишли тарзда баҳоланишни тақозо қилади.

Корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган товарларнинг харидорга қулайлигини аниқлашда қўлланиладиган **техник йўналишга** унинг техник хусусияти, қўлланилиш соҳаси, яроқлилик ва кафолат муддатлари, сифати каби истеъмол қийматини оширувчи омиллар киради. Бу йўналиш барча маҳсулотларни сотишда муҳим мотивлардан бўлиб ҳисобланади.

Корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларининг **иқтисодий қулайлиги,** унинг баҳоси, маълум муддатда ёки ишлатиш давомида бепул таъмирлаб бериши ёки кафолат муддатида бепул эҳтиёт қисмларни алмаштириб бериши, ишлатиш давомида (кафолат муддатидан кейин ҳам) унга сервис хизматини кўрсатиш тартиби, харидорнинг иқтисодий имконияти, мазкур товарнинг унга нархи ва сифати жиҳатидан мос келиши, ушбу товарнинг харидорлар ижтимоий қатламига, касбий йўналишига мос келиши каби омилларни ўз ичига олади. Бу эса корхона фаолиятини ўзгартиришни, яъни қиммат товарларни олдин харид қилиб олиб келиб, кейин сотиш эмас, балки буюртма асосида олиб келиб сотишга ўтишлигини ҳам тақозо қилади. Хуллас, нима ўринли бўлса, шунга мос равишда ҳаракат қилишни тақозо қилади.

Корхоналар ишлаб чиқарган товарлари қулайлигининг **эргономик йўналишига** унинг одам организмига мослиги, сало-

матлиги ва ҳаётининг хавфсизлигини таъминлашга қаратилганлиги каби омилларни киритиш мумкин. Умуман олганда, ушбу йўналиш бўйича қараладиган жиҳатларнинг ҳаммаси, инсонларнинг мазкур товарлардан фойдаланишлари учун қулайликни таъминлашга қаратилгандир.

Корхоналар товарларининг **эстетик йўналиши** ҳам муҳим аҳамиятга эга. Буларга унинг ташқи кўриниши, безакларнинг бежиримлиги, ўлчамининг мослиги, хоналарнинг дид билан безатилганлиги каби омилларни инобатга олиш мумкин бўлади.

Ҳозирги пайтда истеъмолчилар ҳуқуқидан келиб чиқиб ҳар қандай сотиладиган товарнинг (у маҳсулот (иш, хизмат) бўладими) тегишли меъёрий ҳужжатларга, стандартларга (андозаларга) тўғри келишини таъминлашга катта эътибор берилмоқда. Бу бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрда қабул қилинган «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» каби бир қанча қарорлари қабул қилинди ва уларда ҳар қандай товарнинг маълум сертификат талабларига жавоб бериши кўзда тутилган.

Корхоналар товарларининг юқорида келтирилган йўналишлари тўғрисидаги маълумот статистик ва бухгалтерия ҳисоби ёки ҳисоботларида ўз аксини топмаган. Бироқ, иқтисодий таҳлил учун эса, тегишли маълумотларнинг ҳисоботларда акс эттирилиши мақсадга мувофиқ. Шу туфайли бу кўрсаткич ва омилларни корхоналарда фаолият кўрсатувчи маркетолог ва менежерлар махсус ўрганиш, кузатувлар олиб бориш ва уларнинг натижаларини бошқарув ҳисоби ва ҳисоботида қайд қилиб бориш тартибини йўлга қўйиш лозим. Тадбиркорнинг рақобатбардошлиги, бу асосий ҳолат ёки тадбир билан таъминланмайди. У жуда кўп саъй-ҳаракатларни, тадбирларни амалга оширишни талаб қилади.

26.3.4. Корхоналар товарларининг рақобатбардошлигини таъминлашда бошқарув таҳлилининг вазифалари

Олдинги параграфлардан кўриниб турибдики, корхоналар товарларининг рақобатбардошлигини таъминлаш катта тадбирлар мажмуасини талаб қилар экан. Бу эса бошқарув таҳлили олдига ўта

муҳим ва янги вазифаларни юклайди. Айниқса, рақобатбардошликни таъминлаш учун баҳо сиёсатидан тўғри фойдаланиш лозимлигини тақозо қилади.

Таъкидлаш жоизки, иқтисодий таҳлилнинг таркибий қисми бўлган бошқарув таҳлили эркин рақобат ҳукм суриб турган бозор муносабатлари шароитида корхоналарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириши лозим, деб ҳисоблаймиз:

- рақобатбардошликни таъминловчи йўналишларни аниқлаш ва уларни баҳолаш учун тегишли тадқиқотлар олиб бориш;
- рақобатбардошликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш ва уларни баҳоловчи рақамлар ва ахборотлар билан таъминлаш;
- рақобатбардошликни таъминловчи ижобий ва салбий омилларни аниқлаш ва ижобийларини такомиллаштириш, салбийларини бартараф қилиш йўлларини ишлаб чиқиш;
- барча кўрсаткичлар ва омиллар тизимини ўзида ифода этадиган ягона (комплекс) кўрсаткични аниқлаш ва у орқали мазкур кўрсаткичнинг қатор даврлар мобайнида ўзгариш тенденциясига баҳо бериш;
- барча ахборотларни жамлаб тадбиркорнинг ва у ишлаб чиқариб сотаётган товари (иш, хизмати) рақобатбардошлигини таъминловчи чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва ниҳоят, уни яхшилаш бўйича тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш.

Ушбу талаблардан келиб чиқиб бошқарув таҳлилининг аниқ вазифасини белгилаб олиш мумкин. Бунга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- истеъмолчилар, яъни харидорларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш. Бунда харидорларнинг пул даромади, касбий йўналиши, миллий таркиби, мавсумнинг ўзгариши каби бир қанча йўналишлар кўриб чиқилади ва булар бўйича аниқ маълумотлар тўпланади. Бу борада ҳар бир соҳанинг ўзига хос хусусиятларини ҳам инобатга олиш лозим бўлади;
- бозорнинг ҳолатини ўрганиш. Унинг хизмат қилиш салоҳиятини, аҳолининг жалб қилинганлиги ва айнан корхоналарларнинг ишлаб чиқарган товарларига ўхшаш субъектларнинг

рақобатчилари томонидан қандай сотилаётганлиги, уларнинг сифати, нархи ўрганилади;

• корхоналар рақобатчилари тўғрисида тўлиқ маълумотлар йиғилади ва уларни мазкур тадбиркор фаолиятидаги рақобатбардошликни ифодаловчи кўрсаткичлар билан солиштирилади, унда сотиладиган товарнинг жозибаси, сифати ва нархи инобатга олиниб шу соҳа бўйича тегишли тўхтамга келинади;

• барча тўпланган ахборотлар асосида корхоналар ўзи ишлаб чиқарилган товарларнинг, бажараётган ишининг ва кўрсатаётган хизматининг рақобатбардошлигини таъминлаш учун тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқади. Бу чора-тадбирларда юқорида таъкидланган истеъмолчига (харидорга) қулай бўлишнинг барча йўналишларини такомиллаштириш бўйича иш олиб борилади;

• корхоналар ишлаб чиқарилган товарларнинг техник йўналиши бўйича барча омиллар ўрганилиб, уларнинг такомиллашиш чораларини кўради;

• ишлаб чиқарилган товарларнинг иқтисодий йўналишида асосий эътибор кам харажат эвазига юқори фойда олишни, унинг сифатини бузмаган, жозибасини оширган ҳолда эришишга қаратилган бўлади;

• корхоналар ишлаб чиқарилган товарларнинг эргономик йўналишида одамларнинг саломатлигига салбий таъсир қилмайдиган, улардан фойдаланишнинг қулайлиги, хавфсизлиги каби ҳолатларни таъминлайдиган жиҳатларига катта аҳамият берилади;

• корхона ишлаб чиқарилган товарларнинг эстетик йўналиши ҳам унинг рақобатбардошлигини таъминловчи муҳим омил эканлигини инобатга олиб рақобатчилар товари (иш, хизмати)га нисбатан жозибали қилиб кўрсатишга ҳаракат қилинади. Агар лозим топилса уни реклама қилишнинг ҳам самарали йўллари ва усулларини ҳам ахтариб топилиши мақсадга мувофиқдир;

• барча талабларни ўзида мужассам этадиган қурилган объектнинг меъёрларга, сертификатга тўғри келиши, айниқса, унинг лойиҳага мос келиши муҳим аҳамиятга эга. Корхона ишлаб чиқарилган товарлар қулайликларининг ҳамма жиҳатларини кўрсата оладиган рекламани ташкил қилиш ҳам ушбу объектнинг рақобатбардошлигини таъминлашга тегишли тарзда хизмат қилади;

• ҳар бир товарларининг рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичларнинг солиштириладиган рақамлардаги мутлоқ (нисбий) миқдори имкон қадар аниқланиши лозим;

• корхоналар ишлаб чиқарилган товарларининг рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичларни бошқа рақобатчилар кўрсаткичлари билан солиштирилади ва уни мустаҳкамлаш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқади.

Корхона фаолиятини рақобатчилар кўрсаткичлари билан солиштирган пайтда фақат уларникига нисбатан яхши бўлишига эътиборни қаратиш билан чегараланиб бўлмайди, балки харидор (истеъмолчи) талабига мос келишига катта аҳамият берилади. Маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотишдан пировард мақсад бу истеъмолчига қулай, маъқул бўлишни таъминлаш. Демак, шундай экан, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун, энг аввало, ана шу истеъмолчи талабини инобатга олиш лозим бўлади. Бу эса ҳар бир тадбиркор фаолиятида маркетинг тадқиқотини ўтказишни, турли усул ва йўллар билан харидор талабини чуқур ўрганишни тақозо қилади. Чунки бугунги кунда, товарларнинг сифати ва баҳосига бўлган талаб анча ошганлигини инобатга олиш лозимдир.

Шуни эътироф этиш керакки, корхоналар ишлаб чиқарилган товарларнинг барча талабларга жавоб беришини таъминлаш маълум даражада қўшимча харажатларни талаб қилади. Бизнинг фикримизча, бозор муносабатлари шароитида харажат қилишдан чўчимаслик лозим. Энг муҳими, шу қилинадиган харажатларнинг мақсадга мувофиқлигини ва самарадорлигини таъминлашга асосий эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ. Зеро, кўпгина муваффақиятларга ўз-ўзидан эришиб қолмайди. Бу, ўз навбатида, маълум даражада харажат қилишни талаб қилади. Лекин қилинган харажатлар тадбиркорга бир неча бор кўп фойда билан қайтсагина унинг самарадорлиги таъминланади. Ҳар бир корхонада ана шундай муваффақиятларга эришмоғи лозим.

26.3.5. Рақобатбардошликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари

Корхоналар фаолиятини таҳлил қилишда муҳим босқичларидан бири ҳар бир категорияни тегишли кўрсаткичларда ифодалаб олишдан иборатдир. Бу эса ўз навбатида, рақобатбардошликни ифодаловчи кўрсаткичларни ишлаб чиқишни тақозо қилади. Аммо ушбу масала иқтисодий адабиётларда ҳамон ўз ечимини топган эмас. Бу муаммонинг ҳал қилиниши бўйича турли қарашлар мавжуд.

Корхоналар фаолияти иқтисодий таҳлилнинг энг муҳим вазифаларидан бири, тадбиркор фаолияти ва товарининг рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш ҳамда уларни аниқланиш йўлларини кўрсатиб беришдан иборатдир.

Ўзбекистонда тадбиркорлик ва уларнинг рақобатбардошлигига бағишланган жуда кўп асарлар[138] чоп этилган. Аммо уларда рақобатбардошликни баҳоловчи, таҳлил қилиб тегишли хулоса чиқариш учун асос бўладиган миқдорий кўрсаткичлар деярли тадқиқ қилинмаган. Бироқ, бу борада жаҳон тажрибаси маълум даражада шаклланган. Кўпгина хорижий адабиётларда [139] иқтисодиётнинг кўп соҳаларида хўжалик юритувчи субъектлар рақобатбардошлигини баҳолаш учун тегишли тавсиялар келтирилган.

Жумладан, Г.В.Савицкая[140] тадбиркор товарининг рақобатбардошлигини аниқлаш учун қуйидаги кўрсаткичларни тавсия қилади:

1. Ҳар бир йўналишни баҳоловчи алоҳида кўрсаткич. Буни аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинган:

$$q = \frac{P}{P_{100}} \times 100,$$

[138] Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. Ўқув қўлланма. Т.: «Шарқ», 2002.; Абдуллаев Ё.А., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. Т.: «Меҳнат», 2000.; Хўжаев Э., Юсупова Р., Ражабов Э. ва бошқалар. Тадбиркорлик ва бизнес асослари. Самарқанд, 1997.; Тўхлиев Н., Ўлмасов А. Ишбилармонлар луғати. Т.: Қомуслар бош таҳририяти. 1993, Мухаммедов М. ва бошқалар. Тадбиркорлик иқтисодиётининг асослари. Самарқанд, 1998 ва ҳ.к.

[139] Савицкая Т.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. Минск. ООО «Новое знание», 2000. - 435-439 бетлар.

[140] Ўша жойда. 437 бет.

бунда *q – товар рақобатбардошлигини белгиловчи ҳар бир йўналишни баҳоловчи алоҳида кўрсаткич;*

P – ҳар бир йўналиш бўйича мазкур товарга тегишли кўрсаткич;

P_{100} *– истеъмолчи (харидор) эҳтиёжини тўла (100 %) қондириши учун ҳар бир йўналиш бўйича белгиланган меъёр.*

2. Алоҳида бир-бирига боғлиқ йўналишлар бўйича гуруҳнинг жамланган кўрсаткичи (G). Бу кўрсаткични аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинган.

$$G = \Sigma a_i \; x \; q_i,$$

бунда *qi – бир гуруҳга кирувчи і- кўрсаткичнинг миқдори;*

аі – ҳар бир і-кўрсаткичнинг салмоқлилик коэффициенти.

3. Умумлаштирилган кўрсаткич (J). Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун товарнинг техник йўналиши бўйича аниқланган гуруҳ кўрсаткичнинг миқдорини (Gm) иқтисодий йўналиш бўйича гуруҳ кўрсаткичлар миқдорига (Gиқ) бўлиш йўли билан аниқлаш тавсия қилинган:

$$J = Gm / Gиқ$$

Агар J<1 бўлса таҳлил қилинаётган товарнинг рақобатбардошлиги унинг намунасига нисбатан паст эканлигидан, агар J>1 бўлса мазкур товар анча рақобатбардош эканлигидан далолат беради.

Таҳлилнинг энг муҳим вазифаларидан бири ушбу кўрсаткичларни амалий маълумотларни қўллаган ҳолда аниқлашдан иборат. Бу эса ўз навбатида, ҳар бир йўналиш бўйича тегишли ахборотларни тўплашни, уларни рақамлар билан ифодалашни тақозо қилади. Бу эса бошқарув таҳлилида қўшимча ахборотларни олиш, унинг қўшимча ҳисобини юритишни тақозо қилади.

Ушбу масала бўйича бошқа олимларнинг ҳам қарашлари мавжуд бўлиб, уларнинг кўпи бизнинг ўзимизга хос бўлган иқтисодиётимизга мос келмайди. Шу туфайли бошқа олимларнинг мазкур масалаларга оид қарашлари ва фикрларига тўхталмасдан ўз

қарашларимизни, миллий иқтисодиётга мос тарзда баён қилмоқчимиз.

Бизнинг олдинги нашр қилган ишларимизда, хўжалик юритувчи субъектлар рақобатбардошлигини ифодалаш учун қуйидаги кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мумкинлиги асосланган эди[141].

1. Корхона маҳсулотининг бозордаги бир хил маҳсулотлардаги улуши (Кмбу).
2. Бозордаги энг кучли рақобатчи корхона маҳсулотининг улушига (ЭКму) нисбатан шу корхона маҳсулоти улуши (Кму).
3. Рақобатдаги маҳсулотни сотиш ҳажмининг ўсиш суръати (Рмўс).
4. Корхона маҳсулоти баҳосининг бозордаги шундай маҳсулот баҳосига нисбатан коэффициентдаги миқдори (Кбаҳ).
5. Корхона маҳсулотининг сертификатланганлик даражаси (Ксер).
6. Корхонада маҳсулотни реклама қилишдан олинган фойданинг реклама харажатларига нисбати (Крек).
7. Корхонанинг рақобатбардош товарларининг рентабеллик даражаси (Ррб).
8. Корхонада умумий рентабеллик даражаси (Р).
9. Корхона балансининг жорий ликвидлик даражаси (Лж).
10. Корхона маҳсулоти рақобатбардошлигини ифодаловчи умумлашган кўрсаткич (Мрук).

Таҳлил жараёнида ушбу кўрсаткичларни аниқлаш йўллари, уларни тегишли ҳужжатлар асосида ифодаланиб, режага, меъёрга нисбатан фарқи, ўтган йилларга нисбатан ўзгариши суръати, қатор йилларга динамикаси каби мутлақ ва нисбий миқдорларни аниқлаш ҳамда ҳар бирининг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш лозим бўлади**.** Бунинг учун юқоридаги кўрсаткичларни аниқлаш йўлларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бу борадаги бизнинг фикрларимиз ва ишланмаларимиз қуйидаги жадвалда келтирилган (26.5.-жадвал).

---

[141] Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И. Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари. Монография. – Т.: “Фан ва технология”, 2007.-107-109-бетлар.

26.5-жадвал

Корхонанинг рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари[142]

Т/р	Кўрсаткичларнинг номи	Кўрсаткичларни ҳисоблаш йўллари	Изоҳ
1.	Корхона маҳсулотининг бозордаги бир хил маҳсулотлардаги улуши (Кмбу)	$К_{МБУ} = \frac{К_{М}}{Б_{ЖМ}}$	*Км – корхона маҳсулоти; Бжм – бозордаги шу маҳсулотнинг жами ҳажми*
2.	Бозордаги энг кучли рақобатчи корхона маҳсулотининг улушига (ЭКму) нисбатан шу корхона маҳсулоти улуши (Кму)	$К_{МУ} = \frac{К_{МБУ}}{ЭК_{МУ}}$	*(ЭКму)-энг кучли рақобатчи корхона маҳсулотининг улуши; (Кмбу) - корхона маҳсулотининг бозордаги бир хил маҳсулотлардаги улуши;*
3.	Рақобатдаги маҳсулотни сотиш ҳажмининг ўсиш суръати (Рмўс)	$Р_{МЎС} = \frac{Р_{М.Х}}{Р_{М.АЙ}}$	*Рм.ҳ – рақобат йилидаги сотилган маҳсулот хақиқий миқдори; Рм.ай – шу маҳсулот асос йилидаги миқдори*
4.	Корхона маҳсулоти баҳосининг бозордаги шундай маҳсулот баҳосига нисбатан коэффициентдаги миқдори (Кбаҳ)	$К_{БАХ} = \frac{К_{МБ}}{Б_{ШМБ}}$	*Кмб – корхона маҳсулотининг баҳоси; Бшмб – бозордаги шундай маҳсулотлар баҳоси*

[142] Мазкур кўрсаткичлар тизими олдинги нашр қилган ишларимизда чоп қилинган. Қаранг: Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И. Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари. Монография. – Т.: “Фан ва технология”, 2007.-107-109 бетлар.

26.5-жадвалнинг давоми

5.	Корхона маҳсулотининг сертификатлан-ганлик даражаси (Ксер)	$К_{СЕР} = \frac{С_М}{Ж_М}$	*См – сертификатланган маҳсулотлар; Жм – жами маҳсулотлар*
6.	Корхонада маҳсулотини реклама қилиш-дан олинган фойданинг реклама харажатларига нисбати (Крек)	$К_{РЕК} = \frac{Р_{ЕКФ}}{Р_{ЕКХ}}$	*Рекф – реклама қилинган товарлар бўйича олинган фойда; Рекх – шу товарни реклама қилиш учун кетган харажатлар*
7.	Корхонанинг рақобатбардош товарларининг рентабеллик даражаси (Ррб)	$Р_{РБ} = \frac{Р_{ТФ}}{Р_Т}$	*Ртф – рақобатдаги товарлардан олинган фойда; Рт – рақобатдаги товарларнинг умумий ҳажми*
8.	Корхонада умумий рентабеллик даражаси (Р)	$Р = \frac{С_Ф}{Q}$	*Сф – соф фойда; Q – сотилган маҳсулот ҳажми*
9.	Корхона балансининг жорий ликвидлик даражаси (Лж)	$Л_Ж = \frac{Ж_А}{Ж_М}$	*Жа – Жорий активлар; Жм – Жорий мажбуриятлар*
10	Корхона маҳ-сулоти рақобат-бардошлигини ифодаловчи умумлашган кўрсаткич (Мрук)	$М_{РУК} = \frac{М_{ТЙ}}{М_{ИЙ}}$	*Мтй – маҳсулотнинг техник йўналиши бўйича умумлашган кўрсаткичи; Мий – маҳсулотнинг иқтисодий йўналиши бўйича умумлашган кўрсаткичи;*

Бизнинг фикримизча, ушбу кўрсаткичлар тизими корхоналарнинг рақобатбардошлигини тўлиқ қамраб олади. Аммо у бошқарувда қўлланилишига бироз ноқулайлик туғдириши мумкин. Чунки бир кўрсаткич бўйича битта корхона яхши ўринга эга бўлса, иккинчи кўрсаткич бўйича бошқа корхона яхши ўринни эгаллаган бўлиши лозим. Худди шундай ҳолат битта корхона мисолида қараладиган бўлса даврлар бўйича ҳам худди шундай ҳолатга дуч келишимиз мумкин. Шу туфайли адабиётларда кўрсаткичлар тизимидан комплекс кўрсаткични аниқлаш усуллари бўйича бир қанча ёндашувлар айтилган ва уларнинг айримлари амалиётда ҳам муваффақиятли қўлланилиб келинмоқда.

Аммо шуни эътироф этиш керакки, қурилиш соҳаси ўзига хос хусусиятларга эга. Улардан бири мазкур соҳа субъектлари ўртасидаги ўзаро рақобат, уларнинг тендерга қатнашиш жараёнидаёқ содир бўлади. Бу ушбу соҳанинг бошқа соҳаларда учрамайдиган ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланади.

Бундан ташқари курилиш билан шуғулланувчи субъектларини солиққа тортишда жами бажарилган қурилиш ишлари миқдоридан судпудрат ташкилотлар томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми чегирилади. Лекин бухгалтерия ва статистик ҳисобларда улар жами бажарилган курилиш ишлари сифатида ҳисобга олинади.

Шу туфайли мазкур соҳада рақобатбардошликни 2 босқичда аниқлаш лозим, деб ҳисоблаймиз:

- қурилиш билан шуғулланувчи субъектларнинг тендерга иштирок этган палласидаги рақобатбардошлик;
- қурилиш билан шуғулланувчи субъектларнинг фаолияти давомида баҳоланадиган рақобатбардошлик.

Биринчи йўналиш бўйича қурилиш билан шуғулланувчи субъектларнинг тендерга иштирок этган палласидаги рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичларнинг номи, аниқланиш йўллари, мазмуни ушбу жадвалда келтирилган (26.6-жадвал).

26.6-жадвал

Қурилиш билан шуғулланувчи субъектларнинг тендерга иштирок этган палласидаги рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари

Т/р	Кўрсаткичларнинг номи	Кўрсаткичларни ҳисоблаш йўллари	Изоҳ
1.	Моддий-техника базасининг мавжудлик ва етарлилик коэффициенти (*Кмтб*)	$Кмтб = \frac{Хмтб}{Ммтб}$	***Хмтб****-ҳақиқатда мавжуд моддий-техника базси (МТБ);* ***Ммтб*** *– меъёрдаги МТБ.*
2.	Тегишли мутахассислар билан таъминланганлик коэффициенти *(Ккт)*	$Ккт = \frac{Хмк}{Ммк}$	***Хмк****-ҳақиқатда мавжуд мутахассис кадрлар (МК);* ***Ммк*** *–меъёрдаги МК.*
3.	Харажатларни камайтириш имкониятларининг мавжудлик коэффициенти (*Кхк*)	$Кхк = \frac{Хкх}{Тбх}$	***Хкх****- қурилиш ташкилотининг ҳисоб-китоб қилинган харажатлари;* ***Тбх*** *–тендердаги харажатлар.*
4.	Тендерда кўрсатилган умумий баҳодан кам белгилаш имкониятини топиш коэффициенти (*Кбим*)	$Кбим = \frac{Хкб}{Тбб}$	***Хкб-*** *қурилиш ташкилотининг ҳисоб-китоб қилинган харид қилиш баҳоси;* ***Тбб*** *–тендерда қўйилган баҳо.*
5.	Сметада белгиланган қийматга нисбатан ўз маблағининг етарлилик коэффициенти (*Кме*)	$Кме = \frac{Ўзм}{Тбб}$	*Ўзм- қурилиш ташкилотининг ўз маблағлари;* ***Тбб*** *– тендерда қўйилган баҳо.*

26.6-жадвалнинг давоми

6.	Тижорат банкларидан кредит олиш имко-ниятининг мавжудлик коэффициенти (Ккои)	$Ккои = \frac{Окм}{Гкм}$	***Окм***- *қурилиш ташкилотининг оладиган кредитининг миқдори;* ***Гкм*** *– гаровга қўйиши мумкин бўлган мулклар қиймати.*
7.	Қурилиш ташкилотининг тендерга қатнашиш рақобатбардошлиги ни ифодаловчи комплекс кўрсаткич (Rbk)	$Rbk = \sum_{i=1}^{n} ai$	$\sum_{i=1}^{n}$ *- жамлаш белгиси; і – жамланадиган кўрсаткичларнинг тартиб рақами; n – жамланадиган кўрсаткичларнинг умумий сони;* a_i*–і-кўрсаткичнинг миқдори.*

Биз тадқиқотлар натижасида қурилиш билан шуғулланувчи фирмалар ёки компанияларнинг рақобатбардошлигини баҳолашда ушбу кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш лозим, деган хулосага келдик. Аммо тендерга бир қанча субъектлар иштирок этишини инобатга олиб, кўрсаткичлар тизимидан комплекс кўрсаткични аниқлаш усулини ҳам беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Бунинг учун комплекс кўрсаткичларни аниқлашнинг жамлаш усулидан муваффақият билан фойдаланиш мумкинлиги ҳам асосланди. Жамлаш усулидан фойдаланган ҳолда комплекс кўрсаткични *(Rbk)* аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$Rbk = \sum_{i=1}^{n} ai$$

бунда $\sum_{i=1}^{n}$ *– жамлаш белгиси;*

і – жамланадиган кўрсаткичларнинг тартиб рақами;

n – жамланадиган кўрсаткичларнинг умумий сони;
a_i – і-кўрсаткичнинг миқдори.

Ушбу формулани қўллайдиган бўлсак, юқорида келтирилган барча кўрсаткичларнинг коэффициентларини жамлаб, умумий кўрсаткични аниқлаш мумкин. Аммо барча кўрсаткичлар рақобатбардошликка баҳо бериш учун бир хил моҳиятга эга эмас. У ҳолда ҳар бир кўрсаткичнинг моҳиятлилик коэффициентини аниқлаб, уларни ҳақиқий миқдорига кўпайтириб жамлашга тўғри келади. Бу ҳолда комплекс кўрсаткич (Ккм) қуйидагича ҳисобланади:

$$\text{Ккм} = \sum_{i=0}^{n} \text{ai} * \text{km};$$

бунда Ккм – комплекс кўрсаткич.
km – ҳар бир кўрсаткичнинг моҳиятлилик коэффициенти.

Иккинчи йўналиш бўйича қурилиш билан шуғулланувчи субъектларнинг фаолияти давомида баҳоланадиган рақобатбардошликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш лозим бўлади. Юқорида келтирилган рақобатбардошликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими (26.7-жадвалда келтирилган) асосан ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятига баҳо беришга мўлжалланган. Аммо қурилиш ташкилоти кечаги қурилиш ташкилотидан ва бошқа тармоқлардан фарқ қилади. Шу туфайли ушбу масалага ўзгача, қурилиш ташкилотларининг барча хусусиятларини инобатга олган ҳолда ёндошиш ва шунга мос кўрсаткичларни ишлаб чиқишни тақозо қилади. Бундай кўрсаткичлар тизимига қуйида келтирилган 5 та кўрсаткични тавсия қилмоқдамиз. Уларнинг қулайлиги ва афзаллиги шундаки, барча кўрсаткичлар бир хил ўлчамда, яъни коэффициентда ифодаланган[143]. Бундай ҳолларда кўрсаткичларни жамлаш ва бошқа амалларни бажариш унчалик қийинчилик туғдирмйди. Ушбу кўрсаткичлар тизимига қуйидагиларни киритишни мақсадга мувофиқ, деб топдик (26.7-жадвал):

[143] Айрим фоизда ифодаланган кўрсаткичларни жамлаш пайтида коэффициентга айлантириб ҳам ҳисоблаш мумкин.

26.7-жадвал

Қурилиш билан шуғулланувчи фирмаларнинг рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари[144]

Т/р	Кўрсаткичларнинг номи	Кўрсаткичларни ҳисоблаш йўллари	Изоҳ
1.	Қурилиш ташкилотининг барқарор иқтисодий ўсишга (5%дан кам бўлмаган) эгалиги (Қми)	$Қми = \frac{Қми1}{Қми0} * 100$	*Бунда* ***Қми****-қурилиш-монтаж ишлари ҳажми;* ***0*** *ва* ***1*** *индекслар асос ва ҳисобот йиллари маълумотлари.*
2.	Қурилиш ташкилоти балансининг жорий ликвидлиги (Лж)	$Л_Ж = \frac{Ж_А}{Ж_М}$	*Жа – Жорий активлар; Жм – Жорий мажбуриятлар*
3.	Қурилиш ташкилотининг рентабеллик даражаси (Р)	$Р = \frac{С_Ф}{Q} * 100$	*Сф – соф фойда; Q – қурилиш-мантаж ишларининг умумий ҳажми*
4.	Объектни белгиланган муддатда ишга тушурилиш коэффициенти (Кит)	$Кит = \frac{Итв}{Бм}$	***Итв*** *– объектнинг ишга тушурилган вақти;* ***Бм****-ҳақиқатда ишга тушурилган вақти.*

[144] Мазкур кўрсаткичлар тизими олдинги нашр қилган ишларимизда чоп қилинган. Қаранг: Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И. Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари. Монография. – Т.: “Фан ва технология”, 2007.-107-109 бетлар.

26.7-жадвалнинг давоми

5.	Объект ҳақиқий қийматининг сметага мослик коэффициенти (Ксм)	$Ксм = \frac{Охб}{Осб}$	***Охб*** *– объектнинг ҳақиқий баҳоси;* ***Осб-****объектнинг сметадаги баҳоси.*
6.	Қурилиш ташкилоти фаолияти рақобатбардошлигини ифодаловчи комплекс кўрсаткич (Rbk)	$Rbk = \sum_{i=1}^{n} ai$	*Бунда:* $\Sigma_{i=1}^{n}$ *- жамлаш белгиси; і–жамланадиган кўрсаткичларнинг тартиб рақами; n – жамланадиган кўрсаткичларнинг умумий сони;* a_i*–і-кўрсаткичнинг миқдори.*

Рақобатбардошлик ва уни ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижасида ҳозирги пайтда қурилиш ишлари мамлакатимизда ҳам ва Самарқанд вилоятида ҳам кенг кўламда олиб борилаётгани аниқланди. Бунда давлат корхоналари билан бирга нодавлат ташкилотлари, хусусан, хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳам катта кўламда иш бажармоқдалар. Буларнинг фаолиятини ташкил қилиш ва такомиллаштириш бугунги кунда ўта муҳим бўлиб, ҳар бир субъектнинг фаолиятини муттасил ўрганиб борадиган таҳлил усуллари ҳам параллель равишда яратилиб борилмоғи лозим. Қурилиш соҳасида қанча ўзгаришлар юз берса, мос равишда таҳлил қилиш усуллари ҳам шунга мос тарзда такомиллашиб боришни талаб қилади. Шу туфайли иқтисодиёт субъектлари фаолиятини тезкор тарзда ўрганадиган, вазиятга тез мослашадиган таҳлил усулини яратишни тақозо қилади. Акс ҳолда, қурилиш соҳасида тез ўзгариш ва такомиллашиш рўй берганда таҳлил усуллари амалиётдан орқада қолиб кетиши мумкин.

Қурилиш ишларини, айниқса, ижтимоий соҳадаги катта кўламдаги курилиш ишларини молиялаштириш асосан давлат томонидан амалга оширилмоқда. Чунки, жамият тараққиётининг маълум босқичида объектив заруратдан келиб чиқиб, кўплаб касб-ҳунар коллежлари ва мактабларни қуриш масаласи энг устувор вазифалардан бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Булар сингари кўпгина бошқа ижтимоий объектларнинг қурилиши ҳам давлат томонидан амалга оширилмоқда.

Буларнинг ҳаммаси мамлакатимизда амалга оширилаётган давлатимизнинг иқтисодий сиёсати социал соҳага йўналтирилганлигидаги ўзига хос хусусиятлардан бири ҳисобланади. Шу туфайли қурилиш соҳасидаги иқтисодий таҳлил мазмуни жиҳатидан иқтисодий-ижтимоий таҳлил бўлмоғи лозим. Бундай таҳлилда фақатгина иқтисодий соҳа ўрганилиб қолмасдан, балки ижтимоий соҳа ҳам биргаликда яхлит тарзда ўрганилади. Бу эса иқтисодий самарадорлик билан бирга соҳанинг ижтимоий самарадорлигини ҳам инобатга олиш лозимлигини кўрсатади. Бу масала бевосита ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг ҳосиласи эканлигидан далолат беради.

Шунингдек тадқиқотларимиз қурилиш билан шуғулланадиган фирмалар биринчидан, **махсус бирорта йўналишга мослашган иқтисодиёт субъектлари** бўлиши лозимлигини, иккинчидан, қурилиш билан шуғулланадиган фирмаларнинг айримлари бош пудратчи сифатида намоён бўлиб, айрим ишларни бажариш учун ихтисослашган қурилиш билан шуғулланувчи фирмалар субпудратчилар жалб этилишини кўрсатди. Аммо булар мавсум пайтида жуда банд бўлиб ҳамиша ҳам қурилиш корхоналари талабига тўғри келавермайди. Шу туфайли **қурилиш билан шуғулланувчи фирмалар кооперациясини тузиш** мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Аммо қурилиш кооперациясини яхлит тарзда таҳлил қиладиган усул ҳам ҳамон ишлаб чиқилмаган. Бу эса ўз навбатида қурилиш кооперациясини таҳлил қилиш усулларини яратишни тақозо қилади.

Қурилиш билан шуғулланувчи фирмаларнинг моддий-техника базаси асосан эскирган бўлиб, уларда мавжуд техника парки билан жуда ката ҳажмдаги ишларни тезкорлик билан бажариш имконияти мавжуд эмас. Шу туфайли махсус иқти-

сослашган, **қурилиш билан шуғулланувчи фирмалар буюртмаси асосида фаолият кўрсатадиган моддий-техника таъминот базаларини ташкил қилиш** мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Чунки, кўпгина техникалар ўзимизда ишлаб чиқарилгани билан, анча қисми Россия ва бошқа МДҲ мамлакатларидан, Хитой каби давлатлардан олиб келинади. Табиийки, ҳар бир фирманинг буларни олиб келишни мустақил равишда ташкил қилиши ўта мураккаб ва қимматга тушади. Қурилиш ташкилотларининг моддий-техника таъминоти базалари фаолиятини таҳлил қилиш усуллари ҳам бевосита шу тизимнинг шаклланиши билан бирга ишлаб чиқилиши лозим.

Қурилиш ишларини ташкил қилишда яна бир нарсага эътиборни қаратиш керакки, лойиҳалаштирилаётган пайтда бу ишларнинг қиймат жорий баҳода ҳисобланмоқда. Тендердан ютгандан кейин фирмалар қурилиш материалларини асосан биржалардан олмоқдалар. Аммо бунда нарх жуда тез ва кескин ўзгариб турибдилар. Бундай шароитда фирмаларнинг молиявий барқарорлиги бироз хавфли бўлиб қолади. Шу туфайли бу масаланинг ечими сифатида иккита жиҳатга аҳамият бериш лозим, деб ўйлаймиз: биринчидан, уларга тендер нархида фонд ажратиш керак ёки, иккинчидан, қурилишни тугаллангандан кейинги молиялаштиришда баҳони инфляция даражасидан келиб чиқиб, қайтадан ҳисоблаш мақсадга мувофиқдир. Бунда бошқарув таҳлилининг тегишли усулларидан фойдаланиб қурилиш материаллари нархнинг ўзгаришини ва шу асосда баҳодаги фарқларни аниқ ҳисоблашни яхши йўлга қўядиган таҳлил усули ҳам ишлаб чиқилмоғи лозим.

Ҳозирги пайтда кўпгина қарувчилар умумий тадбиркорлардир. Уларнинг кўпи қурилиш бўйича мутахассис эмаслар. Натижада қурилган объект кўп ҳолларда муддатидан олдин таъмирталаб бўлиб қолмоқдалар. Буларни инобатга олиб, тендерга қатнашишда иштирок этишга қўйиладиган талаблардан бири тажрибали, билимдан мутахассис қурувчиларининг борлигини инобатга олиш лозим. Бунинг учун қурилишдаги кадрлар таъминотини таркибий жиҳатдан таҳлил қилиб, штат жадвалидаги ҳар бир мутахассиснинг тегишли кадрлар билан тўғри ва тўлиқ таъминланганлигини инобатга олиш лозим.

Мазкур тавсиялар қурилиш билан шуғулланувчи фирмаларнинг фаолиятини, ишининг сифати янада яхшилаш ва фаолият самардорлигини оширишга хизмат қилади.

Такрорлаш ва ўзини-ўзи текшириш учун саволлар

1. Маркетинг таҳлилининг назарий асослари нима?
2. Маркетинг таҳлили мақсади.
3. Маркетинг таҳлили вазифалари.
4. Маркетинг таҳлилининг ҳаётийлик ҳалқаси.
5. Маркетинг таҳлилининг принциплари.
6. Маркетинг таҳлилида принципларни амалга ошириш йўллари.
7. Корхонанинг баҳо сиёсати.
8. Корхонанинг рақобатбардошликгини мустаҳкамлашнинг айрим йўналишлари.
9. Ушбу йўналишларни таҳлил қилиш йўллари.
10. Корхоналарида баҳо сиёсатининг мазмуни.
11. Корхоналарнинг баҳо сиёсатини тартибга солиш йўллари.
12. Баҳо сиёсати орқали рақобатбардошлигини таъминлаш йўллари.
13. Корхонанинг рақобатбардошлигини баҳолаш йўллари.
14. Товарлар сифати ва баҳосининг истеъмолчиларга қулайлигини аниқлаш ва баҳолаш йўллари.
15. Корхоналар товарларининг рақобатбардошлигини таъминлашда бошқарув таҳлилининг вазифалари.
16. Рақобатбардошликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими.
17. Рақобатбардошликни аниқлаш йўллари.
18. Рақобатбардошликни таҳлил қилиш йўллари.

27-боб. ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

27.1. Тизимли таҳлил фанининг назарий масалалари

Тизимли таҳлил иқтисодий таҳлил фанинг бир шакли сифатида пайдо бўлган бўлса, ҳозирги пайтда у алоҳида фан сифатида шаклланиб ва такомиллашиб бормоқда. Бир қанча ўқув адабиётлари ҳам пайдо бўлди ва ушбу жараён давом этмоқда. Чунки, ижтимоий-иқтисодий ҳаётни бошқариш жараёнида, ахборотлар оқимининг ҳаддан зиёд ошиб бораётган палласида тизимли таҳлилсиз бирорта самарали натижага эришиш мураккаб бўлиб бормоқда.

Тизимли таҳлил атамаси иккита сўз бирикмасидан иборат. Бири "тизим" бўлса, иккинчиси "таҳлилдир". Шу туфайли мазкур атамани ҳар бирини алоҳида қараб чиқишга тўғри кенлади.

"Тизим" сўзининг негизи ўзбек тилидан келиб чиққан бўлиб, унга бешта изоҳ берилган. "1. Ип, сим ва ш.к.га терилган нарса; шода. 2. Бир соҳа, муассаса ва ш.к.га оид йўналиш, иш-фаолият кабилар мажмуи. 3. Ўзаро боғлиқ ва узвий тартибда бўлган нарса, ҳодисалар бирлиги, мажмуи. 4. Ўзаро боғлиқ қисмлардан ташкил топган тузилма, ижтимоий, сиёсий ва бошқа жиҳатдан тузилиш шакли. 5. Бирор иш фаолиятни ташкил этиш, амалга оширишнинг шакл тартиб-қоидалари мажмуи"[145]. Буларндан кўриниб турибдики, иқтисодий-ижтимоий соҳага бевосита 3-5 изоҳлар дахлдор. Чунки, ўзаро боғлиқ ва узвий тартибда бўлган нарса, тузилма, ижтимоий, сиёсий ҳодисалар бирлиги, бирор иш фаолиятини ташкил этиш, амалга оширишнинг шакл тартиб-қоидалари мажмуи айнан иқтисодий-ижтимоий ҳаётимизда ўз ифодасини топади. Энди бевосита таҳлил сўзининг изоҳига диққатни қаратамиз.

[145] Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. IV. ЎзР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти. 2018. – 84-85 бетлар.

“Таҳлил” атамасига Ўзбек тилининг беш жилдлик изоҳли луғатида бир қанча изоҳ берилган. Ушбу атама араб тилидан келиб чиққан бўлиб, “тарқалиш, (куртак) ёзиш, текшириш, суриштириш, ҳал қилиш, очиш”[146] маъноларини англатади. Ушбу атамага учта изоҳ берилган. “1. Нарса, ҳодиса ва ш.к.ларни моҳият, қонуният ва б. жиҳатлардан текшириш, ўрганиш иши. 2. Бирор нарса, маълумот ва ш.к.ни маълум нуқтаи назардан ўрганиш, баҳолаш. 3. Бирор нарсанинг таркибини белгилаш ва унинг моҳиятини тадқиқ этиш”[147]. Кўриниб турибдики, ушбу изоҳлар бевосита иқтисодий-ижтимоий соҳага ҳам бевосита дахлдор. Чунки, нарса, ҳодиса, маълумот ва ш.к.ларни моҳиятини тадқиқ этиш, қонуният ва б. жиҳатлардан текшириш, маълум нуқтаи назардан ўрганиш, баҳолаш, бирор нарсанинг таркибини белгилаш каби масалалар бевосита ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизни илмий-назарий ва амалий жиҳатдан ўрганишга асос бўлади.

Кўриниб турибдики, тизим бир-бири билан ўзаро боғлиқ ҳодиса ва жараёнларни ўз ичига олса, таҳлил ушбу жараёнларни текшириш, маълум нуқтаи назардан ўрганиш, баҳолаш, бирор нарсанинг таркибини белгилаш каби масалаларни қамраб олади. Агар ушбу ҳолатлардан келиб чиқадиган бўлсак, тизимли таҳлил бевосита ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда содир бўлаётган ҳодиса ва жараёнларни текшириш, ўрганиш, баҳолаш, таркибини белгилаш кабилар билан боғлиқ ишлар мажмуидан иборатдир.

Ўзбекча-русча луғатда тизим сўзини система, деб аташни тавсия қилади. Шу билан бирга Ўзбек тилининг изоҳли луғатида система сўзи ўзбек тилида ҳам қўлланилиш қайд этилиб, унга ҳам тегишли тарзда изоҳлар берилган.

Ўзбек тилининг 5 жилдлик изоҳли луғатида “Система” атамасини юнон тилидан келиб чиққан бўлиб, “яхлит; қисмлардан таркиб топган”[148] маъноларни англатиши қайд этилган. Унга ушбу адабиётда 10 та изоҳ берилган. “1. Иш-ҳаракат, турли жараён ва ш.к.ларда қисмларнинг ўзаро жойланиши ва боғлиқлигидаги тарғибот, тизим. 2. Нарса, ҳодиса ва тушунчаларнинг таснифи. 3. Бирор таълимотда асос бўлган қоидалар, қарашлар, тамойиллар

[146] Ўша жойда – 40 бет.
[147] Ўша жойда. 40-41 бетлар
[148] Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. Ш. ЎзР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2018. – 526 бет.

мажмуи. 4. Бирор иш методлари, тартиб-усуллари мажмуи. 5. Қонуний тартибда жойлашган ва ўзаро узвий боғланган қисмлардан, элементлардан таркиб топган бутунлик. 6. Вазифаларга кўра бир хил ёки ташкилий жиҳатдан бир бутун бўлиб бирлашган ташкилотлар ёки муассасалар мажмуи. 7. Бир мақсад, айни бир иш, вазифани бажариш учун белгиланган маслама, машина, механизм ва шу.қ.дан таркиб топган яхлит техник қурилма. 8. Бирор ишни ташкил этиш, уюштириш ёки амалга ошириш шакли, принципи. 9. Ижтимоий тузум, ижтимоий қурилиш шакли.10. Меъёрий, одатий, мунтазам тусга кирган, шу тарзда амалга ошадиган иш-ҳаракат"[149].

Булардан кўриниб турибдики, система атамаси ҳаётимизнинг деярли ҳамма соҳасида қўлланилиб келинмоқда. Уни қайси соҳага зарур бўлса, қўллаш мумкинлиги аён бўлиб турибди.

Биз ўрганаётган фан рус тилида "Системный анализ", деб юритилса, ўзбек тилида "Тизимли таҳлил", деб аталади. Энди уни фан сифатида қараб, унинг мазмунини аниқлаш лозимдир.

1975 йилда нашр қилинган "Математика и кибернетика в экономике" номли Славарь-справочникда тизимли таҳлилга қуйидагича таъриф берган: "Тизимли таҳлил – тақдим қилинган ҳар қандай объектни тизим сифатида таҳлил орқали тадқиқ қилиш методологияси"[150] (таржима бизники – М.П.) сифатида қарайди. 1999 йилда Россия Федерациясида нашр қилинган "Большой экономичемкий словарь"да тизимли таҳлил атамаси келтирилмаган. Аммо системага қуйидагича таъриф берилган: "Система – ўзаро муносабатдаги кўплаб элементларнинг бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган яхлит ҳаракати" (таржима бизники – М.П.), деган таъриф келтирган. Бунга таҳлил тушунчасини киритган ҳолда тизимли таҳлил атамасининг таърифини ишлаб чиқиш мумкин бўлади. Худди шундай, Россия Федерациясида 2007 йилда нашр қилинган "Большая экономическая энциклопедия"да тизимли таҳлилга қуйидагича изоҳ берилган: "Тизимли таҳлил – кўп сонли усуллар ва воситалар орқали мураккаб объектлар, жараёнлар, кўп даражали ва кўп компонентли тизимларни ўзаро алоқадорлигига комплекс ёндашув асосида тадқиқ қилиш усули"[151] (таржима бизники – М.П.), дейилган. Ушбу таърифдан

[149] Ўша жойда. – 526 бет.

[150] "Математика и кибернетика в экономике". Славарь-справочник. Изд. 2-е, перераб. и доп. – М.: "Экономика", 1975. – 515 бет.

[151] Большая экономическая энциклопедия. М.: Эксмо, 2007. – 695 бет.

кўриниб турибдики, тизимли таҳлил объекти кўп сонли усуллар, воситалар, жараёнлар ва мураккаб объектлардан иборат. Шу туфайли уларни ўрганишга комплекс ёндошиш асосида тадқиқ қилиш лозимлиги қайд этилган.

Худди шундай, рус олими Л.И.Лопатников ҳам тизимли таҳлилнинг таърифига кенг тўхталган. Унинг фикрича: "Тизимли таҳлил деганда, тизимли характерга эга бўлган мураккаб объектларни тадқиқ қилишнинг умумий принципларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий фан тушунилади"[152] (таржима бизники – М.П.) дейилган. Бу ерда тизимли таҳлилга фан сифатида таъриф берилган.

Кўриниб турибдики, турли даврларда нашр қилинган фундаментал асарларда ҳам "Тизимли таҳлил" атамасининг таърифини изоҳлашда ҳар хил қарашлар мавжуд. Бу ҳам кўрсатмоқдаки, энг аввало, ушбу тушунчанинг бугунги кун талабидан келиб чиқиб ва ўзимизнинг иқтисодиётимизга мос ҳолда, унинг мукаммал таърифини ишлаб чиқиш лозим бўлмоқда.

Юқорида келтирилган таърифларга хос камчиликлар бизнинг фикримизча, қуйидагилардан иборат. Биринчидан, ҳаммасида тизимли таҳлилда мураккаб объектлар ва жараёнлар ўрганилиши қайд этилган. Аммо биз ўрганаётган фан бевосита иқтисодий-ижтимоий жараёнларга даҳлдор бўлганлиги учун, айнан ушбу мураккаб жараён ўз ифодасини топмаган. Иккинчидан, кўп сони усуллар ва воситалардан фойдаланилади, дейилган. Аммо улар нимага қаратилганлиги ҳам мавҳим. Учинчидан, тизимли таҳлилда жараёнлар, объектлар, предметлар бир-бири билан ўзаро боғлиқликда ва алоқадорликда бўлади. Тизим ҳам шу билан ўзига хос хусусиятга эга. Шу жиҳатдан, тизимли таҳлилда ўзаро алоқадорлик ва бир-бири билан боғлиқлик масаласи ҳам четда қолмаслиги керак. Ушбу камчиликларни инобатга олиб мазкур тушунчанинг таърифини қуйидаги таҳрирда тавсия қилмоқдамиз.

Тизимли таҳлил деганда, мураккаб иқтисодий-ижтимоий тизимлар, жараёнлар ва объектларни кўп сонли усуллар ва воситалар орқали, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигига комплекс ёндашув асосида тадқиқ қилиш усули тушунилади.

---

[152] Лопатников Л.И. Экономико-математический словарь. – М.: "Наука", 1987. – 323 бет.

Тизимли таҳлил таърифини қуйидагилар билан асослаш мумкин. Биринчидан, тизимли таҳлилда мураккаб иқтисодий-ижтимоий тизимлар, жараёнлар ва объектларнинг ўрганилиши кўзда тутилган. Иккинчидан оддий таҳлилда битта жараённи битта усул билан ўрганиш мумкин бўлса, тизимли таҳлилда ўрганиш учун кўп сонли усуллар ва воситалардан фойдаланилади. Учинчидан, мураккаб иқтисодий-ижтимоий тизимлар, жараёнлар ва объектларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигига комплекс ёндашув асосида тадқиқ қилинади. Шу тариқа тизимли таҳлил кенг қамровли жараёнларни кенг қамровли усул ва воситалар билан ўрганиш усули сифатида намоёна бўлади.

27.2. Тизимли таҳлил тарихига оид айрим далиллар

Навбатдаги масала тизимли таҳлилнинг объектив зарурлиги, вужудга келиш ва ривожланиш тарихи, предмети, объекти, бугунги кун талабидан келиб чиқадиган вазифалари, методи ва методологик асослари, унинг бошқа фанлар билан алоқадорлиги кабилардан иборатдир.

Тизимли таҳлил тарихидан айрим фактларга эътиборни қаратадиган бўлсак, Унинг биринчи бор АҚШда ҳарбий соҳани комплекс режалаштириш ва такомиллаштириш учун пайдо бўлган. Шу туфайли илк бор АҚШда ҳарбий-саноат комплексида қўлланилган. Сўнгра давлат идораларида бошқариш тизимини такомиллаштиришда ҳам фойдаланилган. Тизимли таҳлил кейинчалик Европага ва бошқа ривожланган мамлакатларга ҳам тарқалган.

Ўтган асрда социалистик тизимдаги давлатларга ҳам кириб келган. Уларда тизимли таҳлил халқ хўжалигини ривожлантириш, комплекс режалаштириш, прогнозлаштириш, тажриба-конструкторлик ва илмий-тадқиқот ишларида қўлланилди. Комплекс ривожлантириш табиатан мураккаб тизим бўлганлиги туфайли тизимли таҳлил асосан ушбу масалани ҳал қилишда самарали қўлланилди.

Тизимли таҳлил билан узоқ хорижий олимлардан Хоффер Дж.А., Джордж Ж.Ф., Валачич Ж.С., Systems Thinking, Gibson,

John E. кабилар[153] шуғулланган ва улар мазкур масала бўйича илмий асарларнинг илк муаллифлари ҳисобланади. XX1-асрда тизимли таҳлил рус ва ўзбек тилларида ҳам нашрдан чиқа бошлади. Рус олимларидан А.В.Антонов, В.С.Анфилатов, Ф.П.Тарасенко, А.А.Богданов, Л.И.Лопатников, кабилар [154] шуғулланган бўлса, ўзбекистонлик олимлардан С.Отамурадов, В.А.Каримова, А. Худайназаров кабилар[155] ҳам ушбу мавзуга оид асарларни нашрдан чиқаришга муваффақ бўлдилар. Бироқ уларнинг ҳаммаси турли соҳаларни ўрганишга қаратилганлигини инобатга олиш лозим.

Тизимли таҳлил қўлланилаётган умумий вазиятлар қуйидагилардан иборат:

- жуда катта ноаниқликлар мавжуд бўлганда турли муаммоларнинг аниқ ечимларини ишлаб чиқишда;
- илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишда аниқ ишланмалар ва тадқиқотларнинг стратегиясини белгилашда;
- маълум тизимга кириш, чиқиш, унинг чегарасини аниқ белгилашда;
- тизимнинг ҳаётийлигини, тараққиёти, ривожланиши ва амал қилишини аниқ белгилашда;
- тизим таркибида таҳлил қилинаётган тизимнинг ўрнини аниқлашда;
- тизимга кирган барча жараёнлар, объектлар, субъектлар фаолиятининг ҳаётийлиги ва самарадорлигини оширишда тегишли бошқарув қарорларини қабул қилишда. Ушбу умуммето-дологик ёндашувга асосланган ҳолда, иқтисодий-ижтимоий

---

[153] Хоффер Дж.А., Джордж Ж.Ф., Валачич Ж.С. Современный системный анализ и проектирование. – США.: Пиарсон эдукатион, 2002., Systems Thinking: Managing Chaos and Complexity, Jamshid Gharajedaghi, Butterworth Heinemann, Oxford, 1999., Gibson, John E. How to do systems analysis. - New Jersey: John Wiley & Sons, 2007.

[154] А.В.Антонов Системный анализ М.2002, Анфилатов В.С. и др. Системный анализ в управлении: Учеб. пособие / М.: Финансы и статистика, 2002, Антонов А.В. Системный анализ: Учеб. для вузов.- 3-е изд., стер. — М.: Высш. шк., 2008. – 454 с., Богданов А. А. Тектология: (Всеобщая организационная наука. В 2х кн.) / Редкол. Л. И. Абалкин (отв. ред.) и др. – М.: Экономика, 1989. Книга 1. – 304 с. Книга 2. – 351 с., Тарасенко Ф.П. Прикладной системный анализ: учебное пособие.- М.: КНОРУС, 2010, 224 с., Лопатников Л.И. Экономико-математический словарь. – М.: "Наука", 1987.

[155] Отамурадов С. Глобаллашув ва миллий – манавий хавфсизлик. Т. "Ўзбекистон", 2013., Каримова В.А. ва бошқалар. Тизимли таҳлил асослари. Дарслик. Т. Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2014, Худайназаров А. Тизимли таҳлил асослари / Дарслик. – Т.: ТДЮ, 2016. – 160 б.

жараёнларни ўз ичига олган мураккаб тизимни тадқиқ қилишда ҳам тизимли таҳлилдан фойдаланилади.

Тизимли таҳлил ҳамма соҳада ва ҳамма фанларда қўлланилади. Шу туфайли унинг умумий методологик асоси билан бирга, соҳалар бўйича ўзига хос хусусиятларга ҳам эга ҳолда ҳам изоҳланишини кузатиш мумкин. Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий соҳасида қўлланиладиган тизимли таҳлил методологик жиҳатдан бошқа соҳалар билан бир хил бўлгани билан, жуда кўп ўзига хос жиҳатлари ҳам мавжуд..

Тизимли таҳлил қўлланиладиган иқтисодий-ижтимоий жараёнлар ҳам ушбу фанда чуқур ўрганилади. Шу туфайли уларнинг аниқ йўналишларини ва объектларини аниқ белгилаб олишни тақозо қилади. Тизимли таҳлил қўлланиладиган иқтисодиёт бўғинларига қуйидагилар киради:

макро- иқтисодиёт даражаси (тизимга бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган мураккаб бутун мамлакат иқтисодиёти киради);

мезо- иқтисодиёт даражаси (тизимга алоҳида тармоқлар иқтисодиёти киради);

микро-иқтисодиёт даражаси (ушбу тизимга турли мулк шаклида фаолият кўрсатадиган алоҳида хўжалик юритувчи субъектлар киради).

Ушбу бўғинда содир бўлаётган мураккаб жараёнлар бир-бири билан ўзаро боғлиқ ҳолда қаралади. Тизимли таҳлилнинг иқтисодий таҳлилга нисбатан ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, иқтисодий таҳлилда иқтисодий жараёнлар алоҳида-алоҳида ўрганилади ва ҳамма жиҳатлари ўрганилиб, сўнгра улар умумлаштирилади. Тизимли таҳлилда эса, ушбу жараёнлар бир вақтнинг ўзида комплекс ўрганилади. Шу туфайли тизимли таҳлилда математик усуллардан ва математик моделлардан кенг фойдаланилади.

Такрорлаш ва ўзини-ўзи назорат қилиш учун саволлар

1. Тизимли таҳлил фанининг назарий масалалари.
2. Тизимли таҳлилнинг мазмуни бўйича турли қарашлар.
3. Тизимли таҳлил бўйича муаллифнинг таърифи.
4. Тизимли таҳлилнинг тарихига ва вужудга келган жойи.

5. Тизимли таҳлил қўлланиладиган иқтисодий-ижтимоий жараёнлар.

Калит сўзлар:

тизимли таҳлил, тизим, система, атама, иқтисодий-ижтимоий жараёнлар, мураккаб жараёнлар, мураккаб тизимлар, макро иқтисодиёт, мезо иқтисодиёт, микро иқтисодиёт.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Абдукаримов И.Т., Абдукаримова Л.Г., Смагина В.В. Анализ финансово хозяйственной деятельности предприятия. Учебное пособие. Тамбов. Издательский дом ТГУ, 2005.-604 бет.

Абдукаримов И.Т., Абдукаримова Л.Г., Смагина В.В. Анализ финансово хозяйственной деятельности предприятия. Учебное пособие. 2-е изд. Тамбов. Издательский дом ТГУ, 2008.-667 бет.

Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари. Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 1998.- 96 бет.,

Абдукаримов И.Т., Исҳоқова С.А., Мардонова А.Т. Молиявий менежмент. Самарканд, СамДУ, 2001.- 78 бет.

Абдукаримов И.Т., Абдукаримова Л.Г., Смагина В.В. Оценка и анализ собственных и привличённых средств предприятия. Тамбов. ТГУ., 2004.-150 бет.

Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик –Т.: «Фан», 2005. – 288 бет.

Абдукаримов Б.А., Бектемиров А.Б., Пардаев М.Қ., Салимов Ш.С., Шавқиев Э.Ш., Абдукаримов Ф.Б. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. 2-нашри. –Т.: “Фан ва технология”, 2013. – 368 бет.

Абдукаримов И.Т. Оценка и анализ финансового состояния предприятия. – Тамбов. 2001. – 75 бет.

Абдукаримов И.Т., Пардаев М.К. Турфирмалар молиявий-хўжалик фаолияти таҳлили. Самарқанд, СамИСИ, 2011. – 210 бет.

Абдукаримов И.Т. Смагина В.В. Долгосрочных активы, методы их анализа и оценка. Тамбов, ТГУ, 2002. – 124 бет.

Абдуллаев Ё., Иброхимов А., Рахимов М. Иқтисодий таҳлил: 100 савол ва жавоб. Т.: «Меҳнат», 2001.- 320 бет.

Акбарова З. Меҳнат статистикаси. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2014. – 112 б.

Акрамов Э.А. Анализ финансового состояния предприятия. Т.: 2000.-169 бет.,

Акрамов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили.- Т.: «Молия», 2003.- 224 бет.,

Анализ экономики. Страна, рынок, фирма. Под ред. Проф. В.Е.Рыбалкина. Учебник. М.: Международ. отношения, 1999. – 304 с.

Артёменко В.Г., Анисимова Н.В. Экономический анализ. Учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2011. – 288 с.

Ахмаджонов Х.И., Рахимов М.Ю. Молиявий таҳлил. Ўқув қўлланма. Т.: ТМИ, 2004.- 160 бет.,

Аҳмаджонов, Х.И., Ишанкулов Н.Ф. “Молиявий ва бошқарув таҳлили” фанидан масалалар тўплами. Т.: ТМИ, 2006.-8,7 б.т. – 134 бет.

Баканов М.И., Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. Учебник. М.: Финанс и статистика, 1981, 1987, 1993, 1994, 1996, 2000. – 416 бет.

Банк В.Р., Банк С.В., Тараскина А.В. Финансовый анализ: учуб. пособие. – М.: Проспект, 2009. – С. 24-34.

Абдукаримов И.Т., Абдукаримова Л.Г., Смагина В.В. Анализ финансово хозяйственной деятельности предприятия. Учебное пособие. 2-е изд. Тамбов. Издательский дом ТГУ, 2008.-667 бет.

Абдуллаев Ё., Иброхимов А., Рахимов М. Иқтисодий таҳлил: 100 савол ва жавоб. –Т.: «Меҳнат», 2001.- 320 бет.

Акрамов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили.- Т.: «Молия», 2003.- 224 бет.,

Бариленко В.И., Бердников В.В., Бородина Е.И. Экономический анализ. Учебник. – М.: Эксмо, 2010. – 352 с.

Басовский Л.Е. Теория экономического анализа: учеб. пособие. – М.: ИНФРА-М, 2001 – 222 бет.

Бернстайн Л. Анализ финансовой отчетности. Теория и практика. Пер. с англ. М.: Финанс и статистика, 1996.

Бочаров В.В. Финансовый анализ. Краткий курс. 2-е изд. - СПб.: Питер, - 240 с.

Вахабов А., Иброҳимов А., Ишанкулов Н. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Дарслик. –Т.: «Шарқ», 2005.- 480 бет.,

Вахабов А., Иброҳимов А. Молиявий таҳлил. Дарслик. Т.: «Шарқ», 2002.- 224 б.

Вахабов А.В., Иброҳимов А.Т., Якубов У.К. Бошқа тармоқларда иқтисодий таҳлилнинг хусусиятлари. Ўқув қўлланма. Т.: ТМИ, 2004.- 148 бет.,

Вахабов А., Иброҳимов А. Хакимов Б. Иқтисодий таҳлил назарияси. Ўқув қўлланма. Т.: ТМИ, 2003.- 176 бет.,

Волжин И.О., Эргашбоев В.В. Молиявий таҳлил. Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 1998.- 254 бет.

Гаврилова С.С. Экономический анализ. М.: Эксмо, 2006. – 144 с.

Галицкая С.В. Финансовый менежмент. Финансовый анализ. Финансы предприятий: учебное пособие. – М.: Эксмо, 2008. – 652 с.

Герасимова В.Д. Анализ и диагностика производственной деятельности предприятий (теория, методика, ситуации, задания): учебное пособие 4-е изд., перераб. и доп. – М.: КНОРУС, 2008.- 256 с.

Гинзбург А.И. Экономический анализ. Учебник. – СПб.: Питер, 2003.- 480 с.

Гинзбург А.И. Экономический анализ. Учебник. 2-е изд. перераб и доп. – СПб.: Питер, 2008.- 528 с.

Гинзбург А.И. Экономический анализ для руководителей малых предприятий. – СПб.: Питер, 2007.- 224 с.

Гладкий А.А. Бухучет и финансы для руководителей и менеджеров. – СПб.: Питер, 2007.- 240 с.

Гоовой отчет – 2005 / Гадоев Э.Ф., Ҳайдаров Ш.У., Ким Л.А.и др. Т.: Изд. дом “Мир экономики и право”. 2005. – 432 бет.

Ергешев Е. Иқтисодий ва молиявий таҳлил. Дарслик. Т.: “Консаудитинформ-Нашр” нашриёти, 2005.-346 бет.,

Есипов В.Е., Маховиков Г.А., Терехова В.И. Оценка бизнеса. 2-е изд. – СПб.: Питер, 2008.- 464 с.

Ибрагимов А.Т., Раҳимов М.Ю. Бошқарув таҳлили. Ўқув қўлланма. Т.: ТМИ, 2004.- 104 бет.,

Иброҳимов А. Молиявий таҳлил. –Т.: «Меҳнат», 1995.- 60 бет.,

Иваненко А.Ф. Анализ хозяйственной деятельности на железнодорожном транспорте. Учебник. – М.: Маршрут, 2004. – 568 с.

Ионова А.Ф., Селезнева Н.Н. Финансовый анализ. Учебник. – М.: Проспект, 2011. – 624 с.

Исроилов Ж.И. Тадбиркорлик субъектларида товарларни ишлаб чиқариш ва сотишни таҳлил қилиш усуллари. (Услубий тавсия). Самарканд. СВТИЧТП, 2004.- 38 бет.

Исаев Р.А., Ҳасанов Б.И., Аликулов А.И. Пахта тозалаш корхоналари хўжалик фаолияти таҳлили. – Т.: ‘Fan va texnologiya’, 2008. – 220 бет.

Исроилов Б.И. Мол-мулкни солиққа тортиш, солиқ ҳисоби ва уни таҳлил қилиш йўллари. –Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 2005.- 40 бет.,

Комплекснқй экономический анализ предприятия / Под ред. Н.В.Войтоловского, А.П.Калининой, И.И.Мазуровой.. – СПб.: Питер, 2009.- 576 с.

Когденко В.Г. Экономический анализ. Учеб. Пособие. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2009.-288-295 с.

Крылов Э.И., Власова В.М., Журавкова И.В. Анализ эффективности инвестиционной и инновационной деятельности предприятия. М.: Финансы и статистика, 2003.- 609 бет.

Любушин Н.П. Анализ финансового состояния организации: учебное пособие. – М.: Эксмо, 2007. – 256 с.

Максютов А.А. Экономический анализ. М.: Единство, 2005.- 544 бет.

Маркарьян Э.А. Финансовый анализ. : учеб. пособие / Э.А. Маркарьян, Г.П.Герасименко, С.Э. Маркарьян. – 7-е изд., перераб. и доп. – М.: КНОРУС, 2009. – 264 с.

Маркарьян Э.А. Экономический анализ хозяйственной деятельности. : учеб. пособие / Э.А. Маркарьян, Г.П.Герасименко, С.Э. Маркарьян. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: КНОРУС, 2010. – 536 с.

Палий В.Ф. Новая бухгалтерская отчетность: содержание методика анализа. М.: Журнал “Контроллинг”, 1991.- 64 б.

Пардаев М.Қ., Ҳасанов Б.А., Исроилов Ж.И., Пулатов М.Э., Эшбоев Ў.Т., Холиқулов А.Н. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: “Чўлпон” нашриёти, 2012.- 400 бет.

Пардаев М.Қ. Ҳасанов Б.А., Махсудов Б.И., Зулунова Д.А. Функционал-қиймат таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: «Чўлпон» нашриёти, 2012.- 200 бет.

Пардаев М.Қ. Исроилов Б.И., Исроилов Ж.И. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган усуллар. Ўқув қўлланма. – Т.: ЎзР Солиқ академияси, 2012.- 112 бет.

Пардаев М.Қ. Исроилов Б.И. Солиқлар таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: ЎзР Солиқ академияси, 2007.- 100 бет.

Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Турфирмалар молиявий-хўжалик фаолияти таҳлили. Маърузалар курси. – Самарканд, СамКИ, 2011.- 212 бет.

Пардаев М.Қ., Рахимов Ҳ.А. Турфирмаларда молиявий натижалар таҳлили. Рисола – Т.: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2012. – 64 бет.

Пардаев М.К. Молиявий таҳлил метоологияси. Самарканд, СамКИ, 1996.- 155 б.

Пардаев М.К. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик. Самарканд, “Зарафшон” нашриёти, 2001. - 272 б.

Пардаев М.К., Исроилов Б.И. Молиявий таҳлил. Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 1999.- 356 б.

Пардаев М.К., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. Монография. 1-кисм. Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 2001.- 176 бет.,

Пардаев М.К., Исроилов Б.И. Иктисоий таҳлил. Монография. 2-кисм. Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 2001.- 256 бет.,

Пардаев М.К., Абдукаримов И.Т., Исроилов Б.И. Иктисоий таҳлил. Ўқув қўлланма. Т.: “Меҳнат” нашриёти, 2004.- 486 бет.,

Пардаев М.К. Лойиҳа таҳлили. Ўқув қўлланма. Самарканд, СамКИ, 2001.- 171 бет.,

Пардаев М.К., Абдукаримов Б.А. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. Маъруза матни. Смарканд: СамИСИ, 2002.- 196 бет.,

Пардаев М.К., Абдукаримов И.Т., Исроилов Б.И.Корхонанинг иқтисодий салохияти таҳлили. Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 2003.- 256 бет.

Пардаев М.Қ., Шоалимов А.Х., Исроилов Ж.И. Пардаев И.Р. Бошқарув таҳлили. Ўқув қўлланма. Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 2005.- 328 бет.

Пардаев М.Қ., Шоалимов А.Х., Исроилов Ж.И. Пардаев И.Р. Бошқарув таҳлили. Маърузалар курси. Самарканд. СамДУ. 2004.- 256 бет.

Пардаев М.К., Абдукаримов И.Т., АбдиевА.А., Исроилов Б.И. Корхоналарда молиявий ҳисоботлар таҳлили. Самарқанд: СамИСИ, 2007. – 12,1 б.т. – 194 бет.,

Пардаев М.К., Исроилов Ж.И. Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари. Монография. Т.: ‘Fan va texnoloqiya’, 2007. – 164 бет.

Пардаев М.К., Зулунова Ф.А. Функционал қиймат таҳлили. Самарқанд: СамИСИ, 2007. – 12,1 б.т. – 194 бет.

Пардаев М.Қ., Абдиев А.А., Холикулов А.Н. Лойиҳа таҳлили. Самарқанд, 2007.- 224 б.

Пардаев М.Қ., Абдиев А.А., Холикулов А.Н. Иқтисодий таҳлил. Самарқанд, 2007.- 264 б.

Пардаев М.К., Исроилов Ж.И., Ғаппаров А.Қ. “Молиявий таҳлил - 2”: Хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий таҳлилни такомиллаштириш муаммолари. Самарқанд: СамИСИ, 2008.-36 бет.

Пардаев М.К., Аминов З.Ю. Корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги ва уни таъминлаш йўллари. Рисола. Самарканд. Зарафшон. 2008.- 47 б.

Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И., Аминов З.Ю., Пардаев О.М. Енгил, озиқ-овқат саноати ва қурилиш индистуриясининг ривожланиши. Рисола. Тошкент: “NOSHIRLIK YOG’DUSI” нашриёти, 2009. – 20 б. – 1,25 б.т.

Пардаев М.Қ., И.Т.Абдукаримов, Ж.И.Исроилов ва Исроилов Б.И. Корхоналарда молиявий ҳисоботлар таҳлили. Ўқув қўлланма. Тошкент: ЎзР Солиқ Академияси, 2009. – 76 б. – 4,75 б.т..

Пардаев, М.Қ., Асланова Д.Х., Исоқова С.А. Ёшларнинг бандлигини таъминлашда маҳалланинг ўрни. Рисола. Самарқанд, “Зарафшон” нашриёти, 2009. – 1,0 б.т.

Пардаев, М.Қ., Асланова Д.Х., Исоқова С.А. Маҳалланинг ёшларни иш билан таъминлашдаги роли. Самарқанд: “Zarafshon” нашриёти, 2008. – 28 б. – 1,75 б.т.

Пардаев, М.Қ., Асланова Д.Х., Исоқова С.А. Ёшларнинг бандлик даражаси ва уларнинг омилли таҳлили. Самарқанд: “Zarafshon” нашриёти, 2008. – 48 б. – 3,0 б.т.

Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И., Пардаев О.М., Сафаров Ф.А. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили. Самарқанд, СамИСИ, 2013. – 196 бет. – 12,25 б.т..

Пардаев М.Қ., Бердикулова И.Р., Пардаев О.М., Маркетинг тадқиқотида статистик таҳлил. Самарқанд, СамИСИ, 2013. – 144 бет. – 9,0 б.т..

Пардаев М.Қ., Сафаров Ф.А., Пардаев О.М. Меҳмонхона хўжалиги фаолияти таҳлили. 1-қисм. Маъруза курси. Самарқанд, СамИСИ, 2014. – 152 бет. – 9,5 б.т..

Пардаев М.Қ., Сафаров Ф.А., Пардаев О.М. Меҳмонхона хўжалиги фаолияти таҳлили. 2-қисм. Маъруза курси. Самарқанд, СамИСИ, 2014. – 156 бет. – 9,75 б.т.

Пардаев М.Қ., Холикулов А.Н. Иқтисодиёт субъектларида омилли таҳлилни такомиллаштириш. Монография. – Т.: “Наврўз” нашриёти, 2014. – 240 б.

Пардаев М.Қ., Пўлатов М.Э., Бердикулова И.Р., Пардаев О.М., Маркетинг тадқиқотида статистик таҳлил. Самарқанд, СамИСИ, 2015. – 312 бет.

Пласкова Н.С. Экономический анализ: учебник. 3-е изд.нерераб. и доп. - М.: Экасмо, 2009. – 704 с.

Рахимов М. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлил. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2013- 392 бет.

Романова Л.Е., Давыдова Л.В., Коршунова Г.В. Экономический анализ. Учебное пособие. – СПб. Питер, 2011.- 336 с.

Сагдуллаева З.А., Рашидова Ш.А., Ишанкулов Н.Ф. Управленческий и финансовый анализ. Сборник задач. Т.: ТФИ, 2004.- 73 бет.

Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. Учеб. пособие.- Минск ООО “Новое знание” 2000 – 688 бет.

Тулаходжаева М.М. Аудит финансового состояния предприятия. Т.: Изд. дом “Мир экономики и право”. 1996. – 192 бет.

Тўйчиев А.Ж. Мажбуриятлар ҳисоби ва таҳлилининг назарий-методологик муаммолари. Монография.- Т.: “IQTISOD-MOLIYA”.2010. -295 б.

Управление финансовым состоянием организации (предприятия) : Учебное пособие / Под общ. ред. д-ра экон. наук, проф. Э.А.Крилова, д-ра экон. наук, проф. В.М.Власовой, канд. экон. наук, И.В.Ивановой. - М.: Экасмо, 2007. – 416 с.

Хасанов Н., Нажбиддинов С. Корхона молиявий ҳолатини баҳолаш: муаммолар ва уларни ҳал қилиш. Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 1999.- 224 бет.

Хасанов Н., Югай Л. Финансовое оздоровление предприятия: методы анализа и оценки. Т.: Изд. дом “Мир экономики и право”. 2001. – 192 бет.

Холмўминов Ш.Р., Хакимов Х.М., Боқиева И.А., Аллаева М.А.,Маҳкамбоев А.Т. Меҳнат кўрсаткичлари таҳлили. –Ўқув қўлланма.. – Т.: ТДИУ, 2004. – 112 б.

Финансовый анализ деятельности фирмы. М.: Совместное советско-американское предприятие «Крокус Интернэшнл», 1993.-240 бет.

Федеральный закон «О несостоятельности (банкротстве)» (по состоянию на 1 апреля 2008 года). – Новосибирск: Сиб. унив. изд-во, 2008. – 141 с.

Черняк В.З. Финансовый анализ: учебник. – 2-е изд.-М.: Издательство “Экзамен”, 2007. – 414 с.

Чиркова М.Б., Коновалова Е.М., Малицкая В.Б. Анализ хозяйственной деятельности организации: сборник заданий и тестов : учеб. пособие. М.: Эксмо, 2008. – 160 с.

Чиркова М.Б. Учет и анализ банкротство: учеб. пособие / М.Б.Чиркова, В.Б.Малицкая, Е.М.Коновалова. – М.: Эксмо, 2008. – 240 с.

Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. Учебник. . – М.: ИНФРА-М, 2002 –333 бет.

Шеремет А.Д., Сайфулин Р.С., Негашев Е.В. Методика финансового анализа. . – М.: ИНФРА-М, 2000 – 208 бет.,

Шоалимов А.Х., Тожибоева Ш.А. Бошқарув таҳлили. Ўқув қўлланма. Т.: ТДИУ, 2003.- 140 бет.,

Шоалимов А.Х., Тожибоева Ш.А. Иқтисодий таҳлил назарияси. Т.: ТДИУ, 2004.- 91 бет.,

Шоалимов А.Х., Тожибоева Ш.А. Бошқарув таҳлили. Маърузалар матни. Т.: ТДИУ, 2004.- 140 бет.,

Шогиясов Т.Ш., Сагдиллаева З.А., Файзиев Б.В. Финансовый и управленческий анализ. Учебник.- Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2008.- 352 с.

Шогиясов Т.Ш. Комплекс иқтисодий таҳлили. Ўқув қўлланма. - Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2009.- 218 с.

Экономический анализ: Основы теории. Комплексный анализ хозяйственной деятельности организаций: учебник./ Под ред. Проф. Н.В.Войтоловского, проф. А.П.Калининой, проф. И.И.Мазуровой. 2-е изд. Перераб. и доп.- М.: Высшее образование, 2008. - 513 с.

Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисида”ги қонуни // Ф.Х.Отахонов ва бошқалар. – Т.: “Шарқ”, 2013. – 928 бет.

Қудратов Ғ.Ҳ., Пардаев М.Қ., Худайбердиев У.Х., Пардаева О.М. Оилавий корхона иқтисодиёти. – Т.: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2012. – 232 бет.

Қудратов Т.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Лекциялар курси. Самарканд, СамҚХИ. 2004. – 107 бет.

Қудратов Т.Қ., Ф.Жонибеков, Қудратова О. Фермер хўжалиги фаолиятининг иқтисодий таҳлили. (Услубий қўлланма). Самарканд, СамҚХИ. 2006. – 140 бет.

Диссертация ва авторефератлар

Пардаев М.Қ.Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида иқтисодий таҳлилнинг назарий ва методологик муаммолари. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. Т.: Банк-молия академияси., 2002.- 44 б.,

Тўйчиев А.Ж. Мажбуриятлар ҳисоби ва таҳлилининг назарий-методологик муаммолари. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Т.: Банк-молия академияси., 2011.- 36 б.

МУНДАРИЖА

КИРИШ..... 3

I-қисм. ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

1-боб. ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИНГ ЗАРУРЛИГИ, ПРЕДМЕТИ, ОБЪЕКТИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА КОРХОНАНИ БОШҚАРИШДАГИ РОЛИ

1.1. Иқтисодий таҳлилнинг объектив зарурлиги..... 7

1.2. Иқтисодий таҳлил предмети таърифи бўйича турли олимлар қарашлари..... 11

1.3. Иқтисодий таҳлил фани предметига ўзбекистонлик олимларнинг берган таърифлари талқини..... 20

1.4. Иқтисодий таҳлил фани предметининг таърифи.... 24

1.5. Иқтисодий таҳлилнинг объекти..... 26

1.6. Иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш ва инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида иқтисодий таҳлилнинг вазифалари..... 28

1.7. Иқтисодий таҳлил фанининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги..... 34

1.8. Иқтисодий таҳлилнинг корхоналарни бошқаришдаги ўрни..... 46

2-боб. ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИНГ МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ ВА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИГА МОСЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

2.1. Иқтисодий таҳлилнинг миллий истиқлол ғояси ва Ҳаракатлар стратегиясидан келиб чиқадиган ўзига хос хусусиятлари..... 53

2.2. Иқтисодий таҳлилнинг Ўзбекистон иқтисодий тараққиёт йўлининг “Ўзбек модели” ва “Ҳаракатлар стратегияси”ни ўзида ифода этиш масалалари..... 61
2.3. Иқтисодий таҳлилнинг мазмунига озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиб, халқни рози қилишдек узоқ муддатга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси” мазмунини сингдириш.. 69
2.4. “Ҳаракатлар стратегияси” да белгиланган вазифаларни ҳал қилишда иқтисодий таҳлилнинг роли ва ўрни..... 75
2.5. Иқтисодиётни ривожлантиришнинг янги босқичида иқтисодий таҳлилни олий ўқув юртларида ўқитиш масалалари..... 79
2.6. Иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш натижасида стратегик ривожлантириш шароитида иқтисодий таҳлилни такомиллаштириш йўналишлари..... 81

3-боб. ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

3.1. Иқтисодий таҳлилнинг фан сифатида шаклланиш элементлари ва ривожланиш босқичлари..... 87
3.2. Иқтисодий таҳлилнинг фан сифатида шаклланиши ва ривожланиши..... 93
3.3. Иқтисодий тахлил фанининг Ўзбекистонда яратилиш тарихи..... 96
3.4. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида иқтисодий таҳлил фанининг ривожланиш тарихи..... 107
3.4.1. Иқтисодий таҳлил ва унинг назарияси бўйича қилинган ишларнинг қисқача тавсифи..... 107
3.4.2. Молиявий таҳлил ва унинг методологик асосини ёритиш бўйича қилинган ишларнинг қисқача тавсифи..... 111

3.4.3. Бошқарув таҳлили ва унинг методологик асосини ёритиш бўйича қилинган ишларнинг қисқача тавсифи..... 112
3.4.4. Молиявий ва бошқарув таҳлили ҳамда унинг методологик асосини ёритиш бўйича қилинган ишларнинг қисқача тавсифи..... 113
3.4.5. Лойиҳа таҳлил ва унинг методологик асосини ёритиш бўйича қилинган ишларнинг қисқача тавсифи 114
3.4.6. Функционал қиймат таҳлили иқтисодий таҳлилнинг шакли эканлиги ва унинг ўзига хос хусусиятлари..... 115
3.4.7. SWOT таҳлил ва унинг таҳлил тизимидаги ўрни.... 120
3.4.8. Таҳлил фани алоҳида соҳаларининг методологик асосини ёритиш бўйича қилинган ишларнинг қисқача тавсифи..... 123
3.5. Ўзбекистон Республикасида иқтисодий таҳлилнинг ривожланиш йўналашлари..... 125
3.6. Ўзбекистонда шаклланган иқтисодий таҳлил мактаблари..... 127

4-боб. ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИНГ МЕТОДИ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

4.1. Иқтисодий таҳлил методининг мазмуни бўйича турли қарашларнинг назарий талқини..... 130
4.2. Иқтисодий таҳлилнинг методи бўйича XXI асрдаги олимлар фикрлари..... 139
4.3. Иқтисодий таҳлил методологияси ва унинг таснифи..... 144
4.4. Иқтисодий таҳлил методологияси тавсифи..... 147

5-боб. ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН КЎРСАТКИЧЛАР, УЛАРНИ ТАСНИФЛАШ, ТАВСИФЛАШ ВА АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ

5.1. Иқтисодий кўрсаткичлар ва уларнинг таҳлилда қўлланилиши..... 153
5.2. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган кўрсаткичларнинг функциялари..... 158
5.3. Кўрсаткичларнинг таснифлаш белгилари..... 161
5.4. Кўрсаткичларни мазмуни бўйича таснифлаш..... 162
5.5. Кўрсаткичларни фойдаланиш доираси бўйича таснифлаш..... 163
5.6. Кўрсаткичларнинг ифодаланиш шакли бўйича таснифи 165
5.7. Кўрсаткичларни умумлаштириш даражаси бўйича таснифлаш 166
5.8. Кўрсаткичларнинг шаклланиш усули бўйича таснифлаш 168
5.9. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган кўрсаткичларни корхоналар хўжалик фаолиятини баҳолаш нуқтаи назаридан таснифлаш..... 172
5.10. Корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичларнинг алоҳида гуруҳлари бўйича таснифи ва уларни такомиллаштириш масалалари..... 174

6-боб. ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН АХБОРОТЛАР ВА УЛАРДАН ТАҲЛИЛДА ФОЙДАЛАНИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

6.1 Иқтисодий таҳлил ва унда қўлланиладиган ахборотларнинг бир-бири билан боғлиқлик тамойиллари..... 183

6.2. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган ахборотлар тизими..... 191
6.3. Корхоналарнинг молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботини такомиллаштириш..... 198

7-боб. ОМИЛЛИ ТАҲЛИЛИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

7.1. Омилли таҳлил ва унинг асосий элементлари..... 202
7.2. Корхонанинг иқтисодий кўрсаткичларига таъсир этувчи омилларнинг таснифий белгилари 206
7.3. Натижага таъсир қилувчи омилларни моҳияти жиҳатидан таснифлаш..... 207
7.4. Натижага таъсир қилувчи омилларни таъсир қилиш вақти бўйича таснифи..... 210
7.5. Натижа ўзгаришига омилларнинг таъсир қилиш даражаси бўйича таснифи..... 211
7.6. Натижа ўзгаришига омилларнинг таъсир қилиш характери бўйича таснифи..... 214
7.7. Натижа ўзгаришига омилларнинг ҳодиса ва жараёнларни ифода этиши бўйича таснифи..... 217
7.8. Натижа ўзгаришига омилларнинг ўлчаш имкониятининг мавжудлиги бўйича таснифи..... 219
7.9. Натижа ўзгаришига омилларнинг деталлаштириш даражаси бўйича таснифи..... 221
7.10. Натижа ўзгаришига омилларнинг корхона фаолиятига боғлиқлиги бўйича таснифи..... 224

8-боб. ОМИЛЛИ ТАҲЛИЛДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН УСУЛЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФИ

8.1. Омилли таҳлил тўғрисида умумий тушунча ва унинг мазмуни 231

8.2. Иқтисодий таҳлилда натижа кўрсаткичи ўзгаришига омиллар таъсирини аниқлашда қўлланиладиган усуллар таснифи 233

9-боб. ТАҲЛИЛ ЖАРАЁНИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН МУВОЗАНАТ УСУЛИ, УНИНГ МОҲИЯТИ, ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АМАЛГА ОШИРИШ УСЛУБИЁТИ

9.1. Таҳлил жараёнида қўлланиладиган мувозанат усулининг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари..... 239
9.2. Мувозанат усулини амалга ошириш услубиёти..... 241
9.3. Таҳлил жараёнида қўлланиладиган мувозанат усулини амалга ошириш услубиётининг математик ифодаси..... 243

10-боб. ТАҲЛИЛ ЖАРАЁНИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ҚАЙТА ҲИСОБЛАШ УСУЛИ, УНИНГ МОҲИЯТИ, ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АМАЛГА ОШИРИШ УСЛУБИЁТИ

10.1. Таҳлил жараёнида қўлланиладиган қайта ҳисоблаш усулининг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари 245
10.2. Қайта ҳисоблаш усулини амалга ошириш услубиёти..... 246
10.3. Таҳлил жараёнида қўлланиладиган қайта ҳисоблаш усулининг математик ифодаси..... 253

11-боб. ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИНГ ЗАНЖИРЛИ АЛМАШТИРИШ УСУЛИ

11.1. Таҳлил жараёнида фойдаланиладиган занжирли алмаштириш усулининг мазмуни ва унинг қўлланилиш услубиёти..... 256

11.2. Натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик касрли бўлганда ва учта омил иштирок этганда занжирли алмаштириш усулларидан фойдаланиш услубиёти 261
11.3. Натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик касрли бўлганда ва натижага тўртта омил таъсир қилганда занжирли алмаштириш усулидан фойдаланиш..... 264
11.4. Натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик мультипликатив боғлиқ бўлган шароитида занжирли алмаштириш усулидан фойдаланиш услубиёти..... 270
11.5. Натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик мультипликатив бўлиб, уларнинг сони бешти бўлганда занжирли алмаштириш усулидан фойдаланиш йўллари..... 272
11.6. Натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик мультипликатив бўлганда ва натижага олтита омил таъсир қилганда занжирли алмаштириш усулидан фойдаланиш услубиёти..... 276
11.7. Натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик тўртта бўлганда занжирли алмаштириш усулининг амалиётда қўлланилиши..... 282
11.8. Занжирли алмаштириш усулининг қўлланилишини формулаларда ифодалаш услубиёти..... 289

12-боб. ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ИНДЕКС УСУЛИ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

12.1. Индекс усули, ундан фойдаланишнинг аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари 292

12.2. Натижа ва омиллар ўртасида боғлиқлик мультипликатив бўлганда ва улар ўртасидаги боғлиқлик кўпомилли бўлганда индекс усулидан фойдаланиш услубиёти 295
12.3. Натижа билан омиллар ўртасида боғлиқлик мультипликатив бўлиб, омиллар сони кўп бўлганда индивидуал индексдан фойдаланиш йўллари..... 298
12.4. Индекс усулидан амалиётда фойдаланиш методологик асослари 300
12.5. Индекс усулининг турлари ва улардан фойдаланиш йўллари..... 306

13-боб. ТАҲЛИЛДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ФАРҚЛИ УСУЛНИНГ МОҲИЯТИ, ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ УСЛУБИЁТИ

13.1. Таҳлил жараёнида қўлланиладиган фарқли усулнинг мазмуни ва ундан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари 308
13.2. Фарқли усулдан фойдаланиш услубиёти ва унинг турли йўналишлари..... 309
13.3. Фарқли усулнинг турли кўринишида омиллар таъсирини аниқлаш услубиёти..... 316

14-боб. ТАҲЛИЛ ЖАРАЁНИДА НИСБИЙ КЎРСАТКИЧЛИ УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ УСЛУБИЁТИ

14.1. Таҳлил жараёнида қўлланиладиган нисбий кўрсаткичли усулларнинг мазмуни ва ўзига хос хусусиятлари..... 319
14.2. Нисбий кўрсаткичли усулларни амалга ошириш услубиёти..... 320

15-боб. ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛДА ИНТЕГРАЛ УСУЛДАН ФОЙДАЛАНИБ ОМИЛЛАР ТАЪСИРИНИ ҲИСОБЛАШ ЙЎЛЛАРИ

15.1. Иқтисодий таҳлилда интеграл усулдан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари 325

15.2. Иқтисодий таҳлилда интеграл усулдан натижага иккита омил таъсир қилганда фойдаланиш услубиёти 326

15.3. Иқтисодий таҳлилда интеграл усулдан натижага учта омил таъсир қилганда фойдаланиш услубиёти 328

15.4. Интеграл усулнинг айрим турлари бўйича омилларни аниқлаш бўйича формулалар 332

16-боб. ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛДА ТЕНГ ТАҚСИМЛАШ УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

16.1 Иқтисодий таҳлилда тенг тақсимлаш усулини қўллаб таҳлил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари ва ушбу коэффициентни аниқлаш усубиёти..... 336

16.2. Тенг тақсимлаш коэффициентидан натижа ўзгаришига учта омил таъсир қилганда фойдаланиш йўллари..... 339

16.3. Иқтисодий таҳлилда натижа ўзгаришига бир қанча омиллар таъсир қилганда тенг тақсимлаш коэффициенти усулидан фойдаланиб таҳлил қилиш йўллари..... 345

16.4 Тенг тақсимлаш коэффициенти усулидан турфирмалар амалиётида фойдаланиш йўллари..... 352

17-боб. ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАРНИНГ ТИПЛАРИ

17.1. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган математик моделлар типларининг ўзига хос хусусиятлари..... 356

17.2. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган математик моделлар типларининг турли шакллари..... 359

18-боб. ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ЖАРАЁНИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАРНИНГ УСУЛЛАРИ

18.1. Иқтисодий таҳлил жараёнида қўлланиладиган математик моделлар усулларининг мазмуни ва ўзига хос хусусиятлари..... 364

18.2. Математик моделлар усулларини амалга ошириш услубиёти..... 366

18.3. Стахостик боғлиқликлар тўғрисида тушунча..... 369

19-боб. ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИНГ БОШҚА ФАНЛАР ЎРТАСИДА ТУТГАН ЎРНИ ВА УЛАР БИЛАН АЛОҚАДОРЛИГИ

19.1 Иқтисодий таҳлилнинг бошқа фанлар билан алоқаси..... 375

19.2. Иқтисодий таҳлилининг бошқаришда тутган ўрни 377

19.3. Иқтисодий таҳлилнинг иқтисодиётга оид фанлар билан боғлиқлиги..... 378

19.4. Иқтисодий таҳлилнинг иқтисодиётга оид бўлмаган фанлар билан боғлиқлиги..... 384

20-боб. ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

20.1 Иқтисодий таҳлилни ташкиллаштириш босқичлари..... 390

20.2. Иқтисодий таҳлил билан ким шуғулланади 391
20.3. Иқтисодий таҳлилда ўрганиладиган кўрсаткичлар 392
20.4. Иқтисодий таҳлилни амалга ошириш босқичлари 400
20.5. Таҳлил натижаларини расмийлаштириш 401

21-боб. ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИНГ ТУРЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ, УЛАРНИНГ ТАСНИФИ ВА ТАВСИФИ

21.1. Иқтисодий таҳлил турлари ва шакллари тўғрисида тушунча..... 405
21.2. Иқтисодий таҳлил турларининг таснифлаш белгилари..... 406
21.3. Иқтисодий таҳлилни иқтисодий мазмуни бўйича таснифлаш..... 407
21.4. Иқтисодий таҳлилни замон нуқтаи назаридан таснифлаш..... 408
21.5. Иқтисодий таҳлилни макон нуқтаи назаридан таснифлаш..... 411
21.6. Иқтисодий таҳлилни таҳлил қилувчи субъектлари бўйича таснифлаш..... 411
21.7. Иқтисодий таҳлилни тармоқ тамойили бўйича таснифлаш..... 413
21.8. Иқтисодий таҳлилни кенгайтирилган ишлаб чиқариш босқичлари бўйича таснифлаш..... 415
21.9. Иқтисодий таҳлилни компьютерлаштириш даражаси бўйича таснифлаш..... 416
21.10. Иқтисодий таҳлилни ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ўрганиш бўйича таснифлаш..... 417
21.11. Иқтисодий таҳлилни ўрганилаётган объектни қамраб олиш даражаси бўйича таснифлаш..... 419
21.12. Иқтисодий таҳлилнинг шакллари..... 420

II-қисм. ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ШАКЛЛАРИ

22-боб. КОМПЛЕКС ТАҲЛИЛ МЕТОДОЛОГИЯСИ, МАЗМУНИ ВА УНДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН УСУЛЛАР

22.1. Комплекс таҳлилнинг моҳияти..... 424
22.2. Комплекс баҳолашнинг жамлаш усули..... 428
22.3. Комплекс кўрсаткични аниқлашда ўринларини қўшиш усули..... 431
22.4. Комплекс баҳолашнинг нисбий кўрсаткичли усули..... 434
22.5. Комплекс баҳолашнинг кўрсаткичлар муҳимлигини инобатга олиш усули..... 438
22.6. Комплекс баҳолашнинг масофа усули..... 440

23-боб. ФУНКЦИОНАЛ ҚИЙМАТ ТАҲЛИЛИ МЕТОДОЛОГИЯСИ ВА УНДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН УСУЛЛАР

23.1. Функционал қийматнинг зарурлиги ва вазифалари 446
23.2. ФҚТ нинг вужудга келиш тарихи..... 448
23.3. ФҚТ моҳияти, мазмуни ва хусусиятлари..... 449
23.4. ФҚТнинг бозор муносабатлари шароитидаги вазифалари..... 451
23.5. Ф ҚТни амалга ошириш босқичлари..... 453
23.6. ФҚТда қўлланиладиган эвристик усуллар..... 458
23.7. ФҚТ да қўлланиладиган “Фикрлар ҳужуми” усули..... 462
23.8. ФҚТ самарадорлиги 466

24-боб. ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ МЕТОДОЛОГИЯСИ

24.1. Қиёсий таҳлилнинг моҳияти, вазифалари ва ўзига хос талаблари..... 470
24.2. Қиёсий таҳлилда қўлланиладиган ахборотлар ва уларга қўйиладиган талаблар..... 472

24.3. Қиёсий таҳлилда қўлланиладиган кўрсаткичлар тизими..... 477
24.4. Қиёсий таҳлилда ички имкониятларни (резервларни) ахтариб топиш йўллари..... 480
24.5. Қиёсий таҳлилни ташкиллаштириш..... 487

25-боб. SWOT ТАҲЛИЛНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕТОДОЛОГИЯСИ

25.1. SWOT таҳлил тушунчаси..... 493
25.2. Ижтимоий-иқтисодий жараёнларга баҳо беришда SWOT таҳлилдан фойдаланиш..... 495
25.3. Кўрилаётган масаланинг кучли томонлари..... 499
25.4. Кўрилаётган масаланинг имкониятлари..... 501
25.5. Кўрилаётган масаланинг заиф томонлари..... 504
25.6. Кўрилаётган масала бўйича таҳдидлар..... 507
25.7. SWOT таҳлилни ўтказиш бўғинлари ва стратегик мақсадлари..... 511

26-боб. МАРКЕТИНГ ТАҲЛИЛИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

26.1. Маркетинг таҳлили мақсади ва вазифалари..... 517
26.2. Маркетинг таҳлилининг ҳаётийлик ҳалқаси, принциплари ва уларни амалга ошириш йўллари..... 521
26.3. Корхоналарда баҳо сиёсати ва рақобатбардошликни мустаҳкамлашнинг айрим йўналишларини таҳлил қилиш йўллари..... 525
26.3.1. Корхоналарнинг баҳо сиёсатининг мазмуни..... 525
26.3.2. Корхоналарнинг баҳо сиёсатини тартибга солиш орқали рақобатбардошликни таъминлаш ва баҳолаш йўллари..... 528
26.3.3. Товарлар сифати ва баҳосининг истеъмолчиларга қулайлигини аниқлаш ва баҳолаш йўллари..... 531

26.3.4. Корхоналар товарларининг рақобатбардошлигини таъминлашда бошқарув таҳлилининг вазифалари.. 534
26.3.5. Рақобатбардошликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари..... 538

27-боб ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

27.1. Тизимли таҳлил фанининг назарий масалалари..... 552
27.2. Тизимли таҳлил тарихига оид айрим далиллар..... 556

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР 560

М. Қ. ПАРДАЕВ

ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ НАЗАРИЯСИ

4-нашр

Тошкент – «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi» – 2021

Муҳаррир: М.Ҳайитова
Мусаввир: У.Ортиқов
Компьютерда саҳифаловчи: Ш.Миркосимова

E-mail: tipografiyacnt@mail.ru Тел: 97-450-11-14, 93-381-22-07.
Босишга рухсат этилди 10.12.2021.
Бичими 60x84 $^{1}/_{16}$. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.
Шартли босма табоғи 37,25. Нашр босма табоғи 36,75.
Тиражи 300. Буюртма № 171.

«Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi»
босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш., Фозилтепа кўчаси, 22-б уй.

B5000

65.05

ISBN 978-9943-7670-5-8